

АЗИЗА МУХСИЕВА, УМИДА АБИРОВА

ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ

(Дарслик)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗА МУХСИЕВА, УМИДА АБИРОВА

ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ

(Дарслик)

Бакалавр таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган

“LESSON PRESS” nashriyoti
Тошкент – 2023

УО‘К: 37.018.1(075)

КВК :74.9ya7

Мухсиева А, Абирова У. Оила педагогикаси /Дарслик. – Ташкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2023. – 482 бет.

Дарслик “Оила педагогикаси” фани ўкув курсининг дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда оила педагогикасининг назарий асослари, оилаский ҳаётнинг шахс ҳаётидаги ўрни, оиласда баркамол шахсни тарбиялаш, ота-оналарнинг мажбуриятлари, хукуклари, ота-она обрўси, оила аъзоларининг шахс шаклланишидаги таъсири, ўғил ва қиз болалар тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари, оила маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигида оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг назарий хусусиятлари каби масалалар ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлигининг - сонли буйруғи билан тасдиқланган “Оила педагогикаси” фанининг намунавий дастури асосида тайёрланган ушбу дарслик педагогика олий ўкув юртларининг ота-она, талаба, магистр ҳамда мустақил изланувчилирига мўлжалланган.

Тақризчилар:

Салиева З.Т. – педагогика фанлари доктори, профессор

Мирзаева Ф.О – педагогика фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9910-747-27-4

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июн 434 – сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган.

© Мухсиева А.Ш., Абирова У.Н., 2023

© “LESSON PRESS” nashriyoti, 2023

СЎЗ БОШИ

“Оила педагогикаси” умумназарий хусусият ва аҳамиятга эга бўлган фундаментал педагогик фан ҳисобланади. Бинобарин, оила шахс тарбиясини амалга ошириш хусусиятига кўра жамиятнинг асосий ячейкаси саналади. Тарбиячи ўзида жисмоний, эстетик, меҳнат, ақлий ва ахлоқий тарбияни мужассам этгани боис ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг жамиятда муносиб шахс сифатида шаклланиши айнан тарбияга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонида “Ёш оиласарни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора тадбирлар тизимини амалга ошириш¹” – таъкидлаб бу борасидаги ишларимизни янада такомиллаштириш зарур эканлиги айтиб ўтилган.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг “.....биз учун мукаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро хурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоги зарур²” – деб таъкидлаб ўтганлар.

Олий таълим муассасаларида талабаларни маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш асосида оиласи қадрлаш, ёшларнинг энг соғ ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шакллантириш, таълим муассасаларидаги маънавий тадбирлар орқали ҳарактери, табиати ва дунёкараши, яхшилик ва ёвузлик, олийжаноб ва меҳр-оқибат каби тушунчаларнинг мазмун моҳиятини тушунтирилиши зарур ҳисобланади. Юзага келган ижтимоий маданий вазият ўз навбатида, келажак авлодни тарбиялашда миллийликка асосланиши кераклигини, ҳалқнинг кўп асрлар давомида ардоклаб келган миллий ахлоқий кадриятларининг педагогик

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон.

² Мирзиёев Ш.М. “Таҳқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятнинг кундалик қондаси бўлиши керак”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатизмизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисолид дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги мъэрузаси. Ҳалқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь

жараённинг асосий вазифасига айлантирилишини тақозо этмокда. Чунки бугунги жамиятда мавжуд ахлокий тушкунлик инсонни маънавий тарбиялаш анъаналари, тарбиянинг миллийлигини илмий идрок этиш ва ундан жамиятнинг маънавий камолоти сари ҳаракатида самарали қўллаш, тарбияда миллийликка асосланиш давр ва Янги тараккиёт талабидир.

Бу эса табиийки, педагогларимиз, айниқса бўлажак педагогларимизнинг оила педагогикаси фани бўйича тегишли назарий билимларга эга бўлишини тақозо этади.

“Оила педагогикаси” фанидан ўкув машғулотлари педагогика олий ўкув юртларининг 2-курс талабаларига бир ўкув семестри давомида ўtkазилади. Ўкув машғулотлари бевосита маъруза, амалий машғулотлар, мустақил таълим ҳамда таълимнинг бошқа замонавий шакллари ёрдамида амалга оширилади. Машғулотлар жараёнида талабалардан тавсия этиладиган ўкув ва илмий адабиётлар, мавзуга тегишли меъёрий хужжатлар билан самарали ишлаш кўникма-малакаларини пухта ўзлаштириш талаоб этилади.

Ўкув қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида тасдиқланган ўкув дастурига ва давлат таълим стандартларига мос равишда тайёрланган бўлиб, унинг максади талабаларни мазкур ўкув курсини чуқур ўзлаштиришларига ёрдам беришни назарда тутади.

“Оила педагогикаси” фани бўйича тайёрланган дарслик мавзуларини ёритишида республика ҳамда хорижий мамлакатларда зълон килинган илмий-педагогик адабиётлардан фойдаланилган.

Дарслик таркибий жиҳатдан қуидагича шакллантирилган: ҳар бир мавзу бўйича режа, таянч тушунчалар, мавзуга оид ўкув ахборотини ўзида акс эттирувчи матн, талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар, мавзуга оид адабиётлар рўйхати, амалий топшириклар ва уларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар, тест топшириклари, семинар машғулотларининг режаси, “Оила педагогикаси”га оид асосий тушунча ва атамалар лугати ҳамда мавзуларни янада чуқуррок ўрганиш учун тавсия этиладиган умумий адабиётлар рўйхати.

І БОБ. ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ – ЎҚУВ ФАНИ СИФАТИДА

ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАҚСАД, ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРЕДМЕТИ

Режа:

- 1.“Оила педагогикаси” фанининг мақсади, вазифалари ва предмети.
- 2.“Оила педагогикаси” фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.
- 3 “Оила педагогикаси” фанининг илмий тадқиқот методлари.

Таянч тушунчалар: оила, никоҳ, қон-кариндошлиқ, ота-она, фарзандлар, кекса авлод (бува, буви), қариндошлар, педагогика, оила педагогикаси, оила тарбияси, оила анъаналари, оила тарбияси тамойиллари.

“Оила педагогикаси” фанининг мақсади, вазифалари ва предмети. Ҳар қандай жамият оиласардан таркиб топади. Оила жамиятнинг кичик, бироқ, энг асосий бўғини саналади. Зоро, жамиятнинг мавжудлиги унда яшовчи кишиларни ўз ичига олган оиласарнинг борлиги билан белгиланади. Шунга кўра оила ва жамият ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамлиги, бир-бирини тақозо этиши ниҳоятда муҳим. Бу муҳимлик жамиятнинг ижтимоий, иктиносидий ва маданий жиҳатдан ривожланиши учун нафакат таълим муассасаларида, балки оиласада ҳам бола (фарзанд)лар тарбиясини тўғри, самарали ташкил этишни тақозо қилишида акс этади.

“Оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш³”- деб таъкидлаб ўтилган.

Кишилик тараққиётининг турли босқичларида ҳам оила тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинган. Тўғри, баъзан бу эътибор бир қадар суистлашган (собиқ Иттифоқ даврида социализм гояларига кўра шахснинг тарбиясида оила эмас, балки жамиятнинг етакчи ўрин тутиши алоҳида уқтирилар эди). Бироқ, шуни алоҳида атиб ўтиш лозим, хеч бир жамият ва ижтимоий тузумда оиласнинг шахс тарбиясидаги аҳамияти, ўрни ва роли бутунлай инкор этилмаган.

Ўзбекистон ҳудудида эса қадим-қадимдан оиласнинг ижтимоий-тарбиявий кучга эгалиги алоҳида эътироф этилиб, юксак баҳоланган. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида эса бу баҳонинг қиймати янада

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўрисида»ги ПФ-60-сон.

ошди. Жумладан, “Миллий истиқол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида оиланинг жамиятда тутган ижтимоий мавзеи, унинг жамият тараққиётига кўшадиган хиссаси, шахс тарбиясида ғоявий асос бўлувчи мафкуравий қарашларни шакллантиришдаги ролига алоҳида урғу берилади: “Оила – мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила – жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўтити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оиладаги соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир”⁴. Шу билан бирга ушбу рисолада “жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва ахилликни таъминлаш” республика маънавий ҳаётида устувор ўрин тутадиган миллий мафкурани шакллантириш, унинг мақсадларни амалга оширишда таянч бўлиши айтиб ўтилади.

Дарҳақиқат, оила ва жамият ўзаро яхлит экан, ўз-ўзидан ижтимоий тараққиётнинг негизи унинг муҳим бўғинида ташкил этиладиган тарбия мазмуни, ғоя ва тамойиллари асосида кўйилиши шубҳасиз. Шу сабабли Ўзбекистон тарихий тараққиётида янги давр бўлган мавжуд шароитда оиласида болаларни тарбиялаш масаласига ҳам янгича ёндашувни қарор топтириш тақозо этилмоқда.

Миллий мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон Республикасида педагогика фани тараққиётида янги босқич бошланди. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти миллий қадриятларни тикилаш, асраб-авайлаш, бойитиш, миллий мерос ва маданият намуналарини чукур ўрганиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий ҳаракатга уйғун равишда миллий педагогик таълимотларни тадқик килиш, шахсга таълим бериш, уни тарбиялаш борасидаги Шарқ ва Фарб тажрибаларини ўзаро мувофиқлаштириш асосида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришда, тобора жаҳон таълими стандартлари даражасига эришилаётганликда акс этади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида миллий таълим мазмунининг асоси бўлган – узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида ўқитиладиган ўқув фанларини илмий-методологик, ғоявий янгилаш, ижтимоий тараққиёт, илм-фан, техника ва технология соҳаларида

⁴ Миллий истиқол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 66-бет.

эришилаётган энг сүнгги ютуклар билан бойитиш, илғор методика ҳамда педагогик технологияларни ўқитиш жараёнига самараали татбик этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жамиятнинг мавжуд эҳтиёжидан келиб чиқиб, узлуксиз таълим тизимида муайян ўкув фанларини ўқитиш йўлга кўйилди. Мавжуд ўкув фанлар мазмунни баркамол шахс камолотини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга қарашлар, тамоиллар билан бойитилди. Хусусан, мустақилик йилларида олий таълим тизимида педагогик туркум фанлар сирасида алоҳида ўринга эга бўлган “Оила педагогикаси” фанининг назарий-методологик асослари янада ривожлантирилди, асрлар давомида миллий педагогикада кўлланилиб келаётган шакл, метод ва воситалар билан бойитилди.

Оила – жамиятнинг ажралмас бўлаги. Бирор бир ҳалқ, миллат ёки жамият йўкки, у ўзининг ривожланиш тарихида ва тараққиёт истиқболини белгилашда оила ва унинг атрофидаги муаммоларни, қадриятларини инобатга олмаган бўлса. Ҳар қандай истиқбол оиланинг манфаатларидан алоҳида тасаввур қилинмайди. Зеро, ҳар бир инсон учун оила – бу умринг бошланиши, барча нарсаларнинг муқаддимасидир. Қолаверса, ҳар бир инсон ўз баҳти ва саодатини, энг аввало, оиласи билан боғлайди, яъни, ўз уйи, оиласида баҳтли бўлган инсонгина ўзини тўлақонли баҳтиёр ҳис этади.

Оила – ижтимоий институтларининг энг қадимгисидир. Инсоният тарихи қанчалик турфа ва мураккаб бўлишига қарамай, айниқса, ушбу маскан ўз тизими, таркиби ва жамият олдидаги мажбуриятларини бажариш нуқтаи назаридан асл моҳиятини сакланиб қолган **ижтимоий тузилма** саналади

Жамиятнинг ажралмас бўлаги бўлган оила нафакат ҳар бир шахс, балки ҳар бир миллат, элат тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутади. Бирор бир ҳалқ, миллат ёки жамият йўкки, у ўзининг ривожланиш тарихида ва тараққиёт истиқболини белгилашда оила ва унинг атрофидаги муаммоларни, қадриятларини инобатга олмаган бўлса. Ҳар қандай жамиятнинг ривожи, миллатнинг тараққий этишида оиланинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов куйидагиларни баён этади: “Ҳар кайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсdir. Чунки инсоннинг

энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳәёттү тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёкарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби мукаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида карор топиши табиийдир⁵.

Оила никоҳга ёки аъзоларининг ижтимоий турмуш тарзи, ўзаро ахлоқий жавобгарлиги ва ўзаро ёрдамига асосланган қон-кариндошларнинг кичик гурухи⁶.

Инсонпарвар демократик хуқукий давлатда мавжуд бўлган оиласа куйидагича таъриф мавжуд: “Оила жамиятнинг табиий ва асосий бўғини бўлиб, юридик маънода никоҳ, қариндошлиқ, фарзандликка олиш ёки бошқа шаклларда болаларни доимий тарбияга олишдан келиб чиқадиган тегишли хуқуқ ва мажбуриятлар билан бояланган шахслар доирасидан иборат бўлган миллий мустақиллик мафкурасига, умуминсоний қадриятлар ва шарқона анъаналарга асосланган оиласий муносабатларни ривожлантириб, уни мустаҳкамлашга қаратилган фуқаролар иттифоқидан иборатдир”⁷.

Психолог олимлар оиласи кичик бир ижтимоий гурух сифатида таърифлайдилар. Оиласи ташкил этувчи ушбу гурух никоҳ орқали ҳамда яқин уруғчилик ришталари билан бир-бирига бояланган бўлиб, улар ўртасидаги муносабатларга хос бўлган муҳим жиҳатлар – бу ўзаро меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, масъулиятлилик ва албатта, ҳаёт, турмуш тарзидаги умумийликдир⁸.

Социология оиласа яхлит ижтимоий организмнинг қисми, жамият бўғини, ижтимоий тарбия жамоаси сифатида қарайди. Ижтимоий-иктисодий соҳада содир бўлаётган ўзгаришлар албатта, оиласа ўз аксини топади. Бироқ бошқа – ишлаб чиқариш, касбий, сиёсий-ижтимоий бирлашмалардан фарқли равишда оила тўғридан-тўғри қайта куришга учрамайди. Оиласининг ахлоқий, психологик жиҳатдан янгиланиши узок, мураккаб, қарама-қаршиликларга боялик жараёндир.

Иккисодий ўзгаришларга нисбатан янги ахлоқ меъёрларга асосланган ижтимоий муносабатлар оиласа секин суръатларда шаклланади.

⁵ Каримов И. Юксак маънавият – сингилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 52-бет.

⁶ Педагогический энциклопедический словарь – Москва: Владос, 2002. – С.257.

⁷ Каримова О. Оила хуқуқи асослари – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2003.

⁸ Каримова В. Оиласий ҳаёт психологияси – Тошкент: Фан, 2006. – 10-бет.

Оилавий ўзгаришларнинг амалга ошишида ижтимоий-иктисодий омиллардан ташкари биологик, психологик, демографик омиллар ҳам иштирок этади.

Психологларнинг кайд этишича, шахс ҳаётининг бирдан-бир түгри йули – бу оилавий ҳаёт саналади. Оилавий ҳаётнинг самарааси унда соглом муҳит қарор топганлиги билан белгиланади. Бинобарин, “оила соглом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир”⁹.

Оила инсон учун меҳнат қобилиятини тиклаш ва дам олиш жойи. Шунингдек, оила муҳим тарбия ўчоги ҳамdir. Оилада болалар тарбиясида ота-боболар, момолардан қолган, минг йиллар мобайнида ҳаёт синовларидан ўтган яхши удум, одатлар мавжуд. Педагог олима М.Иномова оиланинг қуидаги жиҳатларини алоҳида ажратиб кўрсатган:

- оила ўзига хос ва тақрорланмас таъсирга эга;
- оила бола учун ўзига хос “кўзгур” бўлиб, ота-онанинг шахсий намунаси, ибрати бола тарбиясида муҳим аҳамият касб этади;
- оила ўзига хос ҳиссиятлар оламидан иборат бўлиб, унда ижобий ва баъзан салбий ҳис-туйгулар жамулжам бўлади;
- оила шароитида болаларда ўзгаларга нисбатан ҳамдардлик туйгулари ҳам тарбияланади;
- оиладаги майший турмушда боланинг иштирок этиши ҳам ахлоқий тарбиянинг муҳим омили саналади;
- оила – эр-хотинлик, ота-оналик вазифаларини акс эттиради. Ота-онанинг бир-бирига бўлган муҳаббати болага таъсир кўрсатадиган асосий тарбиявий омиллардан бирига айланиши мумкин¹⁰.

Демак, оила – тарбиявий жамоа ва ҳеч ким ҳеч қандай ҳолатда оиланинг вазифасини бажара олмайди.

Оила ҳаёти кўп томонламали муносабатлар билан тавсифланади: ижтимоий-биологик, хўжалик-иктисодий, ахлоқий, психологик. Оила ривожининг ҳар бир босқичи бир функциясининг тугаши, бошқасининг пайдо бўлиши, унинг аъзоларининг ижтимоий фаолиятининг ўсиб бориш кўлами ва тавсифи билан боғлиқ. В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев,

⁹ Каримов И. А. Юксак маънавият – сингилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 58-бет.

¹⁰ Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ. 1999. – 20-21-бетлар.

Е.Н.Исаевларнинг фикрича, оила жамият ва шахсга муносабати бўйича муҳим ижтимоий аҳамиятга эга функцияларни бажаради.

Хўш, олий таълим тизимида “Оила педагогикаси”нинг ўқув фани сифатида ўқитилиши қандай назарий ва амалий аҳамиятга эга? Ушбу ўқув фани доирасида қандай масалалар ўрганилади? Бўлажак педагог ҳамда психолог сифатида талабалар “Оила педагогикаси” бўйича қандай билим, кўнікма ва малакаларни ўзлаштира олишлари зарур?

“Оила педагогикаси” фанининг моҳиятини тўла англаб олиш учун юкоридаги каби саволларга жавоб топиш талаб этилади. Куйида ана шулар тўғрисида сўз юритилади.

Ўқув фанининг умумий моҳиятини англаб олишда ҳар бир фан, ўқув фани асосларини ўзлаштиришда бўлгани каби таня тушунчалар мазмунидан етарлича хабардор бўлиш талаб этилади.

“Оила педагогикаси” ўқув фанининг марказида **оила**, **никоҳ**, **қонқариндошлиқ**, **ота-она**, **фарзанд** (**фарзандлар**), **кекса авлод** (бува, буви), **оила тарбияси** каби тушунчалари ётади.

Оила ҳар бир шахс ҳаётида ўта муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир шахс оиласида дунёда келади, унда қарор топган муҳитда яшайди, камолотга эришади, тарбияланади. Шахснинг руҳияти, ирсий, этник ҳамда ментал хусусиятлари, ахлоқий, жисмоний, иродавий сифатлари ва дунёкарашининг шаклланишида ҳам оила “ядро” бўлиб хизмат қиласи.

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да “оила” атамаси араб тилидан таржима қилинганда “бола-чака”, “хонадон”, “урӯғ”, “авлод” маъноларини англатилиши айтилиб, у бевосита шахсга даҳлдорлик нуқтаи назаридан тушунча сифатида шундай таърифланади: “Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи”¹¹. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да эса оиласида никоҳ ёки туғишганликка асосланган кичик гурух¹² эканлиги таъкидланади.

Демак, **оила** – ўзаро розиликка асосланган никоҳ ва қонқариндошлиқ ришталари асосида бирлашган кишилар мажмуи. Оиласида шаклланиши ва мавжуд бўлиши негизида икки жинс – эр ва хотин ўртасида тузилган никоҳ ётади. **Никоҳ** – оила куриш, фарзанд

¹¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Н – Тартибли / 5 жилди. Учинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 97-бет.

¹² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Мирриш – Пархиш / 6-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003 – 469-бет.

кўриш ва уларни тарбиялаш мақсадида икки жинс вакилларининг ўзаро розилиги асосида тузилган, хуқукий жиҳатдан расмийлаштирилган иттифоқи¹³

Расмий никох унга киришаётган икки жинс вакили – эркак ва аёлга биргаликда кечириладиган турмушда, шунингдек, туғиладиган фарзандлар олдида маълум мажбурият (бурч) ва хуқукларга эга бўлиш имкониятини яратади. Шу билан бирга оила шакллантирилгандан сўнг фарзандларнинг туғилиши ўз-ўзидан никоҳланган икки жинс вакили – эркак ва аёлнинг ота ҳамда она мақомига эга бўлишини таъминлайди. **Ота ва она биологик жиҳатдан фарзандларга эга бўлиб, уларга ижтимоий-хуқукий жиҳатдан васийлик қилиш, кексайган чоғларида эса уларнинг гамхўрликларига муносиб бўлган эркак ва аёл. Фарзанд (фарзандлар) – битта ота-онадан дунёга келган ўғил ёки қиз (лар).**

Оила ота-она ва фарзандлардангина иборат бўлмай, балки кекса авлод (бува, буви) ҳамда қариндошларни ҳам ўз ичига олади. **Бува** – ота ёки онанинг отаси бўлса, **буви** – ота ёки онанинг онаси саналади. Қариндошлар оиласа қондошлиқ нуқтаи назаридан бирлашади. **Қариндошлиқ** – бир авлод-аждодга мансуб бўлиб, бир неча кишидан иборат гурухни қондошлиқ асосида муайян оиласа бирлашишини ифодаловчи биологик-ижтимоий ҳодиса.

“Педагогика” (юн. “παιδαγωγική”; “паіс” (“паис”) – бола, “ἄγω” (“агогос”) – етаклайман) тушунчаси эса “шахсни шакллантиришга қаратилиб, муайян тизим асосида ташкил этиладиган фаолият, таълим-тарбиянинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари ҳақидаги фан”¹⁴ маъносини англатади. Оддийроқ килиб айтганда, “педагогика” тушунча сифатида шахсни шакллантиришга хизмат қиласиган таълим ҳамда тарбиянинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари тўғрисида маълумот берадиган фан (фанлар туркуми)ни ёритади.

Юкорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда ўкув фани сифатида “оила педагогикаси” тушунчасини шундай таърифлаш мумкин:

¹³ Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Аминов, Масъул мухаррир А.Мажидов – Тошкент: “Ўзбекистон Миллӣ энциклопедияси” Давлат илмий изори, 2010. – 306-бет.

¹⁴ Педагогика Изоҳли лугат / Ў.Аскарова, М.Усмонбоева, Х.Рахматова, Ф.Эхсонова, Ф.Аскарова. – Наманган: Наманган тавлат университети, 2014. – 149-бет.

“Оила педагогикаси” – оилада фарзанд(лар)ни камолга етказиш, тарбиялашда ота-оналар ёки кекса авлод вакиллари (бува ва бувилар) томонидан ташкил этиладиган тарбия мазмуни, жараёни, тамойил, етакчи гоя, шакл, метод ва воситалари ҳақида маълумот берадиган ўкув фанидир.

Маълумки, ҳар бир фан, шу жумладан, ўкув фани олдига муайян мақсад қўйилади. Одатда ўкув фанлари (ҳар қандай фан)нинг мақсади унинг моҳиятини умумий нуқтаи назардан ёритишга хизмат қилади.

“Оила педагогикаси” фанининг мақсади: талаба-ёшларга оила тарбиясининг умумий асослари (мазмуни, қонуниятлари, тамойиллари, ўзига хос жиҳатлари, устувор ғоялари, самарали шакл, метод ва воситалари)га оид назарий билимларни бериш, уларни булажак педагог сифатида оилаларга болалар тарбиясини тұғри, самарали ташкил этишда педагогик ёрдам кўрсатишига тайёрлашдан иборат

“Инсон ижтимоий биологик жонзот сифатида ўзининг яшashi учун зарур бўлган овқат ейиш, нафас олиш, ухлаш, жинсий ҳаёт, иссиқ-совукдан ҳимояланиш ва шу кai биологик эҳтиёжларини, инсонлар билан ўзаро мулоқот, жамияда ўз ўрни ва мавқеига эга булиш, фарзандлар тарбияси, ўзининг яшashi ва ижод қилиши, саломатлигини саклаши, уй-жой, кийим-кечакка бўлган эҳтиёжларини, шунингдек, фаровон турмуш кечириши учун зарур бошқа шароитларни яратиш кабилардан иборат бўлган ижтимоий эҳтиёжларини, моддий эҳтиёжларини қондириш, ўз-ўзини ва атроф-борлиқни англаш, қадриятларни билиб олиш, ҳаётнинг мазмунини тушуниш орқали ўз йўлини топиб олиш каби маънавий эҳтиёжларини оиласиб шароитда амалга оширади. Инсон ўзининг юқорида санаб ўтилган асосий эҳтиёжларини фақат оиладагина тўла қондира олади”¹⁵.

¹⁵ Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Аминов. Масъул мухаррир А.Мажидов. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – 323-324-бетлар.

Юкорида билдирилган фикрлар “Оила педагогикаси” ўкув фанининг предмети нимадан иборат” деган саволга жавоб топиш имконини беради.

“Оила педагогикаси” фанининг предмети оила тарбиясининг умумий асослари (мазмуни, қонуниятлари, тамойиллари, ўзига хос жиҳатлари, устувор гоялари, самарали шакл, метод ва воситалари)га оид фоя, қараш, концепция, назария ва таълимотлар йигиндисидан иборат

Ўкув фани сифатида “Оила педагогикаси” аниқ мақсадни ифодалаш билан бирга муайян вазифаларни ҳам ҳал қилишга йўналтирилган.

“Оила педагогикаси” қўйидаги вазифаларини ҳал қилади:

- талабаларни оиласининг ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий ва маданий асослари, оиласининг шахс ҳаётидаги ўрни, оиласининг функциялари, оила тарбиясининг ижтимоий аҳамияти, тарбиявий имкониятлари, оила турлари, муайян турдаги оилаларнинг шахс ривожига таъсири, шунингдек, замонавий ўзбек оилалари ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, оила тарбияси муаммолари, оиласда болалар тарбиясини самарали ташкил этишга оид маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг тажрибалари, бу борадаги илфор ютуқларни амалиётга татбиқ этиш йўллари билан яқиндан таништириш;

- талабаларга оила тарбиясининг умумий асослари (мазмуни, қонуниятлари, тамойиллари, устувор гоялари, самарали шакл, метод ва воситалари), оила ва ижтимоий тарбиянинг яхлитлиги, шунингдек, отаоналар ва педагоглар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти, технологиялари хусусида маълумот бериш;

- талабаларда оила педагогикасига нисбатан Farb ва Шарқ мамлакатларидаги ёндашув, ушбу ёндашувларнинг шахс рухиятининг шаклланиши, камолотини таъминлашдаги ҳиссаси борасидаги тасаввурларни ҳосил қилиш ҳамда ота-оналарнинг педагогик маданиятини ривожлантириш йулида илмий изланишларни олиб бориш кўнгилмаларини шакллантириш;

- талабалар томонидан оила тарбиясининг шахсни камолотидағи ролининг муносиб баҳоланишини таъминлаш;

- талабаларни бўлажак педагог сифатида оилаларда ташкил этиладиган болалар тарбиясининг самарали бўлиши, оила тарбиясини йўлда кўйишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда методик ёрдам кўрсатишга муваффакиятли тайёрлаш;

- талабаларда келгусида таълим муассасаларида олиб бориладиган педагогик фаолиятни оилаларда йўлга қўйилаётган тарбия билан ўзаро мувофикалаштиришга эришиш кўнинма, малакаларини шакллантириш.

- талабаларда бўлажак оила соҳиби (ота ёки она) сифатида ижтимоий фаолликни шакллантириш.

Ўкув фанининг предмети ўз навбатида “Оила педагогикаси” фанининг айнан қайси масалаларни ўрганиши борасидаги тасавурларни ойдинлаштиради. “Оила педагогикаси” ўкув фани кўйидаги масалаларни ўрганади:

- оила педагогикасининг назарий муаммолари аниқлаш;
- оила тарбиясини ташкил этиш борасидаги илгор, самарали иш тажрибаларини ўрганиш;
- замонавий шароитда ижтимоий, иқтисодий, маданий, технологик соҳаларда эришилаётган ютуқларни оила педагогикаси амалиётига изчил татиқ этиш;
- ота-оналар ёки болалар тарбиясига масъул шахс (vasiy)ларнинг педагогик маданиятини ривожлантириш;
- ижтимоий ва оила тарбиясини, шунингдек, ижтимоий ва оила тарбиясини муваффакиятли ташкил этишга хизмат қиладиган технологияларни ўзаро мувофикалаштириш.

“Оила педагогикаси” ўкув фанининг асосий манбаи ўзбек халқининг оиласида болалар тарбиясини самарали ташкил этиш борасида асрлар давомида шаклланланган бой ҳаётий тажрибаси, болалар тарбиясига нисбатан ёндашувлари, миллий урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналари (алла, лапар, эртак, афсона, масал, матал, мақол, панд, насиҳат, ўғит ва қаҳрамонлик эпослари) саналади.

Демак, “Оила педагогикаси” фани ота-онанинг ёш авлод тарбиясини самарали ташкил этишга йўналтирилган педагогик фаолиятининг мазмуни, умумий қонуниятлар, тамойиллар, асосий шакллари, методлари, воситалари ҳамда технологиясини ёритишга хизмат қилади.

“Оила педагогикаси” фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги. Ўз моҳияти, амалий аҳамиятига кўра “Оила педагогикаси” фани ижтимоий фанлар сирасига киради. Шунга кўра у бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ҳам ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда ривожланади.

“Оила педагогикаси” фанининг ривожига бевосита таъсир кўрсатувчи фанларни уларнинг йўналишига кўра қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал. Оила педагогикаси” фанининг ривожига бевосита таъсир кўрсатувчи фанларнинг гурухлари

№	Фанлар туркуми	Фанлар
1.	Педагогик туркум фанлар	“Мактабгача таълим педагогикаси”, “Бошлангич таълим педагогикаси”, “Педагогика назарияси ва амалиёти”, “Ижтимоий педагогика”, “Педагогик технология”, “Педагогик маҳорат”, “Педагогик конфликтология” ҳамда “Тарбиявий ишлар методикаси”
2.	Психологик фанлар	“Умумий психология”, “Ижтимоий психология”, “Ёш ва педагогик психология”
3.	Гуманитар фанлар	“Миллӣй истиқлол гояси ва маънавият асослари”, “Этнография”, “Ахлоқшунослик”, “Эстетика асослари”, “Оила ҳуқуки”
4.	Табиий фанлар	“Ёш физиологияси ва гигиена”, “Иқтисодиёт асослари”

Қўйида “Оила педагогикаси” фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги ва уларнинг асосларидан фойдаланиш имкониятлари хусусида сўз юритилади.

“Мактабгача таълим педагогикаси” – мактабгача таълим ёши болаларини тарбиялаш, уларга бошлангич билимларни бериш масалаларининг тадқиқи билан шуғулланувчи фан. У ота-оналарнинг мактабгача таълим ёшидаги болаларни тўғри тарбиялаш, мазкур ёш даврининг ўзига хос хусусиятларга таянган ҳолда болаларда муайян кўнималарни шакллантириш, маънавий-ахлоқий сифатларни

тарбиялашга ёрдам беради. “Мактабгача таълим педагогикаси” фани шу ёшдаги болалар нутқини бойитиш, организмни тўғри парваришлар, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда уларда маълум ҳаракат кўнікмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Шу блан бирга ушбу фан мактабгача таълим ёши болаларини мактаб таълимига самарали тайёрлаш йўллари, шакл, метод ҳамда воситалари тўғрисида маълумотларни бериш имкониятига эга. Мактабгача таълим ёшида болалар ҳётида ўйин фаолияти етакчи ўрин тутади. Шу сабабли ота-оналар фаннинг имкониятларига таянган ҳолда болаларни ўйин фаолияти орқали ижтимоий муносабатларга самарали тайёрлаш имкониятини кўлга киритадилар.

“Бошланғич таълим педагогикаси” – бошланғич синф ўқувчиларининг ёш, психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнининг мазмуни, қонуниятлари, тамойиллари, таркибий тузилмаси, шакл, метод ва воситаларини ўрганадиган фан бўлиб, у оиласда болалар тарбиясини ташкил этишда бошланғич таълим ёшидаги болаларнинг ёш, психологик хусусиятларига таяниш имкониятини таъминлайди. Бошланғич синф ўқувчиларини мактаб таълимига самарали мослашишларини таъминлашда она-оналарга яқиндан ёрдам беради. Бу ёш даври болаларини тўғри тарбиялашда уларнинг қатъий белгиланган кун тартибига эга бўлишлари, ўқиш ва ўйин фаолиятини уйгуналаштира олиш мақсадга мувофиқдир.

“Педагогика назарияси ва амалиёти” – муайян тизим асосида ташкил этиладиган педагогик фаолият, таълим-тарбиянинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари, шунингдек, педагогик фикрларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихини, турли даврларда бола тарбиясини ташкил этишга оид билимларнинг шаклланишини тадқиқ қилувчи фан. Ушбу фан оиласда фарзандлар тарбиясини ташкил этишда ота-оналарни инсоният, хусусан, ўзбек халқи томонидан тўплланган тарихий тажриба билан яқиндан таниширишга хизмат қилади. Хусусан, халқ педагогикасининг етакчи гоялари, болаларда ижобий сифатларни тарбиялаш, улардаги салбий одатларни бартараф этишда кўлланиладиган халқона педагогик фаолиятнинг самарали, шакл, метод ҳамда воситалар, оиласда фарзандлар тарбиясини ташкил этишга нисбатан миллый ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларига оид маълумотлар

билан ота-оналарни таништиришда “Педагогика назарияси ва амалиёти” фани ўзига хос ўрин тутади.

“Ижтимоий педагогика” – шахсни ижтимоийлаштириш конуниятлари, вояга етмаганлар билан боғлиқ ижтимоий муаммолар (педагогик қаровсизлик, болалар ичкиликбозлиги, вояга етмаганлар, жиноятчилиги, гиёхвандлиги ва фоҳишабозлиги кабилар)ни педагогик нұқтаи назардан ҳал қилиш, ижтимоий педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш технологияларини яратиш масалаларини ўрганадиган фан. Оила тарбиясини ташкил этишда ота-оналарнинг “үтиш даври” – ўсмирликнинг ўзига хос хусусиятлари, бу даврда ўсмирлар хулқида кузатилладиган педагогик оғиш, ўсмирларни тұғри тарбиялаш йүллари, шакл, метод, воситалари, шунингдек, уларнинг шахсида күзга ташланадиган салбий сифатларни бартараф этишга оқилона ёндашув, ўсмир ҳамда ўспириналарни ижтимоий-фойдалы мекнатта жалб этишнинг педагогик афзаллиги кабилардан хабардор қилишда “Ижтимоий педагогика” фани мұхим аҳамиятта эга. Қолаверса, мазкур фан ота-оналарни педагогик қаровсизлик, болалар ичкиликбозлиги, вояга етмаганлар, жиноятчилиги, гиёхвандлиги ва фоҳишабозлиги каби салбий ижтимоий иллатлардан мухофаза қилиш, вояга етмаганларда соғлом турмуш тарзи күникмаларини мұваффакиятли шактлантиришга оид назарий ҳамда амалий билимлар билан куроллантиради.

“Педагогик маҳорат” – бұлажак педагог (ўқитувчилар)да педагогик жарапнан методик жиҳатдан тұғри, самарали ташкил этиш, үқитувчи ва үкувчи муносабатларини оқилона йүлга күйиш, бұлажак мутахассисларни касбий фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш масалаларини ўрганадиган фан. Ушбу фан асослари ота-оналарнинг педагогик билимларини бойитиш билан бирга уларда шахслараро, хусусан, оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни юксак маҳорат билан ташкил этиш күникма ҳамда малакаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ота-оналарнинг педагогик маҳорат асосларидан хабардорлуклари оила тарбиясини ташкил этишда ўзлари билан фарзандлар ўртасыда ижтимоий муносабатларнинг меҳр-муҳаббатта, ўзаро ёрдамга асосланишини таъминлаб, ҳар кандай зиддиятни бартараф этади. Фаннинг имкониятларидан фойдаланиш ота-оналар томонидан фарзандлар билан бўладиган муносабатларда мулокот услуги (авторитар, либерал ва демократик услуги)нинг тұғри

танданишига олиб келади. Колаверса, оила шароитида фарзандларнинг билим олишлари ва муайян маънавий-ахлоқий сифатларни ўзлаштиришларида ота-оналарнинг педагогик махорат моҳиятини ёритувчи билимдонлик, қобилият, мулокот, коммуникатив таъсир кўрсатиш, педагогик техника, нутқ техникаси, рефлексия, релаксация, шу билан бирга ташкилотчилик қобилиятига эга бўлишлари оила тарбиясининг самарадорлигини оширади.

“Педагогик конфликтология” – педагогик конфликтларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиш асосида ижобий хусусиятга эга зиддиятларни бойитиш, улардан мақсадли фойдаланиш, салбий характердаги низоларни бартараф этиш йўллари, тамойиллари, шакл, метод, восита ва технологиясини ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбик этишини тадқиқ этувчи фан. Ота-оналар педагогик конфликтларнинг моҳиятидан хабардор бўлар эканлар, оила аъзолари ўртасидаги юзага келадиган зиддиятларни тўғри баҳолаш, ижобий характердаги зиддиятлардан оила тарбияси самарадорлигини оширишда фойдаланиш, салбий характердаги низоларни эса ўз вақтида аниқлаб, тезда бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга “Педагогик конфликтология” фани ота-оналарга оиласвий муносабатларни салбий низоларсиз йўлга кўйишига ёрдам беради. Ота-оналарнинг низолар тўғрисидаги билимларига эга бўлишлари фарзандларни болалар жамоасида юзага келадиган низоларга нисбатан тўғри ёндашишига ҳам ўргатишига хизмат қиласди. Шундай вазиятлар бўладики, фарзандлар мустақил равишда болалар жамоасда юзага келган низоларни ҳал кила олмайди. Ана шу ҳолатларда ота-оналар уларга амалий ёрдам кўрсатади. Агарда уларнинг низоларнинг моҳиятига оид билимлари етарли бўлса, у ҳолда фарзандларга берадиган кўрсатмалари ҳам ижобий натижаларни кафолатлади.

“Тарбиявий ишлар методикаси” – ўқувчилар жамоасида ташкил этиладиган маънавий-маърифий ишларнинг шакл, метод ва воситалари, уларни ташкил этиш, ўtkазиш ва натижаларини таҳлил килиш масалаларини ўрганувчи фан. Тарбиясини ташкил этишда ота-оналарнинг тарбиявий ишларни самараали ташкил этишига оид педагогик, методик билимларни пухта ўзлаштира олишлари нихоятда муҳим. Зоро, оила педагогикасининг асосини оиласада тарбиявий ишларни тўғри, самараали ташкил этиш этиш ташкил қиласди. Шу сабабли ота-оналар ҳар

бир хатти-харакатларининг тарбиявий моҳиятга, таъсирга эгалигини чукур англаб етишлари зарур. Албатта, оиласда ташкил этиладиган тарбиявий (маънавий-маърифий) ишлар таълим муассасаларида бўлгани каби режа, дастур ҳамда маҳсус тайёргарлик асосида амалга оширилмайди. Оила тарбиясининг мураккаблиги, кийин жараён эканлиги ҳам айнан шунда намоён бўлади. Аксинча, ота-онанинг юриштуриши, ўзини тутиши, сўзлари, атрофдагилар билан муомаси, оила ҳўжалиги, ҳатто қасбий фаолиятига бўлган ёндашуви ҳам фарзандларнинг кўз ўнгидаги яққол намоён бўлади. Шу боис тарбиявий ишлар методикасига оид билимлар ота-онага ўзларининг юриштуриши, ўзини тутиши, сўзлари, атрофдагилар билан муомаси, оила ҳўжалиги, ҳатто қасбий фаолиятига бўлган ёндашувини ижобий мазмунга эга бўлишини таъминлашга ёрдам беради. Оила даврасида ташкил этиладиган сұхбат, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги савол-жавобларда кутилган натижага эришиш, оила ҳўжалигини бошқариш, уни ташкил этишда ёки фанларни ўзлаштиришда фарзандлар ўртасида ўзаро мусобақаларни уюштириш, оила ҳаёти учун муҳим бўлган масалаларни муҳокама килиш жараёнинг уларнинг жалб этиш катта тарбиявий таъсирга эгалигини ота-она етарли даражада англай олиши зарур. Бунда, албатта, ота-оналарга “Тарбиявий ишлар методикаси” фани ёрдамга келади.

“Умумий психология” – психологик ходисаларнинг умумий қонуниятларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганган ҳолда руҳият ва шахс хулқ-атвори моҳияти юзасидан энг умумий тушунчаларни берувчи фан. Ота-оналарнинг “Умумий психология” асослари борасидаги билимларга эга бўлишлари фарзандларнинг руҳий ҳолатлари, хулқ-атворларини тўғри баҳолаш, уларда руҳият саломатлигини таъминлаш, ижобий хулқ-атворни тарбиялашга имкон яратади. Мазкур фан асосларига оид билимларга эга бўлиш, шунингдек, ота-оналар томонидан оиласда соғлом психологик муҳитнинг яратилиши, оила аъзолари ўртасида ижтимоий муносабатларни оқилона ташкил этилишига замин яратади. Қолаверса, ота-оналарнинг умумий психологик билимларга эгаликлари фарзандларнинг комил инсон бўлиб вояга етишларин таъминлашга эришишда, шунингдек, фарзандларнинг руҳияти ва хулқ-атворига ижобий таъсир этишда кўл келади.

“Ижтимоий психология” – ижтимоий субъектларнинг турли ижтимоий гурухлардаги хулқ-автори ва фаолияти қонуниятларини, шунингдек, ушбу гурухларнинг психологик хусусиятлари ўрганувчи фан. Мазкур фан асослари ота-оналарга ижтимоий ҳамкорликка асосланган муносабатлар жараёнида субъектларда юзага келадиган гоя, тасаввур, кечинма, хис-түйғу ҳамда кечинмалар, шаклланадиган хулқ-автор моҳиятини англаш имкониятини яратади. Мазкур билимларга таянган ҳолда ота-оналар оила аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг фарзандлар онги ва хулқ-авторига таъсирини етарлича баҳолай олади. Ҳар қандай ижтимоий муносабатнинг бола шахсига кўрсатадиган таъсири юкори эканлигини англаган ҳолда бу жараёнда имкон қадар оила аъзолари томонидан салбий ҳиссиятларни ифодаланишининг олдини олиш тадбирларини кўрадилар. Аксинча, ижобий – ўзаро ёрдам, бир-бирини қўллаб-қувватлашга, ҳамдардликка асосланган муносабатларни янада ривожлантириш чораларини белгилашга уринадилар. Фан асосларини ўрганиш орқали ота-оналар оила мухитида намоён бўладиган ҳар бир муносабатнинг сабаб ва оқибатлари ўртасидаги алоқани англашни ўрганадилар. Бу борадаги билимларнинг такомиллашиб бориши эса оила ҳаётини, фаолиятини тўғри, оқилона ташкил этишга доир тажрибага эга бўлишларини таъминлади.

“Ёш ва педагогик психология” – индивиднинг туғилганидан бошлаб то кексалигигача бўлган онтогенетик ривожланиши давомидаги шахс психологик тараққиёти ҳамда унинг шахси шаклланишининг қонуниятларини ўрганувчи фан¹⁶. Фан асослари ота-оналарга турли ёшдаги фарзандлар билан мулоқотни ташкил этиш, уларда муайян маънавий-ахлоқий, иродавий сифатларни, соглом руҳиятни самарали шакллантиришда ёрдам беради. Қолаверса, ота-оналар фарзандларни ёш, психологик хусусиятларига таянган ҳолда уларни турли мазмун, йұналиш ва қўламдаги ижтимоий муносабатларга жалб этиш имкониятига эга бўладилар. Хусусан, мактабгача таълим ёшидаги фарзандлар билан мулоқотда уларни кўпроқ атроф-муҳит билан таништириш, нутқини бойитишга зътибор қаратсалар, бошлангич мактаб ёшидаги фарзандларда фаолият, хусусан, ўқиш фаолиятига нисбатан масъулиятли ёндашиш, ўйин ва меҳнат фаолияти уйғунлигига

¹⁶ Большая психологическая энциклопедия Самое полное современное издание. – Москва Эскимо, 2007. – С. 92

эришиш орқали эса оддий меҳнат кўнигмаларининг аста-секин шаклланишига муваффак бўладилар. Ўсмирларда эса шахсини шакллантириш устида кўпроқ ишлаш, нафакат меҳнат фаолияти, шу билан бирга спорт турлари билан фаол шугулланишга оид малакаларнинг шаклланишига эришсалар, ўспириналарда касбий фаолият йўналишини тўғри танлаш, кизиқиш, хоҳиш-истакларига таянган ҳолда муайян касб ёки хунар йўналишлари бўйича мутахассислик билимларини пухта ўзлаштиришга нисбатан масъулият ҳиссини тарбияланишининг уддасидан чиқадилар. Шу билан бирга ота-оналарнинг ёш ва педагогик психологияга оид билимлари ёшлиқ, навқиронлик ва кексалик даврларида кундалик, ижтимоий ва касбий фаолиятни, турли доираларда кечадиган мулокотни энг мақбул шаклларда ташкил этиш борасидаги тажрибаларининг фарзандларга самарали тарзда узатилиб боради.

“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” – мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашга оид яхлит, изчил таълимот моҳиятини ёритувчи фан. Оила – жамиятнинг кичик бўғини. Бошқача айтганда, оиланинг ўзи бир кичик жамият. Шу сабабли оиланинг барқарорлиги, ундаги соглом мухит, унинг фарновонлиги бевосита жамиятнинг барқарорлиги, ижтимоий муносабатларнинг соғломлиги ҳамда мамлакат фарновонлигини таъминлашга ўз таъсирини кўрсатади. Ота-оналарнинг фан асосларидан хабардорлеклари оила ва жамият манфаатларини ўйғунлаштириш, оила истиқболини мамлакат тараққиёти билан бөглиқ ҳолда кўриш имкониятини яратади. Шу билан бирга ота-оналар фан асослари блан танишиш орқали фуқаро сифатида комил инсонни тарбиялашга масъул эканликларини англаб етадилар. Турли маданиятлар коришуви, “оммавий маданият” таъсири, мафкуравий кураш тобора кучайиб бораётган мавжуд шароитда оиласларда миллий тарбияни ташкил этиш, фарзандларни турли ёт, бузгунчи ғоялардан ҳимоялаш, уларни асрлар давомида қадрланиб келинаётган анъаналар руҳида тарбиялаш йўллари, метод ва воситаларидан хабардор бўладилар.

“Этнография” (“Халқшунослик”; “етҳнос” – қабила, халқ + “грапҳо” – ёзаман) – жаҳондаги барча халқларнинг, этник бирликнинг турли типлари, уларнинг келиб чикиши (этногенези), турмуш тарзи,

урф-одатлари, моддий ва маънавий тараққиёт даражасидан қатъий назар, тенг ҳолда ўзаро тафовути ёки умумийлиги ва ўхшашлигини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи маҳсус фан соҳаси¹⁷. Ота-оналарнинг фан асослари билан танишишлари уларнинг асрлар давомида оила тарбиясида кўлланиб келинаётган миллий тарбиявий таъсир шакллари, метод ва воситалардан хабардор бўлиш, шахсий фаолиятда улардан фойдаланишларига ёрдам беради. Қолаверса, “Этнография” фани асослари ота-оналарни фарзандларнинг ёш, психологик хусусиятлари, жисмоний имкониятларига таянган ҳолда миллий тарбиявий таъсир метод ва воситаларини ўринли, мақсадли кўллашга ўргатади. Натижада улар миллий тарбиявий таъсир метод ва воситаларининг шахс камолотига таъсирини тўғри баҳолаш, турли вазиятларда метод ва воситаларни бирга кўллаш, бир метод ёки воситани иккинчиси билан ўринли алмаштиришга доир кўникма, малакаларини ўзлаштирадилар.

“Ахлоқшунослик” (“Этика”; лот. “етҳиса” < юн. “етҳос” – урф-одат, хулқ-атвор) – ахлоқ ва унинг шахс ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини¹⁸, ахлоқнинг шаклланиш шарт-шароитларини ва шаклларини ўрганувчи¹⁹ фан. Ота-оналар томонидан “Ахлоқшунослик” фани асосларининг ўзлаштирилиши уларда фарзандлар шахсида намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатлар хусусидаги тасаввурларни, фарзанднинг маънавий-ахлоқий фазилатлари унинг камолотини белгиловчи асосий мезонлар эканлиги тўғрисидаги тушунчаларни ҳосил қиласди. Фарзандларнинг муайян маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлиши уларнинг камолоти даражасини белгилайди. Шу сабабли ота-оналар жамият, оила ҳамда бола мансуб бўлган микромухитда шаклланган муносабатларнинг унда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга таъсирини билишлари ниҳоятда муҳим. Қолаверса, фарзандларнинг шахс сифатидаги ижтимоий мавқеи унинг борликқа бўлган муносабати билан белгиланади. Болада ўз шахсига, атрофдагиларга, табиатга нисбатан ижобий муносабатни қарор

¹⁷ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Шарқ – Қизилқўм / 10-жилд. Таҳrir ҳайъати А.Азизхўжаев ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриети. 2005. – 283-бет.

¹⁸ Уша манба. – 278-бет.

¹⁹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати Шукронга – X / 5 жилдли Бешинч жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳrir ҳайъати: Э. Бегматов ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриети. 2008. – 61-бет

топтиришда “Ахлоқшунослик” фани асосларидан ота-оналарнинг хабардорлик даражаси мухим аҳамият касб этади.

“Эстетика асослари” (“Нафосатшунослик”; юн. “аистхетикос” – хис килиш, ҳиссий идрокка оид) – инсон ва олам ўртасидаги қадриялти муносабатнинг ўзига хос жиҳатларини, қишиларнинг бадиий фаолияти соҳасини ўрганувчи фан²⁰. Шахснинг ижобий хис-туйгуларга, эстетик дидга эга бўлиши унда ижтимоий борликқа нисбатан самимий муносабатни шакллантиради. Шу сабабли болаларда жуда ёшликтан ижобий хис-туйгуларни тарбиялаш, уларнинг эстетик дидини ўстириш мақсадга мувофиқдир. Ота-оналарнинг эстетика билимларидан хабардор бўлишлари улар томонидан фарзандларни ижобий ҳистийгуларга бой қилиб тарбиялашда мухим аҳамиятга эга. Бинобарин, шахснинг ижобий ҳис-туйгуларга эга бўлмаслиги, уларда ижтимоий борликқа, ҳатто ўз оиласига нисбатан бефарқликни, эътиборсизликни қарор топтиради. Борликқа нисбатан бефарқ, эътиборсиз шахсда ҳудбинлик сифатлари шаклланади. Бундай шахснинг ҳаётий мақсади – ҳеч бир ижтимоий мажбуриятларни зиммага олмаган ҳолда фақат ўзи учун яшаш, ўз эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир. Бу эса инсоннинг ижтимоий мақомига зиён етказади. Зоро, ҳар бир шахс шахслараро муносабатлар жараёнида шаклланади, уларнинг таъсирида муайян ижтимоий онг ва маданиятга эга бўлади. Жамият, оиласи учун қайғурмайдиган шахс ижтимоий нуктаи назардан ҳеч бир қийматга эга бўлмайди. Ота-оналарнинг вазифаси эса фарзандларни жамият, оиласи учун керакли, уларнинг манфаатлари учун курашадиган фаол шахсни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. “Эстетика асослари” фани ота-оналарнинг педагогик билимларини, ҳаётий тажрибаларини шу нуктаи назардан бойитишга хизмат қиласи.

“Оила ҳуқуқи” – никоҳ ва оила муносабатларининг ҳуқукий асосларини ўрганувчи фан²¹. Ўзбекистон Республикасида ҳуқукий жамиятни барпо этиш жараёнида ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқукий моҳиятидан хабардор бўлиш ўзига хос аҳамият касб этади. Энг аввало, “Оила ҳуқуқи” фани асослари борасидаги билимларни ўзлаштириш орқали ота-оналар фарзандлар, уларнинг камолоти ва тақдирни олдидаги ўз мажбуриятларини чукурроқ

²⁰ Ўзбекистон Миллый энциклопедияси. Шарқ – Кизилкум / 10-жилд. Ташрир хайъати А. Азизхўжаев ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси” Давлат илмий нашриети, 2005. – 269-бет.

²¹ Каримова О., Гоффоров З. Давлат ва ҳуқуқ асослари / Дарслар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 463-бет.

англайдилар. Ота-оналар, айникса, вояга етмаган фарзандлар олдида бурчли саналадилар. Зеро, ҳали дунёкараши тўла шаклланмаган, ижтимоий муносабатларда мустакил иштирок эта олмайдиган фарзандларни ҳар томонлама, энг аввало, хуқукий жиҳатдан муҳофазалаш мажбурияти ота-оналарни уларнинг тарбиясига жиддий ёндашишга ундейди. Қолаверса, ота-оналар оила муҳитида ҳам фарзандларнинг хуқукий билимлар билан таништириб бориш асосида уларни ижтимоий-хуқукий муносабатларга самарали тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳолат хуқукий жамиятни барпо этишнинг энг муҳим талабларидан бири бўлган – хуқукий маданиятга эга фуқарони тарбиялаб вояга етказишда ўзига хос долзарблик касб этади.

Фан асосларидан хабардорлик асосида ота-оналар, шунингдек, фарзандларни оила муҳитида хуқукий мазмунга эга ижтимоий муносабатлар – никоҳ ва оила муносабатларига ҳам тайёрлаб борадилар. Вояга етәётган йигит ва қизнинг никоҳ ва оиласидан муносабатларга физиологик, жисмоний, руҳий ва маънавий-ахлакий жиҳатдан тайёр бўлишида ҳам ота-оналарнинг зиммаларига масъулиятли вазифалар юклатилади. Бу борадаги вазифаларни англашда ҳам ота-оналарнинг “Оила хуқуки” асослари борасидаги билимларга эга бўлишлари муҳимдир.

“Ёш физиологияси ва гигиена” – вояга етмаганларни физиологик жиҳатдан тўғри ўсишларини таъминлаш, уларда гигиеник маданиятни шакллантириш йўллари, шакл, метод ва воситаларини тадқиқ этадиган фан. Глобаллашув ва техниканинг мислсиз ривожланиши шароитида инсон саломатлигини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Гарчи тиббиёт замонавий ютукларга эришаётган, ижтимоий субъектларнинг ишлаб чиқариш қобилиятига эгалик ёши узайиб бораётган бўлса-да, бирок, вояга етмаган йигит ёки қизларнинг физиологик жиҳатдан тўғри тарбияланмаслиги уларнинг организмида муайян кусурларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бу ўринда замонавий тараққиёт таъсирида келиб чиқаётган – кам жисмоний ҳаракатсизлик, тана вазнининг ошиши каби касалликларнинг олдини олиш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири саналади. Ота-оналар “Ёш физиологияси ва гигиенаси” фани асосларидан хабардор бўлар эканлар, оила шароитида фарзандларнинг гигиенасига алоҳида эътибор каратиб, шахсий гигиеник маданиятни ёшликтан шакллантира

оладилар. Шу билан бирга үгил ва қиз болаларнинг физиологик нуктаи назардан тўғри камолотга етишишлари, репродуктив саломатликка эга бўлишларини таъминлашга муваффак бўладилар.

“Иқтисодиёт асослари” – иқтисодий муносабатларни самарали ташкил этиш, шунингдек, оила хўжалигини оқилона юритиш шартлари, қонуниятлари, устувор тамойилларини ўрганувчи фан. Фан асосларининг пухта билиши ота-оналарга оила иқтисодиётини самарали бошқариш, оила бюджетини муваффакиятли шакллантириш, уни тўғри тақсимлаш билан бирга фарзандларни тежамкорликка ўргатишга хизмат килади. Бозор муносабатлари шароитида, айниқса, фарзандларни ёшлиқдан оила хўжалигини ташкил этиш ва бошқаришга ўргатиб бориш ўзига хос аҳамият касб этади. Фарзандларни ёшлиқдан тежамкорликка ўргатиб бориш уларни мустақил оиласвий ҳаётга муваффакиятли тайёрлашга ҳам ёрдам беради. Оила аъзолари ўртасида меҳнат тақсимотининг тўғри йўлга қўйилиши, оиласвий муносабатларнинг ўзаро ёрдам, ҳамжиҳатлиликка асосланиши эса фарзандларни меҳнатсеварликка, оқибатга, тартиб-интизомга, ўзгалар меҳнатини қадрлашга, меҳнат маҳсули бўлган неъматларни исроф қилмасликка ўргатади. Бу эса оила тарбиясини самарали ташкил этишда ниҳоятда муҳимdir.

Оила педагогикаси фанининг илмий-тадқиқот методлари. Оила педагогикаси фани ривожи оиласвий муносабатлар ва фарзанд тарбиясидаги муаммоларни тадқиқ этиш мақсадида олиб бориладиган тадқиқот ишларининг ғояси, мазмуни ҳамда натижалари ҳисобига таъминланади. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнининг кескин ривожланиши шахсни ҳар томонлама камол топтириш имконини берувчи омил ҳамда педагогик шарт-шароитларни аниқлаш, жамият ва шахс маънавиятига зиён етказувчи ҳолатларни бартараф этишни тақозо килади. Тарбия жараёнининг моҳиятини англаш уларни кенг ёки тор доирада ўрганиш, мавжуд кўрсаткичлар воситасида уларнинг содир бўлиш сабабларини ўрганиш, зарур чора-тадбирларни белгилаш илмий изланишларни ташкил этиш заруриятини юзага келтиради. Тарбия жараёнидаги мақсадга мувофиқ келувчи, мақбул ва айни вақтда самарали бўлган методларни танлай олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тарбия масалаларига оид илмий тадқикотларни амалга ошириш мураккаб, муайян муддатни тақозо этувчи, изчиллик, узлуксизлик, тизимлилик ҳамда аниқ мақсад каби хусусиятларга эга бўлган жараён бўлиб, унинг самарали бўлиши учун бир қатор шартларга риоя этиш зарур. Улар куйидагилардир:

- 1) муаммонинг долзарблиги ва мавзунинг аниқ белгиланганлиги;
- 2) илмий фаразларнинг тўғри шакллантирилганлиги;
- 3) вазифаларнинг тадқиқот мақсади асосида тўғри белгиланганлиги;
- 4) тадқиқот методлар тизимиға нисбатан объектив ёндашув;
- 5) тажриба-синов ишлари жараёнига жалб этилувчи респондентларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, шунингдек, шахс ривожланиши конуниятларининг тўғри хисобга олинганлиги;
- 6) тадқиқот натижаларини олдиндан ташхислаш ва унинг натижаларини айтиб ўтиш;
- 7) тадқиқот натижаларининг кафолатланганлиги.

Замонавий шароитда оила тарбияси муаммоларини тадқик этишда куйидаги илмий-педагогик методлардан фойдаланилмоқда:

1. Педагогик кузатиш.
2. Суҳбат методи.
3. Анкета методи.
4. Интервью методи.
5. Тест методи.
6. Педагогик тажриба методи.
7. Ижтимоий-педагогик ретроспектив метод.
8. Математик-статистик метод

Куйидаги мазкур методларнинг оила тарбияси муаммоларини тадқик этишдаги ўрни ва роли хусусида сўз юритилади.

Педагогик кузатиш. Ушбу метод ёрдамида тадқиқотчи томонидан оиласда ташкил этиладиган педагогик (тарбиявий) жараён бевосита ёки билвосита синчиклаб ўрганилади. Педагогик кузатиш оиласдаги тарбиявий жараёнини ўрганиш асосида тадқиқ этилаётган муаммо ҳолати аникланади, тажриба аввали ва якунида кўлга киритилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ аникланади. Педагогик кузатиш мураккаб ва ўзига хос хусусиятларга эга. Кузатиш аниқ мақсад асосида,

узлуксиз, изчил, тизимли амалга оширилса, кутилган натижани қўлга киритиш мумкин. Олиб борилаётган педагогик кузатиш оила тарбияси самарадорлигига эришиш, баркамол шахсини шакллантиришга хизмат қилса, у ҳолда методнинг аҳамияти янада ошади.

Оила муаммолари юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар жараёнида педагогик кузатув методини қўллашда тадқиқотчи самарадорликка эриша олиши зарур. Бунинг учун тадқиқотчидан кўйидагилар талаб этилади:

- 1) кузатув жараёнида аниқ мақсадга эгалик;
- 2) кузатишни тизимли равишда йўлга қўйиш;
- 3) кузатишнинг ҳар бир босқичида муайян вазифаларни ҳал этиш;
- 4) ҳар бир ҳолатнинг моҳиятини синчилаб ўрганиш;
- 5) хулоса чиқаришга шошилмаслик.

Сұхбат методи. Илмий тадқиқот методларидан бири бўлган – сұхбат асосида тарбияни ташкил этиш жараёнида эга бўлинган маълумотларни бойитиш, мавжуд ҳолатга тўғри баҳо бериш, оиласвий муаммолар ечимини топишга имкон берувчи шарт-шароитларни яратиш, тажрибасинов ишлари субъектлари имкониятларини муаммо ечимиға жалб этишга ёрдам беради. Сұхбат методи мақсадга мувофиқ ҳолда индивидуал, гурухли ва оммавий шаклларда ташкил этилади. Уни ташкил этиш жараёнида респондентларнинг имкониятлари тўла-тўқис намоён бўлишига эришиш муҳимдир. Оила тарбиясини ташкил этишда сұхбат методини қўллашда ҳам муайян шартларга амал килиш талаб этилади. Улар кўйидагилардир:

- 1) тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқкан ҳолда сұхбат учун белгиланувчи саволларнинг мазмунин аниклаш, саволлар ўртасида ўзаро мантикий боғланиш ва изчилликни таъминлаш;
- 2) сұхбат жойи ва вақтини аниқ белгилаш;
- 3) сұхбат иштирокчиларининг сони хусусида маълум тўхтамга келиш;
- 4) сұхбатдош тўгрисида аввалдан айрим маълумотларга эга бўлиш;
- 5) сұхбатдош билан самимий муносабатда бўлиш;
- 6) сұхбатдошнинг ўз фикрларини эркин, батафсил айта олиши учун шароит яратиш;
- 7) саволларнинг аниқ, қисқа ва равшан берилишига эришиш;
- 8) олинган маълумотларни ўз вақтида таҳжил қилиш.

Анкета методи. Оила муаммолари юзасидан олиб борилаётган илмий тадқикот жараёнида анкета методи ёрдамида кузатиш ҳамда сұхбат жараёнида түппланған далиллар бойитилади. Муаммо юзасидан тузилған саволлар асосида респондентлар билан мұлоқотни ташкил этиш анкета методига асосланади. Одатда анкета саволларига жавоблар ёзма ҳолда олинади. Үрганилаётган жараён мөхиятидан келиб чиқкан ҳолда анкета очик ёки ёпік саволлардан ташкил топади. Очик саволларға асосланған анкета респондентларнинг муаммо юзасидан әркін, батағсил жавоб берішлари учун имкон берадиган саволлардан таркиб топади. Ёпік саволларға эга бўлған анкета билан ишлашда эса респондентлар “ҳа”, “йўқ”, “кисман”, “ижобий”, “қоникарли”, “салбий” ва ҳ.к. тарздаги жавоб варианtlаридан бирини танлайдилар.

Оила масалаларига бағишиланған илмий тадқикот ишлари жараёнида анкета методини қўллашда қўйидаги шартларга амал килиш талаб этилади:

- 1) саволлар тадқик этилаётган оиласи мөхиятини ёритишга хизмат қилиши лозим;
- 2) саволлар йирик ҳажмли, ноаниқ бўлмаслиги керак;
- 3) саволлар оиласи мухитнинг хусусиятларини инобатга олиш асосида тузилиши зарур;
- 4) саволлар респондентлар томонидан бериладиган жавобларнинг тўла бўлишини таъминловчи вактни кафолатлай олиши зарур;
- 5) саволларни тузишда оиласи үзига хослиги инобатга олиниши зарур;
- 6) жавоблар муйян мезонлар асосида пухта таҳлил этилиши шарт.

Тест методи. Илмий тадқикот методларидан яна бири бу тест методидир. Ушбу метод оркали оила масалалари юзасидан илмий тадқикот жараёнида респондентлар томонидан мавжуд назарий билим, амалий кўнишка, малакалар даражасини аниқлашга хизмат килади. Тест методи:

- 1) очик турдаги тестлар;
- 2) ёпік турдаги тестлар;
- 3) тўғри жавоб варианtlари қайд этилған саволлардан иборат бўлади.

Методнинг афзаллиги жавобларнинг аниқ мезонлар бўйича таҳлил этиш имконияти мавжудлиги, вақтнинг тежалиши билан тавсифланади.

Педагогик таҳлил. Оила, оилавий муносабатлар мавзусидаги тадқиқотларни олиб боришда педагогик таҳлил методидан ҳам кенг фойдаланилади. Уни қўллашдан қўзланган максад танланган муаммонинг фалсафий, психологик, педагогик йўналишларда ўрганилганлик даражасини аниклашдан иборат бўлиб, тадқиқотчи илгари сураётган гоянинг назарий жиҳатдан ҳакконийлигини асослашга хизмат қиласди.

Педагогик тажриба. Оила муаммолари юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда педагогик тажриба (эксперимент – лот. “синааб кўриш”, “тажриба килиб кўриш”) методи ҳам кенг қўлланилади. Педагогик тажриба методидан муаммо ечимини топиш имкониятларини ўрганиш, мавжуд шароитларнинг мақсадга эришишнинг кафолатлай олиши, илгари сурилаётган тавсияларнинг амалиётда ўз инъикосига эга бўла олиши ва самарадорлигини аниклаш мақсадида фойдаланилади. Муайян муаммо ечимини топишга йўналтирилган педагогик тажриба маълум доирада, сони аниқ белгиланган респондентлар иштирокида амалга оширилади. Педагогик тажрибани ташкил этаётган тадқиқотчи ўзи томонидан илгари сурилаётган маҳсус методика самарадорлигини баҳолай олиши зарур.

Педагогик тажриба якунида олинган натижаларга асосланиб умумий хуносага келинади ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ижтимоий-педагогик ретроспектив метод. Оила ва оилавий муносабатлар муаммоларини тадқиқ этишда ижтимоий-педагогик ретроспектив методни қўллаш ҳам ижобий натижаларни қўлга киритишга ёрдам беради. Ушбу метод муайян шахс, гурух ёки жамиятнинг шаклланиш тарихини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, педагогик обьект (ёки субъект)ни қиёсий ўрганиш ва якуний хуносаларга келиш имкониятини беради.

Турли оилаларнинг ҳаёти, ота-оналар фаолияти билан танишиш оркали уларнинг фарзандлар тарбиясини ташкил этишда тарбия методларидан фойдаланиш тажрибаларини ўрганиш ёшлар учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтайди. Ижтимоий-педагогик ретроспектив методни қўллашда қўйидаги саволлардан фойдаланиши оила тарбиясида самарали таъсирга эга метод ва воситалардан қай даражада фойдаланилаганлигини аниклаш имконини беради:

1. Болаларга таъсир кўрсатиш воситаларининг барчаси ҳам самарали тарбиявий таъсирга эгами? Фикрингизни мисоллар ёрдамида баён этинг.
 2. Оилада фарзандларга самарали педагогик таъсир кўрсатишнинг кандай йўллари мавжуд деб уйласиз?
 3. Фарзандларингизнинг ҳаракатларидан норози ёки хурсанд эканлигингизни уларга кай тарзда билдирасиз?
 4. Фарзандларнинг ахлоқи, хатти-ҳаракатларига қўйиладиган талаблар тури ва шакли жиҳатдан кўплигини кандай изоҳлайсиз? Тарбия жараёнида улардан бирдек фойдаланиш мақсадга мувофиқми? Фикрингизни далиллар ёрдамида асослашга уриниб кўринг.
 5. Фарзандларни мустакил ҳаётга тайёрлашни қачондан бошлаш зарур? Бу жараёнда кандай усууллардан фойдаланиш самарали ҳисобланади? Ҳаётий тажрибангизда фарзандларни мустакил ҳаётга тайёрлашда кандай усууллардан фойдаланаисиз?
 6. Оила шароитида болаларда огоҳлик ҳиссини шакллантиришда кандай усуулларни кўллаш самарали саналади?
 7. Уялтириш методи қандай вазиятда самарали тарбиявий восита бўла олади? Фикрингизни шахсий тажрибангиз, ҳаётий мисоллар ёрдамида баён этинг.
 8. Болаларда тадбиркорлик хислатини тарбиялашда кандай методик талабларга амал қилиш зарур?
 9. Ота-онангиз томонидан Сизга нисбатан қўлланилган тарбия усуулларини эслай оласизми? Уларнинг кайси бирларидан амалда фойдаланааяпсиз?
 10. Тажрибангизда қўлланилаётган ижобий ва салбий тарбия методларни гурухлаб, салбийларини чеклашга урининг.
- Математик-статистик метод.** Ушбу метод оила, оилавий муносабатлар муаммоларини тадқиқ қилишга доир тажриба-синов ишларининг, умумий ҳолда педагогик тажрибанинг самарадорлик даражасини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Унга кўра муаммо ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар маҳсус математик формулалар ёрдамида қайта таҳлил этилади. Якуний қиймат тадқиқот самарасини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Замонавий шароитда, педагогик йўналишда, тадқиқотлар олиб боришида Стыодент, В.П.Беспалько, В.В.Гречихин методларидан кенг фойдаланилмоқда.

Оила, оилавий муносабатлар масалалари бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларининг қўйидаги схема асосида амалга оширилиши кутилган натижага эга бўлишни кафолатлади: муаммонинг долзарблиги; ўрганилганлик даражаси; тадқиқотнинг максади, обьекти, предмети, вазифалари, илмий фарази, методлари, методологик асослари, илмий янгилиги, назарий аҳамияти, амалий аҳамияти ва тузилиши.

Демак, оила – ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлаудиган, муқаддас урф-одатларимизни саклайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия маскани саналади. Оиланинг ёш авлод тарбиясида тутган мухим ўрни бу мұхитда ташкил этиладиган тарбия моҳиятини ўрганишни тақозо этади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, оила тарбиясини ташкил этишнинг самарали йўллари, устувор тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини ўрганувчи фан сифатида “Оила педагогикаси”нинг шаклланиши мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар, колаверса, ота-оналарнинг педагогик билимларини бойитишига хизмат қиласи. Ўз навбатида фан ижтимоий, гуманитар, ҳатто, табиий фанлар билан ўзаро боғлиқлик ҳамда алоқадорликда ривожланади. “Оила педагогикаси” фанининг истиқболи бевосита оила, оила муносабатларига оид масалаларда туркум илмий тадқиқотларнинг амалга оширилишига боғлик. Бу борадаги илмий тадқиқотларнинг педагогик нуктаи назардан окилона ташкил этилиши, кутилган натижаларга эришиш илмий-педагогик методларнинг тўғри танланишига боғлик.

Назорат учун саволлар:

1. “Оила педагогикаси” қандай фан?
2. Фанининг предметини нима ташкил этади?
3. Фан ўз олдига қўйилган қандай вазифаларни ҳал қиласи?
4. “Оила педагогикаси” фани билан “Педагогика назарияси ва амалиёти” фани ўртасида қандай узвий алоқадорлик мавжуд?
5. “Оила педагогикаси” фани ва “Оила психологияси” фанлари ўртасида алоқадорлик мавжудми?
6. Оила, оилавий муносабатларга доир муаммолар қандай илмий педагогик тадқиқ методлари ёрдамида тадқиқ этилади?
7. Оила педагогикаси фан сифатида қандай ривожланиб келмоқда?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси оилани мустаҳкамлаш бўйича Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 қабул килинган Қарори.
2. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур / Ўқув қўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – 42-50-бетлар/
3. О.Ҳасанбоева ва б Оила педагогикаси. – Тошкент: “Алоқаши”, 2007. – 5-16-бетлар.
4. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 14-39-бетлар.

Амалий топшириқлар:

1. “Кластер” методи ёрдамида оиланинг умумий моҳитини ёритинг!
2. “Оила педагогикаси” фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлигини схема ёки жадвал асосида ифодаланг!
3. Оила тарбияси муаммоларини тадқиқ этишда кенг фойдаланиладиган илмий-педагогик методлар моҳиятини блиц-сўров методи ёрдамида ёритишга уриниб кўринг!

Амалий топшириқларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Одатда “Кластер” методи қўлланилганда академик гурух талабаларининг икки, уч ёки тўрт гурухга ажратиш самарали саналади. Талабаларнинг бу тарзда гурухланиши: 1) кластерларнинг тўлақонли шакллантирилишини таъминлайди; 2) икки, уч ёки тўртта кластерни бир-бири билан таққослаш нисбатан осон кечади; 3) кластерлар орасидан мазмунан энг тўлиқ, мукаммал бўлган вариантни ажратиб олиш қийин кечмайди.
2. Схема, жадвал ёки тасвирни шакллантиришга оид топшириқларни бажаришда талабаларнинг кичик гурухлар ёки жуфтликларда ишлашлари мақсадга мувофиқ. Зоро, бундай ҳолатда улар ўзаро фикр алмашиш, ўз фикрини катъйлаштириш имкониятига эга бўлади.
3. Талабалар блиц-сўров методи ёрдамида оила тарбияси муаммоларини тадқиқ этишда кенг фойдаланиладиган илмий-педагогик методлар моҳиятини ёритишида уларнинг ҳар бирига имкон қадар қиска таъриф берса олишлари керак.

М: педагогик қузатиши – тадқиқотчи томонидан оилада ташкил этиладиган педагогик (тарбиявий) жараён бевосита ёки билвосита синчилкаб үрганилишини ифодаловчи метод.

Машғулотлар жараёнида талабалар қуидаги методлар моҳиятини юкоридаги каби қиска таърифлар асосида ёрита олишлари керак:

1. Сұхбат методи – ...
2. Анкета методи – ...
3. Интервью методи – ...
4. Тест методи – ...
5. Педагогик тажриба методи – ...
6. Ижтимоий-педагогик ретроспектив метод – ...
7. Математик-статистик метод – ...

ЧЕТ ЭЛЛАРДА ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Режа:

1. Қадимги юон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбиясига ёндашувлари.
2. Европа Уйганиш даври мутафаккирлари асарларида оила тарбияси масалаларининг ёритилиши.
3. Маърифатпарварларнинг асарларида оила тарбиясига оид қарашларнинг акс этиши.
4. Рус педагогларининг оила педагогикасига оид қарашлари.

Таянч тушунчалар: қадимги Юнонистон, қадимги Рим, Европа Уйганиш даври, маърифатпарвар мутафаккирлар, рус педагоглари, оила тарбиясини ташкил этишга тарихий ёндашув.

Қадимги юон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбиясига ёндашувлари. Оила ва оилавий муносабатлар масалалари жуда қадимдан үрганилиб келинган. Хусусан, қадимги Юнонистон ва Римда давлат бошқарув тартибларининг жорий этилиши оиланинг давлат ривожидаги аҳамиятини асослаб беришни тақозо этди. Бундай масъулиятли вазифа файласуфлар – Сүкрот, Арасту, Афлотун, Демокрит, Плутарх,

Квинтилиан каби олимлар ҳар томонлама етарли даражада ҳал қилиб берилгандын. Уларнинг асарлари билан танишиш шундай хуносага келиш имконини беради. Куйида юкорида номлари келтирилган файласуфларнинг асарларида оила ва оиласавий муносабатлар масалаларининг ўрни хусусида сўз юритилади.

Сукрот (мил.ав. 447-399 йй.; Афина) – қадимги юон мумтоз фалсафасининг асосчиси, афиналик биринчи файласуф. Айни ўринда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз, алломанинг фикрларигина эмас, балки ўзи ҳам болаларни оиласада тарбиялашда бошқаларга шахсан ибрат бўла олган. Сукрот оиласада болаларни давлат қабул қилган конунларни ҳурмат килиш, уларга сўзсиз амал қилишга ўргатишни лозим, деб ҳисоблайди. Манбаларда ёритилишича, алломани динга қарши чиққанликда айблаб, зинданбанд этишганда шогирдлари уни зиндандан озод қилиш ва қочириб юбориш чорасини топганлар. Бирок, файласуф “Афина конунларини танқид қилиб, уларни етук эмас деб билсам-да, бу конунларни афиналиклар қабул қилган экан, уларга бўйсунмасликка ҳаққим йўқ. Ёшим бир жойга борганида уларни бузиб, авлодларнинг тавқи-лаънатига қолмай” деб зиндандан қочиб кетмаган. Қолаверса, ўзига чикарилган ҳукмга эътиroz билдирамай, ўлимини ихтиёрий тан олиб, бир қадаҳ заҳар ичган.

Файласуф ўз таълимотини оғзаки равишда кўча-кўй, майдон ва хиёбонларда шогирдлари билан ташкил этилган сухбатлар асосида баён қилганини сабабли унинг бирорта ҳам ёзма асари мавжуд эмас.

Сукротнинг оила тарбияси борасидаги қарашлари унинг шогирдлари – Ксенофонт, Аристофан ва Афлотунларнинг асарлари оркали бугунги кунга қадар етиб келган. Хусусан, Ксенофонт “Сукрот ҳақида эсадаликлар” асарида ўз устози ҳақида сўз юритиб, уни олийжаноб устоз, ахлоқ-одоб борасида тенгсиз инсон, чин инсоний фазилатларни қадрловчи шахс сифатида улуғлаган бўлса, Афлотун ҳам ўз устозини чукур мулоҳазали, инсонни улуғловчи донишманд сиймосида гавдалантирган. Афлотиннинг ўз устози борасидаги мулоҳазалари унинг “Сукрот” номли асарида ўз ифодасини топган.

Сукрот таълимотига кўра жамиятнинг тараққиёти тинчлик, осойишталик, фаровонлиги эса фуқароларнинг юксак ахлоқ, одобга эга бўлиши билан белгиланади. Шахснинг юксак маънавий-ахлоқий сифатлари оила мухитида шаклланади. Аллома фуқароларни оила

муҳитида болаларни билимли қилиб тарбиялашга даъват этган. Унинг “Куч – билимда”, “Мен факат хеч нарсани билмаслигимни биламан”²², “Қанча кўп билсам, шунча кўп билмаслигимни билдим”, “Ўз-ўзингни англагин ва билгин”, “Ким ўзини яхши билса, унинг учун нима фойдали эканлигини билади ва ўзининг нимага қодирлигини-ю, нимани улддай олмаслигини тушунади”²³ каби ғоялари файласуф таълимотининг марказида турувчи комил инсон қиёфасини ёритишга хизмат қилади.

Аристотель (мил. ав. 384-322 йй.) – қадимги Юнонистонда ўзига хос фалсафий-педагогик таълимот яратган машҳур мутафаккир. Унинг оила тарбияси билан боғлиқ фикрлари, айниқса, диккатга сазовор. Алломанинг фикрича, жамиятни давлатдан ажратиб бўлмайди. Аристотель жамият аъзоларини қўйидаги уч тоифага ажратади:

- 1) бойлар;
- 2) ўрта ҳоллар;
- 3) камбагаллар.

Файласуф бой ҳамда камбагаллар тоифасини хуш кўрмайди. Зеро, унинг фикрича, жамиятдаги барча нохушликлар, сиёсий бекарорлик, турли таҳдидлар айнан шу тоифа кишиларининг хатти-харакатлари эвазига юзага келади. Аҳолининг энг идеал тоифаси – ўрта ҳол кишилар саналади. Улар туфайли жамият ривож топади, юртда тинчлик ўрнатилади, вазият баркарорлашади.

Ўз асрларида оила ва оиласвий муносабатлар масаласига тўхталиб ўтар экан, файласуф оила муҳитида шахсда таркиб топадиган эзгу фазилатларни ҳам уч гурухга ажратади. Улар:

- 1) дианоэтикага асосланган (интеллектуал) фазилатлар (улар, асосан, таълим-тарбия жараёнида унинг натижаси сифатида шаклланади);
- 2) ақлга асосланган фазилатлар;
- 3) ахлюкий иродага асосланган фазилатлар (улар урф-одатлар таъсирида шаклланади).

Инсоннинг баҳт-саодати ҳақида фикр-юритиб, мутафаккир уни умрнинг куч-гайрати, энергияси дея таърифлайди. Ҳар қандай шахс эзгу фазилатлар ҳамда бу билан боғлиқ равишда баҳт-саодат соҳиби бўла олмайди. Эзгу фазилатларни ўзида намоён қила олган инсонгина баҳтли, саодатли бўлишни даъво қила олади.

²² Педагогик маҳорат: схема ва расмларда / Методик кўлл. Н.Эркабоева, М.Усмонбоева. Н.Хўжаназарова – Тошкент: Низомий комидаги ТДПУ, 2012. – 57-бет.

²³ Ўша манба – 56-бет.

Алломанинг фикрига кўра, эзгулик ижтимоий субъектларнинг табиатига хос деган фикр нотўғридир. Табиат уларга фақатгина эзгу фазилатларга эга бўлиш имконини беради. Уларнинг соҳибига айланиш эса кишиларнинг ўзига, уларнинг хоҳиш-иродасига, фаоллигига боғлиқ.

Аристотель тарбия мақсадини инсон руҳиятининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда белгилайди. Алломанинг ёндашувига кўра, акл ва ироданинг ривожланиши шахс ривожининг юкори даражасидир. Шу сабабли Аристотель болаларни тарбиялашда табиийлик, табиат билан ўзаро уйғунлик, жисмоний камолот, ахлоқий етуклик ва аклий салоҳиятни, қолаверса, уларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиш зарурлигини уқтиради.

Халқнинг ҳафта давомийлигини етти кунга бўлишига таянган ҳолда оила тарбияси даврини йигирма бир йил деб белгилайди. Бу даврни куйидаги уч босқичга ажратади:

1-босқич – туғилгандан бошлаб етти ёшгача;

2-босқич – етти ёшдан ўн тўрт ёшгача;

3-босқич – ўн тўрт ёшдан йигирма бир ёшгача.

Эътиборли жиҳати шундаки, аллома оила тарбиясини ташкил этишда ҳар бир ёш босқичи негизида тарбия мақсадини аниқ белгилашни, мазмунини шакллантиришни ҳамда методларни танлаш оқиолна ёндашув эканлигини қайд этади.

Аристотель биринчи босқичда болаларнинг тарбиясида оила муҳим ўрин эгаллашига алоҳида эътибор каратади. Шахс ҳаёти давомида нималарни ўрганиши зарур бўлса, гўдаклигидан бошлаб ўшаларни ўргатиш кераклиги тұғрисидаги гоя алломанинг оила тарбиясига доир қарашлари асосини белгилаб беради.

Алломанинг фикрича, болаларнинг ахлоқий тарбияси ахлоқий мазмундаги хатти-ҳаракатларни машқ килиш (ҳаракатларни тез-тез ихтиёрий такрорлаш)га асосланади. Болаларнинг ахлоқий тарбиясида асосий масъулият ота-оналарнинг зиммасида эканлигини таъкидлар экан, Аристотель уларнинг ўзлари ҳам ахлоқ борасида фарзандларга ўрнак, ибрат бўлишга чакиради.

Афлотун (Плутон; мил.ав. 427-347 йй., Афина) – файласуф, санъаткор, шоир, драматург. Аттика қироли сулоласига тегишли Кодра оиласида туғилган. Онаси Периктиона ҳам ўз даврининг таникли олимлари Салон ва ҳукмдор Критийлар сулоласидан бўлган. Аллома

сұхбатлар шаклидаги бадий-фалсафий асарларни ёзіб қолдирган. Унинг маърифий-ахлоқий қарапарлари “Сиёсат”, “Давлат”, “Қонунлар” асарларида акс этган. Файласуфнинг педагогик ва ахлоқий қарапарлари сиёсий таълимоти билан узвий боғлик. Афлотун томонидан “идеал давлат” назарияси асосланған. Ушбу назарияга күра жамият қуидеги уч табақага ажратилади:

- 1) давлат арбоблари – файласуфлар;
- 2) сокчилар (ҳарбийлар);
- 3) дәхқонлар ва ҳунарманд.

Оилаларда ана шу уч табақа вакиллари шакллантирилиши лозимлиги аллома асарнинг негизини ташкил этади.

Алломанинг фикрича, тарбиянинг мазмуни катталар таъсирида болаларда ахлоқийлик ва олийжанобликни шакллантириш ғоясини ифодалайды. У болаларни тарбиялашда ички асос – ҳиссиятнинг шакллантирилишига эътибор бериш мухимлигини таъкидлайды.

Афлотун тарбиянинг энг самараси воситаси сифатида үйинни эътироф этади. Бундан ташқари болаларга адабий асарларни ўқиб бериш, ҳикоя килиш катта аҳамиятта эгалигини эътироф этади. Материалларни синчиклаб танлаш бадий асарларнинг болалар тарбиясига кўрсатадиган таъсирини янада кучайтиради, деб ҳисоблайди аллома. Файласуфнинг барча маънавий-ахлоқий ва сиёсий қарапарлари оиласда болаларни ёшлигиданоқ ижтимоий нұқтаи назардан тарбиялаш зарурлигини ёритишига хизмат қиласи.

Демокрит (мил.ав. 460-370 йй.) – қадимги юонон файласуфи, атом назариясининг асосчиси. У ўз асарларида оиласда бола тарбиясига бошқа юонон мутафаккирлари сингари катта аҳамият қаратади.

Аллома “табиат билан тарбия бир-бирига ўхшайди” ғоясини илгари суриш орқали тарбияни табиатга мувофиқлаштириш масаласини биринчи бўлиб кун тартибига олиб чиқади. “Таълим меҳнат асосидагина гўзал нарсаларни ҳосил қиласи” мазмунидаги қарапарлар эса Демокритнинг тарбияда меҳнатнинг роли катта эканлигига эътибор қаратганлигини тасдиқлайди. Шу нұқтаи назардан оила тарбиясида ҳам меҳнатнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш фойдадан ҳоли эмаслигини уқтиради. Аллома шахсдан доимо меҳнат билан банд бўлишни талаб қилди. Зеро, файласуфнинг уқтиришича, шахс меҳнат

килишга одатланиб борган сари ўзида ўзгача завқни туюди. Бу борада ота-оналарнинг фарзандларига ўрнак бўлишлари шарт.

Демокрит болаларни уларнинг ёшлигиданок гигиеник максадларга эришиш учун айрим машкларни бажаришга ўргатиш, уларнинг нозик, заиф таналарини чиникириш зарурлигини айтади. Унинг фикрича, болаларга қаттиқ йиглаш ва кичкиришларига ҳалақит қилмаслик лозим. Зеро, бу ҳолатлар улар учун ўзига хос гимнастика ҳисобланади. Бир қадар катта ёшдагилар учун эса болалар ўйинлари нихоятда муҳим аҳамиятга эга²⁴.

Улуғ мутафаккир “инсондан инсон, ҳайвондан ҳайвон туғилади, шунга кўра яхши ота-онадан факат яхши фарзандлар туғилиши лозим. Табиат ана шунга ҳаракат қиласи, бирок, бунга ҳамиша ҳам эришилавермайди”²⁵, – деб таъкидлайди.

Ота-оналарга болаларда яхши хулқ-авторни ҳосил қилишда машқ методидан кўпроқ фойдаланишини уқтиради.

Марк Фабий Квинтилиан (эрамизнинг 35-96 йй.) – машхур римлик нотик ва педагог. У ўз мактаби тажрибалари ва антик дунёдаги педагогик фикрларга асосланиб, педагогик масалаларни акс эттирган биринчи маҳсус қўлланма – “Нотиқни тарбиялаш ҳакида” номли асарини яратган.

Аллома оиласида болаларни тарбиялашга эътибор қаратиб, бола шахсининг ривожланишида унинг табиий қобилиятларини ҳисобга олишга катта аҳамият беради. Унинг фикрича, “билишга интилиш иродага боғлик, мажбуран ўқитиш мумкин эмас”²⁶.

Квинтилиан болалар катта тантаналарда иштирок этадиган ҳамда катталарнинг ножӯя хатти-ҳаракатларининг гувоҳи бўладиган Рим жамиятининг юқори катламларида оила тарбиясини қаттиқ танқид қиласи. У ота-оналардан бола таъсирчан бўлиши, унда яхши ва ёмонликнинг осон илдиз отишини эсда тутишни талаб қилди ва тарбиячи-педагогларни танлашда ҳам бунга эътибор қаратиш зарурлигини уқтиради.

Алломанинг педагогик карашларида оиласида болаларни нотиқлик санъати асосларини эгаллашларига эътибор қаратиш максадга мувофиқлигига оид фикрлар ҳам мавжуд. Ўтқир хотира, бадиийлик,

²⁴ Уша манба – 65-бет

²⁵ Уша манба – 65-бет.

²⁶ Квинтилиан О воспитании оратора Часть I – Москва, Санкт-Петербург: 1834г. – С. 3-8.

тұғри талаффуз, ёрқин нүткө ва бой мимика бұлажак нотикни шақплантиришда муҳим омиллар саналади. Квинтилианнинг фикрича, оиласа бұлажак нотикни тарбиялашда болаларни шеър ёд олишга үргатишиң самарағын саналади. Аллома үз даврида бутунғы кунда хам тағым жараённанда күлланилаёттан шеърни ёд олиш методикасими асослаган. Машхур педагог биринчі бұлиб, шеър ёдлаш методикасими күйидаги асослайды:

1. Шеърни түлигіча үқиши.
2. Шеърни мантиқий жиһатдан қысларға ажратиши.
3. Шеърнинг ҳар бир қисмини ёдлаш.
4. Шеърни түлигіча ифодали үқиши²⁷.

Машхур педагогнинг фикрича, болаларнинг кобилиятлари күйидаги белгиларда намоён бұлади: кучли хотира, үткір зеҳн, тезкор фикрлаш, әгалланған билимларни узок вакт сақлаш, болада жуда ёшликтан ривожланған тәқлидчилик²⁸.

Европа Уйғониш даври мутафаккирлари асарларыда оила тарбияси масалаларининг ёритилиши. ХВ-ХVII асрларда Farbий Европада илм-фан, маданият, шу жумладан, санъат ва адабиётта Уйғониш (Ренессанс) даври күзатилди. Европада Уйғониш даври үз-үзидан содир бўлмай, бевосита Марказий Осиёда рўй берган Уйғониш даври асосида юз берди. Европа Уйғониш даври хам үзида муайян белгиларни намоён килди. Улар қуйидагилардан иборатdir:

- жаҳолат ва мутаассибликни рад этиш;
- инсонни улуғлаш; унинг истеъоди, ақлий имкониятларини юзага чиқариш;
- антик давр (кадимги Юнон ва Рим) маданиятини тиклаш ва бойитиш;
- адабиёт ва санъатда бокий дунёни эмас, ҳаёт гўзалликларини күйлаш;
- инсон эрки учун кураш.

Тарихдан маълумки, ХВ-ХVII асрларда илм-фан соҳасида кўлга киритилган ютуклар, Буюк географик кашфиётлар инсониятнинг олам, унда кечадиган ҳаракат конуниятлари тўғрисидаги тасавурларини

²⁷ Ўша манба – 70-бет.

²⁸ Ўша манба – 72-бет.

ўзгартыриб юборди. Шунингдек, маданий алокаларнинг кенгайиши учун имконият яратди.

Европа Уйгониши даврида илм-фан ва маданият соҳаларида инсоният тарихий тараққиётига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган илмий билимлар ҳамда адабиёт, санъат соҳаларида дурдана асарлар яратилди. Бунинг натижасида қадимги Юонон ва Рим маданиятининг қайта тикланишига муваффак бўлинди.

Уильям Шекспир (1564-1616 й.) Уйгониш даврининг истеъоддда тенгиз вакилларидан бири, актёр ва драматург эди. Алломанинг асарлари оиласда болаларнинг тарбиясини ташкил этишга масъулиятли ёндашиш зарурлигини ифодалашга хизмат қиласи. У.Шекспир асарлари ёшларда қатъиятлилик, иродалилик, тұғрисүзлик, жасурлик, шунингдек, хиёнат, сотқинлик ва иккюзламачиликдан нафратланиш, тубанликка карши курашиш каби сифатларни самарали тарбиялашга имкон яратади. Адид ёшларни ҳаётда баҳтли бўлишга эришиш учун курашишга, инсонни севишга, қийинчиликлардан кўркмай уларни мардона енгишга даъват этади.

Драматург асарларининг деярли барчасида оила ва оиласий муносабатларнинг муайян кирралари ёритилган. М: “Отелло” трагедиясида Отелло сиймосида айрим салбий омиллар (тухмат)нинг таъсирида оиласанинг бузилиши ифодаланган бўлса, “Қирол Лир” асарида эса қирол Лирнинг фарзандлари тарбиясида йўл қўйган хатоларининг аянчли оқибатлари ёритилган. Қирол Лир фарзандлари тарбиясига жиддий эътибор қаратмаганлиги сабабли дарбадар ҳаёт кечиришга, гадоликка маҳкум этилади. Оиласалар ўртасидаги ўзаро душманлик, нафрат, ҳасад туфайли эса Ромео ва Жулетталар ҳалок бўлади.

Айни ўринда шуни айтиб ўтиш жоизки, адид қаҳрамонларини ҳеч қандай омил “эркинлик” деб аталувчи юксак, эзгу, ёруғ туйғудан воз кечишига мажбур қила олмайди. Адид ўз асарларида оила мухитида бола ҳар томонлама шаклланиши учун унинг эркин бўлиши мухимлиги кўрсатилган. Қолаверса, шахснинг камолотга эришишида оиласда ташкил этиладиган маънавий-ахлоқий тарбиянинг алоҳида ўрин тутиши бадиий образлар орқали таъсиричан ёритилган.

Европа Уйгониш даврининг яна бир мутафаккири **Томас Мор** (1478-1555 й.)дир. Адид ўзининг “Утопия” асарида шахсий манфаат жамият ривожи учун заرارли, аксинча, барча фуқароларнинг ижтимоий-

фойдали мәхнатда бирдек фаол иштирок этишлари ижтимоий тараққиёттинг муҳим омили эканлигини таъкидлаш орқали иккита муҳим тамойилни илгари сурган. Муаллиф тасаввурларининг маҳсули бўлган Утопия давлати (илмий асосга эга бўлмаган идеал жамият)да барча фуқаролар мәхнат қилишга мажбурдирлар. Бундан ташқари бу каби жамиятда аёл ва эркак, шунингдек, болаларнинг ҳукукий жиҳатдан тенглиги эътироф этилади, унга кўра ҳатто болалар ҳам ўқиш билан мәхнатни бирга олиб боришлари зарур. Томас Мор ўз асарида болаларни оиласда тарбиялашда мәхнат воситасида, жамоа ёрдамида ва жамоада тарбиялашнинг аҳамиятини кўрсатишга уринган.

Адибнинг болаларни она тилини севишга ўргатишни оиласдан бошлаш муҳимлиги ҳақидаги ғояси бугунги кун учун аҳамиятлидир. Шу билан бирга Томас Мор боланинг соглом ўсиши учун оиласда жисмоний тарбияни йўлга кўйиш, ҳар қандай йўналишдаги тарбия жараённида ота-оналарнинг шахсий намуна кўрсатишлари, фарзандларга хунар сирларини ўргатишда кўргазмалиликка эътибор қаратишлари борасидаги фикрлари ғоят аҳамиятлидир.

Европа Уйгониш даврининг етакчи сиймоларидан яна бири – **Томазо Кампанелла** бўлиб, унинг педагогик ғоялари “Қуёш шаҳри” асарида ўз ифодасини топган.

“Қуёш шаҳри” ҳам худди Томас Морнинг “Утопия” асари каби ижтимоий бирлик, мәхнатнинг умумий ва мажбурийлик характеристига эгалиги тамойилларига асосланувчи, фуқаролари илм-фан ва санъат билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган давлат. Томазо Кампанелла Томас Морга нисбатан бир қадар ривожланган жамиятда болаларни тарбиялаш тизими хусусида сўз юритади. Мутафаккирнинг кайд этишича, давлат ҳатто бўлгуси авлоднинг соглом бўлиши учун эркак ва аёлнинг турмуш қуриши ҳақида қайгуриши, бу жараённи назорат килиши зарур.

Томазо Кампанелининг фикрича, болани икки ёшидан бошлаб ижтимоий муносбатларга тайёрлашни бошлаш, уч ёшида кўргазмали воситалардан самарали фойдаланган ҳолда тўғри талаффуз қилишга, алифбони ўрганишга жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Шу даврларда болаларнинг жисмоний тарбиясини кучайтириш, саккиз ёшидан бошлаб эса уларни тизимли равишда ўқитишни бошлаш керак. Ўғил болалар ўн тўқиз ёшга тўлгач, ҳарбий тайёргарлик кўнікмаларини ўзлаштира

олиши зарур. Мутафаккир ўз асарларида хатто аёлларга ҳам ҳарбий таълим беришни ижтимоий зарурият деб ҳисоблади. Бунинг сабаби урушлар шароитида уларнинг ҳам иштироки мумкинлигидир. Қиска килиб айтганда, Т.Кампанеллининг гоялари оила тарбияси билан ижтимоий тарбияни ўзаро уйғун ҳолда олиб боришни тарғиб этади.

Маърифатпарварларнинг асарларида оила тарбиясига оид қарашларнинг акс этиши. ХВИ асрдан бошлаб ўзида муаллифларнинг ҳаётий тажрибалари асосида Европада бевосита таълим ҳамда болаларни түғри тарбиялаш масалаларини ёритган асарлар яратила бошланди. Уларнинг муаллифлари “маърифатпарварлар” деб номланди. Ўрта аср маърифатпарварлари орасида чех педагоги, “Дидактика” фанининг асосчиси Ян Амос Коменский (1592-1670 й.), алоҳида ўрин тутади. 1627 йилда педагогик фаолиятини бошлаган Я.А.Коменский 1632 йилда “Чех дидактикаси” асарини яратди. 1633-1638 йилларда эса ушбу асарни қайта ишлаб, лотин тилига таржима қилди ва уни “Буюк дидактика” деб номлади. Мазкур асар маърифатпарварнинг мумтоз асари ҳисобланади.

Асарда ҳар бир инсон ҳаёти учун мухим масалалар хусусида сўз юритилган. Педагогнинг кейинги фаолиятида ушбу масалалар янада ривожлантирилиб, улар негизида катор дарслик ва қўлланмалар яратилди. “Тиллар ва ҳамма фанларнинг очик эшиги” (1631 й.), “Физика” (1633 й.), “Астрономия” (1632 й.), “Оналар мактаби” (1632 й.) ва б. асарлар шулар жумласидандири.

Я.Коменскийнинг шахс таълими ва тарбиясини ташкил этишдаги буюк хизмати оила ва мактаб тарбиясини ўзаро уйғунлаштириш муаммосининг илмий жиҳатдан асослаб берганлиги билан белгиланади. Я.А.Коменский яшаган даврга қадар болалар тарбияси, асосан, икки мухит – мактаб ва оиласда амалга оширилар эди. Буюк педагог оиланинг тарбиявий имкониятини, ота-оналарнинг тарбиячи сифатидаги макомига дахл қилмаган ҳолда ёш авлодни мактабда ўқитиш ва тарбиялашнинг афзаллигини асослашга уринди. Ўз ёндашувининг тўғрилигини Я.А.Коменский “Буюк дидактика” асарининг ВИИИ бобида шундай изоҳлайди: “Ота-оналар ва уларнинг касби турлича бўлганлиги сабабли ўз боласини тарбиялаш қўлидан келадиган ёки ишдан сўнг етарлича вакт ажратиб, бола тарбияси билан

шүғулланадиганлар жуда кам топилади. Шунинг учун ҳам неча асрлардан бўён кўпчилик оиласлар ўз болаларни билимли, оғир табиятли маҳсус кишиларга бериб ўқитиб келмоқдалар. Ёшларни тарбияловчи бундай кишилар, одатда, устоз, тарбиячи, муаллим, профессор деб атаб келинади, болаларни тўплаб бирга машгулот ўтказадиган жойни эса мактаб, ўкув юрти, аудитория, коллегия, гимназия, академия ва ҳ.к. деб аталади²⁹.

“Буюк дидактика” асарининг IX бобида ўғил болалар билан бир каторда киз болаларни ҳам ўқитиш зарурлиги асослаб берилган: “Мактабларда факат бойлар ва аслзодаларнинг болаларинигина эмас, балки умуман ҳаммани: барча шаҳар ва кишлеклардаги аслзодалар ва оддий халқни, бойлар ва камбағалларни, ўғил ва киз болаларни ҳам ўқитиш зарур”.

Қизларни ҳам мактабларда ўқитиш зарурми, деган саволга Я.А.Коменский шундай жавоб беради: “Хотин-қизлар эркаклар сингари, кўп ҳолатларда эса эркаклардан ҳам кўра ўткир ақл-идроқка эга, эркаклар катори энг юкори лавозимларни бажариб келмоқда.

Буюк педагог шахснинг ривожланиш босқичларини қуидаги тўрт даврга бўлади:

- 1) гўдаклик;
- 2) болалик;
- 3) ўсмирилик;
- 4) етуклиқ³⁰.

Ҳар бир давр олти йилни ўз ичига олади. Ҳар бир ёш даврига мос келадиган мактаб мавжуд бўлиши керак. Ҳусусан, гўдаклик даври учун – она мактаби, болалик даври учун – бошлангич мактаб (она тили мактаби), ўсмирилик даври учун – лотин мактаби ёки гимназия, етуклиқ даври учун академиянинг бўлиши мақсадга мвофиқдир.

Я.Коменскийнинг фикрича, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон “она мактаби” ҳисобланади, зеро, тарбия дастлаб оиласла берилади. “Она тили мактаби” эса ҳар бир жамоада, ҳар бир кишлекда, гимназия – ҳар бир шаҳарда, академия ҳар бир давлат ёки вилоятда бўлиши зарур.

Буюк педагог қандай қилиб болада ўқишига иштиёқ уйготиш мумкин, деган саволга қуидагича жавоб беради: “Болаларда ўқишига нисбатан иштиёқни уйготиш ва уни саклаб қолиш ота-оналар, мактаб, ўкув

²⁹ Коменский Я.А. Буюк дидактика Изб.пед.соч В.2 том 1982 Т 1. – с 384.

³⁰ Коменский Я.А. Буюк дидактика Изб.пед.соч В.2 том 1982 Т 1. – с 384.

фанлари, ўқитиши методи ва мактаб бошликларига боғлик... Агар отаоналар болаларнинг кўз олдидаги донолик ва донишмандлар тўгрисида яхши гаплар айтишса, яхши китоб, чиройли кийим ёки бошқа яхширок нарсалар олиб беришни вайда килиб, боланинг гайратини оширса, айникса, болани ўқитиши лозим бўлган муаллимнинг билимдонлиги ва хушмуомалалигини мақташса (ахир, севиш ва қойил қолиш тақлид қилишининг энг самарали воситаси ҳисобланади); ниҳоят боладан баъзан муаллимга бирор топширик ёки кичик совга билан юбориб туришса ва ҳ.к. болалар фанни ҳам, ота-онани ҳам астайдил севиб қоладилар”.

Умуман олганда, Я.А.Коменский болаларга таълим ва тарбия берини илмий жиҳатдан биринчи бор асослаб берар экан, бу жараёнда оиланинг, ота-онанинг ролини асосли равишда кўрсатиб бера олди.

XVII асрнинг охири ва XVIII аср бошларида Фарбий Европада абсолютизм ва феодал тартиблар танқид қилиниб, илм-фан ва маориф кенг тарғиб қилинди. Ижтимоий фикр борасидаги бу йўналиш “маърифат” деб аталиб, унинг вакиллари тарихга “маърифатпарварлар” номи билан кирдилар. Маърифатпарварлар эски тартибларни бекор қилишга, янги илгор тартибларни жорий қилишга қаратилган гояларни илгари сурдилар.

Ана шундай маърифатпарварлардан бири инглиз файласуфи **Жонн Локк** (1632-1704 йй.) саналади. Жонн Локк ўзининг педагогик қарашларини “Тарбия ҳақида айрим фикрлар” (1963 й.) асарида баён этган.

Жонн Локк ўз педагогик қарашларида болаларни ҳам оиласда, ҳам мактабда тарбиялаш зарурлигига эътибор қаратади. Унинг фикрича, болада ахлокий сифатларни оила мухитидаги ҳосил қилиш самарали бўлса, мактаб билим, кўнукма ва малакаларни ҳосил қиласди.

Маърифатпарвар оиласда болаларни тарбиясини йўлга кўйишда жисмоний тарбияяга катта аҳамият берди. “Саломатлик бизга касбий фаолиятимиз мувваффакияти учун зарур”, – деб таъкидлаш билан бирга ўша давр учун ўта мукаммал бўлган тизимни тақлиф этди. У болаларни ёшлиқданоқ ҷарчоқ, кийинчилик, гам-гуссани осон енгиги ўтишга тайёрлаб боришни мухим деб ҳисоблади. Жонн Локк бола ҳаётида катыйи белгиланган тартибининг аҳамиятини юкори баҳолайди. Шу билан бирга педагог ота-оналарга турли ёшдаги болаларни кийинтириш, овқатлантириш юзасидан маслаҳатлар беради. Педагог болани

эркалатиб ўстиришни заарли деб ҳисоблайди ва бундай ёндашувга қарши турди.

Унинг фикрича, болаларни оила мухитида тарбиялашда энг мухим шарт уларда ижобий одатларни таркиб топтиришдир: “Агар сиз уларни нимагадир ўргатиш мухим, деб ҳисобласангиз, буни амалиёт воситасида ҳодисаларни ҳосил қилиш йўли билан таркиб топтиринг! Одатларни тарбиялаш илк болаликданоқ бошланиши зарур”.

Бундан ташқари, Жонн Локк тарбияда ижобий натижаларга эришиш учун ота-оналар боланинг индивидуал хусусиятларини ўрганишлари, уларнинг қизиқишиларидан етарли даражада хабардор бўлишлари кераклигини алоҳида тъкидлайди.

Европада маърифат ғояларининг тарғиб этилишида француз мутафаккири, гуманист ва демократ **Жон-Жак Руссо** (1712-1778 й.) ҳам ўзига хос ўрин эгаллаган. Унинг эркин тарбия борасидаги ғоялари 1762 йилда нашр этилган “Эмил ёки тарбия ҳақида” асарида ўз аксини топган. У ҳам бошка маърифатпарварлар сингари оиласида болани тарбиялашда ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олишни, болани ҳар томонлами чукур ўрганишини талаб қилди.

Жонн Жак Руссонинг фикрича, бола табиати етукликни акс эттира олиши, унинг ўзида табиийликни намоён эта олиши учун ғамхўрлик қилиш зарур. Ота-она ёки тарбиячи ўз қарашлари, эътиқодлари ёки тайёр ахлоқий қоидаларни боланинг онгига сингдириши керак эмас, балки унда табиат томонидан ином этилган хусусиятларнинг тобора ривожланиб, бойиб бориши учун имконият яратиб бериши лозим. Табиий тарбия – эркин тарбиядир.

Кўпчилк маърифатпарварлар сингари Жонн Жак Руссо ҳам шахснинг ривожланишида мухим аҳамият касб этувчи қуйидаги тўрт даврни ажратиб кўрсатади:

1-босқич – туғилгандан икки ёшгача, то нутқ ҳосил бўлгунгача бўлган давр. Бу даврда боланинг жисмоний тарбиясига эътибор қаратиш лозим.

2-босқич – икки ёшдан ўн икки ёшгача бўлган давр. Жонн Жак Руссо бу даврни образли тарзда “боланинг ақлга эга бўлиш даври” деб атайди.

3-босқич – ўн икки ёшдан 15 ёшгача бўлган давр. Бу ёшда асосий эътиборни болаларнинг ақлий жиҳатдан ривожланишига ва улар томонидан меҳнат кўнукмаларининг ўзлаштирилишига қаратиш зарур.

4-боскич – 14 ёшдан балоғатта етгунгача бұлған давр. Жонн Жак Руссонинг ибораси билан айттанды, бу боскич “шиддат ва түғён даври” саналады.

Жонн Жак Руссо үзининг “Эмил ёки тарбия ҳақида” асарида қызлар тарбиясига ҳам алоҳида тұхталиб үтады. Жонн Жак Руссонинг фикрича, она бўлиш учун қызлар рўзгорни юрита олишлари, оиласда саранжом-саришталикка эришишлари, кийиниш, юриш-туриш ва муомалада турмуш ўртоғига ёқа олишлари керак. Қизларнинг тарбиясида үгил болаларнинг тарбиясида кўлланиладиган фарқ усууллардан фойдаланишга эътибор қаратиш лозим. Оила мухитида қызларни тарбиялашда уларда итоаткорликни, гарчи уларга ёқмаса-да, бироқ, шахсий фаолиятни ташкил этишда бошқаларнинг нуктаи назарларини инобатга олиш кўнникмасини тарбиялаш керак.

Маърифатпарварнинг фикрича, аёл гўзал, латофатли бўлиши, соғлом, рұхан тетик, жисмонан бақувват болаларни дунёга келтира олиши учун жисмоний машқларни бажариши, жисмоний меҳнат билан шуғулланиши зарур. Қизларнинг вояга етишларида жиддий аклий машғулотлар улар учун аҳамият касб этмайди. Жонн Жак Руссонинг қызлар тарбиясига оид қарашларида аёлларнинг мустакиллиги, эркинлигига нисбатан консерватив ёндашуви инобатга олинмаса, бошқа барча фикрлари амалий характеристерга эга.

Европа маърифатпарварлари орасида **Иоганн Генрих Песталоцци** (1746-1827 й.)нинг номи алоҳида қайд этилади. Зоро, швейцариялик бу педагог-демократ үзининг бутун ҳәётини халқ болаларини тарбиялаш ва ўқитиш ишига бағишилаган. Унинг “Лингард ва Гертруда” (1781-1787 й.), “Гертруда ўз болаларини қандай килиб ўқитади”, “Оналар китоби ёки оналар учун ўз болаларига кузатиш ва гапиришни қандай ўргатиш ҳақида кўлланма” каби асарларида оиласнинг бола тарбиясидаги ўрни, онанинг бу борадаги намунаси баён этилган.

Иоганн Генрих Песталоццининг фикрича, тарбиянинг максади одамнинг барча табиий кучларини ва қобилиятларини ўстириш, ўстирганда ҳам бир-бирига уйғун равишда ўстиришдир. Тарбиявий омилнинг болага кўрсатаётган таъсири унинг табиатига уйғун бўлиши лозим.

Педагог тарбиянинг моҳияти тўгрисидаги ўз тасаввурларига асосланган ҳолда тарбиянинг янги, яъни, шахснинг табиатига мувофиқ

ҳолда унинг кучи, имкониятларини ривожлантириб боришига ёрдам берувчи методларни яратишга интилади. Иоганн Генрих Песталоцци ҳам бошқа педагоглар каби болани тарбиялашни унинг туғилган куниданок бошлаш лозимлигини уқтириб ўтади: “Бола туғилган соат унга таълим беришининг биринчи соатидир”. Шу сабабли педагог чинакам педагогика онани тўғри тарбиялаш методлари билан куроллантириши лозим, деб ҳисоблади. Педагогика санъати эса тарбия методикасини ҳар бир она, шу жумладан, оддий дехқон аёли ҳам эгаллаб оладиган даражада соддалаштириб бера олиши лозим. Табиатга мувофиқ тарбия оиласида бошланиб, мактабда давом эттирилиши керак.

Иоганн Генрих Песталоцци тарбиянинг асосий вазифасини келгусида ижтимоий жиҳатдан фойда келтира оладиган ҳамда ҳар жиҳатдан уйғун камол топган инсонни тарбиялаб вояга етказишидир, деб ҳисоблади. Болалар бошқаларга фойда келтирадиган ишларга жалб этилиб, бу борада изчил машқ қилдириш йўли билан ахлоқий жиҳатдан камолотга етказилади. Педагогнинг фикрича, организмнинг табиий эҳтиёжларини қондириш асосида болада онага нисбатан туғиладиган меҳр-муҳаббат ахлоқий тарбиянинг энг оддий қўриниши (элементи)дир. Боланинг ахлоқий етук бўлиши учун оила муҳитида асос солинади. Боланинг ўз онасига бўлган муҳаббати аста-секин оиласида бошқа аъзоларига нисбатан ҳам намоён бўла бошлайди.

Қисқа қилиб айтганда, Иоганн Генрих Песталоцци оиласида шахснинг барча табиий кучи ва қобилиятларини уйғун қилиб ўстириши тарбиянинг асосий вазифаси деб ҳисоблади. Педагогнинг болани жисмоний, ахлоқий ва аклий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашга оид фикрлари бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир.

Поляк педагоги, болалар ёзувчиси бўлган **Януш Корчак** (тажаллуси; ҳақиқий исми ва фамилияси -- Генрих Гольдшмит; 1879-1942 й.) тиббий маълумотга эгалиги сабабли дастлаб Варшава шаҳрида болалар шифокори сифатида фаолият кўрсатган. Сўнгра болалар колонияларида тарбиячи лавозимида ишлаган. 1911 йилда Варашавадаги “Болалар уйи” директори лавозимига тайинланди. Я.Корчак ўзининг тарбиявий концепциясини ИИ Жаҳон уруши вактида фронтда “Болаларни қандай севмоқ керак?” (“Как любить детей?”) номли асарида баён этди. XX асрнинг 20-30-йилларида тарбия масалаларини ўзида камраб олган мақолалар ҳамда болалар учун бадиий асарлар яратди. Унинг энг

машхур асарлари – “Қирол Матиуш ИИ” (“Король Матиуш ИИ”; 1923 й.), “Қачон мен қайтадан болага айланаман?” (“Когда я снова стану маленьким?”; 1925 й.), “Қайсар бола. Л.Пастернинг ҳәёти” (“Упрямый мальчик. Жизнь Л.Пастера”; 1938 й.) кабилар саналади.

Я.Корчак томонидан илгари сурилган педагогик концепциянинг асосини ҳар бир бола шахс сифатида қадр-қимматга эга ғояси ташкил этади. Тарбиянинг мақсади эса – ҳар бир боланинг қобилиятини эркин, тўлақонли ривожлантириш, унинг шахсини эзгулик, гўзаллик, эркинлик ғоялари асосида шакллантириш. Тарбиянинг зарур шарти сифатида Я.Корчак оиласда самимилик, ўзаро ишончга асосланган соғлом муҳитни яратиш, болани турли зўравонликлардан химоя қилиш деб ҳисоблайди. Педагогнинг тарбиявий тизимлари негизини боланинг ўз-ӯзини англаши, баҳолаши, назорат қилиши ва ўз-ӯзини такомиллаштиришига имкон берадиган ирова ва уни шакллантириш ташкил этди. Тарбиячи, қолаверса, “Болалар уйи”нинг раҳбари сифатида Я.Корчак ўз фаолияти ва асарларида демократик ғоялар ҳамда ўз-ӯзини бошқаришга асосланган болалар жамоасини шакллантиришга асосий эътиборни қаратади.

Рус педагогларининг оила педагогикасига оид қарашлари. Машхур рус ёзувчилари – А.И.Герцен, К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой ва Н.А.Добролюбовлар тараққиётпарвар шахслар сифатида жамият ҳәётига дахлдор, хусусан, оила тарбияси самарадорлигини оширишга доир илгор фикрларни илгари суришган. Бошқа маърифатпарварларнинг педагогик ёндашувларидан фарқли улар оила тарбиясининг имкониятларини янада кенг, алоҳида ажратиб кўрсатишга уринганлар.

Александр Иванович Герцен (1812-1870 йй.) ўз даврида биринчилардан бўлиб, дворян оилаларида болаларни ўқитиш ва тарбиялашга йўналтирилган ҳаракатларнинг ташкил этилишини кескин танқид қилди. Адид дворян оилаларида йўлга қўйилаётган тарбияни “куллик ва мустабидлик мактаби” деб номлади. Образли равишда бундай оилаларда тарбияланадиган болаларни замонавий либослар осиб қўйилган гардеробга қиёслади. А.И.Герциннинг фикрича, дворян оилаларида тарбиячилар “болаларнинг қотиллари” бўлиб, улар болаларни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан нопоб қилиб ўстирадилар, холос.

Адид оила тарбиясини “мухим аҳамиятга эга ижтимоий иш”, деб баҳолайди. Шу сабабли ота-оналар болаларни тарбиялаш борасида жамият олдида мажбур, бурчли эканликларини қайта-қайта уқтиради.

А.Герцен аёлларнинг эркаклар билан ижтимоий тенглигининг тарафдори эди. У аёлларнинг фаолияти факат болани тарбиялаш билан чегараланмаслиги таъкидлайди: “Аёлларнинг оиласи вазифаси ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг ижтимоий ролига таъсир этмайди. Дунё эркаклар сингари аёллар учун ҳам бирдек очик”. Адивнинг қайд этишича, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки унинг тарбиявий ролини кучайтиришгагина хизмат қилади. Бундан ташқари, у аёллар тұлақонли таълим олишлари керак, деган гояни ёклаб чиқкан.

Отанинг бола тарбиясидаги роли ниҳоятда масъулиятли, болаларнинг тақдиди отага боғлик эканлигини уқтирган А.Герцен үз болаларининг тарбиясига жиддий эътибор қаратди: “Агар болалар ёмон йўлга кириб кетишса, бу менинг айбим бўлади”. Адив фарзандларининг тарбиясига жиддий эътибор қаратди, улар учун тарбиячиларни ўзи танлади, доимий равишда уларнинг фаолиятини кузатиб борди ва йўл қўйган хатоларни тўғрилашга ҳаракат қилди.

А. Герцен асосий эътиборни тарбиянинг ғоявий моҳиятига қаратиб, барча имкониятидан фойдаланган ҳолда фарзандларининг ватанпарвар, инсонпарвар, ўзгаларга ғамхўр, меҳрибон, шахсий орзу-умидларга нисбатан эса садоқатли бўлиб вояга етишлари учун ҳаракат қилди.

Адив ҳар бир оиласининг муайян қадриятларга эга бўлиши мухимлигини, бунинг учун ота-она ва фарзандлар, оиласининг барча аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббатни шакллантириш зарурлигини қайд этган. Болалар ёшлигиданоқ бир-бирларига, оиласининг барча аъзоларига нисбатан муҳаббатларини намоён эта олиш, яқин кишилар ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак.

А.И.Герценнинг болаларда мустақил фикрлаш қобилиятини, онгли хулқ-атворни шакллантириш оиласининг асосий вазифаси эканлиги борасидаги фикрлари бугунги кун учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлиdir.

Рус педагоглари орасида Константин Дмитрий Ушинский (1824-1870 йй.) муносиб ўрин тутади. Педагогик фаолиятини илмий-ижодий иш билан қўшиб олиб борган К.Д.Ушинский “Болалар дунёси” (“Детский мир”), “Муаллимлар учун қўлланма” (“Пособие для учителей”), “Шахс – тарбия предмети сифатида” (“Педагогик

антропологиядан тажриба") каби асарларида оила ва унинг бола тарбиясидаги ўрни масаласи батафсил ёритилган.

К.Ушинский мактабгача таълим ва тарбиянинг табиий воситаси – оила деб хисоблади. Бинобарин, оиласада болалар борлик ҳақидаги дастлабки тушунчаларга эга бўлади, энг оддий билим ва кўнникмаларни эгаллайди, одатларни ўзлаштиради, ўз қобилиятларини ривожлантиради. Бола шахсининг ривожланишида ота-она ва тарбиячилар асосий ролни йўнайди, уларнинг ҳаёти, фаолияти, хулк-автори, муомаласи болалар учун намуна бўлиб хизмат қиласди. Масъулияти фуқаролик бурчларини бажариш учун ота-оналар болаларга нисбатан ғамхўрликларини ижтимоий аҳамиятли талаблар билан уйғунлаштира олишга эришишлари лозим. Бунинг учун ота-оналар педагогик билимларга эга бўлишлари, педагогик адабиётлар билан танишиб боришлари, тарбиявий иш услубини, тарбиячиларни тўғри танлай билишлари, фарзандларининг келгуси ҳаёт йўлини аниқлашга онгли ёндаша олишлари лозим.

Рус ёзувчиси **Наталья Григорьевна Долинина** (1928-1979 й.) ҳам ўз очеркларида оила шароитида болаларни ахлоқий тарбиялаш масалаларини кенг ёритди. Адабанинг педагогик ғояларни ўзида акс эттирган асарлари сирасида куйидагиларни санаб ўтиш мумкин: “Менинг ўкувчиларим ва уларнинг ота-оналари” (“Мои ученики и их родители”; 1959 й.), “Нон қанча туради?” (“Сколько стоит хлеб?”; 1963 й.), “Катталар ёки болалар?” (“Взрослые или дети?”; 1965 й.), “Қадрли ота-оналар” (“Дорогие родители”; 1975 й.), “Онегинни биргаликда ўқыймиз” (“Прочитаем “Онегина” вместе”; 1968 й.), “Печорин ва бизнинг давр” (“Печорин и наше время”; 1970 й.) каби очерклар, “Биз Серёжа билан эгизакмиз” (“Мы с Сережкой близнецы”; 1962 й.), “Турли одамлар” (“Разные люди”; 1976 й.) каби қиссалар; “Ота” (“Отец”; 1974 й.) номли автобиографик қисса.

Хулоса қилиб айтганда, оила тарбияси ва уни самарали ташкил этиш масаласи хорижий мамлакатларида барча даврлар учун муҳим ижтимоий муаммолардан бири сифатида эътироф этиб келинган. Ҳар бир давр ва маконда ҳам жамиятнинг илғор кишилари – мутафаккирлар, маърифатпарварлар ва педагоглар болаларни оила шароитида тарбиялаш, бу борада юқори самарага эришиш масалаларини тадқиқ этишга жиддий эътибор каратганлар. Улар томонидан яратилган

аксарият асарларда оила тарбиясининг самарали ташкил этилиши ижтимоий тарақчиётни кафолатлаши, шу сабабли болалар тарбиясини ташкил этишда ота-оналарнинг масъул эканликлари баён этилган. Отоналар томонидан болаларнинг етук шахс сифатида тарбиялашга эришилишида уларнинг педагог билимларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, улар педагогик билимларни ўзлаштириш оркали болаларни оила мухитида етук шахс қилиб тарбиялашга имкон берадиган самарали метод ва воситалардан хабардор бўладилар.

Назорат саволлари:

1. Қадимги Юнонистон ва Римда қайси мутафаккирларнинг асарларида оила тарбияси масаласига эътибор қарилган?
2. Сүкрот, Аристотель, Платон ва Демокритларнинг қайси асарларида оиласда болаларни тарбиялаш масалалари ёритилган?
3. Европа Уйгониш даври мутафаккирларининг қайси асарларида оила тарбияси муаммолари баён этилган?
4. У.Шекспир ва Т.Кампеллининг оиласда фарзандларни тарбиялашга оид қандай ғоялари билан танишсиз?
5. Европа маърифатпарварлари орасида кимлар оила тарбияси масаларига ўз асарларида алоҳида эътибор қаратган?.
6. Рус педагоглари орасида кимларнинг оила тарбияси ва уни самарали ташкил этиш ғояларини ўзида акс эттирган асарлари машҳур?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси оиласи мустаҳкамлаш бўйича Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 қабул қилинган Қарори.
2. Педагогика тарихи / К.Хошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
3. История педагогики / [хттп:// топ. 100. рамблер.ру](http://top.100.rambler.ru).
4. Тросян В. История образования и педагогической мысли. – Москва: Эксмо, 2006.

Амалий топширикслар:

1. Қадимги юон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбиясига ёндашувлари асосида жадвал шакллантиринг. Унда Қадимги юон ва Рим

мутафаккирларининг оила тарбиясига ёндашувларини ифодаловчи энг муҳим гоялар тезис сифатида акс этсин.

2. Улуғ драматург Уильям Шекспирнинг “Қирол Лир” ҳамда Оноре де Бальзакнинг “Горио ота” номли асарлари билан танишиб, гарчи ўзи мамлакат кироли бўлса-да, фарзандларининг кирдикорларидан азият чеккан кирол Лир ва қизларига ҳаддан зиёд меҳр кўрсатса-да, умрининг сўнгги кунларини уларнинг дийдорига зор ҳолда мухтоҷликда ўтказган Горио отанинг қисматини солиширинг. Қирол Лир ва Горио оталарнинг фожиаси нимада эканлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

3. Буюк педагог Я.А.Коменский ўзининг “Буюк дидактика” асари ёшларни тарбияловчи кишиларнинг устоз, тарбиячи, муаллим, профессор деб аталиши, болалар тўпланиб биргаликда машғулот ўтказадиган жойнинг эса мактаб, ўкув юрти, аудитория, коллегия, гимназия, академия ва ҳ.к. деб аталишини таъкидлаб ўтган эди. Я.А.Коменский яшаган давр (ХВИИ аср) нуктаи назаридан болаларнинг оиладан кўра таълим муассасаларида тарбияланиши тобора кенг ёйилишининг асосий сабабларини ёритишига ҳаракат қилинг. Сиз қандай фикрдасиз, ушбу ҳодиса ота-оналар зиммасидан фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятнинг сокит этилиши учун асос бўлдими? Фарзанд тарбиясининг аста-секин тўла равишда таълим муассасалари зиммасига юкланиши Farb мамлакатларида кузатилаётган оиланинг қадрсизланиши, ажралишлар сонининг кескин ошиши, гайриахлоқий ҳодиса – бир жинсли никоҳнинг пайдо бўлишига олиб келмадими. Бу ҳакда қадай фикрдасиз?

Амалий топширикларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Қадимги юон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбиясига ёндашувларини ўзида акс эттирувчи жадвал қуйида келтириладиган шаклга эга бўлиши мумкин. Талабалар қадимги юон файласуфи Суқротнинг карашлари мисолида қадимги юон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбиясига ёндашувларини ифодаловчи энг муҳим гояларни тезис шаклида қуйидагича ёритадилар:

Қадимги юон ва Рим мутафаккирларининг

оила тарбиясига оид муҳим қарашлари

1.	Сукрот	Шахснинг маънавий-ахлокий сифатлари оила муҳитида шаклланади. Фуқаролар болаларни оила муҳитида билимли килиб тарбиялашлар зарур
2.	Аристотель (Арасту)	
3.	Афлотун (Плутон)	
4.	Демокрит	
5.	Марк Фабий Квинтилиан	

2. Уильям Шекспирнинг “Қирол Лир” ва Оноре де Бальзакнинг “Горио ота” номли асарларидаги қирол Лир ҳамда Горио отанинг ўз фарзандлари билан муносабатларини куйидаги жадвалда келтирилган мисол намунасида акс эттириинг:

Қирол Лир ва унинг фарзандлари ўртасидаги муносабат хусусиятлари	Горио ота ва унинг қизлари ўртасидаги муносабат хусусиятлари
Қироллик бошқаруви билан фарзандлар тарбиясини ўзаро уйғунликда олиб бораганлик	Қизларни тарбиялашда ниҳоятда күнгилчанлик қилиш

4. Я.А.Коменский яшаган давр (ХВИИ аср) нуктаи назаридан болаларнинг оиласдан кўра таълим муассасаларида тарбияланиши

тобора кенг ёйилишининг асосий сабабларини ёритишида талабалар ўртасида мунозарани ташкил этиш максадга мувофиқидир. Бинобарин, мунозара жараёнида талабаларда жамиятда кечадиган ҳар қандай ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар оиланинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни ва ролини инкор эта олмасликлари борасидаги қатъий хулоса шаклланади.

ЎЗБЕКИСТОНДА “ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ” ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Режа:

1. “Авесто” асарида никоҳ ва оилавий муносабатларнинг ёритилиши.
2. “Куръони карим” ва ҳадислар оила тарбиясининг мухим манбалари сифатида.
3. Шарқ мутафаккирларининг оила педагогикасига оид фикрлар.

Таянч тушунчалар: “Авесто” асари, зардустийларнинг оила ва оилавий муносабатларга ёндашувлари, никоҳ ва оилавий муносабатларнинг “Куръони карим”даги талқини, ҳадисларда никоҳ ва оила муносабатлари масалаларининг акс этиши, Шарқ мутафаккирларининг никоҳ ва оила борасидаги қарашлари.

Дунёда глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, ижтимоий-хукукий зиддиятларнинг кучайиб бораётганлиги боис 2 миллиарддан ортиқ ёшларнинг онги ва дунёкарашини ўзгартиришга қаратилган кураш авж олмоқда. Талаба-ёшларни оиласа нисбатан кадриятли муносабати мамлакатнинг эртанги кун таракқиётини белгилаб бериши муносабати билан мазкур масала тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз Президенти “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга факат жадал ислоҳатлар, илм-маърифат ва инновация орқали эриша оламиз. Бунинг учун аввало, ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини ошириш, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаол, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим.

Айни пайтда ислоҳотчи бўлиб майдонга чикадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларни тарбиялашимиз зарур³¹ – деб таъкидлаб ўтганлар.

Буюк давлат арбоби Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Ҳар қайси миллиатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсdir. Чунки инсоннинг энг соғ ва покиза туйғулари, илк ҳайтий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёкарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийdir”³². Қолаверса, “айнан оила бағрида, ота-онанинг ўзаро меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги муҳитида фарзанднинг дунёга келиши, унинг шахс ва фуқаро сифатида камол топиши ҳақида узок гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Ҳалоллик, эзгулик ва меҳрибонлик ҳақидаги тушунчалар, катталарга ҳурмат туйғуси, аввало, оиласда пайдо бўлади, инсоннинг дунёқарashi миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида айнан шу муҳитда шаклланади”³³. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда тарихий манбаалардан фойдаланиш кенг қўламда аҳамияти катта.

“Авесто” асарида никоҳ ва оилавий муносабатларнинг ёритилиши. Эрамиздан аввалги XII асрда яратилган зардуштийлик динининг муқаддас манбаи – “Авесто” асари ўзбек ҳалқининг миллий-маданий мероси, тарихий ёдгорлиги саналади. Асар ўзида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, хусусан, никоҳ ва оилавий муносабатлар масалаларини ўзида қамраб олганлиги билан нафақат бадиий, балки педагогик аҳамиятга ҳам эга.

Ёшлар миллий маънавиятни шакллантиришда Авестонинг ролига тұхталар экан қуидагиларга ургу бериб ўтади: “Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг

³¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегигиси. – Тошкент: “O’zbekiston” нашриети. 2021. –464 б.

³² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият. 2008 – 52-бет.

³³ Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фикаролик жамиятияни шакллантириш – мамлакатчимиз тараққистининг асосий мезонидир. – Тошкент: Ozbekiston. 2011. – 134-бет.

устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан накадар узвий боғлик, нечоғлик мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айникса эътиборлидир³⁴.

“Авесто” тушунчаси луғавий жиҳатдан “ўрнатилган, мукаррар қилинган қонун-қоидалар, ҳаётнинг асосий йўриқномаси” маъноларини англатади. Никоҳ ва оила масаласи ижтимоий муносабатларнинг муҳим асослари сифатида муайян давр ва тузумлар учун ўзига хос аҳамият касб этган. Шу жумладан, зардустийлар даврида ҳам ижтимоий муносабатларнинг истиқболи никоҳ ва оила ривожи билан узвий боғлик эканлиги чукур англанган. Шу сабабли ҳаётнинг асосий йўриқномаси бўлган – “Авесто” асарида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Зардустийлар балогат ёшини аниқ белгилашган. 15 ёшга балогат ёши ҳисобланиб, ушбу ёшга тўлган ўсмирлар эътиқод рамзи сифатида белига юнг ипакдан тўқилган камар боғлаб юришлари, “оташпарамстлар ибодатхонасида ўтказиладиган диний маросимларда қатнашиши шарт бўлган”. Оташпарамстлик ибодатхонасида диний тарбия йўлга қўйилган бўлиб, у бола 7 ёшга тўлгандан сўнг ташкил этилган. Ибодатхоналарда ташкил этилган тарбия қўйидаги йўналишларга асосланган:

- 1) диний ва ахлоқий тарбия;
- 2) жисмоний тарбия;
- 3) ўқиш ва ёзишга ўргатиш.

“Авесто” асарида қайд этилишича, зардустийлик таълимотида ип йигириш, либослар тикиш қиз болалар, кураш тушиш, чавандозлик, киличбозлик, сувда сузиш, камондан ўқ узиш каби жисмоний-ҳарбий малакаларни эгаллаш ўғил болалар учун мажбурий бўлган. Бу борадаги малакалар ўзлаштирилгандан сўнг кизлар 15, ўғил болалар эса 16 ёшида оқсоқол бошчилигига жамоа олдида маҳсус имтиҳондан ўтказилган. Имтиҳондан ўта олмаган болаларнинг ота-оналарига нисбатан муайян жазо қўлланилган.

Ўсмирлар 15-16 ёшларида балоғатга етган ҳисобланиб, турмуш қуриш хуқуқига эга булишган. Оила қуриш ва фарзанд қуриш ҳар бир зардустнинг инсонийлик бурчи дея эътироф этилган. Борди-ю, балоғатга етган йигит ёки қиз оила қуришни истамаса, бу ҳолда унга нисбатан кескин жазо белгиланган: “Агар эркак зурриёд қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса унга тамга босишар ёки

³⁴ Каримов И. Юксак маънавият – сенгилмас куч. – Тошкент: Маънавият. 2008 – 32-бет.

белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишган. Ер қозида зурриётни кўлпайишига қарши чиқиб, турмуш курмаган қиз қопга солиниб, 25 дарра калтакланган.

“Авесто”да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши қонун билан катъий ман қилинган. Кўп болали аёлларга тяялар берилган. Боласини нобуд килган аёллар эса ўлимга маҳкум этилган. Шунингдек оиласини, болаларини сарсон килган оила бошлиғига, зинога берилган эркак ва аёлга нисбатан дарра билан калтаклаш ёки ўлим жазоси кўлланилган. Бир йўла 2-3 та фарзанд кўрган аёлга бир жуфт соғин сигир, сариқ тия берилган, давлат хазинасидан нафака тўланган.

Ўғил томонидан отага қўл кўтариш, оила аъзоларига шикаст етказиш, зинокорлик, баччавозлик, эр ва хотин, ота ва ўғил ўртасидаги аҳднома – “сўз қасами”ни бузган одам маълум миқдорда қамчин билан саваланган.

Ўша даврда яшаган ҳалқларнинг эътиқоди, урф-одатлари, турмуш тарзи, шунингдек, болаларни тарбиялаш ва ўқитиш тўгрисидаги маълумотлар билан танишиш асосида айтиш мумкинки, “Авесто” асарининг никоҳ, оила масалаларига оид ғоялари болалар тарбиясини оқилона, тўғри ташкил этишга доир кўрсатмалар билан бойитиб борилган. Асар ғояларига кўра ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши ўқисин, сўнгра ҳаётий тажрибаларни ўрганиш орқали шахси сифатида ривожланишда юкори поғоналарга кўтарила олсин.

Зардустийлар болаларга гигиеник таълим беришга ҳам алоҳида эътибор қаратишган. Болалар ёшлиқдан дараҳт кўчати ўтказиш, уй-рузгор қуроллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чора билан шугулланиш каби меҳнат кўнімаларини ўзлаштиришлари шарт бўлган. Улардан ҳар куни уч маротоба юваниш, ота-она билан биргаликда дуоларни такрорлаш талаб этилган.

“Авесто” асарида ўғил болаларни йигитликка ўтказиш ўзига хос маросим тарзида ташкил этилган. Балоғатга етган ўғил болалар қуёшга караб “Мен зардўштийлик динига содик бўлишга ваъда бераман, мен яхши фикр, яхши сўзлар, яхши ишларни амалга ошира олишимга ишонаман” дея етти марта такрорлаган.

Ёшларда тўрт нарса, яъни, қуёш, сув, тупроқ ва олов муқаддас деган тушунчалар шакллантирилган. Дунё ёргулук ва қоронгулик, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашдан иборат. Болаларни меҳнат қилишга, ўз

кўллари билан моддий ноз-неъматларни яратишга ўргатиш яхшилик, эзгуликларнинг ёмонлик, ёзувллик устидан ғалаба қозонишини таъминлайди. Мехнат килмайдиган одам ёт эшикларга таъзим килишга, ўзгалар олдида бош эгишга маҳкум деб ҳисобланган.

“Куръони карим” ва ҳадислар оила тарбиясининг муҳим манбалари сифатида. Ислом динининг муқаддас китоби – “Куръон” жаҳон маданиятининг бебаҳо бойлиги саналади. Араб тилида “кироат” маъносини англатувчи мазкур манбада шахс маънавиятининг юксак намунасини ифодаловчи гоялар ўз аксини топган. Куръони каримда табиий ва ижтимоий борлик, уларнинг моҳиятини ёритувчи гоялар ифодаланган булиб, ушбу манба оркали ижтимоий, шахсий фаолиятнинг ҳалол ва ҳаром, яхши ва ёмон, эзгулик ва ёвузлик тамоийилларга асосланиши, оқибатлари, шахсларо муносабатлар, шунингдек, жамият ривожига таъсири каби кўплаб масалалар ёритилган.

Энг эътиборли жиҳати Куръони карим гоялари ижтимоий муносабатларнинг кишилар ўртасидаги ўзаро тенглик, биродарлик, ҳамжиҳатлиликка асосланиши, ҳар бир инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотга интилиши борасидаги гояни тарғиб қиласи. Ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳасига тааллукли бўлмасин кишиларни ўзаро тинчтотув яшашга, эзгу амалларни бажаришга даъват этади. Шу нуқтаи назардан асар катта ижтимоий, маънавий-ахлоқий қийматга эга. Куръони каримда эътироф этилишига кўра, инсон – энг олий қадрият саналади. Бинобарин, Ер юзидағи жамики тирик мавжудотлар орқасида факат инсонгина онг ва сўзлаша олиш қобилияти (нутқ)га эга ва у ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини онгли равишда ташкил этиш, назорат қилиш, бошқариш, таҳлил қилиш, баҳолаш ҳамда тўғрилай олади. Инсоннинг ана шундай қобилияtlарни ўзлаштира олишида Куръони карим гоялари ҳам асос вазифасини бажаради.

Юкорида айтиб ўтилганидек, Куръони каримда жамият ҳаётининг барча соҳаларига оид гоялар билан бирга никоҳнинг муқаддаслиги, оиланинг ҳар бир инсон учун қадрли маскан эканлиги ҳамда оилавий муносабатларнинг шахс камолотидаги ўрни борасидаги қарашлари алоҳида ўрин тутади.

Ислом динининг мукаддас манбаи бўлган – Қуръони карим гояларини ўрганиш асосида уларнинг “Оила педагогикиаси” фани мазмунини бойитишдаги имконияти катта эканлигига гувоҳ бўлинади. Манбада илгари сурилган қуидаги гоялар бу ўринда фоят самарали ва аҳамиятлидир:

- никоҳ қуриш ва уни бекор килиш тартиби (Қуръони каримда никоҳнинг мукаддаслиги, ҳар қандай шароитда ҳам уни имкон қадар сақлаб колиш зарурлиги айтилади);
- оиласий муносабатларни тұғри, самарали йўлга қўйиш шартлари;
- ота-оналар ва фарзандлар, оиланинг бошқа аъзолари эга бўлган ҳукуқ ва мажбуриятлар;
- оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган муносабатларида етакчи ўрин тутадиган гоялар;
- фарзандлар тарбиясини муваффакиятли ташкил этишга нисбатан ёндашув мазмуни;
- оиласий муносабатларда юзага келадиган зиддиятлар, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўллари;
- оила ҳўжалитини оқилона юритиш ва оила аъзолари ўртасидаги меҳнат тақсимоти;
- оила шароитида мулкий муносабатларни ташкил этиш шакллари;
- оила аъзолари ўртасидаги мулкни тақсимлаш тамойиллари ва б.

Никоҳ ва оиланинг ижтимоий аҳамияти Қуръони карим “Рум” сурасининг 21-оятида шундай ифодаланади: “Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноклик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир”³⁵.

Қуръони каримда “Нисо” сурасининг 34-оятида оилани шакллантириш, унинг мавжудлигини таъминлаш, муҳофаза қилишда эркак кишининг зиммасига катта мажбурият юклатилишига алоҳида ургу берилади: “Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиги сифатида доимий) коим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулқларидан сарф қилиб

³⁵ Қуръони Карим маъноларининг таржими ва тавсири / Тадж ва тафсир муз. Шайх А Мансур. Таҳр.хайъати: У Алимов ва б – Тошкент: “Тошкент истоҳом университети” НМБ, 2012 – 404-бет

туришларидир”³⁶. Шунингдек, оила бошлиғи сифатида эркак киши зиммасидаги муайян вазифаларни ҳал этиш билан бирга ўз аёли олдида ҳам ижтимоий, жисмоний ва молиявий жиҳатдан бурчли эканлиги таъкидлаб ўтилади: “...Улар билан тотув турмуш кечирингиз...”³⁷.

Ер юзидағи барча жонзорлар, шу жумладан, инсонлар ҳам табиий инстинктта кўра жуфт-жуфт бўлиб яшайди. Икки жинс вакили ўртасидаги келишувга асосланиб куриладиган оила инсоният тарихининг барча даврларида ҳам шарафли юмуш хисобланади. Оила куришдан асосий мақсад сулоланинг мавжудлигини таъминлаш, умумий ҳолда инсоният, жузъий ёндашувга кўра эса миллат (элат, қабила, уруг) ҳаётини давом эттиришдир. Бу ҳакида муқаддас манба “Наҳл” сурасининг 72-оятида шундай дейилади: “Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун ўгиллар ва набиралар пайдо қилди ва Сизларни пок нарсалардан ризқлантириди”³⁸.

Оила куриш муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Никоҳга киришиш ва оила куриш орқали ҳар бир балогатга етган йигит ва қиз зиммасидаги ана шу муҳим ижтимоий вазифани адо этади. Бу хусусида Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳар бир оила куриш лаёқатига эга йигитларга шундай мурожаат қилганлар: “Эй, ёшлар жамоаси! Сизлардан уйланишга қодирлари уйлансан, чунки уйланиш кўзни ва аъзони ҳаромдан саклайди. Уйлана олмаганлар рўза тутсин, чунки рўза унинг учун бичилишдир”³⁹. Бошқа бир ҳадисда эса уйланиш нафакат Ислом таълимоти нуктаи назардан, балки бошқа динлар гояларига кўра ҳам суннат (ҳадисларда тарғиб этилиб, ибодат, муомала ҳамда ижтимоий муносабатларда қўлланиладиган амал) саналади: “Тұртта яхши иш бор, улар пайғамбарлар суннатидан саналади: ҳаё, хушбўйлик, мисвок тутиш ва уйланишдир”⁴⁰.

Оила – инсоният мавжудлигини таъминловчи муҳим омил сифатида баҳоланади. Қуръони карим “Раъд” сурасининг 38-оятида оиласларни яратиш учун ҳар бир вояга етган ҳамда оила куриш лаёқатига эга шахс,

³⁶ Үша манба. – 84-бет.

³⁷ Үша манба. – 80-бет.

³⁸ Үша манба. – 274-бет.

³⁹ Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил Ҳадис 4 китоб Ал-Жомеъ ас-саҳих (Ишонарли тұплам) 1-к. /Арабчадан З.Исмоил тарж - Т: Қомуслар Бөш таҳририяты, 1991. - 560 б.

⁴⁰ Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил Ҳадис 4 китоб Ал-Жомеъ ас-саҳих (Ишонарли тұплам) 1-к. /Арабчадан З.Исмоил тарж - Т: Қомуслар Бөш таҳририяты, 1991. - 560 б.

хатто пайгамбарларнинг ҳам инсоний бурчи эканлиги уктирилади: “Дарҳақиқат, Сиздан илгари ҳам (кўп) пайгамбарлар юборганимиз ва уларга хотинлар ва зурриётлар берганмиз”⁴¹.

Куръони карим “Нисо” сурасининг 19-оятида ижтимоий муносабатларнинг самимий, соглом, ўзаро ёрдам, ҳамжиҳатлик, тотувликка асосланиши эр ва хотиннинг бир-бирларига бўлган меҳру мухаббати, бир-бирларини кўллаб-куватлашлари, ҳаётий кийин вазиятларда бир-бирларига таскин беришлари, баҳтли, саодатли вақтларда эса бир-бирларининг қувончлариига шерик бўлишлари, бир-бирларини айб ва камчиликлари учун кечиришлари ҳисобигагина таъминланиши айтилади: “Эй, имон келтирганлар! Сизларга хотинларни мажбурий равишда мерос килиб олиш ҳалол эмасдир. Яна, уларга берган маҳрларингизнинг бир кисмини кайтариб олиб кетиш ниятида хотинларингизга тазийқ қилмангиз! Агар улар аниқ бузуқлик киласалар (бу мустаснодир). Улар билан тотув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз, (билиб кўйингки,) балким сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо килиши мумкин”⁴².

Ушбу гоя Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларида янада ривожлантирилиб, оиласдаги тинчлик, тотувликни таъминловчи, фарзандларнинг етук шахс бўлиб вояга етишларини кафолатловчи шартлардан бири – бу оила бошлиги бўлган эркакларнинг ўз аёлларига нисбатан яхши муносабатда бўлиши эканлигига ургу бериб ўтилади. Абу Ҳурайрадан ривоят килинган куйидаги ҳадисда бу хусусида шундай дейилган: “Сизларнинг ичингиздаги яхши эркак ўз аҳли аёлига нисбатан яхши муносабатда бўлганидир. Мен эса ўз аҳлимга сизлардан кўра яхшироқ муносабатдаман”⁴³. Шу билан бирга эркаклар оиласвий ҳаёт, оиласвий муносабатлар мувозанатининг барқарор бўлишига ҳам масъул эканликлари айтилади: “Ҳеч бир мўмин ҳеч қайси мўмина аёlinи ёмон кўрмасин! Агар унинг хулқ атворидан бирини ёқтираса, бошка хулқини ёқтириши мумкин”⁴⁴.

⁴¹ Куръони карим маъноларининг таржима ва тавсири / Тарж ва тафсир муал Шайх А.Мансур. Таҳр.хайрати У.Алимов ва б – Тошкент: “Тошкент ислом университети” НМБ, 2012. – 254-бет.

⁴² Ўтла манба – 80-бет.

⁴³ Ал-Бухорий. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Иஸмоил Ҳадис 4 китоб. Ал-Жомъе ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам) 1-к. /Арабчадан 3 Иஸмоил тарж - Т. Комулетар Бош таҳририяти, 1991 - 560 б.
Ўтла манба – 94-бет.

Айни ўринда шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, Ислом таълимоти ўзида инсонпарварлик гояларини акс эттиради. Бунинг исботини биргина аёлларга бўлган муносабатда ҳам кўриш мумкин. Исломгача бўлган инсоният тарихидан маълумки, аёллар матриархал (уругчилик жамиятининг она хукмронлиги даври)ни истисно қилганда бошқа босқичларда аёл кишига нисбатан паст назар билан қаралган. У бир буюм сифатида эътироф килинган ва аёлга бир буюмга қилганидек муносабатда бўлинган. Ислом таълимотида эса аёллар ҳам муайян ҳақ-хукукларга эгалиги кўрсатиб ўтилган. Хусусан, оила мухитида эркакларнинг зиммаларида хотинларнинг ҳам ҳақлари борлиги айтилади. Бу ўринда мисол сифатида қўйидаги ҳадисни келтириб ўтиш жоиз. Абу Довуддан ривоят килинган ушбу ҳадис мазмунига кўра сахобалар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: “Зиммамизда хотинларимизнинг қандай ҳақлари бор?” – деб сўрашганда Улар: – Еганингизда уни ҳам едирмоғингиз, кийганингизда кийдирмоғингиз, юзига урмаслик, ёмон сўзлар билан ҳакорат қилмаслик, факат хонадан чикмаган ҳолда ўринни бошқа килиб ётмоқлик”, – дедилар”⁴⁵.

Бошқа бир ҳадисда эса шундай гоя ёритилади: “Аёллар ҳакида Аллоҳдан кўркинглар, дарҳақиқат, улар сизнинг ёрдамчиларингиз бўлиб, сизларнинг улардаги ҳақкингиз шундан иборатки, сизнинг уйингизга сиз ёқтиргмаган бирорта кимса бостириб киришига йўл қўймаслик. Борди-ю, шундай қысалар уларни жароҳат етказмайдиган килиб уришиб қўйингиз! Ўз навбатида сизлар ҳам уларни яхшилик билан едириб, кийдирингиз”⁴⁶.

Эркаклар табиатан аёллардан физиологик ва жисмоний имкониятларига кўра устун қилиб яратилган. Ҳадисларининг бирида оиласнинг моддий таъминотини яратиш, уни оқилона сарфлаш, ўз қарамоғидагилар – аёли, фарзандлари, ота-онаси ва унинг василигидаги шахсларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун ҳам масъул эканликлари, уларни бу омилдан маҳрум этиш гуноҳ эканлиги алоҳида қайд этилиб ўтилган: “Киши ўз қарамоғидагиларини нафакасиз ташлаб қўйиши унинг қаттиқ гуноҳкорлигига кифоя қиласди”⁴⁷.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларида жамики яхшиликларнинг энг афзали – оиласга, унинг аъзоларига қилинган яхшилик эканлигига алоҳида урғу

⁴⁵ Ўша манба – 102-бет

⁴⁶ Ўша манба – 101-бет.

⁴⁷ Ўша манба – 112-бет

бериб ўтилган. Бу хусусида Табаронийдан ривоят қилинган ушбу ҳадисда шундай дейилади: “Яхшилик қилишни, меҳр-шафқат ва меҳрибонликни оиласидан бошла!”⁴⁸.

Куръони карим ҳамда Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларида оиласидан муносабатларни ташкил этишининг ҳуқуқий асослари борасида ҳам сўз боради. Хусусан, оила тарбиясида ўзига хос аҳамиятга эга масала – отоналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабат моҳияти, жумладан, уларнинг бир-бирлари олдиларидағи ҳаклари аник кўрсатилган. Отонанинг ўз фарзандлари олдидаги ҳакларини узишлари қанчалик муҳим бўлса, фарзандларнинг ўз ота-онасига кўрсатадиган меҳрибонлиги, раҳм-шафқати ҳам шунчалик аҳамиятга эга. Муқаддас манбаларда фарзандларнинг ота-онар олдидаги ҳакларининг қуидагилардан иборатлиги қайд этилган:

- фарзандга ота-она хатти-харакатларининг малол келмаслиги;
- ота-онага уларнинг дилларига оғир ботадиган сўз айтмаслики;
- ота-онага эҳтиром бажо келтириш;
- отан-онага раҳм-шафқат кўрсатиш;
- ота-онанинг ҳакларига дуо қилиш.

Куръон каримда инсонга хос энг юксак ахлоқий фазилат сифатида сабр-қаноат улуғланади. Бунинг исботини сифатнинг Куръон каримда энг кўп тилга олинишида ҳам кўриш мумкин. Муқаддас манбада қайд этилганидек, сабр-қаноатлилик, саботлилик кийинчиликларга, мусибатларга бардош бериш, ёмон кишилар томонидан етказган ноҳақликларга чидаш деганидир. Шу блан бирга Куръони каримда муайян хислатлар сабрнинг, яъни баъзи ҳолатларга нисбатан шахс муносабатининг даражасини белгиловчи мезон сифатида эътироф этилади. Жумладан, кийинчиликларга нисбатан шижоат, шаҳвоний хирсга нисбатан ифрат, жаҳлга нисбатан эса ҳалимлик сабрнинг энг муҳим мезонлар саналади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларида инсоннинг камолотини таъминловчи инсоний фазилатлар қайд этилган. Бундай фазилатлар сирасида ўзгаларга меҳр-оқибат кўрсатиш, сахийлик, очик кўнгиллик, ота-она, катталар ва қариндошларга нисбатан муруvvватли бўлиш, уларга ғамхўрлик қилиш, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб-хунарни улуғлаш,

⁴⁸ Ўша манба – 201-бет.

ҳалоллик, поклик, дүстлик, олийжаноблик, раҳм-шафқатлилік, камтарлік, ростгүйлік ва виждонлилік кабилар киритилган.

Хадисларда комил инсон қиёфасида намоён бұлувчи ижобий хислатлар улуғланса, аксинча, исрофгарчилік, таъмагирлик, очқұзлик, нафс, шаҳвоний хисларга берилиш, баҳиллік, жохиллік каби иллатлар кораланади.

Шарқ мутафаккирларининг оила педагогикасига оид фикрлар. Оила тарбияси масалалари Шарқ мутафаккирларининг шахсга таълим бериш, унда ижобий сифатларни шакллантириш борасидаги карашларининг мұхим үнсүри саналади. Ҳусусан, Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мұхаммад Қошгари, Юсуф Ҳос Хожиб, Үнсурул Маолий Кайковус, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби мутафаккирларнинг асарларида болаларни оила шароитида маънавий-аҳлоқий тарбиялашга оид ғоялар кенг ёритилиб, бу борадаги самарали йүллар кўрсатиб берилган.

Агарда **Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий** ўз асарларыда ота-оналарни икки тоифа (тугиши отаси (яъни, биологик ота) боланинг жисмоний яратилиши, униб-үсиши учун мастьул бўлса, таълим берувчи ота (яъни, маънавий ота) эса боланинг руҳий жиҳатдан тўлаконли вояга этиши учун жавобгар каби тоифа)ларга ажратган бўлса, **Абу Райхон Беруний** инсон табиатининг, энг аввало, оила мұхитида шаклланишини алоҳида қайд этиб ўтган. Аллома ота-оналарга бола руҳиятини мўътадил сақлашни тавсия этади. Бола руҳиятини мўътадил сақлаш уни қаттик газабланиш, кўркиш, хафалик, жисмоний толикиш ҳамда уйқусизликдан муҳофазалаш орқали таъминланишини айтади. Шунингдек, ота-оналарни болалар хоҳлаган ва улар учун фойдали бўлган нарсасини топишга, уларни имкон кадар ёқтиргмаган нарсаларидан узоклаштиришга ундейди. Алломанинг қайд этишича, ота-оналар болага нисбатан бир хил муносабатда бўлишлари уни тўгри тарбиялаш учун ниҳоятда аҳамиятли. Ота-онанинг болага нисбатан турлича муносабатда бўлишлари унинг хулқида салбий одатлар намоён бўлиши учун шароит яратиб беради.

Абу Райхон Беруний бола хулқ-атворининг мўътадиллиги унинг жисмонан ва руҳий согломлиги учун мұхим асос эканлигини илмий жиҳатдан асослаб берган. Шунингдек, аллома ўз асарларыда боланинг

камолга этишида ирсият, ижтимоий мухит ва тарбиянинг бирдек таъсирга эгалигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Оиланинг бола тарбиясидаги роли масаласи буюк мутафаккир Абу Али Ибн Синонинг илмий меросида ҳам муҳим ўрин эгаллади. Алломанинг “Тадбири ал-манозил” номли асарининг алоҳида боби оила тарбиясини самарали ташкил этиш масалаларига бағишлиланган. Мутафаккир ўзининг тиббиётга оид билим ва ҳәтий тажрибаларига асосланган ҳолда “Тадбири ал-манозил” асарида “Алла” қўшигининг болани руҳий ва жисмоний камолотга этишида муҳим аҳамиятга эга омиллардан бири сифатида эътироф этади. Абу Али ибн Сино “Алла” қўшиғи икки муҳим вазифанинг ҳал қилинишини таъминлади. Биринчисидан, болани тебратиш унга жисмоний ором бағишлилади; иккинчисидан, бешикнинг бир маромда тебранишидан онанинг меҳри жўш уради, фарзандига бўлган муҳаббатдан онанинг юрагида орзу, умидлар уйғонади. Сехрли, жозибали қўшиқ боласи учун касида каби янграйди ва фарзандининг мурғак қалбига сингиб боради. Шу тарзда болада у ҳали англамаган ҳолат пайдо бўлади, аста-секин борликни англай бошлайди. Борликнинг бу тарзда дастлабки англиниши ўрганишнинг илк босқичидир. Бу босқичда ўрганиш асосида бола шахси шаклланиб боради. Аллома ўрганишнинг сезгига асосланини илмий жиҳатдан асослаб беради. Қолаверса, Абу Али Ибн Синонинг ёш боланинг сезгирилик қуввати катта ёшли кишининг сезгирилигига тенг деган фикрни илгари сурган.

Аллома болани секин-секин тебратиш ва унга оҳанг ёрдамида алла айтиш бола мижозининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади: “Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани кўлламоқ керак. Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун одат бўлган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш микдорига қараб, боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусикага бўлган истеъоди ҳосил бўлади”⁴⁹.

Ибн Синонинг ёндашувига қўра, бола тарбиясида оила бошлиги сифатида ота алоҳида рол ўйнайди: “Агар оиласида оила бошлиги тажрибасизлик, нўноклик килса, у оила аъзоларини яхши тарбиялай олмайди ва оқибатда бундан ёмон натижалар келиб чикиши мумкин”.

⁴⁹ Ибн Сино, Абу Али Тиб қонунлари 1-китоб. – Тошкент: “Фан” наприёти, 1959. – 293-бет.

Бола тарбияси самарали йўлга қўйилган оиласаргина баҳтли бўлади. Зеро, оиласнинг энг муҳим вазифаси болани ҳар жиҳатдан тўғри камолотга етказишдир. Ота-она ким бўлишидан катъий назар ушбу маъсулиятли вазифани тўла-тўкис адо этиши лозим.

“Тадбири ал-манозил” асарида фарзандларнинг тўғри камолот топиши, келажак тақдирининг белгиланишида улар учун ибрат бўладиган ота-оналар қиёфасида акс этиши зарур бўлган ижобий фазилатлар санаб ўтилади.

Ибн Синонинг алоҳида қайд этишича, меҳнат оиласа болани маънавий-ахлоқий тарбиялашда энг муҳим восита саналади. Болаларда меҳнатсеварликни хислатини тарбиялашда ота-оналарнинг фарзандлар томонидан муайян касб-хунар асосларининг ўрганилишига эътибор қаратишлари муҳимдир. Аллома меҳнат инсонни улугласа, меҳнат килиш кўнімкаларини ёшлидан ўзлаштирумаслик болада салбий одатларнинг ривожланишига шароит яратади.

Мутафаккир эр-хотиннинг бир-бирларига бўлган муносабатлари, бир-бирларини ҳурмат килишлари бола ахлоқининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди. Бунинг учун ота-онанинг ҳар бири оиласа маълум вазифаларни бажариши зарур. Хусусан, эркак киши, асосан, оиласнинг таъминотини яратиши, аёл киши эса оила бошлиги топиб келган маблаг, моддий неъматларни тежаб-тергаши, уй-жойларни саранжом-саришталигини таъминлаши, фарзандлар тарбияси билан шугулланиши зарур.

Ибн Сино бола тарбиясига оид ўз фикр ва мулоҳазаларни билдирап экан, бола тарбиясини унга исм қўйишдан бошлишни лозим топади ҳамда болаларга яхши исм танлашни ота-онанинг дастлабки олижаноб вазифаларидан ҳисоблайди.

ХИ асрда яшаган мутафаккирлардан бири **Юсуф Ҳожиб** ҳам ўзининг машхур “Кутадғу билиг” асарида бола тарбияси масаласига алоҳида тўхталиб ўтган. Хусусан, ушбу асарда қўйидаги гоялар ўз аксини топган: “Фарзанд қанчалик билимли, ақлли-хушли бўлса ота-онасининг юзи шунчалик ёруғ бўлади”.

Юсуф Ҳожиб ҳам бола тарбиясида отанинг маъсулияти юқори эканлигини таъкидлайди: “Кимнинг ўғил-қизи эрка бўлса у унга шу кишининг ўзи мунгли бўлиб йиглайди. Ота болани кичикилигига бебош қилиб қўйса, болада гуноҳ йўқ, барча жафо отанинг ўзида; ўғил-қизнинг

хулқ-атвори ярамас бўлса, бу ярамас ишни ота қилган бўлади. Ота болаларини назорат килиб, турли ҳунарларни ўргатса, улар улғайтак, ўғил-қизим бор, деб севинади; ўғил-қизга ҳунар ва билим ўргатиш керак, токи бу ҳунар билан уларнинг феъл-атвортари гўзал бўлсин”.

Мутафаккир болалар тарбиясини ўта мураккаб жараён деб тушунади. Бу жараён белдан мадорни, танадан кувватни, кўздан нурни, дилдан оромни талаб қиласди. Агар инсоннинг ўзида гўзал фазилатлар бўлса, уларни бошқаларга ўргатиши лозим. Лекин одоб-ахлоқ, одат ва иродани ҳосил қилиш учун катта куч ва ҳаракат талаб этилади. Бу жараёнда таълим ва тарбиянинг самарали ташкил этилиши мухим аҳамиятга эга. Зоро, шахсни тарбиялашдан мақсад унинг онгиға атрофдагиларга яхшилик қилиш, борликка меҳр-муҳаббат билан ёндашиш зарурлиги тўғрисидаги тушунчаларни сингдиришдан иборатдир. Ана шу мақсадга йўналтирилган масъулиятли вазифани бажаришда эса ота-она асосий ўринни эгаллайди.

Шарқ мутафаккирларидан яна бири **Унсурул Маолий Кайковус** ўзининг “Қобуснома” асарида оила, оилавий муносабатлар ҳамда оилада фарзандларни тарбиялаш масалаларига катта эътибор қаратади. Асарнинг алоҳида боби “Фарзанд парвариш қилмоқ зикрида” деб номланган. Аллома ушбу бобда ота-онанинг зиммасига юклатиладиган вазифаларни ёритади. Бу вазифалар қуйидагилардир:

- 1) болага яхши исм қўйиш;
- 2) болани оқил ва меҳрибон энагага топшириш;
- 3) тўй-томуша қилиб, суннат тўй ўтказиш;
- 4) ўқиш-ёзишни ўргатиб, касб-ҳунарли ва илмли қилиш;
- 5) ҳарбийлар аҳлидан бўлса, сипоҳийликни ўргатиш.

Кайковуснинг ёндашувига қўра, бола тарбиясида талабчанлик билан меҳрибонлик бирга қўшиб олиб борилиши лозим. Аммо бунда ота-онанинг болага нисбатан қаҳрли бўлиши, уни бевосита ўзлари жазолашлари тўғри эмас, чунки бу болада уларга нисбатан нафратни юзага келтиради. Энг тўғри йўл бу ўринда муаллимларнинг ёрдамига таяниш, улар орқали билвосита болани жазолашдир: “Ёш бола илм билан одобни таёқ билан ўрганур, ўз ихтиёри билан ўрганмас. Аммо фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдан қаҳринг келса, ўз қўлинг билан урмагил, муаллимларнинг таёги билан қўркитгил! Болаларга

муаллимлар адаб берсинглар, токи сендан ўғлингни кўнглидагина қолмасин”.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг бадиий-илмий меросида ҳам оиласвий муносабатлар ва оиласда фарзанд тарбиясини ташкил этиш масаласи алоҳида ўрин эгаллаган. Унинг фикрича, жамиятнинг тараққиёти, истиқболи ёшлар камолоти билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли болани ҳар жиҳатдан етук, олийжаноб қилиб тарбиялаш отоналар олдида турган энг муҳим вазифадир. Аллома болаларнинг тарбиясида ота-онанинг ўрни бекиёс эканлигини қайд этади. “Махбуб-ул-кулуб” асарида аёлнинг оиласдаги, хусусан, болаларнинг тарбиясидаги роли масъулиятли эканлигини таъкидлайди: “Яхши хотин оиласнинг давлати ва баҳти, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан, хуснли бўлса – кўнгил озиғи, хушмуомала бўлса, жон озиғидир. Окила бўлса, рўзгорда тартиб-интизом бўлади. У беандиша бўлса, кўнгил ундан озор чекади, ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан рӯҳ азобланади. Агар майхўр бўлса, уй ободлиги йўқ олади, ақлсиз бўлса, оила расво бўлади”.

А.Навоий ўз асарларида оиласда ўзаро келишмовчиликлар, ота ёки она, оиласнинг бошқа аъзолари хулқидаги иллатларнинг, қолаверса, ижтимоий омилларнинг бола тарбиясига салбий таъсирини кўрсатиб беради. Шу билан бирга аллома бола шахсида намоён бўладиган яхши ва ёмон хулқлар, уларни келиб чиқувчи манбаларни кўрсатиб берар экан, болада ёмон хулқ пайдо бўлишининг олди олинмаса, у ҳолда борабора иллатга айланишини алоҳида қайд этиб ўтади.

Мутафаккир ўзининг “Махбуб-ул қулуб” асарида комил инсонга хос ижобий фазилатлар ҳақида сўз юритар экан, асосий эътиборни ҳар бир шахс, шу жумладан, болаларда ҳам ана шу ижобий сифатларни шакллантиришнинг ижтимоий зарурият эканлигини асослаб беради. Болаларнинг билимли, олийжаноб ва ростгўй инсонлар билан изчил мулоқотда бўлишлари уларда ҳалоллик ва тўғрисўзлик сифатларини тарбиялашига алоҳида ургу бериб ўтади.

Оиласнинг ҳар бир шахс ҳаётидаги ўрни, оила муҳитида ташкил этилаётган тарбиянинг бола шахси шаклланишига кўрсатадиган таъсири **Абдулла Авлоний** асарларидан ҳам марказий ўрин эгаллаган. Маърифатпарварнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлок” асари яхлит ҳолда комил инсон киёфасида акс этиши зарур бўлган ижобий фазилатлар,

шунингдек, биологик ва ижтимоий омиллар таъсирида шаклланиши мумкин бўлган салбий иллатлар, улар келтириб чикарадиган оқибат хусусидаги гояларни ифодалайди.

Аллома бола тарбиясида у яшаётган мухит, ижтимоий-иктисодий шароит, турмуш тарзи канчалик мухим бўлса, субъектлар, хусусан, ота-онанинг роли шунчалик аҳамиятли эканлагини кўрсатади. Боланинг ахлоки, хулк-авторига кучли таъсир этувчи шахслар, энг аввало, ота-оналар эканлигини эътироф этган ҳолда уларни фарзандлар тарбиясида масъулиятли бўлишга чақиради.

Абдулла Авлоний ўз асарларида Абу Али ибн Сино каби тана саломатлигини руҳият соғломлиги билан узвий боғлиқ эканлигига эътиборни қаратади. Маърифатпарварнинг қайд этишича, болада эзгу фикр, яхши ахлоқ ва маърифатга эга бўлиш учун дастлаб баданни тарбия қилиш зарурлигини айтиб, болани соғлом қилиб тарбиялаш учун ота-онани жавобгар деб ҳисоблади.

Хулоса қилиб айтганда, никоҳ, оиласи муносабатлар ва фарзанд тарбияси масаласи ўзбек халқи тарихидан жуда қадимдан ўрганиб келинган. Зардуштийлик динининг мукаддас манбаи – “Авесто” асарида, миллий маданий қадриятларимизнинг мухим таркибий қисми бўлган Ислом маданияти гояларини ўзида акс эттирган Куръони каримда, шунингдек, Шарқ мутафаккирларининг асарларида комил инсон шахси, уни вояга етказишда асосий ўринни эгалловчи оила, унда ташкил этиладиган болалар тарбияси масалаларининг таҳлилига алоҳида ўрин ажратилган. Уларда қайд этилишича, ҳар бир оила жамиятнинг кичик бир бўгини. Минглаб оиласаларнинг ўзаро бирлашуви эса жамиятни ҳосил қиласди. Шундай экан, ҳар бир оила, унда карор топган тарбиявий мухит бевосита жамиятнинг тараққиётини белгилаб беради. Оила ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги ўз-ўзидан ота-оналар зиммасига болалар тарбиясини тўғри ташкил этишдек мухим ижтимоий вазифани юклайди.

Назорат саволлари:

1. Тарихий манба “Авесто”да оила масалаларининг қайси жиҳатлари ёритилган?
2. “Авесто” асарида балоғат ёши ва фарзанд тарбиясига қандай ёндашилган?

3. Куръони каримда ота-онанинг фарзандлар тарбиясидаги масъулияти қандай баҳоланган?
4. Ислом тълимотига кўра фарзанднинг ота-онаси олдидаги бурчлари нималардан иборат?
5. Куръони каримда оила мустаҳкамлигини таъминловчи омиллар сифатида нималар эътироф этилган?
6. Ҳадисларнинг оила тарбиясидаги аҳамияти қандай? Фикрингизни ҳадислар мисолида асосланг.
7. Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат масаласига ҳадисларда қандай ўрин ажратилган?
8. Шарқ мутафаккирларнинг асарларида оила тарбиясига оид қандай ғоялар мавжуд?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси оилани мустаҳкамлаш бўйича Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 қабул килинган Қарори.
2. Бобоев X., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. – Тошкент: “Адолат”, 2001.
3. Махмудов Т. “Авесто” хакида. – Тошкент: “Шарқ”, 2001.
4. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий түрур / Ўқув қўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999.
5. Педагогика тарихи / Ўқув қўлланма. К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
6. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009.
7. Тросян В. История образования и педагогической мысли. – Москва: Педагогика, 2006.
8. Ҳошимов К., Очил С. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2010.

Амалий топшириклар:

1. Куръони карим ва пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.) ҳадисларида баён этилган никоҳ, оила қуриш, оилавий муносабатлар, фарзандлар тарбиясига қарашларни жамланг ва уларни жадвал асосида ифодаланг!

2. Турк олими Юсуф Товаслийнинг “Ҳикматлар хазинаси” асарида келтирилган онанинг ўз кизига айтган 10 та насиҳати билан танишиб чиқинг ва у асосида бўлажак келинлар учун кичик тавсиянома тайёрланг!

Қизим! Сенга айтадиган ўнта ўғитимга қулоқ сол! Буларни доимо ёдда тут!

1. Қаноат соҳибаси бўл. Ўз ҳолингга шукр қил. Яъни эринг уйга нимаики олиб келса, у хоҳ ейдиган хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфеъллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол. Эрингга ташаккур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зоро, баҳтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукр этмоклиkdir. Ҳолига шукр этмаган ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил хузури, қалб роҳати бўлмайди.

2. Эрингга итоат қил, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма! Яъни, эринг билан суҳбатлашганда, мулоқотда бўлганда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб адо этишингни, сенинг сўзлашиб, қулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Аллоҳ Таоло сендан хушнуд ва уйингиз саодат нуридан порлок бўлади.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер! Яъни уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут. Шундай қилки, эрингнинг кўзига бир чиркин ер кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хуш бўйни сезсин, димогига ёмон хид келмасин. Чунки ёмон хидлар эринг кўз ўнгидаги сенинг обрўингни туширади. Сендан ирганишига сабаб бўлади. Шуни яхши билгилки, тозалик ва заифлик энг яхши нарсалардир. Инсон кўзига хуш кўринишлик шулар биландир.

5. Овқатни вактида тайёrlа. Яъни овқатланиш вактини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатини тайёrlа. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шуни яхши билгинки, очлик инсоннинг тез жаҳлини чикаради.

6. Уйку вактини, уйгониш пайтини яхши билиб ол! Яъни, унинг қачон уйкуга кетиш пайти бўлса ўрнини тайёrlаб қўй. Зоро, уйқусизлик инсонни хафакон этади. Аслаблари бузуклик, хафаконлик одамларнинг эхтироси, муҳаббатини секин-секин сўндиради.

7. Эрингнинг моли ва ашёсига жуда эътиборли бўл! Яъни, эрингнинг мол-дунёсини яхши сакла, ашёларини авайла, муҳофаза қилгил. Чунки

унинг мол-дунёси сеникидир. Эрнинг мол-дунёсини исроф этмаслик иш билиш ва қадрига етиш демакдир.

8. Эрингнинг қариндош ва яқинларига хурмат кўрсат! Яъни эрингнинг қариндошлари ва яқинларига хурмат унинг эътиборини қозонмок демакдир. Уларни хурмат қилиш эрингни хурмат қилиш демакдир. Бу эса қадр ва эътибор қозонишdir.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма! Яъни, эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб, уни сакла, бирорларга айтиб юрма. Агар айтиб кўйсанг, унинг газабини келтириб кўясан, ишончини йўқотасан. Бунда тузётган оиласан бузилади.

10. Эрингнинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо кил! Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар бир шундай ҳаракат бўлса, сенга кек саклаб охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди.

Амалий топширикларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Куръони карим ва пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида баён этилган никоҳ, оила қуриш, оилавий муносабатлар, фарзандлар тарбиясига қараашларнинг куйидаги жадвал асосида жамланиши уларнинг моҳиятини чукурроқ англаш имконини беради:

№	Никоҳ, оила қуриш, оилавий муносабатлар, фарзандлар тарбиясига қараашлар	
	Куръони каримда ифодаланган қараашлар	Ҳадиси шарифда ифодаланган қараашлар
1.		
2.		
3.		
...		

2. Турк олими Юсуф Товаслийнинг “Хикматлар хазинаси” асарида келтирилган онанинг ўз қизига айтган 10 та насиҳати асосида тайёрланадиган кичик тавсияномада асосий гояларнинг таянч тушунча

ёки иборалар ёрдамида ифодаланишига эътибор қаратиш зарур. Кичик тавсияномани тайёрлашда қуйидаги намунадан фойдаланиш мумкин:

Бўлажак келинлар учун кичик тавсиянома

1. Каноатли, шукрли, хушфэл ва одобли бўл! Турмуш ўргонгингнинг ҳар бир яхши амали учун миннатдор бўлишни ўрган!
2. Турмуш ўргонгига итоатли бўл ва уни диккат билан тинглашни ўрган!
3. Ўйингнинг нихоятда озода, тартибли бўлишига эриш!
4. ...
- 5.
- 6.
- 7.
- 8.
- 9.

ОИЛАНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. ОТА-ОНАЛАР ВА ФАРЗАНДЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА БУРЧ (МАЖБУРИЯТ)ЛАРИ

Режа:

1. Оиланинг ижтимоий ва ҳуқуқий асослари.
2. Ота-оналарнинг ҳуқук ва бурч (мажбурият)лари.
3. Фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурч (мажбурият)лари.

Таянч тушунчалар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Оила Кодекси”, оила, оиланинг ҳуқуқий асослари, ота-оналарнинг ҳуқуқлари, ота-оналарнинг бурч (мажбурият)лари, фарзандларнинг ҳуқуқлари, фарзандларнинг бурч (мажбурият)лари.

Оиланинг ижтимоий ва ҳуқуқий асослари. Оила ўз моҳиятига кўра ижтимоий мақом ҳамда ҳуқуқий асосга эга бўлади. Ижтимоий мақом оиланинг жамиятдаги мослашувчанлик даражасини белгилайди. Оила ҳамда оилавий муносабатлар масалалари бўйича олиб борилган узок йиллик тадқиқотларнинг натижаларига кўра оиланинг ижтимоий мақомини белгиловчи асосий жиҳатлар белгилаб олинган. Улар хусусида қуйида батафсил сўз юритилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳатлар ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида тури бўлган

оила муносабатларининг ҳар томонлама тартибга солишда янги сифат даражасига эришиш имконини берди. Ўзбек халкига хос миллий қадриятлар ва анъаналар замонавий тажрибалар билан уйғунлаштирилган ҳолда оила конунчилиги, оиласидан муносабатларининг янги хукуқий асослари шакллантирилди.

Қарийиб чорак аср давомида Ўзбекистонда оила, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг исботини муайян йиллар, 1998 йилнинг “Оила йили”, 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб номланишида кўриш мумкин. Асосий мақсад йилларни шундай номлаш эмас, балки қайд этилган даврда бутун йил давомида оила мустаҳкамлигини, фаровонлигини таъминлаш, оилаларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожи учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат. Бу борада ҳар бир йил билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, туркум вазифалар белгиланди, ушбу вазифаларни амалга оширишнинг пухта асосланган механизмлари ишлаб чиқилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган ижтимоий ислоҳотлар доирасида оилаларни ижтимоий муҳофазалаш масаласига катта эътибор қаратилди. Мазкур эътиборнинг ёрқин кўриниши сифатида Республика Президентининг “Кўп болали оилаларга ижтимоий ёрдам тизимини мукаммаллаштириш тўғрисида”ги (1994 йил 16 июнь) Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги (1996 йил 10 декабрь) Фармойиши ҳамда “Вояга етмаган болали оилаларга нафака тўлаш тўғрисида”ги Низомларини қайд этиб ўтиш мумкин.

“Вояга етмаган болали оилаларга нафака тўлаш тўғрисида”ги Низомида муайян тоифадаги оилаларнинг ижтимоий нафака олиш хукуқига эгалиги кўрсатилган. Бу каби оилалар сирасига қўйидагилар киради:

- ногирон болали оилалар;
- ота-онасидан ажралган болаларнинг тарбияси билан шугулланувчи қариндошларнинг оилалари;
- ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган оилалар;
- ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз бўлган оилалар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамиятнинг энг мухим, ажралмас кисми бўлган оила институтининг хукукий макомини белгиловчи асосий хужжат хисобланади. Мазкур хужжатнинг 14-боби бевосита “Оила” деб номланган бўлиб, унинг таркибига киритилган моддаларда оила, унинг ижтимоий мақоми, ота-оналар ва фарзандларнинг ҳак-хукуклари кўрсатиб берилган. Хусусан⁵⁰:

№	Мазмуни	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддалари
1.	Оила жамиятнинг асосий бўгини бўлиб, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хукуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг хукуклилигига асосланган ҳолда тузилади	63-модда
2.	Хукукий нуктаи назардан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдир	64-модда
3.	Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан катъий назар қонун олдида тенгдирлар	65-модда
4.	Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар эса ўз ота-оналари ҳакида ғамхўрлик килишга мажбурдирлар	66-модда

Никоҳ, оиласи муносабатлар ва оиласи фарзандлар тарбиясини ташкил этиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида кенг ва батафсил ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 1998 йилнинг 30-апрелида қабул қилинган бўлиб, у 8 та бўлим, 30 та боб ҳамда 238 та моддадан иборат.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2021. – 21-22-бетлар.

Оила кодекси давлат томонидан изга солиниши талаб килинадиган муносабатларни тартибга солиб туради, колаверса, никоҳдан ўтиш тартиби ва шартларини белгилайди; оиласда эр-хотин ўртасида, отоналар ва болалар, оиласнинг бошқа аъзолари ўртасида пайдо бўладиган шахсий ва мулкий муносабатларни тартибга солиб туради; бошқаларнинг болаларини ўзига бола қилиб олиш, васийликка олиш, ҳомийлик қилиш, болаларни ўз тарбиясига олиш муносабати билан вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиб туради; никоҳни бекор қилиш тартиби ва шартларини белгилайди; фуқаролик ҳолати тўгрисидаги хужжатларни рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди⁵¹.

Маълумки, ҳар қандай меъёрий хужжатлар, шу жумладан, республика конун (ёки кодекс)лари ҳам муайян вазифани ҳал этишга хизмат қиласди. Ана шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси оиласларни мустаҳкамлаш, оиласвий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва хурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъулликни ҳис этиши, бирор-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан араплашибшиига йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўскинликсиз амалга ошириш ҳамда бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш каби вазифаларни ижобий ҳал этишга хизмат қиласди⁵².

Оила кодексининг устувор коидалари қўйидагилар саналади:

- бир никоҳлилик;
- никоҳга киришишнинг эркин ва ихтиёрийлиги;
- никоҳни бекор қилишда эркинликка эга бўлиш, эр ёки хотиннинг бу масалага мустақил ёндаша олишлари;
- барча оиласвий масалаларни ҳал қилишда эр-хотиннинг тенг ҳуқуқка эгалиги;
- миллати, ирқи, динга муносабатидан қатъий назар эр-хотин ҳамда оиласдаги бошқа аъзоларнинг тенг ҳуқуқка эгаликлари;
- оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, рағбатлантириш;
- давлат, жамиятнинг балоғатга етмаган болаларни тарбиялаш тўгрисида гамхўрлик қилиши ва уларнинг манфаатларини ҳимоялаши;

⁵¹ Каримова О., Гаффоров З. Давлат ва ҳуқук асослари / Дарслик – Тошкент – Ўқитувчи, 1995. – 463-бет.

⁵² Karimova O. Huquqshunoslik / Akademik lisey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririysi, 2007. – 106-бет

- оилавий муносабатлар жараёнида оила аъзоларининг бир-бирларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлашлари, бир-бирлари тўғрисида ғамхўрлик килишлари.

Ўзбекистон Республикасида конунчилик асослари никоҳдан ўтишнинг мажбурий шартлари ва тартибига риоя этилишини талаб қиласди.

Никоҳдан ўтишнинг мажбурий шартлари⁵³ куйидагилардан иборатdir:

- 1) никоҳга киришаётгандарнинг ўзаро розилиги;
- 2) томонларнинг никоҳ ёшига етган-етмаганлиги;
- 3) томонлардан бири никоҳда турган бўлса, шунингдек, насл-насаби шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туташган ёки ўтгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шу билан бирга фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳнинг тузилиши мумкин эмас;
- 4) никоҳланувчи шахсларнинг локал биттаси руҳий касал ёки ақли заиф бўлса ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, никоҳ тузиш мумкин эмас.

Никоҳ ёши Ўзбекистонда аёллар учун 17 ёш, эркаклар учун 18 ёш деб белгиланган; узрли сабаблар (эркак ҳарбий хизматга чакирилаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган бўлажак йигит никоҳдан ўтиш учун қиска муддатга яшаш жойига келган ёки у яна ҳарбий хизматга қайтиб кетаётган, аёл ҳомиладор бўлса ёки бола түғса, шошилинч равишда узок муддатли хизмат сафарига жўнаб кетишга тўғри келса ва б. ҳолатлар) бўлганида никоҳ ёши бир йилга камайтирилиши мумкин; борди-ю, ота ёки онадан бири 16 ёшга тўлмаган, аммо улар ўртасида фарзанд бўлган тақдирда ҳам ушбу ҳолат никоҳнинг қайд этилиши учун асос бўла олмайди; ёшлар ФҲДЁ органларига ариза берилган вактда эмас, балки никоҳ қайд этиладиган вактда никоҳ ёшига етган бўлишлари шарт; мамлакат конунчилиги асосларига кўра никоҳдан ўтиш ёшининг охирги муддати белгиланмаган; никоҳга киришувчиларнинг ёши ўртасидаги фарқ ҳам аҳамиятли деб топилмаган.

⁵³ Ўзбек манба – 107-бет

Юкорида қайд этилган шартларга асосланиш билан бирга никоҳнинг қайд қилиниши муайян тартибига асосланади. Ушбу тартиб қуидагичадир:

Ўзбекистон Республикасида никоҳни қайд қилиш тартиби

Босқичлар	Фаолият мазмуни
1-bosqich	Никоҳга киришувчилар никоҳдан ўтишдан аввал ФҲДЁ (фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш (ёзиш органи)га ариза билан мурожаат қиласидилар
2-bosqich	ФҲДЁ органлари ходимларидан никоҳдан ўтиш шартлари ва тартиби, эр-хотин ҳамда ота-оналарнинг хукуқ ва бурчлари билан танишадилар
3-bosqich	Никоҳни қайд қилиш куни белгиланади
4-bosqich	Орадан камида бир ой ўтгач никоҳ қайд қилинади

Ариза билан бирга ФҲДЁга никоҳга киришувчилар томонидан қуидаги хужжатлар ҳам топширилиши зарур:

- а) никоҳга киришаётган шахсларнинг тураг-жойи – маҳалла Фуқаролар йигини (МФЙ) томонидан маълумотнома;
- б) никоҳга киришувчиларнинг ўқиш ёки иш жойидан маълумотнома;
- в) никоҳга киришаётган шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномалар (ушбу маълумотнома қуидаги органлар томонидан берилган бўлиши шарт:
 - 1) руҳий касалликлар диспансери;
 - 2) тери-таносил касалликлари диспансери;
 - 3) наркология диспансерлари;
 - 4) ОИТС касалликларини даволовчи муассасалар;
 - 5) соғлиқни саклаш тизимидаги бошқа муассасалар)

Айни ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш зарур, никоҳга киришувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши қонунчилик асосларига кўра мажбурий характерга эга. Бундан кўзланган максад никоҳга киришаётган шахсларни тери-таносил ва ОИТС касалликларининг юқтириб олиш, руҳий касалликлар ёки гиёхвандлик

туфайли маънавий зиён етказилишидан муҳофазалаш, бола туғилишига йўл кўймасликдир.

Агар никоҳга киришаётган шахслардан бири ФҲДЁ органига тиббий кўрикдан ўтганлик тўғрисидаги сохта маълумотларни тақдим этган ва унда юкорида қайд этилган касалликлардан бири мавжуд бўлса, у ҳолда иккинчи томон никоҳни ҳақиқий эмас деб топилишини талаб қилиш хуқуқига эга.

Муайян ҳолда шахслар никоҳдан ўтиш хуқуқига эга бўлмайдилар. Улар кўйидаги ҳолатлардир:

- никоҳдан ўтаётган шахсларнинг биттаси айни вақтда никоҳда бўлса (конуний никоҳга эга бўлмай, бирга яшаш никоҳдан ўтишга амалда тўсик бўла олмайди; бироқ, икки ёки ундан ортиқ никоҳга эга бўлиш жиноят саналади ва уларга эга бўлган шахс жиной жавобгарликка тортилади; янгидан никоҳга киришаётган шахс аввалги

- никоҳининг бекор қилинганлигини тасдиқловчи хужжатни ФҲДЁ органларига тақдим этишлари зарур; никоҳга киришаётган шахслардан бири чет эл фуқароси бўлса, у ҳолда ушбу шахс ўз мамлакатининг тегишли органлари томонидан берилган ва унинг никоҳга эга эмаслигини тасдиқловчи хужжатни тақдим этиши лозим);

- никоҳга киришаётган шахслар (бир ота-онадан тарқалган кариндош-уругчилар, туғишган aka-укалар билан опа-сингиллар, отаси ёки онаси бошқа бўлган aka-укалар билан опа-сингиллар, шунингдек, болаликка олинганлар билан болаликка олганлар) ўртасида яқин кариндош-уругчиллик мавжуд бўлса;

- никоҳланаётганлардан лоақал бири руҳий касаллик ёки акли заифлиги сабабли суд томонидан муомала лаёқатига эга эмас деб топилса (чунки улар ўз хатти-ҳаракатларининг моҳиятини англай олмаганликлари сабабли уларни бошқара олмайди);

- никоҳга киришаётган шахс қаттиқ маст ҳолатда бўлганида, гиёҳвандлик ёки бошқа руҳиятга зиён етказувчи салбий ҳолатлар таъсирида бўлганида.

Д.Рўзиева, М.Усмонбоевалар⁵⁴нинг қайд этишларича, оиланинг ижтимоий мақомини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган кўйидаги асосий тўрт жиҳатни кўрсатиш мумкин:

⁵⁴ Рўзиева Д., Усмонбоева М. Ижтимоий педагогика / Ўқув қўлл. – Тошкент: Низомий немли ТДПУ нашириёти. 2015. – 34-35-бетлар.

Оиланинг ижтимоий мақомини белгиловчи ҳолатлар		
№	Муҳим ҳолатлар	Уларнинг моҳияти
1.	Оиланинг ижтимоий-иктисодий даражаси	Оиланинг моддий ҳолатини белгилаб, бу оила даромадлари, турмуш даражаси, моддий жиҳатдан тўкинлигини ифодалайди (оиланинг даромади юкори, ўртacha ва паст бўлиши мумкин)
2.	Оиладаги ижтимоий-рухий ҳолат	Оилада соғлом ёки носоглом психологик мухит мавжудлигини англатади; оиласидаги соглом психологик мухит оила аъзоларининг бир-бирлари билан яқинликлари, ўзаро ҳамкор, ҳамфир ва тенг ҳуқукли эканликларини англатса, носоглом психологик мухит эса, аксинча, оиласидаги жанжал-низоларининг кўплиги, оила аъзоларининг бир-бирларига нисбатан меҳри, оқибатли эмасликларини кўрсатади
3.	Оиланинг ижтимоий-маданий даражаси	Оила аъзоларининг ахлоки, атрофдагилар билан муносабати, маълумотлилик даражаси, касб ёки ҳунар эгаси эканликлари, оиланинг муайян анъанага эгалиги, оила аъзоларининг қизиқишилари, маънавий эҳтиёжлари, майший ҳаётни биргаликда ташкил этишларини ифодалайди
4.	Оиланинг вазифавий ҳолати (вазиятли-ролли мақоми)	Оилада ота-оналар, фарзандларнинг ўзларига яраша вазифалари мавжудлигини, уларнинг меҳнат таҳсимотидаги иштироқлари, оила хўжалигини ташкил этишдаги иштироқларини белгилайди

Бизнинг фикримизча, юкорида кўрсатилган муаллифларнинг фикрларига қўшилган ҳолда оиланинг ижтимоий мақомини белгиловчи яна бир жиҳатни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. У қўйидаги жиҳатдир: оиланинг таркибий тузилмаси – оила аъзоларининг сони, таркибий тузилмаси (ота-она, фарзандлар, оиланинг кекса авлод вакиллари ва б.к. аъзолари (амма-холалар, тоға-амакилар, жиянлар ва

х.к.) унинг ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-рухий ҳамда ижтимоий-маданий даражаси. шунингдек, вазифавий ҳолатига ҳам ўз-ўзидан таъсир ўтказади. Таркибига кўра оиланинг меҳнатга лаёкатли аъзоларга эгалити унинг иқтисодий фаровонлигига ўз таъсирини ўтказса, оиласадаги жамики аъзоларнинг руҳан бир-бирларини қўллаб-кувватлашлари, ҳаётий ёндашувлари ҳамда мавжуд тажрибалари ёш авлоднинг ижтимоий мослашув қобилиятини ривожлантиришга хизмат қиласди. Айни ўринда шуни ҳам кайд этиш лозимки, икки ёки кўп бўғинли оиласарда бир бўғинли оиласарга нисбатан фарзандлар тарбиясини ташкил этиш имкониятлари кўп. Чунки бу каби оиласарда ҳар бир боланинг тарбияси, жисмоний, руҳий ва маънавий-ахлоқий камолоти учун бир неча шахслар бирдек жавобгар саналади. Қолаверса, оила шароитида ҳар бир аъзонинг хатти-харакати фарзандлар учун намуна, ибрат бўлиб хизмат қиласди. Шу сабабли икки ёки кўп бўғинли оиласарда ҳар бир аъзонинг ўз хатти-харакатлари, муомаласи, юриштуришини назорат, таҳлил килиб ҳамда баҳолаб бориши мақсадга мувофиқдир.

Ота-оналарнинг ҳуқук ва бурч (мажбурият)лари. Оиласий муносабатларни ташкил этишда ота-оналарнинг муайян бурч ва ҳукукка эгаликлари мухим аҳамият касб этади. Шунингдек, оиласий муносабатларнинг мўътадил кечишида ота-оналар томонидан уларнинг зиммаларидағи бурчларни оғишмай бажаришлари, айрим ҳолатларда эса ота-оналик ҳуқуқларидан фойдалана олиши ҳам аҳамиятлидир. Ота-оналарнинг ҳуқук ва мажбуриятлари қонунчилик асосларига кўра тартибга солиниши оиласий муносабатларнинг мўътадил кечишини таъминлайди. Куйида мамлакатимизда амал қилаётган қонунчилик асосларига кўра ота-оналарнинг бурч ва мажбуриятлари хусусида сўз юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси асосларига кўра ҳукукий жиҳатдан ота-оналарнинг фарзандлар билан муносабатлари: шахсий ҳамда мулкий муносабатлар тарзида гурухланади.

Ҳукукий адабиётларда кўрсатилишича, ота-оналарнинг фарзандлар билан бўладиган шахсий муносабатларига қўйидагилар киради:

- 1) исм, отанинг исми ва фамилияни танлаши;
- 2) ота-онанинг ўз фардантларини тарбиялаш, шунингдек, фарзандларнинг ота-онадан тарбия олиши;

- 3) ота-онанинг фарзандлари номидан вакиллик қилишлари;
- 4) фарзандларнинг ўз ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилишлари.

Фарзандга ота-онанинг розилиги асосида исм, отасининг исми ва фамилияси кўйилади. Агарда ота-онанинг фамилияси бир хил бўлса, табий равишда ана шу фамилия фарзанднинг ҳам фамилияси сифатида эътироф этилади. Борди-ю, ота ҳамда онанинг фамилияси турлича бўлса, у ҳолда фарзандга уларнинг келишувлари асосида улардан бирининг фамилияси кўйилади. Шундай ҳолат ҳам бўлиши мумкин, ота-онанинг фамилияси турлича ва улар фарзандга қайси бирларининг фамилиясини кўйиш борасида келиша олмаяпти. Бу каби вазиятда улар васийлик қилувчи органга ёзма ариза билан мурожаат қилишлари зарур ва ушбу орган ёрдамида муаммо ҳал қилинади.

Фамилия бериш фарзанд дунёга келгач, унинг туғилганлиги рўйхатга олинаётган пайтда амалга оширилади. Агарда ота ва она ўртасидаги никоҳ бекор қилинган бўлса, у ҳолда фарзанд ўзи туғилган вақтда олган фамилия билан қолади. Борди-ю, фарзанд фамилиясини ўзгартирган ота ёки она билан қолган бўлса, ота ёки она фарзанднинг ўз фамилиясига олиш тўғрисида васийлик органига ёзма ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур вазиятда бу хусусида иккинчи томонга маълум қилиниши мумкин. Бироқ, иккинчи томоннинг розилиги талаб этилмайди. Аксарият ҳолатларда фарзандни ўз қарамоғига олган ота ёки онанинг ариза ижобий равишида қондирилади.

Ота-она ўз фарзандларини улар то вояга етгууларига қадар тарбиялаш борасида муайян мажбуриятга эгадирлар. Гарчи ота-она ўртасидаги никоҳ бекор қилинган бўлса ҳам ота-она ўз фарзандларини тарбиялаш борасидаги бурчларини зиммаларидан сокит эта олмайдилар. Борди-ю, ота ва она алоҳида яшаётган бўлса, у ҳолда фарзанднинг ким билан яшашини уларнинг ўzlари ҳал этиш ҳуқуқига эгалар. Агарда ота ва она ушбу масалани ўzlари ҳал қила олмасалар, у ҳолда ёзма ариза билан суд органига мурожаат қиласидилар. Суд органи ота ёки онадан қайси билан фарзанд тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилаётганлигини, унинг ёшини, боланинг ота-онадан қай бирига кўпроқ мойиллик билдиришини, унинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур шарт-шароитни яратиб бера олиш имкониятига эгалигини ўрганиб чиқади ва карор қабул қиласидилар. Никоҳдан ажралаётган ота-

онанинг кай бири билан яшашни фарзанднинг ўзи ҳам ҳал килиши мумкин. Бирок, бунинг учун у 10 ёшга тўлган бўлиши керак.

Мамлакатимиз конунчилик асосларига кўра ота-она вояга етмаган ўз фарзанди билан бирга яшаш хукуқига эга.

Ота ёки онадан бири ота ёки оналик хукуқидан суд органи қарори билан маҳрум этилмаган бўлса, у ҳолда фарзанд ота ёки она билан яшашидан қатъий назар иккинчи томон у билан доимий алоқада бўлиш ва унинг тарбиясида иштирок этиш хукуқини саклаб қолади.

“Ота билан она ўз боласини қонун ёки суд қарори асосида ушлаб турган ҳар қандай шахсдан уни қайтариб беришни талаб килиши мумкин. Шу билан бирга суд бундай килиш боланинг манфаатларига зиддир, деган холосага келса, болани ўз ота-онасига топшириш хусусидаги даъвони рад этишга ҳақлидир”⁵⁵.

Ўз фарзандларига нисбатан вакилликни ҳам ота-оналар амалга оширадилар. Ота-оналар ўз фарзандлари ёки фарзандликка олинган вояга етмаганлар учун қонуний вакил саналадилар. Қонуний вакиллик Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Фуқаролик кодекси ҳамда Фуқаролик-процессуал кодекси асослари билан тартибга солинади.

Ота-оналар балоғатга етмаган фарзандларини назорат килиб туришга мажбурдирлар. 15 ёшга тўлмаган фарзандларга етказилган зарур учун хукукий нуктаи назардан ота-оналар жавоб берадилар. Хукукий асосларга кўра, 15 ва 18 ёшлар орасидаги вояга етмаган болалар томонидан ижтимоий субъектларга етказилган ҳар қандай зарар учун ота-оналар умумий тарзда жавобгардирлар. Шу сабабли ушбу ёш оралиғидаги вояга етмаганлар томонидан келтирилган зарарнинг ўрнини уларнинг маоши ёки шахсий мулки билан қоплашнинг имкони бўлмаса, у ҳолда ота-оналар ўз хисобларидан тўлашлари шарт.

Ўз фарзандлари ёки фарзандликка олинганларга нисбатан ота-она тенг хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш билан бирга уларнинг тарбияси, камолоти учун жавобгардирлар. Хукукий нуктаи назардан ота-оналар фарзандларининг соғлиги, шунингдек, жисмоний, руҳий маънавий-ахлоқий камолоти тўғрисида ғамхўрлик қилишга мажбур саналадилар. Шу билан бирга фарзандларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам ота-оналарнинг зиммаларига юклатилади.

⁵⁵ Каримова О., Гаффоров З. Давлат ва хукуқ асослари // Дарслик – Тошкент: Ўқитувчи. 1995 – 486-бет

Қонунан ота-онанинг, ота-оналиқ ҳукукига эга бўлиши фарзандларнинг манфаатларига зид тарзида амалга оширилиши мумкин эмас. Фарзандларнинг манфаатларини таъминлаш нафакат ҳукукий, шу билан бирга инсонийлик нуктаи назардан ҳам ота-онанинг асосий вазифаси бўлиши зарур.

Ота-оналарнинг, ота-оналиқ ҳукуклари фарзандлар “үн саккиз ёшга тўлганларида (вояга етганда), шунингдек, вояга етмаган болалар никоҳга киргандларида ҳамда конун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлганларида тугайди”⁵⁶.

Фарзандлар билан уларнинг ота-оналари ўртасида шахсий муносабатлар билан бирга мулкий муносабатлар ҳам йўлга кўйилади. Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги мулкий муносабатлар, асосан, алимент ва мулкка доир муносабатлар тарзида кечади.

Қонунга мувофиқ балоғатга етмаган фарзандларни боқиши ота-онанинг зиммасидаги энг асосий вазифа саналади. Ҳаётда кўп ҳолларда ота, кам вазиятларда эса онанинг ўз фарзандларини ташлаб кетиши ҳодисаси ҳам кузатилади. Шундай вазиятда суд қарорига кўра фарзандларини ташлаб кетган ота ёки она алимент тўлашга мажбур килинади. Алимент тўлашга ўз фарзандларини ташлаб кетган ота ёки она уларнинг ёши, ижтиомий ҳолати, иш билан таъминланганлик даражаси ёки молиявий аҳволидан қатъий назар мажбурийдир.

“Алимент балоғатга етмаган болалар фойдасига ундирилади ва иш ҳақидан болалар сонига қараб фоиз хисобида тўланади: бир болага даромаднинг $\frac{1}{4}$ қисми, икки болага $\frac{1}{3}$ қисми, уч ва ундан кўп болага $\frac{1}{2}$ қисми тўланади. Икки ёки ундан кўп болага алимент тўлашда ҳар бир болага алимент тўлаш муддати тугаганлиги кўрсатилиши керак”⁵⁷.

Ўзбекстон Республикасида алимент тўлаш тартиби Оила кодекси асосларига мувофиқ амалга оширилади.

Мерос қилиб, шунингдек, шартнома бўйича олинган ҳамда ишлаб топилган маблағга сотиб олинган мулкка эгалик қилишга фарзандлар, шу жумладан, балоғатга етмаган фарзандлар ҳам ҳақлидирлар. Ҳукукий жиҳатдан фарзандлар ҳам ўзларининг шахсий мулки (кийим-кечаклари, пойафзаллари, иш ёки ўқув куроллари, совға сифатида олинган

⁵⁶ Karimova O Huquqshunoslik / Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, 2007. – 117-бет

⁵⁷ Каримова О. Гаффоров З. Даъват ва ҳукуқ асослари / Дарслик – Тошкент. Ўқитуви, 1995. – 488-бет

буюмлар. Ўйинчоклар ва б.)га эга. Ота-она ва фарзандларнинг мулки алоҳида-алоҳида бўлади. Гарчи бир-бирларининг буюмларидан фойдалана олсалар-да, фарзандлар ҳаётликлари вактида ота-оналарининг мулкига эгалик кила олмаганларидек, ота-оналар ҳам фарзандларининг шахсий мулкларига эгалик қила олмайдилар.

Гарчи аввал Ўзбекистонда кенг оммалашмаган бўлса ҳам ота-оналар билан фарзандлар ўртасида мулкдан фойдаланиш юзасидан конунда кўзда тутилган турли битимларни тузиш имкониятига эгалар, шунингдек, улар хиссадорлик асосида мулкка эга бўлишлари мумкин. М: ота-оналар ва фарзандлар хиссадорлик асосида уй-жой, дала ҳовли ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини қуришлари, уларда ҳамкорликда иш юритишлари мумкин.

Демак, ота-оналар то фарзандлари вояга етгунларига қадар улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, бокишилари, уларнинг ҳар жиҳатдан камолга етишиларини таъминлашлари зарур.

Фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурч (мажбурият)лари. Ўзбекистон Республикаси конунчилиги асосларига кўра фарзандлар ҳам ота-оналарининг олдида муайян бурчларни бажаришлари шарт. Республика Оила кодекси асосларига кўра фарзандларнинг зиммасида уларнинг ота-оналарига нисбатан муносабатларида қўйидаги мажбуриятлар юклатилиди:

- меҳнат қобилиятини йўқотган, касал бўлган, бокувчисиз колган ота-онаси тўғрисида ғамхўрлик қилиш;
- ота-онаси давлат ёки жамоат ташкилотлари васийлигига бўлган пайтда уларга ёрдам бериш;
- меҳнат қобилиятини йўқотган, касал бўлган, бокувчисиз колган ота-онасига (агарда улар талаб қилса) алимент тўлаш

Вояга етмаган фарзандлар ота-оналари олдида бурчли (мажбуриятли) эканликлари билан бирга маълум ҳукукларга ҳам эгадирлар. Қўйидагилар вояга етмаган фарзандларнинг ота-оналари олдидаги ҳукукларини ифодалайди:

- оиласда яшаш ва тарбияланиш;
- ота ва онасини билиш;
- ота-онанинг ғамхўригидан фойдаланиш;
- оиласда ҳар томонлама камол топиш;
- ота-она ва оиласнинг бошқа аъзолари томонидан

- инсоний қадр-кимматининг ҳурмат килиниши;
- ота-онаси ва бошқа қариндошлари (бобоси, бувиси,
- ака-укалари, опа-сингиллари ва х.к.) билан кўришиш;
- ўз ҳукуклари ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш;
- муайян воқеа, ҳодиса ва жараёнларга нисбатан ўз фикрини ифода этиш;
- исм, ота исми ва фамилия олиш;
- исми ва фамилиясини ўзгартириш;
- оиласда умумий мулк, ўз хусусий мулкига эга бўлиш ва б.к.

Ота-она оила тарбиясини ташкил этишда фарзандларнинг манфаатларига зид ҳеч бир хатти-ҳаракатни содир этиши мумкин эмас. Аксинча, уларнинг хатти-ҳаракатлари фарзандлар манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши зарур. Шунингдек, ота-оналарнинг фарзандлар билан муносабатлари уларнинг жисмоний ҳамда руҳий соғликларига, ахлоқига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Оила тарбиясида ота-оналар фарзандларга нисбатан шафқатсиз, қўпол муносабатда бўлиш, уларнинг инсоний қадр-киммати, гурурини поймол этиш тақиқланади. Республикада амалда бўлган қонунчилик асосларига кўра ота-она томонидан фарзандларни менсимаслик, ҳакоратлаш ёки эксплуататсия килишга йўл кўйилмайди.

Назорат саволлари:

1. Оила жамиятда қандай ўрин тутади?
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оиласнинг ҳуқукий макоми қандай белгиланган?
3. Республика қонунчилигига кўра оила қандай ҳуқукий асос негизида шаклланади?
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси нечанчи йилда қабул килинган?
5. Ота-оналарнинг фарзандлар олдида бурчлари нималардан иборат?
6. Оилавий муносабатларни ташкил этишда ота-оналар қандай ҳуқукларга эга?
7. Фарзандлар ўз ота-оналари олдида қандай бурчларга эга?
8. Конуний жиҳатдан фарзандлар қандай ҳуқукларга эга?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.
3. “Ўзбекистон Республикаси оилани мустаҳкамлаш бўйича Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 қабул қилинган Қарори.
4. Миллий истиқолол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000.
5. Каримова О. Ҳукуқшунослик / Академик лите́ратор ва касб-хунар колледжлари учун дарслар. – Тошкент: “Шарқ” нашиёт-матбаа аксиядорлик компанияси Баш таҳририяти, 2007.
6. Каримова О.,Faффоров З. Давлат ва ҳукуқ асослари / Дарслар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
7. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур / Ўқув қўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999.
8. О.Ҳасанбоева ва б. Оила педагогикаси.– Тошкент: “Алоқаши”, 2007.
9. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009.

Амалий топшириқлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси билан танишиб чиқинг ва кичик гурухларда ушбу норматив-ҳукуқий ҳужжат асосида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари (3-боб; 13-17-моддалар) ва болаларнинг насл-насабини белгилаш (10-боб; 60-64-моддалар) масалаларининг ҳукуқий асосларини батафсил ўрганинг.
2. “Венн диаграммаси” график органайзери ёрдамида ота-оналар ҳамда фарзандларнинг ҳукуқ ва бурчларини ёритинг.


Амалий топшириқларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси билан танишиб асосида кичик гурухлар никоҳ тузиш тартиби ва шартлари (3-боб; 13-17-моддалар) ва болаларнинг насл-насабини белгилаш (10-боб; 60-64-моддалар) масалаларининг ҳукуқий асосларини алоҳида-алоҳида


ўрганиб чикадилар. Ҳар бир гурух ўзи ўрганган масаланинг моҳияти билан навбатдаги гурухни таништиради.

2. Ота-оналар ҳамда фарзандларнинг ҳуқук ва бурчларини ёритишда иккита диаграммасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. 1-диаграммада ота-оналарнинг ҳуқук ва мажбуриятлари, 2-диаграммада эса фарзандларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари баён этилади. Ўқитувчи талабалар фаолиятини осонлаштириш учун уларни икки гурухга ажратиб, қуидаги топширикларни беради: 1-гурухга “Ота-оналарнинг ҳуқук ва мажбуриятлари”ни ёритувчи диаграммани шакллантириш; 2-гурухга “Фарзандларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари”ни ёритувчи диаграммани шакллантириш. Диаграммаларни шакллантиришда гурухлар қуидаги схемадан фойдаланишлари мумкин:

1-гурух. Ота-оналарнинг ҳуқук ва мажбуриятлари



2-гурух. Фарзандларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари



ОИЛА ТУРЛАРИ

Режа:

1. Оиланинг тарихий турлари.
2. Замонавий оила турлари.

Таянч тушунчалар: оиланинг тарихий турлари, матриархат оила, моногам оила, патриархал оила, замонавий оила турлари, никоҳ ҳолатига кўра оила турлари, болалар сонига кўра оила турлари, таркибига кўра оила турлари, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари характеристига кўра оила турлари, оила турларини белгилашга нисбатан М.И.Буянов ва И.П.Подласый ёндашувлари.

Оиланинг тарихий турлари. Ижтимоий жамиятнинг кичик бўгини сифатида оила муайян халқ, миллат ёки элатнинг миллий хусусиятлари, шунингдек, мавжуд тузум мазмунини ўзида намоён этади. Оиланинг мустаҳкам бўлиши, тотувлик ва фаровонликка эришиши у мансуб бўлган ижтимоий тузумнинг ижтимоий, иктисадий ва маданий ривожи, жамиятда амал қилинаётган маънавий-ахлоқий меъёрлар, олиб борилаётган давлат сиёсати мазмуни билан белгиланади. Ўз навбатида жамият маънавий қиёфаси оилаларда ташкил этилаётган ижтимоий тарбиянинг натижаси, самарасига боғлиқdir. Шу боис асрлар давомида ҳар кандай географик макон ва ижтимоий замонда ҳам янги оилаларнинг шаклланиши, оилавий ҳаётнинг йўлга кўйилиши, фарзандлар тарбиясини ташкил этиш, сулола анъаналарини давом эттириш масалаларига алоҳида зътибор бериб келинган. Оилаларнинг ижтимоий жамиятдаги муҳим ўрни ҳамда оила тарбиясининг шахс камолотини таъминлашдаги роли хусусида тўхталиб ўтар экан,

“Оила бизнинг халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Республикада оилалар асосан кўп сонли бўлиб, уларда турли авлод вакиллари бирга яшашади ва бирга хўжалик юритишади. Бу эса болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний қадриятлардан, анъаналардан баҳраманд килиш, билим даражасини ошириш учун кулай шароитлар яратади. Худди ана шундай оилаларда одамлар болалик чоғлариданоқ меҳнатсеварликни, катталарга хурматни, билим

эгаллашга интилишни, ватанпарварликни ўрганадилар⁵⁸ – деб таъкидлаб ўтганлар.

Дарҳакикат, оила мұхитида шахснинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур, чунончи, оила хўжалигини бошкариш жараёнида оила аъзолари ўртасида юзага келувчи хукукий, иктисодий, психологик, экологик, эстетик ва ҳ.к. мазмундаги оиласи муносабат, муомала, алоқа аралашуви унинг ижтимоийлашуви, яъни, ижтимоий муносабатларни юритиш жараёнида эркин, мустақил ҳаракат килиш лаёқатини, қобилиятини шакллантиришга хизмат қилувчи омиллар мавжуд. Шу боис Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ижтимоий жамиятда янгиланиш, кескин ўзгаришлар юз берадиган, бозор иқтисодиёти муносабатлари, шунингдек, ижтимоий рақобат қарор топаётган ўтиш даврида мустаҳкам оиласи шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда.

Инсоният ҳәётининг дастлабки босқичларида турли уруглар муносабатлари доирасида оила шаклланмаган. Жинслар орасидаги муносабатлар полигамия, яъни, жинсий жуфтликларни эркин танлаш, алмаштириш тамойили, қолаверса, болаларни бутун уруғ аъзолари билан биргаликда тарбиялаш асосига қурилган.

Ибтидоий уруғчилик босқичида инсон ҳәётида жуда катта сифат ўзгаришлари юз берди. Бу даврда кишиликнинг илк жамоаси – дастлабки жамоа бўлиб яшаш анъанаси шаклланди. Уруғ жамоаси унинг таркиб топишида оналар етакчи ўрин эгаллади.

Шу сабабли бу босқич она уруғи, яъни, матриархат (лот. “мater” – она ва “арче” – ибтидо, ҳокимият; айнан “она ҳукмронлиги”) даври деб аталади.

“Матриархатда аёллар ҳукмрон мавқега эга бўлган, мулк ва насл-насаб социал мавқе она уруғи бўйича ўтган, никоҳдан сўнг эр хотин жамоасига кўчган (матрилокал никоҳ) ёки эр ва хотин ўз жамоаларида алоҳида-алоҳида яшаган”⁵⁹. Она уругини бир-бири билан кон-кариндош бўлган, келиб чиқиши жиҳатидан бир ургдан тарқаган кишилар гурухи ташкил этди. Уруғ жамоаси ўртасидаги муносабатлар гурухли никоҳга

⁵⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон миллый истиқол, иктисод, сиёсат, мағфура – Тошкент: Ўзбекистон, 1996 – 14-бет

⁵⁹ Ўзбекистон Миллый энциклопедияси Конимеч – Мирзоқуш – 6-том – Тошкент: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси” Давлат илмий нашристи. 2003 – 523-бет

асосланган. Ушбу никоҳга қўра ота номаълум бўлиб, қон-қариндошлиқ она уруғи бўйича аникланган.

Ижтиёний муносабатларнинг тақомиллашуви, моддий бойтикларнинг яратилиши натижасида биргаликда хўжаликни бошқариш ҳамда ўз болаларини тарбияловчи эр-хотин имтифою қўринишида моногом (юн. “монос” – бир, якка, ягона, “гамос” – қўшилиши; бир никоҳлилик) оиласар шаклланди.

Моногам оиласар “ибтидоий жамиятнинг емирилиши даврида жуфт никоҳдан пайдо бўлиб, никоҳнинг хукмрон шаклига айланган”⁶⁰.

Неолит (янги тош) даврига келиб, никоҳ бобида гарчи икки уруғ жамоаси ўртасида гурухли никоҳ хукмронлик қилган бўлса-да, бироқ, никоҳ туб моҳияти билан ўзининг дастлабки босқичдаги ҳолатидан фарқ қилган. Кейинчалик матриархал уруғ жамоаси негизида жуфтликка асосланган никоҳ ва оила вужудга келган. Унга қўра аёллар ўз фарзандларининг оталаридан уруг жамоаси манфаати учун меҳнат килишни талаб қиласидан бўлди. Аёллар ўзлари учун доимий жуфтни танлай бошлаган. Ушбу даврда эркаклар ўзлари мансуб бўлган уруғ ҳамда хотинининг уруғи учун ҳам меҳнат қилишга мажбур бўлган. Гарчи жуфтликка асосланган оила шаклланган бўлса-да, бироқ, аёлнинг оиласадаги ҳуқуқлари чексиз бўлганлиги сабабли эркаклар уларга тобе зди.

Матриархал даврдан кейин шаклланиб, ҳозирга қадар мавжуд бўлган оша шакли – катта эркак етакчилигига бир неча авлодни бирлаштирган патриархал (юн. “патер” “патрос” – ота, “арче” – ибтидо, ҳокимиёт; айнан “ота хукмронлиги”) оиласадир.


Патриархал оила, асосан, илк хўжалик жамоаси бўлган, унинг иктисодий асосини ерга ва ишлаб чиқариш қуролларига умумий эгалик (ишлаб чиқаришга ҳам, истеъмолга ҳам) ташкил этган⁶¹. Бу каби оиласарда муносабатлар аъзоларнинг иктисодий ва психологик ўзаро алоқадорлигига таянган ва авторитар характер касб этган.

Ижтиёний ҳаётнинг фаровонлашуви натижасида фақат эр-хотин ва уларни вояга етмаган фарзандларини бирлаштирувчи нуклеар (жуфтликка асосланган) оила вужудга келди.

⁶⁰ Ўша манба – 75-бет.

⁶¹ Узбекистон Миллӣ энциклопедияси. Парчин – Соликлар / 7-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2003. – 15-бет.

Замонавий оила турлари. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараккий этган ҳар кандай замонавий жамиятда ҳам оила мухим аҳамиятга эга. Замонавий шароитда оилаларнинг қуидаги шакллари мавжуд (1-расм):




1-расм. Замонавий оилаларнинг турлари

шунингдек, қуидаги ҳолатлар бўйича ҳам турларга ажратилади:

- 1) никоҳнинг ҳолатига кўра;
- 2) оиладаги болаларнинг сонига кўра;
- 3) оиланинг таркибига кўра;
- 4) оила аъзолари ўртасидаги муносабатнинг ҳарактерига кўра;
- 5) оиланинг ижтимоий ҳолатига кўра.


Куидаги ва юқоридаги ҳолатларга кўра оилаларнинг турлари, уларга хос жиҳатлар юзасидан фикр юритилади.

Никоҳнинг ҳолатига кўра оилаларни қуидаги турларга ажратишумумкин (2-расм):




2-расм. Никоҳнинг ҳолатига кўра оила турлари

Оилалар, шунингдек, болаларнинг сонига кўра ҳам турларга ажратилади. Болаларнинг сонига кўра замонавий оилаларнинг куйидаги турлари мавжуд (3-расм):




3-расм. Болаларнинг сонига кўра оила турлари

Маълумки, оиланинг таркиби шу муҳитда яшовчи субъектларга кўра ҳам муайян турларга бўлинади. Хусусан (4-расм):



4-расм. Таркибига кўра оила турлари

Оилалар, яна шунингдек, ижтимоий нуктаи назардан ҳам турларга ажратилади. Шу нуктаи назардан М.И.Буяновнинг гоясига кўра оилаларнинг куйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин (5-расм):




5-расм. Болаларнинг сонига кўра оила турлари

Оила никоҳнинг ҳолати, болаларнинг сони ҳамда мазкур муҳитда яшовчи субъектлар (таркиби)га кўра турларга ажратилиш билан бирга оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг характерига кўра ҳам бир-биридан фарқ қиласи. Ю.П.Азаров бу ўринда оилаларни куйидаги учта турга ажратиш таклифини илгари суради (6-расм):



**6-расм. Аъзолар ўртасидаги муносабатларнинг
характерига кўра оила турлари (Ю.П.Азаров)**

И.П.Подласый ҳам ўз тадқиқотларида оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг характеристига кўра оилаларни муайян турларга ажратиш таклифини илгари суради. Педагог-олимнинг таклифига кўра бу турдаги оилалар қўйидагилардир (7-расм):



**7-расм. Аъзолар ўртасидаги муносабатларнинг
характерига кўра оила турлари (И.П.Подласый)**

Қўйидаги И.П.Подласый томонидан оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг характеристига кўра турларга ажратилган оилаларнинг тавсифи келтирилади.

- 1. Болалар хурмат қилинадиган оилалар.** Бундай оилаларда болаларга хурмат билан ёндашилади, уларга меҳр-муҳаббат кўрсатилади. Ота-оналар фарзандларнинг фаолияти билан кизиқадилар, муаммолари тўғрисида маълумотга эга бўладилар. Болаларнинг фикрларини хурмат қилган ҳолда ҳаётий масалаларни ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатишга уринадилар. Фарзандларнинг қизиқишилари ривожлантирилади. Бу фарзандларнинг тарбияси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу каби оилаларда болалар ташаббускор, мустакил, аҳил, инок бўлиб вояга етадилар, ўзларини баҳтли ҳис қилишади. Ота-оналар ҳам, болалар ҳам оила аъзоларининг ўзаро мулокотидан коникадилар. Оиладаги шахслараро муносабатларда аъзоларнинг умумий ахлоқий қиёфалари акс этади. Тартиблилик, очиклик, ўзаро ишонч, муносабатлардаги ўзаро тенглик бу турдаги оила аъзолари учун хос бўлган асосий маънавий-ахлоқий сифатлар саналади.

2. Рахмдил оиласлар. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ўртака даражада ижобийлик касб этади. Бирок, оила аъзолари ўртасида ота-оналар ҳам, болалар ҳам ўтмайдиган аниқ масофа мавжуд. Болалар оиласда ўз ўрниларни билишади, ота-онасига итоат этишади. Болаларга нима зарурлигини ота-оналарнинг ўзлари ҳал қиласди. Фарзандлар гапга қулоқ соладиган, ғамхўр, аҳил, инок бўлиб вояга этишади, бироқ, камдан кам ҳолатда ташаббускор бўлишади. Улар баъзан ўз фикрига эга бўлмайди, бошқаларга тобе бўлиб қолади. Ота-оналар фарзандларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларидан хабардор бўлишади. Шу билан бирга фарзандлар ўзларининг муаммоларини ота-оналари билан муҳокама килишади. Бу турдаги оиласларда намоён бўладиган салбий ҳолат – ота-оналар томонидан фарзандлар ривожланиш динамикасининг ҳисобга олмаганилиги саналади. Шу сабабли ота-оналарнинг ўз фарзандларига янада кўпроқ ғамхўрлик қўрсатишлари талаб этилади.

3. Иктиносидий йўналган оиласлар. Бу каби оиласларда асосий эътибор оиласнинг иктиносидий таъминланганилигига қаратилади. Болалар ёшлигиданоқ ҳаётга амалий (прагматик) ёндашишга, барча нарсадан ўзлари учун қулайлик яратишга ўргатилади. Фарзандлар яхши ўкишга даъват этилади, бироқ, асосий мақсад – олий таълим муассасасига киришдангина иборат бўлиб қолади. Ота-она ва болаларнинг маънавий дунёси қашшоқ. Оилавий муносабатларда болаларнинг қизиқишлари ҳисобга олинмайди, факат “фойдали” ташаббуслари қўллаб-кувватланади. Буни гарчи тўлиқ маънода ижтимоийлашиш деб атаб бўлмаса-да, болалар тенғдошларига нисбатан эртароқ “вояга етадилар”.


Ота-оналар болаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини англашга иентилади. Фарзандлар ҳам буни тушунишса-да, бироқ, баъзан ота-оналарнинг бу борадаги ҳаракатларини қабул қилиша олмайди. Бунинг асосий сабаби – ота-оналарнинг педагогик маданияти ниҳоятда паст эканлиги билан белгиланади.

4. Адоватли оиласлар. Фарзандлар учун оила – улар ёқтирамайдиган маскан. Ота-оналар ўз фарзандларига ишонмайди, уларга нисбатан ишончсизлик билдирилади. Болалар тез-тез жисмонан жазоланади. Фарзандлар бир-бирлари билан аҳил эмас, шу билан бирга ота-оналарига ёмон муносабатда бўлишади. Оиласда фарзандлар ўзаро ҳамда тенғдошлари билан ҳамжиҳат бўла олишмайди. Таълим муассасасига

нисбатан салбий муносабат шаклланган. Қолаверса, фарзандларнинг баъзан оиладан кочиб кетиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар шундай механизмга асосланган: фарзандларнинг хулқ-атвори, ҳаётий карашлари оиласда зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади, муносабатлар жараёнида ҳамиша ота-оналар ҳак бўлади. Бунинг сабаби – ота-оналарнинг ҳаётий тажрибага эгаликлари, ёш хусусиятларига кўра фарзандлар томонидан ота-оналарнинг оила ривожидаги ўрни, ролининг тўғри баҳолай олинмаслиги ҳисобланади. Ота-оналар кўп ҳолатларда фарзандларнинг хулқ-атворидан асосли равишда хафа бўлишади. Бироқ, айнан шу ҳолат, бир томондан, фарзандларнинг ўқишлиарига зиён етказса, иккинчи томондан, уларнинг аморал хулқ-атвортага эга бўлишларига сабаб бўлади. Ушбу вазиятлардан чиқиш учун ота-оналар фарзандларининг хулқ-атворт мотивларини етарли даражада англашга уринишлари, улар томонидан кўрсатилаётган важ (баҳона) ва далилларига алоҳида эътибор қартишлари талаб этилади.

5. Антисоциал оиласлар. Бу турдаги оиланинг фарзандлари учун оила – болалар учун уларни кутмайдиган, севмайдиган кишилар истикомат қилувчи бошпана саналади. Ота-оналар аморал ҳаёт тарзини ўзлаштириб олишган. Улар ўзаро зиддиятларга боришади, ўзаро муносабатларда бир-бирларига ҳамда болаларга пўписа қилишади, спиртли ичимликлар истеъмол қилишади. Мазкур оиласлар томонидан болаларга кўрсатиладиган ҳар кандай таъсир салбий хусусиятга эга. Бундай оиласларда яшаётган болалар кўп ҳолатларда давлат қарамоғига олинади⁶².

Ижтимоий педагогика соҳасида узок йиллар давомида бир катор тадқиқотлар олиб борган М.А.Галагузова ижтимоий ҳолати нуқтаи назардан оиласларнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш тақлифини илгари сурган (8-расм):



8-расм. Ижтимоий ҳолатига кўра оила турлари (М.А.Галагузова)

⁶² Подласый И.П. Педагогика – Москва: Владос, 2003 – С. 207-210

Куйида М.А.Галагузова томонидан кўрсатилган оиласлар турларига хос хусусиятлар юзасидан сўз юритилади.

1. Тинч, баҳтли оиласлар. Бундай оиласлар зиммасидаги вазифаларни муваффакиятли ҳал этади. Ота-оналар ўз фарзандларининг қизиқиш ва эҳтиёжларини тез илгайди. Борди-ю, оиласвий муносабатларда муаммолар келиб чиқса, у ҳолда тинч, баҳтли оиласларга бир мартагина амалий ёрдам кўрсатишнинг ўзи кифоя қиласди.

2. Барбод бўлиш ҳавфига эга оиласлар. Бу каби оиласларнинг фарзандларида баъзан меъёрдан огиш ҳолатлари кузатилади. Кўп ҳолатларда ушбу оиласлар фарзандларида ижтимоий мослашув қобилиятининг пастлиги намоён бўлади. Бундай оиласларда ота-оналар бола тарбиясини жуда қийинчилик билан олиб боради. Шу сабабли ажralиш ҳавфи бўлган оиласлар ижтимоий педагог томонидан ўз вактидаги бериладиган амалий ёрдам, шунингдек, доимий кузатувга эҳтиёж сезади.

3. Нотинч, баҳтсиз оиласлар. Бундай оиласлар ижтимоий нуктаи назардан ҳаётий фаолиятнинг муайян соҳаси бўйича паст даражага эга бўлиб, зиммасига юклатилган вазифаларни бажара олмайди. Ота-оналар ҳамда фарзандларнинг ижтимоий мослашув имкониятлари ниҳоятда паст. Шу сабабли бундай оиласларда болаларни тарбиялаш жараёни жуда қийинчилик билан секин боради, устига устак кам ҳолатларда кутилган натижага эришилади. Нотинч, баҳтсиз оиласлар доимий равишда ижтимоий педагогнинг фаол, давомий кўмагига эҳтиёж сезади. Бу каби оиласлар эга бўлган муаммоларнинг характеристидан келиб чиқиб, ижтимоий педагогнинг уларга узоқ муддатли таълимиy ва психологик ёрдам кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

4. Асоциал оиласлар. Бу турдаги оиласларнинг ижтимоий ҳолати уларни тубдан ислоҳ қилишни талаб этади. Мазкур оиласларда ота-оналар аморал, ғайриконуний ҳаёт кечиришади. Уларнинг яшаш шароитлари энг оддий санитария-гигиеник талабларга ҳам жавоб бермайди. Табиий равишда болаларнинг тарбияси билан ҳеч ким шугулланмайди. Шу сабабли болалар назоратсиз қолишган. Улар доимий равишда ярим оч ҳолда юришгани учун жисмоний ривожланишда ортда қолишган. Ижтимоий педагог ушбу оиласлар билан иш олиб борганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, васийлик ва ҳомийлик органлари билан яқиндан алоқа ўрнатиши зарур.

Оилалар турининг хилма-хиллиги уларнинг у ёки бу жиҳатни асос килиб олганлигини тасдиқлади. Бу эса турли оилаларда фарзандлар тарбиясини ташкил этиш жараёнинг мураккаблигидан далолат беради.

Хар бир оиланинг ҳаёти кўп жиҳатли, яъни, ижтимоий-биологик, хўжалик-иктисодий, ахлокий ва психологик муносабатларга асосланиши билан тавсифланади. Шунга кўра оиланинг ривожи муайян босқичда маълум вазифанинг бажарилиши, янги вазифанинг ўртага кўйилиши, шунингдек, оила аъзолари ижтимоий фаолияти қўламининг кенгайиши, фаоллик даражасининг ортиб боришига боғлик.

Назорат саволлари:

1. Оиланинг қандай тарихий турларини биласиз?
2. Гурухли никоҳдан жуфт никоҳга ўтиш жараёнининг ўзига хослиги нималарда кўринади?
3. Никоҳ ҳолатига кўра оиланинг қандай турлари мавжуд?
4. Болалар сонига кўра оила турлари ўзида қандай жиҳатларни акс эттиради?
5. Шахсларро муносабатларнинг характерига кўра оила қандай турларга ажратиласди?
6. М.А.Галагузованинг оилаларни турларга ажратиш борасидаги таклифи қандай ғояга асосланади?
7. Ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан оилаларни қандай турларга ажратиш мумкин?

Мавзуга оид адабиётлар:


1. “Ўзбекистон Республикаси оилани мустаҳкамлаш бўйича Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 қабул қилинган Қарори.
2. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гуурур / Ўқув қўлл. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999.
3. Ҳасанбоева О. ва б Оила педагогикаси. – Тошкент: Алоқаши, 2007.
4. Подласый И.П. Педагогика. – Москва: Владос, 2003.
5. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009.
6. Хўжаниёзов Т. Оила тарихи ва хукук. – Тошкент: Адолат, 2006.

Амалий топшириклар:

1. Кишилик тарихи тараққиётида шаклланган оилаларга хос тавсифларни ёритувчи жадвални шакллантиринг.
2. Кичик гурухларда “Юмалокланган кор” стратегиясини қўллаш асосида: 1) никохнинг ҳолатига кўра; 2) оиласидаги болаларнинг сонига кўра; 3) оиласининг таркибига кўра; 4) оила аъзолари ўртасидаги муносабатнинг характеристига кўра; 5) оиласининг ижтимоий ҳолатига кўра замонавий оиласининг турлари ва уларнинг моҳиятини таҳлилий ўрганинг.

Амалий топширикларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Кишилик тарихи тараққиётида шаклланган оиласидар ва уларга хос тавсифларни ёритишда ҳам талабаларнинг кичик гурухлар ёки жуфтликларда ишлашлари мақсадга мувофиқдир. Талабалар кичик гурухлар ёки жуфтликларда кишилик тарихи тараққиётида шаклланган оиласидар ва уларга хос тавсифларни ёритишда куйидаги намунадан фойдаланишлари мумкин:



3. “Юмалокланган кор” стратегиясини қўллаш асосида замонавий оиласининг турлари ва уларнинг моҳиятини таҳлилий ўрганишда академик гуруҳ талабаларини 5 та кичик турухга ажратиш лозим. Кичик

турухларнинг ҳар бирiga алоҳида топширик берилади. Ҳар бир кичик турух қуидаги топширикларни бажаради:

Гурӯҳлар	Топширикларнинг мөҳияти
1-гурух	Никоҳнинг ҳолатига кўра замонавий оила турлари ва уларнинг тавсифи
2-гурух	Оиладаги болаларнинг сонига кўра замонавий оила турлари ва уларнинг тавсифи
3-гурух	Оиланинг таркибига кўра замонавий оила турлари ва уларнинг тавсифи
4-гурух	Оила аъзолари ўртасидаги муносабатнинг характерига кўра замонавий оила турлари ва уларнинг тавсифи
5-гурух	Оиланинг ижтимоий ҳолатига кўра замонавий оила турлари ва уларнинг тавсифи

ОИЛАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1. Оиланинг иктисадий, репродуктив, тарбиявий ва коммуникатив вазифалари.
2. Оиланинг рекреатив, фелицитологик, регулятив ва релаксация вазифалари.
3. Оилавий муносабатларнинг оила вазифаларини бажаришдаги аҳамияти.

Таянч тушунчалар: оиланинг вазифалари, оиланинг иктисадий вазифаси, оиланинг репродуктив вазифаси, оиланинг тарбиявий вазифаси, оиланинг коммуникатив вазифаси, оиланинг рекреатив вазифаси, оиланинг фелицитологик вазифаси, оиланинг регулятив вазифаси, оиланинг релаксация вазифаси.

Оиланинг иктисадий, репродуктив, тарбиявий ва коммуникатив вазифалари. Ҳар кандай замон ва маконда ҳам оиланинг зиммасига шахс камолотини таъминлаш борасида муайян вазифалар юклатилади. Оила зиммасига муайян вазифаларнинг юклатилишида жамият тараққиёти, у томонидан шахс камолотига қўйиладиган талаблар, аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи, шахслараро муносабатлар мазмуни.

давлат сиёсати ҳамда миллӣ ривожланиш мақсадлари инобатга олиниади.

Замонавий шароитда оилаларнинг ҳаёти ва фаолияти куйидаги вазифаларни ижобий ҳал килишга йўналтирилади:

- иқтисодий;
- репродуктив;
- тарбиявий;
- рекреатив;
- коммуникатив;
- регулятив;
- фелиоцитологик;
- релаксация⁶³.

Куйида замонавий оилалар томонидан шахс камолотини таъминлаш борасида ҳал килинадиган вазифаларнинг моҳияти юзасидан батафсил сўз юритилади.

1. Оиланинг иқтисодий вазифаси. Барча даврларда ҳам оиланинг иқтисодий вазифаларни ижобий ҳал килиш имкониятига эга бўлишига алоҳида эътибор каратиб келинган. Зоро, оила иқтисодиёти ва унинг маънавий-ахлоқий киёфаси унинг мавжудлигини таъминловчи муҳим омиллар саналади. Бозор муносабатлари шароитида эса оиланинг иқтисодий вазифасини муваффақиятли адо этиш лаёкатига эга бўлиши янада муҳим аҳамиятта эга.

Иқтисодий вазифалари сирасида оила иқтисодиёти ва бюджетини шакллантириш, оила даромадини режали сарфлаш, оиланинг кундалик харажатларини амалга ошириш, оилавий эхтиёжлар учун маблағ йигиш, оила хўжалигини юритиш, моддий неъматлар ишлаб чиқиш кабилар алоҳида ўрин тутади.

Ҳар қандай оила ўзининг иқтисодиёти ва бюджетига эга бўлиши зарур. Ўз иқтисодиёти ва бюджетини шакллантиришда оиланинг асосий ҳамда кўшимча даромад манбаларига эгалиги муҳим аҳамиятта эга. Оила аъзоларининг асосий даромади уларнинг доимий иш жойидан оладиган ойлик маошлари, изчил олиб туриладиган нафақалар (кексалик ёки болалик нафақалари) ёки талаба бўлган оила аъзоларининг стипендиялари каби манбалар негизида шаклланади. Оила бюджетини шакллантиришга хисса бўлиб қўшиладиган кўшимча

⁶³ Oila psixologiyasi / Akad litsey va kashb-hunar kollejlari o'quvchilari uchun o'quv qo'llanma. G.B.Shoumarov va h. G.B Shoumarovning tahriri ostida – Toshkent "Sharq", 2008 – 48-62-betlar

даромад манбалари эса – томорка, иссикхона ёки ёрдамчи хўжалик (чорва моллари, паррандалар)дан олинадиган мева, сабзовот ҳамда сут маҳсулотлари, оиласий тадбиркорлик (хунармандчилик, майший хизмат кўрсатиш)ни ташкил этиш хисобига топиладиган пул маблағлари, “суюнчи пули”, турли мукофот пуллари, оила аъзоларининг асосий бўлмаган иш жойидан оладиган маошлари саналади.

Оила иқтисодиётини шакллантиришда ота-оналарнинг иқтисодий билимларга эгаликлари, инсон меҳнатининг маҳсули бўлган пул маблагларига нисбатан ҳам ўзларида, ҳам фарзандларда ижобий муносабатни шакллантира олишлари мухим аҳамиятга эга. Собиқ Иттифок даврида жамият ҳаётининг “ижтимоий тенглик” тамойилига асосланганлиги боис бойлик, бой бўлишга нисбатан салбий муносабат шаклланган эди. Ҳатто шахсий мулкка эга бўлиш давлат назоратига олинган, маълум даражада ўзига тўқ, бой бўлган шахслар, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари қораланаар эди.

Бозор муносабатлари шароитида эса, аксинча, оила аъзолари – ота-оналар, фарзандларнинг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, яратувчанлиги ҳамда ушбу сифатларга эгалик асосида қўшимча моддий даромад манбаларини яратишлари қўллаб-кувватланади. Бинобарин, қўшимча даромад оиланинг фаровонлигини таъминлайди, фарзандларнинг ҳар томонлама соғлом, бақувват бўлиб ўсишлари, чуқур билим олишлари учун зарур, қулай шарт-шароит яратиб берилишини таъминлайди. Ота-оналар ўз тадбиркорликлари эвазига фарзандларининг шахсий кобилиятларини янада ривожлантиришга муваффак бўладилар. Иқтисодий билим, тадбиркорлик, ишбилармонлик, тежамкорлик сифатларига эга ота-она оила муҳитида фарзандларнинг бозор муносабатларига тўлақонли мослаша олишларига эришади.

Оила иқтисодиётини яратишида ота-она ва фарзандларнинг биргаликда уй хўжалигини юритишлари, томорка ва ёрдамчи хўжалик маҳсулотларини етиширишлари, хунармандчилик буюмларини тайёрлашлари кўп томонлама аҳамиятга эга. Биринчидан, оила аъзоларининг биргаликда меҳнат килишлари ҳамжиҳатлилик, бирликни карор топтиради, иккинчидан, фарзандларда меҳнатга ижобий муносабат шакллантирилади, уларда меҳнатсеварлик хислати тарбияланади, учинчидан, болалар ўzlари меҳнат килар эканлар,

ўзгаларнинг меҳнатини қадрлашга ўрганадилар, тўртингидан, оила шароитида тайёрланган, етиштирган маҳсулотларни сотиш жараёнида болаларнинг иқтисодий тушунчалари кенгаяди, савдо кўнишка, малакаларини ўзлаштиради.

2. Оиланинг репродуктив вазифаси. Ҳар кандай замон ва маконда ҳам оила, энг аввало, авлодлар давомийлигини таъминлаш, наслни саклаш саналади. Дастреб таянч тушунча (“репродуктивлик”)нинг луғавий маъносини англаб олиш оиланинг репродуктивлик вазифаси моҳиятини тўлақонли тушуниш имкониятини яратади.

Электрон манбалардан бирида талқин этилишича, “репродуктивлик” (лот. “фертилик” (“фертилис”) – насл қолдириш) тушучаси “вояга етган организмнинг насл қолдириш лаёқатига эгалиги”⁶⁴ маъносини англатишга хизмат килади. Биология, тиббиёт каби соҳаларда “репродуктивлик” тушунчасининг антоними сифатида “бепуштлик” атамаси ишлатилади. Юкорида кўрсатилган электрон маёндада қайд этилишича, вояга етган организм сифатида одам ёки ҳайвоннинг насл қолдириш лаёқатига эга бўлмаслиги “бепуштлик”, ниҳолнинг маълум йилдан сўнг, етарли даражада ривожланганидан кейин ҳам ҳосил бера олмаслиги “стерилик” (лот. “стерилис” – кўпая олмаслик) деб юритилади. “Саломатлик. Оммабоп-медицина энциклопедияси”⁶⁵ эса “бепуштлик” тушучаси луғавий нуқтаи назардан “вояга етган организмнинг насл қолдиришга ожизлиги”ни ифодаловчи маънони англатишига ургу бериб ўтилади.

Кўпгина халқлар, шу жумладан, ўзбек халқида оилани барпо этишдан кўзланган асосий мақсад – сулоланинг давомийлигини таъминлаш, насл қолдириш хисобланади. Сулоланинг давомийлигини таъминлаш, насл қолдириш нафакат шахсий, шу билан бирга ижтимоий аҳамиятга эга масала саналади. Фарзанд кўриш (насл қолдириш) ота ҳамда онанинг шахсий характерга эга хоҳиш-истакларига кўра амалга оширилса-да, бирор, бу жараён жамият тараккиётини таъминловчи ишлаб чиқариш кучининг шаклланиши нуқтаи назаридан ижтимоий моҳият касб этади. Шу сабабли инсоният тарихий тараккиётининг деярли барча даврларида авлодлар давомийлигини таъминлаш кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлиб келган.

⁶⁴ Репродуктивность // Wikipedia

⁶⁵ Саломатлик. Оммабоп медицина энциклопедияси – Тошкент: Ўзбек энциклопедияси Боз редакцияси – 1985. – 41-бет

Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам ёшларда репродуктив саломатликни шакллантиришга давлат миқёсида алоҳида эътибор каратилди. Бунинг исботи “Баркамол авлод йили” Давлат дастури ҳамда унда ифодаланган ғояларда ўзининг яққол ифодасини топган. Ушбу дастурда “репродуктив саломатликни саклаш ва соғлом оиласи шакллантириш муаммолари бўйича ёшлар ва ёш оиласар орасида тушунтириш ишлари олиб бориш”⁶⁶ долзарб ижтимоий вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланган.

Мазкур масала Ғарб мамлакатларида никоҳ ва оиласага гайриахлоқий карашлар карор топиб, уларнинг муқаддаслигига путур етаётган, бир жинсли никоҳ тобора кенг тарғиб этилаётган, қолаверса, эркак ва аёлларнинг белуштлигига сабаб бўлувчи омиллар (жинсий органлардаги турли салбий ўзгаришлар, жинсий аъзоларнинг тугма нуқсони (крипторхизм), шикастланиши (орхит, эпидидимит), яллиғланиши, эндокрин тизими фаолиятининг ўзгариши, ирсий касалликлар (м: Шерешевский, Тернер, Даун ва б. касалликлар), Интернет саҳифалари ва айрим телеканалларда порнографик суратлар, саҳналарнинг намойиш этилаётганлиги, аксарият ёшларнинг реал ва визуал ҳаётни ажратча олмаётганликлари, йигит ва қизларнинг жинсий жиҳатдан тўғри, етарлича ривожланмаётганликлари ва ҳ.к.) сонининг ортиб бораётган мавжуд шароитда, айниқса, ўзига хос долзарблик касб этмоқда.

Фарзанднинг бенуқсон ва соғлом дунёга келишида оналарнинг роли бекиёс. Бироқ, сўнгти йилларда аёлларда ҳам белуштлик ҳолатлари тобора кўпроқ кузатилмоқда. Аёлларда намоён бўладиган белуштлик бачадон ва ортиклар (тухумдон ва найлар)нинг яллиғланиш касалликлари (аднексит), сўзак, жинсий органлар сили, ички секреция безлари (тухумдон, калконсимон без, бўйрак усти бези ва бошқалар) фаолиятининг бузилиши, балогатга етиш даврида юкумли (инфекцион) касалликлар билан оғриш натижасида марказий асаб тизимида рўй берган ўзгаришлар, жинсий органларнинг етилмай колиши (инфантилизм) билан боғлиқ⁶⁷.

Сўнгги йилларда маҳсус адабиётлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ҳам “репродуктивлик” ёки бошкacha айтганда, “репродуктив саломатлик” тушунчалари кўп кўлланилмоқда. Яна бир

⁶⁶ “Баркамол авлод йили” Давлат дастури – Тошкент “Ўзбекистон”, 2010 – 21-бет
⁶⁷ Уша манба – 41-бет

электрон манбада “репродуктив саломатлик” тушунчасига шундай таъриф берилган: “инсоннинг репродуктив тизими шаклланиши ва ўз фаолиятини тўла бажара олишини таъминлайдиган барча ҳаётий жараёнларда жисмоний, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан камолга етганлик холати”⁶⁸. Демак, репродуктивлик инсонга хос репродуктив тизим фаолиятининг бенуқсон ишлаши асосида унинг бевосита соглом фарзанд кўра олишидир. Шунга кўра ҳар бир шахснинг репродуктив саломатликка эгалигини қўйидаги белгилар асосида баҳолаш мумкин: 1) шахс репродуктив тизимининг салбий асоратларсиз, бенуқсон шаклланиши; 2) репродуктив тизимнинг ўз физиологик вазифасининг бенуқсон бажара олиши; 3) репродуктив тизим фаолияти жараёнида шахснинг ўзини маънавий-ахлоқий, жисмоний, физиологик, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан камолга етганлигини ҳис қила олиши.

Шунга кўра “шахснинг репродуктив саломатлиги унинг оиласи ҳаётга маънавий-ахлоқий, жисмоний, ақлий ва ижтимоий тайёрлиги, эрхотин ўртасидаги жисмоний яқинликнинг ҳар икки томон учун ҳам ижобий характер касб этишига эришиши, фарзанд кўриш хоҳишининг кондирилиши ва, энг муҳими, соғлом фарзанд кўра олиши учун хизмат килади” (Н.Ашурова).

Бугунги кунда ҳар бир оиласи таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий институтлари билан ҳамкорликда ёшларнинг репродуктив саломатликка эга бўлишларини таъминлаш йўлида амалий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий ҳамкорлик асосида ёшларни никоҳ ва оиласи ҳаётга:

- **маънавий-ахлоқий** (оила учун масъуллик, оила ва никоҳни муқаддас деб билиш, оила шаъни ва оила аъзоларининг обрусини ҳимоя қила олиш, эрхотин, шунингдек, ота-она ва фарзандлар ўртасида ўзаро хурматни карор топтириш, тасодифий жинсий алоқалардан ўзини тийиш),

- **жисмоний** (эрхотин ўртасидаги жисмоний яқинликнинг ҳар икки шахс учун ижобий хусусият касб этишига эришиш, бу жараённинг ихтиёрий, ҳеч кандай зўрлик, мажбурлашларсиз кечишига эришиш),

- **физиологик** (эркакнинг тугдириш, аёлнинг туғиши қобилиятига эгалиги),

⁶⁸ Репродуктивное здоровье <http://my.mail.ru/community/uneasyparents>.

- **ақлий** (оилавий ҳаётни мұytадил кечишини таъминлаш, отаннаның ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фарзандлар сони, фарзанд күриш даврларини ихтиерий белгилаш, ҳомиладорлик мұддатлари ўртасида маълум оралиқ (интерваль) булиши зарурлыгини инобатта олиш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш чоратадбирларини күриш; воситалари (жумладан, контрацепция воситалари) ва методларидан хабардор булиш, репродуктив саломатликка эришишни кафолатловчи омиллар (организмда бепуштлик келиб чикиш сабабларини бартараф этиш максадида жинсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, ўз вақтида даволаниш ёки құшимча репродуктив технологиялардан фойдаланиш малакаларини ўзлаштириш), воситалар, методлар ҳамда хизматлар түғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш қобилиятига егалык);

- **ижтимоий** (оиланы онгли режалаштириш) жиҳатдан тайёрлаш зарур.

Оила фаолияти репродуктив нұктай назардан соғлом фарзанд күриш, уни ҳар томонлама соғлом қылип вояга етказиш, физиологик, жинсий ва жисмоний жиҳатдан қызларни онатик, йигитларни эса оталикка тұлақонли тайёрлашдек вазифаларни ҳал қилишга йұналтирилади.

Даниялар олимлар томонидан үтказилған тадқиқот нәтижаларининг күрсатишича, “Кока-кола” ичимлигини мунтазам истеъмол қилиш вояга етган йигитларнинг фарзанд күриш имкониятларини сезиларлы даражада пасайтиради. 2,5 минг нафар ёшлар иштирокида үтказилған тадқиқот жараённан ушбу ичимликни кунига 1 литр ҳажмида мунтазам истеъмол қилувчиларда уни деярли истеъмол қилмайдығанлардан фарқылы равища фарзанд күришда мухим элемент саналадиган сперма (жинсий суюклиқ)да сперматозоид (жинсий хужайра)лар сонининг 30 фоизга кам булиши аникланған. Бу ҳолат бепуштликка олиб келади. Бир миллилитр спермада “Кока-кола” истеъмол қилмайдыған шахсларда ўртача 50 миллион, ёшларнинг севимли “чанқоқ босдиси” бошқа турдаги ичимликлар билан истеъмол килинганды эса жами 35 миллион сперматозоид мавжуд булиши илмий нұктай назардан тасдикланған.

Жаҳон мікёсіде кенг тарқалған ушбу оммавий ичимлик, аёлларнинг ҳам фарзанд күриш қобилиятларини пасайтиради. Агарда, аёллар фарзанд күриш олдидан ҳафта давомида канд мікдори юкори бұлған

мазкур ичимликтан 5 ёки ундан ортиқ хисса (порция) истеъмол килсалар, у холда ҳомиладорлик вақтида диабетга чалиниш хавфи 22 фоизга ортади. Бундай хавф таркибида канд миқдори юкори бўлган ёки сунъий моддалар кўшилган бошқа “чанқов босди” ичимликлар истеъмол килганда у қадар юкори бўлмайди⁶⁹.

3. Оиланинг тарбиявий вазифаси. Ўзига хос тарбия муҳити бўлган оила фарзандларнинг камолотини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Оиланинг тарбиявий имкониятлари бекиёсdir. Боланинг табиий аломатлари ва насл-насаби қанчалик аҳамиятга эга бўлмасин, тарбия ҳал килувчи ролни ўйнайди. Оиланинг тарбиявий вазифаси *болаларда маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик, меҳнатсеварлик, жинсий, экологик, ҳукуқий, иқтисодий фазилатларни тарбиялашдан* иборат.

Ота-оналар фарзандларда ёшлиқданок маънавий-ахлоқий сифатларнинг шаклланишига эътибор каратишлари лозим. Зеро, “оилада уюштирилажак ахлоқий тарбиянинг мақсади болаларда энг олий ахлоқий сифатлар ота-она ҳамда оиланинг бошқа аъзолари, шунингдек, атрофдагиларга нисбатан меҳр-муҳаббат, катталарга ҳурмат, кичикларга муруват, камтарлик, тўғрисўзлик, меҳнатсеварлик, саҳоват, инсонпарварлик, адолат, виждон, ор-номус, ғуур, интизом, ижтимоий бурчни англаш ва ҳ.к.ни шакллантиришдан иборатдир. Шахсда мазкур сифатларнинг қарор топишида оиласидаги соглом муҳит, оила аъзоларининг психологияк жиҳатдан ўзаро яқинликлари, эҳтиёж, қизиқиш ва ҳаётий ёндашувилидаги умумийлик, бир-бирларини ҳар кандай вазиятда қўллаб-куvvатлай олишлари, ота-оналар томонидан барча фарзандларига нисбатан қўйилаётган талаблар, шунингдек, уларга қўрсатилаётган эътиборнинг бир хил бўлиши оила тарбиясида ижобий натижаларга эришишнинг омиллари саналади. Оилада муайян анъянанинг қарор топганлиги, унга оила аъзолари томонидан билдирилаётган ҳурмат, шунингдек, кекса авлод вакилларининг шахси, уларнинг ижобий сифатлари, меҳнатда эришган (гарчи у оддий бўлса ҳам) ютуклари, атрофдагилар билан муносабати борасидаги сухбат ёки хотираларнинг ташкил этилиши болаларда ҳаётий зътиқоднинг шаклланишини таъминлайди”⁷⁰.

⁶⁹ Репродуктивность // <http://www.malina-mix.com/topic23942.html>.

⁷⁰ Педагогика назариси / Олий таълим мусассасалари учун дарслик. Муаллифлар: М.Х.Тўхтаходжаева ва б. Проф. М.Х.Тўхтаходжаеванинг умум таҳр остида. – Тошкент: “Moliya-iqtisod”, 2010 – 302-бет.

Оиланинг тарбиявий имкониятларини ўрганш асосида шундай хулосаларга келиш мумкин:

1) оиланинг болага таъсири бошка ҳар қандай тарбиявий ҳаракатлардан кучли;

2) оилада шундай сифатлар шаклланадики, оиладан ташқари ҳеч қаерда бундай сифатлар шаклланиши мумкин эмас;

3) оила муҳитида шахснинг ижтимоийлашуви амалга ошади, шу сабабли оилада жамият аъзоси – фуқаро, ватанпарвар шахс, бўлгуси оила бошлиғи, қонунга риоя қилувчи ҳукукий фаол шахс, истеъмолчи вояга етказилади, бинобарин, оила қандай бўлса, жамият ана шундай бўлади.

4) оила анъаналарнинг давомийлигини таъминлайди;

5) оиланинг муҳим ижтимоий функцияси фуқарони тарбиялашда акс этади;

6) оила касб танлашга муҳим таъсир кўрсатади.

4. Оиланинг коммуникатив вазифаси. Одатда оила ҳаёти унинг аъзолари ўртасида ташкил этиладиган мулокотга асосланади. Замонавий шароитда оила аъзолари ўртасида фаол мулокотда бўлиш таназзулга учрамоқда. Бунинг асосий сабаблари оммавий ахборот воситалари сонининг ортиб бориши, улардан ахборот тарқатиш кўламининг тобора кенгайишидир. Айнан шу ҳодисалар туфайли ҳар бир шахс оила даврасида уюштириладиган мулокотдан кўра кўпроқ оммавий ахборот воситалари билан муносабатда бўлишни маъкүл кўрмоқда. Бу эса бир катор салбий оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўляпти: шахс тобора индивидуаллашиб бормоқда, омманинг манфаатидан кўра ўз қизиқиш ва интилишларини устун кўймокда, ўзгаларнинг ҳолатига нисбатан бефарқлик кучаймоқда. Оила даврасида сухбатлар одатда болаларда катталар – отаона, бува-буви ва оиланинг бошка ёши катта аъзолари намунасида атроф-муҳитга, атрофдагиларга нисбатан ижобий ёки салбий бўлишидан катъий назар муносабатни шакллантиради. Шу сабабли фарзандлар иштироқида ташкил этиладиган сухбатлар доимо ёқимли, инсонга кўтаринки рух бағишлийдиган, болаларни ҳаракатга, ўқиб-ўрганишга ундейдиган, уларда ўзига нисбатан ишонч, атрофдагиларга нисбатан хурматни уйғотадиган гояларга асосланишига эътибор каратиш лозим. Сухбатлар мавзусининг бурч, мардлик, олижаноблик, сахийлик, камтарлик, атрофдагиларга нисбатан муҳаббат. бунёдкорлик, ютуклар (кайси соҳада бўлишидан

катьйи назар), бирор бир кишининг ибратли хатти-харакатлари хусусида булиши болаларда яшашга (яшаганда хам мазмунли, унумли ҳёт кечиришга) бўлган иштиёқни оширади, эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамлайди, уларни ижтимоий фаол бўлишга рафбатлантиради. Оила даврасидаги сухбатларда кимнингдир салбий хатти-харакати юзасидан фикр билдириш мумкин. Аммо бу борадаги фикрнинг болаларга ибрат учун айтиш, бу каби ходисалардан хулоса чиқариб олиш зарурлигини уқтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ, ҳеч қачон инсон шахсини баҳолашга уринмаслик, айникса, “унинг ўзи ярамас одам”, “у ҳеч қачон одам бўлмайди”, “унинг ота-онаси (ака-укаси, опа-синглиси ва б.) хам яхши одамлар эмас” каби асосли бўлмаган ҳукмларни чиқаришга уринмаслик лозим. Ота-оналар ёки катталарнинг шу таҳлилда йўл тутишлари болаларда атрофдагиларга нисбатан ишончизликтининг карор топишига сабаб бўлади. Охир-оқибат болалар ҳамиша кимларнидир ўзлари билиб-бўлмаган ҳолда айлашни, бошқаларни гийбат килишни ўрганишади. Болаларни ёшлиқдан бошқалар, айникса, катталарни муҳокама кильмасликка, аксинча, кўпроқ ўз хатти-харакатларини таҳлил қилишга, хатолари устида фикр юритишга, уларни тўғрилаш юзасидан карорлар кабл қилишга, ўзгаларнинг муммоларига бефарқ бўлмаликка ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шундагина болаларда ижтимоий субъектлар билан тўғри, самимий мулоқотни ташкил этиш кўнгилмалари шаклланади.

Оиланинг рекреатив, фелицитологик, регулятив ва релаксация вазифалари. Юкорида айтиб ўтилганидек, рекреатив, фелицитологик, регулятив ва релаксацияга асосланган муносабатларни ижобий, самарали ташкил этилишига эришиш ҳам оила зиммасига юклатиладиган вазифалар сирасида муҳим аҳамият касб этади.

5. Оиланинг рекреатив вазифаси. Ижтимоий жиҳатдан оила аъзоларининг бир-бирларига нисбатан рекреатив (ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатишига асосланган) муносабат кўрсатиши сифатида асрлар давомида ушбу кичик бирлашманинг кадрият сифатида шаклланишини таъминлаган. Оила томонидан рекреатив вазифанинг ижобий ҳал килиниши куйидагиларга эришиш имконини беради:

- оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлаш;
- биргаликда меҳнат қилиш ва дам олишни ташкил этиш;

- оила аъзоларининг ўзаро жисмоний, моддий, маънавий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш кўникма-малакаларига эга бўлишларини таъминлаш;

- оилавий тадбирларни ташкил этишда ўзаро бирдамлик, ҳамжиҳатликка эришиш;

- оила аъзоларидан бири дуч келган муаммони оиланинг барча аъзолари томонидан ўзаро маслаҳатлашган ҳолда, яқдиллик билан ҳал килиш;

- муаммо ёки қандайдир қийинчиликка дуч келган оила аъзосини ёлғизлатиб қўймаслик, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш.

6. Оиланинг фелиоцитологик вазифаси. Азалдан оила баҳт кўргони саналади. Чунки инсон айнан оиладагина ўзини чинакамига хавфсиз, баҳтли хис қилади. Агарда оилада соғлом психологик мухит шаклланган бўлса, шубҳасиз, унинг аъзолари ўзаро ҳамжиҳатлиликда баҳтли (фелиоцитологик) ҳаёт кечиришади. Аммо байзи оилаларда турли сабабларга кўра носоғлом мухит юзага келади. Оиладаги носоғлом мухим аъзоларнинг баҳтли эмасликларидан далолатдир. Соғлом психологик мухит мавжуд бўлган оилаларда ҳар бир аъзоси яқинларининг баҳтли бўлишларига ўз хиссасини қўшишга ҳаракат қилади. Улар ўзаро бир-бирларини хурмат қилишади, меҳр-муҳаббат кўрсатишади, ҳар қандай вазиятда ҳам ёрдамга тайёр эканликларини амалда намойиш этишади. Оилада ҳар бир аъзонинг қизиқишилари, хоҳишистакларини инобатга олиш, шахс сифатидаги хукукларига хурмат билан муносабат билдиришлари уларда шахсан баҳтга эришиш имкониятини оширади. Ота-оналар ва оиладаги бошқа ёши катталар фарзандларга хукмрон сифатида муносабат билдиримасдан, аксинча, уларга ҳамдард бўла олишлари лозим.

Ҳар бир шахс ўз оиласида баҳтли бўлишга ҳакли. Шу сабабли оила ўз аъзоларининг баҳтли бўлиши учун шароит яратиб бера олиши зарур.

7. Оиланинг регулятив вазифаси. Ҳар қандай ижтимоий гурух, уюшма мавжуд экан, унинг фаолияти бошқарилади. Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибига солиш, уларнинг фаолиятлари юзасидан ижтимоий назоратни йўлга қўйиш, оилада отанинг устунлигини таъминлаш, шунингдек, отанинг оилада алоҳида обрўга эга бўлишига эришиш оиланинг регулятив, яъни, бошқарув

вазифалари сирасида алоҳида ўрин тутади. Оила фаолиятини бошқаришда унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш, ушбу муносабатларнинг тартибга солинишида эса меҳнат тақсимоти мухим аҳамиятга эга. Бунда, энг аввало, ҳар бир оила аъзоси зиммасига маълум вазифаларни юкланишига эътибор қаратиш максадга мувофиқдир. Отаналар томонидан оиланинг энг кичик ёшли (3-4 ёшли) аъзолари зиммасига ҳам маълум вазифаларнинг юклатилиши катор афзалликларга эга. Хусусан, 1) ёшлидан меҳнат кўнкимлари шаклланади; 2) масъулият хисси тарбияланиб боради; 3) аста-секин болалар онгидаги оиласида ўз ўрнига эгалиги тўғрисидаги тушунча шаклланади.

Болалар оиласида ўзаро ҳамжиҳатликда меҳнат килар эканлар, ўзларининг ҳамда бошқаларнинг меҳнатини кадрлашни ўрганадилар. Қолаверса, бир-бирларини ҳурмат қилиш, ҳар қандай вазиятда ҳам бир-бирларини кўллаб-куватлаш, бир-бирларига ўзро ёрдам кўрсатишга одатланиб борадилар. Оиласида меҳнат тақсимотининг оқилона йўлга кўйилиши эса ижтимоий муносабатларда тартибга эришиш, рўзгорга барака киришини таъминлайди. Қатъий тартиб ўрнатилган оиласидан унинг аъзолари ўртасида ўзаро келишмовчиликлар юзага келмайди, жанжаллар содир бўлмайди.

Оиланинг бошқарув вазифаси сирасига унинг бюджетини яратиш, пул маблагларидан тўғри, оқилона фойдаланиш ҳам алоҳида ўрин тутади. Отаналар болаларга ёшлидан қилинадиган сарф-харажатларнинг микдори ишлаб топиладиган пул маблаглари суммасидан ошмаслигига эътиборли бўлиш кераклигини, сарф-харажат қилишдан мавжуд пул маблагининг умумий суммасини инобатга олган ҳолда дастлаб энг мухим ва мухим нарсаларни сотиб олиш зарурлигини ўргатиб боришлири зарур. Оила бюджетининг самарали шакллантирилиши ва ундан оқилона фойдаланиш отаналар томонидан фарзандларнинг моддий кўллаб-куватланиши учун имкон беради.

Бошқарувни ташкил этишда отаналар фарзандлари хатти-харакатларини *назорат* қилиб бориш зиммаларидаги масъулияти юмуш эканлигини унутмасликлари лозим. Фарзандларнинг кун тартибига эга бўлиб, унга катъий риоя қилишлари улар фаолияти устидан ижтимоий назоратни ташкил этишда юкори самарадорликка эришиш имконини беради.

Оилада отанинг устунлигини таъминлаш, унинг оилада алоҳида обрўга эга бўлишига эришиш эса оила аъзолари ўртасидаги шахслараро муносабатларнинг самарали кечишини, фарзандлар тарбиясининг ижтимоий мазмун касб этишига олиб келади. Шу сабабли оналар оилада отанинг мавкеини юкори бўлишини таъминлай олишлари зарур. Шундагина фарзандлар ҳар бир ишни амалга оширишда отадан рухсат ва юзага келган катта-кичик муаммоларни ҳал килишда маслаҳат сўраш, дуо олишга одатланиб борадилар. Отанинг мавқеи юкори бўлган оилаларда фарзандлар одобли, ахлоқли бўлиб вояга кетишади.

8. Оиланинг релаксация вазифаси. Ишлаб чикариш жараёнининг тезлашуви, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлардаги кучли рақобат замонавий шароитда шахсларда турли даражадаги зўришиларни юзага келтиришмоқда. Бу эса ўз-ўзидан оиланинг релаксация имкониятига эга бўлиши зарурлигини такозо этади. Оиланинг релаксация вазифаси оила аъзоларининг жинсий, эмоционал фаолиятини йўлга кўйиш, руҳий-жисмоний қувват ва меҳнат қобилияtlарини қайта тиклаш⁷¹дан иборатdir. Оила ҳар бир шахснинг эмоционал жиҳатдан тўлақонли шаклланиши мумкин бўлган энг қулай маскан саналади. Оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган ижобий муносабатлари, ўзаро бир-бирларини қўллай олишлари уларда руҳий хотиржамлик, ҳиссий баркарорликни юзага келтирса, ота-онанинг фарзандлар саломатлиги тўғрисида қайгуришлари, меҳнат воситасида чиникитириб боришлари уларнинг жисмоний бақувват бўлишлари учун зарур шароитни яратади. Қолаверса, маълум муаммоларга дуч келган фарзандларга сўз воситасида далда бериш, оила аъзоларининг биргаликдаги дам олишлари жараёнида ота-онанинг сув ҳамда мусаффо ҳаво ёрдамида чиникишлари учун шароит яратиш уларни кучли руҳий зўришидан халос этади.

Меҳнат қобилияtinini йўқотган оила аъзоси тўғрисида ота-она ва яқинларининг қайгуришлари, унга далда бера олишлари, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари ҳам унинг саломатлигини, жисмоний-руҳий қувватини қайта тиклаш, меҳнат жараёнига қайтариш учун кенг имконияtlарни яратади. Бу эса ўз навбатида оиланинг реклаксация вазифаси тўла-тўкис бажарилишини тасдиқлайди.

⁷¹ Oila psixologiyasi Akad litsey va kash-hunar kollejlari o'quvchilari uchun o'quv qo'llanma G.B Shoumarov va b. G.B Shoumarovning tahrifi ostida. – Toshkent "Sharq", 2008 – 48-62-betlar

Оилавий муносабатларнинг оила вазифаларининг бажарилишидаги аҳамияти. Оила ҳамда жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар икки томонлама алоқадорлик хусусиятига эга. Ҳар бир оила жамият талабларига мувофиқ фаолият юритади. Жамиятнинг ривожи эса, юкорида айтиб ўтилганидек, оиласарнинг ижтимоий-иктисодий ва маънавий тараққиётига бевосита боғлиқдир. Чунончи, ижтимоий борлиқнинг оиласар зиммасига қўядиган талаблари уларнинг манфаатларига зид бўлмаса, аксинча, оиласар фаровонлиги, тинчлигини таъминлашга ёрдам берса, оиласар томонидан ушбу талабларнинг қўллаб-куватланиши, уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш кўрсаткичи шунча юкори бўлади.

Илмий-педагогик, психологияк, физиологик ҳамда фалсафий асарларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, оила бола учун энг асосий тарбия муҳити бўлиб, бу муҳитда шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган хулк-автор, ирода, характер ва дунёкараш шаклланади. Бола оила тимсолида жамиятнинг ижтимоий-маънавий қиёфасини кўради, жамият талаблари моҳиятини ilk бора шу кичик жамоа орасида, оилавий муносабатларни ташкил этиш жараёнида англайди.

Оилавий муносабатлар – ота-оналар ёки боланинг камолоти учун масъул бўлган шахслар (бува-бувилар) ҳамда фарзандлар ўртасида турли йўналишларда ташкил этилувчи муносабатлардир

Ушбу муносабатлар фарзандларнинг аклий, руҳий камолотини таъминлаб, ота-оналарда ўзига хос фаолликни юзага келтиради. Хусусан, фарзандларнинг бевосита таъсири туфайли уларнинг қизикиш ҳамда фаолияtlари доираси кенгаяди, ўзаро алоқалари мазмунан бойиб боради, реал ҳаёт моҳиятини чуқурроқ англаш, яъни, фарзандлар камолоти, келажаги тимсолида ўз умри давомийлигини куриш ҳолати рўй беради.

Шахснинг маънавий сифатларга эга бўлиши, унда маънавий билимларни эгаллашга нисбатан эҳтиёж ва қизикишнинг пайдо бўлишида оила тарбияси асосий ролни бажаради. Оилада қарор топган соғлом маънавий-руҳий муҳит фарзандларнинг етук, баркамол бўлиб вояга етишлари учун бекиёс аҳамиятга эгадир.

Шарқда азал-азалдан оила тарбиясига юксак баҳо бериб келинган. Собиқ Иттифок даврида эса оиласарнинг шахс тарбиясидаги бекиёс ўрни

ва роли инкор этилган эди. Шахс ижтимоий мухит воситасида тарбияланар эди.

Оилада болаларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбияловчи маскан саналади. Шундай экан, унинг муҳитида ташкил этиладиган муносабатларнинг оила зиммасидаги вазифаларни тұла-түкис адо этилишига зътибор қаратиш мұхимдир. Оила зиммасидаги вазифаларнинг самарали бажарилиши, оилавий муносабатларнинг тұгри ташкил этилишида ота-оналар томонидан танланған муносабат услуги мұхим ақамиятга эга.

Замонавий шароитда оилаларда ота-она ва фарзандлар үртасидаги муносабатни үрганиш натижасида барча оилалар учун қуидаги тұртта услуг хос эканлыгини күриш мүмкін:

- 1) авторитар услуг;
- 2) аномал услуг;
- 3) либерал услуг;
- 4) демократик услуг.

Қуида барча оилалар учун хос бўлған тұртта услуг моҳияти юзасидан сўз юритилади.

1. Оилавий муносабатларнинг *авторитар услугба* асосланиши. Бунда оилада ота-онанинг обрўси ҳал килувчи рол үйнайды. Оилада шахслараро муносабатларда тенг хуқуқлилик эркин хатти-харакат қилиш ташаббускорлик, болаларнинг юриш-туриши, хатти-харакати имкон қадар чеклаб қўйилади. Отa-ona томонидан тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий методи жазолашдан иборат бўлиб қолади. Бунинг натижасида фарзандларда ота-онага яқинлик, меҳр ҳисси аста-секин йўқола бошлайди. Кейинчалик бу туйғу фарзандларнинг ота-онадан узоклашиши, бегоналашишига сабаб бўлади. Оилавий муносабатлар болаларни қониқтирмайди. Бунинг натижасида улар одамовилик, тортиңчоқликни ўзлаштира бошлайдилар. Авторитар услугба асосланган муносабатлар одатда кўрқок ва иродасиз шахсларнинг шаклланишига олиб келади.

2. Оилавий муносабатларнинг *аномал услугба* асосланиши. Бу каби оилаларда оилавий низо ўзаро ажralишларнинг асосий манбай саналади. Оила аъзолари үртасидаги муносабатлар аномал услугба асосланувчи оилалар сирасига асосан ота-она ёки улардан бири ичувчи ёки гиёхванд бўлған оилалар киради. Оиладаги аномал ҳолат

фарзандларнинг осойишта яшashi ва ўкиши учун имкон бермайди. Мазкур оилаларда хукмрон бўлган мухит таъсирида болаларда асабийлик, худбинлик, ота-онани ҳамда оиланинг бошқа аъзоларини хурмат килмаслик, менсимаслик, бўйсунмаслик, келишмовчилик каби салбий сифатлар шаклланади.

3. Оилавий муносабатларнинг *либерал услугга* асосланиши. Фарзанд тарбиясига бу хилдаги муносабатда бўладиган оилаларда ташкаридан караганда муросасизлик, кўнгилчанлик, илиқ психологик иқлим, руҳий барқарорлик хукмрондек кўринади. Аслида эса “либераллик” оиладаги ҳар қандай вазият беандишлик билан ҳал этилади. Бунинг оқибатда болаларнинг иродавий сифатлари заифлашиб, иккисизламачилик, ўзгалар билан муроса қила олмаслик, келишмовчилик каби сифатлари шаклланиб боради.

4. Оилавий муносабатларнинг *демократик услугга* асосланиши. Ота-онанинг фарзандларга нисбатан демократик муносабати унинг оиласида ҳар томонлама шаклланиши, камол топиши учун зарур бўлган шароитни юзага келтиради. Демократик услугга асосланган оилавий муносабатлар, уларни тартибга солувчи қоидалар фарзандлар ҳаёти ва фаолиятини тартибга солувчи механизм хисобланади. Болалар оиласида у ёки бу масалаларни бевосита ўзлари тўғридан-тўғри ҳал қиладилар. Оилавий муносабатларни тартибга солувчи демократик гоялар асосида фарзандларнинг қизиқиш, интилиш, хоҳиш-истаклари ва манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш, уларни муросага келтириш ва келиштириш сиёсати ётади. Ота-онанинг фарзандига бўлган демократик ёндашуви оила аъзоларни бирлаштиради, оила мустаҳкамлигини таъминлайди. Англанганидек, ота-онанинг фарзандга нисбатан демократик ёндашуви оила мухитида ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ёдрам беради.

Ҳар бир оиласида ижтимоий муносабатлар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Оилавий муносабатларнинг ўзига хослиги унинг аъзолари маънавияти, ҳаётий интилишлари, мақсадларида акс этади. Шунингдек, оила аъзоларининг ўзаро таъсири ота-она ва фарзандлар муносабати мазмунини белгилаб беради.

Оилавий муносабатлар мазмунини белгиловчи мухим мезон оила ҳаётини тартибга солувчи ижтимоий-ахлоқий меъёрлар ҳамда оила аъзоларининг ахлоқидир. Шу сабабли аждодлар оилавий

муносабатларнинг ижобий характер касб этишига катта эътибор қаратиб келганлар. Бинобарин, жамиятнинг ривожи бевосита оилаларнинг баркарорлиги, мустаҳкамлиги ҳамда ижтимоий-ахлокий муносабатларнинг согломлигига боғликдир.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг оиласа берган таърифини изоҳланг?
2. Замонавий оила қандай вазифаларни ҳал эта олиши лозим?
3. Оиланинг иктисодий вазифаси нималардан иборат?
4. Оила репродуктив вазифаси нима?
5. Оиланинг рекреатив вазифаси нималардан иборат?
6. Оиланинг коммуникатив вазифаси нима?
7. Оиланинг регулятив вазифаси сирасига нималар киради?
8. Оиланинг фелиоцитологик вазифаси нималардан иборат?
9. Оиланинг релаксация вазифаси деганда нимани тушунасиз?
10. Ҳозирги замон оиласининг қандай функциялари мавжуд?
11. Оилавий муносабатлар қандай муҳим услубларга асосланади?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси оиласи мустаҳкамлаш бўйича Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 қабул қилинган Қарори.
2. Иномова М. Оиласа болаларнинг маънавий-ахлокий тарбияси – Тошкент: ? 1999.
3. Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси. – Тошкент: Фан, 2006.
4. Каримова О. Оила ҳуқуқи асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003.
5. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998.

Амалий топшириқлар:


1. “Қандай?” график органайзери воситасида кичик гурӯхларда замонавий оила томонидан ҳал қилинадиган вазифаларнинг мазмунини акс эттирувчи тасвирни яратинг.
2. Оилавий муносабатлар ҳолатининг замонавий оила олдидаги вазифаларни ҳал қилишга таъсири хусусида баҳс-мунозара ташкил этинг.

3. Замонавий оиласлар учун хос мулокот услублари моҳиятини акс эттирувчи жадвални яратинг.

Амалий топширикларни бажариш

юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Талабалар дастлаб кичик гурухларда ишлаб, замонавий оила томонидан ҳал килинадиган муайян вазифалар билан танишиб чиқадилар. Сўнгра талабалар ҳар бир гурух вакили томонидан билдирилган муроҳазалар асосида жамоа бўлиб “Қандай?” график органайзери воситасида замонавий оила олдидаги вазифаларни ифодаловчи тасвирни яратадилар. Жамоа томонидан яратиладиган тасвир тахминан шундай кўринишга эга бўлиши мумкин:



2. Оилавий муносабатлар ҳолатининг замонавий оила олдидаги вазифаларни ҳал килишга таъсири хусусидаги баҳс-мунозара қўйидаги мавзуда ташкил этилади: “Оилавий муносабатларнинг оила вазифаларини ҳал килишдаги роли”.

3. Замонавий оиласлар учун хос мулокот услублари моҳиятини акс эттирувчи жадвални яратинг.

Т/Р	Мулокот услублари	Уларнинг моҳияти
1.	Авторитар услугуб	
2.	Аномал услугуб	
3.	Либерал услугуб	
4.	Демократик услугуб	

ЗАМОНАВИЙ ОИЛАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Замонавий оиланинг ижтимоий хусусиятлари.
2. Замонавий оилаларнинг психологик ва педагогик хусусиятлари.

Таянч тушунчалар: замонавий оила, хусусият, ижтимоий хусусият, замонавий оилаларга хос ижтимоий хусусиятлар, замонавий оилаларнинг психологик хусусиятлари, замонавий оилаларнинг педагогик хусусиятлари.

Замонавий оилаларнинг ижтимоий хусусиятлари. Ҳозирги вактда замонавий оилалар ўзига хос характер ва ривожланиш анъанасига эга. Уларни англаб етиш, шунингдек, бундай ўзига хосликнинг ота-оналар томонидан ўз фаолиятларида хисобга олиниши оиланинг тарбиявий имкониятларини оширишга ёрдам беради. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хосликларидан бири – бу **шаҳар ва қишлоқ оилаларининг ижтимоий ҳаёт тарзи**даги фарқда намоён бўлади. Масалан: қишлоқларда ҳар бир бола ўзининг бошқалар томонидан каттиқ назорат остида эканлигини ҳис этади. Бу, бир томондан, ҳодиса ижобий бўлса, бошқа томондан, бундай ижтимоий назорат тор манфаатпараматликни келтириб чиқаради. Шаҳар худуди катта бўлганлиги сабабли бу каби амалий назорат бўлмайди. Кўпгина ҳолларда гарчи кўп қаватли бир уйда, ҳатто бир подъездда истиқомат килсаларда кўшнилар бир-бирларининг фарзандларини танимасликлари мумкин.

Ота-она қанчалик юкори маълумотга эга бўлсалар уларнинг болалари таълим муассасасида шунчалик мувафакқиятли ўқишади. Замонавий ота-оналар маълум касб ёки хунар эгалари бўлиб, болаларнинг тарбиясини бутунлай бобо ва бувиларга топшириб кўйишган. Кўп ҳолатларда катта авлод вакиллари ҳамда ёш ота-оналар томонидан болалар тарбиясини ташкил этишда кўлланиладиган методларнинг бир-бирига мос келмаслиги бу жараёнда турли зиддиятларни келтириб чиқаради.

Оилаларнинг бозор иқтисодиёти шароитида моддий жиҳатдан турлича таъминланганлиги ҳам оиласда болаларни тарбиясини

ташкил этиш жараёнига жиддий таъсир кўрсатади. Одатда ҳар бир оиласда болаларнинг турли эҳтиёжлари учун оила даромадининг 25 фоизидан 50 фоизигача ҳажмдаги маблаг сарфланади.

Оиладаги фарзандлар сонини камайтириш, туғилишнинг олдини олиш – замонавий оилаларнинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири. Айни вақтда шаҳар ёки қишлоқда бўлишидан қатъий назар оилаларда бир-икки нафар бола тарбияланмоқда. Туғилишни камайтириш кўплаб сабабларга боғлиқ мураккаб жараён саналади. Бу борадаги асосий сабаблар қўйидагилардир:

- 1) ота-онанинг иш билан бандлиги;
- 2) мактабгача таълим муассасаларининг болаларни ўзида етарлича камраб олмаслиги;
- 3) бола тарбиясида моддий таъминот аҳамиятининг ортиши;
- 4) қулай бўлмаган туарар-жойга эгалик;
- 5) оиланинг хўжалик шароити;
- 6) ота-оналарнинг “Ўзи учун яшаш” каби худбинона қарашларга эгалиги.

Бугунги кунда туғилишни камайтириш масаласини ҳал қилишда яна бир педагогик муаммо кун тартибига қўйилмоқда. Бу кам болали оилаларда болаларни тарбиялашга доир самарали методларни ишлаб чиқиш ва ўрганишdir.

Замонавий оилаларга хос бўлган яна бир ижтимоий хусусият **оилавий ажримлар сонининг сезиларни даражада кўпайганлиги** билан тавсифланади. Айни вақтда оилавий ажримларнинг 90 фоизга яқини оила шаклланишининг дастлабки биринчи йилида ёш эр-хотинларнинг оилавий ҳаётга амалий жиҳатдан тайёр эмасликлари натижасида рўй бермоқда.

Ҳар бир оила ижтимоий тузилма сифатида жамият олдида маълум бир функцияларни бажаради. Оиланинг ижтимоий функциялари ҳакида гапирганда, бир томондан, жамиятнинг оилага таъсири, иккинчидан, оиланинг умумий ижтимоий тузилмадаги ўрни ҳамда зиммасидаги ижтимоий вазифаларни ҳисобга олиш лозим. Замонавий шароитда оила томонидан ҳал этиладиган вазифалар хусусида ўкув қўлланманинг аввалги ўринларида батафсил тўхталиб ўтилган эди. Шу сабабли бу хусусида кайта сўз юритишга ҳожат йўқ.

Замонавий оилаларнинг ўзига хос асосий жиҳатлари хусусида сўз юритилганда муҳим тавсифларни ягона гурухда жамлашнинг асло иложи йўқ. Бунинг сабаби оила ва оилавий муносабатлар мавзусида яратилган адабиётларда оиласа хос асосий жиҳатлар борасида турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан: аксарият манбаларда уй хўжалигини юритиш, наслни давом эттириш, фарзандларни тарбиялаш ҳамда оила аъзоларининг ўзаро ёрдами кабилар ҳозирги замон оиласининг муҳим жиҳатлари сифатида кўрсатиб ўтилган бўлса, У.М.Свердлов, В.А.Ресенсов, В.П.Ключников ва бошқалар социолог олимлар эса наслни давом эттириш, болаларни тарбиялаш ва уй хўжалигини юритиш оиласа хос асосий жиҳатлар эканлигига ургу бериб ўтади.

Агарда С.Д.Лаптенок эса уй хўжалигини юритиш (майший юмушларни ташкил этиш), аҳоли сонини қайта тиклаш, фарзандларни тарбиялаш, шунингдек, кўнгилли дам олиш (хордиқ чиқариш)ни ташкил этиш замонавий оилаларга хос бўлган муҳим жиҳатлар эканлигига алоҳида ургу бериб ўтган бўлса, Н.Т.Юркевичнинг илмий изланишларида замонавий оилаларга хос бўлган муҳим жиҳатлар сифатида оила аъзолари ўртасидаги маънавий мулокот, сексуал фаолият, болаларни дунёга келтириш, тарбия жараёнидаги ҳамкорлик, уй хўжалигини самарали юритиш учун зарур шарт-шароитни яратиш, оила аъзоларининг кўнгилли дам олишларини ташкил этиш, уларнинг бир-бирларини ўзаро моддий ва маънавий нуқтаи назарда қўллаб кувватлашлари каби ҳолатларни эътироф этиб ўтади.

Замонавий оилаларга хос бўлган муҳим жиҳатлар юзасидан фикр юритар экан, А.Г.Харчев қуйидаги ҳолатларни ўзаро фарқлади: аҳоли сонини қайта тиклаш, ижтимоийлашув, уй хўжалигини юритиш, моддий неъматларни истеъмол килиш ҳамда оила аъзоларининг кўнгилли дам олишларини ташкил килиш.

Юкоридаги фикрлардан англанадики, бир гурух оилашунос мутахассислар оиланинг асосий жиҳатлари хусусида турлича ёндашувларни баён этадилар. Уларнинг эътироф этишларича, оиласа хос муҳим жиҳатларни шунчаки санаб ўтиш эмас, балки уларни, бир томондан, кишиларнинг моддий, хўжалик-майший, иккинчи томондан, эмоционал, ижтимоий-психологик эҳтиёжларини кондиришдаги имкониятларини фарқлаш муҳим саналади.

Замонавий оиласларнинг психологик ва педагогик хусусиятлари. Ёш ота-она никоҳдан ўтмасдан аввал оиласлар ҳаётни ташкил этиш ҳамда фарзандлар тарбиясини йўлга кўйишга психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари зарур. Никоҳдан кейин эса бу борадаги масъулиятни янада теран ҳис этган ҳолда ўз устиларида изланишлари, фарзанд тарбиясини тўғри ташкил этиш борасидаги маълумотларни ўзлаштиришга эътибор қаратишлари максадга мувофиқдир. Бироқ, айни ўринда шуну ҳам айтиб ўтиш жоизки, оиласлар ҳаётга қадам кўяётган ёшларнинг барчаси ҳам бу борада етарлича **педагогик билимларга** эга эмас. Бу эса ота-оналарни керакли ўқув адабиётлари билан таъминлаш, мазкур адабиётларни ўқиб-ўрганишни улар орасида кенг ташвик этишни талаб этади.

Замонавий шароитда оммавий ахборот воситалари (ОАВ), айникса, Интернет тармоғи орқали ахборотлар таркатилишининг қулилиги, улар ҳажмининг кўплиги каби сабаблар туфайли ота-оналар оиласлар муносабатлар ҳамда оиласда болалар тарбиясини самарали ташкил этишга оид **маҳсус адабиётларни ўқишига етарлича эътибор қаратишмаяпти**. Жамиятнинг асосий мақсади ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдир. Бунга эса китобга меҳр кўйган она-оналар сонини кўпайтириш орқали эришилади. Зоро, ҳеч бир восита, шу жумладан, ОАВ ота-оналарнинг педагогик билимларини оширишда китоб (маҳсус адабиёт) ўрнини боса олмайди. Қолаверса, китобхон ота-оналарнинг шахсий намунаси оила мухитида болаларнинг китоб ўқишига, китобга бўлган қизикишини оширади. Китоб ўқиши эса қатор афзалликларга эга. Хусусан: 1) болалар ҳаёт ва унинг мазмунини эрта англайдилар; 2) турли ҳаётий вазиятларда окилона, тўғри йўл тутишни ўрганадилар; 3) уларда фикрлаш қобилияти ривожланади; 4) жамият томонидан тан олинган ахлоқий меъёрлардан хабардор бўлиб, уларнинг ижтимоий аҳамиятини тўғри баҳолашни ўрганишади; 5) асар қаҳрамонлари мисолида ҳақиқат ва ҳаксизлик, эркинлик ва эрксизлик, эзгулик ва ёвузлик, яхши ва ёмон, оқ ва коранинг моҳиятини англаш имкониятига эга бўлган ҳолда ўзларида муайян ахлоқий сифатларнинг шаклланишига эришадилар.

Замонавий таракқиётнинг тезкорлиги, шунингдек, “оммавий маданият” номи остида тарғиб этилаётган ғояларнинг турли минтақалар ҳудудига кенг ёйилаётганлиги туфайли бугунги кунда оила тарбиясини

ташкыл этишда аввалгидек юкори самарадорлик құзға ташланмаяпти. Шу сабабли оилашунос олимлар оила тарбияси самарадорлигини ошириш борасидаги тавсияларни ишлаб чиқиши ва уларни амалиёттә татбик этишга жиддий зытибор каратмокдалар. Қуйида ана шундай тавсиялар хусусида сүз юритилади.

1. Оиладаги тарбия жараёнининг қоникарсизлиги сабаблари ва уларни бартараф этиш. Болаларнинг оила мұхитида қоникарсиз тарбияланаётгандығынинг асосий сабаблари орасида қуйидагиларни алоҳида ажратып күрсатып мүмкін:

1. Оила иқтисодий ривожланишиң даражасининг пастлиги. Бугунғи кунда ота-оналар гарчи иш билан таъминланған ва барқарор ойлик маошларини олиб тұрсалар-да, бироқ, оила аъзолари әхтиёллари (Масалан: оиланың ҳар бир аъзосини мобил телефон (улар учун ой сайн хизмат тұлови зарур), Ноутбук, Нетбук билан таъминлаш, шунингдегі Интернет хизматидан фойдаланиш борасидаги әхтиёллар)нинг кун сайн ортиб бориши туфайли оила бюджетини шакллантириш ва ундан оқилона фойдаланишда муайян қийинчиликтер юзага келмокда. Бу эса үз-үзидан ота-оналарни асосий ишидан ташқари құшимча даромад топишга имкон берувчи меңнат билан узлуксиз шуғуланишларини такозо этади. Асосий вактларини меңнатға сарфланаётган ота-оналар тирикчilik воситалари (иш ҳақи, озиқ-овқат маҳсулотлари, хом ашё ва б.к.)ни ишлаб топиш учун сарфланмоқда.

2. Тұрмуш тарзини йұлға құйишига нисбатан онғли ёндаша олмасыл: Аксарият ота-оналарда зұрма-зұраки ҳокимиятга интилиш, ижтимоий тәнглил, әртанғи кунға нисбатан ишончсызлик, ишидан айрилиб қолишдан құрқиши холатлари кузатылады, бу уларнинг ҳаддан ташқари жисмоний ва рухий зұришиларига сабаб бұлади, бунинг натижасыда турли касаллуктарға чалиниш холатлари кузатылмоқда.

3. Замонавий оиласыда аёлларнинг зымасыға керагидан ортиқ масъусулықтандығындағы қоюланаётгандығы. Бугунғи кун аёлининг зымасыға ҳам иш жойида, ҳам уйда уларнинг имкониятларидан ортиқ мажбуриятлар қоюлатылғанда. Олиб борилған тадқиқотлар натижаларининг құрсатышича, бугунғи кунда шаҳарлық аёллар ҳафтасыға 77 соат меңнат килишса, шундан 36 соатини үй юмушларини бажаришга сарфлайды.

4. Оиласвий ажримлар сонининг юқоригиги. Бу ҳолат кўплаб ижтимоий-маший ҳамда маънавий-ахлокий сабаблар туфайли келиб чиқмоқда. Барча давларда ҳам оиласвий ажримлар болалар учун кучли руҳий зарба бўлиб, бу уларнинг ахлоқи ҳамда руҳиятига кескин салбий таъсир кўрсатади.

5. Ота ва онанинг болалар тарбиясини ташкил этишда бирдек масъулиятли эмасликлари. Аксарият оилаларда эркак киши – оила бошлиги асосан оиласнинг иқтисодиёти ва молиявий масалаларини ҳал этиши лозим, болалар тарбияси эса тўла-тўқис онанинг зиммасида, деган тушунча шаклланган. Бугунги кунда айрим оталарда ҳатто “болаларни боқиш оиласнинг эмас, балки онанинг мажбурияти” қабилидаги тушунча шаклланмоқда. Бу каби нотуғри қарашнинг юзага келишига кўп ҳолатларда аёлларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлишмоқда. Улар эркакларни амалий ҳаракатга рағбатлантириш ўрнига “Сиз ишлаб топмасангиз, мен ўзим маблағ топаман” дейишга ўтишган.

6. Авлодлар орасидаги зиддиятларнинг кучайиб бораётганлиги. Сўнгги пайтларда оилаларда у ёки бу арзимас сабабларга кўра турли можаролар юзага келмоқда. Асосий зиддиятлар қайнона-келин ўртасида келиб чиқаётганлиги ўзбек халқига хос асрий анъаналар уннутилаётганлигидан далолатdir. Зеро, асрлар давомида буви ва қайноналар келинни ўз оилаларига қиз сифатида қабул қилиб, унга уй-рўзгор юритишни, атрофдагилар билан муомала килишни ўргатишган бўлишса, бугунги кунда ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган келиндан ҳам қайнота-қайнонага хизмат килиш, уй-рўзгор ишларини бекаму кўст бажариш, қолаверса, агар у таълим олаётган бўлса, ўкишини давом эттириш ёки ишлаш (пул маблағини ишлаб топиш) талаб этилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан ёш келинда жисмоний ва руҳий зўрикишни юзага келтирмоқда. Оиласвий можароларнинг тобора авж олаётганлиги баъзан ўлим ҳолатларини ҳам келтириб чиқармоқда.

7. Оила билан таълим муассасаси тарбиясидаги ҳамкорликнинг узлуксиз бўлишига эришига олмаётганлиги. Айни вақтда Ўзбекистонда таълим муассасаси, маҳалла ва оила ўртасида мустаҳкам ҳамкорликни карор топтирилишини таъминлоашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Таълим муассасаси, маҳалла ва оила ҳамкорлиги Концепцияси ушбу эътиборнинг ёрқин мисоли саналади. Концепция гоялари таълим муассасаси, маҳалла ва оила ўртасидаги ҳамкорлик асосида ёшлар

тарбиясини самарали ташкил этилишини ифодалайди. Мазкур ғоялар канчалик эзгу бўлмасин, бироқ, уларга амал килишда таълим муассасалари ва оиласарнинг ташаббускорлиги етарлича бўлмаяпти. Бу эса ўз-ўзидан оиласарда ташкил этилаётган болалар тарбиясининг кутилган даражада коникарли бўлмаслигига олиб келмоқда.

Таълим муассасаси, маҳалла ва оила ҳамкорлиги Концепцияси ғоясига кўра ижтимоий педагоглар оиласавий масалаларни ҳал қилиш, оила хаётига доир турли муаммоларни бартараф этишда ота-оналарга амалий ёрдам кўрсата олишлари зарур. Ижтимоий педагог томонидан ўз фаолиятининг режали амалга оширилиши кутилган натижаларни кафолатлади. Ҳаётий тажрибалар *ижтимоий педагог фаолиятининг қўйидаги режса асосида ташкил этилиши* мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда:

- оиласадаги муносабатларни инсонийлаштириш (буғунги кунда ота-онанинг фарзандларга нисбатан авторитар муносабати, уларнинг олдига кўяётган талаблари ўзини окламайди; аксинча, самимийлик, яхшилик, кўрсатиладиган аниқ амалий ёрдам, ота-онанинг оила муаммоларига қизиқишлари, ота ва онанинг ўзаро ҳамжихат, ҳамфир эканликлари, оила ҳаётига оид турли масалаларни биргаликда, ўзаро маслаҳатлашган ҳолда ҳал қилиш фарзандлар келажагининг порлок бўлишини таъминлади);
- маҳалла ва оила имкониятларини бирлаштирган ҳолда турли оиласарга тегишли муаммоларни самарали ҳал қилиш;
- оила масалалари билан шуғулланувчи турли илмий марказлар, нодавлат ташкилотлар, гуманитар ёрдам жамғармалар фаолиятларини ўзаро ўйғунлаштириш, ҳамкорликда оила шароитида болаларни самарали тарбиялашга доир махсус дастурларни ишлаб чиқиши.

Ҳар кандай жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиши шахслараро муносабатлар кўлами ва мазмунига жиддий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатларининг қарор топиши шахслараро муносабатлар доирасининг янада кенгайиши ва бир қадар мураккаблашувига олиб келди.

Маълумки, бозор иқтисодиётида аҳборотлар, уларнинг алмашиниши ва тезлиги устувор аҳамиятга эга. Аҳборотлар алмашинуви турли маданиятлар, шунингдек, Ғарб ва Шарқ ахлоқий карашларининг ўзаро

уйғунлашишини таъминлайди. Бу ижобий ҳол бўлиб, жамиятнинг, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва янада такомиллашувига хизмат килади. Бироқ, сўнгги йилларда Фарб ва Шарқ маданияти ҳамда ахлоқий қарашларининг ўзаро уйғунлиги илғор хусусият касб этиши билан бирга миллий қадриятларнинг муайян даражада инкор этилишига сабаб бўлмоқда. Бошқада айтганда, “Фарбдан намуна олиш” анъанаси юзага келмоқда. Шу сабабли миллатнинг миллийлигини ифодаловчи миллий маданиятни саклаб қолиш, миллий ахлоқий қарашларнинг авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтишини таъминлаш оиласинг ўзига хос ўрни мавжудлиги долзарб аҳамият касб этади.

Оила шахсни миллий қадриятлар асосида тарбиялашда етакчи тарбия маскани ҳисобланади. Зеро, катта ёшли оила аъзоларининг миллий ахлоқий қарашлари ва ёндашувлари мисолида фарзанд атрофдагилар билан муносабатда миллий ахлоқ мезонлари (ота-она ёки кексаларни қадрлаш, каттага хурмат, кичикка иззат, тонгда туриб, эзгу ниятлар килиш, шахсий манфаат ва қизиқишиларининг оила шаъни ва обрусига зиён етказмаслиги, меҳмондўстлик, қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаш, кўни-кўшнилар билан яхши муносабатда бўлиш, ўзгалардан ёрдамни аямаслик, имконияти чекланган шахсларга нисбатан раҳм-шафқат ва мурувват кўрсатиш ва б.к.)га риоя килиш кўниқмаларини ўзлаштириб борадилар. “Илмий-педагогик, психологик, физиологик ҳамда фалсафий асарларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, оила бола учун энг асосий тарбия мухити бўлиб, бу мухитда шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган хулк-атвор, ирова, характер ва дунёқараш шакланади. Бола оила тимсолида жамиятнинг ижтимоий-мъявивий қиёфасини кўради, жамият талаблари моҳиятини илк бора шу кичик жамоа орасида, оиласий муносабатларни ташкил этиш жараёнида англайди”⁷².

Оила ижтимоий мақомининг юқори бўлиши, оиласий муносабатларнинг миллий хусусият касб этишида унинг демографик ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Яъни:

1) кўп болали ўзбек оиласида патриархал тартибининг сакланиб колаётгандилиги оиласий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлайди ҳамда оила тарбияси самарадорлигини таъминловчи омил ва

⁷² Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. I-кисм / Олий таълим муассасалари учун дарслек. М.Х.Тұхтаходжасаининг умумий таҳрири остида. М.Х.Тұхтаходжасаева ва б. – Тошкент. “Iqtisod-moliyä”, 2007. – 285-бет.

кўникмаларнинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди. Бундай оилаларда жамоавийлик катта куч бўлиб, юзага келувчи хар бир муаммо биргаликда ҳал қилинади;

2) кам болали ўзбек оилаларида индивидуаллик, “мен”лик устувор ўрин тутади. Ота-она ёки катта ёшдаги оила аъзолари бола (бир нафар) ёки болалар (икки нафар)нинг хоҳиш-истакларини доимий равиша инобатга оладилар. Уларнинг шахсий манфаатлари оиланинг умумий манфаатларидан устун туради, истеъмолчилик кайфияти юкори.

Замонавий оилаларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири – бу хукукий мазмундаги оилавий муносабатларнинг тартибга солиниши саналади. Оиланинг хукукий хусусиятлари ўкув қўлланманинг “Оиланинг хукукий асослари. Ота-оналар ва фарзандларнинг хукук ва бурч (мажбурият)лари” мавзусида батафсил ёритилганлиги боис шу ўринда ушбу масалага қайта тўхталиб ўтишга ҳожат йўқ. Талабалар мазкур ҳолатда аввал ўзлаштирган билимларини ёдга оладилар.

Шундай қилиб, оилаларда оила аъзолари сонининг қискариши, авлодларнинг узоклашуви оила тарбиясига нисбатан янгича ёндашувни қарор топтиришини тақозо этмоқда. Ана шундай ёндашувлардан бири – бу оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Ижтимоий педагоглар томонидан оилага тарбиявий ёрдам кўрсатишда унинг кариндошликка асосланиб, оила аъзоларини бирга яшашларини таъминловчи кичик ижтимоий гуруҳ ёки оила аъзоларининг кундалик ҳаёт кечиришларини таъминловчи ижтимоий институт сифатидаги ролини кучайтиришга эътибор қаратиш зарур.

Назорат саволлари:

1. Замонавий оилаларнинг ўзига хос хусусиятлари нимларда акс этади?
2. Шаҳар ва қишлоқ оилаларининг ижтимоий ҳаёт тарзида қандай фарқларни кўриш мумкин?
3. Оиланинг ижтимоий функциялари нималардан иборат?
4. Замонавий оилаларда ташкил этиладиган тарбия жараёнининг қоникарсиз бўлаётганлигининг асосий сабаблари нималар билан изоҳланади?
5. Сизнингча, замонавий оилаларда ташкил этилаётган тарбия жараёнида намоён бўлаётган салбий ҳолатларни бартараф этишининг самарали йўллари қайслар?

5. Замонавий оилалар ривожининг психологик ўзга хослиги қандай ҳолатлар билан тавсифланади?
6. Бугунги кун оилалари ривожига хос педагогик хусусиятлар нималардан иборат?
7. Оилавий муносабатларнинг миллий хусусият касб этишида оиланинг демографик ҳолати қандай аҳамиятга эга?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси оилани мустаҳкамлаш бўйича Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 кабул қилинган Қарори.
2. Иномова М. Оиласда болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999.
3. Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2006.
4. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси.– Тошкент: Ўқитувчи, 1998.

Амалий топшириклар:

1. Қуйидаги матнлар билан танишиб чиқинг ва уларда оиласда хос қандай хусусиятлар акс этганигини аниқланг.

А. Оилавий китобхонлик шахснинг маданий савиясини оширишда йўлга қўйиш мумкин ва лозим бўлган фаолият туридир. Бунинг учун ота-она ёки оиласдаги ёши ва таъсири улуг киши ташаббус кўрсатиб, оила аъзоларининг умумий қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда бирор китобни танлаб кечки овқатдан сўнг кироат билан ўқиб бериши керак бўлади. Оилавий китобхонлик ҳар куни ёхуд хафтанинг маълум кунлари қатъий тартибда йўлга қўйилса, болаларда бадиий китобга қизиқиш ўз вақтида ва қатъий тарзда шаклланади.

В. Ота-бобларимиз фарзандларга ҳамиша бир-бирлари билан инок, тутув, ҳамдард, ҳамфир бўлиб яшаш инсон ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб келганлар... Оиласда тинчлик-

тотувлик, ҳаловат кўп жиҳатдан ака-укаларнинг аҳилликларига боғлиқ. Одатда оғалар ўз иниларига якин дўст, маслаҳатчи бўладилар, укалар ўз йўлини топиб олгунча, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериб турадилар. Ўзбек одатларига кўра, катта ўғиллар ўз кийим-кечакларини, асбоб-анжомларини, қалам-довот, китоб-дафтар ва б. буюмларини авайлаб тутадилар. Чунки бу буюмлар ўзларидан кейин укаларга ўтади.

С. Оиласий анъаналар – оиласининг табиий ва ижтимоий эҳтиёжлари асосида вужудга келган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган, оила аъзолари маънавий шаклланишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-маданий ҳодиса. Оиласий анъана ... оила аъзолари эътироф этган тартиб ва қоидалар мажмуаси ҳисобланади. Оила ичидаги яхши муносабатлар шахснинг ҳар томонлама шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Оиласий анъаналар бу муносабатларни янада мустаҳкамлайди ва болаларга уларнинг таъсирини кучайтиради. Улар маданият ва маънавий ҳаётни ривожлантиришда, авлодлар ворислигини таъминлашда, жамият ва шахснинг баркамол ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

2. Кичик гурухларда “Балиқ скелети” график органайзери ёрдамида замонавий оиласарга хос бўлган хусусиятларни аникланг.

Амалий топшириқларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Талабалар матнлар билан танишиш жараённада замонавий оиласар одатда ижтимоий, педагогик, психологик ва ҳуқукий хусусиятларни акс эттиришини ёдда тутишлари керак. Тавсия этилган матнлар ўз моҳиятига кўра ижтимоий, педагогик ва психологик хусусиятларни намоён этади. Уларни аниклаш эса талабаларнинг зиммасига юклатилиади.

2. Талабаларнинг кичик гурухларда ишлаш асосида замонавий оиласарга хос бўлган хусусиятларни аниклаштирас эканлар, “Балиқ скелети” график органайзеридан фойдаланишлари мақсадга мувофиқидир. Зоро, ушбу график органайзер ҳам бошка график органайзерлар каби таҳлил этилаётган ҳолат моҳиятини яққол акс эттиришга хизмат килади. Топшириқни бажаришда талабаларнинг

эътиборларига график организернинг куйидаги намунаси тақдим этилади:



II БОБ. ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИННИГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ОИЛА ТАРБИЯСИННИГ МАЗМУН-МОХИЯТИ

1. Оилада ташкил этиладиган маънавий-ахлоқий тарбия.
2. Оилада ақлий тарбияни ташкил этиш.
3. Оилада болаларни меҳнатсеварлик ва эстетик руҳда тарбиялаш.
4. Оилада жисмоний ва жинсий тарбияни ташкил этиш.
5. Оилада экологик ва хуқуқий тарбияни йўлга қўйиш.
6. Оиланинг болаларни иқтисодий муносабатларга тайёрлашдаги ўрни.

Таянч тушунчалар: тизим, оилавий мухит, маънавий-ахлоқий тарбия, оилада болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, оилада болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, оилада ташкил этиладиган эстетик тарбия, оилада жисмоний тарбияни ташкил этиш, оила шароитида болаларни иқтисодий муносабатларга тайёрлаш.

Оилада ташкил этиладиган маънавий-ахлоқий тарбия. Ахлоқ барча инсоний муносабатларнинг асоси бўлганлиги сабабли ижтимоий тарбияни негизида болаларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Педагогик манбалардан бирида оилада “ижтимоий-ахлоқий меъёrlар мазмунидан хабардор этиш, уларга ахлоқий меъёrlарнинг ижтимоий аҳамиятини тушунириш, уларда ижтимоий-ахлоқий меъёrlар (талаб ва таъқиқлар)га нисбатан ҳурмат ҳиссини қарор топтириш асосида ахлоқий онг ва маданиятни шакллантириш мақсади кўзланади”⁷³. Юқоридаги фикрга таянган ҳолда шуни алоҳида таъқидлаб ўтиш жоизки, оилада ёки таълим муассасаларида бўлишидан катъий назар маънавий-ахлоқий тарбия кўйидаги йўналишларда ташкил этилади:

Ота-оналар оила шароитида маънавий-ахлоқий тарбияни ўютиришда болаларнинг энг олий ахлоқий сифатлар – ота-онани ҳурмат қилиш, оиланинг катта ёшли аъзоларга ғамхўрлик кўрсатиш, атрофдагиларга меҳр-муҳаббатли бўлиш, катталарни иззат қилиш, тўгрисузлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, инсонпарварлик, ор-номус,

⁷³ Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. Мет қўлл У Иноятов, Н А Муслимов, М Усмонбоева. Д Иноғомова – Тошкент Низомий номидаги ТДДИУ 2012 – 98-бет

гуур, виждон, сахийлик, ҳар қандай жараёнда ҳам адолатли бўлиш, интизомлилик, ижтимоий фаоллик, чин фукаролик, оиласпарварлик ва бошкаларни шакллантиришга алоҳида эътибор каратишлари лозим.

- 1) болалар онгида одоб, ахлоқ ва ахлоқий сифатлар каби тушунчаларни шакллантириш;
- 2) мавжуд назарий тушунчалар асосида болаларда муайян маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш;
- 3) болаларда ижтимоий ва табиий борлиққа нисбатан ижобий ахлоқий муносабатни шакллантириш.

“Шахсда мазкур сифатларнинг қарор топишида оиласдаги соғлом мухит, оила аъзоларининг психологик жиҳатдан ўзаро яқинликлари, эҳтиёж, қизиқиш ва ҳаётий ёндашувиларидағи умумийлик, бир-бирларини ҳар қандай вазиятда қўллаб-қувватлай олишлари, ота-оналар томонидан барча фарзандларига нисбатан қўйилаётган талаблар, шунингдек, уларга қўрсатилаётган эътиборнинг бир хил бўлиши оила тарбиясида ижобий натижаларга эришишнинг омиллари саналади. Оиласда муайян анъананинг қарор топғанлиги, унга оила аъзолари томонидан билдирилаётган ҳурмат, шунингдек, кекса авлод вакилларининг шахси, уларнинг ижобий сифатлари, меҳнатда эришган (гарчи у оддий бўлса ҳам) ютуқлари, атрофдагилар билан муносабати борасидаги сұхбат ёки хотираларнинг ташкил этилиши болаларда ҳаётий эътиқоднинг шаклланишини таъминлайди”⁷⁴.

Маънавий-ахлоқий тарбия негизида ватанпарварлик тарбияси, уни ташкил этиш ҳам мухим ўрин тутади. Мустақиллик йилларида оиласларда маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараённада болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам жиддий эътибор каратиш мақсадга мувофиқидир. Зеро, мамлакат мустақиллiği ва юрт озодлиги ватанпарвар шахсларнинг саъи-харакатлари эвазига таъминланади. Ватан мустақиллигига эришиш қанчалик қўйин бўлса, уни ҳимоя килиш, мустақилликни сақлаб қолиш ҳам шунчалик мураккаб жараёндир. Шу сабабли оиласлар ҳам таълим муассасалари каби мамлакат мустақиллигини ҳимоялашга тайёр бўлган ватанпарвар шахсларни тарбиялаб вояга етказишга ўз ҳиссасини кўша олиши керак. Оиласда

⁷⁴ Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. 1-кисм / Олий таълим муассасалари учун дарслеки М.Х.Тўхтаходжасеванинг ўзумий таҳтири остида М.Х.Тўхтаходжасев ва б. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 302-бет.

ватанпарварлик тарбиясини ташкил этар эканлар, ота-оналар, энг аввало, ўз фарзандлари онтига ватанпарварлик ва ватанпарвар шахс тушунчаларини сингдири олишлари лозим бўлади.

Ватанпарварлик – шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғурурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши, унинг порлок истиқболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат.

Ватанпарвар – бу ўз Ватанини, она юртини, халқини чексиз севадиган, ватан манфаатлари учун курашадиган, бу йўлда фидоийлик кўрсатадиган шахс⁷⁵.

Шу билан бирга ота-оналар ўз фарзандлари билан биргаликда ватанпарварлик мавзусидаги кинофильм, театр спектаклларини томоша килиш, оила даврасида биргаликда ватанпарварлик ғояларини ёритувчи китобларни мутолаа килиш, шунингдек, хизмат вазифасини бажариш, ватан мудофаасини ташкил этиш чоғида юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатган шахсларнинг ҳаёти, иборатли фаолиятига оид ҳикояларни баён килишга алоҳида эътибор каратишлари зарур. Қолаверса, болалар хонаси деворига асл ватанпарвар бўлган шахснинг портретини осиб қўйиш ҳам болаларга ижобий таъсир кўрсатиб, уларни мазкур шахсдан намуна олишга руҳлантиради.

Оиласий сұхбатлар фарзандларга ватанпарвар шахсга хос бўлган куйидаги сифатлар хусусидаги куйидаги маълумотларни бера олиши зарур: Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, унга садоқат; ўзи мансуб бўлган миллат ўтмиши, урф-одатлари, анъаналари, қадриятларига содиклик; Ватан ва миллат тарихидан ғурурланиш; юртнинг моддий, шунингдек, миллат томонидан яратилган маънавий бойликларини асраш, уларни қўпайтириш борасида ғамхўрлик қилиш; Ватан равнақи ва миллат тараққиёти йўлида меҳнат фаолиятини ташкил этиш; юрт озодлиги ва миллат эркига қилинаётган ҳар қандай таҳдидга қарши курашиш; Ватан ва миллат обруси, шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиш; юрт равнақи ва миллат тараққиётига ишониш.

Ота-оналар оиласиаги сұхбатлар жараёнида одоб, ахлоқ, ахлоқий меъёр, ахлоқий онг, ахлоқий муносабат ва ахлоқий эътиқод нима эканлигини болаларга тушунтириб боришлари лозим.

⁷⁵ (Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Метқўлл. УИ Иноятов, НА.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иногомова. – Тошкент: Низомийномидаги ТДПУ, 2012. – 100-бет)

Одоб (араб. “адаб” сўзи. кўплиги) – жамиятда эътироф этилган хулк нормаси. Шахс маънавий ҳаётининг ташки жихатини ифодалайди ва ўзгалар билан муносабат (оила, меҳнат жамоаси, турли маросимлар)да намоён бўлади. Одоб кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар билан кай йўсинда мумомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, инсон ташки киёфаси қандай бўлиши лозимлигига тегишли қоидалар (Масалан: шарм-хаё, камтарлик, хушмуомалалик, озодалик сингарилар)ни ўз ичига олади. Инсоннинг диний эътиқоди унинг одобли бўлиб камол топишига самарали таъсир кўрсатади. Одоб таълим-тарбия, амалий тажриба жараёнида шаклланади⁷⁶.

Ахлок (лот. “моралис” – хулк-атвор) ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, ижтимоий муносабатлар ва шахс хатти-харакатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган, риоя қилиниши зарур бўлған тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулокот, хулк-атвор қоидалари, мезонларининг мажмуи саналади⁷⁷.

Ахлоқий меъёр – жамият томонидан тан олиниб, унинг аъзолари томонидан бажарилиши мажбурий-ихтиёрий бўлган, уларнинг хулк-атвори, мумомаласи, юриш-туриши, ижтимоий борлик ва табиатга муносабатини тартибга солиб турадиган қоидалар⁷⁸.

Ахлоқий онг – ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлған хулк-атвор қоидалари, мезонлари, миллий истиклол ғоясининг ўкувчилар онгидаги акс этиши⁷⁹.

Ахлоқий муносабат – жамият томонидан эътироф этилган ижтимоий меъёрлар, эзгу ғояларга таянган ҳолда шахснинг ўзига, атроф-муҳитга, табиий борликка бўлған ижобий ёндашуви⁸⁰

Ахлоқий эътиқод – жамият томонидан эътироф этилган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулокот, хулк-атвор, одоб қоидалари, ахлоқий меъёр ва тамойилларнинг эзгуликка хизмат қилишига бўлған ишонч;

⁷⁶ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Мирий – Пархиш / 6-том. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий наукияти, 2003. – 461-бет.

⁷⁷ (Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет.кўлл. У.И Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иногомова. – Тошкент: Низомийномидаги ТДПУ, 2012. – 99-бет).

⁷⁸ (Педагогика Кискача изоҳли лутат / Ў.Аскарова ва б. – Тошкент: “Navro’z” nashriyoti, 2014. – 30-бет).

⁷⁹ (Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет.кўлл. У.И Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иногомова. – Тошкент: Низомийномидаги ТДПУ, 2012. – 99-бет).

⁸⁰ (Педагогика Кискача изоҳли лутат / Ў.Аскарова ва б. – Тошкент: “Navro’z” nashriyoti, 2014. – 30-бет).

маънавий-аҳлоқий асосга эга бўлган эзгу ғояларга шубҳасиз ишониш.
Аҳлоқий эътиқод “иймон” тушунчаси билан ҳам ифодаланади⁸¹.

Оилада ақлий тарбияни ташкил этиш. Оиланинг тарбиявий вазифалари сирасида ота-оналарнинг фарзандлар ўртасида ақлий тарбияни ташкил этиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Отa-оналар оила мухитида ақлий тарбияни самарали ташкил этишга эътибор қаратар экан, асосий мақсад болаларни “илм-фан, техника ва технология соҳасида эришилаётган ютуклар, янгилик ва кашфиётлардан хабардор қилиш, ижтимоий ва табиий фанлар бўйича билимларни бериш орқали уларда тафаккур, дунёкарашни ривожлантириш”⁸²дан иборат эканлигини назарда тутишлари лозим. Шунингдек, оила мухитида ташкил этиладиган ақлий тарбия жараённада ота-оналар қўйидаги вазифаларни самарали ҳал этишга эриша олишлари муҳимдир:

1. Турли илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ҳамда журналлар ёрдамида, шунингдек, Интернет ахборот тармоғи воситасида болаларни илмий маълумотлар билан таништириб бориш.

2. Болаларни илм-фан, техника ва технология соҳаларига оид қизиқарли маълумотлар билан таништириш орқали уларда илмий билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли муносабатни карор топтириш.

3. Оила шароитида уй-рўзгор ишларини бажариш, айниқса, электр асбоблари билан ишлаш, турли жиҳозларни тайёрлаш, техника (Масалан: машина, мотоцикл, велосипед, мопед, телефон, мобил телефон ва б.к.) ҳамда маший техника буюмлари (музлаткич, микро тўлқинли печ, газ, телевизор, радио, магнитафон, совуткич ва ҳ.к.), уй-рўзгор жиҳозлари (шкаф, шифонъер, жавон, стол, стул, кроват, диван, кресло ва б.к.)ни таъмирлашда болалар томонидан ўзлаштирилган назарий илмий билимларни амалда қўллай олиш кўнинмаларини шакллантириш.

4. Илм-фан ва техника соҳаларида юксак натижаларга эришган ёки техника, маший техника ҳамда уй-рўзгор жиҳозларини ясаш, таъмирлаш бўйича алоҳида маҳоратга эга шахслар фаoliyati намунасида болаларда ўзларининг илмий билимларини доимий равишида бойитиб бориш истагини юзага келтириш.

⁸¹ (Педагогика. Кискача изоҳли лугат / Ў.Аскарова ва б. – Тошкент: “Navro’z” nashriyoti, 2014. – 30-бет)

⁸² Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет.қўлл. У.И Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иногомова – Тошкент Низомийномидаги ТДЛУ. 2012 – 102-бет

5. Оила мұхитида болаларда илмий билимларни самаради, пухта үзлаштиришга ёрдам берадиган “психологик қобиляттар (нұтқ, діккәт, хотира, тафаккур, ижодий ҳаёл) ва хусусиятлар (аниқ мақсадға интилиш, кизиқувчанлик, кузатувчанлик, мустақил фикрлаш, ижодий тафаккур юритиш, үз фикрини асослаш, мавжуд маълумотларни умумлаштириш, гурухлаштириш, мантикий холосалар чиқариш ва х.к.)ни ривожлантириш”⁸³га эришиш.

6. Фарзандлар ўртасида мусобақа, үзаро беллашув, баҳс-мунозара шаклида замонавий илм-фан, техника ва технологияға оид билимларни үзлаштиришни рағбатлантириш орқали уларда илмий дунёқараш шаклланишини таъминлаш.

Ақлий тарбияни оила шароитида ташкил этишда “дастлабки ва мұхим вазифа ота-она томонидан боланинг қизиқиши ва әхтиёжларини кўра билиш асосида тасаввур, идрок, тафаккур, хотира ҳамда діккатни такомиллаштиришга ёрдам берувчи машгулотларга жалб этишдан иборат. Шунингдек, маълум йўналишлар бўйича болада қизиқишини уйғота олиш, уни ривожлантириб бориш ҳам талаб этилади. Бу борада ота-она ёки оиланинг бошқа аъзоларининг дунёқарashi, әхтиёж ва қизиқишилари доираси ҳамда улар томонидан қўрсатилаётган намуна мұхим тарбиявий омил бўлиб хизмат қиласди. Оила мұхитида боланинг ақлий жиҳатидан тарбиялаб борища конструкторлик ўйинлари (кубиклар ёрдамида уйлар қуриш, кесмалар асосида фано (тасвир)лар ҳосил қилиш ва бошқалар), фикр доирасини кенгайтиришга ёрдам берувчи спорт ўйинлари (шахмат, шашка)ни ташкил этиш, турили мавзулардаги кроссворд, чайнворд ва ребус топишимоқларини ҳал қилиш, театр, музей ва кўргазмаларга ташриф буюриш ҳамда илм-фан, техника ва технология таракқиети юзасидан сухбатларнинг ўюштирилиши бу борада ўзининг ижобий самарасини беради”⁸⁴.

Оилада болаларни меҳнатсеварлик ва эстетик рухда тарбиялаш. Оила тарбиясининг мұхим йўналишларидан бири – оилада фарзандларни меҳнатта ўргатиш, уларда меҳнатсеварлик хислатини тарбиялашга эришиш саналади. Ота-оналар ва оиланинг катта ёшли

⁸³ Ўша манба – 102-бет.

⁸⁴ Педагогика назарияси ва тарихи Педагогика назарияси. I-кисм / Олий таълим мұассасалары учун дарслык. М.Х.Тўхтходжаеванинг умумий таҳрири остида М.Х.Тўхтходжаева за 6 – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 301-302-бетлар.

аъзолари томонидан оила шароитида ташкил этиладиган меҳнат тарбияси меҳнатга, меҳнат фаолияти натижаларига ижобий муносабатни шакллантира олиши лозим. Оилада меҳнат тарбиясини ташкил этишда ота-оналар куйидаги вазифаларнинг ижобий ҳал этишга эътибор қаратишлари керак:

- 1) тушунтириш, сұхбат орқали болаларга меҳнат, унинг аҳамияти ва моҳиятини англатиш;
- 2) шахсий намуна кўрсатиш, шунингдек, атрофдагиларнинг ибрати асосида болаларда меҳнат қилишга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш;
- 3) болаларда ўқиши ҳам меҳнат эканлиги тўғрисидаги тушунчани ҳосил қилиш;
- 4) турли ўқув қуроллари, кичик ёшли болалар учун рангли, ўсмир ва ўспиринлар учун эса уларнинг ёшига мос эртак, қисса, саргузашт китобларни совга қилиш орқали болаларнинг ўқишига бўлган қизикишларини ривожлантариш;
- 5) фарзандлар билан биргаликда меҳнат қилиш, уй хўжалигини юритиш, уй-рӯзгор ишларини бажариш асосида болаларда амалий меҳнат қўнималарини шакллантириш;
- 6) “устоз-шогирд” анъanasига кўра фарзандларнинг турли хунар сирларидан вокиф бўлишига эришиш, шунингдек, қизикишлари асосида уларни бўлажак касбий фаолиятга тайёрлаш;
- 7) меҳнат ва иктисидий тарбияни умумлаштириш асосида болаларни оила шароитида меҳнатсеварлик ва тежамкорликка ўргатиш.

Меҳнат шахснинг жисмоний жиҳатдан соғлом, бақувват, мустаҳкам характер ва катъий ирода эгаси бўлиши учун шароит яратиш билан бирга унда маънавий-ахлоқий, ақлий сифатларни ҳам тарбиялайди. Бунинг моҳияти шундаки, биринчидан, шахс ўзи меҳнат қилгандагина ўзгаларнинг меҳнатини, улар меҳнати ҳисобидан яратилган неъматларни кадрлайди, иккинчидан, меҳнат килар экан, у қандай йўл тутса, вакт сарфини кискартиш, иш сифатин оширишга муваффак бўлишни, маҳсулот тайёрлаётганда эса унинг шакли, рангини ўзgartиришга янгича ёндашишни, атрофдагиларга чиройли кўринишида тақдим этиш ҳакида фикрлайди. Фикрлаш жараёни эса шахснинг

“аклини чархлайди”, болаларни “ишни режали олиб бориш, вактдан унумли фойдаланиш тежамкор бўлиш”⁸⁵га ўргатади.

Ота-оналар меҳнатнинг бола шахсини шакллантиришдаги аҳамиятини юкори баҳолаш билан бирга оила муҳитида уларни меҳнатга жалб этишда муайян шартларни ҳам ёдда тутишлари зарур. “Болалар томонидан бажариладиган оиласи мунисипалитетидан оиласи юмушлар уларнинг жисмоний ва аклий камолоти даражасидан ортиқ бўлмаслиги, уларнинг тезда толикишлари ёки майиб бўлишларига сабаб бўлмаслиги лозим. Болалар зиммасига уларнинг ёши, ривожланиш даражаси, жисмоний кувватига мувофиқ юмушларнинг тақсимлаб берилиши, берилган топширикларнинг бажарилиши ва уларнинг сифатини катталар томонидан назорат қилиб туриш, бажарилган топширикларнинг ҳақконий баҳосига эга бўлган ҳавасини оширади, унда ўз кучига бўлган ишончни юзага келтиради”⁸⁶.

Оила муҳити фарзандларни **эстетик тарбиялаш** учун зарур шартшароитларга эга бўлиши лозим. Бунинг учун ота-оналардан, энг аввало, уйда тартиб ўрнатиш, барча буюмларнинг доимо ўз ўрнида бўлишига эришиш талаб этилади. Бинобарин, озодалик, саранжомлик, тартиб, гўзаллик мавжуд бўлган жойдагина боланинг эстетик диди шаклланади. Қадим-қадимдан оналар оила шароитида тўғриламмаган (йиғиширилмаган) ўрин, супурилмаган ҳовли, ювилмаган идиш кабиларга эркак киши (эр)нинг кўзи тушмаслигига эътибор қаратишган ва табиийки, айнан шу ҳаракатлар болаларда гўзалликка нисбатан муҳаббатни тарбиялашга хизмат қилган. Шу билан бирга оналарнинг уйда сўзана, кашта, кийик, дўппиларнинг тикишлари, гилам тўкишлари, ҳовлиларга турли-туман анвойи гулларни экиб, уларни парвариш қилишлари ҳам болалар дидини ўстиришга ёрдам берган. Бунинг акси бўлган ҳолатлар (бетартиблиқ, хунуклик) эса уларда дидсизликни шакллантирган.

Эътибор берилса, никоҳ тўйи олдидан келиннинг сепи сифатида күёвнинг хонадонига олиб борилган кўрпа-тўшакларни меҳробга, сандиклар устига тахлаш юмуши ҳар кимга топширилмаган, балки уни ниҳоятда дидли, уларни катта-кичиклиги, калин-юкалигига кўра муайян тартибда, ниҳоятда чиройли тахтай оладиган аёлларгина бажаришган. Худди шундай то шу кунга кадар одат бўлиб келган келин сарполарини

⁸⁵ Уша манба – 303-бет

⁸⁶ Уша манба – 303-бет

махсус ажратилган хонада (осиб кўйилган ҳолда) намойиш қилиш ҳам ана шу ишнинг “устаси” бўлган аёлтар зиммасига юклатилган.

Бизнинг назаримизда, янги оила шакллантирилаётган дастлабки пайтлардаёқ мухитнинг эстетик жиҳатдан кўримли бўлишига интилиш заминида нафакат атрофдагиларга келин уйининг чиройли тарзда намойиш қилишдан ҳам кўра кўпроқ эстетик диди юкори фарзандларни тарбияловчи ота-онанинг ўзида уни ҳосил қилишга бўлган интилиш акс этади. Қолаверса, “ахлоқий ва эстетик қарашлар мазмуни ўзгарган бир шароитда оиласда ахлоқий ва эстетик тарбияни тўғри ва самарали ташкил этилиши айниқса мухимdir. Болалар жуда ёшлигиданок сохта гўзалликлар (ярим ялангоч ёки ялангоч бадан, меъеридан ортиқ қўлланилган пардоз, урфга кириб бораётган косметик оператсиялар “маҳсули”, ўта даражадаги ялтироқ мато ёки тақинчоклар) гўзалликнинг тимсоли эмаслигини англаб этишлари лозим. Бола тасаввурида ҳақиқий, табиий гўзаллик (ям-яшил табиат, нафис кор учкуни, нозик гуллар, бегубор осмон, викорли тоғлар, тиник зилол сув, тоза, мусаффао ҳаво, бепоён далалар, кушларнинг ёқимли овози, шаркирок сув, “чучвара”лар ҳосил килаётган ёмғир томчилари, камалак жилоси, шунингдек, очик, хушсурат, чиройли табассум, ширали овоз, таъсирчан бадиий ва санъат асарлари, юксак маҳорат билан яратилган ўйинчоклар (боланинг асабини жунбушга келтирадиган электрон ўйинчоклар эмас), ярашикли либослар ва бошқалар)нинг намоён бўлиши учун шарт-шароит яратиб бериш мақсадга мувофиқдир. Болаларда ҳақиқий гўзалликни ҳис этиш туйгуси табиат бағрида, музей, кўргазма, кино ва театрларда бўлиш туфайли шаклланади. Шу боис мактабгача таълим муассасалари ҳамда бошланғич синф ўкувчилари билан табиат бағрига, музей, кўргазма, кино ва театрларга уюштириладиган экскурсия ва ташрифлар катта тарбиявий кучга эгадир”⁸⁷.

Оиласда жисмоний ва жинсий тарбияни ташкил этиш. Оила мухитида жисмоний тарбияни ташкил этиш ҳам ўзига ҳос аҳамият касб этади. Ота-оналар томонидан фарзандларда жисмоний маданият сифатларининг тарбияланишига зътибор қаратилиши уларнинг комил инсон бўлиб шаклланишларида мухим аҳамият касб этади. “Болаларнинг соғлом бўлишларида уларнинг кундалик ҳаётий режимига амал қилишлари ниҳоятда мухимdir. Ота-оналар ёки оиласдинг катта

⁸⁷ Ўша манба – 302-бет.

вакил авлодлари болаларнинг меҳнат килишлари ва дам олишларини тартибга солишга аҳамият беришлари керак. Организмнинг бир маромда ишлаши бола саломатлигини саклаш ва мустаҳкамлашгагина ёрдам бериб қолмай, шу билан бирга унинг барча юмушларни тартибли ва сифатли бажариши учун имкон яратади.

Инсон саломатлигини саклашда эрталабки бадан тарбиянинг аҳамиятини болаларга тушунтириш ҳамда уларнинг эрталабки бадан тарбия билан шугулланишга кўнигириб бориш ота-она назоратини талаб этади. Бадан тарбия болани саронжомлик, интизомга ҳам ўргатиб боради.

Овқатланишнинг тўғри ташкил этилиши ҳам боланинг соглом бўлиб ўсишининг асосий омилларидан биридир. Ота-оналар томонидан боланинг белгиланган муайян соатларда овқатланиш, овқатланишдан аввал қўлни ювиш, овқатдан кейин оғизни чайиш, шунингдек, кунига икки марта (эрталаб ва кечкурун) тиш тозалаш, ҳафтада бир марта ванна (ёки душ, ҳаммом)да чўмилиш, қўл ва оёқ тирнокларини олишга одатлантириб боришлари зарур. Ушбу

ҳолатлар болаларда жисмоний маданият унсурларини шакллантиради”

⁸⁸

Болаларнинг жисмонан етук бўлиб вояга этишларида ота-оналар, яна шунингдек, қуйидаги масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратишлари зарур: фарзандларнинг кун тартибига эга бўлишларига ҳамда иродаларини чиникиришга эришиш, асад тизими мустаҳкам бўлиши учун уйқунинг меъёрида бўлиши учун шароит яратиш, уларда доимий равишда жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланиш кўникмаларини шакллантириш, бўш вактни кўнглили ўтказилишини таъминлаш.

Оила тарбиясининг муҳим йўналишларидан яна бири – оиласда **жинсий тарбияни тўғри**, самарали ташкил этиш саналади. “Жинсий тарбия – болалар, ўсмирлар ва ёшларда жинсий масалаларига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириб боришга қаратилган тиббий ва педагогик тадбирлар тизими”⁸⁹ саналади. Оиланинг жинсий тарбияни ташкил этишдаги роли моҳиятига кўра кичик ижтимоий бирлашманинг репродуктив вазифасини ифодалайди. Кичик ижтимоий бирлашманинг репродуктив вазифаси юзасидан эса юкорида батафсил сўз юритилди.

⁸⁸ Уша манба – 301-бет

⁸⁹ Тарбия /ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухар. А.Мажидов – Тошкент: “Ўзбекистон Миллӣ энциклопедияси” Давлат илмий нашрияти. 2010. – 141-бет

Айни ўринда шуни қўшимча килиш мумкин, жинсий тарбия ёки оиланинг репродуктив вазифаси шаклларида ифодаланишдан катъй назар ота-оналар ўғил ва киз болаларнинг жинсий жиҳатдан ривожланишига хос хусусиятлар, босқичлар, шунингдек, табиий ва гайритабиий (лот. “акселератсия” – тезлашув, яъни, индивиднинг руҳий ва физиологик жиҳатдан ривожланишининг сунъий равиша тезлашиши) жинсий етилиш моҳияти, оилада жинсий тарбияни тўғри ташкил этиш йўлларидан хабардор бўлишлари зарур.

Оилада экологик ва ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйиш. Оилада, шунингдек, экологик тарбияни ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ота-оналар болаларни ёшлиқдан табиат билан ижобий муносабатда бўлишга ўргатиб боришлари, уларда “инсон табиатнинг бир қисми, шу сабабли табиатга етказилган ҳар қандай зарап унинг ўзига фалокат олиб келади” деган тушунчани сингдириб боришлари керак. Оилада ташкил этилаётган экологик тарбия болаларда атроф-мухитга, хусусан, табиатга нисбатан ижобий, масъулиятли муносабатни шакллантириш билан бирга уларда эстетик диднинг ўсишини ҳам таъминлайди. Бинобарин, табиатнинг ўзи энг гўзал, энг мукаммал асаридир. Болалар табиат гўзалликларидан баҳра олар эканлар, ўзларини унинг бир бўлاغи, шу сабабли уни асраб-авайлашга масъул эканликларини чуқур англаб етадилар. Шунингдек, “оила муҳитида ташкил этилаётган ҳовли саҳнини сутириб-сидириш, гулзорларни ташкил этиш, қўчатларни ўtkазиш ва уларни парвариш килиш, майший чиқиндиларни бартараф этишга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби харакатлар болаларда табиатни асрашга нисбатан масъуллик туйғусини шакллантиради”⁹⁰.

Ўзбекистонда ҳуқукий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилаётган мавжуд шароитда ёшларнинг ҳуқукий билим ва маданиятга эга бўлишлари алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли таълим муассасалари билан бир каторда оила ҳам ёшларнинг ҳуқукий билим ва маданиятга эга бўлишларини таъминлаш учун масъулдир. Оилада болаларни фарзанд, ижтимоий муносабатлар иштирокчиси ҳамда истеъмолчи сифатидаги ҳуқук ва бурчлари билан яқиндан таништириш мақсадга мувофиқдир. Чунки шахснинг айнан шу каби ижтимоий мақомлари

⁹⁰ Тўхтаходжаева М.Х. ва бошқалар. Педагогика назарияси Олий таълим муассасалари учун дарслек. – Тошкент “Moliya-iqtisod”, 2010 – 302-бет

ижтимоий муносабатлар жараёнида улар томонидан бурчларининг бажарилиши, ҳукукларидан ўринли фойдаланиш, айрим ҳолларда эса ҳукуклари поймал этилишининг олдини олиш имконини беради.

Оилада ташкил этиладиган ҳуқукий тарбия фарзандларда “интизомлиликни, ўз хатти-харакатлари учун жавоб бера олиш кобилиятини тарбиялашдан бошланади”. Ҳуқукий тарбиянинг самарадорлиги фарзандларда жамиятда амал қилаётган қонунларнинг аҳамиятини тўғри тушуниш, уларнинг ҳаётдаги ролини оқилона баҳолаш, атрофдагиларнинг ҳукукларини ҳурмат килиш, ўз ҳуқук ва бурчларини етарли даражада англаш, бурчларни вижданан адо этиш, шахсий ҳукукларини химоялаш каби кўнникма-малакаларнинг шаклланганлиги билан белгиланади.

Оиланинг болаларни иқтисодий муносабатларга тайёрлашдаги ўрни. Замонавий шароитда ёш авлоднинг чуқур иқтисодий билимларга эга бўлиши муҳим ўзига хос долзарблик касб этади. Бинобарин, бозор шароитида иқтисодий билимлардан хабардор бўлмаслик барча (айниқса, касбий фаолият, савдо-сотик ва истеъмолчи сифатида майший хизмат кўрсатиш) соҳаларида суст фаолият кўрсатишга олиб келади. Шу сабабли ота-оналар оилада ҳам болалар томонидан иқтисодий билимларнинг ўзлаштирилиши учун шароит яратиб бера олишлари лозим. Бунда оила иқтисодиёти (оила ҳўжалигини юритиш) ва бюджетини шакллантириш жараёнига фарзандларни бевосита жалб этиш, қолаверса, уларда пул маблағларига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш, “ўзининг шахсий ҳамда оила аъзоларининг буюмлари, шунингдек, оила мулкига нисбатан масъулиятли ёндашишга”⁹¹ ўргатиб бориш зарур. Самарали ташкил этилган иқтисодий тарбия натижасида болалар “пулнинг инсон меҳнатига тўланадиган қиймат эканлигини тушунтириб бериш, уни оиланинг энг муҳим эҳтиёжлари учун ишлатиш лозимлигини”⁹² тушуниб етадилар.

Назорат саволлари:

1. Оилада ташкил этиладиган маънавий-ахлоқий тарбиянинг мақсади нимадан иборат?

⁹¹ Тұхтаходжаева М.Х. әз бошқалар Педагогика назарияси / Олий таълим мұассасалари учун дарслік. – Томскент: “Moliya-iqtisod”, 2010. – 303-бет

⁹² Ўша манба. – 303-бет.

2. Ота-оналар оила шароитида ақлий тарбияни ташкил этишда нималарга эътиборни карата олишлари лозим?
3. Сизнингча, болаларда меҳнатсеварлик хислатини шакллантириш осон кечадими?
4. Оилада болаларни эстетик руҳда тарбиялашда нималар эътиборга олиниши зозим?
5. Оила тарбияси негизида жинсий тарбия ва уни самарали ташкил этиш қанчалик мұхим?
6. Фарзандларнинг экологик онгга зға бўлишлари учун ота-она қандай йўл тутишлари зарур?
7. Оила мұхитида болаларни ҳуқуқий саводхон қилиб тарбиялаш мүмкінми?
8. Оиланинг болаларни иқтисодий муносабатларга тайёрлашдаги ўрни қандай?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси оилани мустаҳкамлаш бўйича Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 қабул қилинган Қарори.
2. О.Ҳасанбоева ва б. Оила педагогикаси. – Тошкент: “Алокачи”, 2007.
3. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гурур / Ўкув қўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999.
4. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009.
5. Куронов М. Оила тарбияси. – Тошкент: Маънавият, 2007.

Амалий топшириқлар:

1. Оилада ташкил этиладиган тарбия йўналишларини акс эттирувчи тасвирини яратинг.
2. Кичик гурухларда оилада ташкил этиладиган тарбия йўналишларининг моҳиятини акс эттирувчи “Кичик эссе”ни яратинг.

**Амалий топшириқларни бажариш
юзасидан услубий күрсатмалар:**

1. Талабалар оиласда ташкил этиладиган тарбия йұналишларини акс эттирувчи тасвирни шакллантириша иккі гурухда ишлайдилар. Ҳар иккі гурух томонидан яратылған тасвир мұхокама қилиниши, улар орасидан оиласда ташкил этиладиган тарбия йұналишларини тұлық акс эттира олган тасвир тәнланади.

2. Кичик гурухларда оиласда ташкил этиладиган тарбия йұналишларининг мөхияттіні акс эттирувчи “Кичик эссе”ни яратында талабалар кичик гурухларда ишлайдилар. Ҳар бир кичик гурухға алоҳида-алоҳида топшириқ берилади. М: кичик гурухларға берилдиган топшириқлар құйидагыча бўлиши мумкин:

T\P	Гурухлар	Топшириқ мазмуні
1.	1-гурух	Оиладаги маңнавий-ахлоқий тарбия
2.	2-гурух	Оиладаги аклий тарбия
3.	3-гурух	Оиладаги мемлекеттік тарбия
4.	4-гурух	Оиладаги эстетик тарбия
5.	5-гурух	Оиладаги жысмоний тарбия
6.	6-гурух	Оиладаги жинсий тарбия
7.	7-гурух	Оиладаги экологик тарбия
8.	8-гурух	Оиладаги хуқуқий тарбия
9.	9-гурух	Оиладаги иктисадий тарбия

ОИЛА ТАРБИЯСИННИГ ШАКЛ МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ

1. Оила тарбиясими ташкил этишда құлланиладиган асосий методлар.
2. Ижобий характерга зә айрим методларнинг мөхиятты.
3. Салбий характерга зә айрим методларнинг мөхиятты.
4. Талаб ва унинг тарбиявий таъсирчанлары.

Таянч тушунчалар: метод, оила тарбия, оила тарбияси методлари, ижобий характера зә методлар, салбий характера зә методлар.

Оила тарбиясими ташкил этишда құлланиладиган асосий методлар. Оила тарбиясими ташкил этишда құлланиладиган методлар

асрлар давомида шаклланиб, такомиллашиб борган. Улар бевосита аждодлардан авлодларга ҳаётий фаолият жараёнида ворисийлик тамойилига мувофиқ узатилиб келинган. Шу билан бирга улар авлодлар томонидан тўплланган ҳаётий тажрибалар асосида бойитиб борилган. Оила тарбиясини ташкил этишда самарали бўлган методлар ижтимоий муносабатларининг йўналиши, мазмуни ва асосий гоясига мувофиқ танлаб олинади ҳамда педагогик таъсир кўрсатиш мақсадида фойдаланади.

Оила тарбияси методлари – муайян жамиятда ижтимоий мақсадни амалга ошириш жараёнида педагогик фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган тарбиявий таъсирлар тизимидан иборат. Бу методлар шахсига йўналтирилган бўлиб, болаларда ижобий мазмундаги сифатларни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама, баркамол шахс бўлиб камолга етишларини таъминлашга хизмат қиласди.

Педагогика фанида эътироф этилган қарашларга мувофиқ тарбия методлари ўсиб келаётган авлод тарбиясини ташкил этиш, уларда маънавий-ахлоқий, аклий ҳамда иродавий сифатларни тарбиялаш мақсадда қўлланилади. Миллий хусусиятларни намоён этувчи тарбиянинг муҳим омиллари бўлган тарбия методлари эса ёш авлодни муайян жамиятда тан олинган маънавий-ахлоқий мөъёрларга асосланиб тарбиялашни назарда тутади.

Оила тарбиясини ташкил этиш чоғида қўлланилаётган тарбия методлари ўзларининг йўналиши, мазмуни ва асосий гоясига кўра ранг-барангидир. Оила тарбияси методларини қуидаги тарзда гурухлаш мумкин:


1. Мазмунига кўра.
2. Қўлланилишига кўра.
3. Таъсир даражасига кўра.

Ўз навбатида оила тарбиясида қўлланиладиган методлар гурухининг ҳар бири ҳам алоҳида гурухларга ажратилади. Улар:

И. Мазмунига кўра: 1) ижобий характерга эга методлар; 2) салбий характерга эга методлар.

ИИ. Қўлланилишига кўра: 1) фаол қўлланиладиган методлар; 2) кам қўлланиладиган методлар.

ИИИ. Таъсир даражасига кўра: 1) фаолиятдан норозиликни ифода этувчи методлар; 2) фаолиятни раббатлантирувчи методлар; 3) фаолиятнинг таъқиқланишига олиб келувчи методлар (9-расм):



Оила тарбияси методларининг турлари.

Ижобий характерага эга айрим методларнинг моҳияти. Куйида ижобий мазмунга эга методлардан намуналар келтирилиб, уларнинг моҳияти ёритилади.

Илтимос методи оиласида бевосита талабнинг энг таъсирчан ва тез-тез ишлатиладиган шаклларидан бири. У ота-оналар билан болалар ўртасидаги самимий муносабатларга таянади ва уларнинг ҳамкорлигига эришиш воситаси ҳисобланади.

Илтимос килиш муюмаланинг бошқа турларидан шу билан фарқ қиласдики, фаолиятни ташкил этишда бола мустакил ҳаракат қиласди. Илтимос шундай оҳангда баён этилиши керак-ки, бола сўралаётган ҳаракатни мажбуран эмас, балки ўз ихтиёри билан бажариши лозимлигини англасин. Шуни ҳам қайд этиш зарурки, илтимос ўртоқларча ўзаро ёрдам кўрсатишга туртки беради.

Ишонч билан талаб қилиши – энг кучли тарбиявий воситадир. У болага ўзининг оиласида муайян ўрни борлигини англаш ҳамда оила манфаатлари йўлида меҳнат қилиши мақсадга мувофиқ эканлигини хис қилиш, уларнинг ишончини оқлашга интилишга ёрдам беради. Аксарият ҳолатларда ишонч билан талаб қилиш болани анча мураккаб, масъулиятли, айрим вазиятларда фаҳрли топширикни бажаришга йўналтирилади.

Бунда шуни эслатиб ўтиш керакки, ишонч талабнинг фақат хусусий методгина эмас, балки, энг аввало, болаларга бўлган муносабат мазмунини англатувчи тамойиллар. Талабнинг мазкур кўринишини амалда қўллашда меъёрга риоя қилиш, болага ишончни таъкидлайвериш эмас, балки у томонидан топширикни онгли амалга оширилиши мухим эканлигини ёдда тутиш керак.

Маъқуллаш – муайян шароитда болалар фаолиятининг кучли омилига айланади. Бола томонидан мұваффакиятли амалга оширилган фаолиятни маъқуллаш келгусида унинг ижтимоий фаоллигини ошириш кўрсаткичлардан бири бўлади. Шунингдек, фарзандлар ота-оналарининг фикрларини кадрласалар, маъқуллаш янада самарали таъсир кўрсатади.

Баъзан ўсмирлар маълум ишни бажаришда ҳаракатларининг ота-оналари томонидан маъқулланишига нисбатан эҳтиёж сезадилар. Маъқуллаш уларда ўз кучига ишонч уйготиб, бундан кейинги интилишлар манбаи бўлиб хизмат қиласди. Маъқуллаш болани кувонтиради, табиийки, у ана шу кувончни ўз мұваффакиятлари билан киёслаб кўради. Вакт ўтиши билан фаолиятда эришилган мұваффакиятдан қониқишининг ўзи амалиётдаги энг кучли омил бўлиб қолади.

Ўғит болага йўл-йўрик кўрсатишдан иборат бўлиб, у ёки бу хатти-харакат, амалий вазифани ижобий ҳал этиш борасида боланинг мустакил равишида карор кабул қилиши учун ота-оналар томонидан кўрсатилган амалий тавсия саналади.

Илтимос сингари маслаҳат ҳам боладан муайян фаолият ёки хатти-харакатни амалга оширишни мажбурий эканлигини англатмайди, ушбу вазиятда бола танлаш ҳуқукига эга бўлади. Тарбия жараёнида маслаҳат методидан фойдаланиш болада ишга онгли муносабатни шакллантиради. Бундан ташқари, ота-оналарни дўст сифатида қабул қилишларига имкон беради. Ота-онанинг обрўси атрофлича билимларга, катта ҳаётий тажрибага, маҳоратга асосланади. Шу билан бирга маслаҳат – бу ҳамма нарсани илидан игнасигача тасвирлаб берадиган йўл-йўриқ эмас, балки кўпинчча ечимларни мустақил излашга ундашдан иборатдир.

Маслаҳат бериш яна шуниси билан фойдалики, у болаларни муайян вазиятларда, айниқса, маълум қийинчиликлар юзага келганда ота-оналари билан маслаҳатлашишга ўргатади. Ота-оналар болаларнинг бундай хатти-харакатларини кадрлар эканлар, уларда кичик ёшдаги ўртокларига ёрдам кўрсатиш кўнкимларини шакллантиришга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Шаъма қилиш – болаларни муайян хатти-харакатларга рағбатлантиришнинг яширин шакли ва энг нозик воситалардан бири. Шаъма илгари ишлатилган, яхши таниш бўлган, шунингдек, моҳияти очиб берилмайдиган талабларни ўзига хос шартли қисқартмаларидир. Тажрибали ота-оналар шаъма қилиш методини қўллаганларида аксарият ҳолатларда кўз тикиб қараш, кошларини ҳаракатлантириш, “сирли” савонни бериш билан кифояланадилар. Бу ўринда “Ўткан кунлар” романида Юсуфбек Ҳожининг ўғли Отабекка: “Ҳамма нарсага етган аклинг шу нарсага колганда нега оқсайди?”⁹³, деган шаъмасини келтириш мумкин. Муайян шароитда шаъма илтимос, талабнинг “яширин” вазифасини бажаради.

Шарт методи шундан иборатки, бола учун ёқимли бўлган бирор фаолият тури ёқимсиз ёки кийин фаолият учун рағбатлантирувчи омил сифатида намоён бўлади. “Дарсларингни килсанг – ўйнагани борасан” каби мурожаат сўз юритилаётган методнинг ёрқин кўринишидир.

Шартдан фойдаланилганда бажарилиши шарт бўлган фаолиятни ташкил этишга сарфланган куч (жисмоний ёки аклий) эвазига «мукофот» сифатида таклиф этилувчи фаолият ўртасидаги алоқа кўзга ташланади. Акс ҳолда болаларда шартдан ўз манфаати йўлида

⁹³ Кодирий, А. Ўткан қунлар / XX аср ўзбек роман туркуми. Таҳрир ҳайъати И. Шогуломов ва б. – Тошкент “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1995.

фойдаланиш истаги пайдо бўлиши мумкин. Бундай вазиятда талаб ота-оналар томонидан эмас, аксинча, болалар томонидан қўйилади, яъни, “Бизнинг футбол ўйнашимизга руҳсат этсангиз, уйни йигиштириб чиқамиз” ва ҳ.к. тарзида.

Шарт қўйиш болаларнинг хулқ-атврлари, уларнинг қизикиш ва майлларини яхши билиш, уларнинг индивидуал қобилиятлари ва имкониятлари даражасини инобатга олишни назарда тутади. Бу усулни ҳам бошқа методлар каби сунистъемол қиласлиkerак.

Ўйин шаклидаги шарт одатда болалар учун қизикарли бўлмаган, балки зерикарли машғулотларни ташкил этишга тўғри келганда, кичик ёшдаги болалар билан ишлаш жараёнида самарадорликка эришиш мақсадида қўлланилади.

Салбий характерга эга айрим методларнинг моҳияти. Қўйида салбий мазмунга эга методлардан намуналар келтирилиб, уларнинг моҳияти ёритилади.

Боланинг у ёки бу харакатларига салбий баҳо бериш, унинг салбий одатларини бартараф этиш ҳамда зарарли хатти-харакатларининг олдини олиш мақсадида қоралаш методидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Унинг ёрдамида ижобий хулқ-атвр рағбатлантирилади. Бунда хушмуомала мурожаат қилиш зарурдир.

Қоралаш методини узлуксиз ишлатиш, айниқса, муайян болага нисбатан қўллайвермаслик керак. Зеро, бундай ҳолда бу метод ўзининг таъсиричанлитини йўқотиши ёки болада ўз имкониятларига ишончсизликнинг қарор топиши учун замин яратиши мумкин. Педагогик техника талабларига мувофиқ қоралаш методини юмшокроқ оҳангда айтилган таъна ва гинадан ғазаб ва жаҳлнинг пайдо бўлишига қадар оралиқда қўллаш мумкин.

Ишончсизлик билдириши – билвосита талаб шакли бўлиб, бошқа, таъсири кучи камроқ методларни қўллаш иш бермаган вазиятларда қўлланилади. Агар ота-оналар томонидан билдирилаётган ишончига кисман путур етган, бола хулқида салбий одатлар намоён бўлаётган бўлсагина ушбу методни ишга солиш ўринлидир. Шу билан бирга ишончсизлик билдириш болалар билан ташкил этилаётган муносабатлар мезони даражасига кўтарилемаслиги зарур. Акс ҳолда уларнинг ота-оналари билан бўлган муносабатларида тўғрилаб бўлмас

хатолар юзага келади. Хусусан, овқат ейилиб фотиха ўқилғач, дастурхон йигиштирилмай қолди. Эртасига онанинг болалар билан сұхбатда жиддий тарзда: “Ұзларингиздан билиб хеч нарса килолмайсизлар. ... Мен бұлсам сизларга ишониб ўтирибман-а!”, - дейиши мақсадға мувофикдир.

Билвосита талабнинг бу шакли ҳамиша болаларга үзларини оқлаш, ота-она уларға ишониши мүмкінлігини иш билан исботлаш имконини бериши лозим. Борди-ю ишончсызлик билдириш боланинг ижобий ҳаракатлари ва мұомаласини рағбатлантирмаса, уни тарбия амалиётіда күлламаган мақул.

Құрқитиши – тарбия методларидан бири бўлиб, салбий мазмунга эга. Ундан фойдаланишда болаларнинг зарур ҳаракатларини рағбатлантирувчи омил уларни ёқимли фаолият тури билан шүғулланиш, кандайдир хуқуқлардан маҳрум қилиш ҳақидаги огохлантиришдир. Масалан, уйга берилган топширикларни бир неча марта бажармай борган болага ота: “Агар яна шундай килсанг, энди топшириқи менинг назоратим остида бажарасан” дейди.

Құрқитиши тарбиянинг энг охирги усулларидан бири бўлиб, ундан кейин жазолаш күлланилади. Ушбу методдан самарали фойдаланишининг мухим коидаси ота-оналар ҳаракатларининг изчиллигидир. Агар талаб бажарилмай қолса, амалда қўрқитишдан фойдаланилади. Ишончсызлик билдириш ва қоралаш билан бирга қўрқитиши педагогик талабнинг шундай шаклларига мансубки, уларнинг кучи ва таъсири ўзининг күлланиш тезлигига тескаридир.

40 дан ортиқ оила, ота-оналарнинг фаолиятини кузатиш уларнинг болалар билан муносабатларни йўлга кўйишда ижобий ёки салбий методларнинг турли кўринишларидан фойдаланишларини тасдиқлади. Оилалар ҳәти, ота-оналарнинг тарбиячи сифатидаги тажрибаси бугунги кунда ўзбек оилаларида куйидаги методларга кўпроқ мурожаат этилаётганлигини тасдиқлади:

Ўзбек оилаларида тарбия жараённанда күлланиладиган методлар

Ижобий методлар	Салбий методлар	
Сўраш	Аразлашиш	Совға бериш
Талаб килиш	Айблаш	Хомийлик килиш

Тасалли бериш	Баҳслашиш	Қарғаш
Таъбирлаш	Бегона қилиш	Хўмрайиш
Таъкидлаш	Биритириш	Зорланиш
Тақдирлаш	Битим тузиш	Алдаш
Буюриш	Гиргитон бўлиш	Бачканалашиш
Ваъда олиш	Таҳсиналаш	Вайсаш
Таъқиқлаш	Тенглашиш	Гиж-гижлаш
Ҳамдард бўлиш	Тергаш	Гина килиш
Ҳурмат килиш	Уялтириш	Ёмонлаш
Кафил бўлиш	Шавқлантириш	Зарда килиш
Кенгашиш	Эркалатиш	Кўр-кўрона ишониш
Койиш	Ялиниш	Мажбур килиш
Кузатиш	Ўйнатиш	Низо келтириб чикариш
Кўрсатиш	Ўргатиш	Сўкиш
Макташ	Ўқитиш	Уришиш
Насихат килиш	Қайтариш	Ишончисизлик билдириш
Овутиш	Ҳазиллашиш	“Мен”лигини тан олмаслик
Одатлантириш		
Оқлаш		
Тушунтириш		
Ишонч билдириш		
Баҳолаш		

Талаб ва унинг тарбиявий таъсирчанлиги. Оилада болаларнинг муайян характерга эга бўлишлари, шунингдек, улар томонидан маълум хатти-харакатлар содир этилишини таъминлашга хизмат қилувчи самарали методлардан бири – талаб саналади. Моҳиятига қўра талаб куйидаги икки мақсадни амалга оширишга йўналтирилади. Хусусан:

1) болаларнинг ижтимоий-фойдали фаолиятини ташкил этишига рағбатлантириш. Ушбу ўринда талаб ота-оналар ҳамда боланинг ҳётий мақсадлари бирлигига эришиш таъминланади, жамият томонидан тан олинган маънавий-ахлокий меъёrlар инъикосининг болалар хулк-

автори, хатти-харакатлари, шунингдек, ижтимоний фаолияти жараёнида акс этиши учун замин яратади;

2) болаларни оила манфаати ёки ота-оналарнинг хохиш-истакларини рўёбга чикариш йўлида муайян хатти-харакатларни амалга оширишга ундаш.

Бу вазиятда ота-оналарнинг талаблар аксарияти болаларнинг ёш, психологик ва шахсий имкониятларига мувофиқ келмайди. Натижада талаблар гарчи ижобий мазмунга эга бўлса-да, кутилган самарали таъминламайди. Аксинча, болаларда уларга нисбатан жиддий норозиликни келтириб чикаради.

Талаб ўз моҳиятига кўра икки: бевосита ва билвосита каби турларга бўлинади. Айни ўринда талабнинг асосий турларининг моҳиятини таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Талабнинг у ёки бу турини танлаш педагогик вазиятнинг ҳисобга олинишига боғлиқ. Бевосита талабларнинг кўйилиши учун зарур омил бўлиб хизмат килинувчи педагогик вазиятда қўйидаги икки ҳолат юзага келади ва улар кўйилаётган талабнинг тўла бажарилиши учун имконият яратади:

1) тарбияланувчининг муайян талабни кўяётган субъектта нисбатан муносабати;

2) тарбияланувчининг бажарилиши талаб этилаётган фаолиятта бўлган муносабати.

Мавжуд муносабатларни ижобий, бетараф ва салбий каби гурухларга бўлиш мумкин. Бироқ, тарбиявий фаолият амалиётида бундай муносабатларнинг кўплаб кўринишлари кузатилади.

Бевосита талаб ота-оналарнинг “Фақат шундай киласан” деган умумий формула ёрдамида ифодаланувчи мурожаати бўлиб, у қатъий, дадил оҳангда ифодаланган ва аниқ кўрсатмага асосланади. Бундай ҳолатда болаларни ҳаракатга ундовчи омил – талабнинг ўзи ҳисобланади.

Бевосита талаб бола тарбиясининг бошлангич боскичида айникса таъсирчан бўлади. Самимий, ошкора, ишонарли, кизгин ва қатъий талаб бўлмаса, болани тарбиялаб бўлмайди. Агарда тарбия жараёнида ота-оналар талабларни кўйишда иккиласалар, уларнинг болалар томонидан тўлаконли бажарилмаслигига эътиборсиз муносабатда бўлсалар.

қўйилаётган талаб педагогик жиҳатдан муайян аҳамиятга эга бўлмайди. Шунингдек, ота-оналар бундай вазиятларда ўз хатти-ҳаракатлари жиддий хатога йўл қўядилар.

Болаларнинг янги йўналиш ва мазмунга эга фаолиятларини ташкил этиш жараёнида ҳам бевосита талаб зарур. Мазкур ўринда бевосита талаб моҳиятига кўра йўл-йўрик бериш каби намоён бўлади. Бевосита талаб аксарият вазиятларда фарзанд ота-оналарининг фикри ёки маълум фаолиятга нисбатан бетараф муносабатда бўлаётган бўлса қўлланилади. Қайд этилаётган жараёнда бевосита талабнинг қуидаги қоидаларга мувофиқ бўлиши муҳим аҳамиятга эга:

1) талаб ижобий мазмунга эга бўлиши, болаларни аниқ хатти-ҳаракатларни ташкил этишга йўналтириши, улар томонидан ташкил этилаётган муайян ҳаракатларни таъқиқлаш ёки тўхтатишга хизмат қиласмили лозим. Албатта, тарбия жараёнида маълум таъқиқлардан болалар белгиланган ижтимоий хулқ-атвор қоидаларни бузганларида самарали фойдаланиш зарур. Бироқ талабларнинг фақатгина таъқиқлардан иборат бўлиши педагогик жиҳатдан нотўғридир. Талабларнинг қўйилишидан кўзланган асосий мақсад улар эътиборига болаларнинг ижобий хулқ-атвори ва фаолияти учун ҳаракат дастурининг берилиши билан тавсифланади.

2) бевосита талаб аниқ мақсадга йўналтирилган, тўлақонли ифодаланган мазмунга эга, аниқ ва тушунарли бўлиши лозим. Дастребни пайтларда болаларнинг янги ҳаракатларини рағбатлантирганда талаб йўл-йўрик бериш билан қўшилиб кетгандай бўлади. Бундай ҳолат талаблар мазмунини соддалаштириб, моҳиятини аниқ ёритиб беради;

3) ота-оналар томонидан ифодаланаётган ҳар бир оқилона талаб, албатта, бажарилиши, якунига етказилиши керак.

Шуни ёдда тутиш керакки, ҳар бир янги талабнинг бажарилиши ота-оналар томонидан қўйилувчи навбатдаги талабларнинг кучи ва таъсирчанлигини оширади, болада ота-онасининг иродасига онгли ёндашиш одатини шакллантиради. Ҳар бир бажарилмаган талаб эса, аксинча, навбатдаги талабларнинг самарадорлигини пасайтириди.

Бевосита талабларнинг ижроси ҳақида сўз юритилганда, уларнинг қатъий, ишонарли оҳангда баён этилиши муҳим эканлигига эътиборни

каратиш талаб этилади. У вазмин, жиддий ҳолатда ифода этилиши, бакирикка, болани ҳақорат қилишга айланиб қолмаслиги керак.

Билвосита талабларда ота-оналарнинг мақсади тўғридан-тўғри ифодаланмай, балки, бир қадар яширин тарзда бўлади. Талабаларни кўйишда рағбатлантиришдан ҳам фойдаланилади. Рағбатлантириш омили сифатида факат талабнинг ўзидан эмас, балки бир қатор психологик омиллар, яъни, боланинг ички кечинмалари, ҳис-туйгулари, ҳаётий эҳтиёжлари ва қизиқишларига таянилади. Бевосита талабларни моҳиятига кўра қўйидаги уч гурухга бўлиш мумкин:

1. Ота-оналарнинг фарзандларига бўлган ижобий муносабатини ифодаловчи талаблар. Булар – илтимос, ишонч, маъқуллашдир. Айни ўринда уларни *ижобий талаблар* деб номлаш мумкин.
2. Ота-оналарнинг болаларга бўлган муносабатини яқол ифодаловчи ҳамда фарзандларни муайян фаолиятга рағбатлантирувчи муносабатлар моҳиятини ёритувчи талаблар. Булар – маслаҳат, шаъма, шартли талаб ва ўйин шаклидаги талабдир.
3. Болаларнинг у ёки бу ахлоқий хислатларига салбий муносабатни намойиш этувчи талаблар. Булар – ишончсизлик билдириш ва дўқ килишдир. Уларни *салбий талаблар* деб аташ мумкин.

Талаб мазмун жиҳатидан ҳам, шакл жиҳатидан ҳам ривожланиб боради. Юқорида айтиб ўтилганидек, педагогик вазиятлар ўзгармас ҳолат эмас, улар доим ўзгариб туради. У ёки бу методларни татбиқ этиб, болалар фаолиятида муваффакиятга эришар эканлар ота-оналар мавжуд вазиятнинг зарур йўналишида ривожланишини бошқаради. Ота-она бевосита талабларни қўяр экан, болалар билан муайян муносабатларга киришади ва айни вақтда уларда бажариладиган фаолиятга муносабатни шакллантиради. Шу билан у бевосита талабларнинг муваффакиятли татбиқ этилиши учун шарт-шароит ҳозирлайди.

Шу билан бирга, тарбия жараённада ижобий талаблардан кўпроқ фойдаланилаётган оиласаларда ота-оналарнинг болаларни ҳурмат килишлари, уларга нисбатан меҳрибон эканликларига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, бундай оиласаларда болалар томонидан ота-оналар томонидан билдирилаётган кўрсатмаларнинг аниқ бажарилиши кузатилди. Аксинча, салбий методларни сунистельмол киладиган ота-оналарни болалар ҳурмат кильмайдилар, оиласада интизом мавжуд эмас, тарбиявий жараён самарали ташкил этилмайди.

Бу албатта, тасодифий эмас. Болаларга ижобий муносабатда бўладиган, уларга бўлган муносабатларини ишонч билан ифодалайдиган ота-оналарнинг ўз фаолиятларидан қониқиш ҳосил килади. Бундай мухитда болалар билан ота-оналарнинг самимий муносабатлари ривожланади. Ва аксинча, ота-она болалар фаолиятини назорат кила олмаса, уларда маънавий-ахлоқий сифатларни, шунингдек, ижтимоий-фойдали меҳнатни ташкил этиш кўникмаларини шакллантира олмасалар тарбияси самарадорлиги тўғрисида сўз юритиш бефойдадир. Бундай оиласаларда тарбиявий жараён доимий дўк-пўписа, асабийлик асосида ташкил этилади.

Шундай килиб, оила мухитида тарбия методларидан самарали фойдаланиш, болаларни ижтимоий-фойдали меҳнатга ўргатиш алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам болалар билан яхши муносабат ўрнатиш учун ижобий методларни кўпроқ ва салбий методларни камроқ ишлатиш зарур.

Назорат саволлари:

1. “Оила тарбияси методлари” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Оила тарбиясида асосан қандай методлар қўлланилади?
3. Ижобий характерга эга қандай методларни биласиз?
4. Оила тарбиясида қўлланиладиган салбий характердаги методлар билан танишмисиз?
5. Талабларнинг тарбиявий таъсирчанлиги нималарда акс этади?
6. Оила тарбиясида қўлланиладиган талабларни қандай гурухларга ажратиш мумкин?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси оиласи мустаҳкамлаш бўйича Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 қабул килинган Қарори.
2. О.Ҳасанбоева ва б. Оила педагогикаси. – Тошкент: “Алоқасхи”, 2007.
3. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гуур / Ўқув қўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999.
4. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009.
5. Куронов М. Оила тарбияси. – Тошкент: Маънавият, 2007.

Амалий топшириклар:

1. Ўз ота-оналарингиз фаолияти мисолида оила тарбиясига қўлланилган ижобий ва салбий характердаги методлар рўйхатини тузинг.
2. “Т-жадвал” график органайзери ёрдамида ўзингизга маълум бўлган оила тарбиясида муайян методлар қўлланилишида уларнинг таъсирчанлигини оширувчи ва пасайтирувчи ҳолатларни таҳлил қилинг.
3. Оила тарбиясида фаол қўлланилувчи ижобий ва салбий талабларни ўзида акс эттирувчи буклет тайёрланг.

Амалий топширикларни бажариш юзасидан услубий қўрсатмалар:

1. Топширикни бажаришда талабалар мустақил ишлайдилар. Машғулотда жамоа ўқитувчи раҳбарлигига ҳар бир талабанинг иши билан танишиб чиқади. Барча жавоблар ўрганилиб, оиласарда энг кўп қўлланиладиган методлар умумлаштирилади. Шу асосида ўзбек оиласарининг тавсифи ҳақидаги маълумотга эга бўлинади.
2. Талабалар топширикни кичик гурӯхларда бажарадилар. Ҳар бир гурӯх “Т-жадвал” график органайзери воситасида оила тарбиясида қўлланиладиган методлар таъсирчанлигини оширувчи ва пасайтирувчи ҳолатлар юзасидан ўз жавобларини ёритади. Жамоа гурӯхлар иши билан танишиб, энг яхши ишни аниклади.
3. Топширикни бажаришда жамоа аъзолари икки гурӯхга бирлашган ҳолда ишлайдилар. Ўқитувчи гурӯхларга қуйидаги топширикни беради:

T/P	Гурӯхлар	Топшириқ мавзуси
1.	1-гурӯх	Оила тарбиясида фаол қўлланилувчи ижобий талаблар
2.	2-гурӯх	Оила тарбиясида фаол қўлланилувчи салбий талаблар

Гурӯхнинг ҳар бир аъзоси ихтиёрий равишида бирор-бир методни танлайди ва унинг моҳиятини тўлиқ ёритишга ҳаракат қиласди. Шу асосида гурӯх аъзоларининг ўзаро ҳамжиҳатлигига яхлит буклет шакллантирилади. Ҳар бир гурӯхи ўзига берилган мавзуу бўйича маълумотларни баён қилишда қуйидаги жадвал асосида иш қўриши мумкин:

1. Оила тарбиясида фаол құлланилувчи ижобий талаблар

T\P	Методлар	Уларнинг мөхияти
1.	Илтимос	
2.	Ишонч билдириш	
3.	Маъқуллаш	
...	...	

2. Оила тарбиясида фаол құлланилувчи салбий талаблар

№	Методлар	Уларнинг мөхияти
1.	Ишончсизлик	
2.	Дўқ килиш	
3.	Ўринсиз танқид	
...		

ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ МИЛЛИЙ ИФТИХОР ВА МИЛЛИЙ ГУРУР РУХИДА ТАРБИЯЛАШ

Режа:

1. Оилада болаларни миллий рухда тарбиялашнинг аҳамияти.
2. Оилада болаларни миллий рухда тарбиялаш йўллари.
3. Оилада миллий тарбия воситаларидан фойдаланиш.

Таянч тушунчалар: миллийлик, миллий тарбия, миллий рух, миллий ифтихор, миллий гурур, оилада болаларни миллий рухда тарбиялаш, миллий тарбия воситалари.

Оилада болаларни миллий рухда тарбиялашнинг аҳамияти. Эркин фуқаро ва озод шахс ҳақида сўз юритиб, уни шакллантиришда қуйидаги тўрт жиҳатга эътибори каратиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтилади: ўз ҳак ҳукукини танидиган бўлсин, бунинг учун курашсин; ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб,

самарасини кўра олсин; атрофида содир бўлаётган воқеа ходисаларга мустакил муносабат билдира олсин; шахсий манфаатларни мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин.

Ҳар бир жамиятнинг тараққиёти миллат ёшларини миллий руҳда тарбиялаш, уларни миллий қадриятларга асосланган ижтимоий ҳаёт, турмуш тарзига қай даражада самарали тайёрланишига боғлиқ. Шу сабабли асрлар давомида ҳар бир миллат, халқ ўз миллий қадриятлари негизида ёш авлод тарбиясини ташкил этишга оид карашларни шакллантириб келган. Миллий ёндашув асосида тарбия жараёнини ташкил этиш натижасида ёшлар миллий менталитет хусусиятларини ўзида намоён этувчи сифатларга эга бўлганлар.

Лотин тилидан таржима килинган “менталитет” тушунчаси “ақл”, “тафаккур”, “фикрлаш тарзи” деган маъноларни англатади. “Миллий менталитет” атамаси миллий онг ва фаолият характерини ифодаловчи тушунча саналади. Шахснинг миллий менталитет хусусиятларига эга бўлиши унинг миллий анъаналари, маданияти ва турмуш тарзи негизида кечади. Авлодларнинг миллий менталитет хусусиятларини ўзларида намоён эта олишлари икки томонлама характерга эга, биринчидан, бу ҳодиса консерватизмни, яъни, миллий хусусиятларнинг аждодлардан авлодларга ҳеч бир ўзгаришсиз ўтиб боришини ҳамда миллий анъаналарнинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Иккинчидан, миллий менталитетда муайян даражада бўлса-да, ўзгарувчанлик кўзга ташланади ва у миллий тараққиётни таъминлашга хизмат килади.

Миллатнинг ўзга миллатлардан фарқловчи асосий жиҳат – бу унинг миллийлиги саналади.

Миллийлик – ўз миллатини улуглаш ва унинг манфаатини ҳимоя килиш, миллий гурур ва миллий нафсоният туйгулари, ўз тили, адабиети, маданияти ва санъати, дини, тарихи ва урф-одатлари байрам сайллари маданий маънавий қадриятларини кадрлаш, ўз тугилиб вояга етган диёрини ардоклаш, унинг мусаффо осмони билан фахрланиш туйгуси.

Моҳиятига кўра “миллийлик” тушунчаси “миллат” тушунчаси билан узвий боғлиқ. Ҳар бир миллатнинг шаклланиши, узоқ тарихга эга бўлиши билан бир вактда миллатларнинг ўзаро фарқ қиласидиган жиҳатлари бўлади. Миллийлик, энг аввало, миллий онг ва миллий гурурда ўз аксини топади.

Миллий онг деб миллатнинг тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлик манфаатлар ва мақсадларини ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятини мақсад. йўналишлар томон бошкариб турадиган гоялар, фикрлар тизими.

Ҳал қилувчи омил сифатида миллий онг “миллатнинг мавжуд бўлиши, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболи”ни белгилайди ҳамда миллатнинг “шаклланиши, унинг тараққий этиши ва абадийлигини таъминлайди”⁹⁴. Миллий онг асослари миллат пайдо бўлган илк дақиқалардан шакллана борган ва унинг ўзи билан параллел равишда ривожланиб келади.

Миллий онг ўзида миллатнинг орзу-ниятлари, ўй-фикрлари, ҳаётий ёндашув, интилиш ва мақсадларини, ижтимоий-миллий турмуш тарзи ҳамда табиий борликка, ижтимоий субъектларга, оиласа, фарзандлар тарбияси ҳамда шахснинг ўзига бўлган муносабатлари мазмунини акс эттиради. Шу сабабли оила шароитида болалар тарбиясини ташкил этишда уларда миллий онгни самарали шакллантира олиш долзарб аҳамиятга эга. Ёшларнинг миллий онгга эга бўлишлари уларда миллий гуурнинг самарали шаклланишига, миллий жиҳатдан ўзликларини англашларига ёрдам беради.

Миллий гуур – шахс, ижтимоий гурухнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган аждодлари қолдирган моддий ва маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига кўшган хиссаси, ўзга миллатлар олдидаги кадр-киммати, обрў-эътибордан фаҳрланиш хиссини ифодалови тушунча

Ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфияти миллий гуур унинг ўзи яшайдиган замин, ўтмиши, аждодлар моддий ва маънавий меросининг жаҳон цивилизатсиясига кўшган хиссаси, ўзга миллатлар олдидаги кадр-киммати, обрў-эътибори, халқаро майдонда тутган ўрнидан фаҳрланиш хиссини ифодалови тушунча саналади.

Оила шароитида ота-оналар томонидан “миллий ифтихор” ибораси моҳиятини сўзма-сўз англаниши ҳамда бу ҳакида болаларга маълумот берилиши уларда ушбу туйгунинг шаклланишини таъминлайди. Бу

⁹⁴ Фалсафа. Кискача ююхли лугат / Масъул мухар. А. Жалолов. Таҳрир ҳайъати: М.Абдуллаева ва б. Муал.: М.Абдуллаева ва б. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2004. – 209-бет.

ўринда ота-оналар “ифтихор” тушунчаси “улуг бир нарсага дахлдорликдан фахрланиш, кувониш, ғурурланиш”⁹⁵ бўлса, “миллийлик” муайян миллатга дахлдорликни ифодалashi ҳақида маълумотларни бера олишлари зарур. Яхлит ҳолда эса “миллий ифтихор” ибораси “ўз миллати, унинг тарихи, миллий қадрият ва анъаналари билан фахрланиб яшаш туйгусидир”⁹⁶.

Миллий гуур – миллий ифтихор демакдир. Миллий ифтихор миллат ўзининг ўзини яхлит ижтимоий бирлик, қон-кариндошлиқ, тил, маданият, маънавият, иқтисодий ҳаёт ва келажак бирлиги муайян миллат вакилларининг қалбидан чукур ўрин эгалайди. Миллий ифтихор миллат маънавий камолотининг барча жиҳатларини, мероси ва бугунги қадриятларни ўз ичига олади. Миллий мустақиллик натижасида эришилган ва эришилажак иқтисодий ва маънавий ютуклар кўпайгани сари ўзбекистон билан фахрланиш ҳисси - миллий ифтихор шунчалик кўпайиб бораверади. Миллий ифтихор мамлакатимизнинг барча фуқаролдари учун бирдек тегишли ва унинг юксала бориши учун барча фуқаролар баробар маъсулдиirlар.

“Миллий ифтихор туйгуси – ўз миллий мансублигидан фахрланиш, ўз миллатининг бой тарихи, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизацисига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш имконияти. Миллий ифтихор туйгуси – ўзлигини англаш ўзгаларни тушунишга даъват этувчи қудрали куч”⁹⁷.

Маълумки, тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулк-автори ва дунёкарашини таркиб топтириш жараёнидир. Турли замон ва маконда ижтимоий тарбия моҳиятан турлича ифодалаб келинган бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқиб асосланган⁹⁸ бўлса-да, барча даврларда ҳам миллий қадриятлар, уларнинг моҳияти тарбия жараёнига чукур сингдирилиб борилган. Энг мухим, тарбия жараёнида асосий зътибор соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган. Соғлом авлод – жисмонан бакувват, маънавияти бой, ахлоқли, юксак тафаккурга эга авлод.

⁹⁵ Тарбия / Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухар: А.Н.Мажидов. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” – Тошкент: Даълат илмий нашриёти, 2010. – 178-бет.

⁹⁶ Ўта манба – 179-бет.

⁹⁷ Ўта манба – 179-бет.

⁹⁸ Педагогика назарияси ва тарихи. I-кисм: Педагогика назарияси / М.Х.Тўхтакоджаева ва б. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 380-бет.

Хар жиҳатдан етүк, соғлом кишилар ўзларида асрлар давомида ўзи мансуб халқ томонидан эъзозланиб келинган энг улуғ фазилатлар – иймон, инсоф, меҳр-окибат, шафқат ва раҳмдиллилик, уят ва андиша, ор-номус, ўзаро хурмат, юксак Ватанпарварлик, элига ва халқига садоқат каби қадриятларни ва гояларни мужассамлаштирган бўлишлари лозим.

Баркамол шахс қиёфасида қуидаги фазилатлар ўз аксини топади:

- ота-онаси, фарзандлари, кариндошлари, хуллас бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, маҳалла-қўйи, қишлоқдошлари ва халқ фаровонлиги, мамлакат ободлиги ва истиқболи учун қайғуриш;
- теварак-атрофдаги инсонлар унга керак бўлганлиги каби ўзи ҳам уларга керакли бўлишга интилиши;
- одоб-аҳлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблаш;
- ота-боболардан, аждодлардан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлаш;
- миллий қадриятларни эъзозлаш ва уларга содик бўлиб қолиш;
- ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг баркарор бўлиши;
- ўзаро муомала-муносабатда ўрнак бўлишга мойиллик, бироннинг оғирини енгил қилишни одат қилиш;
- умумхалқ маъқуллаган ва ҳукumat томонидан қабул қилинган Конституцияни хурмат қилиш ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатиш;
- Ватанини ҳимоя қилиш, бошқача айтганда, ҳарбий ватанпарварлик туйғулари билан яшаш;
- диёнат ва адолат, меҳр-шафқат ва эзгуликни ҳимоя қилиш;
- ваъдага вафоли бўлиш ва б.

Маънавий баркамол инсон шон-шуҳрат, мансаб, моддий бойлик кетидан қувмайди, моддий кийинчиликларга дуч келганда кадди букилмайди, баъзан уюширилган тухмату-фитналарга унинг рухини тушира олмайди. Демак, ҳар қандай шум тақдир ва кисмат покиза, мард, маънавий баркамол инсон маънавиятини буза олмайди, балки мустаҳкамлайди, чиникитиради. Юксак даражадаги маънавиятга эга инсон – фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанини қадрлаш, аждодларидан фаҳрланиш каби олижаноб фазилатлари билан

ажралыб туради. Инсоннинг инсондиги, биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади.

Оилада болаларни миллий рухда тарбиялаш йўллари. Маънавий ва маърифий баркамолликнинг кирралари ва мезонлари каторига мустакиллик тафаккури ва миллий ифтихор ҳам киради. Мустакиллик тафаккурини ҳар бир кишида шакллантириш ниҳоятда зарур. Токи, мустакиллик тафаккури, миллий ифтихор, гурур бўлмас экан, фидокорлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби хислатлар жўш урмайди.

Мустакиллик тафаккури кенг камровли бўлиб, у куйидагиларни ўз ичига олади:

- Ватан истиқболи ва истиқболи ҳақида қайғуриш;
- ҳалқи, юрти кадр-киммати, ор-номусини англаш ва буни ҳимоя килиш;
- бутун меҳнати, истеъоди, имкониятини, зарур бўлса жонини ҳам юрт истиқболи, ҳалқ баҳти учун баҳшида этиш ва б.

Мустакиллик бугунги кун ёшлирига аждодлар томонидан колдирилган улуг имконият, бой мерос, мукаддас туйғудир. Шундай экан уни ҳоҳ оила шароитида, ҳоҳ таълим муассасаларида бўлсин ташкил этиладиган таълим-тарбия жараённида ёшлар (болалар) онгига сингдириб бориш, уни асрарни ўргатиш максадга мувофиқдир. Бинобарни, бутунги кун ёшлари юрт мустакиллигини асраб-авайлаш ҳар бир фуқаро зиммасидаги шарафли бурч эканлигини англай олсин. Ота-оналар ҳам ўз навбатида оила мухитида фарзандларни юрт мустакиллигини ҳимоя килиш, асраб-авайлашни сўздагина эмас, балки амалда ҳам ўз хатти-ҳаракатлари намунасида тушунтира олишлари зарур. Бунда ҳар бир фуқаро, шу жумладан, ўқувчилар зиммасига юқлатилган энг оддий вазифалар, жумладан, ўқув фанлари асосларини чукур ўзлаштириш, билимларни пухта эгаллаш кабиларни муваффакиятли адо этиш юрт мустакиллигини мустаҳкамлаш. Ватан равнаки, юрт ободлигини таъминлашга қўшилган ҳисса эканлигини англатишга эътибор қаратишлари керак.

Юкорида айтиб ўтилганидек, шахс маънавий баркамоллигининг муҳим кўринишларидан бири – бу унинг миллий ифтихор туйгусига эгалиги саналади. Миллий ифтихор ўз ҳалкининг бир неча минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак

маънавияти, барча тарихий ютуклари ва сабокларига чексиз хурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашдир.

Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истиқболи учун кайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий гурур ҳам, миллат ва фахрланиш ҳам, миллатпарварлик ҳам бўлмайди. Бундай шахслар маънавий баркамол саналмайди.

Маънавий баркамол инсонни тарбиялаш қанчалик мураккаб бўлса-да, бироқ, бу мақсадга эришиш миллатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ривожини, юукларини кафолатлади.

Бугунги кескин ва мураккаб вазиятдан тегишли хуносалар чикариб олиш керак. Айни вақтда авангард бўла оладиган ёшларнинг сиёсий ташкилотини қайтадан тиклашни давр такозо этмоқда. Ушбу ташкилот ёшларни фидоий, фаол, бунёдкор бўла олишларида намуна кўрсата олиши, уларнинг эътиборларини майший икир-чикирлардан олий мақсадлар, улкан яратувчанликка қарата олиши зарур. Бу эса ўз навбатида оила шароитида ота-оналар томонидан вояга етмаган фарзандлар эътибори нимага қаратилганлиги, уларнинг онгода қандай гоялар мустаҳкам ўрин олганлигига қарата олишлари даркор. Ота-оналар ўз фарзандларини уларнинг раҳбарлигига ёки мустақил равишда ўзларида чинакам ватанпарварлик, байналмилаллик сифатларини тарбиялай олишлари учун зарур педагогик шарт-шароитни яратиб бера олишлари мухимдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, эса биз кўзлаган олий мақсад озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Оилада миллий тарбия воситаларидан фойдаланиш. Оила шароитида тарбия жараёнининг самарали кечишида ота-оналарнинг таъсирчан педагогик воситалардан фойдалана олишлари ҳам мухим аҳамиятга эга. Муаммони назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш натижасида оилада тарбияни амалга оширишда қуидаги тарбиявий воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилинди:

1) ҳалқ педагогикаси гоялари;

- 2) халқ оғзаки ижоди намуналари (эртаклар, топишмоклар, маколлар, афсоналар, достонлар, халқ күшиклари, панд-насиҳатлар, ўгитлар);
- 3) миллий ахлок-одоб, урф-одат, удум, қадриятлар, байрам ва маросимлар;
- 4) мутафаккирларнинг ўгит ва пандлари, таникли кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид ибратли мисоллар;
- 4) оиласвий анъаналар, удумлар (оила аъзолари учун аҳамиятли бўлган саналарни нишонлаш, ўтганларни ёд этиш ва х.к.);
- 5) сулола учун қадрли бўлган моддий ашёлар (ёдгорликлар, китоблар, сулола вакилларининг касб-корига даҳлдор бўлган буюмлар, бинолар, иншоотлар (жумладан, тегирмон, устахона) ва б.);
- 6) сулола ҳақида маълумот берувчи шажара;
- 7) сулола вакилларининг касб-корларига оид ҳаётий лавҳалар, хотиралар;
- 8) кекса авлод вакиллари, ота-оналар ҳамда катта ёшли оила аъзоларининг шахсий намунаси;
- 9) оила ва оила тарбиясига оид илмий, илмий-оммабоп ва оммабоп асарлар;
- 10) вакъти матбуот материаллари ва х.к.

Эзгу гояларни тарғиб этувчи ҳикоя боланинг маънавий камолотини таъминлашда муҳим ўрин туттади. Шу боис ҳар бир оиласнинг китоб жавонида эртаклар тўпламишининг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кейинги вакъларда Ўзбекистондаги нашриётлардан кўпгина кизикарли, эзгу гояларни тарғиб этувчи тўпламлар чоп этилди. Ёш болаларга ҳикоя килинадиган эртаклар мазмунан қисқартирилиши, баён услубининг ўзгартирилиши, эртакнинг тушунарли ҳикоя қилиниши уларнинг тарбиявий таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилади.

Эртакни танлай билиш катта аҳамиятга эга. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга деву-парилар, шайтон, ялмоғиз кампир, алвасти, ажина, сув париси ва шу каби образлар мавжуд бўлган эртакларни айтмаслик керак. Бундай эртакларни катта ёшдаги болаларга тавсия қилиш мумкин, негаки, улар бу вактда муайян даражада тафаккурга эга бўлиб, улар устидан эзгуликнинг, ижобий қаҳрамонларнинг голиб келишларига ишонишади. Қолаверса, улар эртакдаги турли деву парилар, ялмоғиз кампир ва бошқа салбий образлар эртакларга атайин киритилган образлар эканлигини, улар воситасида инсонларга

ёмонликни тиловчи ёт ғоялар ифодаланганлигини тушуниб етадилар. Кичик ёшдаги болалар эса деву парилар ва бошқа шу каби образларни ҳакикатан мавжуд деб қабул қилишлари мумкин, бунинг натижасида болада ваҳима уйгонади, кечалари яхши ухлай олмай, босинқираб чикишади.

Ёш болалар учун энг маъқул эртаклар – бу ҳайвонлар ва уларнинг ҳаёти. Фаолияти, хатти-харакатларига оид эртаклар саналади. Ўзбек халқ эртаклари хазинасида бундай эртаклар жуда кўп ва улар жуда таъсирчан эртаклардир. Худди шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат килувчи бошқа халқлар ҳам тарбиявий аҳамиятга эга эртакларга бой саналади.

Бола вояга етиб бориши билан кишиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларининг эртакларга кўчганлигини англай боради. Шу сабабли улар орасидан тарбиявий аҳамиятга эгаларини танлай олиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Насридин Афанди ҳакида кўплаб қизик латифалар мавуд бўлса-да, бироқ, улар орасидан кишини ўта аҳмоқ килиб кўрсатмайдиган латифаларнигина танлаган холда оила тарбиясида улардан фойдаланиш талаб этилади. Кичик ва ўрта ёшли болаларга эзгу ниятли қаҳрамонлар ёки болалар ҳалок бўладиган қайгули эртакларни ҳикоя килиш тўғри эмас. Аксинча, болаларни ҳаракатга ундейдиган, фаолликка даъват этадиган, ўз кучига ишончи ортадиган, ҳаётга ишонч билан карашга ўргатадиган эртакларни ҳикоя килиб бериш мақсадга мувофик саналади. Ёрдамга муҳтоҷларга қўмак беришни тарғиб этувчи эртаклар болаларда уларни нотавон ва ожиз кишилар экан, деган тасавурнинг ҳосил қилишига олиб кетмаслигига эътибор каратиш лозим. Зулм ва зўравонликнинг аянчли оқибатларини тасвиrlовчи эртак, кисса ва достонларни фақатгина катта ёшдаги болалар билан бирга ўкиш ва тинглаш педагогик жиҳатдан тўғри йўл хисобланади.

Болаларнинг хаёлларини бойитиши ва уларни майший ҳаёт, ижтимоий муносабатлар билан яқинроқ таништириш учун турли сурат ва тасвиrlардан фойдаланиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бунда факат болалар журнallаридан олинган расмлардан фойдаланибгина қолмай, балки ихтиёрий расм, гравюра ёки фотосуратларнинг кўчирмаларидан фойдаланиш мумкин. Асосий эътибор уларнинг мазмунан болаларнинг ёши, хусусиятларига мос бўлишига каратиш керак, холос. Одатда

болалар бундай расмларни томоша қилаётгандаридан ниҳоятда кўп саволлар берадилар, тафсилотларини, сабабларини билиб олишга қизиқадилар. Саволларга ҳамма вақт бола учун тушунарли қилиб жавоб бермок керак. Борди-ю, жавоб бериш мушкул бўлган савол берилса, у ҳолда: “Сен ҳали тушунмайсан, катта бўлганингдан кейин билиб оласан”, – дейиш лозим. Бу каби жавобларнинг ҳеч қандай зиёни йўқ, ҳатто бу жавоблар болаларни берилган саволга имкон даражасида жавоб беришга одатлантиради. Керакли расмларни “Фунча” ҳамда “Гулхан” каби бошқа журналлардан топиш мумкин.

Болалар учун китоб сотиб олишда йирик ҳарфлар билан чоп этилган, расмлари кўп, мазмуни тушунарли баён этилганларини танлаш зарур. Бундай китоблар болаларда ўқишига бўлган қизиқишини уйготади, шунингдек, савод чиқариш йўлидаги муайян қийинчиликларни енгишга ёрдам беради.

Савод ўргатишдан болалик ҳаётининг иккинчи даври – ўқиши ва билим орттиришга багишланган даври бошланади. Бу даврда бола ҳаётида мактаб энг мухим ўрин олади, аммо бундан асло, ота-оналар ўз болаларини тарбиялаш вазифасини унтиб, факат мактабгагина таянишлари мумкин, деган холосага келиш ярамайди. Аксинча, ота-оналар томонидан оиласда ташкил этиладиган маданий-маърифий ишлари, барча аъзоларнинг маданий муомаласи боланинг мактабдаги ўқиши учун, ўқишининг сифати учун, ота-оналари, ўртоклари ва мактаб жамоаси билан ижобий муносабатда бўлиши учун катта аҳамиятта эга. Газета, китоб, телевидение ва маънавий тарбиянинг қолган бошқа воситалари худди ана шу даражада жуда ҳам катта аҳамият касб этади.

Куйида ана шу воситаларнинг ҳар бири ва уларнинг тарбиявий имкониятлари хусусида батафсил сўз юритилади.

Боланинг саводи чиққач, газетанинг унинг ҳаётида мустаҳкам ўрин олишига эришиш керак. Ота-оналар болаларга мўлжалланган газеталардан бирига обуна бўлиши керак. Ушбу газетани улар болага эшиттирасдан ўқимасликлари, ҳар бирлари алоҳида газета билан танишиб чиқмасликлари лозим. Ҳар бир газетада болаларга маҳсус ўқиб бериш учун мўлжалланмаган бўлса-да, ҳар ҳолда уларнинг олдиларида овоз чиқариб ўқиш ва фикр алмашиш мумкин бўлган материал топилади, албатта. Агар газетадан ўқиган материал болалар учун

мұлжалланмаган бұлса, янада яхши. Бола барып кулок солади, агарда ота-оналар үзларини хотиржам тутишса, у шу қадар дикқат билан кулок солади. Халқаро ақвол, мустақиллик байрами, мамлакат чегарасидаги воеалар, фидой фукаролар томонидан құрсатылған қаҳрамонликлар, шаҳарларнинг қурилиши ва безатилиши, ижтимоий ҳаётга оид янги тартиб-коида ва қонунлар болаларнинг дүнёқарашини бойитиш билан бирга уларни шахслараро муносабатларга самарали тайёрлашга ёрдам беради.

Болалар вояга етган сари, айниқса, уларнинг үзлари үқишини ўрганған вактидан бошлаб, газетанинг улар ҳаётидаги аҳамиятини тобора оширишга эришиш лозим. Албатта, агар иложи бұлса оилдаги ҳар бир фарзанднинг ёш хусусиятларини инобатта олган ҳолда улар учун газета ва журналларига обуна булиш янада афзал ҳисобланади. Бирон сабабға құра бунинг иложи бұлмаса, ушбу ҳолат унчалик зиён келтирмайды. Чунки газеталарнинг баён услуги ҳар бир киши учун тушунарлы, шу сабабли уларда бола учун ҳам бирон-бир қызық материални ҳамма вакт топиш мүмкін. Ота-оналар шунга эътибор беришлари керак, газетани болаларнинг үзлари ҳам үқишин. Имкон қадар газетанинг ҳар бир бола учун ҳаёттій заруратта айлантириш мақсадда мувофиқ.

Бирок, айни ўринда шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар бир бола томонидан үқилған материал оила даврасида мұхокама қилиб боришлиши ёки ҳеч бұлмаганда бу тұғрида сұхбат уюштирилиши зарур. Мұхокама жараёнида ота-оналар унутмасликлари керакки, сұхбатлар расмиятчиликка айлантириб юборилмасин. Шунингдек, сұхбатлар учун алохіда соат ажратиб үтираслық ҳамда унга күп вакт сарф килмаслик лозим. Одатда оила даврасидаги сұхбатларнинг махсус сабоқ беришга асосланиши, әзмалик килиш, буйруқ, талаб охангіда сүзлаш болалар томонидан үқилған материалнинг тарбиявий таъсирчанлигини камайтиради. Шу боис үқилған материални мұхокама қилиш эркін сұхбат бұлиши, мунозаранинг самимийлик касб этишига дикқат қаратилиши керак. Агарда, бу каби сұхбатлар бирон-бир үй юмуши билан боглиқ равища ёки оила аъзоларидан биров айтган фикр баҳонасида “бекесдан бошланиб кетгудай” бұлса, у янада самарали уюштирилади. Борди-ю, сұхбатларни бошлаш учун яхши баҳоналар топилмаса, у ҳолда ота-оналар үз фарзандларигна “Хүш, бугун газетада

қандай кизик хабар чоп этилган экан?”, дея мурожаат қилишлари мумкин.

Катта ёшдаги болалар учун газета маданийликнинг, кичик ёшдаги ўғил ёки киз болалар учун эса ижтимоий ва табиий борлиқ моҳиятини англашга имкон берувчи восита бўлиб қолиши зарур.

Оила муҳитида фарзандларни китоб билан танишириш ҳам ота-она, ёши катталар томонидан овоз чиқариб ўқишда бошланиши керак. Фарзандларнинг саводи чиққандан кейин ҳам иложи борича ота-она ва катта ёшли оила аъзоларининг овоз чиқариб китоб ўқишилари оила тарбиясининг энг самарали усулига айланиши зарур. Шунга эришиш зарурки, китоблар мутолааси кунлари болалар учун байрам каби кун бўлиб қолсин. Бунга эриша олиш ота-оналарнинг энг катта ютуги бўлган бўларди. Аста-секин авваллари ота-оналар томонидан асарларнинг ўқиб берилиши ўрнини кейинчалик фарзандларнинг ўзларига топшириш керак. Жараённинг самарали бўлиши қуидагича йўл тутилишига bogлиq:

- 1) ота-она томонидан асарларни маҳсус ўқиб беришда дастлаб боланинг тингловчи бўлишига ўргатиш;
- 2) аста-секин асарларнинг ота-она ёки ёши катта оила аъзоларининг болалар билан биргаликда, ўзаро ҳамкорликда (муайян саҳифаларни навбатма-навбат) ўқишига эришиш;
- 3) ўқилган асарни оила даврасида жамоа бўлиб муҳокама қилиш;
- 4) асар юзасидан ўзаро фикр алмашишга эришиш.

Оила даврасида фарзандларнинг бадиий асарларни мутолаа қилишга бўлган кизиқишини жамоа асосда ривожлантириш ҳамда уларда ўқилган асарга танқидий ёндашиш, баён этилган воқеликдан хулоса чиқариш, қаҳрамонларнинг ижобий фазилатларини ўзлаштиришга интилиш кўнникмасини тарбиялаш мақсадга мувофиқдир.

Ота-она ва оиласининг катта ёшли аъзолари ўзлари намуна кўрсатиш орқали болаларда секин-аста уларнинг ўзлари мустакил равишида иштиёқ билан бадиий асарларни ўқишига бўлган кизиқишиларини оширишига зътибор каратишлари оила тарбиясида юксак самарадорликка эришишни кафолаттайди. Болаларнинг, айниқса, катта ёшдаги болаларнинг бадиий асарларни мустакил ўқишилари мактаб таълими жараённида яна мустаҳкамланади. Аммо ота-оналар шу унутмасликлари керакки, агарда болаларнинг бадиий китобларни

мутолаа қилишларига оила шароитида эътибор каратилмас, болаларда бу борадаги дастлабки кўникмалар шакллантирилмас экан, таълим муассасалари бу борада ҳеч бир натижага эриша олмайди.

Айни ўринда ота-оналарнинг эътиборларига фарзандларни оила шароитида китоб, хусусан, бадий асарларни мутолаа қилишга ўргатиш юзасидан кўйидаги тавсияларни ҳавола этиш мақсадга мувофиқдир:

а) ота-оналар болалар томонидан бадий асарлар ва маҳсус адабиётларни танлашни назорат қилиб боришлари керак, зеро, болаларнинг ёш ва психологияк хусусиятлари, дунёкараши, билим даражасига мос бўлмаган адабиётлар, асарларни мутолаа қилишлари уларда нотуғри тасаввурларни ҳосил қиласди, қолаверса, вакъларининг бехуда сарфланишига олиб келади.

б) оиланинг катта ёшли аъзолари, хусусан, ота-оналар болаларнинг бадий асарлар, маҳсус адабиётларни қандай ўқишиларидан хабардор бўлишлари лозим; улар болаларни китобларни ўқишида уларнинг мазмунига эътибор бермай, сахифама-саҳифа тез-тез ўқишидан, қизикарли воқеаларни юзаки кузатиб боришдан сакланишига ўргатиб боришлари керак;

в) ота-оналар ва оиланинг катта ёшли аъзолари болаларни китобларни эҳтиёт қилиб тутишга одатлантира олишлари зарур.

Болалар китобхонлиги масалаларини ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, ота-оналар китоб танлашга кўпинча яхши эътибор бермайдилар. Бундан ташқари, болалар учун лотин алифбосида ёзилган китоблар ҳали кам. Ҳар ҳолда, китобга доир ҳамма масалалар юзасидан ота-она ёки кутубхоначидан маслаҳат олиш мумкин ва ҳеч ким бундай маслаҳат боришдан бош тортмайди.

Телевидение ва радио, улар орқали намойиш этиладиган кино, видео фильмлар, театр спектаклари, дам олиш дастурлари нафакат болаларни, балки катталарни ҳам тарбияловчи таъсирчан воситалардир. Бирок, замонавий шароитда суратга олингаётган кино, видео фильмлар, телесериаллар, саҳналаштирилаётган театр томошаларини ҳам бирдек тарбиявий аҳамиятга эга деб бўлмайди. Аксарият кино, видео фильмлар, телесериаллар эса ўзбек ҳалқига хос миллий менталитетга зид ғоя, қарашлар билан бойитилган, айримлари эса “оммавий маданият” кўринишларини тарғиб қилишга мўлжалланган бўлиб, улар болалар

онгига салбай фикр, хулкида эса ахлоқсиз сифатларнинг шаклланишига замин яратади.

Шу сабабли ота-оналар кино, видео фильмлар, телесериаларнинг давлат киностудияларида яратилганлиги ёки давлат буюртмаси билан тайёрланганлигига эътибор каратишлари зарур. Бинобарин, бу каби санъят маҳсулотларигина ўзида миллий гоя ва мафкура тамойилларини тарғиб этиш билан бирга, миллий қадриятларни тарғиб этишга хизмат килади. Уларни томоша қилган болалар ўзлари учун зарур бўлган “маънавий озуқа”га эга бўладилар.

Янги тараккӣёт даврида яратилган кино, видео фильмлар, телесериаларнинг деярли барчаси бадиий жиҳатдан юксак бўлиб, улардан оила тарбиясини ташкил этишда фойдаланиш кутилган натижаларни кафолатлайди. Шунга қарамай, ота-оналар болаларни кино-театрларга олиб боришдан бутунлай воз кечмасликлари, уларни назоратсиз қолишларига йўл қўймасликлари керак.

Ота-оналар, аввало, болаларнинг кинофильмга бўлган муносабатларига эътибор каратишлари керак. Баъзан шундай ҳоллар бўладики, боланинг фикри-ёди кинода бўлиб қолади. Намойиш этиладиган кино, видео фильм ёки телесериални деб болалар бошқа вазифаларни, жумладан, дарс тайёрлашни ҳам унтиб қўядилар. Бирорта ҳам фильмни қолдирмай кўрадилар, вақтларини асосий кисмини телевизор каршисида ўтказадилар.

Телевизорни кўп қўриш бир талай заарли оқибатларга олиб келади. Масалан:

- 1) доимий кам ҳаракатлилик тана вазнининг ошишини таъминлайди;
- 2) кўриш гигиенасига риоя қилмаслик кўзни толиктиради;
- 3) болаларнинг миёси муҳим-номухим, керак-нокерак ахборотларни камраб олади, бунинг оқибатида мия толикиб, бош оғриғи юзага келади;
- 4) телевизорни доимий томоша қилиш болаларда иштиёқсизликни юзага келтиради, натижада улар аста-секин ҳар бир фильмни завқсиз томоша қилишга одатланишади; бора-бора болалар картинани шунчаки кузатиб ўтиришга ўрганадилар; бу эса болаларни фикрлашга ундумайди; фильмга нисбатан ҳеч бир савол юзага келмайди. Бу тарика фильм кўришнинг фойдаси жуда кам бўлади, баъзан эса катта зарар ҳам келтиради. Шу сабабли юқорида айтиб ўтилганидек, ота-оналар кино,

видео фильмлар, телесериалларни томоша қилишда йўл-йўрик кўрсатиб, раҳбарлик қилиб туришлари зарур.

14-15 ёшгача бола бадиий ёки видеофильмларни ота-оналари ёки опа ва акалари билан бирга кўргани маъқул. Бу нафақат болаларни назорат қилиш шакли бўлиб қолмай, балки, кўпроқ, биргалашиб китоб ўкиш тўғрисида берган тавсиямизда кўзланган максад учун зарурдир. Ҳар бир фильм оилада ҳеч бўлмаганда бир неча минут муҳокама ва музокара учун мавзу бўлиши керак. Ота-оналар бу тўғрида боланинг ҳам ўз фикрини баён қилишига, унга нима маъқул бўлиб, нима маъқул бўлмаганини, нимаси қаттиқ таъсири этганини гапириб беришига эришмоклари керак. Агар бунда ота-оналар болани фақат ташки ҳодисалар, сюжетнинг қизиқлиги, кино қаҳрамонининг саргузаштларигина қизиқтираётганини пайқасалар, бир-икки савол ёрдамида унинг эътиборини кинофильмнинг мазмунига қаратишлари лозим. Баъзан, ҳатто болага ҳеч қандай савол бермай, фақат унинг олдида ўз фикрингизни айтишингизнинг ўзи ҳам кифоя қиласди.

Болаларнинг қандай фильмни кўришлари кўпроқ маъқул эканини ота-оналар ҳал қилиши керак. Бирон картинани илгарироқ кўрган ва у тўғрида баъзи нарсаларни айтиб бера оладиган шахсни деярли ҳар вакт учратиш мумкин. Баъзи картинанинг мазмуни болага оғирлик қиласди, бола ундан ҳеч нарса тушунмайди, бошқа бир хилларининг мазмуни болага акс таъсири қилиши мумкин, учинчи бир хилларида боланинг англаши учун ҳали жуда эрта бўлган муҳаббат ёки тиббиётга доир мавзулар кўрсатилади. Болаларни бундай лавҳаларни кўришдан сакланиш керак. Ўз-ўзидан равшанки, картина танлашда боланинг аҳволини ҳам, мактабдаги ўқишини, хулқини ҳам инобатга олиш керак.

Оила тарбияси самарадорлигини ошириш ва бу йўлда мувваффақиятларга эришиш омилларидан яна бири ота-оналарга мўлжалланган тарбиявий мазмундаги буклетлардир. Буклетлар мазмунида ҳаётийлик, бугунги кун қиёфаси акс этиб туриши керак. Ана шунда уларнинг таъсири кучи юкори бўлади.

Оилада жамоа бўлиб газета ва журналларни мутолаа қилиш болаларнинг жамиятда рўй берадиган ижобий ўзгаришлар, эришилаётган ютукларни тўғри англаш, Ватан ҳимояси йўлида жон берган фидоийлардек бўлишшага интилиш ҳиссига эга бўлишларига ёрдам беради. Мамлакат спортчиларининг ҳалқаро мусобақалардаги

муваффакиятлари, мусика фестиваллари ва бошқа оммавий тадбирлар түгрисидаги маълумотларни ўзлаштиришга бўлган қизикишларини ривожлантиради. Ота-оналар болаларни дастлаб у ёки бу мазмундаги хабарлар оламига олиб киришлари ва аста-секин уларни мустақил мафкуравий маълумот олишга ўргата боришлари керак.

Одатда оиласда ташкил этилган ҳар бир маънавий-маърифий тадбирлар бўйича кундалик ёки хотира дафтарларини юритиш, дўстлар билан хат ёзишиш, болаларни сайр ёки саёҳатга олиб чикиш, болаларнинг маҳалла, ҳовлини обод килиш ишларида иштирок этиши, турар-жой уйларининг ҳовлиларидағи болаларни уюштириш, учрашувлар, ўйинлар, сайрлар ва бошқа шу кабилар тадбирларни ташкил этиш ҳам болаларни оила муҳитида атрофдагилар – қўни-қўшнилар ёрдамида, уларнинг ибратлари воситасида самарали тарбиялаш имконини беради.

Уй шароитида болалар томонидан миллий ахлоқ талабларини ўрганишларига эришишда ҳам тарбия методларини танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунга уларнинг нафакат мазмунига, балки шаклига ҳам зътибор бериш керак. Ҳар бир ишда болаларнинг фаол бўлишларига эришиш лозим, уларда факат қўриш ва эшлиш малакасинигина тарбиялаб қолмай, балки истак, хоҳиш, қизикиш, ғалабага интилиш, тўсқинликларни енгиш, ўзига ўртокларини ва кичик болаларни жалб кила олиш малакаларини ҳам тарбиялаб бориш талаб этилади.

Уй-рўзгор юмушларни турли методлар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Бу ҳолат ўз-ўзидан болаларни ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан фикрлашга, ўйлашга мажбур қиласди. Оила шароитида бажариладиган ишларнинг барчасини доимо маданий фаолликдан ижтимоий-сиёсий фаолликка айланиб боришига эриша олиш лозим. Зеро, шундагина болалар ўзларини шу жамият аъзоси эканлигини тобора чуқур хис қилиб боради ва самарали меҳнат қилиш қўнималарини ўзлаштиридилар.

Собиқ Иттифоқ даврида болалар тарбиясига нисбатан умумий, мавҳум, яъни, “совет ўқувчиси”, “совет боласи”ни тарбиялашга йўналтирилган талаблар қўйиб келинди. Болаларнинг камолотига қўйиладиган миллий талаблар уларда шахсий имкониятларига бўлган ишончни юзага келтиради, шахсий ҳаётининг жамият ижтимоий ҳаёти билан узвий алокадорлик ва боғликликда кечиши борасидаги қарашни

карор топтиради, шунингдек, оиланинг муқаддаслигини тушуниш, унинг шаъни, обрўси учун курашиш оддий инсоний бурч эканлигини англашга имкон беради. Ота-оналар билан болалар ўртасида самимий муносабатни ўрнатиш оила тарбиясини самарали ташкил этишнинг асосий шартларидан биридир.

Миллатпарварлик миллий мустақиллик шароитида халкнинг ижтимоий-гоявий бирлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган фазилат бўлиб, у жамият фуқароларининг манфаатлари учун курашишни ифода этади.

Шундай қилиб, болалар билан ишлашнинг бошланғич даврида ота-оналарнинг талабчанлиги уларни фойдали фаолиятга йўналтириш, шунингдек, номаъқул, бефойда харакатларнинг олдини олиш ҳамда тұхтатишнинг муҳим омилларидан бири саналади.

Бугунги кунда оила тарбияси жараёнида миллий истиқбол талаблари асосида болаларда муайян сифатларни тарбиялашни ижтимоий максадга айлантириш талаб этилмоқда. Бу йўлда қўлланиладиган методлардан бири – болаларда истиқболга ишончни ҳосил қилиш хисобланади.

Истиқболга бўлган ишончни ҳосил қилиш болалар билан бирга муайян тадбирларда иштирок этиш, биргаликда истироҳот боғи ёки меҳмондорчиликка боришдан иборат бўлиши мумкин. Мазкур методни ҳар бир боланинг ҳаётий эҳтиёжи, талабини инобатга олиш асосида қўллаб, кейинчалик уни ривожлантириб, оиласвий, ҳатто, умуммиллий муносабатлар даражасигача кўтариш мумкин.

Агар ота-оналар болаларга истиқболни маълум кўрсатмаларсиз тушунтирулар, улар ижтимоий, умуммиллий максадларни шахсий максадлар сифатида қабул киладилар. Бунинг оқибатида келажакда улар томонидан амалга оширилаётган фаолият шахсий манфаатларга асосланиб қолиши мумкин. Борди-ю, болаларнинг истиқбол максадлари ижтимоий аҳамиятга эга бўлса, уларнинг фаолиятлари мазмунли бўлиш билан бирга, уларнинг фаолиятини бошқариш муайян натижаларнинг кафолатланиши асосида кечади.

Шунинг учун болаларда истиқболли, яъни, шахснинг қизиқиши ва интилишларига дахлдор ҳолда уни ижтимоий фаолиятни ташкил этишга ундейдиган мақсадни шакллантириш педагогик жихатдан энг тўғри йўлдир.

Болаларда келажакка бўлган ишончни шакллантириш ўсмир шахсига таъсир кўрсатишининг таъсириchan методи бўлиб, унинг ёрдамида зерикарли, узок муддатли фаолиятни ҳам мароқли жараёнга айлантириш, уни янги мазмун билан тўлдириш имконияти юзага келади.

Келажакка бўлган ишонч – бола фаолиятини аниқ мақсадга йўналтириш, уни завқли жараёнга айлантиришга ёрдам берувчи восита хисобланади. Истиқбол ёшларнинг ички эҳтиёжларига жавоб бериб, бу эҳтиёжларни миллий истиқлол ғояси талаблари, ижтимоий мақсад ва вазифаларга мувофиқ ривожлантиришга замин яратади. Истиқболнинг шахс ва миллат манфаатларига мос келиши – муваффақият гаровидир. Бу коида нафакат оила тарбияси, балки болаларнинг ҳар қандай фаолиятига таалтуқлидир.

Маълумки, бажарилиш муддатига кўра якин, ўрта, узок ҳамда иштирок этувчи субъектлар таркибига кўра – жамоа, гурӯҳ ва шахсий истиқбол фарқланади. Бироқ, истиқболни турлар бўйича эмас, балки фаолият сабабларига кўра ҳам фарқлаш мақсадга мувофиқ. Истиқбол қанчалик ёрқинроқ ва мазмунлироқ бўлса, унга мувофиқ келувчи сабаблар шунчалик асосли ва мураккаб бўлади. Истиқболнинг аниқ ифодаланиши инсон хатти-ҳаракатларининг умумий йўналиши ва характеристерини белгилаб беради. Яъни, истиқбол ҳаракат мотиви, сабабини шакллантириш ва ривожлантиришнинг манбаи бўлиб хизмат қиласи.

Шахснинг ёши қанчалик катта бўлса, истиқболнинг зарурати шунчалик жиддий ва мураккабликка асосланади. Бироқ, кичик ёшдаги болалар томонидан англанаётган яқин истиқбол ҳам фақатгина ёқимли омиллар асосида бўлишининг олдини олиш лозим.

Истиқбол, шунингдек, ташкил этилиши зарур бўлган фаолиятнинг мураккаблигига кўра ҳам фарқланади. Чунончи:

- а) қийинчиликларни енгишни талаб қилмайдиган истиқбол;
- б) қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ бўлган истиқбол.

Қийинчиликларни енгишни талаб қилмайдиган истиқболлар кўнгил очувчи истиқболлар сифатида тавсифланади. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида кенг кўламли ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган мавжуд шароитда ижтимоий меҳнат фаолиятини ташкил этишда оммавий сафарбарликка эришиш, бу йўлда юзага келаётган қийинчиликларни ҳамжиҳатликда бартараф этишга

алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Ўйин ёки кўнгил очар тадбирлар йўналишини ҳам энг муҳим ижтимоий мақсад асосида белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Агарда яқин истиқбол ўзига хос мураккабликка эга бўлса, у ҳолда умумий “лойиха”да ўрта истиқбол вакт нуктаи назардан бир қадар орқага сурилиши ва унга мувофиқ ташкилий тадбирларни белгилаш тақозо этилади.

Узок истиқболни белгилаш энг кийин ва муҳим вазифалардан биридир. Тажрибали ота-оналар болаларнинг келажагини доимо жиддий ва асосий мақсад сифатида тан оладилар.

Болаларнинг истиқбол ҳаётий мақсадларини Ўзбекистон Республикасининг равнақи йўлида меҳнат қилишдек ижтимоий мақсад билан уйғунлаштириш оила тарбиясининг муҳим таркибий қисмига айланишига эришиш бугунги куннинг долзарб вазифаси хисобланади. Истиқболни аниқ англаш болаларда шахсий манфаатларини миллат манфаатлари билан мувофиқлаштиришга имкон беради, бунинг натижасида уларнинг бузғунчи, ёт гоялар таъсирига тушишларининг олди олинади.

Собик шўро педагогикасида тарбия жараёнини тўла бошқариб бўлмас эди. Бунинг асосий сабаби номиллий, синфий педагогика гоялари жамият томонидан тўлақонли қабул қилинмаганligидадир. Бу борадаги зиддият шахснинг миллий муҳитдаги манфаатлари тўқнаш келиб, унинг ривожланишига салбий таъсири кўрсатарди. Шу боис оила тарбияси жараёнини ташкил этишда шундай воситаларнинг танланиши талаб қилинмоқдаки, улар боланинг ҳар томонлама етук, баркамол ва эркин шахс сифатида камол топишига хизмат қилсин.

Тарбия жараёнини самарали бошқаришда шахс томонидан муайян педагогик андоза (намуна ёки идеал)нинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Мақбул педагогик андоза (намуна ёки идеал)ни ўзлаштириш шахс эҳтиёжларига мутаносиб бўлиши зарур.

Намуна (ёки идеал)нинг шахс фаолиятида ўз инъикосига эга бўлиши тарбия, шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаш жараёнларини бошқаришда самарали йўллардан фойдаланиш имкониятларини очиб беради. Ўз-ўзини тарбиялашнинг бундай кўринишини истиқболли намуна деб аташ мумкин.

Тарбия жараёнини муваффакиятли бошқаришнинг гарови истиқболлар, биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган жамоа истиқболларини илгари суришдан иборатdir. Бу жараёнда амал килиниши зарур бўлган шарт истиқбол моҳиятини секин-аста мураккаблаштириб бориш, унинг вақти жихатидан узоклашуви, шунингдек, шахсий, оила ва миллат истиқболларнинг ўзаро уйғунлигига эришишdir. Педагогик намуна шахснинг эҳтиёjlари билан уйғун бўлгандагина фаолиятнинг ички мазмуни бўлиб қолади. Истиқбол мазмунан такомиллаштирилиб борилмас экан, моҳиятан бир хил, оддий истиқболларнинг тез-тез тақрорланиши болаларда ҳафсаласизлик ва уқувсизликни келтириб чиқаради. Бунинг натижасида тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёнини бошқариб бўлмайдиган бўлиб қолади.

Истиқболни кўrsatiш методи таъсир кучини ошириш учун тарбияланувчиларнинг ўз ота-оналарига ҳамда ота-оналарнинг таълим муассасаларида йўлга қўйилаётган педагогик фаолият, унинг мазмуни ва йўналишига бўлган муносабатлари даражасини ўрганиш талаб этилади.

Демак, ота-оналар ҳамда болалар ўртасида самимий, ўзаро ёрдам ва ишончга асосланувчи муносабатларни ўрнатиш оила тарбияси жараёнини самарали бошқаришга ёрдам берувчи соглом оиласи мухитни яратади. Оила тарбияси жараёнини бошқариш шахснинг ўз-ўзини ғоявий тарбиялашни ташкил этишининг зарур шартиdir. Ўз-ўзини тарбиялаш жараёни, шунингдек, бола психологиясининг жамият мағкураси асослари билан бойитиб борилар экан, пировард натижада унинг йўналишини шарт қилиб қўяди.

Назорат саволлари:

1. “Миллийлик” ва “миллий руҳда тарбиялаш” тушунчалари қандай маънони англатади?
2. Оиласи болаларни миллий руҳда тарбиялаш қандай аҳамиятга эга?
3. Сизнингча, миллий гурур нима?
4. Баркамол шахс ўзида қандай сифатларни акс эттира олиши зарур?
5. Оиласи болаларни миллий руҳда тарбиялашнинг қандай йўллари мавжуд?

6. Оилада миллий тарбиянинг кандай воситаларидан фойдаланиш мумкин?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси оилани мустахкамлаш бўйича Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 кабул килинган Қарори.

2. О.Ҳасанбоева ва б. Оила педагогикаси. – Тошкент: “Алоқасҳи”, 2007.

3. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гуур / Ўкув қўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999.

4. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009.

5. Куронов М. Оила тарбияси. – Тошкент: Маънавият, 2007.

Амалий топшириқлар:

1. “Кластер” методи ёрдамида жамоа бўлиб, баркамол авлод портретини яратинг.

2. Оилада болаларни миллий руҳда тарбиялашнинг йўллари бўйича баҳс-мунозара ташкил этинг. Баҳс-муноазарада илгари сурилган гоялар асосида оилада болаларни миллий руҳда самарали тарбиялашга оид амалий тавсияларни ишлаб чиқинг.

3. “ФСМУ” стратегияси ёрдамида оилада болаларни миллий руҳда самарали тарбиялашга хизмат килувчи воситалар ва уларнинг можиятини ёритинг.

Амалий топшириқларни бажариш юзасидан услубий қўрсатмалар:

1. Топшириқни бажаришда талабалар жамоа бўлиб ишлайдилар. Ўқитувчи кластерлар ёрдамида баркамол авлод портретини яратиша академик гурухдаги ҳар бир талабанинг фаол бўлишини назорат килиб бориши лозим. Портретни шакллантириш жараёнида талабалар томонидан билдирилган ҳар бир фикр инкор қилинмайди. Бирок, портретнинг якуний вариантини таҳлил қилишда ўзаро ўхшаш ёки бир-бирини такрорловчи сифатлар олиб ташланиши мумкин.

2. Талабалар топшириқни бажаришда мавзуга оид билимлари, ўз отаоналарининг фаолиятлари ва тажрбаларига таянадилар. Ишлаб

чиқилган амалий тавсияларнинг оиласи тарбия самарадорлигини оширишдаги аҳамияти инобатга олиниши лозим.

3. Топширикни бажариш учун талабаларнинг эътиборларига оиласа болаларни миллий руҳда самарали тарбиялашга хизмат қилувчи воситалар ва уларнинг моҳиятини кўйидаги жадвал тавсия этилади:

ТНР	Воситалар	(Ф)	(С)	(М)	(У)
1.	Ота ёки онанинг сўзи				
2.	Ота ёки онанинг намунаси				
3.	Оила даврасидаги сұхбат				
...					

Изоҳ: шартли белгилар қўйидаги мазмунни англаатади:

(Ф) – фикрингизни баён этинг;

(С) – фикрингизни асословчи бирон сабабни кўрсатинг;

(М) – кўрсатилган сабабнинг асосли эканлигини исботловчи мисол келтиринг;

(У) – фикрингизни умумлаштиринг!

ОИЛАДА БОЛАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ

Режа:

- “Мулокот” тушунчасининг моҳияти.
- Оиласи шахслараро мулокот услублари ва уларнинг ўзига хоссликлари.
- Оиласи болалар билан мулокотни йўлга қўйишининг ўзига хос педагогик-психологик жиҳатлари.

Таянч тушунчалар: мулокот, мулокот услублари, оиласи муносабатларда қўлланиладиган мулокот услублари, оиласи болалар

билин мулокотни йўлга қўйиш, оиласда болалар билан мулокотни йўлга қўйишининг ўзига хос педагогик-психологик жиҳатлари.

“Мулокот” тушунчасининг моҳияти. Оила инсон учун мукаддас маскан, кишилик жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Оилавий турмушнинг асосий мақсади - бу фарзанд кўриш орқали аҳолини қайта тикилаш, авлодлар билан аждодлар ворислиги ва давомийлигини ҳамда ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлашдан иборатdir.

Дарҳақиқат, оила ҳар бир шахсда илк ёшлигидан бошлаб шаклланадиган инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, қадриятлар такомил топадиган, минг йиллар давомида шаклланган ўзбек ҳалқининг қадриятлари ва маънавий мероси равнақини таъминловчи тарбия масканидир. “Ҳалоллик, ростғўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оиласда шаклланган”. Бола шаклланишининг илк мактаби эса отонанинг ўзаро муносабатлари мажмуи бўлиб ҳисобланади. “Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда она сиймоси шаклланади. Оила мукаддаслигини таъминловчи биринчи омил – она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру-муруввати, садоқати ва вафодорлигидир”. Ота-оналар муносабатларда намоён бўлувчи ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий тоифадаги қадриятлар уларнинг ўзаро муносабатларида уйғунлаша бориб, оиласда ўзаро муносабатлар маромини вужудга келтиради. Оиладаги ушбу ижтимоий жараён ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий турмуш ҳакидаги тасавурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амалиётда риоя этишнинг тўғри йўл-йўриклиарини кўрсатади. Ёш авлоднинг маънавий киёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати, хулк-атвори дастлаб оиласий муносабат маданиятида шаклланади).

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, оилавий муносабатлар маданияти шарқ ҳалкларида жуда қадимдан ривожланган ижтимоий воқелик эканлигини кўрсатади. Қадимги ҳалклардан қолган асори-атикаларда, мукаддас диний манбаларда, ўзбек ҳалқининг оғзаки ижоди дурданаларида, шарқнинг буюк мутафаккирларининг асалларида шарқ ҳалклари, хусусан ўзбек ҳалқига хос оиласий шахслараро муносабатларда намоён бўладиган одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари,

инсоний фазилатлар ифодаси тұғрисида кимматли маълумотларни учратиш мүмкін. Манбаларда оиласиз инсоний ҳәётни тасаввур қилиб бўлмаслик, баркамол фарзанд тарбияси, ундаги эр-хотин ва ўзаро муносабатлар маданияти, баҳтли ва фаровон турмуш кечириш йўллари, ҳәётй мисоллар ёрдами билан ҳикматлар ва насиҳатлар кўринишида баён этилган. А.Фитрат интизомлиликнинг ижтимоий моҳиятини таърифлар, ўзининг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асарида шундай деб ёзди: “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззат, албатта, шу ҳалқнинг ички интизом ва тотувлигига боғлик. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оиласарининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли қўмутгазам бўлади”⁹⁹.

Ўз-ўзидан равшанлашадики, оиласий тартиб-интизом муаммолари унинг хуқуқий вазифаларини белгилайди. Бунда энг муҳими, оиланинг ҳар бир аъзосига хос ички интизом маданияти, ўз бурчи ва маъсулиятинианглаши билан бирга улар оиласий муҳитда ўз ўрнини белгилай олиши, оиласий муносабатларни ҳурмат қила билиши, оила иқтисодий имкониятларини ҳисобга олиши, оила шаънини шарафлаши, хуллас, оиласа ўз шахсий ҳаловатини ҳис қилмоқ учун ҳалол ва самимий бўлмоққа эришиши зарур¹⁰⁰.

Оиласий турмуш билан жамият тараккىётининг доимий муштараклиги туфайли жамият тараккىётининг барча даврларида ҳам оиласий муаммолар унинг илгор вакиллари дикқат-эътиборида бўлган. Оиласий ҳәёт жамият тараккىётида ва фарзандларнинг камолоти учун шу қадар муҳимки, худди шу боис уни бирор сония ҳам дикқат-эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Республика психологлари томонидан ўзбек оиласарига хос муаммоларни ўрганиш юзасидан бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Ана шу илмий ишларда оила-никоҳ муносабатлари, ёшларни оиласий ҳәётга тайёрлаш, ўзбек оиласаридаги миллий ўзига хослик, ундаги низолар ва уларни келтириб чиқарувчи муҳим сабаблар, ажralишлар ва уларнинг салбий асоратлари каби бир қатор масалалар ҳар томонлама ўрганилиб таҳлил қилинган.

Бироқ, юқоридаги илмий изланишларда оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик

⁹⁹ Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблар. –Тошкент: “Маънавият” натриёти. 1998. – 53-бет.

¹⁰⁰ Сафаров О. Маънудов М. Оила маънавияти. –Тошкент: “Маънавият” 2009. – 247-бет.

хусусиятлари махсус тадқикот предмети сифатида ўрганилмаган. Аслида оилавий турмушда юзага келадиган муаммолар, ҳатто оиланинг бузилиши ва унинг салбий асоратлари, ҳамма-ҳаммаси ундаги шахслараро муносабатлар таъсирининг натижаси эканлигини ҳеч қачон унумаслигимиз керак. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, оила баркарорлиги, баҳтли ва фаровон турмуш кечириш, албатта, шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий-психологик хусусиятлари билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфайли, айнан шу муаммо юзасидан илмий тадқикот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Оилавий муносабатлар фарзандларнинг ақлий, руҳий камолотини таъминлаб, ота-оналарда ўзига хос фаолликни ҳам юзага келтиради. Хусусан, фарзандларнинг бевосита таъсири туфайли уларнинг қизиқиши ҳамда фаолиятлари доираси кенгаяди, ўзаро алоқалари мазмунан бойиб боради, реал ҳаёт моҳиятини чуқурроқ англаш, яъни, фарзандлар камолоти, келажаги тимсолида ўз умри давомийлигини куриш ҳолати рўй беради.

“Мулокот” тушунчаси лугавий жиҳатдан араб тилидан таржима килинганда “учрашиш”, “кўришиш”, “қабул килиш”¹⁰¹ деган маънони англатади. Мазмунан эса мулокот “икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўзаро бир-бирига таъсири этиши” хисобланади.

Ҳар бир шахс “мулокот жараёнида ижтимоий тажриба, таълимтарбия, турли муносабатлар, ахлоқий меъёрлар гоя ва мафкура омиллари таъсирида яшаб ижтимоийлашади ва шахс сифатида камолотга етади. Кишилар ўртасидаги ўзаро мулокот педагогик-психологик фанларнинг асосий категорияларидан бири хисобланиб, у ўз ичига шахслараро муносабатнинг энг муҳим механизмларини қамраб олади”¹⁰².

Мулокот – 1) кишиларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирларига таъсири кўрсатишлари кишилар ўртасидаги алоқани тиклаш ва ривожлантириш жараёни;

¹⁰¹ Ўзбек тилининг изоҳи луҳати. Е – М / 5 жилдли. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳрир хайъати Э.Бегматов ва б. – Тошкент “Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси” Давлат илмий нашриети. 2006 – 636-бет.

¹⁰² Халиков А. Педагогик маҳорат – Тошкент Фан. 2010. 425 б.

2) кишиларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиши асосида улар ўртасида рўй берадиган ахборот алмашинуви¹⁰³.

Психология фанида муомала категорияси кенг маънода тушунилади хамда хамкорлик фаолиятининг ички алоқасини мужассамлаштириб, ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатни акс эттиради ва ижтимоий процессуал фаолиятни ифодалайди.

Оила шароитида ота-оналарнинг ўзлари атрофдагилар билан ижобий мулокот кила олиш кўникмаларига эга бўлишлари хамда фарзандларда хам жуда ёшлиқдан мулокот маданияти сифатларининг шаклланиб боришига эътибор каратишлари зарур.

Мулокот маданияти – юксак даражадаги мулокот кўникмаларига эгалик¹⁰⁴.

Аксарият ҳолатларда мулокот маданияти “коммуникативлик” (“мулокотга кириша олиш”) тушунчаси билан ҳам ифодаланади. **Коммуникативлик** – шахсларо мулокот маданиятига эга бўлиш, болани тинглаш ва эшиши қобилияти, муомалага кириша олиш ва алоқа ўрнатиш, ахборот тўплаш, турли ижтимоий муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантириш, боланинг вербал ва новербал хулқатворини кузатиш¹⁰⁵.

Оилада болалар билан мулокот деганда, ота-она ва болаларининг ўзаро мулокотга кириши тизими тушунилади, унинг асосий мазмуни ўзаро ахборот алмashiш, шахсни билиш, тарбиявий таъсир ўtkазish саналади. Ота-оналар бу жараённи фаоллаштирувчили сифатида майдонга чиқади, уни ташкил этади ва бошқаради.

Болалар билан оиласидаги мулокотнинг тарбиявий аҳамияти, ота-онанинг болалари билан фаол мулокотга кириша олиши тарбия жараённида уларни билиши ва ўрганиш қалити ва тарбиявий фаолиятининг ижодий характеристики, бола шахсининг шаклланиши учун энг яхши шароит яратадиган, тарбияда мақбул бўлган эмоционал мухитни таъминловчи, жумладан, руҳий психологик тўсикларнинг пайдо бўлишини олдини оладиган, болаларда ижтимоий-психологик

¹⁰³ Большая психологическая энциклопедия. Самое полное современное издание. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 287.

¹⁰⁴ Ўша манба – 197 стр.

¹⁰⁵ Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. Тошкент: А Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009 – 104-бет.

жараёнларни түгри йўлга солиб бошқаришни таъминлайдиган мухим воситадир.

Оиладаги шахсларо мулокот услублари ва уларнинг ўзига хоссликлари. Оилада ота-оналар болалар билан мулокот жараёнида мунтазам тарбиявий таъсир ўtkазиш методлари билан ишлайди. Масалан: бирор-бир воеа, ҳодисанинг моҳиятини тушунтиришда, болага у томонидан содир этилган бирор-бир нотўгри хатти-харакат учун дашном беришда. Ушбу вазиятда ота-оналар, аввало, нималарга эътибор бериши керак: биринчидан, вазият таҳлил қилинади; иккинчидан, мураккаб вазиятдан чикишнинг мумкин бўлган вариантлари сараланади, учинчидан, ушбу фаолият, одатда тезкор амалга оширилади (бунда ҳам педагогик коммуникатсиянинг ўзига хослиги намоён бўлади) ва оптималь методлар танланади, факат шундан кейингина педагогик таъсир ташкил қилинади. Бироқ ҳали танланган таъсир методига адекват бўлган, у оркали педагогик таъсир амалга ошириладиган мулокот тизимини топишимиз керак. Яъни, маълум бир мақсадга қаратилган умумий педагогик вазифани ҳал этгандан сўнг, таъсир методини танлаб бевосита таъсирни ташкил қилиш учун асосий вазифа сифатида коммуникатив вазифа белгиланиши керак.

Коммуникатив вазифа педагогик фаолиятда, нисбатан ишлаб чиқарувчи характерга эга бўлиб, мураккаб вазифани ҳал этади. Зоро у педагогик вазифадан келиб чиқсан, шу сабабли ота-она томонидан танланади ва белгиланади. Айтиш мумкинки, коммуникатив вазифа айнан коммуникатсия тилига ўtkазилган педагогик вазифанинг ўзи. Коммуникатив вазифа педагогик вазифанинг акс эттириб, унга нисбатан ёрдамчи, инструментал характерга эга бўлган жараёндир.

Амалиёт шундан далолат берадики, ота-она ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорликнинг ўзига хос түгри методини танлаб ҳамда вазиятни түгри баҳолаган тақдирда ҳам, кўпинча ўз педагогик таъсирини коммуникатив жиҳатдан таъминлай олмайди, яъни коммуникатсияни ўзаро мулокотда амалий жиҳатдан татбиқ эта олмайди.

Ўқувчилар билан мулокотда педагогик тайёргарликнинг муваффакиятли бўлиши кўп жиҳатдан ота-онанинг коммуникатив кўнкимга ва малакаларни эгаллашига ва уни кўллай олиш лаёкатига боғлиқ.

Мулокотнинг мухим компоненти, ота-онанинг ўз фикр ва мuloҳазаларини, эмоционал ҳис-туйгуларини аниқ ифода эта олиш маҳоратидир.

Турли тасодифий педагогик вазиятларда ота-она газабланганда, қувонганда, хафа бўлганида, тушкун бир ахволга тушганида ички ҳис-туйгуларини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга, бир шаклдан бошқа шаклга актёрларга хос иктидор билан роль ўйнаб вазиятдан чикишни ҳам билиши лозим.

Шу маънода таникли рус педагоги А.С.Макаренко ўз асарларида ота-онанинг касбий фазилати тўғрисида фикрларини қуидагича баён қилади: “Педагог дарсда маълум бир ўзига хос ролни ўйнамаслиги мумкин эмас. Синф саҳнасида роль ўйнашни билмайдиган ота-она касбий фаолият олиб боролмайди. У маълум маънода актёр. Бизнинг ҳулқ-авторимиз, феълими, характеристимиз биз учун педагогик қурол бўлиши ҳам асло мумкин эмас. Болаларни қалб ва қўнгил азоблари билан, хижронли ҳис-туйгуларимиз ёрдамида тарбиялашга умуман йўл қўйиб бўлмайди. Ахир биз инсонмиз. Ҳар қандай бошқа касб эгаларида қўнгил заҳматисиз иш битириш мумкин бўлса, педагог ҳам қўнгил азобисиз фаолият олиб бориши лозим бўлади. Ўқувчига баъзан мулокотда қўнгил азобини намойиш этишга тўғри келади. Бунинг учун педагог саҳнадаги актёрдек ижобий роль ўйнашни ҳам билиши керак.

Бироқ, шунчаки ташқи, саҳнавий роль ўйнаш ярамайди. Бу ўйинда педагогнинг ажойиб шахсий маҳорати билан боғлайдиган қандайдир камар бор, бу сизнинг гўзал ҳулқингизни намойиш этиб боғловчи ролингиз. Бу саҳнадаги ўйин ўлик бир ҳолат ёки техника эмас, балки қалбингиздаги яширин ҳис-туйгуларингизни, меҳрингизни намоён этувчи ҳакиқий жараёндир”.

Ҳозирги кунда ҳам турли тасодифий педагогик вазиятларда, ота-она газабланганда, қувонганда, хафа бўлганида, тушкун бир ахволга тушганида ички ҳис-туйгуларини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга, бир шаклдан бошқа шаклга ўткизишни билиши педагогик маҳоратнинг мухим шаклидир.

Маълум маънода ота-она педагогик фаолиятида унинг руҳий таъсиrlаниши, қайғуриши, бошқа касб эгаларининг табиий ҳис-туйгуларидан фарқ килувчи ўзига хос жиҳатлари билан ажralиб туради. Таъкидлаш жоизки, ота-она ўзининг коммуникатив вазифаларни

бажариш жараёнида бошка касб эгалари каби ташки мухитнинг турли таъсири остида ва инсоний ҳис-туйғулар гирдобида яшайди, касбий фаолиятининг ўзига хослиги ҳам ана шунда намоён бўлади ва ота-онанинг таъсирланиши, ҳис-туйғулари, ҳаяжони педагогик мақсадга мувофиқ бўлиши лозим.

Оилада ота-онанинг манфаатлари битта умумий мақсадга қаратилган бўлиб, улар ўз фарзандларини жисмоний, мъянавий, ахлоқий жиҳатдан баркамол инсон килиб ўстиришдан иборатдир. Бола тарбиясига алоҳида аҳмият бериш, ҳар бир фуқаронинг, оилада ота-оналарнинг бурч ва вазифалари ҳисобланади.

Оиладаги тарбиявий жараён ўзига хос хусусиятга эга. Бола ота-онанинг хатти-харакатларини тақлид қилиш орқали ўрганади, улар айтган сўзларни тақрорлайди. Демак, ота-она бола шахси шаклланиши учун идеал тарбиячи бўлиши лозим. Оиладаги тарбиявий жараён аввало бола билан ота-она ўртасидаги доимий мулокот жараёнига боғлик бўлади. Хўш, биз бола билан мулокотга қанча вақт ажратса оляяпмиз? Бир сутка мобайнида бир соат вақт ажратсан мулокотга албатта яхши. Аммо тадқиқотларнинг кўрсатишича, ота-она ва бола ўртасидаги мулокот бир суткада 1,8 соатни ташкил килас экан. Шундан она 35 минут мулокотда бўлиши лозим. У ҳам бўлса, "корнинг очми?, нима единг?" каби гаплар. Бола савол берса, айрим холларда жавоб беришга ҳам кийналамиз. Турли ёшдаги фарзандларда у ёки бу муаммо бўлишини биз катталар билишимиз, унга вақт ажратса олишимиз керак. Фақатгина моддий ғамхўрлик қилиш болага, унинг тарбияси учун, мулокоти шаклланиши учун етарли эмас.

Ота-оналар ўртасида низоларнинг келиб чиқиши, бола тарбиясидаги нуксонлар, мулокот маданиятининг шаклланмаганлиги, болага зътибор бермасликдандир.

Маълумки, 2 ёш билан 5-6 ёш ўртасида боланинг нутки тез ўса бошлайди ва сўз бойлиги 3-4 мингга ета олади. Бола кўрган, эшитган нарсалари тўғрисида кўп савол беради, янги сўз ва тушунчаларни эгаллай бошлайди. Бунинг учун болага тўғри тарбия бериш, у билан сўзлашиш, сўзларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш, эртаклар гапириб бериш, китоблар ўқиб эшиттириш лозим. Бола нутк кобилиятига эга бўлса, ўз фикр ва мақсадини бошқаларга мукаммал ва аник етказиб бера олади.

Шунинг билан бирга мулокот жараёнида тўғри ва одобли муомалани, яъни сухбат вактида жуда ҳам баланд овоз билан шошиб гапирмаслик, сўзларни аниқ талафуз қилиш, бир гапни такрорламаслик, бошканинг гапини қайтаравермаслик, бўлмаслик кабиларга ўргатиб боришимиз зарур. Шунингдек, боланинг ёшига қараб атрофдаги кишилар билан муомала маданиятига ўргатиб бориш муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари тинглаш маданиятини шакллантириш айни пайтда кийин кечаяпти. Агарда бола ўз ота-онасини тинглай олса ва айтганларига амал килса унинг тарбияси ёмон бўлиши мумкин эмас. Болага саломлашиш одобидан тортиб тинглаш маданиятигача ўргатмасак кейин бу қусурни тўғирлаш бир мунча кийин кечади.

Баъзи оиласарда ота-оналардан олдин фарзандлар гапиради. Ота-онаси катталар билан гаплашаётган бўлса лукма ташлаб туради. Баъзилар ота-онасининг имо-ишорасидан дилидагини илғайди. Дилидагини нигоҳлардан илғай билиш учун ҳам тинглай билиш керак.

Шунинг учун бўлса керак, немис файласуфи А.Шопенгауер “Одамларни ўзингиз тўғрингизда яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг” деб ёзган эди. Агар биз сухбатдошимизни яхши, диккат билан тингласак, бу билан биз унда ўз-ӯзига хурматни ҳам тарбиялаймиз. Демак, тинглаш жараёни кўпчилик тасаввур қилгани каби уччалик пассив жараён эмас. Тинглаш жараёнининг аҳамияти шундаки, у мулокотнинг самарали бўлишида муҳим ўрин эгалтайди. Чунки, тинглаш қобилияти гапирувчини илҳомлантиради, уни руҳлантиради, янги фикрлар, гояларнинг шаклланишига шароит яратади.

Тинглаш санъати юксак бўлган ҳалқ маданиятидир. Бунинг учун эса биз фарзандларимизда мулокот маданияти ҳамда тинглай билиш санъати юкори бўлишини шакллантиришимиз муҳим ҳисобланади.

Шундай килиб, мулокот оила шароитида ота-она ва фарзандлар ўртасидаги энг муҳим алока, ўзаро ахборот алмашиш, ҳиссий кечинмаларни баён килиш воситаси саналади. Оила аъзоларининг барча муносабатлари бевосита ёки билвосита мулокот ёрдамида амалга оширилади. Психологик нуқтаи назардан эса мулокот катта тарбиявий таъсирга эга. Шу сабабли ота-она ва фарзандлар, умуман олганда, оиласининг барча аъзолари ўртасида ташкил этиладиган мулокотнинг ижобий аҳамият касб этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш

зарур. Бу борада асосий масъулият шубҳасиз ота-онанинг зиммасига юқлатилади. Отa-оналарнинг ўзлари самарали мулокот қилиш услубларини ўзлаштирган ҳолда фарзандларга ҳам шахслараро муносабатлар жараённида ушбу воситадан ўринли, мақсадли фойдаланиш кўнимкамларини тарбиялаб боришлари лозим.

Назорат саволлари:

1. Оила педагогикаси фанининг предмети нималардан иборат?
2. Оила педагогикаси фани ўз олдига қандай вазифаларни қўйишини тушунтиринг.
3. Оила педагогика фанини билан умумий педагогика ўртасида қандай узвий алоқадорлик мавжуд?
4. Оила педагогикаси фани ва психология фани ўртасида ҳам алоқадорлик борми?
5. Оила педагогикаси қандай методлардан фойдаланишини изоҳланг.
6. Оила педагогикаси фан сифатида қандай ривожланди?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси оилани мустаҳкамлаш бўйича Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 қабул қилинган Қарори.
2. О.Ҳасанбоева ва б. Оила педагогикаси. – Тошкент: “Алоқасхӣ”, 2007. – 5-16-бетлар.
3. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий тарз / Ўкув кўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – 42-50-бетлар.
4. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 14-39-бетлар.
5. Куронов М. Оила тарбияси. – Тошкент: Маънавият, 2007.

Амалий топшириклар:

1. Ушбу матн билан танишиб чиқинг ва унинг мазмунини таҳлил қилинг.

Субъектлар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёни сифатида мулокот (коммуникатив алоқа) чогида шахслараро муносабатлар юзага келади, намоён бўлади ва шаклланади. Коммуникатив алоқа шахслараро

муносабатлар чоғида уларнинг фикрлари, хис-туйгулари, ички кечинмалари ва бошқаларнинг алмашинишини назарда тутади. Бундай алоқа яхлит ҳолда коммуникатив фаоллик, мулокот чоғидаги ҳиссий таъсиrlаниш, ўз-ўзига бўлган коммуникатив ишонч, коммуникатив объектлар каби элементларни аниқлади. Шахслараро муносабатлардаги мулокотнинг асосий манбалари – бу сухбатдошларнинг тажрибалари, тафаккурлари, ҳаётий ёндашувлари, эътиодлари ҳамда маҳсус илмий методларни ўзлаштира олганликлари саналади. Коммуникативлик асосида ички (бир) овозли коммуникаtsияга ўтиш ётади¹⁰⁶.

2. Кичик грухларда “Тақдимот” стратегияси асосида қўйида берилган мулокот турларининг оила тарбиясидаги аҳамиятини ёритинг.

- A. Ўзаро ижодий фаолиятга қизиқтирадиган мулокот.
- B. Ўзаро дўстона муносабатга асосланган мулокот.
- C. Муайян масофани саклаган ҳолда ташкил этиладиган мулокот.
- D. Қўрқитиш, таҳдид килишга асосланган мулокот.
- E. Ҳазил-мутойибага, юморга асосланган мулокот.

Амалий топшириқларни бажариш юзасидан услубий қўрсатмалар:

1. Жамоа матн билан умумий ҳолда танишиб чиқади. Ўқитувчи матн мазмунини таҳлил қилишда талабаларнинг ўз билим ва шахсий тажрибаларига таяна олишлари, фикрларини далиллай олишлари ҳамда ўз фикрларини ҳимоя қилишларига эътибор каратиши зарур.

2. Топширикни бажаришда талабалар кичик грухлар (5 та грух)да ишлайдилар. Ҳар бир грух алоҳида-алоҳида топширикни бажаради. Ўқитувчи грухларга қўйидаги топшириқларни бериши мумкин.

Т\P	Грухлар	Топшириқлар мавзузи
1.	1-грух	Ўзаро ижодий фаолиятга қизиқтирадиган мулокот.
2.	2-грух	Ўзаро дўстона муносабатга асосланган мулокот.
3.	3-грух	Муайян масофани саклаган ҳолда ташкил этиладиган мулокот.
4.	4-грух	Қўрқитиш, таҳдид килишга асосланган мулокот.

¹⁰⁶ Общение и виды общения // <http://perevodovedcheskiy.academic.ru>

Гурухлар ўзларига берилган мавзу юзасидан топширикни бажаришда ўз оиласари ёки ўзларига таниш бўлган оиласар мисолида фикрларини далиллар билан, шунингдек, оммавий ахборот воситалари материаллари асосида бойитишлари мумкин. Ўқитувчи эса бу борада талабаларга ўз ёрдамини таклиф эта олади.

ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИГИ

Режа:

1. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги концепцияси ва унинг моҳияти.
2. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини амалга ошириш механизми.
3. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига ташкил этиладиган педагогик фаолият мазмуни.
4. Оиласарга кўрсатиладиган ижтимоий-педагогик ёрдам.

Таянч тушунчалар: оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган фаолияти, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги.

Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги концепцияси. Ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган мамлакатимизда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги ва унда шахс тарбиясига катта таъсир кўрсатувчи миллий қадриятлар йил сайин қадр топиб, нуфузи ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби давлатимиз томонидан ижтимоий институтларга ҳар томонлама эътибор қаратилаётган бўлса, иккинчи томондан мустақиллик берган имконият туфайли қўлга киритилган миллий қадриятларнинг кайта тикланяётганлигидир. Шу маънода олиб қарабланда, ижтимоий инонститутлар ва унинг муаммолари бўйича илмий асосланган тадқиқотларнинг юзага келиши долзарб аҳамиятга молик бўлиб қолаверади.

Тарбия жараёни иштирокчилари саъи харакатларини бирлаштириш максадида “Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги”

Концепцияси ёшларни истиқлол ғояларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар килиб тарбиялашда кенг жамоатчилик фаолиятини мувоғиқлаштириш борасида дастуруламал бўлди.

“Оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги” Концепциясининг асосий мақсади ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ўзбек халқининг бой миллий, маданий, тарихий анъаналари, урф-одатлари ва умумбашарий қадриятларга асосланган самарали, замонавий педагогик технологиянинг ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиш, шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлигини таъминлаш, ота-оналар, педагоглар ва маҳалла фаолларининг умумий ҳамда миллий педагогик маданиятни ошириш, республика фуқаролари орасида миллий мағкуравий тарбия ишларини такомиллаштиришдан иборатdir.

Концепцияда жамият тараккӣётининг маънавий-ахлоқий негизи бўлган миллий ва умуман инсоний қадриятлар, миллий ва умуминсоний тарбиянинг ўзаро алоқаси ҳамда муҳим йўналишлари белгилаб олинган. Чунончи, маҳалла, оила ва таълим муассасаси ҳамкорлигига миллий тарбия йўналишда ёшларнинг ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий гуур, миллатларро мулоқот маданияти, миллий мағкуравий онглилик, миллий одоб, фидойилик каби фазилатларни ўзлаштира олишлари зарурлиги кўрсатилган бўлса, умуминсоний йўналишда ҳамкорликдаги педагогик фаолиятнинг ҳуқук, иқтисодий, жисмоний, ақлий, эстетик, экологик, гигиеник ва бошқа тарбия соҳаларини қамраб олиши муҳим эканлигига эътибор қаратилган.

Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига куйидаги тамоиллар асосида йўлга кўйилади:

1. Таълим ва тарбия соҳасида ҳамкорлик жараёни иштирокчилари ҳаракатларининг иш бирлиги.
2. Тарбияланувчига ҳурмат ва талабнинг уйғунлиги.
3. Ҳамкорлик жараёни субъектларининг тенг ҳукуклиги ва юксак масъулияти.
4. Фаолият жараёнида миллат ва давлат манбаатлари устуворлиги.
5. Ҳамкорликнинг илмий асосланганлиги.

Концепцияда ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига эришиш муайян босқичларда амалга оширилиши кўрсатилган. Улар куйидагилардир:

1-босқич. Ёш ота-оналарга фарзанд ва унинг тарбияси ҳакида фалсафий, тиббий тушунчаларни бериш ва бу масалаларга тиббиёт ходимлари, обрўли хотин-кизларни, ота-оналарни жалб қилиб, “Ёш оналар ва оталар мактаблари” фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

2-босқич. Фарзанднинг мактабгача бўлган давридаги жисмоний, аклий ва маънавий ривожланишини таъминлаш борасида уларга расм чизиш, воқеаларни баён қилиш, ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳарф таниш, қўшик айтиш ва ракс тушиш, турли ўйинларда онгли қатнашиш тушунчаларини сингдириш ва мустакил равишда билим олиш кўнікмаларини шакллантириш юзасидан мактабга тайёрлаш гурухлари, “Якшанбалик мактаблар” ишини ташкил қилиш.

3-босқич. Кичик ёшдаги (6-11 ёш) мактаб даврида болаларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий шаклланишини таъминлаш, унинг илк иқтидори, қизиқиши ва аклий имкониятларини аниклаш, ўз хатти-харакатларига жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, бўш вактини тұғри ташкил қилишни ўргатиш, атроф-мухитга онгли муносабатда бўлиб, дўстлик, байналмилаллик, ватанпарварлик хислатларини шакллантириш.

4-босқич. Ўсмирларнинг (11-16 ёш) қизиқишини, билимга чанқоқлик ва акл заковатини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаолиятга тортиш, жисмонан бақувват бўлишини таъминлаш, майший меҳнат фаолияти орқали турли касбларга йўналтириш, ўсмирлар гурухлари ва жамоатчилик орасида ўз ўринини топа олишига кўмаклашиш, ўз хатти-харакатлари учун жамият, қонун ва ота-оналари олдида жавобгарлик туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаоллиги ва мустакил дунёкарашини юзага келтириш.

5-босқич. Ёшларни (16 ёш ва ундан юқори) дунё андозаларига мос билим олишлари, касб танлашлари, мустакил ҳаётга тайёргарликларини таъминлаш. Уларнинг имкониятлари даражасида таълим олишларига, танлаган касблари бўйича иш билан таъминланишларига, иқтисодий мустакил бўлишларига шарт-шароит яратиш. Ватан, Давлат ва жамият олдидаги фукаролик бурчларини адо этишга жавобгарлик ҳиссини тўла шакллантириш, мустакил оила куришга тайёрлаш.

Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялашда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини таъминлаш самараларининг гаровидир. Бу

борада хукумат томонидан амалга оширилаётган устивор йўналишлар кўйидагилардан иборатdir:

- оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини таъминлашнинг хукукий базасини такомиллаштириш, ҳамкорликнинг кучайишига қаратилган услубий таъминотни мустаҳкамлаш;
- оиласда ёшлар ва ота-оналарнинг ижтимоий фаоллигини ошириш; ўкувчи ёшларга таълим бериш, уларни тарбиялаш, иқтидорли ёшларни кўллаб-куватлаш, уларни қизиқишлари бўйича касбга йўналтириш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-куватлаш;
- вояга етмаган ўсмирлар ва ёшлар ўртасида хуқукбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш;
- ёшлар ўртасида соглом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга кенг жалб этиш орқали соглом оиласга тайёрлаш;
- баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни мазмунан такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш механизмини яратиш;
- соглом авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот коммуникатсиya технологияларидан самарали фойдаланиш.

Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини амалга ошириш механизми. Ўзаро ҳамкорлик ишларини бошқариш учун жойларда ўз таркибига маҳаллалар фаоллари, обрўли ота-оналардан, ўкув-тарбия муассасаларининг тажрибали ходимларидан, маҳалла ҳудудида жойлашган турли ташкилотларнинг вакилларидан иборат мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгашлари тузилади. Жамоатчилик кенгашининг зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, унинг таркибида турли йўналишларда фаолият кўрсатадиган кичик ташаббускор гурухлар шакллантирилади.

Жамоатчилик кенгаши муайян муддатга мўлжалланган иш дастурига эга бўлади. Мазкур дастур маҳалла Фукаролар йигинининг йигилишида расман тасдиқланиши зарур. Дастурда кўрсатилган тадбирлар режаси давра сухбатлари, муайян мавзу ёки муаммога багишлиланган кенгаш

(мажлис)лар, анжуманлар, маҳалла ахолисини бирлаштирувчи, уларни соглом турмуш тарзига етакловчи кўрик-танловлар, мусобакалар, беллашувлар, учрашувлар ва турли саналарга бағишланган анжуман ёки тантаналардан ташкил топиши мумкин.

Белгиланган тартибга кўра жамоатчилик кенгаши ўз фаолияти тўғрисида маҳалла ахлига ҳар чоракда бир маротаба ҳисобот бериди боради. Зарурат бўлганда ўқув-тарбия муассасалари, маҳалла фаоллари, маҳалла ҳудудида жойлашган ташкилот, корхона ва идораларнинг таълим-тарбия юзасидан олиб борилаётган ишлари тўғрисида ҳисоботларини тинглаб, уларга амалий ва назарий ёрдам кўрсатади.

Кенгаш маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи, ўз фарзандлари тарбиясига бефарқ ота-оналарга нисбатан давлат бошқарув идоралари, ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда турли маъмурий чораларни қўллаш ҳукукига эга. Унинг ташаббуси билан долзарб мавзуларда фавқулодда маҳалла йигинлари, ўқув-тарбия муассасаларининг педагогик кенгашлари ёки бошқа зарур тадбирлар ташкил этилиши мумкин. Кенгаш маҳалла ҳудудида ўзбек миллий тарбия анъаналарини тиклаш, турли маданий тадбирлар ўтказиш, болалар ва катталарнинг бўш вактларини ташкил этиш борасидаги фаолиятни, шунингдек, мактаблар, ўйингоҳлар, маданият муассасалари, спорт иншоотлари, ўсмирлар клублари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар ишини мувофиқлаштиради.

Ўз ваколатига кўра Кенгаш маҳалла ҳудудида ташкил этилган тадбирлар мазмуни ва самарадорлигини таҳлил қиласди, улар юзасидан услугбий маслаҳатлар тайёрлаб, бу ҳақида оммавий аҳборот воситаларида хабарлар бериди боради. Кенгаш ёш авлодни тарбиялашда маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги борасидаги масала ва муаммоларни маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасалари, ташкилот ва идоралари иши режалаштирилиши ва амалиёт дастурларига киритилишида улар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликка эришишни таъминлайди.

Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигига ташкил этиладиган педагогик фаолият мазмуни. Оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган ушбу устивор масалалар мазмуни куйидаги самарали фаолият шакл, метод ва воситаларни амалиётта татбиқ этишини тақоза этади.

Маҳаллада ва таълим муассасаларида қолаверса, меҳнат жамоаларидаги ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйгуси ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга даҳлдорлик ҳиссини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ўtkазиш тартиби, намунавий сценарий ва тавсиялар ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этиш, жумладан:

- давлат байроги, мадҳияси ва бошқа давлат рамзларига ҳурмат туйгусини тарбиялаш билан боғлиқ тадбирлар;
- ўқувчилик, талабалик ва меҳнат жамоалари сафига тантанали равиша қабул қилиш маросимларини ўtkазиш;
- умумий байрамлар, ижтимоий ҳаётимизни ўзида акс эттирган тадбирларни ва бошқалар соглом авлодни шакллантиришнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлашнинг муҳим негизи ҳисобланади.

Шунингдек, ёшларнинг психологик хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда, педагоглар, психологлар ва ҳуқуқшунослар ҳамкорлигига мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган содда, равон тилда баён қилинган ҳуқуқий ахборотларни ўз ичига олган буқлет, конунларга шарҳ, маълумотнома ва тарқатма материаллар ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиш бу борадаги ҳамкорликни методик таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Соглом авлодни шакллантиришда юқорида кўрсатилган йўналишларда олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг замонавий шаклларидан кўрик танлов, семинар-тренинг, савол-жавоб кечаси, ўқув семинари, баҳс-мунозара, учрашув, рейд, давра сухбати, мулокот, илмий-амалий конференция, спорт мусобақалари, китоблар акцияси, тақдимот, шеърхонлик кечаси, дўстлик фестивали ва бошқалардан фойдаланиш уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда, соглом оиласга тайёрлашда, соглом турмуш маданиятини шакиллантиришда самарадорликнинг гаровидир.

Ўзаро ҳамкорлик дастури асосида ўтказиладиган мазкур тарбиявий тадбирлар ота-оналар, тарбиячи ота-оналар ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигига ёшларнинг ёш ва психологик хусусиятларини, ижтимоий турмуш тарзини, оиласий шароитини, имкониятларини, қизиқишлигини ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда ташкил этилган тақдирдагина у ўзининг ижобий самарасини бериши табиийдир.

Соғлом авлодни тарбиялаш ва шакиллантиришда жамиятдаги барча институтларнинг ёшлар таълими ва тарбияси билан шуғулланувчи мутассадиларининг педагогик, психологик, тиббий билимга эга бўлишлари давр талабидир.

Оилаларга кўрсатиладиган ижтимоий-педагогик ёрдам. Алоҳида ижтимоий институт сифатида оила ўзининг тарбия услуги, тажрибасига эга. Бироқ, бугунгидек, тезкор даврда ота-оналарнинг барчаси ҳам етарли даражада педагогик билимларга эга эмаслар. Бу эса ўз-ўзидан таълим муассасалари томонидан оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатилишини такозо этади.

Ижтимоий-педагогик жиҳатдан оилаларга кўрсатиладиган ёрдам уч асосий хусусиятга эга бўлади. Яъни: 1) таълимий – таълим бериш ва тарбиялаш; 2) психологик – руҳий жиҳатдан қўллаб кувватлаш, руҳий зўрикишларни бартараф этиш ва қайта тиклаш; 3) воситачилик – ташкил этиш, таълим ва тарбияда юзага келувчи муаммоларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш орқали бола хулқ-авторидаги оғишларни ёки физиологик нуқсонларни бартараф этиш ҳамда зарур ахборотлар билан таъминлаш.

Оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишнинг дастлабки босқичида ижтимоий-педагог томонидан “Оила харитаси”нинг шакиллантирилиши жараён муваффақиятини таъминлайди. “Оила харитаси” шартли равишда икки қисмга ажратилади. Яъни:

1) асосий қисм – унда оиланинг ҳар бир аъзосининг тавсифи, тугилган санаси, оила мақоми, яшаш шароитлари, қўшничилик, оиланинг диний ва миљлий мансублиги тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади;

2) илова – унда оилада бола тарбиясини ташкил этиш жараёнининг моҳияти (ота-оналарнинг бола тарбияси учун ажрататётган вактлари, унинг шакллари, бу жараёндаги фаолиятлари, фарзандлар шахсини ёритувчи (масалан: боланинг қизиқишлари, хоҳиш-истаклари, интилишлари, дўстлари, саломатлиги ҳолати ва бошқалар тўғрисидаги) маълумотлар ёритилади.

Ота-оналар томонидан қўйилаётган талабларнинг аксарияти болаларнинг ёш, психологик ва шахсий имкониятларига мувофиқ келмайди. Натижада талаблар гарчи ижобий мазмунга эга бўлса-да, ўз

натижаларини бермайды. Аксинча, болаларда уларга нисбатан жиддий норозиликни келтириб чикаради.

Баъзан ўсмир ахборот кўламининг кенглиги, ташки гоявий таъсирлар туфайли муайян вазиятларда қатъий карорлар қабул қилишга кийналади. Кузатишлар умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар аксарият ҳолатларда болаларнинг мавжуд эҳтиёжларига жавоб бермаётганлигини кўрсатади. Айрим тадбирлар тарбиявий тадбирлар режасининг бажарилиши учунгина ташкил этилаётган бўлиб, ўкувчиларнинг хоҳишистаклари, кизиқишлиари ҳамда ҳаётий интилишларини инобатга олиш асосида уюштирилмайди. Шунингдек, оиласда ҳам муайян вазиятларда ота-оналарнинг нотўғри йўл тутишлари, ўз истакларини болаларнинг эҳтиёжларидан устун қўйишлари туфайли ички зиддиятлар юзага келмоқда. Натижада улар ҳеч қандай тарбиявий таъсирга эга бўлмаяпти.

Мавжуд майший қулагилклар, техника тараққиётининг тезкор ривожи замонавий шахс эҳтиёжлари кўламининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда ёшлар ҳаётида оммавий ахборот воситалари етакчи ўрин эгаллаган бўлиб, эндиликда панд-насиҳатлар ёрдамида уларнинг ахборот воситалари таъсиридан халос этиш мумкин эмас. Шу боис оиласвий тарбияни ташкил этиш жараённида замонавий ёндашувларни ҳам қарор топтиришга эришиш – педагогик жиҳатдан энг тўғри йўл саналади.

Замонавий ёшларда мустақил ривожланишига бўлган интилиш кучли. Ўз-ўзини тарбиялаш кўп ҳолларда ижтимоий тарбиядан илгарилаб кетишга имкон яратади ҳамда педагогик фаолиятни йўлга қўяётган субъектларга маълум вазиятда қандай йўл тутиш мақсадга мувофиқ эканлигини аниклашда қийинчликлар юзага келади. Натижада тарбия жараёнининг мантиқи бузилади. Талабларнинг болалар ёши, психологик хусусиятлари ҳамда шахсий имкониятларига мос келишига эришиш маълум педагогик масалаларнинг энг макбул ечимларини топишга имкон беради.

Ота-оналар болаларнинг кундалик фаолиятини ташкил этар экан, ўз кўрсатмалари билан уларнинг айрим хатти-харакатларини рағбатлантириди. Уларга нисбатан айрим муроҳазаларини билдиридилар, танбех берадилар ёки қўллаб-қувватлайдилар. Одатда ота-оналар томонидан билдирилаётган айрим кўрсатмалар киска, асосли

бўлиб, кисман болаларни мажбур килишга йўналтирилса, бошқалари вазиятлар моҳиятини батафсил тушунтириш, ушбу жараёнларда ҳаракатланиш йўналишини тушунтиришга хизмат килувчи йўл-йўриклар кўринишида бўлади.

Талабларнинг бир гурухи болаларни муайян фаолиятга жалб қилиш зарурати туфайли, бошқа гурухи эса болаларни маълум фаолиятни ташкил этиш кўнікма ва малакаларини ўзлаштиришга йўналтириш эҳтиёжи асосида қўйилади; яна бир гурухий болалар томонидан ташкил этилаётган ўринсиз ва нотўғри ҳаракатларни тўхтатишга хизмат қилса, тўртингчи гурухга кирувчи талаблар болаларнинг муваффақиятли фаолиятларини рағбатлантириш, уларни қўллаб-куvvatлашга имкон беради. Ота-она томонидан берилган барча тушунтириш, кўрсатма, мулоҳаза ва танбеҳлар педагогик таъсир кўрсатишнинг ана шу энг муҳим методи бўлган талабнинг турли шакллари ҳисобланади. Шу боис ота-оналар талабчан бўлмаса болаларнинг ўқув ва ижтимоий-фойдали фаолиятини самарали ташкил этишни тасаввур этиб бўлмайди.

Тажрибали ота-оналарнинг фаолияти кузатилганда уларнинг ўз фарзандларига кенг қўламли ҳаракат дастурини тавсия этишлари маълум бўлди. Талаб методи мазкур дастур талабларини болаларнинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлиши учун ёрдам беради. Уларнинг яна бир ютуклари шундаки, фарзандларининг ҳар бири қачон ва қандай фаолият билан шуғулланётганликларидан доимо хабардор бўладилар.

Талаблар бола ҳаётининг бошланғич даврида, айникса, муҳим роль йўнайди. Бинобарин ушбу босқичда оилаславий муносабатларнинг мазмуни, йўналиши, маънавий-ахлоқий даражаси, болалар томонидан у ёки бу ҳаракатларнинг бажарилиш ҳолати, ота-оналар ҳамда фарзандлар ўртасидаги муносабатлар моҳияти ота-оналарнинг талабчанликларига кўп жиҳатдан боғлик.

Фаол ижтимоий фаолиятни ташкил этишга рағбатлантириш, келажакка бўлган ишончни карор топтириш болаларда ўз олдиларига тўғри ҳаётий мақсадларни қўя олиш кўнікмаларини шакллантиради. Мазкур жараёнда талаб болаларнинг ёш, психологик ва шахсий имкониятларини инобатга олиш асосида қўйилиши педагогик жиҳатдан тўғри ҳисобланади. Оқилона мақсад болаларнинг шахсий эҳтиёжларини қондиришга имкон бериш билан бирга, уларнинг кизикишлари даражасини оширади.

Ёшларда ижобий фазилатларни шакллантириш ва уларни бойитиш, улар томонидан ўзи ҳамда жамият учун фойдали хатти-харакатларнинг ташкил этилишига эришиш мақсадида кўшимча рағбатлантириш, шунингдек, уларни заарали одатлардан холи килиш мақсадида изза қилиш методидан фойдаланиш мақсадгага мувофиқдир. Мазкур метод ўзига хос хусусиятга эгалиги боис уларни кўллаш жараёнида отаоналардан алоҳида эктиёткорлик ва педагогик маҳорат талаб қилинади.

Жамоатчилик фикри (оддий муносабатлар жараёнида “кўпчилик (бошқалар)нинг фикри” тарзида кўлланилади) ўзбек маҳаллалари, кишлек, шаҳарларида қадимдан ижтимоий тарбиянинг таъсирчан методи бўлиб келган. У асосида жамият аъзоларининг умум томонидан тан олинган маънавий-ахлоқий меъёрларга амал қилиш ҳолати таҳлил қилиб борилган, шунингдек, ижтимоий-фойдали меҳнат (ҳашар, саҳоват ва ҳоказолар) ҳар томонлама ва мунтазам рағбатлантирилиб борилган. Ушбу метод оила мухитида ҳам тарбиявий масалаларни тўлиқ амалга оширишга ёрдам беради. Яъни, болаларнинг ижтимоий фаоллиги ҳамда шахсий камолотини таъминлашга ёрдам беради.

Бирок собиқ Иттифоқ даврида тарбия тизимида устувор ўрин тутган «ягона совет ҳалқини шакллантириш» гояси, ёшларни номиллий руҳда тарбиялаш борасидаги қарашнинг асорати бугунги кунда ҳам сезилиб туради. Куйидаги мисол фикримизнинг ёрқин далилидир:

“Бугун бир мудҳишиш воеани эшитдим. Қаршида бир йигит 81 ёшга кирган отасининг бошига таёқ билан уриб ўлдириб кўйибди. Буни қандай қилиб тушунтириш мумкин? Ислом руҳида, ўзбекчилик руҳида тарбияланган одамлар, ўзбек удумлари асосида тарбия топган одам шундай иш қилиши мумкинми? Мен буни тушунтиролмайман, нима билан изоҳлашни ҳам билмайман. Отаси минг ёмон, ярамас, бадбахт одам бўлсин, лекин фарзанди унга тик қарашга, кўл кўтаришга ҳақли эмас”¹⁰⁷.

Ота-оналар томонидан оила тарбиясини ташкил этишда кўлланиладиган методлар моҳияти хусусида алоҳида-алоҳида тўхталишдан олдин уларни муваффакиятли кўллашнинг умумий коидалари борасида сўз юритиб ўтиш мақсаддага мувофиқдир.

¹⁰⁷ Гофуров И. Ўзбекистон киёфаси: мозийга назар, мухокама, мушоҳада. Давра сұхбати / Миллый тикланиш газетаси, 1996 ғили, 6 март.

Оила тарбияси методларидан самарали фойдаланишнинг зарур шарти – оила мухитида ота-оналар ва болалар ўртасидаги психологик, шу жумладан, фикрий бирликнинг карор топишига эришиш саналади.

Ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг оила тарбиясининг моҳияти нимада? Бу саволга оила тарбиясининг бошка тарбиявий йўналишлардан асосий фарки – болага шахс сифатида муносабатда бўлиш, унинг камолотига нисбатан миллай хусусиятларни ёритувчи талаблар қўйишда дея жавоб бериш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги концепциясининг мақсади нимадан иборат?
2. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига қандай тамоилилар асосида йўлга қўйилади?
3. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига эришиш қандай боскичларда амалга оширилади?
4. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги қандай механизмга асосланади?
5. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида қандай тадбирлар уюштирилади?
6. Оилаларга қандай ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатилади?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси оилани мустаҳкамлаш бўйича Концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 қабул килинган Қарори.
2. Иномова М.О. Оиласда болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 1999.
3. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
4. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
5. Фофуров И. Ўзбекистон қиёфаси: мозийга назар, муҳокама, мушоҳада. Давра сұхбати / Миллий тикланиш газетаси, 1996 йил, 6 март.

6. Тұраева О. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. – Тошкент: Үқитувчи, 1990.

Амалий топшириқлар:

1. Күйида берилған матнлар ёрдамида ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизида оила, маҳалла ва мактабнинг вазифалари билан танишиб чиқинг. Ҳар бир субъекттнинг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифаларини ифодаловчи тезисларни тайёрланг.
2. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги мөхиятини акс эттирувчи кластерни яратинг.

Амалий топшириқларни бажариш юзасидан услубий құрсатмалар:

1. Оила, маҳалла ва таълим муассасасининг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифаларини ифодаловчи тезисларни тайёрлашда талабалар гурухларда ишлайдилар. Бунда учта катта гурухни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Үқитувчи ҳар бир гурухга алоҳида-алоҳида топшириқ беради. Топшириқларнинг қуйидагы бўлиши мақсадга мувофиқдир:

ТНР	Гурухлар	Топшириқлар мавзуси
1.	1-гурух	Оиланинг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифалари
2.	2-гурух	Маҳалланинг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифалари
3.	3-гурух	Мактабнинг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифалари

Топшириқни бажариш чогида гурухларнинг зәтиборига қуйидаги матнлар тақдим этилади:

I. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида оила томонидан бажариладиган вазифалар:

- оиласа соглом мұхитни яратиш, миллий рух ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама үрнак бўлиши, фарзандларнинг ота-онасига, Ватанга муҳаббат туйгусини

шакллантириш. ўзаро ғамхўр бўлишни таъминлаш;

- оилада ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, оила аъзоларининг ўз ҳуқук ва бурчларини англаб етишларини ва уларга риоя килишларини таъминлаш;
- фарзандларга чукур дунёвий билим асосларини бериш, маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб етишишларини таъминлаш;
- бозор муносабатларига мос бўлган касб-хунар ўргатиш, иктисодий тушунчаларни фарзандлар онгига сингдириш;
- болаларнинг маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлишлари учун иктисодий ва ижтимоий мухитни яратиш;
- болаларни мустакил фикрлашга ўргатиш, истиклол ғоялари ва миллий мағкурага садоқат руҳида тарбиялаш;
- болаларнинг бўш вақтларини педагогик нуқтаи назардан келиб чиқиб унумли ташкил килиш, уларга қўшимча таълим бериш;
- фарзандларида мавжуд бўлган истеъдод куртакларини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш;
- ўз фарзандларининг мактаб, маҳалла, давлат ва жамият олдидаги бурчларини тўла адо этишлари учун оилада масъулиятили бўлиш;
- ота-оналар ўзларининг педагогик ва психолого-билим савияларини доимо ошириб бориши;
- болаларда тежамкорлик ва ишбилармонлик сифатларини шакллантириш;
- оилада миллий ва умуминсоний тарбиянинг барча йўналишларини уйғун ҳолда босқичма-босқич амалга оширишдаги масъуллигини таъминлаш;
- болаларда санитария-гигиеник, экологик кўнижмаларни шакллантириш, диний ақидапарастлик, ичкиликтозлик, гиёхвандликка қарши иммунитетни ҳосил килиш;
- соғлигига ва аклий нуқсонлари бўлган фарзандларига ҳаёт талабларига мос равишда билим ва касбу-кор ўргатиш.

II. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида маҳалла томонидан бажариладиган вазифалар:

- маҳалла фаоллари томонидан тарбия муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараённида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш ва оқилона ечимларини

топишда фаоллик кўрсатилиш;

- маҳалла ўз худудидаги ижтимоий ва иқтисодий ёрдамга муҳтож оиласарни аниклаб, уларни қўллаб-кувватлаш ва фарзандларининг билим ҳамда тарбия олишларига бош-қош бўлиш;
- маънан носоғлом оиласарни маҳалла йигинларида муҳокама килиш, уларга нисбатан жамоатчилик чораларини кўриш;
- маҳалла худудидаги ўкув-тарбия муассасаларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилишини қўллаб-кувватлаш;
- ота-оналар орқали болаларда ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, миллий гурур, ватанпарварлик, миллий одоб, байналмиаллик каби хислатларини тарбиялаш;
- ёшларнинг диний мазҳаблар ва секталар, ақидапарастликнинг моҳиятини тўгри англаб етишига ота-оналар орқали таъсири кўрсатиш, аждодларнинг тарбиявий ўйтларини сингдириб бориш;
- маҳалла йигинларида миллий давлатчилик ва миллий мафкура гояларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда республикада эришилаётган ютуклар тарғиботини ташкил этувчи тадбирларни ўюштириш;
- Республика “Маънавият тарғибот” маркази, “Соғлом авлод учун”, “Маҳалла”, “Экосан”, “Нуроний”, “Камолот” жамғармалари, хотин-кизлар қўмиталари, турли жамиятлар, бирлашмалар ва ижодий ўюшмаларни ёш авлодни миллий истиқтол гоялари асосида тарбиялаш ишига, муаммоли масалаларнинг ечимини топишга фаол жалб килиш;
- маҳалла худудидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг имкониятларини ўкув-тарбия муассасалари моддий негизини мустаҳкамлашга йўналтириш;
- маҳалла худудида ўкув-тарбия муассасалари билан биргаликда турли кўрик-танловлар, спорт мусобакалари, анжуманлар, байрам ва беллашувлар ташкил килиш;
- турли йўналишда иктидорли ўқувчиларни мактаблар тавсиясига кўра ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш;
- илгор педагогик ходимлар, тарбиячиларга маҳалла имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;
- фарзандларига таълим ва тарбия беришда ижобий натижаларга эришаётган, намунали оиласар ҳаёт тажрибасини оммалаштириб, маҳалла худудида “Оила сабоклари” машғулотларини ташкил килиш;

- маҳаллада истиқомат қилаётган халқ усталари, санъаткорлар, зиёлилар ва барча ижодкорларнинг имкониятларидан фойдаланиб, билим, касб сирларини ўргатишга асосланган турли тўғарак ва “Устозшогирд” русумида фаолиятини йўлга қўйиш;
- маҳалла ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳаллада истиқомат қилаётган ва моддий қийналган ёшлар учун иш жойлари квотасининг ажратилишига эришиш;
- ёшларда Ўзбекистонга, унинг табиатига муҳаббат, тарихига қизиқиши, маҳалла ободонлиги, аҳиллиги учун жавобгарлик руҳини шакллантириш.

III. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида таълим муассасаси томонидан бажариладиган вазифалар:

- мактабда болага бирон-бир касб-корни эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратиш;
- ўкувчи-ёшларнинг спорт турлари билан шуғулланишларига ёрдам бериш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил килиш;
- болаларга таълим беришни илгор педагогик технологиялар, замонавий ўкув-услубий дастурлар асосида ташкил этиш, ўкув-тарбия жараёнларини жаҳон андозаларига мос равишда таъминлаш;
- ўкувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлиари таҳлилидан, иқтисодий ва ижтимоий мұхитдан келиб чиқиб, уларни турли соҳа бўйича касб асосларига йўналтириш ва таълимда табакалаштирилган ёндашувни жорий этиш;
- ёш оиласар билан ишлаш, тиббий тарбиявий, ҳуқукий, маънавий-маърифий, ижтимоий тушунчалар бериш учун маҳсус тадбирларни амалга ошириш;
- ўз ҳудудидаги маҳалла жамоаларининг фаолиятини тарбиявий мақсад йўлида мувофиқлаштириш;
- тарбияси “оғир”, қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, оиласарга педагогик ёрдам бериш;
- бола тарбияси яхши йўлга қўйилган оиласарни тегишли идоралар ҳамкорлигига ўрганиб, тажрибаларини оммалаштириш;
- ўкиш ва ишлашни хоҳламайдиган, безорилик йўлига кириб кетган ўсмирларни хисобга олиб, уларга тегишли ташкилотлар билан

биргаликда зарур чоралар күриб, ота-оналар йигинларида муҳокама қилиш;

- тарбия субъектлари бўлмиш ҳуқуқий, тиббий, ижодий уюшмалар, ёшлар, табиатни муҳофаза қилиш ва “Экосан”, “Қизил ярим ой”, барча жамғарма ва жамоатчилик марказлари, оммавий ахборот воситалари, инсон ҳуқуклари бўйича миллий марказлар, касаба уюшмалари, нодавлат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллий бошқарув идораларининг бола тарбиясига бўлган масъулият ва жавобгарлигини мувофиқлаштириш;

- турар жойда ва маҳаллада олиб борилаётган барча тарбиявий, маънавий, маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирлари маркази – мактаб бўлишига эришиш;

- ўқувчи-ёшлар, ота-оналар, жамоатчилик билан ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш, тарбия жараёнининг барча иштирокчилари орасида миллий мағкуруни тарғиб қилиш, ақидапарастлик ва миллий тараққиётимизга заарли гояларнинг кириб келишига қарши муросасиз курашишни ташкил этиш;

- таълим муассасалари низомлари асосида ўқувчиларнинг мактабда жорий килинган тартибга амал қилишларини ва низомда белгиланган ўқувчилар либосида таълим ва тарбия жараёнига қатнашишларини таъминлаш;

- маҳаллада, хотин-қизлар орасида замонавий билимларни тарғиб қилиш, ўсмир ёшларнинг дунёвий билимларга бўлган интилишларини рағбатлантириш;

- мактаб негизида педагогик, ҳуқуқий, психологик, маънавий ва маърифий билимлар берувчи “Ота-оналар университетлари” фаолиятини ташкил қилиш.

2. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги моҳиятини акс эттирувчи кластерни яратишда академик гурӯҳ жамоа бўлиб ишлайди. Кластерлар “Кластер” график органайзери воситасида яратилади. Кластерларни шакллантириш жараённида билдирилган ҳар бир гоя инобатга олинади. Яратилган кластернинг мазмунини муҳокама қилиш жараённида эса бир-бирини тақрорловчи гоя ва фикрлар таҳлил қилинади. Тақрорий билдирилган гоялар аникланиб, тақрорланишлар бартараф этилади.

**Мавзу: ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ
ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИГИДА ЁШЛАРНИ
ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ
РЕЖА:**

- 1. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигида ёшларни оиласа тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари.**
- 2. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ижтимоий ҳамкорлигида ёшларни оиласа тайёрлашнинг бугунги кундаги холати.**
- 3. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигида ёшларни оиласа тайёрлашнинг педагогик мазмуни.**

Таянч тушунчалар: оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган фаолияти, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги.

Ёшларни оиласави ҳаётга тайёрлашнинг ҳуқуқий асослар, ҳуқуқий таълим ва самарадорлик Бутун дунёда оила институти инқизозининг салбий кўринишлари, никоҳларнинг барқарор эмаслиги, оиласави ажримлар сонининг ортиши, никоҳсиз болалар туғилишининг кўпайиши, фарзанд тарбиясига эътиборсизлик ҳамда кексаларга нисбатан беписанд муносабатда бўлиш авж олмоқда. Бундай вазиятда бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш борасида зарурй чора тадбирларни кўриш мухимдир. Шунинг учун ҳам оила институтини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш, “Оила-муқаддас”, “Соғлом оила – соғлом жамият”, “Оила – жамият ва давлат ҳимоясида”, “Фаровон оила – жамият равнақининг асоси” концептуал гояларини никоҳланувчиларнинг онгига сингдириш ва татбиқ этиш давлатлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Зоро, давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам оила саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оиласалар сонини камайтириш, жамиятда оила асосларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ёш оиласалар учун муносаб уй-жой ва ижтимоиймайший шароитларни яратиш каби вазифалар белгилаб берилган . Бунинг учун жамият ва

оилада соглом ҳамда барқарор ижтимоий-маънавий мухит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикини таъминлашнинг ташкилийхукукий механизмларини тубдан ислоҳ килиш, нотинч ва муаммоли оиласларга манзилли қўмаклашишни ташкил этиш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш каби қатор устувор вазифалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур вазифалар каторида, аввало, ҳукукий асослар ва норматив ҳукукий базани такомиллаштириб бориш муҳимдир. Сўнгги 2 йил ичида оила институтини мустаҳкамлаш, аёллар, ва ёшларга оид муаммоларни энг қуий поғонада, яъни маҳалладан бошлаб манзилли аниглаш ҳамда ҳал этиш нуктаи назаридан бир қатор Президент ва ҳукумат қарорлари эълон қилиниб ҳаётга жорий этилмоқда. Оила мезонларини ҳаётга жорий этиш, маҳаллалар ва оиласларда соглом ва барқарор ижтимоиймаънавий мухит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикини таъминлаш, ёшларни оиласлар ҳаётга тайёрлаш чораларини кўриш, шу жумладан, оиласларда умуминсоний ва миллий қадриятларни мустаҳкамлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланган. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2020 йил 31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оиласлар ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўгрисида”ги 820-сонли Қарори юкоридаги чоратадбирларнинг мантиқий ва узвий давомидир. Ушбу қарор нафакат ёшларни оиласлар ҳаётга тайёрлашнинг ҳукукий асоси бўлибгина қолмай балки, жамиятимизда оила муносабатларида янги бир давр учун дебочадир. Хўш, ёшларни никоҳга тайёрлашнинг бирор мезонлари мавжудми? Агар курслар ташкил этилса улар кандай бўлиши керак? Илмий адабиётларни ўрганиш шуни курсатадики, ёш авлодни оиласлар ҳаётга тайёрлаш куйидаги асосий жиҳатларни ўз ичига олиши керак:

1. Никоҳ ва оиласлар муносабатлар ҳамда демография соҳасидаги давлат сиёсатини очиб берувчи ижтимоий, шунингдек, никоҳ ва оиласлар муносабатларнинг ижтимоий табиати, оиласларни мақсади, оиласлар қадриятлар ва эр-хотин ҳамда ота-оналарнинг ижтимоий роллари тўгрисидаги маълумотларни камраб олиши керак.
2. Ахлоқий фазилатларни тарбиялаш: бошка жинс вакилларига нисбатан хурмат; онага, отага, кексаларга ва ўсмирларга хурмат; болаларни тарбиялаш зарурати; масъулият, садоқат, ҳалоллик,

дадиллик, меҳрибонлик, турмуш ўртоғи, оиласи, болалари учун мажбурият ҳисси; самимий түйгулар маданияти.

3. Ҳуқукий билимлар яъни никоҳ ва оиласа оид қонунчилик асослари билан танишишга қаратилган бўлиши; оила ҳуқукининг энг муҳим қоидалари билан; эр хотиннинг бир-бирига, болаларга, жамиятга нисбатан мажбуриятлари билан танишган бўлиши зарур.

4. Психологик, шахсий ривожланиш ҳакидаги тушунчаларни шакллантириш; ёшларнинг ўзаро муносабатлари психологиясининг ўзига хос ҳусусиятлари ҳакида; никоҳ ва оиласавий ҳаётнинг психологик асослари, бошқа одамларнинг психологиясини тушуниш қобилияти ҳакида; оиласавий ҳаёт учун зарур бўлган ҳис-түйгуларни ривожлантириш; муомала қилиш қобилиятлари. 5. Физиологик ва гигиеник, жумладан, эркак ва аёл организмларнинг физиологик ҳусусиятларини билиш; жинсий ҳаёт ҳусусиятлари, шахсий гигиена масалалари ва бошқалар.

6. Педагогик, жумладан, фарзанд тарбиясида оиласининг ўрни, унинг педагогик салоҳияти, оила тарбиясининг ўзига хос ҳусусиятлари, ота-онанинг тарбиявий вазифалари ва ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш йўллари ҳакидаги ғояларни шакллантириш.

7. Иқтисодий ва молиявий: оила бюджети, кундалик турмуш маданияти, рўзгор юритиш қобилияти ва бошқалар ҳакидаги билимлар билан қуроллантириш. Шу жиҳатдан Ёшларни оиласавий ҳаётга тайёрлаш марказларида б та йўналиш бўйича никоҳланувчиларни тайёрлаш мазмuni танланган. Булар: – оиласавий ҳуқукий муносабатлар; – оиласавий турмуш психологияси; – репродуктив саломатлик асослари; – иқтисод ва оила бюджети; – ота-оналий ижобий кўнникмалари; – маънавий-ахлоқий қадриятлар. Никоҳланувчи шахсларни оиласавий ҳуқукий муносабатлар бўйича тизимли тайёрлаш ҳамда уларнинг ҳуқукий саводхонлигини ошириш борасида биринчи йўналиш сифатида “Оиласавий ҳуқукий муносабатлар” бўйича ўқитиш жорий қилинмоқда. Нима учун оиласавий ҳуқукий муносабатлар биринчи ўринда? Чунки никоҳланувчилар янги ҳуқукий мақом остонасида турганликларини, улар эр ёки хотин деган мақомни олгач зиммаларида Қонун томонидан юкланаётган ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаш этишлари лозим. Агар никоҳланувчилар маъсулиятни ҳис килиб конун юклётган макомни қабул килсалар оиласавий психология, саломатлик, иқтисод ва оила

бюджети, маънавий ахлоқий қадриятлар ҳам кутилаётган даражада ўз самарасини бериб, Қарорда кўзланган фаровон оила концепциясига эришак бўлади. Ёшларни оилавий хаётга тайёрлашнинг ҳукукий асослари бўлиб, асосий конунимиз ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4 оиласига багишланган XIV бобининг 63-66-моддаларини барча оилавий ҳукукий муносабатларнинг асоси сифатида кайд этиш лозим бўлади. Жумладан, 63- моддада, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳукукига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳукуклилиги асосланади. 64-моддада, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишини таъминлайди, болаларга бағишлиланган хайрия фаолиятларни рафбатлантиради. 65-моддада, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан катъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза килинади. 66-модда бўйича эса, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз отаоналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Ушбу тизимнинг ёш никоҳланувчилар билан алоқадорлиги шундаки, никоҳланувчилар мактабда ва олий таълим тизимида олган билимлари базасига асосланиб оилавий ҳукукий муносабатларнинг конкрет, муҳим жиҳатлари билан бойитади. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси никоҳланувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ҳукукий асосларидан бири ҳисобланади. Оила кодекси билан тартибга солинган никоҳ, эр-хотиннинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, никоҳни тутатилиши, ота-она ва вояга етмаган болаларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, алимент мажбуриятлари каби оилавий ҳукукий институтлар ёш оила қураётган никоҳланувчиларнинг ҳукукий онг ва маданиятини оширишда аҳамиятлидир. Зоро, Оила Кодексининг I-моддасида Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бирбирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида куришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралashiшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳукукларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳукукларнинг ҳимоя

килинишини таъминлашдан иборатдир. Никохланувчилар учун бу каби 5 тушунчаларни англаш ва янги ҳаёт арафасида турғанларидаёк ҳуқук ва мажбуриятларидан қандай фойдаланиш ва түгри қандай ўз ҳуқукларини ҳимоя қила олишлари муҳим. Ҳукумат томонидан йўлга қўйилган белул курслар оиласи мустаҳкамлашга, шунингдек, оила билан боғлиқ салбий ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилишга қаратилган. Белорусияда эса 10- 11 синф ўқувчилари учун “Ўқувчиларни оиласи ҳаётга тайёрлаш” факультатив машгулотлар ўқув дастури фаолияти йўлга қўйилиб, ўқувчиларда оила ва никоҳ институтларига нисбатан олий муносабатини шакллантиришга қаратилган. Бу эса уларда тенгдошлари ва яқинлари билан ўзаро муносабатлари, шу билан бирга, келгусида оиласи ҳаётда фаол позициясини шакллантиришга хизмат қиласи. Бу каби чора тадбирлар Россия Федерациясида ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур давлатларнинг ажralишлар ва оиласидаги зўравонликлар, фарзандлар ҳуқукларининг бузулиши бўйича юкори погоналарни эгалламоқда. Ривожланган мамлакатлар АҚШ, Буюк Британия, Германияда ҳам маҳсус курслар, мактабларда фанлар ҳам жорий қилинган. Сингапурнинг “Ижтимоий муносабатлар ва оиласи ривожлантириш Вазирилиги” веб тармоғи орқали никохланувчиларга никоҳ таълими дастурларини ташкил этиб уларни оиласи ҳаётлари давомида ҳам кўллаб-куватлаб келади. Ушбу таълим дастурлари куйидагилар: – муносабатларни мустаҳкамлаш дастури; – фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларида никоҳга тайёрлаш дастурлари; – Сингапур фуқаролари учун никоҳ дастурлари ва чет элликлар билан оила кураётган жуфтлар учун дастурлар; – мусулмон бўлган жуфтликлар учун никоҳга тайёрлаш дастурлари; – вояга етмаганлар учун мажбурий никоҳ дастурлари; – никоҳгача маслаҳат хизматлари киритилган. Ушбу давлат тажрибасига кўра, киска курслар билан чекланмасдан, талабгорлар учун узлуксиз тарзда давом эттирилади. Демак, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, хорижий тажрибада узлуксиз ташкил этилган оиласи ҳаётга тайёр бўлиш ва оиласи ҳаёт даврида ҳам зарурий билим ва кўнинмаларга эга бўлиш муҳим. Хулоса ўрнида, ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлашни комплекслилиги ва узвийлигини таъминлаш муҳимdir. Бунда сертификат олган оиласаларнинг 3 йиллик, 5 йиллик, 7 йиллик оиласи

турмушларидаги ўзгаришларни маҳаллабай тарзда мониторинг ва кузатувини давом эттириш мақсадга мувофиқ. Ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлаш марказларининг ҳақиқий самара бериши, келажакда оиласи ажралишларнинг олди олинишида муҳимдир.

Назорат саволлари:

1. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига ёшларни оиласи тайёрлашнинг хукукий асослари?
2. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ижтимоий ҳамкорлигига ёшларни оиласи тайёрлашнинг бугунги кундаги холат нималардан иборат?
3. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига ёшларни оиласи тайёрлашнинг педагогик мазмуни?
4. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги қандай механизмга асосланади?
5. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида қандай тадбирлар уюштирилади?
6. Оилаларга қандай ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатилади?

Мавзу: ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ РЕЖА:

1. Гендер тенгликнинг хукукий асослари
2. Таълим тарбия олиш жараёнида гендер тенглик масалалари
3. Мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида тенглик масалалари

Таянч тушунчалар: гендер, тенглик, йигит, қизлар, оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим, тарбия, ижтимоий, маданий, ҳаёт.

Мамлакатимизда сўнгги тўрт йилда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукук ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-хукукий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг

жамиятдаги ролини оширишди, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Бу эса мамлакатимизда гендер тенглик борасида катор ривожланишларни олиб келди. Гендер стратегияси доирасида гендер тенглик тушунчаликни жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт муносабатларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини англатади. Сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, хотин-қизларни тазийик ва зўравонликлардан ҳимоя килиш масалалари бўйича мустаҳкам ҳуқукий асослар яратилганлиги хам хотин қизларимиз учун катта имкониятлардан бири бўлиб хизмат килади.

Гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, парламент юкори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгашлари, Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Ислоҳотларнинг барча босқичларида Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат кенг қамровли масалаларни ўз ичига олади. Аҳоли даромадларини тизимли равишда ошириб бориш, бандлик ва меҳнат муносабатларини шакллантириш, ахолининг айрим тоифаларини, шу жумладан тадбиркор ва фермер хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя килиш ва қўллаб-кувватлаш борасида қўшимча кафолатлар берилди.

Хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш амалиёти йўлга кўйилди. Республиkaning чекка худудларини ривожлантариш, кишлоқларни ободонлаштириш, кишлоқларда яшовчи хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини қўллаб-

кувватлаш орқали камбағалликни қисқартиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида 1,5 миллиондан ортиқ хотин-қизлар меҳнат қиласиди. Гендер тенглигни рағбатлантириш ва унга эришиш учун оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Замонавий ижтимоий ва сиёсий фаол хотин-қизлар имиджини акс эттирувчи, хотин-қизлар ва эркаклар учун яратилган имкониятларни ёритувчи радиоэшиттиришлар ва телекӯрсатувлар сони қўпайди.

Таълимда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида кескин тафовутлар кузатилишиб, бугунги кунда умумий ўрта таълим ўқитувчиларининг 70 фоиздан ортигини аёллар ташкил этмоқда.

Таълимнинг педагогика ва гуманитар фанлар (филология, педагогика, психология, маданият ва санъат) йўналишларида таҳсил олаётган хотин-қизлар улуши 68 фоизни ташкил этса, муҳандис-техник (ахборот технологиялари, энергетика, инженерия) ва ҳукуқшунослик соҳаларида уларнинг улуши ҳамон камлигича қолмокда.

Республика худудларида, айниқса қишлоқ жойларида соғлиқни сақлаш хизматлари сифатининг пастлиги, хусусий тиббий хизматларнинг ривожланмаганлиги, эр ва хотин ўртасида оиласи режалаштириш бўйича тиббий маданиятнинг етарли эмаслиги оналар ва гўдаклар ўлимларининг сакланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Гендер стратегиясининг мақсади ва вазифалари

Гендер стратегиясининг асосий мақсади — ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чикиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашдан иборат. Гендер стратегиясининг асосий вазифалари қуидагилар ҳисобланади. Жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёsat, иқтисодиёт, ҳукуқ, маданият, таълим, илм-фан ҳамда спорт муносабатларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг иштирок этишларини қўллаб-кувватлаш, қарор кабул қилишда уларнинг етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни яратиш. Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ салбий қарашларни ўзгартириш муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли бандлиги соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун кафолатланган тенг ҳукуқ ҳамда

имкониятларни, шунингдек, муносиб иш ўринларини яратиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларнинг тижорат банкларидан кредит олишга бўлган имкониятларини кенгайтириш;

хотин-қизлар ва эркакларни бутун умри давомида ўқишига бўлган имкониятларини рагбатлантириш, уларнинг оилани режалаштириш борасидаги тиббий маданиятини ошириш ва репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини юксалтириш;

одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, тазиик ва зўравонликни олдини олиш, уларни аниқлаш ва барҳам бериш бўйича самарали ташкилий-хуқуқий механизmlарни яратиш;

оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда барча оила аъзоларининг масъуллигини ошириш, эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ ҳамда оилавий ажralишларнинг олдини олиш;

гендер тенглик тамойилларини илгари суришда, хотин-қизлар ва эркакларнинг хуқуқ ҳамда имкониятларини тенг амалга ошириша бюджетни режалаштириш, гендер масалаларини бюджет жараёнларига интеграциялаш, гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш;

гендер тенглик, аёллар тадбиркорлиги, хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазиик ва зўравонлик ҳолатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғликни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

Таълим, илм-фан, спорт ҳамда согликни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида куйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, хотин-қизлар ва эркакларни бутун умр давомида ўқишига бўлган имкониятларини рагбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олинишини кенгайтириш;

Хотин-қизларни илмий фаолиятга көнг жалб қилиш, уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган дастурий ишланмаларини, инновацион гояларини, ихтирочилик, рационализаторлик фаолиятини қўллаб-куватлаш;

замонавий педагогик технологиялар ва услубларни ҳисобга олган холда мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус, олий таълим муассасаларининг ўкув дастурларига гендер мавзусини жорий этиш орқали фуқароларнинг гендердага оид саводхонлигини юксалтириш;

мавжуд ва келажакда яратиладиган мактаб дарслклари, ўкув-услубий материаллар ва бошқа нашрларнинг жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципига мувофиқ гендер экспертизадан ўtkазиш амалиётини йўлга қўйиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, нотинч оиласардан бўлган хотин-қизларни таълим олишига кўмаклашиш ва уларни касбга йўналтириш;

мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, соглиқни саклаш ҳамда эркаклар улуши кам бўлган бошқа соҳаларга аёллар билан тенг равишда эркакларни жалб қилишга доир фаолиятни қўллаб-куватлаш;

хотин-қизлар ва эркакларнинг оиласи режалаштириш борасидаги тиббий маданиятини ошириш, зарур ахборот ва хизматларга эркин ҳамда тенг равишда эга бўлишини таъминлаш, оиласи режалаштиришда уларнинг шахсий ҳаётига учинчи шахсларнинг аралashiшига йўл қўймасликни қўллаб-куватлаш;

худудларда, айниқса қишлоқ жойларида хотин-қизлар ва эркакларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласарни қўллаб-куватлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини юксалтириш;

ижтимоий аҳамиятли ва юкумли касаллукларга дучор бўлган беморларни қўллаб-куватлаш;

таълим, илм-фан, спорт ҳамда соглиқни саклаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилиш, бу борада илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-куватлаш;

хотин-қизлар ва эркакларнинг тиббий маданиятини ошириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, якин кариндошлар ўртасидаги никоҳларни олдини олиш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтиомий шерикликни мустаҳкамлаш.

Тазик ва зўравонликнинг олдини олишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

Тазик ва зўравонликнинг олдини олишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида куйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

тазик ва зўравонликдан жабрланувчиларни ижтиомий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хисобидан молиялаштириш. Тазик ва зўравонликдан жабрланувчиларни қўллаб-куватлаш, уларнинг хавфсизлигини, жисмоний ва руҳий реабилитациясини ҳамда мослашувини таъминлашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазик ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда улар билан ўзаро муносабатлар маданиятини юксалтириш бўйича мулкчилик шаклларидан қатъи назар барча идора ва ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказиш хотин-қизларимиз учун ахамиятли.

Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида куйидаги тадбирларни амалга ошириш зарурияти туғилмовда.

Оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда барча оила аъзоларининг масъуллигини ошириш, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймаслик бўйича амалдаги механизmlарни такомиллаштириш зарур. Оилалардаги эрта никоҳ, якин кариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғрук, оилавий

ажралишларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларини таҳлил қилиш, бу борада илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқикотларни қўллаб-куватлаш лозим.

Асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлар, ижобий урфодатлар ва анъаналар асосида оиласларни мустаҳкамлаш, оиласвий ажралишларнинг олдини олишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ хисобланади. Оиласвий муносабатларда хотин-қизлар ва эркакларнинг ўрни ҳакида жамиятда шаклланган салбий қарашларни ўзгартириш, бу борада оммавий ахборот воситалари иштирокида таргибот-ташвиқот ишларини қўллаб-куватлаш.

Оиласвий ҳаётга оид муаммолар, психологик-педагогик, ҳукукий ва бошқа масалалар юзасидан хотин-қизлар ва эркаклар учун маслаҳатлар бериш тизимини янада такомиллаштириш мухим ахамиятга эга. Хотин-қизлар ва эркакларнинг оиласвий муносабатлардаги ҳукуклари, эркинликлари ва мажбурияtlари тўғрисида ахборот-маърифий фаолият самараదорлигини ошириш мухим ахамиятга эга.

Назорат саволлари:

1. Гендер тенгликнинг ҳукукий асослари нималардан иборат?
2. Таълим тарбия олиш жараёнида гендер тенглик масалалари?
3. Мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида тенглик масалалари?
4. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги қандай механизмга асосланади?
5. Гендер тенглик масаласининг кириб келишининг тарихий асослари?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги Концепцияси. – Тошкент: РТМ, 1993.
2. Иномова М.О. Оиласда болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 1999.

3. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
4. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
5. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гурур / Ўқув кўлл. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999.
6. Тўраева О. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.

**Мавзу: ОИЛА ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ .
АХЛОҚИЙ МАДВИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ
РЕЖА:**

- 1. Оила тарбиясида ахлоқий маданиятни шакллантириш.**
- 2. Шахснинг юксак фазилатлари-ахлоқий маданият.**
- 3. Муомала одоби-ахлоқий маданиятнинг муҳим элементи.**

Таянч тушунчалар: оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган фаолияти, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги, ахлоқ, маданият.

Оила тарбиясида миллий ва умумисоний ахлоқий маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги Жамиятнинг мазмуни, тузилишини тўлик англамай туриб унинг негизини ташкил этувчи оиланинг моҳиятини тушуниб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан караганда, жамиятда оиланинг тутган ўрни, структуравий элементлари, оиласдаги руҳий жараёнларнинг бошка шакллари билан ўзаро алоқадорлиги ҳамда ахлоқий таълим-тарбиянинг унга таъсири билан боғлиқ масалалар Х.К. Каримов, Ф.Р. Рўзиқулов, Н. Салаева, Ш.Ш. Жўраева, Г.Т. Ядгарова, М.М. Умарова, М.С. Салаева, М.Х. Файзиева, Н.Х. Лутфуллаева, Р.А. Умурзакова, Ю.Ф. Салимов, М. Ризаева каби олимларнинг тадқиқотлари атрофлича ўрганилган. Шунингдек, М. Халматова, С.Ж. Турсунова, Н.З. Сайдалиева каби олимларнинг илмий ишлари оиланинг ижтимоий ва маънавий-маърифий омиллар таъсири масаласини ўрганишда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқотларда қайд этилишича, оила билан боғлиқ бўлган барча масалалар кишилар турмуш тарзи таркибига киради. Аммо, оила жамиятнинг кичик ячейкаси сифатида маҳсус

фалсафий тадқиқотга муҳтождир. Яъни, оилада ўзаро хурмат, иззат, муҳаббат мавжудлиги ҳамда ижобий хусусиятларнинг барқарорлиги ахлоқий маданиятнинг пойдеворидир. Оилавий муносабатларни тұғри шакллантириш, уларни мавжуд шароитта мослаш, салбий ҳолаттар юз берганда эса, уларни босиклик ва чукур мулоҳазалар билан бартараф этиш ҳоллари, табиий равишда ёшлар маънавий-ахлоқий маданиятида муҳим ўрин тутади. Юқоридаги параграфда қайд этилганидек, миллий ва умумисоний ахлоқий маданият жаҳондаги барча ҳалқларнинг табиати, урф-одати, иродаси, ўзига хослиги, орзу-интилишларини ифодалар экан, улар ўртасида ўзаро диалектик муштараклик бўлиши шубҳасиздир. Том маънодаги миллийлик ҳамиша умумисоний мазмун касб этади, умумисоний мазмунда эса, миллийлик намоён бўлиши шубҳасиз. Бу тамойилга кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин. Айтайлик, бизга нотаниш бўлган бирор ҳалкнинг фольклор-этнографик дастаси концерт бериб қолса, уни ижро этатган аёл ва эркак иштирокчининг ҳар бир хатти-харакати, қилиги, сўзи, кийиниши, мусиқаси ҳамда унга монанд рақсларидан шу ҳалққа хос хусусиятларни пайқашга, шу билан унинг маданий савия-даражаси, қиёфасини англаб олишга интиламиз. Биз томоша қилаётган ҳалқ рақс ижодида шу ҳалқнинг анъаналари, ворислик белгилари, менталитети ҳам акс этадики, улар миллий мазмунни ифодалайди. Айни чогда, мазкур рақс санъатининг бошқа ҳалклар рақсига ўхшашлиги, уйгунилиги, мақсадлар муштараклигига умумисоний мазмун намоён бўлади, дейиш мумкин. Худди шунга ўхшаш, миллий ва умумисоний ахлоқий маданият тамойиллари оила тарбияси билан ҳамиша уйғундир. Чунки маданият – эр-хотинлик, оилавий муносабатларга одамлар маънавий турмушининг бутун тўлалигини баҳш этади, оила аъзоларининг бир-бири билан ва оиланинг жамият билан руҳий-маънавий алокаларини янада кўпайтиради, ниҳоят ички оилавий муносабатларни ҳал этишининг энг мақбул нусхаларини танлаб олиш имконини беради. Ахлоқий маданиятнинг ана шу кучли яратувчилик, доимо янгиланиб борувчи ҳаётбахш таъсирини миллият ёки ҳалқ билан чегаралаб бўлмайди. Шунга кўра, оила насллар давомийлигини таъминловчи доимий ва табиий манба бўлиб, ҳар бир давр оиласа ўз таъсирини ўтказади, яъни даврга хос ижтимоий ўсиш-ўзгаришлар, ислоҳотлар, маънавий-руҳий янгиланишлар оила маънавиятида ўз изини қолдиради. Бинобарин,

демографик сиёсатнинг объекти ҳам, мақсади ҳам, энг таъсирчан ва мухим воситаларидан бири ҳам оиладир. Якин ўтмишда миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг оила тарбияси билан муносабатларидағи үйғунликка путур етказилди. Аввало, миллий ва умумбашарий меросга муносабатнинг бирёкламалиги оила тарбиясида бир катор салбий хусусиятларни келтириб чиқарди. Жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги унтуилаёзди, миллият руҳининг ойнаси бўлган она тилимизга муносабат салбий маъно касб этди. Маданияти, тили, миллиатидан бегоналашган манқуртлар тоифаси жамият ва оила ўртасидаги ана шу ўзига хос үйғунликка путур етказишнинг оқибат натижаси эди. Ҳолбуки, жамиятда пайдо бўлган ҳар қандай ижтимоий иллат маданиятга хос меъёрий мезонларнинг бузилишидан, оила тарбияси издан чикишидан ҳосил бўлиши сир эмас. Истиклол қўлга киритилгач, бу борада ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, оиланинг жамият таянчи, маънавий тарбия ўчғи сифатидаги роли эътироф этилди, унинг фаровонлиги – миллий фаровонлик 96 асоси экани асосий қонун Таъбир жоиз бўлса, оила жамиятимизнинг асосий бўғинидир. Оила жамиятимиз ва давлатимиз муҳофазасида, химоясида бўлиши шарт, деб ёзардим. Нега деганда, бугунги замон шуни такозо этяпти, бизнинг кўзимизни очиб, хаётга бошқача қарашни талаб киляпти». Таъбир жоиз бўлса, ушбу сўзларда муқаддас Ватан тимсоли бўлган оила феноменига муносиб баҳо берилган. Оила тинчлиги, муқаддаслиги, фаровонлиги орзузи барча даврларда барча ҳалклар файласуф ва жамиятшунослари фикри-ёдини банд этган. Миллий ва умумбашарий маданий меросда ахлоқодобнинг жамият ва оиласи келажакка йўналтирувчи асосий омиллардан бири сифатида талқин этилиши бежиз эмас. Чунки, ахлок инсонга инсонлигини доимо эслатиб турувчи маънавий асос, ворисийлик асосида авлоддан-авлодга ўтиб келувчи фазилатлардандир. Жаҳон маданияти тарихида Аристотель биринчи бўлиб ахлоқни чукур тадқик этиб, уни фан сифатида асослади, мақсад-вазифаларини ойдинлаштириб берди. Бу борада ўзидан бирмунча олдин фалсафий фикрларни ўртага ташлаган Сукрот ва Платон қарашларига танқидий ёндашиб, ахлоқий камолотга эришиш учун ахлок мазмунини билиб олиш камлик қилишини, бунинг учун инсон табиатида, насл-насаби, қонида шу фазилатларнинг ўзи мавжуд бўлиши шартлигини асослаб

берди. Бинобарин, Аристотелнинг фикрича, инсоф, виждан, олийжаноблик, багрикенглик, меҳр-мурувват, ҳиммат, сахийлик, барчага яхшилик ва хайриҳохлик тилаш, одамларга ҳамдардлик фазилатларига эга бўлиш маънавий-ахлоқий комиллик белгилариdir. Шубҳасиз, инсоний фазилатларни фалсафий асослаб, шоҳ асарлар яратган Аристотелнинг ўзи ҳаётда билимдонлиги билан бирга юксак ахлоқ эгаси эканлиги билан ҳам заминдошлари эътирофига сазовор бўлғани таҳсинга лойикдир. Македония хукмдори Филипп II дўстининг ўғли Аристотелни одоби ва фазилатлари учун бениҳоя ҳурмат қилганидан шундай деган экан: «Менга ўғлим Александрни бергани эмас, бу ўғлим Аристотель замонида туғилгани учун Тангриларга шукронга айтаман». Аристотель каби фазилатлар соҳибидан олган сабоклари, билими, ўғитлари, ҳаётий йўл-йўриклари Александрга кейинчалик гоят катта наф келтиргани учун унинг номи тилларда достон бўлди. Масаланинг бошқа томони – Аристотелнинг ахлоқ ҳакидаги қарашлари Шарқдаги ахлоқ ҳакидаги фикр-мулоҳазаларга кучли таъсир этди. Масалан, Форобий устози Аристотелнинг изидан бориб, инсоний фазилатларни икки қисмга – акл-идрокка асосланган фазилатлар ва хулқ-атвор фазилатларига ажратади, уларнинг ўрталиқ ҳусусиятларига эга бўлиши мумкинлигини далиллайди. Форобийнинг фикрича, инсонга бахт-саодатга эришиш учун етук хулқ лозим. Хулқнинг гўзаллиги, нуқсонлардан ҳоли бўлиши ҳатти-ҳаракат ва қундалик амалларда меъёр қай даражада сакланиши билан ўлчанади. Меъёрийлик ҳисси устувор бўлса, маънавий таназзуллар содир бўлмайди. Бу эса, ирода, инсоннинг ўз-ўзини бошқариш, ахлоқий меъёrlарга риоя килиши билан юзага чиқади. Ўз навбатида Абу Райхон Беруний ҳам яхши одоб ёки ёмон хулқ-одатлар, асосан, оила тарбиясига узвий боғлиқ эканлигини кўп таъкидлаган. Агар оилада тарбиянинг олижаноб, эзгу йўл-йўриклари кўпроқ берилса, оила фазилатли бўлади. бунда тарбияда бир хил максад, талаб қўйилмоғи гоят муҳим. Кўринишдаги гўзаллик ва тузилишидаги баркамоллик ҳар бир одам учун севимли, дер экан, олим турмушдаги табиий гўзалликни ахлоқда, феъли-атворда, оилавий ҳаётда кўриш истаги борлигини назарда тутади. Айни чогда Беруний ота-онани оилани барпо этувчиilar экани, улар орасидаги кучли ҳурмат ва муҳаббат, албатта, болалар феъл-атвори ва тарбиясига таъсир этажаги ҳакида фикр юритади. Оилада

хотинқизларнинг тутган ўрни эса бекиёсdir. Олимнинг фикрича, оилада аёл билими, жасурлиги, шарм-ҳаёси, эрига илтифоту хурмати, камтарлиги ва фаросати, ширин мумомаласи, покизалиги, ишбилармонлиги, тежамкорлиги билан намуна бўла олиши зарур. Бу ўша давр учун гоят илгор гоялардан бири эди. Оилада ва жамоада аёлнинг тутган ўрни қандай, бола тарбиясида аёл қандай мавқени эгаллайди, сингари саволлар ислом таълимотида мухим аҳамият касб этади. Хўш, мусулмончиликда аёллар масаласига жиддий эътибор қаратилишининг қандай маъноси бор? Бу саволга шундай жавоб бериш максадга мувофиқdir: - аёл – оила муносабатларининг вужудга келиш сабабчиси, авлодлар давомийлигининг гоясидир; - аёл – оила тарбиясининг бош мураббийларидан бири, яъни, фарзанднинг ҳам дунёга келишига сабаб бўлувчи, ҳам қони ва жони билан, оқ сути билан ундаги наслий сифатларни бир авлоддан иккинчи авлодга кучиравчи, ҳам авлод маънавиятига асос солувчи инсонdir; - ота ва унинг аждодларига, кариндош-уругларига муносабат, aka-ука, опасингилларга, қўни-қўшниларга муносабат ҳам, аввало, онадан, унинг бошқаларга илиқ муносабатидан бошланади; - жамиятда инсонпарварлик ва адолат туйгулари аёлдан бошланади; - гўзалликка, меҳр-мурувватга, имон-эътиқодга ташналик, уларга эҳтиёж ҳам аёл туфайлиdir; - она тилига муносабат (дарвоке, «она тили» деб бежиз айтилмайди, чунки миллий-маънавий қадрият бўлган тил ҳам аёл меҳри ва меҳнати натижасида шаклланади), уни билиш ва уни англаш жараёнида аёл моҳир тилшунос миссиясини бажаради; - ниҳоят, аёл ана шу хизматлари билан фарзандига тарбия ва таълим берар экан, ўз оиласидаги анъаналарни давом эттиради, оила шажарасини ривожлантиради. Табиийки, аёл адо этадиган мазкур хизмат ва вазифалар, ўз навбатида, жамиятдаги илгор гояларни, маданиятни, маънавий-маърифий омилларни бойитади. Шарқда аёлларга муносабатда ҳакиқатан ҳам адолат, инсонпарварлик, тенг хукуклилик мезонлари устувор 100 бўлгани демократик тамойилларнинг вужудга келишида мухим роль ўйнади, кейинроқ эса, Шаркнинг бу тамойиллари Farb тамаддунига, айниқса, Farb уйғониш даврига кучли таъсир этиб, унинг кенг ёйилишига туртки берди. Фукароларнинг ирқ, наслу наасаб, мансаб ва молмулкидан қатъи назар, Аллоҳ томонидан тенг хукукли этиб яратилгани Куръони Карим ва ҳадисларда таъкидлаб ўтилган.

Чунончи, «Хеч бир арабнинг ажамга (араб бўлмаган кишига) ва ҳеч қандай ажамнинг арабга, ҳеч бир коратаннинг қизилтанга ва қизилтанинг қоратанга нисбатан ҳеч қандай фазилиати (имтёзи) йўқдир, магар тақво билан». Шунингдек, жамият конунлари олдида фукаролар ёки эркагу аёлнинг тенглиги ҳам ҳар қандай ҳолатда суниистъемол килинмаслиги таъкидланади. Бу ҳакда ҳам ҳадиси шариф мавжуд: «Аллоҳга онт ичиб айтаманки, агар Мұхаммаднинг кизи Фотима ўғрилик қилса, албатта, унинг қўлини кесардим». Мазкур ҳадиси шарифларда умуминсонийлик ва тенгҳуқуқлилик ғоялари илгари суриласди, иккинчи ҳадисда эса, Фотима исми бежиз тилга олинмайди (Ҳазрат Алига никоҳ килинган бу кенжা киз Расулуллоҳ авлодининг давом этиши ва ўнлаб буюк зотларнинг тарбияланишига сабаб бўлади). Шу ўринда мусулмон маданияти ва эътиқодининг юксак намояндадари бўлган сўфийлар, яъни тасаввуф илми вакиллари, айниқса, улар орасидаги сўфий аёллар хусусида маҳсус тўхталиш мақсадга мувофиқдир. «Ривоят қилишларича, бир куни художўй сўфий Робийа бир қўлида бир челак сув, иккинчи қўлида ёниб турган машъала кўтарганча Басра кўчаларидан югуриб ўтаётган экан. Йўловчилар ҳайрон бўлиб ундан сўрашибди: – Бунчалар шошилиб қайларга йўл тутдинг, эй Робийа? Робийа қўлидаги челакка ишора килибди: – Дўзахдаги ўтни ўчирмоқчиман. Бундан ташқари, Европа адабиётида ушбу ривоятнинг кўпгина бошқа шакллари ҳам мавжуд». Мазкур парчани келтиришдан мақсадимиз тарихий тимсолларимиз қадимдан Ғарбни мафтун этиб келган, бу тимсолларнинг аёллар сиймосида намоён бўлиши эса, уларни янада ҳайратга солгани аниқдир. Иккинчидан, Робийа сингари эътиқод сохибалари юкоридаги ривоятларда акс эттирилган хатти-харакатларида, моҳиятига кўра, жамият соғлиги, поклиги учун курашувчи сифати. Тасаввур қиласилик, эътиқодсизлик, бир-бирини алдаш, енгиш манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган шафқатсиз ҳаёт зиддиятлари олдида Робийа каби тақводор аёллар ҳакидаги ривоятлар хориждаги илм-зиё ахлига кучли таъсир этган, имонли, инсоғли инсонларни тарбиялашга ёрдам берган, жамиятни поклашга хизмат қиласидиган ғоялар сифатида қабул килинган. Табиийки, бундай илғор ғоялар Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам турли даврларда буюк истеъод эгаларини тарбиялашга хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур бўлади. Ислом қадриятларида энг катта

хурматга лойиқ зот – она деб таърифланиши ҳам бежиз эмас. Юқорида санаб күрсатилганидек, аёл турмуш куриб, оиласи бўлгач, жамият келажагига дахлдор шахсга айланади. Исломий манбаларда қайта-қайта таъкидланганидек, Оллоҳ эркак ва аёлни жуфт бўлиб яшаш, уй-жой килиб, насл колдириш учун яратган. Эркак ва аёл организмининг физиологик тузилиши ва биологик эҳтиёжлари ҳам шунга мосланган. Бинобарин, оила бир эр ва бир аёлнинг муҳим ижтимоий, маънавий-рухий масъулиятни зиммасига олиш асосига курилган ихтиёрий бирлашмасидир. Ушбу ихтиёрий иттифоқда аёл-онаға катта мавқе белгиланади, ҳадиси шарифда айтилганидек, жаннатни оналар оёғи остида, деб талқин килинади. Муҳими шундаки, оналарни улуғлаш, уларга иззатикром күрсатиш Шарқда бадий асарларда ҳам, ҳалқ педагогикасида ҳам, тарихий-биографик манбаларда ҳам кўп учрайдиган лавҳалардан бўлиб, бу ҳаётий далилларнинг Farbga кучли таъсир қўрсатиб келгани шубҳасизdir. Туркий ҳалқлар оиласига хос ушбу азалий урф-одат ва илмий-маънавий анъаналар ҳақида тасаввухчи олима Шиммел хоним жуда характерли далиллар топа олган: «Биронта покистоний, туркий, арабий ёки форсий оиласи бориб қолган европалик меҳмон уй бекаси, яъни онанинг саводли ёки саводсиз эканлигидан қатти назар, оиласинг бутун 103 юмушларида раҳбарлик қилишини, фарзандлар эса, министр ёки профессорлигига қарамасдан, она қаршисида кўл ковуштириб туришини кўриб, роса ҳайратга тушади. Соғ дунёвий ишлар ҳам худди шу йўсинда амалга оширилади. Турк шоҳлари ёки Хиндистондаги Буюк Бобурйлар оиласарига назар ташласангиз, шоҳнинг ёки валиаҳд шаҳзоданинг оналари ҳам валиаҳдлардан кўра кўпроқ ҳокимииятга эга бўлганлигининг шоҳиди бўласиз. Шоҳ ёки валиаҳд шаҳзодалар ҳар доим оналари билан бамаслаҳат иш юритганлар. Кўриниб турибдики, бутун-бутун мамлакатларни сўраб турган ҳукмдорлар ҳам она қаршисида бош эгишган, саройдаги ва мамлакатдаги кўпгина ишлар она изми билан амалга оширилган». Биз олмон олимасининг фикрларини озгина ривожлантиришга журъят этиб, яна шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, «Бобурнома»да, Марказий Осиёда яратилган мемуар адабиётида эҳтимол биринчи бўлиб, Бобур ўз сулоласига мансуб аёллар(масалан, онаси, опаси, сингиллари...)нинг насл-насабини, шажарасини баён қилади, бошқаларни тасвирлаганда ҳам ахли аёлини

эркаклар билан ёнма-ён тилга олади. Гап шундаки, оналарга бўлган бундай улуф эҳтиром оиласидаги шарқона тарбиянинг окибат натижасидир. Айтайлик, агар Бобур ўз отаси Умаршайх Мирзо тарафидан оиласа менсимай қараш, саройдаги маликаларни хўрлаш ва камситиш руҳида тарбияланганда эди, асарларида таниш ва нотаниш аёлларга бу қадар ҳурмат бажо келтирмаган бўлар эди. Аксинча, Бобур ва бобурийлар сулоласи вакиллари ҳаёти ва ижодида аёллар, айниқса, оналар мавқеи юксак даражада тутиб турилган. Қиз узатиш, келин танлаш, оналарига садоқат ва муҳаббат, оиласига эҳтиром бобида ҳам улар бошқаларга ўрнак бўлишган, десак муболага бўлмас. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор: оналарни бу қадар улуғлаш, уларнинг ҳурмат-иззатини то вафотига қадар ва ҳатто вафотидан сўнг ҳам давом эттириш анъа- 104 наси Ғарбда дарҳол кўзга ташланмайди. Бирок, бу хорижда оналар ҳурматга лойик кўрилмаган, деган маънони англатмайди. Оиласи, фарзандларига садоқатли, покдомон, имон-инсофли аёл ҳамма жойда, ҳамма замонларда катта ҳурматга муносиб деб баҳоланган. Биз, одатда, оиласа таъриф берар эканмиз, уни доимо жамият, юрт, Ватан сўзлари билан ёнма-ён ишлатамиз. Уни ҳамиша жамият таянчи, эл-юрт негизи, Ватан тимсоли каби ифодалар билан таърифлашга ҳаракат киламиз. Чунончи: «Оила – жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиласининг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждан конунлари асосига курилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оиласа демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, кариндош-уруглари ва яқин одамларнинг, кўни-кўшиниларнинг омон-эсонлиги тўғрисида гамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса, энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир». Юртбошимизнинг мустақилликнинг илк йилларида ёк оила қадриятига бу қадар юксак баҳо бериши кейинги мустақилликни мустаҳкамлаш йилларида янада ривожлантирилди, оиласининг фалсафий-илмий мазмун-моҳияти ҳакида ва оиласининг таянч тарбияси хусусида бир қатор асарлар, мақола ва тадқиқотлар эълон

килинди. Уларда оила тарбиясининг янги кирраларини, оилавий муносабатлар диалектикасининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга харакат килинди. Оиланинг соғлом ва баркамол авлодни шакллантирувчи асосий бўгин экани, бу мухим вазифа эса, ўз-ўзи 105 дан ота-она, фарзандлар ва нуроний кексалар силсиласини яхлит бир жараён сифатида олиб ўрганилгандахина, кутилган самараларни беришини исботлади. Юртбошимиз тўғри таъкидлаганидек, ўзаро ҳурмат, тартиб-интизомга эга бўлмаган, аъзолари ўз бурчини англаб етмаган ва адо этолмаган, бир-бирига эзгулик ва меҳр-оқибат кўрсата олмаган оила рисоладаги оила эмас. Хўш, у ҳолда қайси оилада ўзаро ҳурмат ва тартиб-интизомга риоя қилинади? Бу саволга биргина жавоб бериш мумкин бўлади: ўз оиласини, ундаги қоида ва тартибларни муқаддас деб билган, чуқур англаған ҳолдагина, шундай ҳурмат ва интизомга асос солинади. Оилани муқаддас деб билиш замирида эса, бизнингча, куйидагилар намоён бўлади: - оила – ота-онам, ака-укаларимиз ва опа-сингилларимнинг киндик қони тўкилган, кўз очиб кўрган маконидир; - бу оилада, шунингдек, бобо ва бобокалонларим, момоларим яшаган, уларнинг руҳи барҳаёт; - бинобарин, оиламиз тасодифан юзага келган иттифоқ эмас, у авлод-аждодларимизнинг навбатдаги бўғини, биз – унинг давом эттирувчиси: - оиламиз биз кўриб турган даражага ўз-ўзидан чиқиб олган эмас, бунинг учун ота-онам ва уларнинг ота-боболари тиним билмай меҳнат қилишган; - шундай экан, уни янада ривож топтириш, янги камолот нуқтасигача юксалтириш – менинг бурчим; - демак, мен оила аъзоларим олдида бир умрга маънавий қарздорман. Агар оила муқаддаслиги гоясини таъриф-тавсиф этиш мумкин бўлса, оиладаги кенжা авлод вакиллари тилидан бу ғоя шундай жаранглаши ёки ифода қилиниши мантиқан тўғри бўлар эди. Рамзий ифода этилган мазкур сўзлар оилада тенг хукуклик, эркинлик мавжудлигини, оилавий муносабатлар имон-эътиқод асосига курилганлигини акс эттиради. 106 Шунингдек, оиласини муқаддас деб билган жойда, ака-укалар ва опа-сингиллар муносабатида ўзаро ҳурмат ҳам, тартиб-интизомга риоя қилиш ҳисси ҳам таркиб топган бўлади. Оила аъзоларининг бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиши, эзгулик ва яхшилик тилаши ҳам батартиблик, интизомлиликдан келиб чиқади. Ана шунинг ўзи оила маданиятини, унинг савия-даражасини белгилайди. Булар жамият ва оиланинг, миллий, умуминсоний ахлоқий маданият

тамойиллари ва оила маданиятининг ўзаро уйғулигини намоён этувчи мезонлардир. Ўз-ўзидан аёнки, соғлом мухитининг ибтидоси ҳам оила, оила мухитидир. Оила мухитининг соғломлиги эса, жамиятдаги маънавий-рухий мухит билан уйғун ҳолдагина воке бўлади. Бизнинг фикримизча, миллий ва умуминсоний ахлоқий маданият диалектикаси меҳр-мурувватлилик фазилатининг намоён бўлишида кўринади.

Назорат саволлари:

1. Оила тарбиясида ахлоқий маданиятни шакллантириш мезонлари?
2. Шахснинг юксак фазилатлари-ахлоқий маданият омилларини ёритинг?
3. Муомала одоби-ахлоқий маданиятнинг мұхим элементини ёритинг?
4. Кийиниш одоби ахлоқий тарбиянинг мұхим воситаси?
5. Оилада фарзанд тарбиясида миллий маданият?

Амалий топшириклар:

1. Қўйида берилган матнлар ёрдамида ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизида оила, маҳалла ва мактабнинг вазифалари билан танишиб чиқинг. Ҳар бир субъектнинг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифаларини ифодаловчи тезисларни тайёрланг.

2. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги мөхиятини акс эттирувчи кластерни яратинг.

Амалий топширикларни бажариш юзасидан услубий қўрсатмалар:

1. Оила, маҳалла ва таълим муассасасининг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифаларини ифодаловчи тезисларни тайёрлашда талабалар гурухларда ишлайдилар. Бунда учта катта гурухни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи ҳар бир гурухга алоҳида-алоҳида топшириқ беради. Топширикларнинг қўйидагича бўлиши мақсадга мувофиқдир:

T\P	Гурухлар	Топшириклар мавзуси
1.	1-гурух	Оиланинг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифалари
2.	2-гурух	Маҳалланинг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифалари
3.	3-гурух	Мактабнинг ёшларни тарбиялаш борасидаги

Топширикни бажариш чоғида гурухларнинг эътиборига куйидаги матнлар тақдим этилади:

I. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида оила томонидан бажариладиган вазифалар:

- оиласа соғлом мұхитни яратиш, миллий рух ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўрнак бўлиши, фарзандларнинг ота-онасига, Ватанга муҳаббат туйгусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлишини таъминлаш;
- оиласа хукукий тарбияни яхшилаш, оила аъзоларининг ўз хукук ва бурчларини англаб етишларини ва уларга риоя қилишларини таъминлаш;
- фарзандларга чуқур дунёвий билим асосларини бериш, маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб етишишларини таъминлаш;
- бозор муносабатларига мос бўлган касб-хунар ўргатиш, иқтисодий тушунчаларни фарзандлар онгига сингдириш;
- болаларнинг маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий мұхитни яратиш;
- болаларни мустакил фикрлашга ўргатиш, истиқолол ғоялари ва миллий мағкурага садоқат руҳида тарбиялаш;
- болаларнинг бўш вақтларини педагогик нұктай назардан келиб чиқиб унумли ташкил қилиш, уларга қўшимча таълим бериш;
- фарзандларида мавжуд бўлган истеъдод куртакларини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш;
- ўз фарзандларининг мактаб, маҳалла, давлат ва жамият олдидаги бурчларини тўла адо этишлари учун оиласа масъулиятли бўлиш;
- ота-оналар ўзларининг педагогик ва психологик билим савияларини доимо ошириб бориши;
- болаларда тежамкорлик ва ишбилармонлик сифатларини шакллантириш;
- оиласа миллий ва умуминсоний тарбиянинг барча йўналишларини уйғун ҳолда босқичма-босқич амалга оширишдаги масъуллигини таъминлаш;
- болаларда санитария-гигиеник, экологик кўнукмаларни

шакллантириш, диний ақидапарастлик, ичкиликбозлиқ, гиёхвандликка карши иммунитетни ҳосил килиш;

- соғлигіда ва аклий нұқсонлари бұлған фарзандларига ҳаёт талабларында мос равиша билим ва қасбу-кор үргатиши.

II. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлығы негизіде маҳалла томонидан бажарыладыған вазифалар:

- маҳалла фаоллари томонидан тарбия муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараённан амалга оширилиши керак бұлған масалаларни мұхокама қилишда қатнашиш ва оқылона ечимларини топишида фаоллик құрсатылиш;

- маҳалла үз худудидаги ижтимоий ва иқтисодий ёрдамға мұхтож оиласарнан аниклаб, уларни күллаб-қувватлаш ва фарзандларининг билим ҳамда тарбия олишларига бош-қош бўлиш;

- мәйнан носоғлом оиласарнан маҳалла йигінларыда мұхокама қилиш, уларга нисбатан жамоатчилик чораларини қўриш;

- маҳалла худудидаги ўқув-тарбия муассасаларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам қўрсатилишини күллаб-қувватлаш;

- ота-оналар орқали болаларда ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий одоб, байнамилаллик каби хислатларини тарбиялаш;

- ёшларнинг диний мазҳаблар ва секталар, ақидапарастликнинг моҳиятини тұғри англаб етишига ота-оналар орқали таъсир қўрсатып, аждодларнинг тарбиявий ўйтларини сингдирип бориш;

- маҳалла йигінларыда миллий давлатчилик ва миллий мағкура ғояларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда республикада эришилаётган ютуқлар тарғиботини ташкил этувчи тадбирларни уюштириш;

- Республика “Маънавият тарғибот” маркази, “Соглом авлод учун”, “Маҳалла”, “Экосан”, “Нуроний”, “Камолот” жамгармалари, хотин-кизлар құмиталари, турли жамиятлар, бирлашмалар ва ижодий уюшмаларни ёш авлодни миллий истиқбол ғоялари асосида тарбиялаш ишига, муаммоли масалаларнинг ечимини топишига фаол жалб қилиш;

- маҳалла худудидаги ишлаб чикариш корхоналари ва ташкилотларининг имкониятларини ўқув-тарбия муассасалари моддий негизини мустақмалашып үйнәлтириш;

- маҳалла ҳудудида ўқув-тарбия муассасалари билан биргаликда турли кўрик-танловлар, спорт мусобакалари, анжуманлар, байрам ва беллашувлар ташкил қилиш;
- турли йўналишда иқтидорли ўқувчиларни мактаблар тавсиясига кўра ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш;
- илгор педагогик ходимлар, тарбиячиларга маҳалла имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама ёрдам қўрсатиш;
- фарзандларига таълим ва тарбия беришда ижобий натижаларга эришаётган, намунали оиласлар ҳаёт тажрибасини оммалаштириб, маҳалла ҳудудида “Оила сабоқлари” машғулотларини ташкил қилиш;
- маҳаллада истиқомат қилаётган ҳалқ усталари, санъаткорлар, зиёлилар ва барча ижодкорларнинг имкониятларидан фойдаланиб, билим, касб сирларини ўргатишга асосланган турли тўғарак ва “Устоз-шогирд” русумида фаолиятини йўлга қўйиш;
- маҳалла ҳудудидаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳаллада истиқомат қилаётган ва моддий кийналган ёшлар учун иш жойлари квотасининг ажратилишига эришиш;
- ёшларда Ўзбекистонга, унинг табиатига муҳаббат, тарихига қизиқиш, маҳалла ободонлиги, аҳиллиги учун жавобгарлик руҳини шакллантириш.

Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида таълим муассасаси томонидан бажариладиган вазифалар:

- мактабда болага бирон-бир касб-корни эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратиш;
- ўқувчи-ёшларнинг спорт турлари билан шуғулланишларига ёрдам бериш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил қилиш;
- болаларга таълим беришни илгор педагогик технологиялар, замонавий ўқув-услубий дастурлар асосида ташкил этиш, ўқув-тарбия жараёнларини жаҳон андозаларига мос равиша таъминлаш;
- ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлиари тахлисидан, иқтисодий ва ижтимоий мухитдан келиб чиқиб, уларни турли соҳа бўйича касб асосларига йўналтириш ва таълимда табакалаштирилган ёндашувни жорий этиш;
- ёш оиласлар билан ишлаш, тиббий тарбиявий, ҳукукий, маънавий-маърифий, ижтимоий тушунчалар бериш учун маҳсус тадбирларни

амалга ошириш;

- ўз худудидаги маҳалла жамоаларининг фаолиятини тарбиявий максад йўлида мувофиқлаштириш;
- тарбияси “огир”, қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, оиласарга педагогик ёрдам бериш;
- бола тарбияси яхши йўлга кўйилган оиласарни тегишли идоралар ҳамкорлигига ўрганиб, тажрибаларини оммалаштириш;
- ўқиши ва ишлашни хоҳламайдиган, безорилик йўлига кириб кетган ўсмирларни хисобга олиб, уларга тегишли ташкилотлар билан биргаликда зарур чоралар кўриб, ота-оналар йигинларида муҳокама килиш;
- тарбия субъектлари бўлмиш хуқукий, тиббий, ижодий уюшмалар, ёшлар, табиатни муҳофаза қилиш ва “Экосан”, “Кизил ярим ой”, барча жамгарма ва жамоатчилик марказлари, оммавий ахборот воситалари, инсон хуқуклари бўйича миллий марказлар, касаба уюшмалари, нодавлат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллий бошқарув идораларининг бола тарбиясига бўлган масъулият ва жавобгарлигини мувофиқлаштириш;
- турар жойда ва маҳаллада олиб борилаётган барча тарбиявий, маънавий, маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирлари маркази – мактаб бўлишига эришиш;
- ўқувчи-ёшлар, ота-оналар, жамоатчилик билан хуқукий тарбияни амалга ошириш, тарбия жараёнининг барча иштирокчилари орасида миллий мағкуруни тарғиб қилиш, ақидапарастлик ва миллий тараққиётимизга заарли ғояларнинг кириб келишига қарши муросасиз курашишини ташкил этиш;
- таълим муассасалари низомлари асосида ўқувчиларнинг мактабда жорий қилинган тартибга амал қилишларини ва низомда белгиланган ўқувчилар либосида таълим ва тарбия жараёнига қатнашишларини таъминлаш;
- маҳаллада, хотин-кизлар орасида замонавий билимларни тарғиб қилиш, ўсмир ёшларнинг дунёвий билимларга бўлган интилишларини рагбатлантириш;
- мактаб негизида педагогик, хуқукий, психологик, маънавий ва маърифий билимлар берувчи “Ота-оналар университетлари” фаолиятини ташкил қилиш.

2. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги моҳиятини акс эттирувчи кластерни яратишда академик гурух жамоа бўлиб ишлайди. Кластерлар “Кластер” график органайзери воситасида яратилади. Бунда ўқитувчи ҳар бир талабанинг фаол иштирок этишини назорат қилиб бориши зарур. Кластерларни шакллантириш жараёнида билдирилган ҳар бир гоя инобатга олинади. Яратилган кластернинг мазмунини муҳокама қилиш жараёнида эса бир-бирини такрорловчи гоя ва фикрлар таҳлил қилинади. Такрорий билдирилган гоялар аникланиб, такрорланишлар бартараф этилади.

МАВЗУ: КАЙКОВУСНИНГ “ҚОБУСНОМА” АСАРИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Режа:

- 1.“Қобуснома” асарининг мазмун моҳияти.
2. “Қобуснома” асарида фарзанд тарбияси.
3. Фарзандни оиласидан ҳаётга тайёрлаш.

Таянч тушунчалар: таълим, тарбия, шахс, оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасаси, ҳамкорлиги, оила, маҳалла.

Шарқ оламида, оиласидан фарзанд тарбиясига бағишлиланган асарларимиздан бири бу — Кайковуснинг 1082—1083 мелодий, 475 ҳижрий йилларда яратилган «Қобуснома» асаридир. Кайковус бу асарни ўғли Гилоншоҳга батиш- . лайди. X—XI асрлар феодал жамиятида маданият, илмфан, санъат ва адабиёт анчагина ривожланган ва тараққий этган давр эди. Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Абул Ҳасан бинни Аҳмад Үнсурий каби шоир ва олимлар X—XI асрнинг йирик намояндлари эдилар. «Қобуснома» ҳам мазкур XI асрнинг кўзга ташланиб турган меваларидан ҳисобланади. «Қобуснома» рус ва гарб шарқшунослярининг, шарқ олимлари ва педагогларининг дикқатини жалб этди. Бу олимлар «Қобуснома» дикқат билан ўргандилар ва ўз тилларига таржима килдилар. Масалан, 1702— 1705 йилларда турк тилларига, 1786—87 йилларда Мухаммад Сидик Рашидий томонидан уйғур тилига, тахминан 1860 йилда Мухаммад Ризо Оғаҳий томонидан ўзбек тилига, 1881 йилда эса Қаюм Носирий томонидан татар тилига таржима қилинган. Бу таржималар туркий тиллардаги энг нодир нусхалар бўлиб колди. Булардан ташқари, «Қобуснома» 1886 йилда рус

тилига, шунингдек француз тилига, 1811 йилда эса немис тилига таржима килинди ва бу миллатлар ҳам уни ўз она тилларида диккат билан ўргана бошладилар. Улут Октябрь социалистик революциясидан сўнг «Қобуснома»га кизикиш янада кучайди ва шарқшунос олим, мархум Е. Э. Бертельс томонидан 1953 йилда иккинчи марта рус тилига таржима килинди. «Қобуснома»нинг автори Унсурулмаолий Қайковус Каспий денгизининг жанубий қирғогида яшаган Гилон қабиласидандир. У 412 ҳижрий, 1021—1022 мелодий йилида майда феодал оиласида тугилди ва «Қобуснома»ни 475 ҳижрий, 1082—1083 мелодий йилида яратди. Бу ҳақда Кайковус ўз асарида: «Сана 475 да бошладим» — деб маълумот беради. Бу даврда Кайковус 63 ёшда бўлиб, анчагина кексайиб қолган эди, у ўглига: «Писарам, ман инр шудам» — деб ўзининг қариганлигидан маълумот беради ва ўз асари «Қобуснома»ни ўглига бағишлияди . IX—X аср ўрталарига қадар тараққий этган Сомонийлар давлати X аср охири ва XI аср бошларида қаттиқ таназзулга учрайди, ўзаро низолар кучаяди, эксплуатация зўрайди, халқ кўзғолонлари кескин тус олади. Сомонийларнинг ҳарбий кучлари меҳнаткашлардан ва қул туркий қабилалардан тузилган эди, ҳарбий амалдорлар ҳам туркий қабилалардан иборат эди. Сомоний давлатининг тушкунлигидан фойдаланиб, туркий қабилалар уларнинг хукмронлгини заифлаштирадилар. Қораҳонийлар династияси эса Фарғонадан Хитойга қадар тарқалган туркий қабилаларни бирлаштириб, Сомонийларга карши кескин кураш очди ва 899 йилда Сомонийлар династиясини емириб ташлади. Сомоний давлатининг жанубий чегараси султон Маҳмуд Фазнавий кўлига ўтди. Маҳмуд турк қулларидан бирннинг ўғли бўлиб, унинг отаси Фазна ҳокими эди ва Сомонийларга қарам эди. Отаси вафот этгандан сўнг, Маҳмуд Сомонийларнинг тушкунлигидан фойдаланиб, мустақил хукумат тузади ва Хурсонни ўзига қарам килиб олади. Султон Маҳмуд Фазна шахрига катта эътибор беради ва халқ кучи билан обод қилади. Нихоят, Фазна Шарқда кагга аҳамиятга эга бўлган шаҳафга айланади. Султон Маҳмуд Фазнавий гоят золим подшохлардан эди. У шиаларни ва ислом динини қабул қилмаган ҳиндларни қаттиқ жазолайди, кишиларни эркин фикрлашга асло йўл кўймайди. Шундай килиб, Сомонийлар I Мавъизатномаи Қайковус. Оғаҳий таржимаси. Бундан кейинги далиллар мазкур китобдан олинди. XI асрдан бошлаб феодал жамияти тарихида

ўз мавқенин йўқотади. Кайковуснинг бобоси Қобус ва унинг хонадони Сомонийлар династияси билан, ячин муносабатда бўлди, уларнинг шаън-шавкати, юришларида иштирок этди. Герман Вамберининг айтишича, Вушмагир ўғли Шамсулмаолий Қобус... уйғур хонларидан бўлган Иликхонинг қўшини устидан икки марта ғалаба қилди. Аммо бу бнлан Қобус Сомонийлар хонадонини тиклай олмади!. Бу вақтда Қобус Сабуктагиннинг ёрдами билан Табаристонни забт қиласдан ва шу ўлкада ҳукмдор бўлиб цолади, Журжонни эса пойтахтга айлантиради. Шамсулмаолий Қобус гоят золим ҳукмдорлардан бўлиб, арзимаган айби учун одамларни жазолайверади. Унинг бу зулмини Мухаммад Хованд Мирхонд «Равзатус сафо»нинг тўртинчи жилдида ҳакконий баён килади. Қобуснинг бу истибдодини Латиф Алибек Озар Исфаҳоний ўзининг Бомбайда «Оташкадаи Озар» номи билан чоп этилган «Тазкираи оташкада» асарида қўйидагича баён қиласди: «...Атъён лашкарро ба гунохи андак ба қатл расониди. Охирил амир умаро иттифоқ карда: уро аз салтанат- халь ба маҳбас фиристоданд, фарзаидаш Афануҷеҳр бинни Қобусро бар тахти ҳукумат нишонида» Таржимасн: «„Лашкар атъёнларн оэгина гуноҳ килишса, ўлимга юборарди. Ниҳоят амирлар иттифоқ килишнб, уни салтанатдан олиб ташлаб, ҳибсга юбордилар ва Қобуснинг фарзанди Мануҷеҳрни ҳукумат тахтига ўтқаздилар». Қобуснинг бундай феъл-атворини набираси Кайковус ҳам эътироф қиласди. Кайковус ўз асари —«Қобусномаэда бобоси Қобус ҳакида шундай дейди: Менинг бобом Шамсулмаолий бағоят қаттол киши эрди ва ҳеч киншининг гуноҳин афв қилмас эрди». Аммо шуни ҳам қайд қилинб ўтиш керакки, Шамсулмаолий Қобус ўз замонасидаги феодал табакаси учун зарур бўлган ҳамма илмларни ўрганди. Айникса у адабиёт мухниби ва шоир эди. Форс, араб тилида шеърлар ёзди. У араб, форс тилини ва унинг услубини мукам Герман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароункаҳ тарихи. Ниҳоят, у ўз атрофига машхур илм, адабнёт, санъат ахлларини тўплади ва Журжонни йирик адабий марказга айлантиреди. Машхур ўзбек олими Абу Райҳон Берунни Райдан қайтиб келиб, Қобуснинг хузурида — Журжонда яшади ва Қобуснинг саройида катта ҳурматга сазовор бўлди. У бу ерда ўзиннинг бир ҳанча илмий асарларини яратди ва Хоразм тинчигандан сўнг ўз юритига кантди. Қобуснинг набираси Кайковус ҳам ўз замонаснинг анча маълумотли зиёлиси эди. У ўз даврининг илмли кишиларидан

бўлиб, музика ва табииёт илмига тоят иштиёҳ билан ҳаради. Унинг кўп илмлардан хабардор бўлгани авторнинг «Қобуснома» асарида яхқол кўриниб туради. Кайковус «Қобуснома»ни яратишдан олднн ўз салафларининг асарлари билан танишиди. Тоҳирийлар замонасида яратилган педагогик асарларни ўқиб чиқди. У ўз давридаги маданий шаҳарлар, мамлакатлар билан ҳам танишади, жумладан, Бухоро, Самарканд шаҳарларига, Хоразм ўлкасига боради ва у ердаги олимлар билан сувбатлашади, уларнинг илмий-педагогик ишларини ўрганади. Хусусан, Носир Хисравнинг таълим-тарбияга оид фикрларини ифода этувчи «Саодатнома» ва «Рўшноинома» асарлари унинг дикқатини ўзига жалб этди. Маълумки, ахлок синфий жамиятида синфий бўлади. Антагонистик жамиятида, бир томондан, маълум даврга қадар ҳоким синфнинг ахлоки тарақкий этади ва мустаҳкамланади, иккинчи томондан, эзилган синфнинг ахлоки ҳам ривожланиб боради. Биринчиси ҳоким табақанинг манфаатини ҳимоя қилса, иккинчиси нжитимоий зўравонликни, эзилган синф усндан жабр-зулмни қоралайди ва ҳоким синфга карши курашни ифода этади. Қулчилик жамиятида қулдорлар билан қуллар ахлоки, феодализм жамиятида феодаллар билан дехконлар ахлоки, капитализм жамиятида буржуазия билан пролетариат ахлоки доимо бир-бирига қарама-карши бўлган. Ахлокнинг бундай синфийлиги ҳақида Ф. Энгельс ўзиннинг «Анти-Дюринг» асарида шундай деган эди: «...ҳозирга қадар ҳар қандай ахлок назарияси пироверд натижада жамиятнинг мавжуд иктиносий аҳволиннинг маҳсули бўлиб келган, деймиз. Жамият эса ҳозирга қадар синфий қарама-каршиликлар ичida ҳар ракатланиб келганлигидан, ахлок ҳам ҳамнша синфий ахлок бўлиб келган: бу ахлок ё ҳоким синфнинг хукмронлигини оқлар ва манфаатини ёклар эди ёки эзилган синф етарли равишда кучли бўлиб қолганда, унинг мазкур хукмронликка карши қаҳр-газабини ифодалар ва мазлумларнинг келажак манфаатини ҳимоя килиб чиқар эди» Унинг бу хусусиятн «Қобуснома» асарининг мазмунини ёритиш учун замин ҳозирлади ва ўша даврдаги зодагон оиланинг тарбиясига баҳо бериш учун асос бўлади. Рус ва Farb педагог олимлари бола тарбиясига, унинг ахлоқий-масалаларига қанчалик эътибор берган бўлсалар, Шарқ олимларн ҳам шунчалик катта эътибор берганлар. Бу тарбия Шарқ олимлари томонидан яратилган асарларда ўз ифодасини топди. Жумладан, машхур хинд масалн «Калила ва Димна», Низомул

Мулкнинг «Снёсатнома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», «Рўшноинома», Юсуф Хос Ҳожибиннинг «Кутадғу билик», Маҳмуд Қошғорийнинг «Девони луготит турк», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳакойнқ», Алишер Навоийнинг «Маҳбубул қуслуб», «Вақфия» каби асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлган манбалардир, «Қобуснома» эса шулар жумласидандир. Урта Осиё классик шоирлари (Абулкосим Фирдавсий, Абу Абдулло Рудакий, Носир Хисрав, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Саккокий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Маҳтумқулн, Огаҳий ва бошқалар) ўзларининг бебаҳо бадиий асарларида ажойиб педагогик фикрларни, жамият ҳаётига оид инсонпарварлик, ҳалол меҳнат каби ахлоқий тушунчаларни ифода этдилар. Хусусан, педагогик фикрларни ривожлантиришда ҳалклар орасидаги дўстлик, маданий алоқалар катта аҳамиятга эга бўлди. Академик Қорн Ниёзов бу дўстликнинг асосий моҳиятини белгилаб дейди: «Урта Осиё ҳалклари қадим даврдан бошлаб Эрон, Сибирь, Шарқин Европа ва Кавказ ҳалклари билан нектисодий, сиёсий ва мада:ний томондан мустақкам алоқада бўлганлар. Бунда, Урта Осиёда, мақаллий ҳалқ ва'қӯшни ҳалқнинг маданият соҳасидаги муваффакиятлари бир-бири билан чатишиб кетди ва синтезлаштирилди. Урта Осиё ҳалклари — ўз маданиятини яратиб, бу қӯшни ҳалклар маданиятинн ўрганиб ва унинг энг яхши хусусиятларини ижодий ишлаб чикиб, жакон маданиятини тараққий эттириб ва бойитиб, илгарига караб қадам ташладилар». Урта Осиё ҳалклари, шу жумладан ўзбек ва тоҷик ҳалклари орасидаги қадимий дўстлик бу ҳалкларнинг тараққнётига замин ҳозирлади. Шу муносабат билан ўзбек ҳалқи таржимонлари, шоир ва ёзувчилари форстоҷик тилидаги асарларни ўзбек тилига таржима қилдилар ва ўзлари икки тилда (ўзбек ва форстоҷик тилида), баъзан уч тилда (ўзбек, форс-тоҷик, араб тилида) асарлар яратдилар. Кутб Хоразмий Низомий Ганжавийнинг, Сайфи Саройи Муслиҳиддин Саъдиннинг асарларини, Огаҳий «Қобуснома», «Ахлоқи Муҳсиний», «Зубдатул ҳикоят» ва бошқа асарларни, Мулда Фазлуллоҳ Алмайи машҳур ҳинд масали — «Калила ва Димна» асарини ўзбек тилига таржима қилдилар ва бу билан ўзбек адабиётидаги педагогик фикрларни бойитдилар. Араблар истилоси даврида Шарқда, шу жумладан Урта Осиёда икки хил ўқув юрти мавжуд эди: бири ибтидоин (бошлангич) мактаб, иккинчиси мадраса. Ҳар иккала типдаги

мактабда күпроқ ислом динн акндалари ўқнтилар ва ёд олнишга алоҳида эътибор берилар эди. IX—X асрларда маорнф ва маданият бирмунча тараккний этган, халқ фарзандлари илм-маърнфат олнтра интила бошлаган эди. Академик В. В. Бартольдинг маълумотига қараганда, Харгун қишлоғида (Самарқанд атрофида Абгор мавзеидаги қишлоқ) истиқомат килган бир камбагал деҳқон 848 (233 ҳижрин) йилда икки ўғлини Самарқанд шаҳрига ўқиш учун юборган. Улар Самарқандда уч йил илм ўргандилар, уларнинг онаси болаларинн юнг йигириб таъмнлаб турган. Уша даврда Самарқанд шаҳрининг ўзида 17 та мадраса бўлиб, унда даврнинг машҳур олимлари дарс бердилар. Марв, Нишопур шаҳарларидаги мадрасалар ҳукумат қарамоғида бўлиб, мударрйслар маош билан таъмин этилган эди. XI аср бошларида ҳукумат мадрасалари ташкил қилинади, бу мадрасаларда дин олимларигина эмас, балки аниқ фанлар олимлари ҳам лекция ўқирдилар. Шу билан бирга мадрасаларни вакфлар ҳам таъмин этар эди. Бухоро ва Самарқанд мадрасаларнда илоҳиёт билан бирга аниқ фанлар (риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса, тиббиёт ва бошқалар), гуманитар илмлар (мантиқ, илми аруз, илми кофия, илми маоний, илми баён, илми бадеъ ва бошқалар) ҳам ўқитилади. Шу муносабат билан Бухоро, Самарқанд, Хива мадрасаларига олимлар, маърифатиарварлар йирилдилар ва улар илм эгаларини тарбиялаб етиштирилар. Бу даврда тасаввуф маслагининг энг реакцион формалари мактаб ва мадрасаларга кириб келди ва тарбия соҳасида тарки дунёчиликни, дунёдан воз кечиб узлатга чекиннинши тарғиб қилди. Шу муносабат билан тарбия соҳасида икки оқим вужудга келди. Бири диний фикрларни тарғиб қилувчн, таркн дунёчиликка чақириувчи, факат илоҳий «илмлар»ни, догматик фикр ларни ақлнинг асоснй моҳияти деб тушунувчи, инсоннинг ҳар бир қылмишини тақдир билан бояловчи реакцион оқим бўлиб, Фаззолий, Яссавин, Сулаймон Бокирғонин, Хўжа Ахрор кабилар бу оқнмнинг иирик намояндлари эдилар. Булар мадрасаларда фалакиёт, тиббиёт, ҳандаса, алжабр, жуғроғия каби аниқ фанларнинг ўқитилишига тамомила қарши чиқдилар ва бу фанларни мадрасалардан чиқарнб ташлаш учун курашдилар. Мазкур реакцион гурухлар мазлум омманин ҳар кандай жабр-жағоларга, адолатсизликларга чидашга, очлик-яланғочликка қаноат қилнишга ундандилар, улар меҳнаткаш халқнинг дикқатнни ҳоким табакага қарши курашдан четга тортадилар. Абу Райхон Беруний,

табобат' ва математикада, шеърият ва фалсафада жаҳон бўйлаб шуҳрат қозонганд Абу Али ибн Сино, Шарқ адабиётининг энг йирик намояндадаридан Низомий Ганжавий, Носир Хисрав, Муслихиддин Саъдий, Умар Хайём, Алишер Навонӣ каби олим ва шоирлар кишилик маданиятининг тараққиёти учун ўзларининг илмий, бадиий ижодлари билан катта ҳисса қўшдилар. Булар тиббиёт, фалакиёт, музика, адабиёт, жуғрофия, алжабр, ҳандаса қаби илмлар билан ёш авлодни тарбиялашга ҳам катта ҳисса қўшдилар. Бу олимлар ақлни биринчн ўринга кўйдилар. Жумладан, машҳур форс-тожик шоири Абу Абдуллоҳ Рудакий бундай дейди: Ақллilar айтур, ақл — подшодир, Ақл барчага бир — фармонраводир, Кишилар танининг ақл лашкари, Бутун шаҳват, орзу унинг чокари Абулқосим Фирдавсий Тусий эса ақлнинг бутун фазилатларига алоҳида эътибор бериб, бундай дейди: Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод, Ҳар икки оламда ақли обод Ақл бир тирик жон, у билмас завол Ақл турмуш асли, буни ёдлаб ол. Ақлдан гамгинлик, шодлик, ўқтамлик, Ақлдан борлиғу, йўклиғу камлик. Киши иш киларкан беаклу идрок, Бўлур қилмишидан юрак бағри чок. Уларнинг бу фикри инсон шахсини тарбиялаш учун хизмат қилди, инсонпарварлик каби ^ояларни майдонга келтириди. Шунинг учун Рудакий, Фирдавсий, Носир Хисрав, Низомий Ганжавий каби Ідоирларнинг асарларида ва, шунингдек, Кайковуснинг «Қобуснома» асарида тарбия, ахлоқ масалалари асосий ўрин олди. «Қобуснома» 44 бобдан иборат бўлиб, булардан тўрт боби диний характердадир, қолган 40 боби ҳаётний воқеаларни ифода этади. Кайковус ўзининг ҳаётий тажрибалари билан ўғли Гilonшоҳни тарбиялашни истайди ва бу панднасиҳатларини ўғли учун энг қимматбаҳо мерос деб таъкидлайди. У ўз асарн «Қобуснома»да ўғли Гilonшоҳга мурожаат қилиб, умидим шуки, сен шу пандларни қабул қилгайсан. Бу билан мен оталик вазифасинн бажо келтирган бўлурман. Билгилки, ҳалқнинг расми, одати шундан: югарнб-елиб, кидириб-ахтариб дунёдан бирор нарса ҳосил қилади ва бу топган нарсасинн ўзиннинг энг яхши кўрган кишисига қолдириб кетади. Мен дунёда мана шу сўзларни ҳосил қилдим, сен эса менинг учун энг қимматбаҳолисан. Менга сафар вакти яқинлашди, дунёдан нима ҳосил қилган бўлсам, сенинг олдингга кўйдим, токи ўзингга бино кўнмагайсан ва ўзингга номуносиб ишларни қилмагайсан, деган пандларни айтади. «Қобуснома»нинг дастлабки тўрт боби диний масалаларга бағишланган,

чунки Кайковус диний ақикаларга, илохий тушунчаларга ишонч билан карайдиу у дин ва унинг ақидаларига танқидий муносабатда бўла олмайди. Худди шунингдек, «Қобуснома» автори қуллар масаласига ҳам (23- боб) феодал Синф нуктаи назридан караб баҳо беради. Асарнинг бешинча боби «Ота-она ҳақхини билмак зикрида» деб аталади. Бу бобда автор ёшларни отаонани ҳурмат қилишга чақирадиГ; Ота-она ўз фарзанди учун «ўлимга ҳам тайёр» туришйни таъкидлайди. Айни замонда ота-онанинг кўнглини ранжитмасликка, уларни ҳурмат қилишга ва ширин сўзлар билан муносабатда бўлишга ундаиди. Кайковус ота-онага ҳурмат ҳиссига катта эътибор беради. У, бир томондан, боланинг ота-онани ҳурмат қилншга, уларни ранжитмасликка чақирса, иккинчи томондан, ота-онани болага яхши ва тўғри тарбия беришга ундаиди. Айни замонда, автор ота-онани ҳурмат қилишни фарзанднинг аклли ва доно, ўқиган бўлиши билан боғлайди ва: «Ҳар бир фарзандки оқил ва доно бўлса, ота-она меҳр-муҳаббатин адо этмакдин бош тортмагай»— дейди у. Шу билан бирга, Кайковус отаонани ҳурмат қилиш масаласига баъзан диний эътиқод юзасидан караса, баъзан инсонпарварлик нуктаи назаридан карайди. Шу боисдан ҳам: «Сен ота-онанинг ҳаққига дин нуктаи назаридан риоя қилмасанг ҳам, ақл юзидан, мурувват юзасидан риоя кил»— деб уқтиради. Кайковус аристократ табақасидан бўлгани сабабли ота-она ҳурматини мерос билан боғлайди, аммо мерос деб ота-онани ранжитгандарни коралайди. Мълумки, Кайковус замонасида тож-тахт мёрос эди. Салтанатни эгаллаш мақсадила фарзандлар, шахзодалар ўз отаоналарига ҳурматсизлик қилганлар, ҳатто ўз ота-оналарини катл қилганлар. Бу воқеаларга Кайковус алоҳида дикқат қиласи. Шунинг учун у «Мерос олмоҳ ҳирси била ота-онанг ўлимини ҳаргиз тилямагил»— деб таъкидлайди. Шунингдек, бу бобда Кайковус ота-она ҳаққини билмак хусусида ғоят муҳим бир фикрни баён қиласи, яънн у ўзбек ва тожик халқининг «нима эксанг, шуни ўрасан» деган машҳур бир маколини ишлатади. Бу маколнинг асли маъноси шундан иборатки, киши одамларга яхшилик қилса, катталарга ҳурмат, кичикларга мурувват кўрсатса, унинг бу яхшилиги бошқа кишидан қайтади ва аксинча, агар у одамларга ёмонлик, дилозорлик қилса, бу ҳам бошқалардан қайтади. Кайковус мана шу принципга асосланиб, «Ота-она ҳаққини билмак зикрида» деган бобида ўғлига насиҳат қилиб, бундай дейди: «...ўз

фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишин тиласонг, сен ҳам ота онанг ҳакида шундай бўлғил, нединким сен ота онанинг ҳакида нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сен ҳақингда шундай иш қилур». Уз даврининг мутафаккирлари каби, Кайковус ҳам аклга алоҳида эътибор беради, аклнинг ҳар қандай давлатдан юкори туришини таъкидлайди. Шунинг учун фарзанднинг акл эгаси бўлишини ҳамма нарсадан улуғ дсб билади: «Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, аклдан бой бўлмоққа ҳаракат кил, чунки мол била бой бўлғондан акл била бой бўлгон яхшироқдур. Акл била мол жам этса бўлур, аммо мол била акл ўрганиб бўлмас. Билғилки, акл бир қимматбаҳо нарсаки, уни ўгри ололмас, у ўтда ёнмас ва сувда оқмас». Хусусан, олтинчи боб «Хунарнинг афзаллиги ва қадри баланд, олий табиатли бўлмоқлик ҳакида» дикқатга сазовордир. Қайковус аристократ табакасининг вакилн, аммо у баъзи ижтимоий, ҳаётий масалаларда ўз синфини инкор этади. Жамият тараккиётида у биринчи ўринга ўз синфининг ахлоқини эмас, балки ўша даврда муҳим ўрин тутган ҳунар ва илмни қўяди. Маълумки, Кайковуснинг насл-насаби (унинг шажараси), бобоси Қобуснинг айтишича, Сомонийларга бориб тақалади. Аммо Кайковус яшаган даврда бу насаб ўзининг шоншавкатини йўқотган, авторнинг ўзи эса кичик бир феодалга айланган эди. У подшолик, шаън-шавкатдан кўра ҳунар, билим эгаллашни, биљнисиз, ҳунарсиз ҳар қандай юкори табака, насл-насабли шахс ҳам ҳеч нарсага арзимаслигини баён қилиб, бундай дейди: «Агар киши ҳар қанча олий насаб ва асл бўлса-ю, аммо ҳунарн бўлмаса, у халойикнинг иззат ва хурматидан ноумид бўлур. Улуғлик акл ва билим биладур, насл-насаб била эмас. Отни сенга ота ва онанг қўймишлар, сен унга гарра бўлмағил ... бу от фактат бир нишондин бошқа нарса эмасдур... Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил». Бу фикрлар билан автор ўғлини қобилиятли шахс бўлишга, ишсиз, фаолиятсиз, ялков одам бўлмасликка чакиради. Кайковус халқка якн турини, халқ манфаатини кўзлашни фарзандига уктиради, чунки у ўзининг эски шаън-шавкатидан ажралгани учун халқ тақдирига суюниб қолган эди. Шунинг учун у халқнинг озгина яхшилигини ҳам кўп кўриш лозимлигини ва қайси нарса халқ манфаатига якн турини ўрганиш лозимлигини уктиради. У баданд мартағага эга бўлишни насл-насаб билан боғламайди, балки акл ва ҳунар билан боғлайди. Автор акл ва ҳунар ўрганиб, баланд мартағага эришиш кераклиги ҳакидаги ўз

фикрини исботлазш учун Сукрот ҳакимдан мисоллар келтиради: «Сукрот ҳаким айтурки: хунардан яхширок нарса йўқдур ва донишдан улугрок нарса йўқдир, шармдан яхширок зевар йўқдур ва бадхўйликдан ёмонрок душман йўқдур» деб таъкидлайди муаллиф.

Назорат учун саволлар?

- 1.“Қобуснома” асарининг мазмун моҳияти нимадан иборат?
2. “Қобуснома” асарида фарзанд тарбиясининг қайси жиҳатлари ёритилиб берилади?
3. Фарзандни оиласидаги ҳаётга тайёрлашнинг усуллари?
- 4.“Қобуснома” асарида ватанпарварлик фазилатини шакллантириш масалаларининг ёритилиши?

МАВЗУ: АБДУЛЛА АВЛОННИНГ “ТУРКИЙ ГУЛИСТОН ЁХУД АХЛОҚ АСАРИДАГИ ОИЛАВИЙ ТАРБИЯГА ОИД ФОЯЛАРИ

РЕЖА:

1. Абдулла авлонийнинг ҳаёти ва ижоди
2. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида хулқ, яхши хулқ, ёмон хулқ масалаларининг ёритилиши.
3. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида тарбия, тарбиянинг замони, бадан тарбияси, фикр тарбиясининг ёритилиши
4. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида ахлоқ тарбияси, яхши хулқлар масаласи

Таянч тушунчалар: Туркий гулистон, таълим, тарбия, ахлоқ, одобоила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган фаолияти, оила, маҳалла, ҳамкорлик. яхши, хулқ.

Мен бу асари ноҷизонимни биринчи мактабларимизнинг юқори синфларида таълим бермак ила баробар улуғ адабиёт муҳиблари, ахлоқ ҳаваскорларининг анзори олийларина тақдим килдим деб сўз боши билан бошлайди Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида.

Ҳар кун ўлурام шомғача мен ғамга гирифтор,

Ҳар шаб ёнарам оташа парвона каби зор.

Хеч кимса эмас бу мени аҳволима вокиф.
Мен хастаяму миллатим ўлмиш нега бемор.

АХЛОҚ

Инсонларни яхшиликға чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулкларнинг яхшилигини, ёмон хулкларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиласурган китобни ахлоқ дейилур. Ахлоқ илмини ўкуб, билуб амал килган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби Ҳақ на учун ҳалқ қилганин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ўз айбини билуб, икрор қилуб тузатмакға саъй ва кўшиш килган киши чин баҳодир ва пахлавон кишидур. Расули акрам набийи мухтарам афандимиз: «Мезон тарозусига кўйиладурган амалларнинг ичиди яхши хулқдан оғирроқи ўқудур. Мўмин банда яхши хулқи сабабли кечаси ухламасдан, кундузлари рўза тутуб ибодат килган кишилар даражасига етар», – демишлар.

Сўйласанг сўйла яхши сўзлардан,
Йўқса жим турмоқинг эрур яхши.
Ўйласанг яхши фикрлар ўила,
Йўқса гунг бўлмоқинг эрур яхши.
Ишласанг ишла яхши ишларни,
Йўқса бекорлигинг эрур яхши.

ХУЛҚ

Инсон икки нарсадан мураккабдур. Бири жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, окни корадан айиур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур.

Жасаднинг сурати ҳаммага маълум бир нарсадурки, ҳар вакт кўзга кўриниб турадур. Аммо нафснинг сурати кўзга кўринмайдурган, ақл ила ўлчанадурган бир нарсадурки, буни хулқ деб аталур. Агар бир киши ёшлигида нафси бузулуб тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, «Аллоҳу акбар» бундай кишилардан яхшилик кутмак ердан туруб юлдузларга кўл узатмак кабидур. Расули акрам набийи мухтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз:

«Бир тогнинг ўрнидан кўчиб кетганини эшитсангиз, ишонингиз, аммо бир одамнинг хулки бошқа бўлди деб эшитсангиз ишонмангиз», — демишлар.

Хулки ёмон юз, кўзлидин на суд
Юз, кўзли хулкни қилмас қашуд.
Хулқ маризига даво истасанг,
Марг давосин берилур қистасанг.
Хулки ёмонинг кетуарар кўп зарап,
Хулкинг ўзи бошингга қалтак урап.
Хулки фано бўлса дегил алҳазар,
Хор-у залиликда қолур дарбадар.

ЯХШИ ХУЛҚ, ЁМОН ХУЛҚ

Ахлоқ уламоси инсонларнинг хулкларини иккига бўлмишлар Агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликга тавсиф бўлуб, «яхши хулқ» агар тарбиятсиз ўсуб, ёмон ишлайдурган бўлуб кетса, ёмонликға тавсиф бўлуб «ёмон хулқ» деб аталур.

Жаноби Ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила корани айирадурган қилуб яратмишдур. Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга еткурмак тарбия ила бўладур. «Куш уясинда кўрганин қиласудур». Инсон жавҳари қобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузук хулклардан саклануб, гўзал хулкларга одатлануб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, баҳтиёр бир инсон бўлуб чиқар. Агар тарбиятсиз, ахлоқи бузулуб ўssa, Аллоҳдан кўркмайдурган, шариатга амал қилмайдурган, насиҳатни қулогига олмайдурган, ҳар хил бузук ишларни қиласудурган, нодон, жоҳил бир расвойи олам бўлуб колур.

Расули акрам набийи мухтарам афандимиз: «Имони комил бўлган қишилар яхши хулқли бўлурлар, сизнинг энг яхшиларингиз хотунларига яхшилик қилганларингиздур», — демишлар.

Худонинг раҳмат-у файзи ҳама инсонга яксардур.
Ва лекин тарбият бирла етушмак шарти акбардур.

Тугуб ташлов-ла бўлмас бола, бўлғай бало сизга,
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.

Темирчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,
Бузулса хулқи. Лукмон ўғли бўлса, бўлгуси золим.
Ёмонларга қўшулди Нуҳнинг ўғли. Ўлди беимон,
Юруди Каҳф ити хублар-ла бўлди оти инсон.

ТАРБИЯ

Тарбия – «Педагогия», яъни бола тарбиясининг фани демакдур.

Илми ахлоқнинг асоси тарбия ўлдугиндан шул хусусда бир оз сўз сўйлаймиз. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вактидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмақдур. Тарбия қилгувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилган каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруб, катта қилмоғи лозимдур. Зероки, «Ҳассину ахлоқиқўм» амри шарифи узра хулқимизни тузатмакга амр ўлинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур.

Ахлоқимизнинг биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур, баъзилар «тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсарлар, табиат ўзгармас», – демишлар.

Ёмон хў тузалмайди дармон ила,
Ипак ўлмас ип, ранги алвон ила.
Боқинг, бир дараҳт мевасидур ёмон,
Бўлур яхши пайванд, парво билан.
Билур ҳар киши аслини рангидан,
Ва ёким улангандаги зангидан».

Лекин бу сўз тўғри эмасдур. Чунки тарбиянинг ахлоқга, албатта, таъсири бўладур. Орамизда масал борки, «сут ила кирган, жон ила чиқар», мана бу сўз тўғридур. Расули акрам набийий мухтарам саллоплоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Бешикдан то мозорга боргунча илм ўрган», – демишлар. Бу ҳадиси шарифнинг маъноси бизларга далилдур. Ҳукамолардан бири: – «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига

боглидур», – демиш. Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия килмак оталарга фарзи айн. Ўз миллатининг етим колган болаларини тарбия килмак фарзи кифоядур. Пайғамбаримиз: «Болаларингизни етти ёшида намозга ўргатингиз. Агар ўн ёшида ўқимаса урингиз», – демишлар.

Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият,
Балки охирида эрур доруламони тарбият.
Тарбият ҳамроҳ этадур ҳур или рузронлара,
Гар десам бўлмас хато жаннат макони тарбият.
Эй, Оталар! Жонларингиздан сучук фарзандингиз,
Ғайрат айланг ўтмасун вакт-замони тарбият.
Мояи зилли хумодур тарбиятнинг сояси,
Бизда анқо тухмидек йўқ ошёни тарбият.

ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНИ

Эмди очик маълум бўлдики, тарбияни тугулган кундан бошламак, вужудимизи қувватландурмак, фикримизи нурландурмак, ахлоқимизи гўзалландурмак, зехнимизи равшанландурмак лозим экан. Тарбияни кимлар килур? Қайда килинур? деган савол келадур. Бу саволга, «биринчи уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи, мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур», – деб жавоб берсак, бир киши деюрки, «қайси оналарни айтурсиз, билимсиз, боши пақмок, қўли тўқмоқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қайдан олиб берурлар», дер . Мана, бу сўз кишининг юрагини эзар, бағрини ёндурап. Отасига нима дерсиз, десак , қайси ота? Тўйчи, улокчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни қўзлари киймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқитмак, тарбия килмак лозимдур», – дер. Мана бу сўзни эшитгач, умид кўллари кўлтукга урилур.

Хайр, бўлмаса муаллимчи десак, «Қайси муаллим? Максади пул, маслаги шухрат, юкори мактабларда ўкумаган, «усули таълим» кўрмаган муаллимларни айтурсизми? Аввал ўзлари дорилмуаллимин»ларда ўқимаклари, сўнгра дарс бермаклари лозимдур», – дер. Мана бу сўз инсонни ҳайрат дарёсига гарк килур.

Мударрисларга на дерсиз десак, қайси мударрис? Матлаблари ош. мақсадлари чопон, дарслари беимтиҳон, ислоҳ яқинидан юрмаган мударрисларни айтурсизми? Булар ўз вазифаларини билуб, нафсларидан кечуб, замонга мувоғиқ равишда дарсларини ислоҳ килуб, имтиҳон бирла ўқутмаклари лозимдур», – дер. Мана бу сўз ҳар кимни «Алислоҳ» демакга мажбур килур. Бўлмаса ҳукумат-чи? десак, «хайр, ҳукумат ҳамманинг отасидур. Ўз фукаросининг болаларини тарбия килмак лозим, шунинг учун бизнинг Русия ҳукумати ўгай бўлсан ҳам, ҳар ерда бизлар учун ҳам мактаблар очуб, болаларимизни текин ўқитур. Лекин ўзимиз иш билмаган, ялқов, уйда онамиз тарбияси, отадан пул тарбияси, муаллимдан ахлок тарбияси, мударрисдан фунун тарбияси кўрмаганимиздан, ҳукумат мактабларидан ҳам ўз ҳиссаларимизни ололмаймиз», – дер. Мана бу сўз бизларни тарбиядан маҳрум, ҳукуқнинг на эканин билмаганлигимизни билдирур.

Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур. Расули акрам набийий мухтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Инсонларнинг карами динидадур, муруввати ақлиндадур, ҳасаби ахлоқиндадур», – демишлар.

Агар бир күшнинг ёш боласин олиб,
Бўлур тарбият бирла йўлга солиб.
Онасин олиб асрарон бирла ром,
Қилмас киши саъй қиласа мудом.
Керак тарбият ёшлиқдан демак,
Улуғ бўлса лозим келур ғам емак.
Эгур бемашаққат киши навдани,
Тўғунчи эгур кўйдириб кавдани.

БАДАН ТАРБИЯСИ

Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоги инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумок, ўқутмок, ўргатмок ва ўргатмок учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларинда, ишларинда, ибодатларинда камчилик қилурлар. Майшатимизни роҳатда бўлмоги жасадимизнинг соғлом бўлмогига боғлидур. Биз сиҳатимизни сакламак ила амр ўлингандимиз, шунинг учун вужудимизи хифзи-сиҳатга зид бўлган ёмон одатлар ила чуритмакдан сакланмаклигимиз лозимдур. Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам

ёрдами бордур. Жисм ила рух иккиси бир чопоннинг ўнг ила териси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулклардан сақланмаса, чопоннинг устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмок кабидурки, ҳар вакт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур. Шунинг учун ота-оналар болалари касал бўлган замон бепарволик килмай, тезлик ила табиб ёки дўхтурга боқизмак керак.

Имом Шофеъи ҳазратлари: «Илм икки хилдур: бири бадан илми, иккинчи дин илми», – демишлар. Бунга қараганда энг аввал ҳифзи сиҳат қоидаларини билмак, саломатлиқга терс бўлган нарсалардан сақланмак ила бўладур.

Ичкулик, кўкнор, наша, афюн, тарёк, чилим, нос, попирус каби баданинг саломатликига заарли, огулик, баъзиси ҳаром, баъзиси макруҳ, баъзиси исроф бўлган нарсалардан кочмак, сақланмак шариат, акл, ҳикмат юзасидан лозимдур. Расули акрам набийий муҳтарам саллоллоҳу алайхи васаллам афандимиз: «Ҳар нарса қўп ичганда маст киладурган бўлса, ман сизни анинг озгинасидан ҳам нахӣ қиласман», – демишлар.

Саломатлики саклов лозим ишдур.
Гунаҳдин сақла жисминг ёз-у кишдур.
Касал бўлсанг, бўлур дунё коронгу,
Маишат талх ўлуб ҳасрат чекишишдур.
Ҳаром-у шубҳадан пок эт ўзингни,
Бу дунё айш-у ишратдан кечишишдур.
Ҳама ишратчи хижронликда кетди,
Бу оламда бир иш ишлаб кетишишдур.
Туркий гулистон ёхуд ахлок китоби

ФИКР ТАРБИЯСИ

Фикр тарбияси энг керакли, қўп замонлардан бери тақдир килинуб келган, муаллимларнинг дикқатларига суюлган, вижданларига юқланган мұқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, гайратли бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даража мухтоҷдурки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлидур. Дарс ила тарбия орасида бир оз

фарқ бор бұлса ҳам, иккиси бир-биридан ойилмайдурған, бирининг вужуди бириг бойланган жон ила тан кабидур.

Масалан: жой солинмаган яхши бир уйнинг ичидә ўтиրмак мүмкін ўлмадиги каби, ичига ҳар хил янги ашёлар түлдүрууб зийнатланган эски иморат ҳам ўлтурушга ярамайдур. Башарти ўлтурса, инсонлар: «Эски уйга янги золдивор», «кир күйлакка жун жияқ», «мис козонга лой тувок» деб ҳажв, кулги килурлар.

Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бұлур ўткур.
Фикрнинг ойинаси олурса занг,
Рухи равшан замир ўлур бенур.

АХЛОҚ ТАРБИЯСИ

Ахлок тарбияси: инсонларга энг мухим, зиёда шараф, баланд даража бергүвчи ахлок тарбиясидур. Биз аввалги дарсда тарбия ила дарс орасыда фарқ бор, дедук, чунки дарс олувчи-билуви, тарбия олувчи-амал килуви демакдур. Шунинг учун тарбия килуви муаллимларнинг ўзлари илмларига омил бўлуб шогирдларга ҳам берган дарсларини амал ила чакуштуруб ўргатмаклари лозимдур. Бу равиши таълим ила берилгандар ва маълумот шогирдларнинг дилига тез таъсир килуб, муллойи боамал бўлурлар.

Расули акрам набийи мухтарам саллоллоҳу алайҳи вассаллам афандимиз: «Энг ёмон кишилар илмига амал килмайдурған кишилар», – демишлар. Агар тарбия килуви муаллим ўзи олим бўлуб амалсиз бўлса, бунинг ҳам шогирдларнинг ахлоқига зўр таъсири бўладур. «Домланинг ўзи фалон жойда фалон ишни килди. Аммо бизларга килманглар, ҳаромдур, деб ваъз этадур», деб фикр ва хаёлларига бўйла шак ва шубҳа тушуб коладур.

БАЙТ

Минбар узра жилва айлаб ваъз этарлар қилма деб,
Ўзларин хилватда кўрсанг они килмокда эмиш.
Ичма сув дерлар биза олтун-кумуш асбобда,
Билсамиз мақсудлари қўлтуқга урмоқда эмиш.

ЯХШИ ХУЛҚЛАР

Яхши хулк: бир қисми ўз нафсимизга, бир қисмини бир-биримизга қаршу ишлатмак учун керакли бўлган яхши хулклар: фатонат, диёнат, исломият, назофат, гайрат, риёзат, қаноат, шижаот, илм, сабр, хилм, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанин сўймак, ҳақконият, назари ибрат, ифрат, ҳаё, идрок ва зако, хифзи лисон, иктисад, викор, ҳавф варажо, итоат, ҳақшунослик, хайриҳоҳлик, мунислик, садоқат, муҳаббат ва афвдур. Мана бу ёздингимиз яхши хулклар ақл ва шаръи шарифга мувоғиқ. Аллоҳ таоло ҳам бандалар кошида мақбул ва мұтабардур. Эмди бу яхши хулкларни қўлға олмак учун ота-она, муаллим устодларимиз ҳазратларининг ҳикматли насиҳатларини жон қулоғи бирла тинглаб, доим хотирда тутмоқ, ахлоқи яхши кишилар бирла улфат бўлмак, ахлоқи бузук ёмон кишилардан қочмак лозимдур. Бизим шариати исломияда «ахлоқи ҳасана» – яхши хулклар ила хулкланмак, ҳар нарсаға ибрат кўз ила бокуб, хулқини тузатмак вожибдур. Расули акрам набийийи мұхтарам саллоллоҳу алайхи васаллам: «Исломиятда бузуклик йўқдур, бузукликни устига олев ҳам йўқдур. Исломиятда энг мұтабар кишилар яхши хулқ эгаларидур», – демишлар.

БАЙТ

Яхши бирла юрса, ҳар ким мақсуди ҳосил бўлур,
Юрса нодонлар ила, бир кун бориб котил бўлур.
Катталар қилган насиҳатни кичиклар олмаса,
Оқибат хулқи бузук бир беадаб жоҳил бўлур.

ФАТОНАТ

Фатонат ақл эгаси бўлув демакдир. Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидур. Рух ишловчи, ақл бошловчидур. Инсон ақли ила дин ва эътиқодини маҳкам қилур, шариат ҳукмларига бўюнсунар. Ақлсиз жинни кишилар буларга бўюн қўймас, шариатдан ташқари ишларни ҳам қилур. Жаноби Ҳақ инсонни ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Ҳайвонлар ўзларига бўлаклар тарафидан келадурган зулм ва жабрларни шоҳ, тиш, тумшук, тирноклари ила кайтарурлар. Лекин инсон жаноби Ҳақ тарафидан берилмиш ақл ва идроки соясида ўзига келадурган заарар ва зулмлардан сакланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилуб, бўйнидан бойлаб, ипларининг учини кўлларига берган инсонларнинг аклидур.

Илм инсонларнинг мадори хаёти, раҳбари нажотидур. Илм ўрганмак, олим бўлмак учун мактабга кирмак, муаллимдан таълим олмак лозим. Ақлсиз кишилар на мактабга кирап ва на муаллимни билар. Расули акрам набийи мұхтарам саллоллоҳу алайҳи вәасаллам афандимиз: «Эй инсонлар! Ақлингизга тавозеъ қилингиз. Сиз жаноби Ҳақ буюрган ва қайтарган нарсаларни ақлингиз ила билурсиз», – демишлар. Ҳукамолардан бири: «Агар ақлингни қўли нафсингни жиловини ушласа, сани ёмон йўлларга кирмоқдан саклар. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арzon бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур», – демиш.

Ақлдек зебо сифатни қўрди Ҳақ, инсонга эб,
Оқил инсонлар билан берди жаҳон-оламга зеб.

Ақл нури бирла тўлди дунёга илм-у хунар,
Ақлсиз инсон қачон билғусидур нафъ-у зарар?
Ақлсизлар билмагайлар дин надур, дунё надур?
Бўлмаса ақли билурми фарз ила суннат надур?

ДИЁНАТ

Диёнат аллоҳ ҳузурина яқин киласурган муқаддас эътиқодтурки, оламда мундан суюкли нарса йўқдур Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳакни ботилдан, фойдани заардан, окни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, мундай кишилардан на ўзига ва на бошка кишиларга, ва на миллатга тарикча фойда йўқдур. Дин жаноби Ҳақ тарафидан бандалари учун қурилмиш тўғри йўлдурки, банда дунё ва охиратда бу йўл ила соҳили саломатга чиқар. Дин уламолари диний китобларда Аллоҳ таолога ибодат қилишнинг йўл ва қоидаларини баён қилмишлар. Ибодат икки турли бўладур: Бири тан ибодати, иккинчиси рух ибодати. Тан ибодати таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж каби амаллардурки, буларнинг ҳар бирини ўз вактида шариатга мувофик равиша миннат қилмасдан, риё қилмасдан дилни поклаб, ниятни холис қилуб, шавқ ва завқ ила адо қилмоқ лозимдур. Рух ибодати қалб ила адо қилинадурган ибодатдурки, эътиқодни маҳкам, дилни пок қилуб, Қуръон, Ҳадис, фикъ каби диний китоблар оқилганда жон қулоги ила тинглаб

асарланмакдур.

Б

ир киши тан ибодатини қилуб, рух ибодатини қилмаса, ё рух ибодатини килиб, тан ибодатини қилмаса ўз вазифасини адо қилмаган бўладур.

Акл дин ила, дин амал ила, амал такво ила камол топар. Дин инсонларнинг дилидан саховат, марҳамат, шафқат, улфат, мурувват эшикларини очуб, саодат ва саломат бўстонига олиб борур. Расули акрам набийий мухтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Аллоҳни кўз олдингда кўруб тургандек ибодат қил, зероки, сан они кўрмасанг ҳам, албатта, Ул сани кўрадур, нафсингни ўлган ҳисоб эт», – демишлар.

БАЙТ

Пок қилғил динингни, имонингни,
Кул ҳуввар-раҳмон оманно бих.
Динингни ёқмасун ҳавас зинхор,
Ва қино раббано азобан-нор.

ИСЛОМИЯТ

Исломият бутун инсониятдур. Инсоният эса яхши хулқдан иборатдур. Исломиятни расули акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимизнинг ёлғуз ўзлари бутун дунё юзига яхши хулклари соясида тарқатдилар. Саҳобалар ҳам Пайғамбаримизнинг орқаларидан эргашуб, маҳкам эътиқодлари, яхши ахлоклари, пок қалблари, ўткир шижоатлари ила ер юзуни титратдилар. Кундан кун исломиятнинг шавкат ва қуввати ортди. Оламга маданият, маърифат, мусовот, адолат уруғлари Арабистон ярим оролидан ёйилди. Бунинг сабаби саҳобалардаги метин эътиқод, бузулмас иттифоқ, соғ қалб, яхши амал, холис ният, туганмас гайрат, гўзал ахлок эди. Ҳар нарсанинг оғати ўлдиги каби замонларнинг ўтуви ила исломиятнинг иттифоқина кўз тегди. Мусулмонлар орасига тафриқа тушди. Ҳикмат эгалари, фунун соҳиблари исломиятдан кувланди. Илм-у ҳикмат хазиналари қулфланди. Жаҳолат, адоват ҳукм сурди-да, бўйла ўлди:

Афсус экинзорни селоб олибдур,
Деҳқонни фалокат босуб, уйкуда колибдур.

Мусулмонларнинг дилига иттифоқ ўрнига нифоқ, адолат ўрнига зулм, мұхаббат ўрнига адоват, гайрат ўрнига атолат, мурувват ўрнига ғазаб, саховат орнига бухл, тавозуъ ўрнига кибр, садоқат ўрнига ифтиро, шафқат ўрнига ҳасад. ҳилм ўрнига ҳамокат, ҳурмат ўрнига ҳусумат, қаноат орнига тاما, сабр ўрнига гурур. иктисад ўрнига исроф,

афв ўрнига даҳшат, саъй ўрнига сафоҳат, ғайрат ўрнига хурофот ерлашиди. Мана, шул ёмон ҳулклари сабабидин асри саодатдан буён исломият кейин қараб кетди. Фарид миллатнинг чин хулафоси, уламоси, ҳукамоси таҳтиндан, мансабиндан мазҳабиндан сурулди. Одиллар ерина золимлар, олимлар ерина абу жаҳллар, булбуллар ерина қарғалар, қумрилар ерина бойқушлар, билмам ва ҳокимлар ерина кимлар ўтурди. Шул сабаблара мабни исломият дунёси инқироз саҳросина юзланди. Ислом ҳукуматларида бирин-кетин кўздин ниҳон ўлди.

Етса навбат ўлтурап бойқуш

Сулаймон томига,

Ўрмагучлар ин кўяр

Афросиёб айвонига.

НАЗОФАТ

Назофат деб аъзоларимизни, кийимларимизни, асбобларимизни пок ва тоза тутмокни айтилур. Поклик зеҳн ва идрокингни кенг ва ўткур килур. Халқ орасида эътибор ва шухратга сабаб бўлур. Поклик ила ҳар хил касаллардан кутулуб, жонимизнинг қадрини билган бўлурмиз. Пок бўлмак саломатимиз, саодатимиз учун энг керакли нарсадур. Пок бўлмаган киши Аллоҳ ҳам халқ қошида севимсиздур. Йиртиқ, эски кийимлар киймак айб эмас, янги кийимларни кир қилуб, ёгини чикаруб юрмак зўр айб ва гуноҳдур. Чунки бу иш шариатга терс, тарбияти баданга зид, ажнабийлар кўзига исломиятни чиркин қилиб қўрсатмоқ бўладур, ҳам бир йилга етадурган кийимлар олти ойга етмай, кирқилуб тамом бўладур. Бу исроф, мол қадрини билмаслиқдур. Ифлослик балосидан поклик давоси ила қутулмоқ керак. Баликнинг ҳаёти сув ила ўлдиги каби, инсоннинг саломатлиги ҳаво иладур. Агар тан пок бўлуб ювилиб турмаса, кулок кир бўлса, эшитмагани каби бадан ҳам ўзига керак бўлган ҳавони ичига ололмас, ичидағи рутубат ҳам кирдан ўтуб чиқуб кетолмас, чунки бадан элак каби кўзлиқдур. Агар кўзи кир олса, ун туруб сув ҳам ўтмас, шунинг учун тамиз бўлмаган кишилар қўркинч касалларга тезгина гирифтор бўлурлар. Шодликлари ғамда, олтундан кадрли умрлари кас алхоналарда ўтар. Мана шуларни риоя қилуб, шариатимиз бизга покликни фарз килмишдур. Поклик мусулмонлигнинг илдизидур. Шунинг учун тани, кийими, жойномози пок бўлмаган кишининг

ибодати ҳам дуруст бўлмайдур. Расули акрам набийи мухтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ислом дини пок диндур. Бас, пок бўлингиз, пок бўлмаган киши жаннатка кирмас», – демишлар.

Халқи олам севгусидур тозалик, покни,
Поклик орттургусидур фаҳм ила идрокни.
Ҳар кишини кўксисда поклик нишони бўлмаса,
Тозалик майдонидан қувғайлар ул бебокни.

САЙ ВА ҒАЙРАТ

Саъй ва ғайрат деб устига юкланган ибодат ва хизматларни ҳаракат бирла адо килмакни айтилур. Шариат ҳам акл юзасидан ялқовлик қилуб, ишсиз, бекор юрмак дуруст эмасдур. Зероки, Қур ъони карим бизларни саъй қилмокга амр этмишдур. Дангасалик ҳар вақт инсонни хор, тама балосига гирифтор қилур. Бир ишга машғул бўлган кишилар вақтнинг ўтганини билмас, ялқов кишилар учун бир соат ўткармак қиёматдан кийиндор. Ғайрат вужудимизга қуввати масъуд ва баҳтиёр бўлишимизга сабабдур. Шунинг учун ҳар биримиз саъй қилуб, ўз кучимиз ила маишатимизга керак бўлган нарсаларни топуб, бошқаларга муҳтоҷ бўлмай роҳат-роҳат яшамоқ лозимдур. Сиҳатимиз, саодатимиз, сарватимиз, қаноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, алхосил, бутун ҳаётимиз ҳаракатимизга боғлидур. Ҳаракатлик кишилар тезгина мақсадларига етурлар. Ялқов кишилар ҳар нарсадан маҳрум, доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтоҷ бўлуб хорликда қолурлар.

Киши ёш вақтида илм ва маърифат, ҳунар ва санъатга бўйин қўймаса, тараффуд килмаса, албатта, кора ишчи бўлуб колур. Шариатга терс, конунга зид бўлмаган хизматларни килмак айб эмасдур. Агар бунга ҳам бўйин қўймай бу кўмирчилик, бу темирчилик менга муносиб иш эмас деб, дангасалик қилуб, ишсиз юрса, зўр айб, ғайратсизликдур. «Гайратликдан имон кутилмас» деган масал бор. Бунга қараганда дунё ва охиратимиз учун ғайратни кўлдан бермаслик лозимдур. Ғайрат имона, салобати виждана далолат этар. Ҳазрати Умар эшик олдида бекор ўтирган бир кишини кўруб: «Ғайратсиз кишилардан Худо безор, исломият ғайрат ила ривож топди, сандек ялқов кишилардан исломият ҳазар қилур», – демишлар.

Ҳак буюрди: «Лайса лилинсони илло мо саъй»,
Ғайрат ила ўтди оламдан Муҳаммад Мустафо.

Биз-да умматмиз, килайлук саъй ила хайр-у сахо,
Килсалар шояд шафоат соҳиби рӯзи жазо.

РИЁЗАТ

Риёзат деб савоб ишларни қилуб, гуноҳ ишлардан сакланмокни айтилур. Риёзат адабнинг кони, рухнинг дармонидур. Инсонларни тӯғри йўлга солуб, эгри йўлдан кайтаргувчи риёзатдур. Шул сабабли риёзат қилгувчилар оқил ва фозил бўлур. Аллоҳ ҳам ҳалқ қошида мақбул ва мұтабардур. Ялковлик, кўп ухламак, ёмон одамлар ила юрмак, вактни бекор ўткармак, айш-у ишрат қилмак, кўп ошамак, фойдасиз сўзлар сўзламак, самоварларда, кўчаларда азиз умрни бўш откармак каби ишларнинг ҳаммаси риёзатга зид, умрнинг этови, Худонинг газабидур. Аллоҳнинг буйруги, Расууллороҳнинг суннатлари, шариат қил деган ишларни бирин-кетин ўз вактида қилмак ибодат ҳам риёзатдур.

Риёзатни риоя қилган кишилар ҳеч вакт шариат йўлидан айрилмас, Аллоҳ буйругидан четга чикмас ва бу йўл ила охират азобидан кутулур, роҳат ва раҳмат саройига кирав, риёзатни риоя қилмаган кишилар Аллоҳ таолонинг ризосини тополмас, хор-зор бўлуб, охиратда аламлик азобга гирифтор бўлур.

Афлотун ҳаким: «Мен риёзатдаги лаззатни ҳеч нарсада кўрмадим, зероки, вужудимнинг саломати, рухимнинг саодатини риёзатда топдим. Шунинг учун риёзат айни саодатдур деярам, чунки фикрнинг, тилнинг ислохи баданинг риёзатига боғлидур», – демиш.

Ибн Сино ҳаким: «Тан риёзатидан кўпроқ рух риёзати лозимдур. Мард киши ўзини риёзат ва адаб ила кўрсатсун, инсон ила ҳайвон орасидаги фарқ ёлгуз майшатда эмас, яхши ахлоқ касб қилмоқладур», – демиш.

Риёзат мевасидур мисли бодом,
Юзи қаттиғ ичибур ишта инъом.
Кишин мақсудина элтар риёзат,
Риёзатсиз иш ўлгай бесаранжом.
Агар сабр-у риёзат чексанг, эй жон,
Пишуб олдингга тушгай мевайи хом.

ШИЖОАТ

Шижаат деб ботир ва юракли бўлмакни айтилур. Шажиъ киши ҳеч нарсадан кўркмайдурган ботир ва юракли бўлур. Саъй ва гайратнинг зидди дангаса ва ялқовлик ўлдиги каби шижаатнинг зидди кўркоқликдур. Кўркок савдогар фойда килмас. Кўркок киши ўзининг соясидан хуркар, ҳеч бир иш қилишга юраги бўлмас. Кўп кишилар ваҳима ва қўркоқлик оркасидан молларидан, жонларидан, ватанларидан айрилурлар. Шунинг учун ҳар ишда шижаатни кўлдан бермаслик лозимдур. Шижаат инсониятнинг соф ойинаси, иффат, гайрат, истикомат каби яхши хулқларнинг нуронийсидур. Шижаатнинг ҳакиқати қалбнинг матонатиндан, руҳнинг саломатиндан иборатдур. Ҳозирги замонда ботирлик – бойликда, қайси давлат ва миллатнинг давлати болса, шул устун бўлмакладур. Чунки ҳукумат учун ҳалқ, ҳалқ учун ҳунар, ҳунар учун илм, илм учун ақча лозимдур.

Сарватли миллатлар миллиятларини йўқотмас, роҳат ва саодатда яшар. Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айланурдилар ва бу сояда бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар. Сехргар ва жодугарлик ила эмас, тижорат ва саноатгарлик ила чолишқон Ёврўпа, Африқа ва Осиёни ўзига асир ва мусаххар килмакладур.

Бу замонда фил ила жанг айламак эрлик эмас,
Эр ўшалдурким тутар илм-у ҳунарнинг ёқасин.
Бешлаб, ўнлаб сўм топишса, илм ила ағёrlар,
Биз бўлуб ҳаммол, оладурмиз тийинлаб чоқасин.
Бошқалар санъат, тижорат-ла тараққий айласа,
Бизни эл тортар аёғдин ўлган отнинг тоқасин.

ҚАНОАТ

Қаноат деб жаноби Ҳак тарафидан ихсон бўлган аҳволга этишдигимиз неъмат ва молга шукр, бошимизга келган факт, мусибат, фалокатларга чидаб, сабр киммоқни айтилур. Қаноат ҳasad, тама, хирс, хорлик каби иллатларнинг давоси, нафсимизнинг гиносидур.

Қаноат бир ҳазинадурки, нақдинаси кундан-кун ортар. Бу ҳазинага эга бўлган кишилар умрларини шавқ ва роҳатда кечиурлар. Бунинг ила баробар қаноатсизликдан пайдо бўладурган ҳasad деган жоннинг энг

зўр душманидан кутулурлар. Чин инсонлар кишининг молина, мулкина, саодатина, машатина ҳасад қилмас, қаноатдан айрилмас, умрини роҳатда ўткарур. Инсон ҳар бир ишга кучи етгунча чолишмок, жаноби Ҳак тақдирдаги нарсасидан нимани берса, шунга қаноат қилмоқ лозимдур.

Зероки, инсон ўз машатини, номусини сакламоқ учун фидойи жон даражасига боргунча саъй қилмоқға буюрилмишдур, лекин бу саъйнинг машруйи ҳар бир ишда қаноатни қўлдан бермасликтур. Оламда қаноат каби дилни поклайдурган нарса йўқдур. Жаноби Ҳакнинг амрига итоат қандай саодат эса, тақдирига қаноат зиёда баҳтиёрликдур.

Ҳазрати Али афандимиз: «Дунёда саъй-жадали ила машат ўткарган қаноат эгаси ҳеч кимга муҳтож бўлмаган зўр бойлар каби роҳатда, саодатда яшар», – демишлар.

Афлотун ҳаким: «Инсоннинг саодати қаноатини қўлда тутмакда, сарват ва машат тўғрисида жаноби Ҳакнинг тақдирига рози бўлмакдадур», – демишлар.

ИЛМ

Илм деб ўқимак, ёзмакни яхши билмак, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтилур. Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун foят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз ахволимизни, харакотимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюруб берур, тўғри йўлга раҳнамолик қилуб, дунё ва охиратда масъуд бўлишимизга сабаб бўлур. Илмсиз инсон мевасиз дараҳт кабидур. Чунки илмсиз кишилар ота-онасига, қариндош-уругига, ёр-дўстига, дин ва миллатига фойда еткурмак бир тарафда турсун ўз устига лозим бўлган ибодат ва тоатни ҳам лойиқича қила олмас. Илмнинг фойдаси у қадар кўпдурки, таъриф килғон бирла адo қилмак мумкин эмасдур. Бизларни жаҳолат коронгулиғидан қуткарур, маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан кайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳиби қилур, Аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни ортдуур, жаноби Ҳакнинг азамат ва қудратини билдирур. Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, машатимиз,

химматимиз, гайратимиз, дунё ва охиратимиз илма боғлидур. Пайгамбаримиз: «Илмга амал қилгучилардан бўлингиз, накл ва ривоят килгучилардан бўлмангиз», – демишлар.

Илм бир дарё ичи тўлмиш дур-у гавҳар билон,
Киймат-у қадрин қачон билгай они жоҳил йилон.

Олим кишилар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидур. Шариатимизда қайси илмга муҳтоҷ бўлсанг, шуни билмак бизга фарздур.

Шунинг учун ўқимак, билмак замонларини қўлдан бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмакга жонимиз борича саъй қилмагимиз лозимдур.

АҶСОМИ ИЛМ

Илм диний ва фанний кисмлар ила иккига бўлинур.

Диний киши бўлмак учун улуми диния ўқумак ила баробар хисоб, ҳандаса, тарих, ҳикмат, кимё, тиб, зироат илмлари каби фанний илмларни ҳам билмак, чин олим бўлмак лозимдур . Чунки бу илмларнинг иккиси ҳам дунё ва охиратимиз, ҳаёт ва саодатимиз учун энг керакли нарсалардур.

Ўткан замондаги ислом уламолари ҳар бир илмга тиш-тирноклари ила ёпишдилар¹, ўқидилар, ўқитдилар, улум ва фунун соясида исломият тараққий қилди, маданият таркатди, китобхоналар, кироатхоналар, етимхоналар, камбағалхоналар, касалхоналар очилди. Ҳозирги мусулмонлар таассуб ва жаҳолатлари ила мактанулари каби, аввалги замон мусулмонлари илм ва маърифат, китоб ва асарлари ила мактанурлар эди. Алхосил, ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолиysi ёшларининг илм ва маърифатига, хунар ва санъатига bogлиidur. Расули акрам набийий муҳтарам саллоплоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Илм ўқимак ҳар бир мўмин эр-у хотунга фарздур», – демишлар. Ажабо, Куръонимиз, Пайгамбаримиз ўқингиз, деб амр қилғон ҳолда, бизлар на учун харакат килмаймиз, кимиrlамаймиз. Бошка миллатларнинг ўгуллари, кизлари

кеча демай, кундуз демай, ёз демай, қиш демай илм йўлида жонларини фидо килуб, қувушуб, югурушуб, кўзларимизни камашдируб турган бир замонда бизлар ҳамон² уйқудан, гафлатдан, жаҳолатдан бошимизни кўтармаймиз, ибрат олмаймиз. Пайгамбаримиз: «Олим бўл, илм талаб

килувчи бўл, ёки илмни эшитувчи бўл, хеч бўлмаса шуларга мухаббат килувчи бўл, бешинчиси бўлма, ҳалок бўлурсан», – демадиларму?

Топар илм ила одам оғли камол,
Етурмас камола жамол ила мол.
Керак ўрганур илм учун шамъдек,
Танумоқ Худони илмсиз маҳол.
Талабгор ўлур илма оқил киши,
Сотар илм бозори моли ҳалол.

САБР

Сабр деб бошимизга келган бало ва қазоларга чидамли бўлмакни айтилур. Ҳар бир ишда сабр ва совуққонлик ила ҳаракат қилмак лозимдур. Чунки бошимизга келадурғон бало ва қазо, заҳмат ва машакқатларнинг барчаси жаноби Ҳақнинг иродаси ила ўлдиги учун буларга сабрсизлик қилған кишилар ажр ва савобдин қуруқ колурлар. Сабр инсонлар учун буюк бир фазилатдурки, жаноби ҳақ собирларни суряр. Куръони карим ичиди кўп ерда сабрни, собирларни мадҳ қилмишдур. Шариати исломияда жаноби Ҳақ тарафидан келган бало ва қазога сабр қилмок фарзи айндор.

Инсон ҳар бир ишни сабр ва матонат ила юрутса, максудига тинч ва роҳатда боруб етар. Ҳамиша саодатда яшар.

Секин борган киши мақсада етгай,
Шошибесабрлар каж йўлга кетгай.
Агар сабринг бўлса нафсингга йўлдош.
Сени тавфиқи раббонига элтгай.

Нафсини сабр ила ром қилған киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат килур. Нафсини ҳалокатдан, ғуурдан саклар. Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шаҳватни иффатга, газабни шижоатга, шиддатни ҳилмга, катталикини тавозуъга, ёмонликни яхшиликга айландурмакга қуввати етар. Шул хусусда сўйланмиш бир ҳадиси шарифнинг маъноси «илм имонли кишиларнинг муҳиби, ҳилм ҳомийси, ақл

далили, яхши амал сармояси, мулойимат волиди, афв ахавони, сабр хокими виждонидур», – дейилмиш. Араблар: «Ассабру мифтохул-фарах» – «сабр шодлиғнинг калидидур», – деюорлар.

Сабр ила ҳар мушкул иш зойил бўлур,

Сабр эдан мақсадина нойил бўлур.

Ҳар кишида бўлмаса сабри жамил,

Нафс кўйина юруб сойил бўлур.

Сабр килсанг, гўрадан ҳалво битар,

Сабрсизлар ўз оёғидан йитар.

ҲИЛМ

Ҳилм деб бўлар-бўлмас ишга аччиғланмайдурган, арслон юракли, юмшоқ табиатли бўлмоқни айтилур.

Ҳилм инсонларнинг табъидан хусумат, адоват, ғазаб, ҳиддат каби ёмон хулкларни йўқ қиласурган ҳар кимча мақбул бир сифатдур.

Ҳилм илми ахлок юзасидан инсонга энг керакли нарсадур.

Нафснинг роҳати, қалбнинг матонати, фикрнинг саломати, виждоннинг ҳаловати ҳалим табиат бўлмоқ ила ҳосил бўлур. Чунки ҳалим кишилар ҳар қанча қувват ва қудрат соҳиби бўлса ҳам, ўзидан ожиз кишиларга шиддат ила муомала қилас. Фикри саломат кишиларнинг қалби ҳалим, табъи карим ўлур. Зероки, вужудимиздан пайдо бўладирган афъол ва харакотимизнинг манбайи ҳавас ва орзудур. Бу ҳавас ва орзуга факат ҳилм илиа ғолиб келурмиз ва бу васила ила тўғри йўлга киrub, яхши хулқ соҳиби, дин ва миллат ходимларидан бўлурмиз. Дунёда чин инсон бўлмак учун ҳаваснинг қўлига нафснинг жиловини бермайдирган, бўлар-бўлмас нарсалардан аччиғланмайдурган, совукқонли, юмшоқ табиатли, мулойим сўзли, ҳалим ва сабрли бўлмак лозимдур.

Зотига, ҳилмияти мавсуф килса ҳар киши,

Икки оламда бўлур роҳат, ҳаловатда иши.

Расули акрам набийи мұхтарам афандимиз: «Алҳилму саййидал ахлок – Ҳилм хулкларнинг саййидидур», – демишлар.

Сукрот ҳаким: «Шиддат ила муомала қилган кишиларга ман виқор ва ҳалимлик ила мукобила қилурман, чунки ҳилм шиддатни, хусуматни

паст килур. Лекин кишини ожиз ва хорлик даражасига тушурадурган ҳалимликдан ман безор», – демиш.

Бу сүзга караганда саховатнинг ифроти исроф ўлдиги каби ўринсиз ерда ҳилм истеъмол килмак инсоннинг викор ва эътиборини поймол килур. Шунинг учун ҳилмият худудидан – чегарасидан чикмай, газаб, ҳиддат каби ерларда ҳилм истеъмол килуб, нафснинг ҳароратини паст килмолидур. Лекин тепса тебранмайдурган, туртса тинг этмайдиган бўлуб, гайрат, шижоат ўринларига ҳам мулоимлик ишлатув ҳалимлик худудидан ошуб, бўшлиқ, анқовлик дунёсига чикмакдур. Бундай ҳалимликдан қочмак, ҳазар қилмак керак.

Ҳалимликни қилсанг агар ихтиёр,
Бўлур ҳалқи олам санга дўст-у ёр.
Бўлур мевалик шохни боши паст,
Ҳалим ўлғуси окили ҳушёр.

ИНТИЗОМ

Интизом деб қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вактида тартиби или қилмакни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа яшолмас эдилар. Жаноби Ҳақ ер-у осмонларни, ой ва юлдузларни, инсон ва ҳайвонларни, курт ва қушларни шундай бир низом или тарбият бериб яратмишдурки, акл билмакдан, қалам ёзмакдан, тил сўзламакдан ожиздур. Дунёга келған пайғамбарларнинг ҳар бирлари дин ва шариатларини тарбият ва низом или юрутмишлар. Хусусан, ислом дини мукаммал равишда тартиб ва низомни риоя қилмишдур. Ва бу сояда озгина замонда ислом уруглари бутун дунё юзига ёйилмишдур. Ислом давлатларининг барпоси низом ва интизом или ўлдиги кади барбод ва инқирози ҳам тартиб ва низомсизлик или бўлмишдур. «Хайр, ўткан ишга саловат». Алҳосил, ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ишларини вактида низомдан чикармай тартиби или юрутмакга боғлидур. Шогирдлар мактаб ва мадрасалардаги замонга мувофиқ равишда қурилмиш, низом ва тартибларни риоя қилмаклари лоз имдур. Чунки тартиб ва низомни риоя қилмаган кишиларнинг ишлари ҳамма вакт нотамом, ўзлари паришон бўлурлар. Аммо ишларини тартиб

узра юрутган кишиларнинг ишлари ерида, ўзлари тинч ва роҳатда умр ўткаурлар. Ҳозирги замонда бизнинг Туркистон бойларининг ишлари тұхтаб, синувларининг бириңчи сабаби ишларини ахлоқсиз, билимсиз, мусриф, ялқов кишиларга топширувлари ила баробар ўзларининг замонга мувофиқ тартиб ва низомдан хабарсизликларининг емушидур. Пайғамбаримиз: «Касбларнинг ортугроки хиёнатсиз, ёлғонсиз қилғон савдо ва тижорат ила банданинг ўз күли бирлан ишлаган ишидур», – демишлилар.

Давлатни кони, манбайи тартиб-интизом,
Сарватни пойдори эрур иқтисоди том.
Мухтоҗлиғ юзини күрар деб гумон қилманг,
Тартиби бирла юрса, кишининг иши мудом.

МИҚЕСИ НАФС

Миқеси нафс деб қиласурған амалларимизни, ишларимизни шариат, инсоният қонунига мувофиқ ўлуб, ўлмайдигини вијдонимиз ила ўлчаб күрмакни айтилур. Нафс ўлчови ҳақиқий бир ўлчовдурки, инсоннинг ўз нафсига лойик күрмаган муюмалани бошқалар ҳақида ижро этмокта қўймас, фикр эгалари, инсоф соҳиблари ҳар вақт нафс ўлчовидан ташқари харакат қилмас.

Агарда бир сабаб ила шариат ҳукмидан, инсоният қонунидан чет кетса, бу қабоҳатини нафс ўлчови ила билуб, иккинчи мартаба қиласга қасд ва ният қилуб, шариат низомидан, инсоният чизигидан чиқмасликга саъй ва ғайрат қилур.

Алҳосил, нафс ўлчови таърифдан ташқари инсонлар учун энг фойдали, ҳар кимча мақбул буюк бир фазилаттур.

Буюк Искандар: «Дунёда энг ҳақиқий, тұғри ўлчов нафс ўлчовидурки, бу мезонда зарра нуқсон йўқдур», – демишиш.

Ибн Сино ҳаким: «Инсоннинг фазл-у камолининг ўлчови нафснинг ўлчови ила ўлчанур», – демишиш.

Дунёда ҳар нарсанинг маҳсус ўлчови бўлар.
Банда аф ъолини вијдони ила тортиб кўрар.
Бир ишига вазнда келса оғир ўз нафсига,
Ул ишинг кандоғ бўлакларга раво, лойик кўрар.

ВИЖДОН

Виждон деб рухимизга, фикримизга таъсир қиладурган хиссиёт, яъни сезув – туймақдан иборат маънавий кувватни айтилур. Биз ҳар вақт афъол ва ҳаракотимизни яхши ва ёмонлигини, фойда ва зарарлигини онжак виждонимиз ила билурмиз. Виждон инсоннинг акл ва фикрини ҳақиқий мезонидурки, бу тарозу ила ўз камчиликларини ўлчаб билмак ила баробар бошқаларнинг ҳам афъол ва ҳаракотини сезур. Агар ишлаган иши шариат, акл ва ҳикматга мувофиқ бўлса, муҳаббат қилур. Қабоҳат ва ёмон ишларни қилса, нафрат қилур. Биз жаноби Ҳақнинг амр ва наҳйини фикр ва рухимизнинг маънавий куввати ўлан виждонимиз ила айира билурмиз.

Виждон яхши хулкларнинг манбайи ўлдигиндан виждон соҳиблари ҳар бир ишни беғараз, холис ният ила ишлар.

Шул сабабли ҳар ким назарида мақбул ва суюкли бўлур.

Аммо виждонсиз кишиларнинг ишларида ният ва амалларида, дўст ва ошноликларида яширин бир гаразлари ўлдигиндан ҳар вақт ҳасрат ва надомат чекуб, виждон азобига гирифткор бўлурлар.

Ҳар бир инсоннинг ҳақиқий фоили виждонидур,
Меваси яхши амалдур, ҳосили виждонидур.

Инсон диний вазифаларининг улуввиятини виждони соясида тақдир кила билур. Чунки, виждони саломат кишилар имон ва эътиқодларини камолга етқурмак учун жаноби Ҳақнинг буйруқларини дин ва миллатфа фойдали ишларни шод ва хуррамлик ила ишлар.

Алҳосил, виждон ҳар кимнинг афъол ва ҳаракотини кўрсатадурган мусаффо бир ойинадурки, бу кўзгуга чин назар қилған киши ўз айб ва камчиликларини тузатмак ҳаракатида бўлуб, бошқаларнинг айб ва қусурларини ахтармокға вакти бўлмас. Бизим исломиятда виждон ахлоқининг ислоҳи учун саъй-ҳаракат қилмак лозим ўлдигиндан шул доирада ҳаракат қилғон кишилар икки жаҳонда азиз ва мукаррам бўлурлар. Арасту ҳаким: «Рухимизнинг маънавий қуввати ўлан виждонимиз, фикримизга қувват бергувчи бир воситайи идрокия дейилур. Яъни, хиссиётимизнинг рухимизга таъсир эттиргувчи бир робитайи илктирикийясидур», – демиш.

Ибн Сино ҳаким: «Виждон рух ва фикримизни туйғун килмакға биринчи воситадур», – демиш.

Соф виждон каби ҳеч комила мезон ўлмаз,
Киши ўз айбини билмак каби урфон ўлмаз.
Шод-масрур ўлур инсоғ ила виждонли киши,
Кимки виждонсиз эса, тұғри, чин инсон ўлмаз.

ВАТАННИ СҮЙМАК

Ватан. Ҳар бир кишининг туғулуб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортиқ сұяр. Ҳатто бу ватан хисси-түйгесі ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби рохат-роҳат яшамас, майшати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гў шасида ўз ватанининг муҳаббати туар.

Биз туркистонлилар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ сүйдигимиз каби, араблар арабистонларини, құмлик, иссиг چүлларини, эскимулар шимол тарафларини, эңг совуқ кор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда сұярлар. Агар сүймасалар зди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб ҳижрат килурлар зди.

Боболаримиз «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юрtingда чўпон бўл», – демишлар.

Мен айблиқ эмас, эй ватаним, тоғларим,
Бевакт ташлаб кетдим, оё, боғларим.
Ҳижрон қилодур мени жудолиг,
Дўнди ғама рўз-у шаб-у ҷоғларим.

Ҳаммага маълумдурки, эңг муқаддас диний еримиз ўлан Арабистонга боғларини, ҳовлиларини сотуб ҳижрат килган хожиларимизнинг аксари яна ўз ватанларига қайтуб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб кетурган қувват ўз ватанларининг, тупрокларининг меҳр-у маҳабатидур. Расули акрам набийий мұхтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Хуббул – ватани минал имони – ватанни сўймак имондандур», – демишлар.

Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,
Банга на ғам, қолур авлодима уй-у ватаним.
Ғубора дўнса ғамим йўқ вужуд зери ваҳм,

Чароки ўз ватаним ҳокидур гўр-у кафаним.
Туғуб ўсан ерим ушбу ватан вужудим хок,
Ўлурса аслина рожеъ бўлурми ман ғамнок?

ҲАҚҚОНИЯТ

Ҳакконият деб ишда тўғрилик, сўзда ростликни айтилур. Инсон бўстони саломатга, гулзори саодатга ҳакконият йўли или чиқар. Инсониятнинг илдизи ўлан раҳмдиллик, ҳакшунослик, одиллик каби энг яхши сифатларнинг онаси ҳаккониятдур. Жаноби Ҳакнинг шу номи муборакини мукаддас билган киши ҳеч вақт ҳаккониятдан айрилмас, чунки ҳакконият нури қайси дилда жилвагар ўлса, жаноби Ҳакнинг тавфики раббонийси шу дилда нашъу намо килур. Акл эгалари, виждон соҳиблари ҳар вақт кўрган, килган ва билганларини, ҳакикатни ва тўғрисини сўзлар. Ишда тўғрилик бироннинг нафсига, молига хиёнат килмов, сўзда тўғрилик ҳар вақт рост сўзламакликтур.

Ростлиғ ҳақнинг ризосини топар,
Тўғри йўлда йўқ бўлурму ҳеч чопар?

Бизим шариати исломияда агар бир кишининг ҳақига бўхтон килинуб, килмаган ишни килди деб сўз сўйланса, билган киши ростини сўзлаб, шул кишини окламак вожибдур. Расули акрам набийи мухатарам саллоллоҳу алайҳи васалтам афандимиз: «Аннажоту фиссиддики – нажот ростликдадур», – демишлар. Ҳазрати мавлоно Румий: «Исломият айни ҳаккониятдур . Ҳакни қабул килувчилар ҳукуки шаръияни сакламокга буюрулмишурлар. Чунки шариат ҳукмларининг энг асосий илдизи ҳаккониятдан иборатдур», – демишлар.

Ҳакшунослик ўлмоқ шарофатдур жаҳонда одама,
Ҳакни изҳор айламак бирла кўруқ вер олама.

Назорат саволлари:

1. Абдулла авлонийнинг ҳаёти ва ижоди ҳакида маълумот беринг?
2. “Туркий гулистон ёҳуд ахлок” асарида хулқ, яхши хулқ, ёмон хулқ масалаларининг ёритинг?
3. “Туркий гулистон ёҳуд ахлок” асарида тарбия, тарбиянинг замони, бадан тарбияси, фикр тарбиясининг ёритинг?
4. “Туркий гулистон ёҳуд ахлок” асарида ахлок тарбияси?
5. “Туркий гулистон ёҳуд ахлок” асарида яхши хулклар масаласини ёритиб беринг?

МАВЗУ: МУХАММАД ҚУРОНОВНИНГ “БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ” АСАРИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

РЕЖА:

1. Миллий тарбия мазмун моҳияти
2. “Болам бахтли бўлсин десангиз” асарида тарбия физиологияси
3. Оиласа болани китобхонликга ўргатиш
4. “Болам бахтли бўлсин десангиз” асарида интернетнинг фойда ва зарарлари масаласи
5. “Болам бахтли бўлсин десангиз” асарида тарбиянинг ишончли методикасининг ёритилиши

Таянч тушунчалар: Бола, таълим, тарбия, бахт. аҳлок, одобоила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган фаолияти, оила, маҳалла, ҳамкорлик. яхши, хулк.

Сизга шу китобни танлаганингиз учун раҳмат! деб сўз бошлайди муаллиф. Сабаби - сиз болаларингиз тарбияси ҳакида кўпроқ ўйлар экансиз. Қизикар экансиз. Замонасининг маърифатли одамлари шундай қилишади. Шунинг учун уларнинг болалари ота-оналаридан кучли, билимли, доно ва баҳтли бўлиб боришаётир. Уларнинг ота-оналари-чи? Албатта баҳтиёрлар. Чунки улар давлатимиз яратиб берган шароитлардан унумли фойдаланиб, болаларининг —инсон капиталини ўз вактида, мукаммал таъминлаб кўйишаётир. Бу китоб қандай ота-оналарга аталган? Бу китоб: - Болаларининг баҳтли бўлишини астойдил истовчи; - Болаларини баҳтли бўлишга ўргатишини истовчи; - Фарзанд тарбияси бўйича янги билимлар олишни истовчи; - Замонавий фикрловчи; - Огоҳ ва ҳушёр, Ватан равнақига даҳлдор; - Ўгил-қизлари замонасининг намунали, ватанпарвар, мард инсонлари бўлишини истовчи; - Кексайганида оқибатли фарзандлар ардогида бўлишини истовчи; - Солих фарзандлари туфайли икки дунё соадатига эришишиният килган ота-оналар учун ёзилди дейди муаллиф Мухаммаджон Қуронов. Китобни ёзишда 9 талабга риоя килинди. Дунёда ишқ-муҳаббат, детектив, сайру-саёҳат, озиқу овқат, сиёсату тижорат ҳакида китоблар кўп. Лекин инсон учун энг азиз неъмат – фарзанд, унинг тарбияси ҳакида маҳсус китоблар кам. Борлари ҳам ё кадим замонлардан, ё диний талкинда ёки хориждан сўзлайди. XXI асрнинг

шилдатли ритми, мураккаб ва таҳликали замон, ҳозирги ҳаётимизга ҳамнафас з а м о н а в и й тарбиявий рисолалар жуда кам экан. Мамлакатимизнинг турли вилоят, туман ва шаҳарларида хизмат сафарларида юзлаб маърифий сұхбатлар курдик. Ӷшанды ота-оналар, педагоглар —Бизга 1) баёни содда, 2)тушунарлы, 3)илмий, 4)замонавий, 5)ҳаммабоп, 6)ҳазми енгил, 7) бугуннинг тарбиявий саволлари жамланган, 8)амалий, 9)құрғазмали құлланма бўлса эди, деган илтимосни кўп айтиши.

Мухаммаджон Қурунов асарни ёзишда уни, кичик кичик сарлавҳачалардан иборат қилдим. Гапларни калта қилдим. Вакти кам, иши кўп ота-оналар толикмасинлар, деб. Китобда замонавий тушунчалар ҳам бор. Чунки... Китобда сизга ҳали нотаниш, лекин замон талабларини, кийин масалаларни тушунтирувчи янги тушунчалар ҳам бўлиши мумкин. Бу муаллифнинг эмас, замон, давр талаби. Чунки ота-она замон билан ҳамкадам бўлмаса, замондан орқада қолади. Фақат ўзлари эмас, фарзандлари ҳам. Замондан орқада қолиб баҳтли бўлиш мумкинми? Йўқ. Чунки орқада қолганлар – кечикканлар дейилади. Кечикканларга эса ўзларига яраша – қолганлари тегади. Шунинг учун ҳурматли китобхон ота-оналар интернет, консалтинг, мутахассислар билан боғланиб, таълим-тарбия борасидаги янгиликларни сўраб, суришириб борсалар яхши бўлади. Китобнинг усули Китоб —маслаҳатчининг ота-онага педагогик тавсиялари! услубида. Нега десангиз, маслаҳатчи ўз номидан, худди сўзлашаётгандек ёзса, мулокат самимий, амалий чиқади. Маслаҳатчи билан ота-оналар орасидаги масофа яқинлашади. Бундай самимий мурожаат усули хорижлик педагог ҳамкасларимнинг ота оналар учун ёзган китобларида учрайди. Тарбия билимни талаб қиласди. Аммо... Одамлар кўп нарсаларни бир бирларидан сўраб билиб олишади. Боласи шамолласа қандай компресс килишни, болалар кийим кечаклари сотиладиган магазинларни, репетиторларни, валюталар курсини бир-бирларидан сўрашади. Лекин негадир, —Менга фарзанд тарбиясини ўргатинг!, деган ота-она жуда кам. Борлари ҳам гап очилиб қолганда, эсига тушса, сўрайди. Лекин уйидан чиқиб, машинасига ўтириб, ёки телефондан, Интернетдан фарзанд тарбиясига доир маълумот кидирайпман, деган кишиларни мен ҳали қўрмадим. Сизчи? Тарбия – болани баҳтли бўлишга ўргатиш Фарзандга олтин, кумуш, кўчмас мулк, иморат, хусусий корхона

кимматбаҳо автомобиль, акцияларни бериш мумкин. Лекин баҳтни бериб, нотариусда унинг номига расмийлаштириб, хусусийлаштириб бўлмайди. Шунинг учун азалдан подшохлар, хонлар, императорлар, ҳозир эса мулкдорлар, миллионеру миллиардерлар, маърифатли, акли ота оналар болаларини ҳаётга, тӯғри яшаб. Баҳтли бўлишга ўргатишаёттир. Ҳозир, шу минутларда ҳам. Эринмай, мақсадли, режали. Худди спортсменни курашга тайёrlагандек. Натижада уларнинг болалари кўйи лигадан ўртага, ўрта лигадан юкори лигага, юкоридан олий лигага кўтарилиб боришаёттир. Тарбияланмаётган, тайёrlанмаётган болалар худди спорт билан 10 шугулланмайдиган болаларга ўхшашади. Улар ҳаёт лигаларининг пиллапояларига чиқа олишмай, кўйида колиб кетишади. Бола ўз ўзидан зўр одам бўлиб кетади-ми? Кимдир —Тарбия бу, ҳаммага матьлум нарсаку. Вакти келса, худо хоҳласа, ўз ўзидан зўр одам бўлиб кетади!, дер. Лекин мен шунча яшаб, бирор яхши ишнинг ўз-ўзидан бўлиб колганини кўрмадим. Сиз кўрганмисиз? Бу гапни сиз айтмайсиз, ялқовлар, боласига бефарклар, ҳаётда бирор нарсага эришмаган кишилар айтишади. Ўзлари қилишлари керак бўлган ишни худога ташлашади. Оддий бир мисол: тайёrlанмаган йигит тест варакасини қандай тўлдирсинг? Ўрганмаган киз инглиз тилида қандай сўзласин? Окибат нималиги тушунтирилмаган, кўрсатилмаган, ўргатилмаганфарзанд қандай қилиб оқибатли бўлсин? Оқибатли бўлмаса, бола айборми? Ёки унга оқибатни ўргатмай, талаб қилаётган ота онами? Нима ўришни истасангиз, шуни экинг —Нима эксанг, шуни ўрасан!, дейди ҳалқимиз. Бу мақолни —Нима ўришни истасанг, шуни эк!, деб айтиб кўрайлик. Ана шунда китобимизни нега “Болам баҳтли бўлсин, десангиз...”(ота онага ёрдам), деб атаганимиз сабаби очилади. Бу нима дегани? Үкийверинг, ҳозир билиб оласиз. —Шерзод қандай йигит?, деган саволга маҳалладошларингиз қандай жавоб беришини истардингиз? Фараз қилинг: 2028 йил. Ўтган ҳафта ўғлингиз Шерзодга яхши бир хонадоннинг қизини сўраб, совчи юборгансиз. Бугун маҳаллангизга бир нотаниш киши келиб, —Шерзод деган йигитни биласизларми? Жиянимизга совчи кўйдирибди. Сўраганнинг аби йўқ, дейдилар. Маҳалласидан сўраб билайлик деб келувдик. Илтимос, бу умр савдоси. Алданиб қолмайлик, ростини айтинг, Шерзод канака йигит?! деб одамлардан сўраб юрган эмиш. Шерзодни яхши биладиганлар нима дейишин? Үглингизнинг қайси

сифатларини айтсан? Бўйи баланд(ёки паст) десинми? Зўр кийинади, (ёкиннайди) десинми? Математика, чет тилини яхши билади,(ё билмайди) десинми? Чиройли(ё хунук) десинми? Машинаси зўр(ёки ярамайди) десинми? Йўқ. Бундай бўлмайди. Энди ўнг кўл бармокларингизни очинг. Маҳалладошларингиз Шерзод ҳакида нима дейишларини истайсиз? Санаймиз. Сиз айтинг, мен бармокларимни букаман. Бошладик, 1)Ичмайди, чекмайди, спорт билан шугулланади. 2) Ўз касбининг профи(профессионали) 3) меҳнатсевар, тиришқок 4) ёлгон гапирмайди(ростгўй) 5) бироннинг ҳакини емайди, биронга ҳакини едирмайди. 6) ота онаси, қариндош, маҳалласига меҳрибон, хушумомала. Яна —Нима ўришни истасанг, шуни экъ мақолимизга қайтамиз. Сиз ўғлингизда мана шу 6 фазилатни экиб, —ўришни истадингиз. Шерзод 8 ёшда. Демак, ҳали вакт бор. Энди мана шу фазилатларни экинг. Сугоринг, парвариш килинг. Ахир —Нима эксанг, шуни ўрасан!, дейдилар. Бўпти, хайр. —Бу фазилатларни каердан олиш, қандай экиб, қандай парвариш килиш керак?!?, дедингизми? Қўлингиздаги китоб ана шу саволга топилган жавоблардан иборат. Ўкинг. Амал килинг. Фойдасини бир ойдан сўнг сеза бошлайсиз.

ЛИ ЯКОККА ЎГИТИ —Одамлар мендан: —Сиз катта муваффакиятларга эришгансиз. Бунинг имконини қандай топдингиз?!, деб сўрашади. Мен ота-онамнинг менга ўргатганларини такрорлайман. Ўзингга максад кўй. Қўлингдан келадиган даражада билим ол, кейин, худо хайрингни берсин, нимадир қил! 18 —Нимадир ўз-ўзидан бўлади, деб кутма. Бу осон эмас, агар сен астойдил меҳнат қилсанг, озод жамиятда интилган нарсаларингнинг барчасига етишиш мумкинлигига хайрон қоласан. Ва албатта, худо сенга берган барча нарсалар учун шукур килишни унутма. Америкаликларда шахсий кадр-киммат, ўз-ўзига хурмат ва мустақиллик туйғуси ўта ривожланган. Улар, энг аввало. ўзларини шахс сифатида хис киладилар. кейинчалик оила ёки ижтимоий гурухга мансуб деб ҳисоблайдилар. Болалар кичиклигидан мустақилликка, ўлаш ва қарор қабул килишга ўргатилади. Ёшларни ҳаётда ҳеч кимнинг ёрдамисиз, мустакил яшашга ўргатиш маориф соҳасида кенг қўлланилади, деган экан Ли Якокка —оддий ходимдан —Крайслер корпорейшин автокомпанияси директорлар кенгаши раиси даражасига кўтарилиган. АҚШнинг энг машҳур кишиларидан бири . Соҳибқирон - Амир Темур —Инсон капитали (Human Capital)

гоясининг асосчиси! — Темур тузукларида — Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижаатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд қишидан афзалдир, деган хулоса ёзилган. Бу ҳикмат Соҳибқирон Амир Темурнинг бундан каришиб 700 йил олдин, минглаб одамларни синаб кўриб, кейин айтган доно сиёсий, иктисадий, ҳарбий, маънавий, педагогик хулосаси эди. Чунки билими, кўнишкаю малакаси, маънавияти паст одам ўзига ҳам, ҳалқига ҳам, ватанига ҳам зарар етказади ва аксинча. Ҳозир ҳам бу гоя тирик. Ҳалқимизда юрган — У ерда фалончи бор. Хотиржам бўлаверинг, ёки —Фалончими? Бир чакага ҳам арзимайди. Дардисар-кул, деган гаплар бунинг исботидир. Демак, ҳар бир инсоннинг жамият биладиган, баҳолайдиган қадр-киммати бўлар экан. Бу қадр-киммат XXI асрда —инсон капитали, деб аталмоқда. Инсон капитали бу — одамларнинг билим, кўнишка ва малакаларидир. Одамлар унинг ёрдамида шахсий бойлик ва миллий бойликни яратадилар. —Инсон капиталининг баҳоси Инсон капитали ҳам ҳар бир активнинг бозор баҳоси сингари баҳоланади. У одамнинг меҳнатга яроклилик даврида кўрсата оладиган хизматлари оқимининг баҳосига teng бўлади. Демак, Инсон (иктисодий маънода) болалик, ёшлиқда ўрганган билим, кўнишкаларини ишлатиб, ўзига ва мамлакатига кўрсатадиган хизматлари туркумининг баҳосига teng. —Инсон капитали ибораси ҳозирги шакли америкалик иктисадчи Нобель мукофоти лауреати Теодор Шульц томонидан 1950—1960-йилларда киритилди(Shultz, 1961). Демак, ҳурматли ота-она, сиз билан килаётган сухбатимизни —Ўғилқизларимизда —Инсон капиталини қандай кўпайтириш мумкин?, деб атаса ҳам бўларкан. АҚШни нима бой қилган? АҚШда ялпи капитал шаклланишини ўрганган олим Ж.Кендрик АҚШни бой қилган асосий омил — —инсон капитали эканлигини аниклаган. —Инсон капитали нима? Бу — оила ва давлатнинг болалар вояга етунича уларнинг таълим-тарбиясига, касб эгаллашига, қайта тайёрланишига, малака оширишига, соғлигини саклашига сарфланган харажатлар йигиндиси. Мана шу ишларга маблағ қанча кўп ишлатилса, жамията фаровонлик шунча ошади. Аксинча, қанча камайса, салбий инсон капитали мамлакатга хаос ва қашшоқлик келтиради. Салбий инсон капиталини коррупционерлар, жиноятчилар, наркоманлар, ичкиликбозлар, дангасалар, текинхўрлар, фирибгар ва ўтирилар ташкил қиласди.

Венчур одамлар. Венчур одамлар — мутахассис, менежер ва бизнес—фаришталар. Улар — фавқулодда иктидорли, юксак профессионал, талантли одамлар. Улар дунёда шу қобилиятлари ва меҳнатларига мос комфорт яшаш ва иш шароитда, энг юкори маош олиб ишлашади. Венчур мутахассислар, тадбиркорлар — дунёда танқис одамлар. Ҳозирги глобаллашув ва очик чегаралар шароитидаги бизнес фаришта́лар қаерда кўп пул тўлашса, ўша ёкка учеб юришади. Агар уларда Ватан туйғуси мустаҳкам шакллантирилса, улар бор билим, куч ва ғайратларини ўз Ватанига, оиласига, ота-онасига бағишилашади. Сизнинг фарзандингиз ана шундай дунёга машхур ва ватанпарвар венчур йигит-кизи бўлиб етишиши мумкин. Бу китоб ана шу мақсадингизга етишингизда ёрдам беради. Ижобий ва салбий ўзининг ишлаб чикариш омили сифатидаги самарадорлиги бўйича салбий(вайронкор) ва ижобий (бунёдкор) турларга бўлинади.. У ўзига сарфланган инвестициялардан ўз жамияти, мамлакати иктисолидига бирор фойда келтирмайди. Аксинча, жамият, шахс иктисолидига бошқа соҳаларига зарар келтиради. Таълим ва тарбияга киритиладиган ҳамма инвестициялар ҳам фойда беравермайди, ИКни оширавермайди. Салбий ИК маънавият ва маданияти тубан, ишбилармонлик, тадбиркорлик кўллаб-қувватланмайдиган шароитда шаклланади. Шунингдек, фуқаролик жамияти шаклланмаган, инвестициялар илмий-педагогик асосланмай сарфланса ҳам шундай бўлади. Шунингдек, псевдотарбия, псевдотаълим, псевдобилим, псевдофан ва маданият амалда бўлган жойларда ҳам шундай бўлади. Тузалмас жиноятчи, ёлланма қотил — булас жамият ва оила учун киритилган, бирок, самарали фойдаланилмагани учун зое кетган инвестициялар демакдир. Отанинг катта-катта кўзлари олдинга, баланддаги маррага тикилган. Ишонч, катъиятга тўла. Гўдакнинг кўзлари ҳам ўша нуктага тикилган. Отанинг ўнг томонида гулдор дўппи кийган(!) ўсмир бола турибди. Гўдакнинг ҳам, ўсмирнинг ҳам нигоҳи оталари тикилган олдиндаги, баланд маррада. Ўзингизга мальум, ибодатхона, сарой деворларига тўғри келган сурат чизилавермаган. Маслаҳатлашиб, кенгашиб чизилган. Уларда ўша давлатнинг ўз олдига кўйган эзгу ғоялари акс этган. Демак, бу сурат эрамизнинг I асирида аждодларимиз учун ёшлар тарбияси устувор масала бўлганини к ў р с а т и б турибди. Ота болаларига: —Сизлар биздан кўра юкорирок маррага, тезроқ чиқишингиз керак!

деяётгандек. Мақолада Күшон империяси эрамизнинг I-III асрларида (демак, сурат чизилган даврдан бошлаб) гуллаб-яшнагани баён килинган. Демак, тарбия ёшларни Ватанни ана шундай гуллатиб-яшнатишига тайёрган.

Ижтимоийлашув бу – болангиз мактабга бораётіб, дуч келадиган минглаб үткинчи, таниш-нотаниш одамлар, вазиятлар, воkeалар дегани. Болангиз зертага мактабга кетаётганды кимларга, қандай яхши-ёмон вазиятларға дуч келишини биласизми? Йүк, албатта. Ҳаёт тарбиялайди, деб болангизни таваккал ихтиёрига бериб құясизми? Йүк. Чунки бу - тарбия дегани эмас. Тарбия бу – 27 аниқ фазилатларни бола хүлкіда күриш мақсадини күзлаб, муайян вакт давомида, ишончли, билимли одамлар томонидан амалға ошадиган иш. Махсус тарбия бу – сугориладиган ерда, —хаёт тарбиясы! бу – лалми ерда деҳкончилик килишга үхшайди. Сугориладиган ерда деҳкончиликнинг ҳосили 90% Сизга боғлиқ. Чунки ишни Сиз бошқарасиз. Лалми ердаги деҳкончилик эса 90% об-ҳавога боғлиқ. Сизга 10% боғлиқ. Сиз боласи тақдирини об-ҳавога ишониб құйдиган ота-онамисиз? —Вақтим йүк! —Вақтим йүк!, деб бу ишни ота-она қылмаса, уларнинг ўрнига құча, үткинчи одамлар, тасодиф-воkeалар тарбиялайди. Бунинг натижаси қандай бўлиб чиқишини ҳеч ким билмайди. Сиз шундай таваккал кила оласизми? Ота-оналар фарзандларининг Президент айтгандек: кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишини астойдил истайдилар. Пайғамбаримиз Мухаммад (САВ) ота она фарзандига яхши хулқдан зиёд мерос қолдира олмайди, деган экан. Демак, болаларимизни яхшилаб боксагу, тарбияламасак, на бу, на у дунёмиз обод бўлмас экан. Адид Абдукаҳҳор Иброҳимовдан икки ҳикоя. 1.Бой оиланинг ўқимаган болалари кисмати Бундан анча йиллар олдин икки бой-бадавлат ҳаммаҳалламиз куда-анда бўлишиди: бири ўн саккиз яшар ўғлини уйлантириди, иккинчиси ўн етти яшар кизини узатди. Катта тўю тамошолар бўлиб, бир неча кун давом этди. Бир неча йил давомида келин-куёвлар иззатда бўлишиди, гўё жаннатдагидек яшашди, ҳеч бир нарсадан камчилик йўқ. Келин институтга киритилиб қўйилди-ю, лекин ўқишга бормади – оғироёқ бўлиб қолган эди. Күёв ҳам университетдаги ўқишини ташлаб юборди. На касб орттириди, на хунарли бўлди. Бой отаю, бадавлат қайнотанинг даврида чет эл русумидаги қора енгил машинасини миниб, даврон суриб юраверди. Бу орада беш йилда тўрт

фарзандли – икки ўғил, икки қизлик бўлиши – келин бир йилда икки марта январда ва декабрда фарзанд кўрди. Гўдаклар она сутига тўймагани сабабли нимжон, касалванд; келиннинг ҳуснига ҳам путур етди, юзларига билинар-билинмас ажинлар тушди, ўттизга етмай — ўтини бўпколди. Қаримсик бўлиб қолаётган хотинидан куёвнинг кўнгли совиб, кимгадир илакишаётгани ҳакида қўча-жойда гап тарқалди... Вақти соати етгач, балогардон ота дунёдан ўтди, тоғдек суюнчиқ қайнота ҳам бандаликни бажо келтирди. Ётиб еганга тог ҳам чидамас деғанлариdek, оила моддий жиҳатдан қийналиб қолди, бунинг устига тўрттала фарзанд касалчил, еганичганга қараганда доридармонга кўп маблағ кетади. Келин аввалига ўзи аъло баҳолар билан битирган мактабига фаррош бўлиб ишга кирди. Лекин орадан кўп ўтмай, фаррошликтининг ойлиги камлик қилди шекилли, ўз аризасига биноан мактабдан бушаб кетди. Дунёда раҳмдил одамлар ҳам бор. Дугонасининг аянчли аҳволидан хабар топган асли шу маҳаллалик, кўшни маҳаллага келин бўлиб тушган, институту аспирантураларни битириб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, эндиликда доцент лавозимида ишлаётган дугонаси уни уй хизматчиси, яъни оксочликка ёллади. Бир пайтлар кимсан фалончи бойвучча келин эрталаб дугонасиникига уларга нонушта тайёрлагани шошилади, пешинда у ердан у-бу олиб, касалманд болаларидан хабар олиб кетади. Шомдан кейин елим халта 28 кўтариб уйига қайтади. Собиқ бойвачча куёв аввалига унча-бунча ишга бўйни ёр бермади. Кейинча рўзгорнинг ола ҳуржуни бўйнига тушғач, шахсий машинасида киракашлик қилди. Бир марта ҳам таъмирланмаган машина тез орада шалоги чиқиб, минишга яроқсиз бўлиб қолди. Яқинда Эски шаҳардаги бензин қуиши шахобчаларидан бирида машина бақларига ёнилғи қуиб, харидорларга шаша дока матоларини таклиф килаётганига кўзим тушди. 2. Тогасига келин бўлган киз ва аммасига куёв йигит кисмати. Бундан чорак аср аввал ўз даври учун жуда катта тўй бўлди. Катта магазиннинг директори Шофайзқулок маҳалласида яшовчи синглисдининг қизини келин қилди, яъни киз тогасига келин бўлди, йигит аммасига куёв бўлди — қўйнидан тўклиса — кўнжига қабилида иш тутилди. Ёш оила бешта фарзанд кўришди, тўрт кизу бир ўғил. Аввалига ака-сингил қудалар — яқин кариндошлараро никоҳдан соглом фарзандлар туғилаверар экан, мана исботи 1 деб ўз килмишларини оклашади. Лекин орадан йиллар

ўтгач, кон якынлиги ўзининг салбий натижасини кўрсатди. Тўнгич кизда сүяқ мўртлиги касаллиги авж олиб, юролмай тўшакка михланиб колди. Иккинчи қизни қарши куда бўлиб, аммасининг ўғлига узатишган эди, икки-уч йилдан бери фарзандлик бўлмагани учун ака-сингил ўртасида совуқчилик тушибди, деб эшитдик. Учинчи фарзанд – ўғилни уйлантиrmокчи эдилару, лекин келин топилмаяпти, тушунгган ота-оналар бу хонадонга қиз беришга чўчишияпти, сабаби – оиласдаги бешинчи фарзанд – кенжা қизнинг оёги кийшайиб бораётган экан...

Зеро педагогик нұктаи-назардан ҳар бир инсон – ўз ҳаёти давомида олган тарбиянинг маҳсулидир. Фарзандимизнинг, оиласизнинг, Ўзбекистонимизнинг, инсониятнинг келажагини ҳал қилувчи омилдир. Тарбиянинг макони ва замони Макон. Тарбиянинг макони бўлади. Ал-адаба китобларида ҳам китоб ёзилган макон —кўриниб туради. Бу табиий, чунки китобни ўқиган, тренингда иштирок этган ота-оналар реал макон – туман, шаҳар/туман, вилоятда яшайдилар. Ана шу маҳаллий хусусият акс этмаса, берилаётган тавсияларни қўллаш кийинлашади. Шундай бўлмаслиги учун тренингни XXI асрдаги мустакил Ўзбекистондаги ҳаёт талабларидан келиб чиқиб ёзишга ҳаракат қилдик. Ҳозирги замон –сокин йиллар эмас, балки глобаллашув, ҳаёт ўта тезлашган, тахликали, мураккаб замон эканлигини сезасиз. Замон. XXI аср бизга илгари бобо-момоларимиз дуч келмаган тарбиявий вазифаларни, талабларни олдимизга қўймокда. Замон талабларини сезмай, нуқул бобо момоларимиз билган нарсаларни такрорлаб яшайверсак, тарбиямиз замон талабларини кўрмай, сезмай колади. Масалан, боламизга интернетдан фойдаланишни ўргатиш учун аввал ўзимиз билишимиз керак. Ўзимиз билмасак, Poliglot, Skype дастурларидан фойдаланишга боламизни қандай қизиктирамиз? Янги замон, глобаллашув бобо момоларимиз билган удумларни ҳам, улар билмаган янги, замонавийтарбиявий билим ва технологияларни ҳам қўллашимизни талаб қилаётir. Эътибор – тарбияга пойdevor Баъзи ота-оналарнинг эътиборсизлиги туфайли баъзи фарзандларимиз улардан олган пулларини интернет клубларда соатлаб бефойда ўйинларга ишлатиб, ўзларига зарар сотиб олаётir. Эътиборли ва тарбиявий билимга эга ота-оналарнинг фарзандлари эса ана шунча вактини сарфлаб, ўзбек тилини тушунадиган роботлар яратдилар; жаҳоннинг мана ман деган компьютер технологиялари корпорацияларининг

(масалан Apple) илтимосларига кўра улардан буюртма олиб, дастурлар компьютер дастурларини яратишмоқда. Айни вактда жамоатчилик, маҳаллалар мутасаддилари томонидан —ота-оналарнинг бола тарбиясига эътиборсизликлари, уларнинг бўш вақтларини ташкил кила билмасликлари, тарбия бўйича назарий ва амалий билим, малакаларининг пастлиги кўйинчаклик билан танқид қилинмоқда.

Амир Темур сурати Амир Темур ўз атрофига ана шу 5 фазилат соҳибларини тўплаб, уларга раҳбарлик килиб ўзининг буюк мақсадларига эришди. Буюк, адолатли салтанат яратди. Шу сабабли ўз тажрибасидан келиб чиқиб, нафақат ўз фарзанду набираларини, балки буюк давлатининг ҳар бир фуқаросини қатъиятли, тадбиркор, хушёрга, мард ва шиҷоатли кўришни истаган. Оталиқ ким эди? Миллий тарихимизга карасак, ҳукмдорларимиз ўз фарзандлари тарбиясини оталикларга, устоз-мураббийларга, замонасасининг пешқадам, содик инсонларига юклатишганини кўрамиз. Темурийлар тарбиясида ана шу фазилатларга устуворлик берилиб, бола характеристида қатъиятсизлик, тадбирсизлик, лоқайдлик, номардлик ва журъатсизлик каби иллатларнинг пайдо бўлишининг олди олиб борилган. Фарзандингиз 1000 кишидан афзал бўлишини истайсизми? Афзал кишиларни тарбиялаш - бир кишида 1000 кишининг имкониятини мужассам қилишга қаратилган эди. Бунинг аҳамияти XXI асрда яна ҳам ошди. Уни темурий одам, ёки —Афзал кишиларни тарбиялашнинг универсал Концепцияси деса бўлади. Бу Концепциянинг моҳияти: **5 фазилатни эгаллаган 1 киши шу 5 фазилати йўқ 1000 кишидан афзал.** Булар: қатъият, тадбиркорлик, хушёрга, мардлик ва шиҷоатдир. Алоҳида сурат килиб беринг Бунга соҳибқирон ва унинг баҳодирлари, бошқарувчилари мисол. —Афзал кишидан ҳозирги кино, комикслардаги довдир-полвонлик, елкасига ракета боғлаб учиш, трансформерлик ҳам, сехргарлик ҳам, Суперменлик ҳам талаб қилинмайди. —Афзал киши — реал педагогик натижа. Унда ҳар бир йигит-қизда тарбияласа бўладиган 5 маънавий фазилат кутилади. Мана шу 5 фазилат оддий одамни ҳам гайратли, шиддатли —Суперменга айлантира 10Қадимда ҳоқон, подшоҳ, хонларимиз ўз фарзандлари тарбиясини замонасасининг энг маърифатли, обрўли кишиларига ишониб топширишган. Уларни —оталиқ, деб аташган. Оталиқка жуда эътибор ва имтиёзлар берилган. Раҳматли Комилжон Отаниёзов ижро этган

—Оталиктининг молин бокдим баҳорда...», деб бошланадиган халқ күшигини эслант. 31 олади. Ана шундай одамлар Амир Темур атрофида бирлашиб, кеча-кундуз килган шиддатли меҳнатлари билан адолат ва бунёдкорликнинг кандай бўлишини оламга кўрсатиб кетдилар. Масалага бошка форматдан караб кўрайлик: 1000:5=200 Демак, бир фазилат хосияти 200 бехислат одамга тенг деса ҳам бўларкан. Ҳа.

—Юксак маънавият - енгилмас куч! эканлиги қайси нуқтаи назардан олиб қарасангиз ҳам тўғри чиқаверади. Шундай эмасми? Нима учун юксак маънавият – енгилмас куч? Президент Ислом Каримовнинг

—Юксак маънавият – енгилмас куч! китоби миллий маънавиятимиз тарихида унудилмас воқеа бўлди. Бунга унинг нафакат теран мазмуни, балки, номи ҳам сабабдир. Китоб номига икки сўз асос қилиб олинган. Булар: маънавият ва куч. Уларга икки сифат - юксак ва енгилмас кўлланилган. Китоб номидаги сифатлар олиб ташланса, —маънавият = куч!, деган формула ҳосил бўлади. Лекин муаллифни оддий маънавият, оддий куч кониктирмайди. Шу сабабли китоб номида ҳар иккала от(маънавият ва куч)нинг энг юкори мэрралари белгилаб берилган. Яъни маънавиятнинг энг баланд мэрраси – “юксак”, кучнинг максимуми - “енгилмас”, деб белгиланган. Мақсадни имконият белгилайди. Имконият яратилмаса, баркамол авлодни тарбиялаш баъзи давлатлардаги каби қумга чизилган режа бўлиб қолаверади. Бизда эса аввало 32 ана шу имкониятлар муҳайё килинди. Албатта бунинг ўзи бўлмади. Аввало конунлар шу буюк мақсадга йўналтирилди. —Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чикилиб, жорий этилди. Янги курилган мактаблар, лицей, коллеж, мусиқа мактаблари, таълим инфраструктураси ислоҳоти, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ўқув-методик таъминот деган оддий одамларга сезилмайдиган, лекин самараси бебаҳо юзлаб тадбирлар амалга оширилди. —**lost generation**. Дунёда рўй берган, бераётган ҳар бир нотинчлик, низо, баҳтсиз воқеа, бузилган оила, синган тақдир тарихи —лентасини орқага қайтарсак, тарбияга бориб тўхтайди. —Олдин пул, кейин маънавият! йўлини тутиш бўлиб чиқади. Уларнинг бу хатоси дунёда —бой берилган авлод —**Lost generation** иборасини пайдо қилди. Тарбиядан вақт аяганлар қисмати Бутун бошли оиласлар моддий бойликни кувиб кетишиди. Уйидаги фарзандлари тарбиясини эса бегоналарга бериб қўйишиди. Тарбиядан(!) вақтларини тежадилар. 10 пуллик фойда топдилар ҳам. Бугун эса...

жонсарак бўлиб, болаларини қайта тарбиялашга 1000 пул сарфлашмоқда. Лекин самара 10 пуллик бўлаётир. Чунки вакт бой берилган. Мана сизга —олдин моддий хаёт, кейин маънавиятнинг аянчили моддий, маънавий оқибати. —Бой берилган авлоди муаммосининг педагогик диагнози. —Одноклассники! —Бой берилган авлодини кўрган айрим сиёсий-молиявий гурухларнинг иштаҳаси очилиб кетди. Улар ёшлар қалбининг —параболик антенналарини ўзларига қаратиб олиши. —Одноклассники!, —Фейсбуқ, Wi-Fi, —В контакте!, —Твиттер! ижтимоий тармоқлари ёшларга идеал —улашмоқда! Энди улар ўз ватанига эмас, хориж ҳаётига кўпроқ дахлдор бўлиб колишаётир. Улар ўз халкининг қаҳрамонларига эмас, —оммавий маданиятнинг қаҳрамонларига таклид килишади. Шунинг учун бу бой берилган авлодни —ушлаб туриш!, ўз Ватанига, миллатига, ота-онасига —қайтариш! энди жуда кўп маблаг, вактни 11Ингл. —Lost generation! - бекарорлик, депрессия шароитида тугилган, худбин, лоқайд, жамиятга фойдаси тегмайдиган, шафқатсиз, аламзада, ичкиликбозликка берилган, жиноий ишларга қўл урган, қўлидан иш келмайдиган, ахлоқсиз кишилар тоифаси. Французча: génération perdue. 33 талаб килмоқда. Чунки бу —икки кўзли гўшт! авлодни қайта тарбиялаш тарбиялашдан қиммат туради. XXI аср ракобат аспи Болангизни ракобатларга тўла ҳаёт кутмоқда. Ракобатда енгиш учун фарзандингиз ҳар томонлама баркамол, яъни комил бўлиши керак. Яъни фарзандингиз XXI аср талаб қилаётган фазилатларнинг маъносини чукур англаб; уларни эгаллаб ва уларга амал қилиб яшashi керак. Фарзандингизни ҳар куни кўриб, кузатаётган устозлари нима дейишаяпти? Мана ман деган мамлакатларнинг спортчиларини енгиб, Ўзбекистон байроғини баланд қўтиришаётир. Чунки уч босқичдан иборат узлуксиз спорт мусобақалари тизими ишлаб турибди. Уларнинг бўйлари ҳам, вазнлари ҳам, ирова, кучлари ҳам бизнидан ортиқ. Бу —уларнинг биздан кўра кучли бўлаётгани эмас-ми!? Фарзандларимиз биздан кўра билимли! Чунки улар мураккаб технологияларни бошкармоқдалар. Бир неча тилларда бийрон сўзлашишмоқда. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги тенгдошлари билан bemalol, teng gaplashayaptilar. Ўзбек тилини тушунувчи роботлар яратмоқдалар. Биз буларни орзу ҳам қилолмасдик. (Чунки одам бирор нарсани орзу қилиши учун аввало ўша нарсани ҳаётда кўриши керак-да). Яқинда

бўлиб ўтган Менделеев номли халқаро олимпиадада болаларимиз бўйинларига тақиған 2та олтин, 5та кумуш ва 8та бронза медаллар бунинг тасдиғи эмасми? Қачон шундай бўлган?! Фарзандларимиз биздан кўра доно бўлишаётир! Улар огоҳ, ҳушёр, сезир. Чунки буюк боболари меросидан баҳраманд. Уларнинг ўйтларини дастурул амал қилиб олмоқдалар. Улар ҳозирни эмас, эртани, истиқболни ўйлаб, ўзлари, мустакил режалар тузиб ўқиб, ишлашаётир. Ўзи ёш-у, Давлат мукофотлари совриндорлари бўлишаётир. Қаранг, бу донолик эмасми? Фарзандларимиз биздан кўра баҳтли бўлишаётир. Чунки жаҳоннинг камдан кам мамлакатида бўладиган 12 йиллик белуп таълимни 7 тилда олишяпти. Шунинг учун ҳакли равишда Ўзбекистон - оламга комил инсон ғоясини берган буюк цивилизация марказларидан бири, дея оламиз. Ҳа. Комил инсон ғояси биз учун бугун кўтарилиган ғоя эмас. Бу ҳакикат миллий тарбиямизнинг туб негизларидан келаётир. Ривожланган давлатлар болаларига қандай фазилатлар сингдирилаётир? Энг ривожланган давлатлари юксалиш арафасида тарбия масаласини биринчи ўринга кўйишган. Улар ўз ёшларини эртанги куннинг юксак талабларига пухта тайёрлаб кириб боришган. Чунки бу рақобатли дунёда эртанинг талаблари янгича, мураккаброқ, кийинрок бўлган. Жанубий Корея Жанубий Кореяда юксалиш арафасида —табиий ресурслар чекланган, ижодга эса чегара йўқ! деган шиор кўтарилиган экан. Бу – юксак интеллект комил инсон фазилатларининг гултожиға айлантиришни англатар эди. Шунга амал қилиб, кам бўлишмади. Тарбияга амалий, прагматик ёндашган давлатлар тезда назарий коидалардан бугунги ва эртанги кун учун —фойдал чиқариб олди. Тарбиянинг кўзга кўринмайдиган назарий тушунчаларини кўринадиган нарсаларга – образларга, бихевиор технологияларга айлантиришиди. Ҳал 35 килувчи кучни ошириб, бошкалардан ўтиб кетишиди. Ўша синалган фазилатлар янгилари билан бойитилиб, шакллантирилмоқда. АҚШ «Америка — 2000: таълимни ривожлантириш стратегияси(1991)» дастурида етук шахсга хос фазилатлар сифатида ростгўйлик, мақсадда событқадамлик, тўғрилик(рўй-ростлик), пухталик ва шахсий масъулиятга устуворлик берилди. Шунингдек, ёш америкаликларда жасурлик, фидойилик, баркарорлик, қатъийлик, тиришқоқлик, ҳамдардлик, бағрикенглик сингари 60 та асосий фазилат шакллантирилмоқда. Буюк Британия Таълим бўйича Миллий комиссия

(1993) мактабга: ёшларда ҳакикатпарварлик, бошқаларга ҳурмат, жамият олдида бурчга содиклик, одамларга ғамхұрлық. маданий меросга ҳурматни шакллантириш, демократик әркін жамият фуқаролари бўлиш, бағрикенглик фазилатларини сингдириш, ахлоқан ва маънан кучли шахслар килиб етиштириш вазифаларини юклиди. Франция таълим вазирлиги күрсатмаларида (1985) масъулиятли, гурурли, ўзгаларни ҳурмат қилувчи, бошқалар билан ҳамкорликка тайёр, иркчиликка қарши турувчи, мультикультурализмни қабул қилувчи, ўзининг Францияга муҳаббатини Озодлик, Тенглик, Қардошлиқ гоялари билан уйғун ривожлантирган демократик жамият кишиси фазилатларига эга шахсни тарбиялаш кўзда тутилган. Япония — Таълим тўғрисидағы Конунида мактабга тинчлик ва инсонийлик идеалларига амал қилувчи миллатни шакллантириш миссияси юклатилган. Яъни: шахс сифатларини тұлық ривожлантириш; тинчликпарвар давлат ва жамият қурувчиларини тарбиялаш, ҳакикатпарварлик ва адолатлилик; шахсий әркінлик; меңнатсеварлик; масъулиятлилик; мустақил фикрлилик; ўзгалар билан ҳамкорлик, мустақил фикрга эгалик; анъанавийлик билан замонавийликни англаш; ҳалқаро ҳамкорликка тайёрлик; қундалик турмуш малакаларига эгалик; рухан ва жисмонан кучлилик; ўзини баҳтли ва бошқалар билан уйғун кила олиш фазилатлари шакллантирилмоқда. — Идеал японнинг фазилатлари деб номланган ҳужжатда япон ёшларида 16 та фазилатни шакллантириш белгилаб берилган. 16 фазилат 4та гурухга бўлинади. Булар: 1) шахсий сифатлар: әркінлик, ўзига хосликни ривожлантириш, мустақил бўлиш, ўз ҳохишларини идора кила олиш, пиетет(эхтиром)туйғусига эгалик; 2) оила бошлиғига хос сифатлар: ўз уйини меҳр-муҳабbat, ҳаловат ва тарбия масканига айлантира олиш; 3) ижтимоий сифатлар: ўз ишига садоқат, жамият фаровонлигига ҳисса кўшиш, ижодкорлик, миллий(ижтимоий) кадриятларни ҳурмат килиш; 4) фуқаролик 36 сифатлари: ватанга содик бўлиш, давлат рамзларини кадрлаш, ижтимоий фаоллик, энг яхши миллий фазилатлар соҳиби бўлишни ўргатади. Рим клуби Клуб аъзолари бугунги авлодлар тарбиясида инсониятни безовта килаётган: экологик инкиroz, бедаво касалликлар, диний-этник конфликтлар, урушлар, фавқулодда вазиятларнинг олдини олишни тавсия этмоқдабулар: интеллектуал ривожланганлик, замон талабларига мос тайёрлик, юксак маънавият,

ахлоқий согломлик, жисмоний чиниққанлик, мустакиллик идеалларига чексиз садокат, Ватани ва халқига содик, миллий ўзлигимизга ёт ғоя, карашларга муросасизликни мужассам этиш такозо этилмокда. Мана шу фазилатларнинг бирортаси кам бўлса, нима бўлади? Бу фазилатларнинг бирортаси суст бўлса, уйғунлик бузилади. Масалан, ахлоқи пок, жисмонан кучли бўлсаю, интеллектуал ривожланмаган бўлса; ёки интеллектуал, жисмонан кучли бўлсаю, мустакиллик идеалларига содик бўлмаса, бундай шахсни Комил инсон деб бўладими? Асло. Биз комил инсонларни —ҳозир ва шу ерда, маънавий тарбиявий ишларни илмий асосга қуриб етиштириш қудратига ва тизимиға эгамиз.

Эгоцентризм

XXI аср бошини янги мағкуравий таҳдидлар ва илмий-технологик асосга қурилган тарғиботлар кураши даври, деб ҳам аташ мумкин. Эгоцентризм худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, факат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуктаи назаридан бу иллат жаҳолат ва акидапарастликдан асло қолишмайди. Ҳозирги кунда Ғарб дунёсида эркинликни никоб қилиб олган айrim кимсалар нафақат бизнинг миллий анъаналаримизни, балки барча халқлар учун қадрли бўлган инсонийлик акидаларига тўғри келмайдиган турли бузғунчиликларни оммавий ахборот воситалари орқали очиқдан-очик кенг тарғиб этаётганини кўриб турибмиз, -дейди.

Гиёхвандлик

Гиёхвандлик биринчи сигаретанинг биринчи тортимидан бошланади. Сигаретдан аста-секин ичкиликбозлик ундан сўнг эса ахлоқий бузуклик оқибатида наша чекишига ўтилади. Нашага кучли тобелик юзага келади. Аста секин одам хуморини наша билан кондиролмай қолади. Гиёхванд моддани томирига уради. 4Гиёхвандлик таҳди迪 четдан туриб, онгли равишда ўзига ёшларни тортишга ҳаракат килмоқда. Чунки ёшлар қизиқувчан, ҳаёт неъматларини тотиб кўришига интилувчан, аммо оқибатларини ўйлашга киришмаган бўлишади. Гиёхвандликнинг шакллари:

1. Кашандалик. Дастваб сигаретга ўргатиш ва унинг воситасида гиёхванд модда чекишига кўникитириш.
2. Ичкиликбозлик. Дастваб

спиртли ичимликларга, кейин эса унинг воситасида гиёхванд модданинг суюлтирилган кўринишига ўргатиш. 3. Таксомания. Кашандалик ва ичкилиkbозлик боскичидаги ўсмирларни суюлтирилган шаклдаги заҳарли (бензин, керосин, дихлофос, бўёклар ва х.к.) ва гиёхванд моддаларни хидлаш воситасида сархуш бўлишга ўргатиш. 4. Наркомания. Гиёхвандлик таҳдидининг энг олий кўриниши, бу иллат маҳсус даволаш йўли билангина бартараф килиниши мумкин. Аммо бу одамдан жуда катта куч ва иродани талаб қилади. Гиёхвандликка қарши курашиб ҳар бир ота онанинг маънавий бурчи бўлиши керак. Гиёхвандликни болангизга кимлар, нега ўргатишади? Айрим жиноятчи шахслар олдиндан режа тузиб, ўзига тўқ оиласарнинг пулларини шишиш учун уларнинг мафкуравий иммунитети паст бўлган болаларини танлаб олади. Аста секин, алдовлар билан боласини гиёхвандлик балосига торта бошлайди. Бунинг оқибатида: 1. Тарбияга эътиборсиз ота онанинг боласини гиёхвандлар эгаллашади. 2. Оила баҳтсиз бўлади. 3. Жамиятда жиноятчилик кўпаяди. 4. Миллатнинг генофонди бузилади. 5. Давлатнинг иқтисодий кудратига катта зарар етади. 5. Улар болангизни қандай аврашади? 1. —Мана бу(наркотик модда)ни бир татиб кўр. Кўркма. Ҳеч нарса бўлмайди. Ёқмаса, хоҳлаган вақтда ташлайсан!,— деб ишонтиришади. 2. Болангизни:—Агар мана буни бир татиб кўрсанг, шунақа маза қиласанки....!, — деб аврашади. 3. Болангизни қасдан гиёхвандликка ўргатиш учун турли ўйин-кулги, машшатли давраларга ўзининг ҳисобидан таклиф этади. Бошида. Болангизни ўз тузогига туширгунча. Оқибат: 1. Гиёхванд модда бола организмини заҳарлайди. Тана ва бош мия фаолиятини бузиб, қайта тикланмайдиган ўзгаришларни юзага келтиради. 2. Боланинг акли заифлашади, хотираси саёзлашиб, билим ва маълумотлар қабул қилиш қобилияти пасаяди. 3. Боланинг ҳаётга қизиқиши сусаяди. Бирон касб эгаллаш лаёқати йўқолади. 4. Руҳий-маънавий ва жисмоний емирилади. 5. Иродасиз, ўзини бошқара олмай, наркотик сотувчиларга тобе бўлиб қолади. 6. Ахлок, меҳнатсеварлик, дахлдорлик ва ижтимоий фаолиятдан, одамгарчиликдан чикиб қолади. 7. Бор будини сотиб, қашшок бўлган одамни ўғирлик, талончилик, босқинчилик каби жиноятларга бошлайди. 8. Гиёхванд одамдан ақли заиф, майиб ва мажрух болалар туғилади.

Оилада гиёхвандликка қарши маънавий-мафкуравий курашнинг турли шакл ва воситалари:

1. Гиёхвандликнинг аянчли оқибатлари ҳақида ҳар бир оила аъзосини, қўшниларни огоҳлантириш. 2. Гиёхвандликка қарши буклет, видео-роликларни кўриб, болаларга кўрсатиб, тушунтириб бориш. 3. Гиёхвандларнинг пушаймонли сўзлари ёзилган видеофильмларни оила аъзолари билан бирга кўриш, мухокама килиш. 4. Ўсмирларни мактабдан ташқари таълим муассасалари, тўғарак, спорт клубларига кенг жалб қилиш. 6. Ҳар бир фарзанднинг бўш вактини тўғри ташкил килиш. Токи ёшларимизнинг бўш вакти душманларнинг иш вактига айланиб қолмасин. 3. Одам савдоси Ўзбекистон Республикасининг —Одам савдосига қарши кураш тўгрисидағи Қонунда —одам савдоси тушунчаси —ёллаш!, ташиш!, топшириш!, —қабул қилиш! қилмишлари холида берилган. Мақсади: жиноятчининг бошка шахслар орқали пул ёки бошка моддий бойликларга эга бўлиш. Усууллари: а) Одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни жисмоний куч ишлатиш, руҳий таъсир кўрсатиш, алдаш, фирибгарлик қилиш йўли билан ўғирлаш; б) Ўғирланган ёхуд алданган одамларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш; в) Шахснинг моддий қийин ахволга тушиб колганидан фойдаланган ҳолда уни моддий манфаатдор қилиш йўли билан ўзига оғдириб олиш; г) Одам савдосига қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ҳокимият ваколатини сунистъемол қилиш; д) Одам савдосини амалга ошириш учун фохишалардан фойдаланиш; е) Болалар ва аёллардан одам савдосида фойдаланиш учун уларнинг яқинларини (ота-онаси, ҳомий ёки васийлари, эри ёхуд хотини ёки бошка яқин қариндошларини пул эвазига оғдириб олиш; ж) Инсон органлари ёки тўқималарини ажратиб олиш; з) Инсонни эркисиз ёки қуллик холатига туширадиган хатти-харакатларни содир қилиш тушунилади. Мазкур жиноятнинг яна бир ҳавфли жиҳати шундаки, ҳозирги даврда бутун дунёда, жумладан Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Малайзия, Бахрайн, Таиланд, Хитой, Истроил, ҳатто, океан ортидаги давлатларда ҳам одам савдоси билан шугулланувчи жиноий уюшмалар ёки жиноий гурухларнинг жиноий фаолиятини амалга ошириш учун қулай йўллар мавжуд. Жиноий уюшма ва жиноий гурухлар ўз олдига алдаш йўли билан ёлланган, кейинчалик сотиб юборилган ва сотиб олинган инсонларни шаҳвоний хизматлар

кўрсатишда, оғир ишлаб чиқаришларда, кишлоқ хўжалигида текинга ишлатишга мажбур килишни максад килиб қўяди..

Оммавий маданият

Оммавий маданият – поп-маданият – мазкур жамиятда аҳолининг кенг қатламлари орасида ёйилиб, устувор бўлган маданият. У ўз ичига майший ҳаёт, қизиқишлиар (спорт, поп-музыка), оммавий ахборот воситалари кабиларни олади. Оммавий маданият моҳиятига кўра аҳоли аксарият кисмининг ҳаётини ташкил этган воқеа-ҳодисалар, интилишлар ва эҳтиёжлар билан тўлиб тошган. Оммавий маданият ўз номи билан омма, яъни кўпчилик эҳтиёжига мўлжалланган бўлиб, бу шакл ва мазмун стандартлашганлиги, шунингдек тижорат нуктаи назаридан муваффақиятга қаратилганликни тақозо этади. —Оммавий маданият^I XIX аср охири – XX аср бошида шаклланди. Маънавий, маданий товарларни ишлаб чиқариш индустряси пайдо бўлди. Бирок, аҳолининг функционал билимларида – кўтарилиш, маънавиятида эса – пасайиш кузатила бошлади. —Оммавий маданият^I аёлдаги оналиқ баҳтини, инсонликни мадҳ этмайди. Унинг журнал, —кўпик опералар^I, прайм-тайм телекўрсатувларида аёлларнинг ишқий романлари, секс, ёш жувоннинг мустакиллиги(ёлғизлиги) мадҳ этилади. Нима қилиш мумкин? Барча динлар, миллий маданиятлар ўсмир қизларга —Ўзингни бокира тут. Aspal, деб келди. Оммавий маданият эса —Контрацептивдан фойдалан. Партнерингни ҳадеб алмаштираверма. Хўпми^{II}, деб насиҳат қилмоқда. Бугун у ўз насиҳатини ўзбекларнинг қизларига айтиш учун келаётир. Мана шу сатрларни ўқиётиб, беихтиёр ХУ асрда яшаб, ижод килган нотик ва олим Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ҳаёв ва андиша ҳақидаги фикрларини эслайсиз. Ана шунда ҳаёв ва андишалар қиз-аёлларни безовчи нафис туйгулар эмас, балки муҳим мафкуравий, ижтимоий-сиёсий, маданий омиллар эканлигини эслаймиз: —Ҳаёв ва андиша дунёда тартиб саклашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаёв йўқолса ҳеч кимда виждан колмайди, (у ҳолда) дунёда тартиб бузилади, кишилар бир-бирларига бефарқ қарайдиган бўладилар^I (Ахлоки Мухсиний). —Оммавий маданият^Iга нимани карши қўйса бўлади? Миллий маданиятни, миллий тарбияни, миллий маънавиятни, ота-боболаримиз эътиқод қўйиб келган исломий қадриятларни. Мустакил фикрловчи, талабчан дидли одамлар қанча кўп бўлса, оммавий маданиятнинг бозори шунча касод бўлади. Улар

ўзларига таклиф этилаётган бемаза, саёз, бетайин маданият ва санъат асар(товар)ларига кайрилиб ҳам карамайдилар. —Оммавий маданиятчилар уларни авраш учун —юлдузларни, олимларни ёллайдилар. Ўртамиёна маҳсулотларни йзур деб ўтказиш учун. Бунинг учун аввал одамларнинг диди ўлдирилиб, улар асл қадриятлардан бегоналаштирилади. —Бизга шу ҳам бўлаверади, - дейдиган авом харидорлар армиясини яратишади. Ақлли, талабчан, зийрак одамлар ўзлари ейдиган, ичадиган, киядиган, эшитадиган, қўрадиган, ўқийдиган маҳсулотларига юксак талаб қўйишади. Яхши маҳсулот кўп маблағ, вакт, юксак ақл, технологияларни талаб қиласди. Бунда —оммавий маданиятнинг ишлаб-чиқарувчиларига фойда кам тушади. Уларга эса фойда жуда керак. Жуда кўп керак.

Маънавий тарбия ҳақида

Маънавий тарбия ҳақида Ўзбекистонда маънавият таълимотининг атоқли намояндаси профессор Н.Комилов бу ҳақда шундай ёзган эди: —Маънавий тарбия деганда инсон иродаси, маънавий олами, тафаккури ва дунёкарашининг замон талаблари даражасида шаклланишини тушунамиз. **Маънавий тарбия** кенг кўламли чукур маъноли тушунчадир. Бунда адабиёт, санъат турлари, тарихий анъаналар, қадимий мумтоз фалсафа, ҳалқ ижоди, авлодлар тажрибаси, яхши удумлар, адабиётларнинг биргаликда иштироки назарда тутилади. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, жамиятимиз тараққий этиб борган сари маънавий тарбияни издан чиқаришга уринишлар бўлмоқда. Бу ҳолатлар, бизнинг фикримизча, куйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда: Ёт ғояларни тарғиб қилиш. Космополитизм, нигилизм, экстремизм, терроризм ва шафқатсиз индивидуализм каби ҳалқимизга ёт ғоялар турли воситалар билан тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Мисол учун, космополитизм ғоясини олайлик. Унга кўра, дунё ҳалклари миллат ёки этник таркибга эга бўлиmasдан, умумий бир руҳда яшаши лозим эмиш. Инсоннинг —умумий руҳида яшаши яхши. Бироқ, миллатни, демакки ўзликни унтишга даъват ғоят манфур ниятдир. Чунки миллат бу — инсоннинг насл-насабини, ўзлигини ва маъавний дунёсини пок сакловчи бирликдир. Миллат сифатида яшаш маданиятли бўлишшга олиб келади ва унинг умуминсоний қадриятлар ривожига салбий таъсири йўқ. Аксинча, миллат сифатида яшайдиган ҳалқ ўзини ва ўзганинг қадрига етади. Бундан фарқли ўларок, космополитизм ғояси кишини

ўзлигидан айириб, наслнасабсиз бир кишига айлантириб қўяди. 6. Ёшлар дунёкарашини бузишга интилиш. Афсуски, баъзида Farb оламининг ёшларимиз дунёкарашини бузишга қаратилган хатти-харакатини сезиб қолмокдамиз. ўз Ватанини ёмон кўрсатиш, ўтмишга нисбатан беписандлик рухини ташкил килиш, давлат ва жамиятга нисбатан ишонсизлик уйғотиш – ёшлар дунёкарашини бузишга қаратилган гоялардир. Бунинг акси ўлароқ, Farb ҳаёти худди жаннатдек кўкларга кўтариб мақгалмоқда. Биз Farb турмуш тарзи, ахлоқини кўр-кўрона қабул килолмаймиз. Бу бизнинг асрий анъаналаримизга ёт. Шу каби ҳаддан ташкири индивидуализмга берилиш, худбинлик, ўзимбўларчилик, манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмай, босиб-янчиб кетиш каби истак-ҳоҳишлар ҳалқимиз табиатига тўғри келмайди. Farbdagi айрим — ўта либералларI (чунончи, Сорос жамгармаси атрофида уюшганлар) миллий урф-одат, анъаналар демократияга зид келади, шунинг учун улардан иложи борича воз кечиш керак, деган қарашни тарғиб этмоқдалар. Уларнинг назарида демократия бу - ҳамманинг Америка ёки Европа турмуш тарзи, анъаналарини қабул қилишидир. Бунинг учун Шарқ мамлакатлари ўз миллий киёфаси, маънавий-ахлоқий қадрияларидан кечиши даркор. Яъни, ёппасига американлаштириш, христианлаштириш йўлидан бориш. Масалан, дейлик, фарзандлар вояга етгач, ота-она насиҳатларига қулоқ солиши, улар билан маслаҳатлашиши шарт эмас, ҳатто оиласда ҳам ким ўзи учун яшайди, эр хотин ишларига, хотин эрининг ишларига аралашмайди. Зоро, Farb оламидан келётган бундай вайронкор гоялардан нафакат алоҳида одамлар шикастланади, балки бутун миллатлар емирилади ва одамларимиз шундай гояни олиб келиб сингдиргандар учун тайёр қуролга, —тараккӣ этганл қулга айланади. Афсуски, шунга берилувчилар ҳам орамизда йўқ эмас. Кўр кўрона таклид Эркинлик - ўзбошимчалик, худбинлик эмас. Ўз йўлини ўзи белгилаб олиш демакдир.

Назорат саволлари?

- 1.Миллий тарбия мазмун моҳияти
- 2.“Болам бахтли бўлсин десангиз” асарида тарбия физиологияси
- 3.Оилада болани китобхонликга ўргатиш
- 4.“Болам бахтли бўлсин десангиз” асарида интернетнинг фойда ва зарарлари масаласи

5.“Болам бахтли бўлсин десангиз” асарида тарбиянинг ишончли методикасининг ёритилиши

МАВЗУ: ОБИДДИН МАХМУДОВНИНГ “ФАРЗАНДНОМА” АСАРИДА ШАХС ТАРБИЯСИ

РЕЖА:

1. Фарзанднинг маънавий ахлоқий тарбияси.
2. Фарзанднинг ота она олдидаги бурчлари.
3. Фарзанднинг ватан олдидаги вазифалари.

Таянч тушунчалар: таълим, тарбия, шахс, оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасаси, ҳамкорлиги, оила, маҳалла, фарзанд.

Инсон(фарзанд) табиатидаги етти фазилат ва етти нокислик хусусида

Кобил фарзанд ота-она хуррамлигининг сарчашмаси, барча хурсандчиликлар сабабчиси, мамлакат маъмурлигининг зарурий омили. Аксинча, нокобил фарзанд одамийлик мулкининг харобаси, ота-она умрининг зулмати, жамият тараккиётининг туға- ногидир. Бас, шундай экан, ҳар бир ота-она учун Фарзанд тарбияси йўлида ранж чекмок, ҳаётини ушбу юмушга сафарбар этмок, дунё ишларининг шарафлиси, залворли вазифаларнинг сарбаланди хисобланади. Зеро, окил ва кобил, маънан ва жисмонан баркамол фарзанд туфайли ота-она кўнгли нурафшон, олам чарогон бўлиб, юрт юксалади, жамият равнақ, одамзод кадр топади. Шу маънода, ота-боболарим, устозларимдан эшитган панду насиҳатлар, яхши инсонлардан олган ибрату сабоклар, ҳаёт кечмишларидан орттирган тажрибам, ўқиганлардан укканларимни жаъм қилган холда, хайрли ниятлар билан азиз дилбандим сенинг калбиннга юзландим. Марҳамат, тингла, му- шоҳада эт, сабоқ чиқар...

ЕТТИ ФАЗИЛАТ

АДАБ

«Илмнинг каттаси - адаб» Ўзбек халқ мақоли

Адаб фазилатларнинг зевари, хулк-атворнинг мулойимлик пардаси, чиройли тарбиянинг намунаси, инсонийлик мулкининг ноёб

хазинаси. У туфайли одамзод кадри, акл-тафаккур, маънавият-маърифат улуғланган. Адаб камолотга етказувчи хислатлар сараси, илмни амал билан зийнатловчи восита, эгасини ҳам маърифатли, ҳам қудратли этувчи мұжизақор күч. Умуман, кишининг адаблилик ва илмлилик даражаси, унинг тугилиб ўсган жойига бўлган меҳру муҳаббати, инсониятга тегадиган нафи ҳамда гўзал ахлокка оғишмай амал этиши билан белгиланади.

БИЛИМ

«Илм ибодатдан
ағзал»

Хадис

Билим таълим-тарбиянинг боши, бошка маҳлукотлардан фарқловчи омил, саодатли яшаш асоси. Баҳтли, у одамийликни улуғловчи кадрият! У - сирлар уммонидаги илмлар нибуфари! У дунё моҳиятидан вокиф этувчи бебаҳо ҳазина! у зулматли оламни нурафшонликка олиб чикувчи ягона зиё чашмаси! У - қалби «тош», кўзи «кур», кулоги «кар» жоҳил сифат жонзотни дили меҳрга тўла, нигоҳи моҳиятни кўра оладиган, маърифат булогидан баҳраманд фозил мавжудотга айлантирувчи ишончли восита! юксалтиради; Илм олишда камида беш хислат мавжуд: инсонни фазилатли қиласи; Ҳурматини ганимни ҳайриҳоҳга айлантиради; қалбига ҳаловат багишлайди; тафаккур этишга мұяссар айлайди.

Умуман, билим одамзоднинг муносиб яшашида событ йўлчибондир.

ҚАНОАТ

«Сабр - умр
хазинаси».

Ўзбек халқ
маколи

Қаноат харом билан белгилайдиган виждан козиси. Ҳалолнинг чегарасини белгилайди. У - сабрсизликка - дори, ношукрликка шошқалокликка ракиб, такдирдан нолишга бўлган шукроналик белгиси.

У - осуда яшаш пойдевори, бирровга тобе бўлмаслик сири, халол мекнат килиб, хотиржам яшаш шарти. У - охир-оқибат, умрни мазмунли яшаб ўтишга йўналтирувчи хаётий кўлланма. Каноат туфайли диллар чарогон, кўнгиллар хушнуд, одамзод ўз умридан рози ва ҳамиша шукронада.

ШАРМ-ХАЁ

«Кимки хаё либосини кийган булса,
одамлар унинг айбини кўришдан озод буладилар»
Ўзбек ҳалқ маколи

Шарм-хаё - эътиқод чаманининг бўстони, ор-номус булогининг зилол суви, ибо хиёбонининг шохбекати, ахлоку одобнинг ойинаси. У туфайли ёмон ҳулклар жиловланади, ёвузлик чекинади, жамиятдан хаёсизлик, ҳаром-хариш ишлар йироклашади, одамзод маърифат чуккиси сари юксалади... У - имонга ҳамдам, эътиқодга ҳамнафас, хушхулклика ҳамроҳдир.

Кимки шарму хаёни ўзига касб этибди, Билки, уз ахлок бобида камолга этибди.

ХУШХУЛҚЛИК

«Хуси ҳулқи билан
чиройли»
Ўзбек ҳалқ маколи

Хушхулклик - эгасига саховатни барпо этувчи, азизлик келтирувчи, шараф ва иззат тўнини кийдирувчи, хусну одобнинг узвий бўлаги хисобланади. Камтарлик ва хушфеъллик унинг икки каноти, гўзал ахлок ва қўли очиклик икки куввати, сами- мият ва хокисорлик икки суюнчи, жисмонан чини киш ва маънан баркамоллик икки хаётий ҳамроҳи хисобланади.

Қиссадан хисса: Хушхулклик инсонда одамийлик фазилатларини зиёда килади.

ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ БҮЛИШ ВА ТИРИШҚОҚЛИК

«Хар ким ўз баданининг табиби булиши керак»

Ўзбек халқ маколи

Жисмонан кучли ва тиришқоқ инсонларда СОҒЛИҚ кадрини бошқалардан кўра эртарок ва теранроқ англаш хусусияти кучли ривожланган. Чунки улар бадани чиниқтириш руҳиятнинг маънан ўсишига, баркамол бўлишига хизмат қилишини яхши билишади. Зотан, жисмонан бақувват бўлиш «Соф танда соглом акл мақолининг амалдаги исботидир. У максад сари интилишда иродани тоблайдиган шид- даткор куч. У кексайганда ёшлик чоғидагидектетик булиш ва шижоат туйгуларини ҳис этиш омили.

Тиришқоқлик, жасур ва гайратли бўлиш эса, барча орзу- ҳавасларга - кувват, умидворликка канот. мазмунли ва баракали яшашга рагбат хисобланади. Ушбу фазилат - ботиндаги яширин имкониятларни рӯёбга чикишига замин яратади, хаётнинг турли ажойибот интилувчан ва гаройиботларидан тегишли хулосалар чикишига сабаб бўлади. Мухими, шижоатли, инсонларда умр, вактдан унумли фойдаланишга иштиёқ кучли. Бу тоифадагилар нафакат бошкалар орзу килган ниятларни рӯёбга чикарадилар, балки реал турмушда хар кандай киши бунинг уддасидан чика олишига ўзгаларни ишонтира хам биладилар.

МАСЬУЛЛИК

Одамларнинг ботири келажсакдаги ишлардан қўрқ майди. Камолот ҳосил қилишдан четланган одамларнинг энг қўрқогидир.

Абу Али ибн Сино

Масъуллик онгли фаолиятнинг зарурий шарти саналади. Худди офтоб кунни ёритганидек, масъуллик туйгуси хам инсон номини безайди, мартабасини юксалтиради. Башарият учун гоятда таҳликали бўлган мушкул вазиятларда масъулиятни ўз зиммасига олган кишигина хакикий юртпарвар, элпарвар хисобланади. Бу тоифанинг довюраклиги ва жасоратидан бутун жамият фахр хиссини туяди, ибрат олади, унинг

ортидан эргашади. У ўз эзгу амаллари оркали кишиларни саодат манзилига элтувчи собит йулбошчи ҳамдир.

Инсон бир умр мұжиза кутиб яшайды, лекин асл мұжиза унинг ўзида яшириниб етганини доим ҳам англайвермайды.

ЕТТИ НОКИСЛИК

ҒАЗАБ

«Үрінсіз газаб ўзингга азоб»

Ўзбек халқ мақоли

Ғазаб бу - инсон рухиятидаги заарлы ва ёмон ил- киши асабининг тез-тез таранглашувига бошқаларга нисбатан совуккон муносабатда булиша ҳар бир масалада кизиконликка; тафаккурга нисбатан рағбатнинг сусайишига; меҳр-оқибатдан узоклашума: конни қиздириб, баданга заар келтиришга олиб келади.

Ғазаб ўсмир ёшлар)да асосан, ўз-ўзидан коник - Ўзининг маслик, камчилигини яшириши натижасида агрессия(нафратланишдии келтириб чикаради. Айнан шу ич-ичидан коникмаслик оқибатида рухий босим ошади ва бу нафрат билан қоришиб кеттган газабни пайдо этади.

Умуман, газаб инсонни сүнгги пушаймонликка, умр якуннан эса, зорликка элтади...

ҚҰРҚУВ

«Құрқувга мубтало бұлған киши факат қочишидан на жом излайди». Махмуд аз-Замахшарий

Куркув сабр ва иродани сусайтиради; журыят- сизлик ва карорида катый бұлмасликка сабаб булади: сирни саклай олмаслик, ваъдага вафо кильмаслик касалига мубтало килади; умидсизлик ва эсанкираш холатини кучайтиради.

Куркув - кишининг ўз-ўзига ишонмаслиги, нарсалар мөхиятини англамаслиги, мустахкам әзтикоднинг мавжуд әмаслигидан ҳам далолат беради. Шу боисдан куркокнинг улфати мунофик, маслаҳаттүйи имонсиз кишилар булади. Киссадан Ҳисса: Охир-оқибат такдиридан нолишга олиб келади.

ТОШБАГИРЛИК

Мехр қўрсат кирай десанг дилларга,

Мехрсизлик ўзингни ҳам қақшатар

Чустий

Тошбагирлик мөхрни шафкатсизликка; каноатни сабрсизликка; тавозени манманликка; ишончни хиёнатга айланишига сабаб бўлади.

Тошбагирлика икки иллат мавжуд: эгасини мурувват йўлидан йироклаштиради ва кибр сўқмоғига яқинлаштиради; икки хавф мавжуд: «мен» лик касалига гирифтор килади ва Мавлосини унуттиради; икки кусур мавжуд: топганининг баракаси бўлмайди ва Ўзига татимайди; икки камчилик мавжуд: дўстларидан узоклашади ва орзу-армонларида кемтиклик кенгаяди.

Энг ёмони, тошбагир инсонлар гуноҳ ишдан куркмай қуядилар. Кибр ва манманлик доимий ҳамрохига айланиб, улар учун хаёт билан ўлимнинг фарки булмай колади.

ЁЛГОНЧИЛИК ВА ЛАФЗСИЗЛИК

«Ёлгончидан шон қолмас, номидан нишон қолмас»

Ўзбек халқ мақоллари

Ёлгончилик бор жойда: ишонч, вафо, садокат. мөхр заррача кадрга эга бўлмайди; субутсизлик уруги купаяди; хиёнат нихоли барқ уради; мукаддас Туйгулар чилпарчин бўлади. Энг ачинарлиси, ушбулар окибатида бир инсон умри зое яшаб ўтилади?!

Лафзсизлик - жаҳолатнинг боши, зулмкорликнинг аввали, барча пасткашликларнинг ибтидоси. У - эътиқод гулига ёпишган чирмовук (зарпечак), ишонч Вафо- садокат уйига таклифсиз кирган мөхмон, умуман, инсоният фаолиятида кора до кабидир.

Лафзсизликнинг ёрқин кўринишларидан бири, бу олинган карзни узмаслик ёки омонатга хиёнат. Зотан, карзни вактида узмаслик, унга ёрдам кўлини чўзган кишининг ишончини окламаслиги, омонатга хиёнатни билдиради. Минг афсуски, карз олиб, уни узмасликка харакат килишдек жирканч иллат кўпчилик ўртасида тобора оммалашаётган хунук одатлардан бириди.

НОШУКРЛИК

Кишининг ўз тақдиридан нолиши -энг катта ношукрликдир.

Ношукрлик - бани одамнинг шоду хуррамлик боғига бало тошини ёндиради. Ношукрлик боис, дилларни хикмат, сабр-каноат, умид ва гайрат, эзгу мақсадга интилиш туйгулари тарк этади. У халолии харомга айлантириб, вақтни бехудага сарфлашга, умрни максадсиз яшаб ўтилишига асос солади.

Ношукрликнинг хавфли жихатларидан бири, у инсондаги олижаноблик, саховатпешалик, каноат- корлик фазилатларининг равнак топишига йўл кўй- майди, инсонийлик тараққиётига гов бўлади.

ЯЛҚОВЛИК

«Бахт ялқовга бегона»

Ўзбек халқ мақоли

Ялқовлик - меҳнатсеварликнинг азалий кушандаси, гайрату интилишнинг хавфли ғаними, чиниккан баданинг доимий кулфати, ҳаром бойликнинг якин улфати эрур. У - ёмон иллатларнинг ёмони саналиб, ялков киши- дан баҳт-омад кочади, гам-офат якинлашиш хавфи кучли бўлади. Хаёлига бўлмагур фикрлар ўрнашиб, бошкалар хисобига яшаш туйгуси шакланиб, кучайиб бораверади. Пировардида, бундай тоифа кун сайин тубанлашиб, одамийлик моҳиятидан мосуво бўлиб, жамиятда боки мандалар сонининг кўпайишига сабаб бўлади.

БАХИЛЛИК

Ўғилгинам, томимагил баҳил нонидан,

Узоқ бўл, баҳилнинг дастурхонидан.

Фарииддин Аттор

“Баҳилнинг боги кўкармас», деганларидек, аввало, бу иллат эгасининг дили хотиржам, нияти хайрли бўлмас. **Баҳил** ўз мол-мулкининг лаззатини туймайди, балки, унинг коровули хисобланади. Баҳилнинг нияти кин, хasad, гийбат билан тўлиб тошган. Унда пасткашлик, нокаслик, дилозорлик иллатлари кун сайин ривож топиб, кучайиб бораверади. Баҳиллик кишини ўз-ўзидан бегоналаштириб, охир-окибат ёлгизликка махкум этади.

Мушоҳада сабоги: Худбинлик нафснинг баҳиллиги, баҳиллик - тошбагирликнинг белгиси. Тошбагирлик - кибрнинг аломати, кибр бузуклигидандир. Бузук ният сустлигидан далолат беради. эса, НИЯТНИНГ эътиқоднинг сустлигидандир. Ушбу айтилганлардан асосий сабок, назаримизда куйдагича:

Одамзод кўп киррали онгли мавжудот. У ғофил, ялков жонзот ва шу билан бирга, теран тафаккур соҳиби хамдир. Ғофиллик - киши фитратида табиий мавжуд бўлган холат. У инсоннинг тафаккури туфайли олам гултоjisига муносиблиги билан «хом сут эмган» одамзод нокислиги ўртасидаги фарқ хисобланади. Ростда, бир карасанг, унинг юксак калб эгаси, хушхулкли, каноатли, олижаноб зот йук, бу оламда. Бир карасанг, уннутувчан, ношуқр, ялков маҳлукот йук, бу дунёда.

Одамзод канчалик узининг яратувчанлик каби ноёб фазилатига эга эканидан фаҳр ва гурури туймасин, у шунчалик ўзига хос ғофиллигини табиий нуксон сифатида тан олиши хам лозим. Бирок, инсонга маънавий-маърифий жихатдан тараккий этишдек ноёб хислат это этилган. Унда ана шу нодир неъмат туфайли одамийлик фазилатларини янада юксалтириш имконияти мавжуд. Хамма гап ушбу имкониятдан унумли фойдалана олишда, яратувчанлигидадир.

Демак, одамзоднинг борлиги ва борлиги ана шу ранг барангликда тўлалигича намоён бўлади ва у шундайлигича қабул килиниши керак.

Иллат излаганга иллатдир дунё.

Ғурбат излаганга ғурбатдир дунё,

Кимки нени истаса, топар бетумон.

Хикмат излаганга хикматдир дунё.

Садриддин Салим Бухорий

Сада дараҳти тагидаги сўрида элу юрт эъзозида булган улуг аллома зот билан ҳалқ орасида ҳурмат ва иззат топган, кўпни кўрган, пиру бадавлат оксокол сухбатлашиб ўтиришган эди. Уларнинг ҳузурига бир ўсмир келди, кўлинин кўксига қўйиб, одоб билан салом берди. Саломга алик олинди ва унга ўтиришга изн берилди. Ўсмир бул табаррӯҳ зотлардан унга комиллик йўллари, муносиб яшаш- нинг сиру

асорларини ўргатишни илтимос килди. Уларнинг мулокоти етти кун давом этди. Ҳар кунги сухбатнинг мавзуси ўзгача йуналиш ва мазмунга эга булиб, ўсмири қалбини ёритар, унинг яшашга бўлган иштиёкини ортириар эди. Сухбат тарзи гоҳо ибратли хикоят ва насиҳатлардан, гоҳо ўзаро савол-жавоблардан иборат бўлар эди.

Шундай килиб, куйида аллома зот Доно устоз, оксокол - Окил ота, ўсмир Кобил фарзанд ўртасидаги ўзаро мулокот ҳавола этилади....

БИРИНЧИ КУН: Дунёда энг ширин нарса...

Доно сухбатни ажойиб бир хикоятдан бошлади.

Хикоят: Маҳаллада бир юз йигирма ёшга кирган нуроний оксокол бор эди. Бир куни одамлар ул та- баррук зотдан узоқ умр кўришининг сирини сўрашди. Аввало, ота-онам, устозларим ва яхши инсонлар дуолари ижобати, колаверса, ҳаётимда қилган яхши ишларим натижаси ва, албатта, соглигимга эътибор бериб, жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланганим ҳамда келажакка каттик умид boglab яшаганим ту- файлидир, деб жавоб берди муйсафид Ундан яна сурашди: Дунеда ширин нарса нима? У жавоб берди: Дунёда жон ширин. Ўз жонинг ўзингга ширин. Чунки, у халоват истаган пайтда ки- шининг кўзига ҳеч нарса кўринмайди... Шунингдек, инсон факат узига энг азиз бўлган зот учун ўз жонидан воз кечади.

Муйсафиддан яна сўрашди: Инсондан нима колади? Жавоб берди: Кўнгил қолади, болаларим, кўнгил колади. Одамлар бу оламга бирин-кетин келишади ва ошини ошаб, умрини яшаб бўлганидан кейин, худ ди аввалидек навбатма-навбат кайтмас дунёга равона бўлишади. Кишиларда айнан шу кўнгил туфайли хали ҳаёт бўлганилари вафот этганларни ёркин таассуротлар билан ёдга олишади, уларнинг ҳаётидаги ажойиб хо тирадардан сўйлашади, эзгу ишларини зурриётларию, бошкаларга ибрат килиб кўрсатишади... Муйсафиддан яна сўрашди: Инсонда нималар мукаммал эмас?

Жавоб берди: Унинг феъл-автори, азму қарори, кўнгил хотиржамлиги, ҳаётнинг баҳтли кунларию си новларига бўлган муносабати, ўй-хаёллари ва хоказо. Бунинг боиси недур?

Бунинг сабаби шуки, факат одамзодгина онги- ни юксалтириш кобилиятига эга. Киши умри даво- мида илм, тарбия олиб, хайтнинг «паст-баландини кўриб боргани сайин, унинг тафаккури такомилла шиб, қалби гўзаллашиб, ўзи эса одамийлик фазилат ларига эга бўлиб бораверади. Ушбулар алал-окибат, инсонда дунёкарашининг ўзгаришига, қалбидаги хис туйгуларининг турли даражада юксалишига замин яратади ҳамда юкорида қайд этилган ҳолатларга уз таъсирини ўtkазиб боради.

Муйсафидни яна саволга тутишди: Қалб нидоси билан ички эктирослар ўртасида қандай тафовут мавжуд? Жавоб берди: Биринчиси кишини мушоҳада этишга чорлайди, иккинчиси шошқалоқликка...

Яна савол беришди: Ҳаёт синовларини енгиб утишда инсонга нималар куч-куват, матонат багишлади? Жавоб берди: Умидворлик, эътиқоднинг мустахкамлиги, метин ирода ҳамда ҳайрли юмушлар...

Бунинг боиси недур? - Бунинг сабаби шуки, эртанги кунга бўлган умид туйгуси кишида ҳайтни завқ-шавқ билан яшашга чор- лайди, эътиқоднинг мустахкамлиги уни событкадам эта- ди, эзгу мақсад йўлидаги метин ирода эса ҳаёт синов ларига бардошли бўлишга ундан, ўзига бўлган ишончни янада мустахкамлайди. Шунингдек, ҳайрли ишларининг самарасини кўриш истаги ҳам ушбу синовли йўлларни босиб ўтишда инсонга ўзига хос куч мадад бахш этади.

Оқил: етти юмушнинг зиёни

Оқил Кобилга насиҳат қилиб деди: Жигарбандим! Етти юмуш билан асло машгул бўлмагинки, окибатда сенга улардан зиён етади. Булар: бирорлар дилини ранжитмок, ҳар ишда шошқалоқлик килмок, майшатга муккасидан кетмок, қули эгри бўлмок, ёлғон гувохлик бермок, омонатга хиёнат килмок, умр, вактни бехуда ишларга сарфламок.

Дилбандим! Фарзанд тарбияси ловлаш кабидир. Бунда, Оқил ота моҳир чавандоз. тарбияга муҳтоҷ навниҳол тизгинни бошқариш, демак, асов отни жи асов от. Тарбия эса, манзилга етиш, яъни муносиб фарзандни вояга етказиш айнан жиловбардор - оқил отанинг тутган тутумига бевосита боғлиқ. Чунки жиловланган отгина эгасини кўзланган мақсадга элтади. Тизгин моҳирона бошқарилгандагина

манзилга эсон-омон етилганидек, дилбанди тарбияси билан астойдил шуғулланиш туфайлигина мақсад гулини термокка мұваффак ай- лайды. Шу билан бирга, асов вактида тизгинланмаса, яғни тарбия билан ёшликтан ва мунтазам шуғулланил- маса, кейинчалик уни жиловлаш - фарзандға ғұзал тарбия бериш мушқул юмушға айланади. Ачи- нарлиси, жиловланмаган от охир-оқибат әгасини ха лок этгани каби, нокобил фарзанд дастидан ота эл- юрт олдида шармисор бұлади. Мұхими, от жилови goх-гоҳида әркін қүйилганидек, киблаго хам үз жигарбандига нисбатан ҳам ота, хам дуст, хам сирдош, хам йўл қўрсатувчи бўлмоғи лозим.

Боланинг «болалиги» - айб ишни атайдан эмас, балки тажрибасизлиги оқибатида килади. Бундай вазиятда отанинг «тадбиркорлиги» - босиклик билан дилбандининг кайфиятини ўрганади, сўнг камчилигини эътироф этиш орқали туғри йўл қўрсатади. Бундай гузал тарздаги ота танбехи фарзанд тарбиясида хар кандай тарсаки, шапалокдан самарали эканига шубха йук.

20-МАВЗУ: ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФНИНГ “ИЖТИМОЙ ОДОБЛAR” АСАРИ АСОСИДА ЁШЛАРДА “ИЖТИМОЙ ОДОБЛARНИ” ШАКЛЛАНТИРИШ

РЕЖА:

1. Ижтимоий одоблар асарида одобнинг таърифи
2. Ижтимоий одоблар шиори .
3. “Ижтимоий одоблар” асарида ёшлар одоби
4. Кийинишнинг умумий одоблари
5. “Ижтимоий одоблар” асарида таълим бериш ва муаллим одоблари

Таянич тушунчалар: таълим, тарбия, шахс, оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасаси, ҳамкорлиги, оила, маҳалла, ижтимоий, одоб.

ОДОБНИНГ ТАЪРИФИ.

“Тилимизда одоб” тарзида талаффуз килинишга одатланиб колинган арабча «адаб» сўзи аслида яхшиликка чақиришни анг латади.

у «мадаба» ўзагидан олинганд. Маъдаба эса одамларни яхшиликка, маънавий зиёфатга чакиришни англатади. Одоб хам одамлар доимо даъват килинадиган маънавий «маъдаба», яъни зиёфат бўлгани учун шу номни олган. Демак, одоб яхшилик де макдир. «Фалон киши одобли экан» дейилгани ўша одамнинг яхшилиги кўп экан, деганидир. «Кийиниш одоби» деганда яхшилиги кўп экан, деганидир. «Сухбат одоби» деганда сухбат ни энг яхши даврияда олиб бориш кўзда тутилади. «Ижтимоий одоблар» ижтимоий муомалаларни энг яхши тарзда олиб бориш деганидир. Абу Мухаммад «Китобул Воий» асарида: «Одоб одамлар- ни макталган нарсаларга чакиргани учун одоб деб номланган», дейди. Абу Зайд раҳматуллохи алайхи: «Одоб фазилатлардан бирига элтувчи яхши уринишга ишлатиладиган ном», деган. Одобнинг куйидагича таърифлари ҳам келган: «Мактовга сазовор сўз ва амални ишлатиш, қилиш одобдир»; «Карамли ах- локларни ушлаш одобдир»; «Ўзингдан каттани улуғлаб, ўзинг- дан кичикка меҳр кўрсатишинг одобдир». Шу ва шунга ўхшаш таърифлар тўпланганида, Исломда кўзланган «одоб» маъноси юзага келади. Мухаммад Зехний айтади: «Фазилат наслу наслаб билан эмас, балки одоб билан топилади». «Хар бир киши касб-корни мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоги ва яхши хулк-одоб, фазилатларга эга булмоғи керак», дейди Абу Наср Форобий. Ҳозирги кунда гарб маданияти таъсирида «одобни мада- ният дейиш ҳам жорий бўлган. Мисол учун, «овкатланиш одо- би» дейиш ўрнига «овкатланиш маданияти» дейилади. Баъзида ижтимоий одоблар деган маънени ифода этиш учун французча «этicket» сузи ҳам ишлатилади.

ОДОБНИНГ АҲАМИЯТИ

Одоб масаласи Исломда ўта муҳим ўрин тутади. Чунки Ал- лоҳ таолога курбат ҳосил қилишда одобнинг ўрни жуда муҳим. Беодоблик барча нарсани, жумладан, амални ҳам, калбни ҳам, тилни ҳам, бошқа барча уринишларни ҳам бузади. Одобсиз одам бирор нарсага эришиши, жамиятда яхши ўрин топиши мумкин эмас. Одобсиз киши ҳатто бошқалар билан алокаси, муносабат- ларини ҳам яхшилай олмайди. Шунинг учун ҳам тасаввуф ахлининг коидаларидан бирида: «Одоб бўлмагунича, Ҳак ва халқ билан сайри сулук булмас», дейилган. Шунинг учун ҳам машойихлар: «Ким нимага эришса, факат одоб билан эришади. Ким нима билан куласа, факат бео- доблик билан кулайди», деганлар. Яхши одоб аслида нафснинг камолотга етгани, унинг инти-

зомлилиги, жиловлангани ва яхшиликда эканининг аломатидир. Аксинча, беодоблик нафснинг ҳали покланмагани, жиловланма- гани ва интизомда эмаслиги аломатидир.

Одоб иккига: назарий ва амалий жиҳатга бўлинади. Одоб олдин назарий жиҳатдан ўрганилади ва кейин унга амал килинади. Фикр юритиб кўрадиган бўлсак, одобнинг доираси шу даражада кенгки, оддий нарсаларга нисбатан бўлган одобдан бошлаб, то барча нарсаларнинг Роббига нисбатан бўладиган одобгача бор. Исломда одобнинг яхшиликка чакириш маъноси инсонга bogланган барча нарсаларда намоён бўлади, яъни мусулмон ин-соннинг ўзи билан bogлик барча нарсага одоб билан яхшилик юзасидан муомала килиши йўлга кўйилган. Бу муомалалар жамоат мадот жонсиз нарсалардан бошланади. Кейин наботот олами-га, сўнгра хайвонот оламига ўтади, сўнгра эса инсоният олами, фаришталар олами ва хоказо оламларни камраб олади. Ислом-даги одоблар мусулмон инсоннинг ўз Набийси ва Роббига кўр-сатадиган одоби ила тож кияди, камолга етади. Мана шундай кенг доирадаги шарафли одобларга амал ки-лиш аввало кишининг ўзи учун фойдалидир. Мисол учун, чой ичадиган пиёламизни олиб кўрайлик. Киши одобли бўлса, ўша пиёлани авайлаб ишлатади, тоза тутади.

ИЖТИМОЙИ ОДОБЛАР ШИОРИ

Аввал ҳам таъкидлаб ўтилганидек, мусулмон инсон хаёти-нинг барча соҳаларида динининг кўрсатмаларига амал килиб яшайди. Жумладан, ижтимоий одобларни хаётга татбиқ килиш-да ҳам. Мазкур одобларни тартиб билан ва батафсил ўрганишга киришишдан олдин Исломда уларни йўлга кўйишдаги асос ва шиорлар билан кискача танишиб олсан, яхши бўлади.

Гузал дин ва гўзаллик дини бўлган Ислом инсоннинг ҳамма нарсаси, жумладан, ижтимоий алоқалари ҳам гўзал бўлиши-ни йулга куйган. Бунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васал-ламнинг куйидаги ҳадиси шарифлари шиор бўлган. Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят килинади: «Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: Муслим ва Термизий ривоят килган. Ҳа, аввало мусулмон инсоннинг ўзи гўзал бўлиши керак, ке-йин сузи гўзал бўлиши керак, ташки кўринишию, ички куриниши, ботиниши, зоҳири гўзал бўлиши керак. Ўзини тушиши, мую-маласи,

куйингки, хар бир нарсаси гўзал бўлиши керак. Шун- дагина у Ўзи гўзал бўлган, гўзалликни севган Аллоҳ таолога курбат ҳосил килган бўлади.

Омир ибн Саъд ибн Абу Ваккосдан, у эса отасидан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайхи васаллам дедилар: Албатта, Аллоҳ ёкимлидир, ёкимлиликни севади, по-кизадир, покизаликни севади, қарамлидир, қарамлиликни севади, ўта сахийдир, ўта сахийликни севади».

Термизий, Баззор ва Абу Яъло ривоят қилган. Одамларнинг бир-бирлари билан бўладиган ижтимоий алокаларидаги ушбу ҳадиси шарифда зикр килинган, Аллоҳ таолонинг Ўзида бўлган ва бунинг бандаларидаги ҳам бўлишини севадиган сифатлар инсоният учун жуда ҳам аҳамиятидир. Ушбу сифатлар-ни узида мужассам қилган кишилар инсонлар жамиятидаги энг яхшилар бўлишади. Бунинг юзага чикиши учун эса Ислом жорий қилган ижтимоий одоблар йўлга кўйилиши лозим. Мусулмон инсон ҳар бир нарсада энг кўзга кўримли шахсга айланиши лозим. У шундагина ўзининг бу дунёдаги хидоятчиси ва охиратдаги шафоатчиси Мухаммад соллаллоҳу алайхи васал-ламнинг кўйидаги кўрсатмаларига амал килиб яшаган бўлади.

Сахл ибн Ҳанзалийядан ривоят қилинади: Бизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Албатта, сизлар биродарларингиз ҳузурига борурсизлар. Бас, либосингизни тузатинг, эгар-юкларингизни туза-тинг, одамлар ичиди худди холдек бўлинг», дедилар».

Ахмад, Абу Довуд, Тобароний ва Ҳоким ривоят қилган. Маълумки, кишининг юзидаги холи унинг энг кўзга кўрин-ган ва чиройли нарсаси бўлади. Барча халкларда хол гўзаллик рамзи бўлиб келган. Мусулмон инсон ҳам жамият юзидаги энг кўркам ва гўзал хол бўлиши лозим. У инсон зотининг чиройини очиб турвчи омил бўлиши керак. Бу эса ижтимоий одоблар ор-калигина юзага чикади. Мумин кишининг ҳар бир ишни яхшилаб ва пухта килиши макбулдир. Бу барча инсонларга севикли Набийнинг Ислом ум-матига амри, фармони, тавсияси ва насиҳатидир.

КИЙИНИШ ОДОБЛАРИ

Ислом Аллох таолонинг мукаммал, барча замон ва маконларга салоҳиятли дини уларок, инсон ҳаётининг барча соҳаларини кам раб олган. Шу билан бирга, кийиниш ҳам инсон ҳаётининг му-Хим соҳаси экани ҳаммамизга яхши маълум. Ислом бошка ҳамма соҳаларда ўз кўрсатмаларини берса-ю, кийиниш борасини тарк этса, унинг мукаммаллигига путур етган бўлар эди. Шунинг учун ҳам Исломда бу масала ҳам бошқалари катори, етарли даражада муолажа килинган. Бу эса мусулмонлар учун катта баҳтдир. Чунки улар ҳаётнинг бошка соҳаларида бўлгани каби ки-йиниш масаласида ҳам тайёр таълимотларга амал қилиб, икки дунё саодатига эришиш учун яна бир илохий ёрдам ола биладилар. Баъзилар кийиниш масаласига бунчалик катта эътибор бериш-нинг боиси нима, ахир бу арзимаган нарса-ку, дейишлари мум-кин. Аввало, кийиниш арзимаган нарса эмас. Колаверса, Исломда инсон ҳаётининг арзимайдиган томонлари йук, балки динимизда инсон ҳаётининг барча соҳалари баравар эътиборга сазовордир. Инсоннинг кийиниши унинг ички-маънавий дунёсининг сирт-да акс этишидир, дейишимиш мумкин. Қайси инсонда уят, хаё, орномус каби тушунчалар бўлса, ўша инсон ўз обрусини саклайди-ган, бошқаларнинг нафратини кўзитмайдиган холатда кийинади.

Бунинг устига, кийим-бош инсоннинг доимий ҳамрохи бул-гани учун, унга таъсир килиши турган гап. Мисол келтирадиган бўлсак, аскарларга ўзига хос кийим кийдириш ҳамма ҳалкларда кадимдан одат бўлиб келган. Бу аввало, аскарларга ўз вазифасини адо этишда кулайлик туғдирса, иккинчидан, маҳсус кийим улар-га таъсир килиб, аскарлик рухини тутиб туришда, кучайтиришда иш беради. Ҳатто оддий одам аскар кийимини кийиб олса, аскар-ларга ўхшаш бошқа кўпгина мулоҳазаларга кура, Исломда кийим-бошга алоҳида эътибор берилган. Диккат билан карайдиган бўлсак, Ислом динининг батафсил хукмлари баён этилган барча китобларимизда алоҳида «Либос китоби» бор. Айникса, хадис, тасаввуф ва фикҳ китобларимизда бунга алоҳида эътибор берилган.

Исломдан ман, майший маданият бўйича инсон номига дод булиб тушади ган бир ҳолатда эди. Ҳеч ким бу соҳа бўйича ҳалол-харом ки

савоб-гунох деган нарсани билмас эди. Шахсий ва умумий далик хакида-ку, гапирмасак ҳам бўлади. Мана шундай бир пайтда Ислом хаётнинг бошка соҳалари ка уй тутиш, сониятни жоҳилият зулматларидан Ислом нурига олиб чикди. Жоҳилият даврида бошкалар хузурида авратни кўрсатиб юриш инсон эктиромига ва жамоатчилик одобига зид бўлган ишлардан бири эди. Бу иш ўта ахлоксизлик бўлиб, жамият аъзо лари ичидаги фасод тарқалишига сабаб бўларди. Исломнинг инсонни мукаррам қилиш бўйича кўрган чорала ри ичидаги либос масаласи ҳам бор. Бу масалада инсоннинг кийиниш маданиятига риоя килиши ўзи учун обрув ва мартабалиги, гўзаллик ва зийнатлиги, жамиятнинг бошка аъзоларини эса хур матлаш экани тушунирилди.

Эй Одам болалари! Батаҳкиқ, сизларга авратингизни тўсадиган либос ва зийнат либосини туширдик. Такво либо си - ана ўша яхшидир. Ана ўшалар Аллохнинг оят(белги)- ларидандир. Шоядки, эслатма олсалар» (26-оят).

Инсонни хайвондан ажратиб турадиган аломатлардан бири ҳам либосдир. Одамнинг аврати айбини беркитиб туриши учун Аллоҳ таоло унга либос ато килган. Либоснинг зарурияти киши авратини ўзгалардан пинҳон тутишидадир. Лекин Аллоҳ инсон- нинг авратдан бошка аъзоларини ҳам тўсиш эктиёжи борлигини инобатга олиб, либосни зийнат тарзида нозил килди. Шу боис либосни ўз ўрнида, яъни шариатга мувофик кийган инсонгина зийнатли хисобланади. Аммо энг асосий либос, асл либос такво либосидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло оятда:

ТАЪЛИМ БЕРИШ ВА МУАЛЛИМ ОДОБЛАРИ

“Таълим” бир нарсанинг ҳақиқатини батафсил ва яхшилаб билдириш маъносини англатади. «Таълим бериш», «дарс бе риш» ва «ўргатиш» сўзларининг маънолари бир-бирига якнан бўлиб, маълумотларни муаллимдан мутъаъллимга (таълим олувчига) накл килишни билдиради. Таълим шархлаш, очик- лаш, яқинлаштириш, хужжатлаш, далил келтириш, тарбия бе- риш ва насиҳат килиш каби ишлардан иборатдир.

Таълим бериш билан таълим олиш бир-бирига чамбарчас багликдир. Бирисиз иккинчиси бўлмайди. Шунинг учун ҳам та- лаба бўлиб илм олишга канчалик тарғиб килинган ва бу ишга савоб-

мартабалар ваъда килинган бўлса, олим бўлиб таълим беришга ҳам шунчалар тарғиб килинган ва бу ишга ҳам савоб- мартабалар ваъда килинган. Илм талаб килиш фарз бўлгани каби, таълим бериш ҳам фарз килинган. Мумин-мусулмонлар таълим ишларига доимо катта эътибор бериб келишган. Шунинг учун ҳам Исломга амал килинган давр- ларда мусулмон оламида илм кенг микёсда тарқалган, дунё аҳа- миятига молик улуғ алломалар етишиб чиккан. Мусулмонларча- лик куп олим етиштирган миллатни тарих ҳали-ҳануз билмайди. Бу холатни яхшилаб ўрганган фарблик шарқшунослардан бири инсоф билан: «Мусулмонлар барча-барчалари мадрасага катнай- диган бутун бошли бир миллат бўлган», деб ёзган. Ҳа, мусулмонлар бешикдан то кабргача илм излашган. Ҳар бир эркагу аёлга илм талаб килиш фарзлиги учун ўз ихтиёрлари билан, иймон ва ихлос ила, мисли кўрилмаган шавку завқ билан таълим ишларига шўнгигашган.

Киши кандай килиб ўзидан кейин манфаат берадиган илм колдира олади? Бу иш, аввало, бошқаларга илм ўргатиш билан амалга ошади. Модомики, шогирдлар, шогирдларнинг шогирд- лари ўша илмни ишлатмоқдами, кишиларга манфаати етмоқдами, устозга савоби ёзилиб тураверади. Иккинчиси китоб ёзиб колдириш билан бўлади. Куръон, хадис ва диний илмлар бўйича, мусулмонларга фойда келтирадиган бошка илмлар бўйича иймон ва ихлос билан китоб ёзиб колдирган кишига, агар китобидан мусулмонлар фойдаланиб туришса, ўлганидан кейин ҳам унга савоб етиб тураверади.

Учинчиси илм йўлида хизмат килиш билан бўлади. Мисол учун, имконияти бор одам толиби илмларга, устозларга илм йўлида ёрдам бериб, илм даргохи куради, ўз маблагидан китоб чоп эттиради, кутубхона килади ва хоказо. Мана шунга ўхшаш иш- лар илм йўлида хизмат килиш хисобланади. Бу ишларни килган одамлар вафот этиб кетса ҳам, савоблари узилмай бориб туради. Мумин-мусулмонлар таълим ишларига доимо катта эътибор бериб келишган. Шунинг учун ҳам маълум даврларда мусулмон сламида илм кенг микёсда тарқалган, дунё аҳамиятига молик улуғ алломалар етишиб чиккан.

Муаллим одоблари куйидагилар:

Муаллимларнинг шарафли вазифаларини адо этиш жараёни да амал килишлари лозим бўлган одоблари ҳам мавжуд. Уламо- лар

кадимдан бу мавзуга алохига эътибор билан караб, унинг баёнини килганлар. Куйидаги сатрларда мазкур одоблардан ай- римларини келтиришга харакат киласиз:

Илмни лозим тутиш, унга муҳаббат килиш, унга бутун вужуди билан берилиш ва илмини зиёда килиш учун доимо ҳаракатда бўлиш. Аллоҳ таоло Тоҳо сурасида марҳамат килади: Зотан, ҳакиқий олимнинг гапи ишига тескари бўлмайди. Бу гап диний олимларга алохига таъкидлидир. Чунки улар

ИНТЕРНЕТ ОДОБЛАРИ

«Интернет» сузи ажнабий тилдаги кискартирилган жумла бу- либ, тилимизда «халкаро маълумотлар тўри» деган маънони анг латади. Аммо бу ном ихтиёр килинганидан кейин интернетнинг тинмай ривожланиши оқибатида у факат маълумотлар тақдим ва кабул килиш билан чекланиб колмай, бундан хам катта ҳажмда- ги ишларни олиб боришга хизмат киладиган бўлиб кетди. Ҳаёт- нинг барча соҳаларида интернет ёрдамида осонлик, арzonлик ва тезлик фойдалари кўзланадиган булди.

Тасаввур килиш учун биргина мисол келтиришнинг узи ки- фоя килади, деб ўйлайман. Ҳаво йўли билан сафарга чикмокчи бўлган инсон оддийгина чипта олиш учун чиптахонага бориши, навбатда туриб, чипта олиши, агар чипта у истаган кунга топил- маса, ортига кайтиб кетишига тўғри келади. Ҳудди шу иш интернет оркали амалга оширилса, жуда кўп фойда кўрилади, яъни уйда ўтириб, чипта сотиб олинади. Вакти келганда, аэропортда учишдан олдин автоматдан электрон чиптасини олади. Бу иш ав валгисига солишириб кўрилса, вазият аён бўлади. Чиптахонага бориб, овора бўлинмайди. Навбатга турилмайди. Устига- устак, арzonга тушади. Чунки чиптахона биноси, чиптачи, бинони иситиш, совутиш, ёритиш учун кетадиган, йулкира ва шунга ўхшаш Ҳаражатлар тежаб олинади. Бунга ўхшаш фойдалар жуда кўп бўлиб, биз келтирганимиз оддий бир мисол эди. Шунинг учун ҳозирда ҳамма ҳалклар ин- тернетни ривожлантириш борасида кўлидан келган барча чо- раларни кўрмокда. Бу ишга тўғаноқ бўлувчи омиллардан халос булиш йўлларини ахтармокда. Интернетдан фойдаланувчилар кун сайн кўпайиб бормокда. Ҳамма ушбу осонлик ва кулай- ликдан баҳраманд бўлишга ошиқмоқда. Аммо шу билан бирга, интернетга боғлик

муаммолар хам күпайиб ва жиддийлашиб бормокда. Барча соҳалардаги интернетнинг фойдалари мұқобилида заарлари хам купайиб бормокда. Интернетда фойдали маълумотлар билан бир каторда зарар бузук маълумотлар ҳам тарқалмокда. Акийдага путур етказу фохишабозлик ва беҳаёликни тарғиб килувчи, ахлоқсизликни тарқатувчи ва шунга ўхшаш инсон зотига ор келтирувчи ишлар- и тарғиб киладиган сайтлар күпайиб бормокда. Баъзи одамлар интернет оркали бир-бирига тухмат килмокда, ҳақоратлаб, су- кишмокда, бир-бирини шарманда килмокда ва хоказо. Айнан интернет оркали нафакат ахлоқий бузукликлар, балки сиёсий, интимоий, молиявий, илмий ва бошка кўпгина соҳаларда жиноятлар содир этилмокда. Кўпол килиб айтганимизда, интернет мазкур қабоҳатларни амалга оширишни осонлаштирумокда."Айтиб ўтилган ушбу гаплардан кўриниб турибдики, интернет хам икки тарафлама хам яхшиликка, ҳам ёмонликка хизмат ки- лиши мумкин нарсага айланди. Бизнинг вазифамиз уни яхшилик- на хизмат килдириб, ёмонликка бошламаслиги чораларини ку- риш, унинг заарларидан четланишга харакат килишдир. Бунинг учун эса динимизнинг умумий таълимотлари асосида интернетдан фойдаланиш одобларини йўлга қўйишимиз керак булади.

Албатта, интернет нисбатан якинда пайдо бўлган восита бўлгани учун олдинлари мусулмон уламолар бу масалани хәёл- ларига келтиришлари ҳам мумкин эмасди. Ҳозирга келиб эса интернет ва унга боғлиқ масалалар замонамизнинг мусулмон уламолари олдига тегишли муаммоларни кўндаланг килмокда. Бу масалалар қанчалик тез хал килинса, шунчалик яхши бўлиши ойдин булиб турибди. Куйидаги сахифаларда эътиборингизга такдим этилаётган маълумотлар мазкур соҳадаги изланишларда камтарона бир уриниш бўлишидан умид киласиз.

Интернетдан фойдаланиш одоблари

Куйида халкаро замонавий алока ва ахборот воситаси бул- ми интернетдан фойдаланишнинг баъзи умумий одоблари ха кида кискача сўз юритамиз:

- Интернетдан фойдаланмокчи бўлган одам ниятни яхши килган бўлиши керак. Албатта, мусулмон инсон ҳар бир нарсада бўлгани каби, интернетдан фойдаланишда хам факат яхшиликни, шариатда рухсат берилган нарсаларга мувофик иш килишни ният

килиши лозимдир. Ана шундагина бу ишидан фойда топади, кўзлаган максадига эришади.

Абдулкодир Раҳовий ривоят килган. • Интернетда кўриладиган, ўқиладиган ва эшитиладиг нарсаларнинг барчаси шариат рухсат берган нарсалар булиши шарт. Зотан, мусулмон инсоннинг ҳамма ерда, барча замонларда ва барча вазиятларда киладиган гап-сўзларию, иш ва фаолияти шариатга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, сайтга кирадиган баз лар хаётда ўзларига раво кўрмайдиган нарсаларни сайтда bem лол эп кўришади. Улар ўзларича, «бу иш хаётдаги савияда эмас-ку», деган хаёлга боришлари мумкин. Аслида эса бу ношаръий ишларни сайтда ўзига раво кўрганларнинг ахлокий савиясида нуксон бор. Ҳаётда одамлар уни кўриб-билиб тургани учун, ўзга- лар гапирмасин дея ўзини ёмонликдан тийган бўлади. Сайтда эс одамлар кўрмайди ҳам, билмайди ҳам. Бунинг устига, сайтда ис- мини ҳам ўзгартириб, тамоман бирор киши танимайдиган бўлиб олади. Демак, унинг шариат талабларига амал килиши хўжакўринга, тўгрироқ айтганда, мунофикликка асосланган булади.

Шунинг учун ҳам сайтга кирган ҳар бир инсон ўзининг мусулмонлик бурчини унутмаслиги керак. Одамлар кўрмаса ҳам, Аллоҳ таоло кўриб турганини эсдан чикармаслик лозим. Одам- лар билмаса ҳам, Аллоҳ таоло билиб турганини мунтазам хис этиб туриш зарур.

Хеч кимга билдирилмасдан, дилда тугиб қўйилган нарсаларни ҳам Аллоҳ таоло жуда яхши билади. Шундай бўлганидан кейин бошка нарсаларни билишида асло шак-шубҳа йўқдир. Одамлар бундан огох булсинлар. Демак, фахш ва беодбликни тарғиб ки лучи, бефойда машгулотларга, вактии бехуда ўтказадиган нарсаларга ихтисослашган сайпларга кирмаслик талаб этилади . Сайт эгаларининг маънавий-маърифий хуқукларига тўла риоя килиш чин мусулмонлик бурчиdir.

Бунга пул тўлаб кириш лозим бўлган сайпларга ҳак тўламас- дан, ўгринча кириш, кўчириб олишга рухсат берилмаган нарсалар- ни кўчириб олиш, кўчириб олинганда манба кўрсатилиши лозим бўлганида, кўрсатмаслик каби ишлар киради. Бу каби ишларнинг барчаси гуноҳдир. Чунки бу бировнинг маърифий-маънавий мул- ки талон-тарож килишдан иборатдир. Бошкача килиб айтганда, маърифий-маънавий ўгрилик ва карокчиликдир. Бундай ишлар харом эканига

уламолар бир овоздан фатволар чикаришган. • Ишхона ёки бошка бирор шахснинг интернетидан рух- сатсиз фойдаланиш мумкин эмас. Баъзи кишилар ишхонанинг интернетидан ўз шахсий ман- фаатлари учун фойдаланишни ўзларига эп кўришади. Бунда икки тарафлама мулоҳаза килинадиган иш содир бўлади. Бир тарафдан - ишхонанинг интернетга тўлайдиган маблаги шах- сий манфаат учун сарфланади. Иккинчи тарафдан - ишхона- нинг ишини бажариш ўрнига иш вактида ўз манфаатини кўзлаб, масъулиятдан кочиш юз беради. Бошка одамнинг интернетидан фойдаланиш борасида хам шунга ўхшаш гапни айтиш мумкин. Шунинг учун улардан факат хак эгасининг рухсати билан ва зарурат юзасидангина фойдаланиш мумкин. Дам олиш танаф- фусида керакли маълумотни олиш, электрон почтани текшириб куриш кабиларга рухсат берилади. Болаларнинг интернет ва компьютердан фойдаланиши- ни оқилона ва эътибор билан йўлга кўйиш керак. Аввало, бола ота-онаси ва катталарнинг рухсатисиз интернет ва компьютердан фойдаланмасин. Болаларни бундай пайтларда каровсиз колдирмаслик, назардан кочирмаслик лозим. Улар фой- даланадиган жиҳозлар ҳамманинг кўз ўнгига турадиган булсин. Йукса, кузни шамгалат килиб, исталмаган, бузук ёки бефойда

Интернетдаги алока одоблари

Интернетда чат, форум, фейсбук, твиттер каби ўзаро алока олиб бориша хизмат килувчи воситалар орқали кишилар бир- бирлари билан ёзишма, сўзлашма, суратли мулокотлар олиб бо риш имкониятларига эга бўлишган. Улар ушбу имкониятларни ишга солиб, кўпгина хожатларини рӯёбга чикариш, маълумот алмашиш, билмаганини сўраб ўрганиш, янги дуст ва шерилар орттириш каби кўпгина манфаатларга эга бўлишмоқда.

Аммо шу билан бирга, бошка соҳаларда бўлгани каби, бу соҳада хам ўзига яраша муаммолар, мушкулотлар ва кўнгилсиз вокеалар пайдо бўлмокда.

Масалан, бегоналарнинг бир-бирлари билан ушбу восита лар оркали олиб борган алокалари натижаси ўлароқ, никоҳга ваъда бериш, бировга тухмат килиш, кимнидир зинода айблаш сукиш каби ишлар келиб чикмокда. Шунингдек, эр-хотинлар- нинг ушбу воситалар оркали олиб

борган алокалари натижаси ўларок талок, бир-бирини зинода айблаш, наасабни инкор килиш каби ўта аҳамиятли хукмлар ҳам событ бўлмокда.

Ушбу воситалар оркали бир неча тарафларнинг олиб борган мулокотларидан сўнг бир-бирини оммавий равишда кофир, фо-сик, фожир дея хукм чикариш, фахш ишларга чакириш, сехр ва фолбинликка чорлаш, пора ваъда килиш, видео оркали аврат ларни намойиш килиш, шахсий, диний, ижтимоий ҳолатларни масхара килиш каби ўта жиддий ҳолатлар ҳам пайдо бўлмокда

Интернетдаги ушбу тармоқлар оркали вактни зое килувчи кўнгилхушилкларга оид нарсалар, овозли ва суратли ёзувлар таркатилмокда. Турли ўйинлар ва мусобакалар, таргибот-ташгадбирлари жорий қилинмокда. Шунингдек, интернетда гушу гармоқлар оркали илмий ва молиявий муомалалар ҳам да олиб борилмокда. Афсуски, мазкур алокаларнинг барчасида шариатга хилоф конунбузарлик хисобланган ишлар тўлиб-тошиб ётибди. Тури ахлокий, моддий, маънавий жиноятлар содир этилмокда. Буларнинг ҳаммасини тартибга солиш, кишиларни тугри и солиб, нотугрисидан кайтариш лозим бўлмокда. Бу бора-хукуматлар, ҳалкаро ташкилотлар ва бошқалар етарли ишлар бориshmокда. Шу билан бирга, мусулмонларга бу борадаги и одобларни ҳам баён килиб бориш заруратга айланди. Кунда интернетдаги аюла одобларига доир айрим фикр мулоаларни ўтиборингизга хавола этмокчимиз.

Назорат учун саволлар

1. Ижтимоий одоблар асарида одобнинг таърифи?
2. Ижтимоий одоблар шиори деб нимага айтилади?
3. “Ижтимоий одоблар” асарида ёшлар одобиниёритинг?
4. Кийинишининг умумий одоблари нималардан иборат?
5. “Ижтимоий одоблар” асарида таълим бериш ва муаллим одоблари хақида батафсил ёритиб беринг?

СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАР БҮЙИЧА КҮРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР

1-семинар машгулоти мавзуси: ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ – ФАН СИФАТИДА

Режа:

1. “Оила педагогикаси” фанининг максади, вазифалари ва предмети.
- 2.“Оила педагогикаси” фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.
3. “Оила педагогикаси” фанининг илмий тадқикот методлари.

Таянч тушунчалар: оила, никоҳ, қон-кариндошлиқ, ота-она, фарзандлар, кекса авлод (бува, буви), қариндошлар, педагогика, оила педагогикаси, оила тарбияси, оила анъаналари, оила тарбияси тамоилилари.

Назорат учун саволлар:

1. “Оила педагогикаси” қандай фан?
2. Фанининг предметини нима ташкил этади?
3. Фан ўз олдига қўйилган қандай вазифаларни ҳал қиласди?
4. “Оила педагогикаси” фани билан “Педагогика назарияси ва амалиёти” фани ўртасида қандай узвий алоқадорлик мавжуд?
5. “Оила педагогикаси” фани ва “Оила психологияси” фанлари ўртасида алоқадорлик мавжудми?
6. Оила, оиласид муносабатларга доир муаммолар қандай илмий педагогик тадқик методлари ёрдамида тадқик этилади?
7. Оила педагогикаси фан сифатида қандай ривожланиб келмоқда?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 52-58-бетлар.
2. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий турур / Ўқув кўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – 42-50-бетлар/
3. O.Hasanboeva va b Oila pedagogikasi. – Toshkent: “Aloqashi”, 2007. – 5-16-бетлар.
4. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 14-39-бетлар.

Семинар топшириқлар:

4. “Кластер” методи ёрдамида оиланинг умумий мөҳитини ёритинг!
5. “Оила педагогикаси” фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алокадорлигини схема ёки жадвал асосида ифодаланг!
6. Оила тарбияси муаммоларини тадқиқ этишда кенг фойдаланиладиган илмий-педагогик методлар мөҳиятини блиц-сўров методи ёрдамида ёритишга уриниб кўринг!

Семинар топшириқларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Одатда “Кластер” методи қўлланилганда академик гурух талабаларининг икки, уч ёки тўрт гурухга ажратиш самарали саналади. Талабаларнинг бу тарзда гурухланиши: 1) кластерларнинг тўлақонли шакллантирилишини таъминлайди; 2) икки, уч ёки тўртта кластерни бир-бири билан таққослаш нисбатан осон кечади; 3) кластерлар орасидан мазмунан энг тўлиқ, мукаммал бўлган вариантни ажратиб олиш қийин кечмайди.
2. Схема, жадвал ёки тасвирни шакллантиришга оид топширикларни бажаришда талабаларнинг кичик гурухлар ёки жуфтликларда ишлашлари мақсадга мувофиқ. Зоро, бундай ҳолатда улар ўзаро фикр алмашиш, ўз фикрини қатъйлаштириш имкониятига эга бўлади.
3. Талабалар блиц-сўров методи ёрдамида оила тарбияси муаммоларини тадқиқ этишда кенг фойдаланиладиган илмий-педагогик методлар мөҳиятини ёритишда уларнинг ҳар бирига имкон қадар киска таъриф бера олишлари керак.

M: педагогик кузатиш – тадқиқотчи томонидан оилада ташкил этиладиган педагогик (тарбиявий) жараён бевосита ёки билвосита синчиклаб ўрганилишини ифодаловчи метод.

Машгулотлар жараёнида талабалар қўйидаги методлар мөҳиятини юкоридаги каби киска таърифлар асосида ёрита олишлари керак:

1. Сухбат методи – ...
2. Анкета методи – ...
3. Интервью методи – ...
4. Тест методи – ...
5. Педагогик тажриба методи – ...
6. Ижтимоий-педагогик ретроспектив метод – ...

Б/Б/Б чизмаси

Б/Б/Б чизмаси – Биламан/ Билишни ҳохлайман/ Билиб олдим. Мазкур график органайзер мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради. Талабаларда тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш қўникмаларини ривожлантиради.


Талабалар:

1. Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.
2. “Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни ҳохлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2-бўлимларини тўлдирадилар.
3. Маълумотларни тинглайдилар.
4. Мустакил тарзда жадвалнинг 3 бўлимини тўлдирадилар

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

Биламан	Билишни ҳохлайман	Билиб олдим

“Klaster” grafigi asosida Oila pedagogikasi fanini tizimlashtirish





2-семинар машғулоти мавзуси:
ЧЕТ ЭЛЛАРДА ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ
ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

Режа:

1. Қадимги юон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбиясига ёндашувлари.
2. Европа Уйгониш даври мутафаккирлари асарларида оила тарбияси масалаларининг ёритилиши.
3. Маърифатпарварларнинг асарларида оила тарбиясига оид қарашларнинг акс этиши.
4. Рус педагогларининг оила педагогикасига оид қарашлари.

Таянч тушунчалар: қадимги Юнонистон, қадимги Рим, Европа Уйгониш даври, маърифатпарвар мутафаккирлар, рус педагоглари, оила тарбиясини ташкил этишга тарихий ёндашув.

Назорат саволлари:

1. Қадимги Юнонистон ва Римда қайси мутафаккирларнинг асарларида оила тарбияси масаласига эътибор карилган?
2. Сукрот, Аристотель, Платон ва Демокритларнинг қайси асарларида оиласада болаларни тарбиялаш масалалари ёритилган?
3. Европа Уйгониш даври мутафаккирларининг қайси асарларида оила тарбияси муаммолари баён этилган?
4. У.Шекспир ва Т.Кампеллиннинг оиласада фарзандларни тарбиялашга оид қандай ғоялари билан танишсиз?

5. Европа маърифатпарварлари орасида кимлар оила тарбияси масаларига ўз асарларида эътибор қаратган?.

6. Рус педагоглари орасида кимларнинг оила тарбияси ва уни самарали ташкил этиш ғояларини ўзида акс эттирган асарлари машхур?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008.

2. Педагогика тарихи / К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

3. История педагогики / <http://top.100.rambler.ru>.

4. Тросян В. История образования и педагогической мысли. – Москва: Эксмо, 2006.

Семинар машғулоти топшириқлари:

1. Қадимги юонон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбиясига ёндашувлари асосида жадвал шакллантиринг. Унда Қадимги юонон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбиясига ёндашувларини ифодаловчи энг муҳим ғоялар тезис сифатида акс этсин.

2. Улуғ драматург Уильям Шекспирнинг “Қирол Лир” ҳамда Оноре де Бальзакнинг “Горио ота” номли асарлари билан танишиб, гарчи ўзи мамлакат қироли бўлса-да, фарзандларининг кирдикорларидан азият чеккан қирол Лир ва қизларига ҳаддан зиёд меҳр кўрсатса-да, умрининг сўнгги кунларини уларнинг дийдорига зор ҳолда муҳтожликда ўтказган Горио отанинг кисматини солиштиринг. Қирол Лир ва Горио оталарнинг фожиаси нимада эканлиги хақида ўйлаб кўринг.

3. Буюк педагог Я.А.Коменский ўзининг “Буюк дидактика” асари ёшларни тарбияловчи кишиларнинг устоз, тарбиячи, муаллим, профессор деб аталиши, болалар тўпланиб биргаликда машгулот ўтказадиган жойнинг эса мактаб, ўқув юрти, аудитория, коллегия, гимназия, академия ва ҳ.к. деб аталишини таъкидлаб ўтган эди. Я.А.Коменский яшаган давр (XVII аср) нуқтаи назаридан болаларнинг оиласдан кўра таълим муассасаларида тарбияланиши тобора кенг ёйилишининг асосий сабабларини ёритишга ҳаракат қилинг. Сиз қандай фикрдасиз, ушбу ҳодиса ота-оналар зиммасидан фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятнинг соқит этилиши учун асос бўлдими? Фарзанд тарбиясининг аста-секин тўла равишда таълим муассасалари зиммасига

юкланиши Гарб мамлакатларида кузатилаётган оиланинг қадрсизланиши, ажралишлар сонининг кескин ошиши, гайриахлокий ходиса – бир жинсли никоҳнинг пайдо бўлишига олиб келмадими. Бу ҳақда қадай фикрдасиз?

Семинар машғулоти топширикларни бажариш юзасидан услубий курсатмалар:

1. Қадимги юон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбиясига ёндашувларини ўзида акс эттирувчи жадвал қуйидаги шаклга эга бўлиши мумкин. Талабалар қадимги юон файласуфи Сукротнинг қарашлари мисолида қадимги юон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбиясига ёндашувларини ифодаловчи энг муҳим гояларни тезис шаклида қуйидагича ёритадилар:

Қадимги юон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбиясига оид муҳим қарашлари

1.	Сукрот	Шахснинг маънавий-ахлокий сифатлари оила муҳитида шакланади. Фуқаролар болаларни оила муҳитида билимли қилиб тарбиялашлар зарур
2.	Аристотель (Арасту)	
3.	Афлотун (Плутон)	
4.	Демокрит	
5.	Марк Фабий Квинтилиан	

2. Уильям Шекспирнинг “Қирол Лир” ва Оноре де Бальзакнинг “Горио ота” номли асарларидаги қирол Лир ҳамда Горио отанинг ўз фарзандлари билан муносабатларини қуйидаги жадвалда келтирилган мисол намунасида акс эттиринг:

Қирол Лир ва унинг фарзандлари ўртасидаги муносабат хусусиятлари	Горио ота ва унинг қизлари
--	----------------------------

		ўртасидаги муносабат хусусиятлари
Қироллик бошқаруви билан фарзандлар тарбиясини ўзаро уйгунилекда олиб бораганлик		Қизларни тарбиялашда нихоятда күнгилчанлик килиш

5. Я.А.Коменский яшаган давр (XVII аср) нуктаи назаридан болаларнинг оиласдан кўра таълим муассасаларида тарбияланиши тобора кенг ёйилишининг асосий сабабларини ёритиша талабалар ўртасида мунозарани ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, мунозара жараёнида талабаларда жамиятда кечадиган ҳар қандай ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар оиласнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни ва ролини инкор эта олмасликлари борасидаги катъий хулоса шаклланади.

«BIRGALIKDA O'QIYMIZ» TEXNIKASI

Birgalikda o'qish: O'quv guruhi kichik guruhlarga bo'linadi. Har bir kichik guruh o'rganilayotgan mavzuning ma'lum bir sohasida ekspert bo'ladi va bosh-qalarni o'rgatadi.

Har bir guruhnинг maqsadi boshqa barcha guruhlar ishtirokchilari mavzu savollarini to'la hajmda egallab olishdan iborat.

«Birgalikda o'qiyimiz» texnikasidan foydalangan holda guruhlarda ishni tashkil etish jarayonining tuzilishi

1. Bilim darajasiga qarab 3-5 kishidan iborat bo'lган har xil turdagи guruhlар tuziladi.



2. Har bir guruhga *bitta* topshiriq beriladi –umumiy mavzuning bir qismi, uning ustida butun O'quv guruhi ish olib boradi hamda tayanchlar – ekspert varaqlari – taqdim etiladi.



3. Har bir guruh ichida umumiy topshiriq taqsimlanadi.



4. Hamma yakka tartibdag'i topshiriqni vajaradi.



5. Barcha guruh a'zolarining mini-ma'ruzalari tinglanadi. Umumiy natija (butun ekspert varag'i bo'yicha savollar Javobi)ni shakllantiradi va uni taqdimotga tayyorlashadi.



6. Spiker yoki guruh barcha a'zolari birgalikda vajargan ish natijalarini taqdimot etishadi.

Guruhlarda ishlash qoidasi

1. Sheringizni diqqat bilan tinglang.
2. Guruh ishlarida o'zaro faol ishtirok eting, berilgan topshiriqlarga mas'uliyat bilan yondashing.
3. Agar yordam kerak bo'lsa, albatta murojaat qiling.
4. Agar sizdan yordam so'rashsa, albatta yordam bering.
5. Guruhlar faoliyatining natijalarini baholashda hamma ishtirok etishi shart.
6. Aniq tushunmog'imiz lozim:
7. Boshqalarga o'rgatish orqali o'zimiz o'rganamiz;
8. Biz bitta kemadamiz: yoki birgalikda suzib chiqamiz, yoki birgalikda cho'kib ketamiz.

Ekspert guruhlari ish natijalarini Baholash mezonlari

Mezonlar	Maks. ball	Guruh natijalarini Baholash				
		1	2	3	4	5
Axborotning to'liqligi	3 b.					
Axborotning grafik shaklda ifoda etilishi	1 b.					
Guruhnинг faolligi	1 b.					
Ballarning maksimal summasi, jami	5 b.					

3-семинар машғулоти мавзуси: ЎЗБЕКИСТОНДА “ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ” ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

Режа:

1. “Авесто” асарида никоҳ ва оилавий муносабатларнинг ёритилиши.
2. “Қуръони карим” ва ҳадислар оила тарбиясининг мухим манбалари сифатида.
3. Шарқ мутафаккирларининг оила педагогикасига оид фикрлар.

Таянч тушунчалар: “Авесто” асари, зардуштийларнинг оила ва оилавий муносабатларга ёндашувлари, никоҳ ва оилавий муносабатларнинг “Қуръони карим”даги талқини, ҳадисларда никоҳ ва оила муносабатлари масалаларининг акс этиши, Шарқ мутафаккирларининг никоҳ ва оила борасидағи қарашлари.

Назорат саволлари:

1. Тарихий манба “Авесто”да оила масалаларининг қайси жиҳатлари ёритилган?
2. “Авесто” асарида балогат ёши ва фарзанд тарбиясига қандай ёндашилган?
3. Қуръони каримда ота-онанинг фарзандлар тарбиясидаги масъулияти қандай баҳоланган?
4. Ислом таълимотига кўра фарзанднинг ота-онаси олдидаги бурчлари нималардан иборат?
5. Қуръони каримда оила мустаҳкамлигини таъминловчи омиллар сифатида нималар эътироф этилган?
6. Ҳадисларнинг оила тарбиясидаги аҳамияти қандай? Фикрингизни ҳадислар мисолида асосланг.
7. Ота-она ва фарзанлар ўртасидаги муносабат масаласига ҳадисларда қандай ўрин ажратилган?
8. Шарқ мутафаккирларининг асарларида оила тарбиясига оид қандай гоялар мавжуд?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. – Тошкент: “Адолат”, 2001.
2. Махмудов Т. “Авесто” хакида. – Тошкент: “Шарқ”, 2001.
3. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гурур / Ўкув кўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999.

4. Педагогика тарихи / Ўкув кўлланма. К.Хошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
5. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009.
6. Тросян В. История образования и педагогической мысли. – Москва: Педагогика, 2006.
7. Ҳошимов К., Очил С. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2010.

Семинар топшириқлари:

1. Куръони карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида баён этилган никоҳ, оила қуриш, оиласабатлар, фарзандлар тарбиясига қарашларни жамланг ва уларни жадвал асосида ифодаланг!
2. Турк олими Юсуф Товаслийнинг “Ҳикматлар хазинаси” асарида келтирилган онанинг ўз қизига айтган 10 та насиҳати билан танишиб чиқинг ва у асосида бўлажак келинлар учун кичик тавсиянома тайёрланг!

Қизим! Сенга айтадиган ўнта ўғитимга қулоқ сол! Буларни доимо ёдда тут!

1. Қаноат соҳибаси бўл. Ўз ҳолингга шукр қил. Яъни эринг уйга нимаики олиб келса, у хоҳ ейдиган хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфеълик билан, гўзал одоб билан қабул килиб ол. Эрингга ташаккур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зеро, баҳтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукр этмоқликдир. Ҳолига шукр этмаган ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил хузури, қалб роҳати бўлмайди.

2. Эрингга итоат қил, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма! Яъни, эринг билан сұхбатлашганда, мулокотда бўлганда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб адо этишингни, сенинг сўзлашиб, қулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Аллоҳ Таоло сендан хушнуд ва уйингиз саодат нуридан порлок бўлади.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши зътибор бер! Яъни уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут. Шундай қилки, эрингнинг кўзига бир чиркин ер кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг факат хуш бўйни сезсин, димогига ёмон хид келмасин. Чунки ёмон хидлар эринг кўз ўнгига сенинг обруингни туширади. Сендан ирганишига сабаб бўлади. Шуни яхши

билгилки, тозалик ва заифлик энг яхши нарсалардир. Инсон кўзига хуш кўринишилик шулар биландир.

5. Овқатни вақтида тайёрла. Яъни овқатланиш вақтини ҳеч качон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатини тайёрла. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шуни яхши билгинки, очлик инсоннинг тез жаҳлини чиқаради.

6. Уйку вақтини, уйгониш пайтини яхши билиб ол! Яъни, унинг качон уйкуга кетиш пайти бўлса ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйкусизлик инсонни хафакон этади. Асаблари бузуклик, хафаконлик одамларнинг эҳтироси, муҳаббатини секин-секин сўндиради.

7. Эрингнинг моли ва ашёсига жуда эътиборли бўл! Яъни, эрингнинг мол-дунёсини яхши сакла, ашёларини авайла, муҳофаза килгил. Чунки унинг мол-дунёси сеникидир. Эрингнинг мол-дунёсини исроф этмаслик иш билиш ва қадрига етиш демакдир.

8. Эрингнинг қариндош ва яқинларига ҳурмат кўрсат! Яъни эрингнинг қариндошлари ва яқинларига ҳурмат унинг эътиборини қозонмок демакдир. Уларни ҳурмат килиш эрингни ҳурмат килиш демакдир. Бу эса қадр ва эътибор қозонишидир.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма! Яъни, эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб, уни сакла, бирорларга айтиб юрма. Агар айтиб кўйсанг, унинг газабини келтириб кўясан, ишончини йўқотасан. Бунда тузатётган оиласанг бузилади.

10. Эрингнинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил! Ҳеч качон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар бир шундай ҳаракат бўлса, сенга кек саклаб охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва кўлингдан ҳеч нарса келмайди.

Семинар топшириқларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Куръони карим ва пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида баён этилган никоҳ, оила қуриш, оилавий муносабатлар, фарзандлар тарбиясига қарашларнинг куйидаги жадвал асосида жамланиши уларнинг моҳиятини чуқуррок англаш имконини беради:

№	Никоҳ, оила қуриш, оилавий муносабатлар, фарзандлар тарбиясига қарашлар	
	Куръони каримда ифодаланган қарашлар	Ҳадиси шарифда ифодаланган қарашлар
1.		
2.		
3.		
**		

2. Турк олими Юсуф Товаслийнинг “Ҳикматлар хазинаси” асарида келтирилган онанинг ўз қизига айтган 10 та насиҳати асосида тайёрланадиган кичик тавсияномада асосий ғояларнинг таянч тушунча ёки иборалар ёрдамида ифодаланишига эътибор қаратиш зарур. Кичик тавсияномани тайёрлашда қуидаги намунадан фойдаланиш мумкин:

Бўлажак келинлар учун кичик тавсиянома

1. Қаноатли, шукрли, хушфеъл ва одобли бўл! Турмуш ўртогингнинг ҳар бир яхши амали учун миннатдор бўлишни ўрган!
2. Турмуш ўртогингга итоатли бўл ва уни дикқат билан тинглашни ўрган!
3. Уйингнинг ниҳоятда озода, тартибли бўлишига эриш!
4. ...
5. ...
6. ...
7. ...
8. ...
9. ...

Ўзбекистон Республикасининг “Оила Кодекси”, оила, оиланинг ҳукукий асослари, ота-оналарнинг ҳукуклари, ота-оналарнинг бурч (мажбурият)лари, фарзандларнинг ҳукуклари, фарзандларнинг бурч (мажбурият)лари.

Назорат саволлари:

1. Оила жамиятда қандай ўрин тутади?
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оиланинг ҳукукий макоми қандай белгиланган?
3. Республика конунчилигига кўра оила қандай ҳукукий асос негизида шаклланади?

4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси нечанчи йилда кабул қилинган?
5. Оиласвий муносабатлар қандай хукуқий мазмунга асосланади?
6. Ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги бурчлари нималардан иборат?
7. Оиласвий муносабатларни ташкил этишда ота-оналар қандай хукукларга эга?
8. Конуний жиҳатдан фарзандлар қандай хукукларга эга?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” – Тошкент: “Маънавият”, 2008.
4. Миллий истикюл гояси: асосий тушунча ва тамоиллар. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000.
5. Karimova O. Huquqshunoslik / Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, 2007.
6. Каримова О.,Faффоров З. Давлат ва хуқуқ асослари / Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
7. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур / Ўқув қўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999.
8. O.Hasanboeva va b. Oila pedagogikasi.– Тошкент: “Aloqashi”, 2007.
9. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009.

Семинар машғулоти топшириклари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси билан танишиб чиқинг ва кичик гурухларда ушбу норматив-хукуқий хужжат асосида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари (3-боб; 13-17-моддалар) ва болаларнинг насл-насабини белгилаш (10-боб; 60-64-моддалар) масалаларининг хукуқий асосларини батафсил ўрганинг.


2.“Венн диаграммаси” график органайзери ёрдамида ота-оналар ҳамда фарзандларнинг ҳуқук ва бурчларини ёритинг.

Семинар машғулоти топширикларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар:


1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси билан танишиш асосида кичик гурухлар никоҳ тузиш тартиби ва шартлари (3-боб; 13-17-моддалар) ва болаларнинг насл-насабини белгилаш (10-боб; 60-64-моддалар) масалаларининг ҳуқукий асосларини алоҳида-алоҳида ўрганиб чиқадилар. Ҳар бир гуруҳ ўзи ўрганган масаланинг моҳияти билан навбатдаги гурухни танишитиради.

2. Ота-оналар ҳамда фарзандларнинг ҳуқук ва бурчларини ёритиша иккита диаграммасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. 1-диаграммада ота-оналарнинг ҳуқук ва мажбуриятлари, 2-диаграммада эса фарзандларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари баён этилади. Ўқитувчи талабалар фаолиятини осонлаштириш учун уларни икки гурухга ажратиб, куйидаги топширикларни беради: 1-гурухга “Ота-оналарнинг ҳуқук ва мажбуриятлари”ни ёритувчи диаграммани шакллантириш; 2-гурухга “Фарзандларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари”ни ёритувчи диаграммани шакллантириш. Диаграммаларни шакллантиришда гурухлар куйидаги схемадан фойдаланишлари мумкин:

1-гурух. Отa-оналарнинг ҳуқук ва мажбуриятлари



2-гурух. Фарзандларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари



Insert usuli

Samarali o'qish va fikrlesh uchun belgilashning interfaol tizimi hisoblanib, mustaqil o'qib o'rganishga yordam beradi. Bunda ma'ruza mavzulari kitob va boshqa materiallar oldindan Talabaga vazifa qilib beriladi. Uni o'qib chiqib «V; +; -; ?» belgilari orqali o'z fikrini ifodalaydi.

(V)- Men bilgan narsani tasdiqlaydi.

(+)- Yangi ma'lumot

(-)-Men bilgan narsaga zid.

(?)-Meni o'yantirdi.Bu borada menga qo'shimcha ma'lumot zarur.

Insert jadvali

Tushunchalar	V	+	-	?

5-семинар машғулоти мавзуси: ОИЛА ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1. Оиланинг иқтисодий, репродуктив, тарбиявий ва коммуникатив вазифалари.
2. Оиланинг рекреатив, фелитситологик, регулятив ва релаксация вазифалари.
3. Оилавий муносабатларнинг оила вазифаларини бажаришдаги аҳамияти.

Таянч тушунчалар: оиланинг вазифалари, оиланинг иқтисодий вазифаси, оиланинг репродуктив вазифаси, оиланинг тарбиявий вазифаси, оиланинг коммуникатив вазифаси, оиланинг рекреатив вазифаси, оиланинг фелитситологик вазифаси, оиланинг регулятив вазифаси, оиланинг релаксация вазифаси.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг оиласа берган таърифини изохланг?
2. Замонавий оила қандай вазифаларни ҳал эта олиши лозим?
3. Оиланинг иқтисодий вазифаси нималардан иборат?
4. Оила репродуктив вазифаси нима?
5. Оиланинг рекреатив вазифаси нималардан иборат?
6. Оиланинг коммуникатив вазифаси нима?
7. Оиланинг регулятив вазифаси сирасига нималар киради?
8. Оиланинг фелиоцитологик вазифаси нималардан иборат?
9. Оиланинг релаксация вазифаси деганда нимани тушунасиз?
10. Ҳозирги замон оиласининг қандай функциялари мавжуд?
11. Оилавий муносабатлар қандай муҳим услубларга асосланади?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқолол, иқтисод, сиёsat, мағкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
2. Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси – Тошкент: ? 1999.
6. Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси. – Тошкент: Фан, 2006.
7. Каримова О. Оила ҳуқуқи асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003.
8. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998.

Семинар машғулоти топшириқлари:

1. “Қандай?” график органайзери воситасида кичик гурухларда замонавий оила томонидан ҳал қилинадиган вазифаларнинг мазмунини акс эттирувчи тасвири яратинг.
2. Оиласиб муносабатлар ҳолатининг замонавий оила олдидағи вазифаларни ҳал килишга таъсири хусусида баҳс-мунозара ташкил этинг.
3. Замонавий оиласиб учун хос мұлоқот услублари мөхиятини акс эттирувчи жадвални яратинг.

Семинар топшириқларни бажариш

Іузасидан услубий күрсатмалар:

1. Талабалар дастлаб кичик гурухларда ишлаб, замонавий оила томонидан ҳал қилинадиган муайян вазифалар билан танишиб чикадилар. Сұнгра талабалар ҳар бир гурух вакили томонидан билдирилған мұлоқазалар асосида жамоа бўлиб “Қандай?” график органайзери воситасида замонавий оила олдидағи вазифаларни ифодаловчи тасвири яратадилар. Жамоа томонидан яратиладиган тасвир тахминан шундай кўринишга эга бўлиши мумкин:

Замонавий оила	Вазифалар	Қандай?	Иктисолий вазифа
			Репродуктив вазифа
			Тарбиятый вазифа
			Рекреатив вазифа
			Коммуникатив вазифа
			Регулятив вазифа
			Фелиоцитологик вазифа
			Релаксация вазифа

2. Оилавий муносабатлар ҳолатининг замонавий оила олдидаги вазифаларни ҳал килишга таъсири хусусидаги баҳс-мунозара қуидаги мавзуда ташкил этилади: “Оилавий муносабатларнинг оила вазифаларини ҳал килишдаги роли”.

3. Замонавий оилалар учун хос мулокот услублари моҳиятини акс эттирувчи жадвални яратинг.

T/P	Мулокот услублари	Уларнинг моҳияти
1.	Авторитар услуг	
2.	Аномал услуг	
3.	Либерал услуг	
4.	Демократик услуг	

6-семинар машғулоти мавзуси: ОИЛА ТУРЛАРИ

Режа:

1. Оиланинг тарихий турлари.
2. Замонавий оила турлари.

Таянч тушунчалар: оиланинг тарихий турлари, матриархат оила, моногам оила, патриархал оила, замонавий оила турлари, никоҳ ҳолатига кўра оила турлари, болалар сонига кўра оила турлари, таркибига кўра оила турлари, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари характеристига кўра оила турлари, оила турларини белгилашга нисбатан М.И.Буянов ва И.П.Подласый ёндашувлари.

Назорат саволлари:

1. Оиланинг қандай тарихий турларини биласиз?
2. Гурухли никоҳдан жуфт никоҳга ўтиш жараёнининг ўзига хослиги нималарда кўринади?
3. Никоҳ ҳолатига кўра оиланинг қандай турлари мавжуд?
4. Болалар сонига кўра оила турлари ўзида қандай жиҳатларни акс эттиради?
5. Шахслараро муносабатларнинг характеристига кўра оила қандай турларга ажратилади?
6. М.А.Галагузованинг оилаларни турларга ажратиш борасидаги таклифи қандай гояга асосланади?

6. Ижтимоий-педагогик нұқтаи назардан оиласарни қандай турларға ажратыши мүмкін?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Мусурмонова О. Оила маңнавияти – миллий гурур / Үқув күлл. – Тошкент: Щитувчи, 1999.

2. Hasanboeva O. va b Oila pedagogikasi. – Тошкент: Aloqashi, 2007.

3. Подласый И.П. Педагогика. – Москва: Владос, 2003.

Семинар машғулоти топшириктары:


1. Кишилик тарихи тараққиётида шаклланган оиласарға хос тавсифтарни ёритувчи жадвални шакллантириңг.

2. Кичик гурухларда “Юмалокланган қор” стратегиясини қўллаш асосида: 1) никоҳнинг ҳолатига кўра; 2) оиласадаги болаларнинг сонига кўра; 3) оиланинг таркибига кўра; 4) оила аъзолари ўртасидаги муносабатнинг характеристига кўра; 5) оиланинг ижтимоий ҳолатига кўра замонавий оиласарнинг турлари ва уларнинг моҳиятини таҳлилий ўрганинг.

Семинар машғулоти топшириктарни бажарин

юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Кишилик тарихи тараққиётида шаклланган оиласар ва уларга хос тавсифтарни ёритишда ҳам талабаларнинг кичик гурухлар ёки жуфтликларда ишлашлари мақсадга мувофиқдир. Талабалар кичик гурухлар ёки жуфтликларда кишилик тарихи тараққиётида шаклланган оиласар ва уларга хос тавсифтарни ёритишда қўйидаги намунадан фойдаланишлари мүмкін:



б. “Юмалокланган қор” стратегиясини қўллаш асосида замонавий оиласларнинг турлари ва уларнинг моҳиятини таҳлилий ўрганишда академик гурух талабаларини 5 та кичик гурухга ажратиш лозим. Кичик гурухларнинг ҳар бирига алоҳида топширик берилади. Ҳар бир кичик гурух кўйидаги топширикларни бажаради:

Гурухлар	Топширикларнинг моҳияти
1-гурух	Никоҳнинг ҳолатига кўра замонавий оила турлари ва уларнинг тавсифи
2-гурух	Оиладаги болаларнинг сонига кўра замонавий оила турлари ва уларнинг тавсифи
3-гурух	Оиланинг таркибига кўра замонавий оила турлари ва уларнинг тавсифи
4-гурух	Оила аъзолари ўртасидаги муносабатнинг характеристига кўра замонавий оила турлари ва уларнинг тавсифи
5-гурух	Оиланинг ижтимоий ҳолатига кўра замонавий оила турлари ва уларнинг тавсифи

“Sinkbeyn” (5 qator) texnikasi

Iqtisodiy tarbiya

Sinkbeyn sxemasi:

1-qator – tushuncha;

2-qator – tushunchani tavsiflobchi 2 sifat;

3-qator – ushbu tushuncha vazifalari to’g’risidagi 3 ta fe’l;


4-qator – ushbu tushuncha mohiyati to’g’risidagi 4 so’zdan iborat so’z birikmasi;

5-qator – ushbu tushuncha sinonimi.

3-ilova

Oilaning turlar va vazifalari bo'yicha

Venn diagrammasi to'ldiring.



7-семинар машгулоти мавзуси: ЗАМОНАВИЙ ОИЛАЛАР РИВОЖИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Замонавий оиланинг ижтимоий хусусиятлари.
2. Замонавий оилаларнинг психологик ва педагогик хусусиятлари.

Таянч тушунчалар: замонавий оила, хусусият, ижтимоий хусусият, замонавий оилаларга хос ижтимоий хусусиятлар, замонавий оилаларнинг психологик хусусиятлари, замонавий оилаларнинг педагогик хусусиятлари.

Назорат саволлари:

1. Замонавий оилаларнинг ўзига хос хусусиятлари нимларда акс этади?
2. Шаҳар ва қишлоқ оилаларининг ижтимоий ҳаёт тарзида қандай фарқларни кўриш мумкин?
3. Оиланинг ижтимоий функциялари нималардан иборат?
4. Замонавий оилаларда ташкил этиладиган тарбия жараёнининг қоникарсиз бўлаётганлигининг асосий сабаблари нималар билан изоҳланади?
5. Сизнингча, замонавий оилаларда ташкил этилаётган тарбия жараёнида намоён бўлаётган салбий ҳолатларни бартараф этишининг самарали йўллари қайслар?
6. Замонавий оилалар ривожининг психологик ўзга хослиги қандай ҳолатлар билан тавсифланади?
7. Бугунги кун оилалари ривожига хос педагогик хусусиятлар нималардан иборат?
8. Оилавий муносабатларнинг миллий хусусият касб этишида оиланинг демографик ҳолати қандай аҳамиятга эга?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Каримов И.А. Оила фаровонлиги - миллат фаровонлиги / Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруzasи. Xalq сўзи, 1997 йил 5-декабрь.
2. Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999.

3. Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2006.

4. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси.– Тошкент: Ўқитувчи, 1998.

Семинар машғулоти топшириқлари:

1. Қуидаги матнлар билан танишиб чиқинг ва уларда оиласа хос кандай хусусиятлар акс этганлигини аникланг.

А. Оилавий китобхонлик шахснинг маданий савиасини оширишда ўйлга қўйиш мумкин ва лозим бўлган фаолият туридир. Бунинг учун ота-она ёки оиласаги ёши ва таъсири улуғ киши ташаббус кўрсатиб, оила аъзоларининг умумий қизикишларини ҳисобга олган ҳолда бирор китобни танлаб кечки овқатдан сўнг кироат билан ўқиб бериши керак бўлади. Оилавий китобхонлик ҳар куни ёхуд ҳафтанинг маълум кунлари қатъий тартибда ўйлга қўйилса, болаларда бадиий китобга қизикиш ўз вактида ва қатъий тарзда шаклланади.

В. Ота-бобларимиз фарзандларга ҳамиша бир-бирлари билан инок, тотув, ҳамдард, ҳамфир бўлиб яшаш инсон ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб келганлар... Оиласа тинчлик-тотувлик, ҳаловат кўп жиҳатдан aka-укаларнинг аҳилликларига боғлик. Одатда оғалар ўз иниларига яқин дўст, маслаҳатчи бўладилар, укалар ўз ўйлени топиб олгунча, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериб турадилар. Ўзбек одатларига кўра, катта ўғиллар ўз кийим-кечакларини, асбоб-анжомларини, қалам-довот, китоб-дафтар ва б. буюмларини авайлаб тутадилар. Чунки бу буюмлар ўзларидан кейин укаларга ўтади.

С. Оилавий анъаналар – оиланинг табиий ва ижтимоий эҳтиёжлари асосида вужудга келган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган, оила аъзолари маънавий шаклланишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-маданий ҳодиса. Оилавий анъана ... оила аъзолари эътироф этган тартиб ва коидалар мажмуаси ҳисобланади. Оила ичидаги яхши муносабатлар шахснинг ҳар томонлама шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Оилавий анъаналар бу муносабатларни янада мустаҳкамлайди ва болаларга уларнинг таъсирини кучайтиради. Улар маданият ва маънавий ҳаётни ривожлантиришда, авлодлар ворислигини таъминлашда, жамият ва шахснинг баркамол ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

2. Кичик гурухларда “Балик скелети” график органайзери ёрдамида замонавий оилаларга хос бўлган хусусиятларни аникланг.


Семинар топширикларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Талабалар матнлар билан танишиш жараёнида замонавий оилалар одатда ижтимоий, педагогик, психологик ва хуқуқий хусусиятларни акс эттиришини ёдда тутишлари керак. Тавсия этилган матнлар ўз моҳиятига кўра ижтимоий, педагогик ва психологик хусусиятларни намоён этади. Уларни аниклаш эса талабаларнинг зиммасига юклатилади.

2. Талабаларнинг кичик гурухларда ишлаш асосида замонавий оилаларга хос бўлган хусусиятларни аниклаштирад эканлар, “Балик скелети” график органайзеридан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Топширикни бажаришда талабаларнинг эътиборларига график органайзернинг қуидаги намунаси тақдим этилади:

«Qanday» organayzerini to'ldirish

Muhim muammoning yechimini topishga yordam beradi va
“Qanday” savoli orqali muammo hal qilinadi.



FSMU texnologiyasi

Ushbu texnologiya munozarali masalalarni hal etishda xamda o'quv jarayonini baxs-munozarali o'tkazishda qo'llaniladi, chunki bu texnologiya talabalarni o'z fikrini ximoya qilishga, erkin fikrlash va o'z fikrini boshqalarga o'tkazishga, ochiq xolda baxslashishga xamda shu bilan birga baxslashish madaniyatini o'ratadi. Tinglovchilarga tarqatilgan oddiy qog'ozga o'z fikrlarini aniq va qisqa xolatda ifoda etib, tasdiqlovchi dalillar yoki inkor etuvchi fikrlarni bayon etishga yordam beradi.

F – fikringizni bayon eting

S – fikringiz bayoniga sabab ko'rsating

M – ko'rsatgan sababingizni isbotlovchi dalil keltiring

U – fikringizni umumlashtiring

Jadvalni to'ldiring**I-guruh**

Savol	Zamonaviy oilalarining o'ziga xosliklari
(F) Fikringizni bayon eting	
(S) Fikringiz bayoniga sabab ko'rsating	
(M) Ko'rsatgan sababingizni isbotlovchi dalil keltiring	
(U) Fikringizni umumlashtiring	

Insert usulidan foydalanib ishlash qoidasi

1. Ma'ruza matnnini o'qib, matnnning chetiga quyidagi belgilarni qo'yib chiqing:

B – bilaman

+ - men uchun yangi ma'lumot

- - men bilgan ma'lumotni inkor qiladi

? – noaniq (aniqlashtirish talab qiladigan) qo'shimcha ma'lumot.

2. Olingan natijalarni jadval shaklida rasmiylashtiring.

Mavzu savollari	B	-	+	?
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				



8-семинар машғулоти мавзуси: ОИЛА ТАРБИЯСИННИГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

- Оилада ташкил этиладиган маънавий-ахлоқий тарбия.
- Оилада ақлий тарбияни ташкил этиш.
- Оилада болаларни меҳнатсеварлик ва эстетик руҳда тарбиялаш.
- Оилада жисмоний ва жинсий тарбияни ташкил этиш.
- Оилада экологик ва ҳуқуқий тарбияни йўлга кўйиш.
- Оиланинг болаларни иқтисодий муносабатларга тайёрлашдаги ўрни.

Таянч тушунчалар: тизим, оилавий мухит, маънавий-ахлоқий тарбия, оилада болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, оилада болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, оилада ташкил этиладиган эстетик тарбия, оилада жисмоний тарбияни ташкил этиш, оила шароитида болаларни иқтисодий муносабатларга тайёрлаш.

Назорат саволлари:

1. Оилада ташкил этиладиган маънавий-ахлоқий тарбиянинг максади нимадан иборат?
2. Ота-оналар оила шароитида ақлий тарбияни ташкил этишда нималарга эътиборни қарата олишлари лозим?
3. Сизнингча, болаларда меҳнатсеварлик хислатини шакллантириш осон кечадими?
4. Оилада болаларни эстетик руҳда тарбиялашда нималар эътиборга олиниши зозим?
5. Оила тарбияси негизида жинсий тарбия ва уни самарали ташкил ташкил этиш қанчалик мұхим?
6. Фарзандларнинг экологик онгга эга бўлишлари учун ота-она қандай йўл тутишлари зарур?
7. Оила мухитида болаларни хукукий саводхон килиб тарбиялаш мумкинми?
8. Оиланинг болаларни иқтисодий муносабатларга тайёрлашдаги ўрни қандай?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008.
2. O.Hasanboeva va b. Oila pedagogikasi. – Тошкент: “Aloqachi”, 2007.
3. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гурур / Ўкув қўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999.
4. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009.
5. Куронов М. Оила тарбияси. – Тошкент: Маънавият, 2007.

Семинар машгулоти топшириклари:

3. Оилада ташкил этиладиган тарбия йўналишларини акс эттирувчи тасвирини яратинг.
4. Кичик гурухларда оилада ташкил этиладиган тарбия йўналишларининг моҳиятини акс эттирувчи “Кичик эссе”ни яратинг.

Семинар машгулоти топширикларни бажариш

юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Талабалар оилада ташкил этиладиган тарбия йўналишларини акс эттирувчи тасвири шакллантиришда икки гуруҳда ишлайдилар. Ҳар

икки гурух томонидан яратилган тасвир мухокама қилиниши, улар орасидан оиласда ташкил этиладиган тарбия йўналишларини тўлик акс эттира олган тасвир танланади.

2. Кичик гурухларда оиласда ташкил этиладиган тарбия йўналишларининг моҳиятини акс эттирувчи “Кичик эссе”ни яратишда талабалар кичик гурухларда ишлайдилар. Ҳар бир кичик гурухга алоҳида-алоҳида топшириқ берилади. М: кичик гурухларга бериладиган топшириклар қўйидагича бўлиши мумкин:

T\P	Гурухлар	Топшириқ мазмуни
1.	1-гурух	Оиласдаги маънавий-ахлоқий тарбия
2.	2-гурух	Оиласдаги ақлий тарбия
3.	3-гурух	Оиласдаги меҳнат тарбияси
4.	4-гурух	Оиласдаги эстетик тарбия
5.	5-гурух	Оиласдаги жисмоний тарбия
6.	6-гурух	Оиласдаги жинсий тарбия
7.	7-гурух	Оиласдаги экологик тарбия
8.	8-гурух	Оиласдаги ҳуқуқий тарбия
9.	9-гурух	Оиласдаги иқтисодий тарбия

Семинар машғулоти мавзуси:

ОИЛА ТАРБИЯСИННИГ ШАКЛ МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ

1. Оила тарбиясини ташкил этишда қўлланиладиган асосий методлар.
2. Ижобий характерга эга айрим методларнинг моҳияти.
3. Салбий характерга эга айрим методларнинг моҳияти.
4. Талаб ва унинг тарбиявий таъсиричанлиги.

Таянч тушунчалар: метод, оила тарбия, оила тарбияси методлари, ижобий характерага эга методлар, салбий характерга эга методлар.

Назорат саволлари:

1. “Оила тарбияси методлари” тушунчаси кандай маънони англатади?
2. Оила тарбиясида асосан қандай методлар қўлланилади?
3. Ижобий характерга эга қандай методларни биласиз?
4. Оила тарбиясида қўлланиладиган салбий характердаги методлар билан танишмисиз?

5. Талабларнинг тарбиявий таъсирчанлиги нималарда акс этади?
6. Оила тарбиясида қўлланиладиган талабларни кандай гурухларга ажратиш мумкин?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008.
2. O.Hasanboeva va b. Oila pedagogikasi. – Тошкент: “Aloqachi”, 2007.
3. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гурур / Ўқув қўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999.
4. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009.
5. Куронов М. Оила тарбияси. – Тошкент: Маънавият, 2007.

Семинар машғулоти топшириклари:

1. Ўз ота-оналарингиз фаолияти мисолида оила тарбиясига қўлланилган ижобий ва салбий характердаги методлар рўйхатини тузинг.
2. “Т-жадвал” график органайзери ёрдамида ўзингизга маълум бўлган оила тарбиясида муайян методлар қўлланилишида уларнинг таъсирчанлигини оширувчи ва пасайтирувчи ҳолатларни таҳлил қилинг.
3. Оила тарбиясида фаол қўлланиловчи ижобий ва салбий талабларни ўзида акс эттирувчи буклет тайёрланг.

Амалий топшириқларни бажариш

юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Топшириқни бажаришда талабалар мустақил ишлайдилар. Машгулотда жамоа ўқитувчи раҳбарлигига ҳар бир талабанинг иши билан танишиб чиқади. Барча жавоблар ўрганилиб, оиласада энг кўп қўлланиладиган методлар умумлаштирилади. Шу асосида ўзбек оиласарининг тавсифи ҳақидаги маълумотга эга бўлинади.
2. Талабалар топшириқни кичик гурухларда бажарадилар. Ҳар бир гурух “Т-жадвал” график органайзери воситасида оила тарбиясида қўлланиладиган методлар таъсирчанлигини оширувчи ва пасайтирувчи ҳолатлар юзасидан ўз жавобларини ёритади. Жамоа гурухлар иши билан танишиб, энг яхши ишни аниклади.
3. Топшириқни бажаришда жамоа аъзолари икки гурухга бирлашган ҳолда ишлайдилар. Ўқитувчи гурухларга қўйидаги топшириқни беради:

T/P	Гурухлар	Топширик мавзуси
1.	1-гурӯх	Оила тарбиясида фаол қўлланиувчи ижобий талаблар
2.	2-гурӯх	Оила тарбиясида фаол қўлланиувчи салбий талаблар

Гурухнинг ҳар бир аъзоси ихтиёрий равишда бирор-бир методни танлайди ва унинг моҳиятини тўлиқ ёритишга ҳаракат қиласи. Шу асосида гурух аъзоларининг ўзаро ҳамжиҳатлигига яхлит буклет шакллантирилади. Ҳар бир гурухи ўзига берилган мавзу бўйича маълумотларни баён қилишда кўйидаги жадвал асосида иш кўриши мумкин:

1. Оила тарбиясида фаол қўлланиувчи ижобий талаблар

T\P	Методлар	Уларнинг моҳияти
1.	Илтимос	
2.	Ишонч билдириш	
3.	Маъкуллаш	
***	***	

2. Оила тарбиясида фаол қўлланиувчи салбий талаблар

№	Методлар	Уларнинг моҳияти
1.	Ишончсизлик	
2.	Дўк қилиш	
3.	Ўринсиз танқид	
***	***	

ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ МИЛЛИЙ ИФТИХОР ВА МИЛЛИЙ ГУРУР РУХИДА ТАРБИЯЛАШ

Режа:

1. Оилада болаларни миллий рухда тарбиялашнинг аҳамияти.
2. Оилада болаларни миллий рухда тарбиялаш йўллари.
3. Оилада миллий тарбия воситаларидан фойдаланиш.

Таянч тушунчалар: миллийлик, миллий тарбия, миллий рух, миллий ифтихор, миллий гуур, оилада болаларни миллий рухда тарбиялаш, миллий тарбия воситалари.

Назорат саволлари:

7. “Миллийлик” ва “миллий рухда тарбиялаш” тушунчалари қандай маънони англатади?
8. Оилада болаларни миллий рухда тарбиялаш қандай аҳамиятга эга?
9. Сизнингча, миллий гуур нима?
10. Баркамол шахс ўзида қандай сифатларни акс эттира олиши зарур?
11. Оилада болаларни миллий рухда тарбиялашнинг қандай йўллари мавжуд?
12. Оилада миллий тарбиянинг қандай воситаларидан фойдаланиш мумкин?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008.
2. O.Hasanboeva va b. Oila pedagogikasi. – Тошкент: “Aloqachi”, 2007.
3. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гуур / Ўқув қўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999.
4. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009.
5. Қуронов М. Оила тарбияси. – Тошкент: Маънавият, 2007.

Семинар машғулоти топшириклари:

1. “Кластер” методи ёрдамида жамоа бўлиб, баркамол авлод портретини яратинг.
2. Оилада болаларни миллий рухда тарбиялашнинг йўллари бўйича баҳс-мунозара ташкил этинг. Баҳс-муноазада илгари сурилган

төялар асосида оилада болаларни миллий рухда самарали тарбиялашга оид амалий тавсияларни ишлаб чиқинг.

3. “ФСМУ” стратегияси ёрдамида оилада болаларни миллий рухда самарали тарбиялашга хизмат килувчи воситалар ва уларнинг моҳиятини ёритинг.

Семинар машғулоти топширикларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Топширикни бажаришда талабалар жамоа бўлиб ишлайдилар. Ўқитувчи кластерлар ёрдамида баркамол авлод портретини яратишда академик гуруҳдаги ҳар бир талабанинг фаол бўлишини назорат қилиб бориши лозим. Портретни шакллантириш жараёнида талабалар томонидан билдирилган ҳар бир фикр инкор қилинмайди. Бироқ, портретнинг якуний вариантини таҳлил қилишда ўзаро ўхшаш ёки бир-бирини такрорловчи сифатлар олиб ташланиши мумкин.

2. Талабалар топширикни бажаришда мавзуга оид билимлари, ўз отоналарининг фаолиятлари ва тажрбаларига таянадилар. Ишлаб чиқилган амалий тавсияларнинг оиласвий тарбия самарадорлигини оширишдаги аҳамияти инобатга олиниши лозим.

3. Топширикни бажариш учун талабаларнинг эътиборларига оилада болаларни миллий рухда самарали тарбиялашга хизмат килувчи воситалар ва уларнинг моҳиятини қўйидаги жадвал тавсия этилади:

Т\Р	Воситалар	(Ф)	(С)	(М)	(У)
1.	Ота ёки онанинг сўзи				
2.	Ота ёки онанинг намунаси				
3.	Оила даврасидаги сухбат				
...					

Изоҳ: шартли белгилар қўйидаги мазмунни англатади:

(Ф) – фикрингизни баён этинг;

(С) – фикрингизни асословчи бирон сабабни кўрсатинг;

(М) – кўрсатилган сабабнинг асосли эканлигини исботловчи мисол келтиринг;

(У) – фикрингизни умумлаштиричиг!

Семинар машғулоти мавзуси: ОИЛАДА БОЛАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИНГ ПЕДАГОГИК- ПСИХОЛОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Режа:

1. “Мулокот” тушунчасининг моҳияти.
2. Оиладаги шахслараро мулокот услублари ва уларнинг ўзига хосликлари.
3. Оилада болалар билан мулокотни йўлга қўйишнинг ўзига хос педагогик-психологик жиҳатлари.

Таянч тушунчалар: мулокот, мулокот услублари, оиласвий муносабатларда қўлланиладиган мулокот услублари, оилада болалар билан мулокотни йўлга қўйиш, оилада болалар билан мулокотни йўлга қўйишнинг ўзига хос педагогик-психологик жиҳатлари.

Назорат саволлари:

1. Оиладаги шахслараро мулокот услублари изоҳлаб беринг
2. Оилада ота-онанинг болалар билан мулокотни йўлга қўйишини тушунтиринг.
3. Оилада ота-онанинг ўртасида мулокотнинг фарзанд тарбиясига таъсири?
4. Оилада мулокот психологияси?
5. Оила ота-онанинг педагогик билимларидан фойдаланишини изоҳланг.
6. Оиладаги шахслараро мулокот услублари қандай?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. O.Hasanboeva va b. Oila pedagogikasi. – Тошкент: “Aloqachi”, 2007. – 5-16-betlar.
2. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур / Ўқув қўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – 42-50-бетлар.
3. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 14-39-бетлар.
4. Куронов М. Оила тарбияси. – Тошкент: Маънавият, 2007.

Семинар машғулоти топшириклари:

1. Ушбу матн билан танишиб чиқинг ва унинг мазмунини таҳлил қилинг.

Субъектлар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёни сифатида мулокот (коммуникатив алоқа) чогида шахслараро муносабатлар юзага келади,

намоён бўлади ва шаклланади. Коммуникатив алоқа шахслараро муносабатлар чоғида уларнинг фикрлари, ҳис-туйғулари, ички кечинмалари ва бошқаларнинг алмашинишини назарда тутади. Бундай алоқа яхлит ҳолда коммуникатив фаоллик, мулокот чоғидаги ҳиссий таъсиrlаниш, ўз-ўзига бўлган коммуникатив ишонч, коммуникатив объектлар каби элементларни аниқлайди. Шахслараро муносабатлардаги мулокотнинг асосий манбалари – бу суҳбатдошларнинг тажрибалари, тафаккурлари, ҳаётий ёндашувлари, эътиқодлари ҳамда маҳсус илмий методларни ўзлаштира олганликлари саналади. Коммуникативлик асосида ички (бир) овозли коммуникациядан икки овозли коммуникацияга ўтиш ётади¹⁰⁸.

2. Кичик гурухларда “Тақдимот” стратегияси асосида қуида берилган мулокот турларининг оила тарбиясидаги аҳамиятини ёритинг.

- A. Ўзаро ижодий фаолиятга қизиқтирадиган мулокот.
- B. Ўзаро дўстона муносабатга асосланган мулокот.
- C. Муайян масофани сақлаган ҳолда ташкил этиладиган мулокот.
- D. Кўрқитиш, таҳдид қилишга асосланган мулокот.
- E. Ҳазил-мутойибага, юморга асосланган мулокот.

Семинар машғулоти топшириқларни бажариш юзасидан услубий курсатмалар:

1. Жамоа матн билан умумий ҳолда танишиб чиқади. Ўқитувчи матн мазмунини таҳлил қилишда талабаларнинг ўз билим ва шахсий тажрибаларига таяна олишлари, фикрларини далиллай олишлари ҳамда ўз фикрларини ҳимоя қилишларига эътибор қаратиши зарур.

2. Топшириқни бажаришда талабалар кичик гурухлар (5 та гурух)да ишлайдилар. Ҳар бир гурух алоҳида-алоҳида топшириқни бажаради. Ўқитувчи гурухларга қуидаги топшириқларни бериши мумкин.

T\P	Гурухлар	Топшириқлар мавзуси
1.	1-гурух	Ўзаро ижодий фаолиятга қизиқтирадиган мулокот.
2.	2-гурух	Ўзаро дўстона муносабатга асосланган мулокот.
3.	3-гурух	Муайян масофани сақлаган ҳолда ташкил этиладиган

¹⁰⁸ Общение и виды общения // <http://perevodovedcheskiv.academic.ru>

		мулокот.
4.	4-гурху	Күркитиши, таҳдид килишга асосланган мулокот.
5.	5-гурху	Ҳазил-мутойибага, юморга асосланган мулокот.

Гурухлар ўзларига берилган мавзу юзасидан топшириқни бажаришда ўз оиласари ёки ўзларига таниш бўлган оиласар мисолида фикрларини далиллар билан, шунингдек, оммавий ахборот воситалари материаллари асосида бойитишлари мумкин. Ўқитувчи эса бу борада талабаларга ўз ёрдамини таклиф эта олади.

Семинар машғулоти мавзу: ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИГИ РЕЖА:

- 1. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги концепцияси ва унинг моҳияти.**
- 2. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини амалга ошириш механизми.**
- 3. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига ташкил этиладиган педагогик фаолият мазмуни.**

Таяинч тушунчалар: оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган фаолияти, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги.

Назорат саволлари:

- Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги концепциясининг мақсади нимадан иборат?
- Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига қандай тамоиллар асосида йўлга кўйилади?
- Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига эришиш қандай боскичларда амалга оширилади?
- Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги қандай механизмга асосланади?
- Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида қандай тадбирлар уюштирилади?
- Оилаларга қандай ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатилади?

Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган янгиланишлар ва ўзгаришлар даври бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган улкан натижалар муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида танланган мустақил тараққиёт йўлининг порлоқ эканлигини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, изчил иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлаш, инсон хукук ва эркинликларини фаол ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш каби йўналишлар суверен давлатимизнингadolатли ва инсонпарвар ички сиёсатида доимий устувор бўлиб келаётганлигини, улар сирасида жамиятнинг маънавий юксалиши ва шахс маънавий камолотига берилаётган эътибор алоҳида ўрин эгаллашини тўла исботлади.

Ҳеч иккilanмай айтиш мумкинки, дунёдаги бирорта давлат эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти учун қайгуриш, уларнинг замон талабларига мос билим олиши, касб-хунар танлаши, қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилиши ва янада ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишда Ўзбекистонга тенглаша олмайди. Бу ҳакикатни бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ҳам чукур эътироф этганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Айни пайтда дунёда кечаетган глобаллашув жараёнлари барчамизга янги вазифалар юкламоқда. Шундай вазифалардан бири – ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан бирга юксак маънавият эгаси бўлиш ҳамда бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиган, инсоний кадр-кимматни эъзозлайдиган инсонлар қилиб тарбиялашдир.

Шундай экан, ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган инсонлар, яъни оиласда – ота-оналар, маҳаллада – қўни-қўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасасида – ўқитувчи ва мураббийлар келгуси авлод баркамоллиги йўлида ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодларимизга муносиб бўлишлари учун масъулдиirlар.

Ушбу шарафли ва масъулиятли ишларни амалга оширишда ўзаро чамбарчас боғлиқ уч омил – оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошкариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада

ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июнядаги 175-сонли карори билан “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чоратадбирлар мажмуаси тасдиқланди ва Халқ таълими вазирлиги хузурида Оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги Жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилди.

Асосий масала энди юқорида кўрсатилган дастурий хужжатларни ҳаётга тадбиқ этиш, уларнинг жойлардаги ижросига масъулият билан ёндашиш, барча масъул субъектлар – аввало оила, маҳалла, таълим муассасаларининг, шунингдек тегишли давлат органлари, бизнес вакиллари, нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг биргаликдаги ишини йўлга қўйиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги” конунида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсад қилиб қўйилган бўлиб, уни амалга оширишда жамоатчилик ташкилотлари, таълим муассасалари, хукукий-тарғибот органлари ҳамда ота-оналарнинг вазифалари, уларни ҳамкорликда амалга ошириш тизими яратилган.

Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига қуйидаги тамойиллар асосида йўлга қўйилади:

1. Таълим ва тарбия соҳасида ҳамкорлик жараёни иштирокчилари ҳаракатларининг иш бирлиги.
2. Тарбияланувчига ҳурмат ва талабнинг уйғуности.
3. Ҳамкорлик жараёни субъектларининг тенг хукуклилиги ва юксак масъулияти.
4. Фаолият жараёнида миллат ва давлат манфаатлари устуворлиги.
5. Ҳамкорликнинг илмий асосланганлиги.

Концепцияда ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига эришиш муайян босқичларда амалга оширилиши кўрсатилган. Улар қуйидагилардир:

1-босқич. Ёш ота-оналарга фарзанд ва унинг тарбияси ҳакида фалсафий, тиббий тушунчаларни бериш ва бу масалаларга тиббиёт ходимлари, обрўли хотин-кизларни, ота-оналарни жалб қилиб, “Ёш

оналар ва оталар мактаблари” фаолиятини йўлга кўйиш муҳим аҳамият касб этади.

2-босқич. Фарзанднинг мактабгача бўлган давридаги жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишини таъминлаш борасида уларга расм чизиш, воқеаларни баён қилиш, ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳарф таниш, кўшик айтиш ва рақс тушиш, турли ўйинларда онгли қатнашиш тушунчаларини сингдириш ва мустақил равишда билим олиш кўнинмаларини шакллантириш юзасидан мактабга тайёрлаш гурухлари, “Якшанбалик мактаблар” ишини ташкил қилиш.

3-босқич. Кичик ёшдаги (6-11 ёш) мактаб даврида болаларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий шаклланишини таъминлаш, унинг илк иқтидори, қизиқиши ва ақлий имкониятларини аниқлаш, ўз хатти-харакатларига жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, бўш вақтини тўғри ташкил қилишни ўргатиш, атроф-мухитга онгли муносабатда бўлиб, дўстлик, байналмилаллик, ватанпарварлик хислатларини шакллантириш.

4-босқич. Ўсмирларнинг (11-16 ёш) қизиқишини, билимга чанқоқлик ва ақл заковатини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаолиятга тортиш, жисмонан бақувват бўлишини таъминлаш, майший меҳнат фаолияти орқали турли касбларга йўналтириш, ўсмирлар гурухлари ва жамоатчилик орасида ўз ўрнини топа олишига кўмаклашиш, ўз хатти-харакатлари учун жамият, қонун ва ота-оналари олдида жавобгарлик туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаоллиги ва мустақил дунёқарашини юзага келтириш.

5-босқич. Ёшларни (16 ёш ва ундан юқори) дунё андозаларига мос билим олишлари, касб танлашлари, мустақил ҳаётга тайёргарликларини таъминлаш. Уларнинг имкониятлари даражасида таълим олишларига, танлаган касблари бўйича иш билан таъминланишларига, иқтисодий мустақил бўлишларига шарт-шароит яратиш. Ватан, Давлат ва жамият олдидаги фуқаролик бурчларини адо этишга жавобгарлик ҳиссини тўла шакллантириш, мустақил оила қуришга тайёрлаш.

Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялашда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини таъминлаш самараларининг гаровидир. Бу борада ҳукумат томонидан амалга оширилаётган устивор йўналишлар куйидагилардан иборатdir:

- оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини таъминлашнинг

- хукукий базасини такомиллаштириш, ҳамкорликнинг кучайишига қаратилган услубий таъминотни мустаҳкамлаш;
- оиласда ёшлар ва ота-оналарнинг ижтимоий фаолтигини ошириш; ўкувчи ёшларга таълим бериш, уларни тарбиялаш, иктидорли ёшларни кўллаб-кувватлаш, уларни қизиқишилари бўйича қасбга йўналтириш;
 - ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-кувватлаш;
 - вояга етмаган ўсмиirlар ва ёшлар ўртасида хукуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш;
 - ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини таргигб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш орқали соглом оиласга тайёрлаш;
 - баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни мазмунан такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш механизмини яратиш;
 - соғлом авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот коммуникатсия технологияларидан самарали фойдаланиш.

Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини амалга ошириш механизми. Ўзаро ҳамкорлик ишларини бошқариш учун жойларда ўз таркибига маҳаллалар фаоллари, обрўли ота-оналардан, ўкув-тарбия муассасаларининг тажрибали ходимларидан, маҳалла ҳудудида жойлашган турли ташкилотларнинг вакилларидан иборат мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгашлари тузилади. Жамоатчилик кенгашининг зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, унинг таркибида турли йўналишларда фаолият кўрсатадиган кичик ташаббускор гурухлар шакллантирилади.

Жамоатчилик кенгashi муайян муддатга мўлжалланган иш дастурига эга бўлади. Мазкур дастур маҳалла Фукаролар йигинининг йигилишида расман тасдиқланиши зарур. Дастурда кўрсатилган тадбирлар режаси давра сухбатлари, муайян мавзу ёки муаммога бағишлиланган кенгаш (мажлис)лар, анжуманлар, маҳалла аҳолисини бирлаштирувчи, уларни соғлом турмуш тарзига етакловчи кўрик-танловлар, мусобақалар,

беллашувлар, учрашувлар ва турли саналарга багишиланган анжуман ёки тантаналардан ташкил топиши мумкин.

Белгиланган тартибга кўра жамоатчилик кенгаши ўз фаолияти тўғрисида маҳалла ахлига ҳар чоракда бир маротаба ҳисбот бериб боради. Зарурат бўлганда ўқув-тарбия муассасалари, маҳалла фаоллари, маҳалла ҳудудида жойлашган ташкилот, корхона ва идораларнинг таълим-тарбия юзасидан олиб борилаётган ишлари тўғрисида ҳисботларини тинглаб, уларга амалий ва назарий ёрдам кўрсатади.

Кенгаш маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи, ўз фарзандлари тарбиясига бефарқ ота-оналарга нисбатан давлат бошқарув идоралари, хукукни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда турли маъмурий чораларни қўллаш хукукига эга. Унинг ташаббуси билан долзарб мавзуларда фавқулодда маҳалла йигинлари, ўқув-тарбия муассасаларининг педагогик кенгашлари ёки бошқа зарур тадбирлар ташкил этилиши мумкин. Кенгаш маҳалла ҳудудида ўзбек миллий тарбия анъаналарини тиклаш, турли маданий тадбирлар ўтказиш, болалар ва катталарнинг бўш вактларини ташкил этиш борасидаги фаолиятни, шунингдек, мактаблар, ўйингоҳлар, маданият муассасалари, спорт иншоотлари, ўсмиirlар клублари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар ишини мувофиқлаштиради.

Ўз ваколатига кўра Кенгаш маҳалла ҳудудида ташкил этилган тадбирлар мазмуни ва самарадорлигини таҳлил қиласди, улар юзасидан услубий маслаҳатлар тайёрлаб, бу ҳакида оммавий ахборот воситаларида хабарлар бериб боради. Кенгаш ёш авлодни тарбиялашда маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги борасидаги масала ва муаммоларни маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасалари, ташкилот ва идоралари иши режалаштирилиши ва амалиёт дастурларига киритилишида улар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликка эришишни таъминлайди.

Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигига ташкил этиладиган педагогик фаолият мазмуни. Оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган ушбу устивор масалалар мазмуни қўйидаги самарали фаолият шакл, метод ва воситаларни амалиётга татбиқ этишни тақоза этади.

Маҳаллада ва таълим муассасаларида қолаверса, меҳнат жамоаларидаги ёшлар ўртасида ватанпарварлик тўйғуси ва мамлакатда

рўй бераётган воқеаларга даҳлдорлик хиссини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ўтказиш тартиби, намунавий сценарий ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, жумладан:

- давлат байроғи, мадхияси ва бошқа давлат рамзларига ҳурмат туйгусини тарбиялаш билан бөглиқ тадбирлар;
- ўкувчилик, талабалик ва меҳнат жамоалари сафига тантанали равишда қабул қилиш маросимларини ўтказиш;
- умумий байрамлар, ижтимоий ҳаётимизни ўзида акс эттирган тадбирларни ва бошқалар соглом авлодни шакллантиришнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлашнинг муҳим негизи ҳисобланади.

Шунингдек, ёшларнинг психологик хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда, педагоглар, психологлар ва ҳуқуқшунослар ҳамкорлигига мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган содда, равон тилда баён қилинган ҳуқуқий ахборотларни ўз ичига олган буклет, қонунларга шарҳ, маълумотнома ва тарқатма материаллар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бу борадаги ҳамкорликни методик таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Соғлом авлодни шакллантиришда юкорида кўрсатилган йўналишларда олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг замонавий шаклларидан кўрик танлов, семинар-тренинг, савол-жавоб кечаси, ўкув семинари, баҳс-мунозара, учрашув, рейд, давра сұхбати, мулокот, илмий-амалий конференция, спорт мусобақалари, китоблар акцияси, тақдимот, шеърхонлик кечаси, дўстлик фестивали ва бошқалардан фойдаланиш уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда, соглом оиласа тайёрлашда, соглом турмуш маданиятини шакиллантиришда самарадорликнинг гаровидир.

Ўзаро ҳамкорлик дастури асосида ўтказиладиган мазкур тарбиявий тадбирлар ота-оналар, тарбиячи ота-оналар ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигига ёшларнинг ёш ва психологик хусусиятларини, ижтимоий турмуш тарзини, оиласи шароитини, имкониятларини, кизиқишиларини ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда ташкил этилган тақдирдагина у ўзининг ижобий самарасини бериши табиийдир.

Соғлом авлодни тарбиялаш ва шакиллантиришда жамиятдаги барча институтларнинг ёшлар таълими ва тарбияси билан шугулланувчи

мутассадиларининг педагогик, психологик, тиббий билимга эга бўлишлари давр талабидир.

Оилаларга кўрсатиладиган ижтимоий-педагогик ёрдам. Алоҳида ижтимоий институт сифатида оила ўзининг тарбия услуби, тажрибасига эга. Бироқ, бугунгидек, тезкор даврда ота-оналарнинг барчаси ҳам етарли даражада педагогик билимларга эга эмаслар. Бу эса ўз-ўзидан таълим муассасалари томонидан оилаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатилишини тақозо этади.

Ижтимоий-педагогик жиҳатдан оилаларга кўрсатиладиган ёрдам уч асосий хусусиятга эга бўлади. Яъни: 1) таълимий – таълим бериш ва тарбиялаш; 2) психологик – руҳий жиҳатдан қўллаб қувватлаш, руҳий зўриқишиларни бартараф этиш ва қайта тиклаш; 3) воситачилик – ташкил этиш, таълим ва тарбияда юзага келувчи муаммоларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш орқали бола хулк-авторидаги оғишларни ёки физиологик нуқсонларни бартараф этиш ҳамда зарур ахборотлар билан таъминлаш.

Назорат саволлари:

1. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги концепциясининг мақсади нимадан иборат?
2. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига қандай тамойиллар асосида йўлга қўйилади?
3. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига эришиш қандай босқичларда амалга оширилади?
4. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги қандай механизмга асосланади?
5. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида қандай тадбирлар уюштирилади?
6. Оилаларга қандай ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатилади?

**Семинар машғулоти мавзу: ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА ТАЪЛИМ
МУАССАСАСИ ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИГИДА
ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ
РЕЖА:**

1. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигида ёшларни оиласга тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари.
2. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ижтимоий ҳамкорлигида ёшларни оиласга тайёрлашнинг бугунги кундаги холати.
3. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигида ёшларни оиласга тайёрлашнинг педагогик мазмуни.

Таянч тушунчалар: оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган фаолияти, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги.

Ёшларни оиласга тайёрлашнинг ҳуқуқий асослар, ҳуқуқий таълим ва самарадорлик Бутун дунёда оила институти инқизозининг салбий кўринишлари, никохларнинг баркарор эмаслиги, оиласга ажримлар сонининг ортиши, никоҳсиз болалар туғилишининг кўпайиши, фарзанд тарбиясига зътиборсизлик ҳамда кексаларга нисбатан беписанд муносабатда бўлиш авж олмоқда. Бундай вазиятда бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш борасида зарурый чора тадбирларни кўриш мухимdir. Шунинг учун ҳам оила институтини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш, “Оила-муқаддас”, “Соғлом оила – соғлом жамият”, “Оила – жамият ва давлат ҳимоясида”, “Фаровон оила – жамият равнақининг асоси” концептуал ғояларини никохланувчиларнинг онгига сингдириш ва татбиқ этиш давлатлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Зоро, давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам оила саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оиласлар сонини камайтириш, жамиятда оила асосларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ёш оиласлар учун муносиб уй-жой ва ижтимоиймашиб шароитларни яратиш каби вазифалар белгилаб берилган¹. Бунинг учун жамият ва оиласда соглом ҳамда баркарор ижтимоий-маънавий мухит

ҳамда тинчлик, тутувлик ва осойишталикини таъминлашнинг ташкилийхуқукий механизmlарини тубдан ислоҳ қилиш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзили кўмаклашишни ташкил этиш, хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш каби қатор устувор вазифалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур вазифалар қаторида, аввало, ҳуқукий асослар ва норматив ҳуқукий базани такомиллаштириб бориш муҳимдир. Сўнгги 2 йил ичида оила институтини мустаҳкамлаш, аёллар, ва ёшларга оид муаммоларни энг қуий погонада, яъни маҳалладан бошлаб манзили аниқлаш ҳамда ҳал этиш нуқтаи назаридан бир қатор Президент ва ҳукумат қарорлари эълон килиниб ҳаётга жорий этилмоқда. Оила мезонларини ҳаётга жорий этиш, маҳаллалар ва оилаларда соғлом ва барқарор ижтимоиймаънавий мухит ҳамда тинчлик, тутувлик ва осойишталикини таъминлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чораларини кўриш, шу жумладан, оилаларда умуминсоний ва миллий қадриятларни мустаҳкамлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланган. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул килинган 2020 йил 31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820-сонли Қарори юкоридаги чоратадбирларнинг мантикий ва узвий давомидир. Ушбу қарор нафакат ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ҳуқукий асоси бўлибгина қолмай балки, жамиятимизда оила муносабатларида янги бир давр учун дебочадир. Ҳўш, ёшларни никоҳга тайёрлашнинг бирор мезонлари мавжудми? Агар курслар ташкил этилса улар қандай бўлиши керак? Илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлаш кўйидаги асосий жиҳатларни ўз ичига олиши керак:

1. Никоҳ ва оилавий муносабатлар ҳамда демография соҳасидаги давлат сиёсатини очиб берувчи ижтимоий, шунингдек, никоҳ ва оилавий муносабатларнинг ижтимоий табиити, оиланинг мақсади, оилавий қадриятлар ва эр-хотин ҳамда ота-оналарнинг ижтимоий роллари тўғрисидаги маълумотларни камраб олиши керак.
2. Ахлоқий фазилатларни тарбиялаш: бошқа жинс вакилларига нисбатан ҳурмат; онага, отага, кексаларга ва ўсмирларга ҳурмат; болаларни тарбиялаш зарурати; масъулият, садоқат, ҳалоллик,

дадиллик, меҳрибонлик, турмуш ўртоғи, оиласи, болалари учун мажбурият хисси; самимий түйгулар маданияти.

3. Ҳукукий билимлар яъни никоҳ ва оилага оид қонунчилик асослари билан танишишга қаратилган бўлиши; оила ҳукукининг энг муҳим қоидалари билан; эр-хотиннинг бир-бирига, болаларга, жамиятга нисбатан мажбуриятлари билан танишган бўлиши зарур.

4. Психологик, шахсий ривожланиш ҳакидаги тушунчаларни шакллантириш; ёшларнинг ўзаро муносабатлари психологиясининг ўзига хос ҳусусиятлари ҳакида; никоҳ ва оилавий ҳаётнинг психологияк асослари, бошқа одамларнинг психологиясини тушуниш қобилияти ҳакида; оилавий ва оилавий ҳаёт учун зарур бўлган ҳис-түйгуларни ривожлантириш; муомала қилиш қобилиятлари. 5. Физиологик ва гигиеник, жумладан, эркак ва аёл организмларнинг физиологик ҳусусиятларини билиш; жинсий ҳаёт ҳусусиятлари, шахсий гигиена масалалари ва бошқалар.

6. Педагогик, жумладан, фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни, унинг педагогик салоҳияти, оила тарбиясининг ўзига хос ҳусусиятлари, ота-онанинг тарбиявий вазифалари ва ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш йўллари ҳакидаги ғояларни шакллантириш.

7. Иқтисодий ва молиявий: оила бюджети, кундалик турмуш маданияти, рўзгор юритиш қобилияти ва бошқалар ҳакидаги билимлар билан қуроллантириш. Шу жиҳатдан Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларида 6 та йўналиш бўйича никоҳланувчиларни тайёрлаш мазмуни танланган. Булар: – оилавий ҳукукий муносабатлар; – оилавий турмуш психологияси; – репродуктив саломатлик асослари; – иқтисод ва оила бюджети; – ота-оналий ижобий кўнкимлари; – маънавий-аҳлоқий қадриятлар. Никоҳланувчи шахсларни оилавий ҳукукий муносабатлар бўйича тизимли тайёрлаш ҳамда уларнинг ҳукукий саводхонлигини ошириш борасида биринчи йўналиш сифатида “Оилавий ҳукукий муносабатлар” бўйича ўқитиш жорий қилинмоқда. Нима учун оилавий ҳукукий муносабатлар биринчи ўринда? Чунки никоҳланувчилар янги ҳукукий мақом остонасида турганликларини, улар эр ёки хотин деган мақомни олгач зиммаларида Қонун томонидан юкланаётган ҳукуқ ва мажбуриятларини англаб етишлари лозим. Агар никоҳланувчилар маъсулиятни ҳис қилиб конун юклётган мақомни қабул қиласалар оилавий психология, саломатлик, иқтисод ва оила

бюджети, маънавий аҳлоқий қадриятлар ҳам кутилаётган даражада ўз самарасини бериб, Қарорда кўзланган фаровон оила концепциясига эришсак бўлади. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг хукукий асослари бўлиб, асосий қонунимиз ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4 оиласига бағишиланган XIV бобининг 63-66-моддаларини барча оилавий хукукий муносабатларнинг асоси сифатида қайд этиш лозим бўлади. Жумладан, 63- моддада, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хукуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг хукуқилилиги асосланади. 64-моддада, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар бокиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни бокиш, тарбиялаш ва ўқитишини таъминлайди, болаларга бағишиланган хайрия фаолиятларни рагбатлантиради. 65-моддада, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан катъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. 66-модда бўйича эса, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз отаоналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Ушбу тизимнинг ёш никоҳланувчилар билан алоқадорлиги шундаки, никоҳланувчилар мактабда ва олий таълим тизимида олган билимлари базасига асосланиб оилавий хукукий муносабатларнинг конкрет, муҳим жиҳатлари билан бойитади. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси никоҳланувчиларни оилавий ҳаётта тайёрлашнинг хукукий асосларидан бири ҳисобланади. Оила кодекси билан тартибга солинган никоҳ, эр-хотиннинг хукуқ ва мажбуриятлари, никоҳни тугатилиши, ота-она ва вояга етмаган болаларнинг хукуқ ва мажбуриятлари, алимент мажбуриятлари каби оилавий хукукий институтлар ёш оила кураётган никоҳланувчиларнинг хукукий онг ва маданиятини оширишда аҳамиятлидир. Зоро, Оила Кодексининг I-моддасида Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустахкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бирбирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида куришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз хукукларини тўскинилксиз амалга оширишини ҳамда бу хукукларнинг ҳимоя

килинишини таъминлашдан иборатдир. Никохланувчилар учун бу каби 5 тушунчаларни англаш ва янги ҳаёт арафасида турганиларидаёқ ҳукуқ ва мажбуриятларидан қандай фойдаланиш ва тўғри қандай ўз ҳукукларини ҳимоя кила олишлари мухим. Ҳукумат томонидан йўлга қўйилган белул курслар оиласи мустаҳкамлашга, шунингдек, оила билан боғлиқ салбий ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилишга қаратилган. Белорусияда эса 10- 11 синф ўқувчилари учун “Ўқувчиларни оиласи ҳаётга тайёрлаш” факультатив машгулотлар ўқув дастури фаолияти йўлга қўйилиб, ўқувчиларда оила ва никоҳ институтларига нисбатан олий муносабатини шакллантиришга қаратилган. Бу эса уларда тенгдошлари ва якинлари билан ўзаро муносабатлари, шу билан бирга, келгусида оиласи ҳаётда фаол позициясини шакллантиришга хизмат қилади. Бу каби чора тадбирлар Россия Федерациясида ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур давлатларнинг ажралишлар ва оиласидаги зўравонликлар, фарзандлар ҳукукларининг бузулиши бўйича юкори погоналарни эгалламоқда. Ривожланган мамлакатлар АҚШ, Буюк Британия, Германияда ҳам маҳсус курслар, мактабларда фанлар ҳам жорий килинган. Сингапурнинг “Ижтимоий муносабатлар ва оиласи ривожлантириш Вазирлиги” веб тармоғи оркали никохланувчиларга никоҳ таълими дастурларини ташкил этиб уларни оиласи ҳаётлари давомида ҳам кўллаб-кувватлаб келади. Ушбу таълим дастурлари қуидагилар: – муносабатларни мустаҳкамлаш дастури; – фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларида никоҳга тайёрлаш дастурлари; – Сингапур фуқаролари учун никоҳ дастурлари ва чет элликлар билан оила қураётган жуфтлар учун дастурлар; – мусулмон бўлган жуфтликлар учун никоҳга тайёрлаш дастурлари; – вояга етмаганлар учун мажбурий никоҳ дастурлари; – никоҳгача маслаҳат хизматлари киритилган. Ушбу давлат тажрибасига кўра, кисқа курслар билан чекланмасдан, талабгорлар учун узлуксиз тарзда давом эттирилади. Демак, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, хорижий тажрибада узлуксиз ташкил этилган оиласи ҳаётга тайёр бўлиш ва оиласи ҳаёт даврида ҳам зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлиш мухим. Хулоса ўрнида, ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлашни комплекслилиги ва узвийлигини таъминлаш мухимдир. Бунда сертификат олган оиласаларнинг 3 йиллик, 5 йиллик, 7 йиллик оиласи

турмушларидаги ўзгаришларни маҳаллабай тарзда мониторинг ва кузатувини давом эттириш максадга мувофиқ. Ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлаш марказларининг ҳакикий самара бериши, келажакда оиласи ажралишларнинг олди олинишида мухимдир.

Назорат саволлари:

1. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига ёшларни оиласи тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари?
2. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ижтимоий ҳамкорлигига ёшларни оиласи тайёрлашнинг бугунги кундаги холат нималардан иборат?
3. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигига ёшларни оиласи тайёрлашнинг педагогик мазмуни?
4. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги қандай механизмга асосланади?
5. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида қандай тадбирлар уюштирилади?
6. Оилаларга қандай ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатилади?

Семинар машғулоти мавзу:

ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

РЕЖА:

1. Гендер тенгликнинг ҳуқуқий асослари
2. Таълим тарбия олиш жараёнида гендер тенглик масалалари
3. Мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида тенглик масалалари

Таяинч тушунчалар: гендер, тенглик, йигит, кизлар, оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим, тарбия, ижтимоий, маданий, ҳаёт.

Мамлакатимизда сўнгги тўрт йилда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш, шунингдек, хотин-қизларни тазыйик ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг

жамиятдаги ролини оширишди, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ташкил этилди. Бу эса мамлакатимизда гендер тенглик борасида катор ривожланишларни олиб келди. Гендер стратегияси доирасида гендер тенглик тушунчаси жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёsat, иктисодиёт, хукуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт муносабатларида хотин-қизлар ва эркакларнинг хукуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини англатади. Сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг хукуқ ва имкониятларни таъминлаш, хотин-қизларни тазиик ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш масалалари бўйича мустаҳкам хукукий асослар яратилганлиги ҳам хотин қизларимиз учун катта имкониятлардан бири бўлиб хизмат қиласи.

Гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, парламент юқори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгашлари, Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Ислоҳотларнинг барча босқичларида Ўзбекистонда олиб борилётган ижтимоий-иктисодий сиёсат кенг қамровли масалаларни ўз ичига олади. Аҳоли даромадларини тизимли равишда ошириб бориш, бандлик ва меҳнат муносабатларини шакллантириш, аҳолининг айrim тоифаларини, шу жумладан тадбиркор ва фермер хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўшимча кафолатлар берилди.

Хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш амалиёти йўлга қўйилди. Республиканинг чекка худудларини ривожлантариш, қишлоқларни ободонлаштириш, қишлоқларда яшовчи хотин-қизларнинг иктисодий фаоллигини қўллаб-

кувватлаш оркали камбагалликни қискартиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида 1,5 миллиондан ортиқ хотин-қизлар меҳнат килади. Гендер тенгликини рағбатлантириш ва унга эришиш учун оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳам мухим аҳамият қасб этади. Замонавий ижтимоий ва сиёсий фаол хотин-қизлар имиджини акс эттирувчи, хотин-қизлар ва эркаклар учун яратилган имкониятларни ёритувчи радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар сони кўпайди.

Таълимда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида кескин тафовутлар кузатилиши, бугунги кунда умумий ўрта таълим ўқитувчиларининг 70 фоиздан ортигини аёллар ташкил этмоқда.

Таълимнинг педагогика ва гуманитар фанлар (филология, педагогика, психология, маданият ва санъат) йўналишларида таҳсил олаётган хотин-қизлар улуши 68 фоизни ташкил этса, мұхандис-техник (ахборот технологиялари, энергетика, инженерия) ва хукукшунослик соҳаларида уларнинг улуши ҳамон камлигича қолмоқда.

Республика ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларида соғликтин саклаш хизматлари сифатининг пастлиги, хусусий тиббий хизматларнинг ривожланмаганлиги, эр ва хотин ўртасида оиласи режалаштириш бўйича тиббий маданиятнинг етарли эмаслиги оналар ва гўдаклар ўлимларининг сакланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Гендер стратегиясининг мақсади ва вазифалари

Гендер стратегиясининг асосий мақсади — ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавкеидан қатъий назар хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашдан иборат. Гендер стратегиясининг асосий вазифалари куйидагилар ҳисобланади: жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёsat, иқтисодиёт, хуқук, маданият, таълим, илм-фан ҳамда спорт муносабатларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг иштирок этишларини кўллаб-кувватлаш, қарор қабул килишда уларнинг етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни яратиш. Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ салбий қарашларни ўзгартириш мухим аҳамиятга эга.

аҳоли бандлиги соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун кафолатланган тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни, шунингдек, муносиб иш ўринларини яратиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларнинг тижорат банкларидан кредит олишга бўлган имкониятларини кенгайтириш;

хотин-қизлар ва эркакларни бутун умри давомида ўқишига бўлган имкониятларини рағбатлантириш, уларнинг оилани режалаштириш борасидаги тиббий маданиятини ошириш ва репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини юксалтириш; гендер тенглик тамойилларини илгари суришда, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини тенг амалга оширишда бюджетни режалаштириш, гендер масалаларини бюджет жараёнларига интеграциялаш, гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш; гендер тенглик, аёллар тадбиркорлиги, хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, хотин-қизлар ва эркакларни бутун умр давомида ўқишига бўлган имкониятларини рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизларни олий таълим билан камраб олинишини кенгайтириш;

хотин-қизларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган дастурий ишланмаларини, инновацион гояларини, ихтирочилик, рационализаторлик фаолиятини қўллаб-куvvatlash; ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, нотинч оиласардан бўлган хотин-қизларни таълим олишига кўмаклашиш ва уларни касбга йўналтириш;

мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, соғлиқни саклаш ҳамда эркаклар улуши кам бўлган бошқа соҳаларга аёллар билан тенг равиша эркакларни жалб қилишга доир фаолиятни кўллаб-кувватлаш;

хотин-қизлар ва эркакларнинг оилани режалаштириш борасидаги тиббий маданиятини ошириш, зарур ахборот ва хизматларга эркин ҳамда тенг равиша эга бўлишини таъминлаш, оилани режалаштиришда уларнинг шахсий ҳаётига учинчи шахсларнинг аралashiшига йўл кўймасликни кўллаб-кувватлаш;

худудларда, айниқса қишлоқ жойларида хотин-қизлар ва эркакларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оилаларни кўллаб-кувватлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини юксалтириш;

ижтимоий аҳамиятли ва юқумли касалликларга дучор бўлган беморларни кўллаб-кувватлаш;

таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни саклаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилиш, бу борада илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни кўллаб-кувватлаш;

хотин-қизлар ва эркакларнинг тиббий маданиятини ошириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, яқин кариндошлар ўртасидаги никоҳларни олдини олиш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш.

Тазиқ ва зўравонликнинг олдини олишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

Тазиқ ва зўравонликнинг олдини олишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш максадида куйидаги тадбиirlарни амалга ошириш зарур:

тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат ҳисобидан молиялаштириш. Тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни кўллаб-кувватлаш, уларнинг хавфсизлигини,

жисмоний ва рухий реабилитациясини ҳамда мослашувини таъминлашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазийик ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда улар билан ўзаро муносабатлар маданиятини юксалтириш бўйича мулкчилик шаклларидан қатъи назар барча идора ва ташкилотларда профилактика тадбирларини ўtkазиш хотин қизлвrimiz учун ахамиятли.

Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш

Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида қўйидаги тадбирларни амалга ошириш зарурияти туғилмовда.

Оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда барча оила аъзоларининг масъуллигини ошириш, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймаслик бўйича амалдаги механизmlарни такомиллаштириш зарур. Оилалардаги эрта никоҳ, яқин кариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта тугрук, оилавий ажralишларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларини таҳлил қилиш, бу борада илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни кўллаб-қувватлаш лозим.

Асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлар, ижобий урғодатлар ва анъаналар асосида оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий ажralишларнинг олдини олишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ хисобланади. Оилавий муносабатларда хотин-қизлар ва эркакларнинг ўрни ҳакида жамиятда шаклланган салбий қарашларни ўзгартириш, бу борада оммавий ахборот воситалари иштирокида тарғибот-ташвиқот ишларини кўллаб-қувватлаш.

Оилавий ҳаётга оид муаммолар, психологик-педагогик, ҳуқуқий ва бошқа масалалар юзасидан хотин-қизлар ва эркаклар учун маслаҳатлар бериш тизимини янада такомиллаштириш мухим

ахамиятга эга. Хотин-қизлар ва эркакларнинг оиласвий муносабатлардаги хукуклари, эркинликлари ва мажбуриятлари тұгрисида ахборот-маърифий фаолият самарадорлигини ошириш мухим ахамиятга эга.

Назорат саволлари:

1. Гендер тенгликнинг хукукий асослари нималардан иборат?
2. Таълим тарбия олиш жараёнида гендер тенглик масалалари?
3. Мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ҳәётида тенглик масалалари?
4. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги қандай механизмга асосланади?
5. Гендер тенглик масаласининг кириб келишининг тарихий асослари?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги Концепцияси. – Тошкент: РТМ, 1993.
2. Иномова М.О. Оиласда болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 1999.
3. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. – Тошкент: Үқитувчи, 1994.
4. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Үқитувчи, 1996.
5. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур / Үқув күлл. – Тошкент: Үқитувчи, 1999.
6. Тұраева О. Оиласвий ҳаёт этикаси ва психологияси. – Тошкент: Үқитувчи, 1990.

**Семинар машғулоти мавзу: ОИЛА ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ВА
УМУМИНСОНИЙ АХЛОҚИЙ МАДВНИЯТНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ
РЕЖА:**

4. Оила тарбиясида ахлоқий маданиятни шакллантириш.
5. Шахснинг юксак фазилатлари-ахлоқий маданият.
6. Муомала одоби-ахлоқий маданиятнинг муҳим элементи.

Таянч тушунчалар: оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган фаолияти, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги, ахлоқ, маданият.

Оила тарбиясида миллий ва умумисоний ахлоқий маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги Жамиятнинг мазмуни, тузилишини тўлиқ англамай туриб унинг негизини ташкил этувчи оиласнинг моҳиятини тушуниб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, жамиятда оиласнинг тутган ўрни, структуравий элементлари, оиласдаги руҳий жараёнларнинг бошка шакллари билан ўзаро алоқадорлиги ҳамда ахлоқий таълим-тарбиянинг унга таъсири билан боғлиқ масалалар Х.К. Каримов, Ф.Р. Рузиколов, Н. Салаева, Ш.Ш. Жўраева, Г.Т. Ядгарова, М.М. Умарова, М.С. Салаева, М.Х. Файзиева, Н.Х. Лутфуллаева, Р.А. Умурзакова, Ю.Ғ. Салимов, М. Ризаева каби олимларнинг тадқиқотлари атрофлича ўрганилган. Шунингдек, М. Халматова, С.Ж. Турсунова, Н.З. Сайдалиева каби олимларнинг илмий ишлари оиласнинг ижтимоий ва маънавий-маърифий омиллар таъсири масаласини ўрганишда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқотларда қайд этилишича, оила билан боғлиқ бўлган барча масалалар кишилар турмуш тарзи таркибига киради. Аммо, оила жамиятнинг кичик ячейкаси сифатида маҳсус фалсафий тадқиқотга муҳтождир. Яъни, оиласда ўзаро ҳурмат, иззат, муҳаббат мавжудлиги ҳамда ижобий хусусиятларнинг баркарорлиги ахлоқий маданиятнинг пойдеворидир. Оилавий муносабатларни тўғри шакллантириш, уларни мавжуд шароитга мослаш, салбий ҳолатлар юз берганда эса, уларни босиқлик ва чуқур мулоҳазалар билан бартараф этиш ҳоллари, табиий равишда ёшлар маънавий-ахлоқий маданиятида муҳим ўрин тутади. Юқоридаги параграфда қайд этилганидек, миллий ва умумисоний ахлоқий маданият жаҳондаги барча халкларнинг

табиати, урф-одати, иродаси, ўзига хослиги, орзу-интилишларини ифодалар экан, улар ўртасида ўзаро диалектик муштараклик бўлиши шубҳасиздир. Том маънодаги миллийлик ҳамиша умуминсоний мазмун касб этади, умуминсоний мазмунда эса, миллийлик намоён бўлиши шубҳасиз. Бу тамойилга кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин. Айтайлик, бизга нотаниш бўлган бирор ҳалқнинг фольклор-этнографик дастаси концерт бериб қолса, уни ижро этётган аёл ва эркак иштирокчининг ҳар бир хатти-ҳаракати, қилиги, сўзи, кийиниши, мусиқаси ҳамда унга монанд раксларидан шу ҳалққа хос хусусиятларни пайкашга, шу билан унинг маданий савия-даражаси, қиёфасини англаб олишга интиlamиз. Биз томоша қилаётган ҳалқ ракс ижодида шу ҳалқнинг анъаналари, ворислик белгилари, менталитети ҳам акс этадики, улар миллий мазмунни ифодалайди. Айни чоғда, мазкур ракс санъатининг бошқа ҳалқлар раксига ўхашлиги, уйғунлиги, мақсадлар муштараклигига умуминсоний мазмун намоён бўлади, дейиш мумкин. Худди шунга ўхаш, миллий ва умуминсоний ахлоқий маданият тамойиллари оила тарбияси билан ҳамиша уйғундир. Чунки маданият – эр-хотинлик, оиласлий муносабатларга одамлар маънавий турмушининг бутун тўлалигини бахш этади, оила аъзоларининг бир-бири билан ва оиласлининг жамият билан руҳий-маънавий алоқаларини янада кўпайтиради, ниҳоят ички оиласлий муносабатларни ҳал этишнинг энг мақбул нусхаларини танлаб олиш имконини беради. Ахлоқий маданиятнинг ана шу кучли яратувчилик, доимо янгиланиб борувчи ҳаётбахш таъсирини миллат ёки ҳалқ билан чегаралаб бўлмайди. Шунга кўра, оила насллар давомийлигини таъминловчи доимий ва табиий манба бўлиб, ҳар бир давр оиласга ўз таъсирини ўтказади, яъни даврга хос ижтимоий ўсиш-ўзгаришлар, ислоҳотлар, маънавий-руҳий янгиланишлар оила маънавиятида ўз изини колдиради. Бинобарин, демографик сиёсатнинг обьекти ҳам, мақсади ҳам, энг таъсирчан ва муҳим воситаларидан бири ҳам оиласлайди. Яқин ўтмишда миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг оила тарбияси билан муносабатларидаги уйғунликка путур етказилди. Аввало, миллий ва умумбашарий меросга муносабатнинг бирёкламалиги оила тарбиясида бир катор салбий хусусиятларни келтириб чиқарди. Жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг мукаддаслиги унутилаёзди, миллат руҳининг ойнаси бўлган она тилимизга муносабат

салбий маъно касб этди. Маданияти, тили, миллатидан бегоналашган манкуртлар тоифаси жамият ва оила ўртасидаги ана шу ўзига хос уйгунликка путур етказишнинг окибат натижаси эди. Ҳолбуки, жамиятда пайдо бўлган ҳар қандай ижтимоий иллат маданиятга хос меъёрий мезонларнинг бузилишидан, оила тарбияси издан чиқишидан хосил бўлиши сир эмас. Истиклол кўлга киритилгач, бу борада ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, оиланинг жамият таянчи, маънавий тарбия ўчоги сифатидаги роли эътироф этилди, унинг фаровонлиги – миллий фаровонлик 96 асоси экани асосий қонун Таъбир жоиз бўлса, оила жамиятимизнинг асосий бўғинидир. Оила жамиятимиз ва давлатимиз муҳофазасида, ҳимоясида бўлиши шарт, деб ёзардим. Нега деганда, бугунги замон шуни тақозо этяпти, бизнинг кўзимизни очиб, ҳаётга бошқача карашни талаб қиляпти». Таъбир жоиз бўлса, ушбу сўзларда муқаддас Ватан тимсоли бўлган оила феноменига муносиб баҳо берилган. Оила тинчлиги, муқаддаслиги, фаровонлиги орзуси барча даврларда барча ҳалклар файласуф ва жамиятшунослари фикри-ёдини банд этган. Миллий ва умумбашарий маданий меросда ахлоқодобнинг жамият ва оилани келажакка йўналтирувчи асосий омиллардан бири сифатида талқин этилиши бежиз эмас. Чунки, ахлок инсонга инсонлигини доимо эслатиб турувчи маънавий асос, ворисийлик асосида авлоддан-авлодга ўтиб келувчи фазилатлардандир Македония ҳукмдори Филипп II дўстининг ўғли Аристотелни одоби ва фазилатлари учун бенихоя хурмат қилганидан шундай деган экан: «Менга ўғлим Александрни бергани эмас, бу ўғлим Аристотель замонида түғилгани учун Тангриларга шукrona айтаман». Аристотель каби фазилатлар соҳибидан олган сабоклари, билими, ўгитлари, ҳаётий йўл-йўриклари Александрга кейинчалик гоят катта наф келтиргани учун унинг номи тилларда достон бўлди. Масаланинг бошқа томони – Аристотелнинг ахлоқ ҳақидаги карашлари Шарқдаги ахлоқ ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга кучли таъсир этди. Масалан, Форобий устози Аристотелнинг изидан бориб, инсоний фазилатларни икки қисмга – ақл-идрокка асосланган фазилатлар ва хулк-атвор фазилатларига ажратади, уларнинг ўрталиқ хусусиятларига эга бўлиши мумкинлигини далиллайди. Форобийнинг фикрича, инсонга баҳт-саодатга эришиш учун етук хулк лозим. Хулқнинг гўзаллиги, нуксонлардан ҳоли бўлиши хатти-харакат ва кундалик амалларда меъёр қай даражада сакланиши

билан ўлчанади. Меъёрийлик ҳисси устувор бўлса, маънавий таназзуллар содир бўлмайди. Бу эса, ирова, инсоннинг ўз-ўзини бошкариш, ахлоқий меъёрларга риоя қилиши билан юзага чиқади. Ўз навбатида Абу Райхон Беруний ҳам яхши одоб ёки ёмон хулк-одатлар, асосан, оила тарбиясига узвий боғлиқ эканлигини кўп таъкидлаган. Агар оилада тарбиянинг олижаноб, эзгу йўл-йўриклари кўпроқ берилса, оила фазилатли бўлади, бунда тарбияда бир хил мақсад, талаб кўйилмоғи ғоят мухим. Кўринишдаги гўзаллик ва тузилишидаги баркамоллик ҳар бир одам учун севимли, дер экан, олим турмушдаги табиий гўзалликни ахлоқда, феъли-атворда, оилавий ҳаётда кўриш истаги борлигини назарда тутади. Айни чоғда Беруний ота-онани оилани барпо этувчилар экани, улар орасидаги кучли ҳурмат ва муҳаббат, албатта, болалар феъл-атвори ва тарбиясига таъсир этажаги ҳақида фикр юритади. Оилада хотинқизларнинг тутган ўрни эса бекиёсdir. Олимнинг фикрича, оилада аёл билими, жасурлиги, шарм-ҳаёси, эрига илтифоту ҳурмати, камтарлиги ва фаросати, ширин муомаласи, покизалиги, ишбилармонлиги, тежамкорлиги билан намуна бўла олиши зарур. Бу ўша давр учун ғоят илгор ғоялардан бири эди. Оилада ва жамоада аёлнинг тутган ўрни қандай, бола тарбиясида аёл қандай мавқени эгаллайди, сингари саволлар ислом таълимотида мухим аҳамият касб этади. Хўш, мусулмончиликда аёллар масаласига жиддий эътибор қаратилишининг қандай маъноси бор? Бу саволга шундай жавоб бериш мақсадга мувофиқdir: - аёл – оила муносабатларининг вујудга келиш сабабчиси, авлодлар давомийлигининг гоясидир; - аёл – оила тарбиясининг бош мураббийларидан бири, яъни, фарзанднинг ҳам дунёга келишига сабаб бўлувчи, ҳам кони ва жони билан, оқ сути билан ундаги наслий сифатларни бир авлоддан иккинчи авлодга кўчирувчи, ҳам авлод маънавиятига асос солувчи инсондир; - ота ва унинг аждодларига, қариндош-уруғларига муносабат, aka-ука, опасингилларга, кўни-кўшниларга муносабат ҳам, аввало, онадан, унинг бошқаларга илиқ муносабатидан бошланади; - жамиятда инсонпарварлик ва адолат туйгулари аёлдан бошланади; - гўзалликка, меҳр-мурувватга, имон-эътиқодга ташналиқ, уларга эҳтиёж ҳам аёл туфайлидир; - она тилига муносабат (дарвоқе, «она тили» деб бежиз айтилмайди, чунки миллий-маънавий қадрият бўлган тил ҳам аёл меҳри ва меҳнати натижасида шаклланади), уни билиш ва уни англаш

жараёнида аёл мохир тилшунос миссиясини бажаради; - ниҳоят, аёл ана шу хизматлари билан фарзандига тарбия ва таълим берар экан, ўз оиласидаги анъаналарни давом эттиради, оила шажарасини ривожлантиради. Табиийки, аёл адo этадиган мазкур хизмат ва вазифалар, ўз навбатида, жамиятдаги илфор гояларни, маданиятни, маънавий-маърифий омилларни бойитади. Шарқда аёлларга муносабатда ҳакиқатан ҳам адолат, инсонпарварлик, тенг ҳуқуқлилик мезонлари устувор 100 бўлгани демократик тамоилиларнинг вужудга келишида мухим роль ўйнади, кейинроқ эса, Шарқнинг бу тамоилилари Farb тамаддунига, айниқса, Farb ўйғониш даврига кучли таъсир этиб, унинг кенг ёйилишига туртки берди. Фуқароларнинг ирқ, наслу нараб, мансаб ва молмулкидан қатъи назар, Аллоҳ томонидан тенг ҳуқуқли этиб яратилгани Қуръони Карим ва ҳадисларда таъкидлаб ўтилган. Чунончи, «Ҳеч бир арабнинг ажамга (араб бўлмаган кишига) ва ҳеч қандай ажамнинг арабга, ҳеч бир қоратаннинг қизилтанга ва қизилтаннинг коратанга нисбатан ҳеч қандай фазилати (имтёзи) йўқдир, магар тақво билан». Шунингдек, жамият қонунлари олдида фуқаролар ёки эркагу аёлнинг tengлиги ҳам ҳар қандай ҳолатда суистеъмол қилинмаслиги таъкидланади. Бу ҳақда ҳам ҳадиси шариф мавжуд: «Аллоҳга онт ичib айтаманки, агар Мұхаммаднинг қизи Фотима ўғрилик қылса, албатта, унинг күлини кесардим». Мазкур ҳадиси шарифларда умуминсонийлик ва тенгхуқуқлилик гоялари илгари суриласди, иккинчи ҳадисда эса, Фотима исми бежиз тилга олинмайди (Ҳазрат Алига никоҳ қилинган бу кенжада киз Расулуллоҳ авлодининг давом этиши ва ўнлаб буюк зотларнинг тарбияланишига сабаб бўлади). Шу ўринда мусулмон маданияти ва эътиқодининг юксак намояндлари бўлган сўфийлар, яъни тасаввуф илми вакиллари, айниқса, улар орасидаги сўфий аёллар хусусида маҳсус тўхталиш максадга мувофиқдир. «Ривоят қилишларича, бир куни художўй сўфий Робийа бир қўлида бир челак сув, иккинчи қўлида ёниб турган машъала кўтарганча Басра кўчаларидан югуриб ўтаётган экан. Йўловчилар ҳайрон бўлиб ундан сўрашибди: – Бунчалар шошилиб қайларга йўл тутдинг, эй Робийа? Робийа қўлидаги челакка ишора қилибди: – Дўзахдаги ўтни ўчирмокчиман. Бундан ташқари, Европа адабиётида ушбу ривоятнинг кўпгина бошқа шакллари ҳам мавжуд». Мазкур парчани келтиришдан мақсадимиз тарихий тимсолларимиз қадимдан

Ғарбни мафтун этиб келган, бу тимсолларнинг аёллар сиймосида намоён бўлиши эса, уларни янада ҳайратга солгани аниқдир. Иккинчидан, Робийя сингари эътиқод соҳибалари юқоридаги ривоятларда акс эттирилган хатти-харакатларида, моҳиятига кўра, жамият соғлиги, поклиги учун курашувчи сифати. Тасаввур килайлик, эътиқодсизлик, бир-бирини алдаш, енгиш манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган шафқатсиз ҳаёт зиддиятлари олдида Робийя каби такводор аёллар ҳакидаги ривоятлар хориждаги илм-зиё аҳлига кучли таъсир этган, имонли, инсофли инсонларни тарбиялашга ёрдам берган, жамиятни поклашга хизмат қиласдан гоялар сифатида қабул қилинган. Табиийки, бундай илгор гоялар Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам турли даврларда буюк истеъодд эгаларини тарбиялашга хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур бўлади. Ислом қадриятларида энг катта хурматга лойик зот – она деб таърифланиши ҳам бежиз эмас. Юқорида санаб қўрсатилганидек, аёл турмуш куриб, оиласи бўлгач, жамият келажагига дахлдор шахсга айланади. Исломий манбаларда қайта-қайта таъкидланганидек, Оллоҳ эркак ва аёлни жуфт бўлиб яшаш, уй-жой килиб, насл қолдириш учун яратган. Эркак ва аёл организмининг физиологик тузилиши ва биологик эҳтиёжлари ҳам шунга мосланган. Бинобарин, оила бир эр ва бир аёлнинг муҳим ижтимоий, маънавий-рухий масъулиятни зиммасига олиш асосига курилган ихтиёрий бирлашмасидир. Ушбу ихтиёрий иттифокда аёл-онага катта мавқе белгиланади, ҳадиси шарифда айтилганидек, жаннатни оналар оёғи остида, деб талқин қилинади. Муҳими шундаки, оналарни улуглаш, уларга иззатикром қўрсатиш Шарқда бадиий асарларда ҳам, ҳалқ педагогикасида ҳам, тарихий-биографик манбаларда ҳам қўп учрайдиган лавҳалардан бўлиб, бу ҳаётий далилларнинг Ғарбга кучли таъсир қўрсатиб келгани шубҳасизdir. Туркий ҳалклар оиласига хос ушбу азалий урф-одат ва илмий-маънавий анъаналар ҳакида тасаввувчи олима Шиммел хоним жуда характерли далиллар топа олган: «Биронта покистоний, туркий, арабий ёки форсий оилага бориб қолган европалик меҳмон уй бекаси, яъни онанинг саводли ёки саводсиз эканлигидан катти назар, оиланинг бутун 103 юмушларида раҳбарлик қилишини, фарзандлар эса, министр ёки профессорлигига қарамасдан, она қархисида кўл қовуштириб туришини куриб, роса ҳайратга тушади. Соф дунёвий ишлар ҳам худди шу йўсинда амалга оширилади. Турк

шоҳлари ёки Ҳиндистондаги Буюк Бобурийлар оиласирига назар ташласангиз, шоҳнинг ёки валиаҳд шахзоданинг оналари ҳам валиаҳдлардан кўра кўпроқ ҳокимиятга эга бўлганлигининг шоҳиди бўласиз. Шоҳ ёки валиаҳд шахзодалар ҳар доим оналари билан бамаслаҳат иш юритганлар. Кўриниб турибдики, бутун-бутун мамлакатларни сўраб турган хукмдорлар ҳам она қаршисида бош эгишган, саройдаги ва мамлакатдаги кўпгина ишлар она изми билан амалга оширилган». Аксинча, Бобур ва бобурийлар сулоласи вакиллари ҳаёти ва ижодида аёллар, айниқса, оналар мавқеи юксак даражада тутиб турилган. Қиз узатиш, келин танлаш, оналарига садоқат ва муҳаббат, оиласига эҳтиром бобида ҳам улар бошқаларга ўрнак бўлишган, десак муболага бўлмас. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор: оналарни бу қадар улуғлаш, уларнинг ҳурмат-иззатини то вафотига қадар ва ҳатто вафотидан сўнг ҳам давом эттириш анъа- 104 наси Farбда дарҳол кўзға ташланмайди. Бироқ, бу хорижда оналар ҳурматга лойик кўрилмаган, деган маънени англатмайди. Оиласи, фарзандларига садоқатли, покдомон, имон-инсофли аёл ҳамма жойда, ҳамма замонларда катта ҳурматга муносиб деб баҳоланганд. Биз, одатда, оиласа таъриф берар эканмиз, уни доимо жамият, юрт, Ватан сўзлари билан ёнма-ён ишлатамиз. Уни ҳамиша жамият таянчи, эл-юрт негизи, Ватан тимсоли каби ифодалар билан таърифлашга ҳаракат қиласиз. Чунончи: «Оила – жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиласининг барча аъзолари ўз бурчларини адo этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оиласа демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларнинг, қўни-қўшиларнинг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса, энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир». Юргашимизнинг мустақилликнинг илк йилларида ёки оила қадриятига бу қадар юксак баҳо бериши кейинги мустақилликни мустаҳкамлаш йилларида янада ривожлантирилди,

оиланинг фалсафий-илмий мазмун-мохияти ҳақида ва оиланинг таянч тарбияси хусусида бир қатор асарлар, мақола ва тадқиқотлар эълон қилинди. Уларда оила тарбиясининг янги кирраларини, оилавий муносабатлар диалектикасининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилинди. Оиланинг соглом ва баркамол авлодни шакллантирувчи асосий бўғин экани, бу муҳим вазифа эса, ўз-ўзи 105 дан ота-она, фарзандлар ва нуроний кексалар силсиласини яхлит бир жараён сифатида олиб ўрганилгандахина, кутилган самараларни беришини исботлади. Юртбошимиз тўғри таъкидлаганидек, ўзаро ҳурмат, тартиб-интизомга эга бўлмаган, аъзолари ўз бурчини англаб етмаган ва адo этолмаган, бир-бирига эзгулик ва меҳр-оқибат кўрсата олмаган оила рисоладаги оила эмас. Хўш, у ҳолда қайси оилада ўзаро ҳурмат ва тартиб-интизомга риоя қилинади? Бу саволга биргина жавоб бериш мумкин бўлади: ўз оиласини, ундаги қоида ва тартибларни муқаддас деб билган, чуқур англаған ҳолдагина, шундай ҳурмат ва интизомга асос солинади. Оилани муқаддас деб билиш замираидэ эса, бизнингча, қўйидагилар намоён бўлади: - оила - ота-онам, ака-укаларимиз ва опа-сингилларимнинг киндик кони тўкилган, кўз очиб кўрган маконидир; - бу оилада, шунингдек, бобо ва бобокалонларим, момоларим яшаган, уларнинг руҳи барҳаёт; - бинобарин, оиласиз тасодифан юзага келган иттифоқ эмас, у авлод-аждодларимизнинг навбатдаги бўғини, биз - унинг давом эттирувчиси: - оиласиз биз кўриб турган даражага ўз-ўзидан чиқиб олган эмас, бунинг учун ота-онам ва уларнинг ота-боболари тиним билмай меҳнат қилишган; - шундай экан, уни янада ривож топтириш, янги камолот нуктасигача юксалтириш - менинг бурчим; - демак, мен оила аъзоларим олдида бир умрга маънавий қарздорман. Агар оила муқаддаслиги ғоясини таъриф-тавсиф этиш мумкин бўлса, оиладаги кенжা авлод вакиллари тилидан бу гоя шундай жаранглаши ёки ифода қилиниши мантиқан тўғри бўлар эди. Рамзий ифода этилган мазкур сўзлар оилада тенг хукуклик, эркинлик мавжудлигини, оилавий муносабатлар имон-эътиқод асосига қурилганлигини акс эттиради. 106 Шунингдек, оиласини муқаддас деб билган жойда, ака-укалар ва опа-сингиллар муносабатида ўзаро ҳурмат ҳам, тартиб-интизомга риоя қилиш ҳисси ҳам таркиб топган бўлади. Оила аъзоларининг бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиши, эзгулик ва яхшилик тилаши ҳам батартиблик, интизомлиликтан келиб чиқади. Ана

шунинг ўзи оила маданиятини, унинг савия-даражасини белгилайди. Булар жамият ва оиланинг, миллий, умуминсоний ахлоқий маданият тамойиллари ва оила маданиятининг ўзаро уйғунлигини намоён этувчи мезонлардир. Ўз-ўзидан аёнки, соғлом мухитининг ибтидоси ҳам оила, оила мухитидир. Оила мухитининг соғломлиги эса, жамиядаги маънавий-руҳий мухит билан уйғун ҳолдагина воқе бўлади. Бизнинг фикримизча, миллий ва умуминсоний ахлоқий маданият диалектикаси меҳр-мурувватлилик фазилатининг намоён бўлишида кўринади.

Назорат саволлари:

6. Оила тарбиясида ахлоқий маданиятни шакллантириш мезонлари?
7. Шахснинг юксак фазилатлари-ахлоқий маданият омилларини ёритинг?
8. Муомала одоби-ахлоқий маданиятнинг мухим элементини ёритинг?
9. Кийиниш одоби ахлоқий тарбиянинг мухим воситаси?
10. Оиласада фарзанд тарбиясида миллий маданият?

Семинар машғулоти топшириклари:

1. Қўйида берилган матнлар ёрдамида ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизида оила, маҳалла ва мактабнинг вазифалари билан танишиб чиқинг. Ҳар бир субъектнинг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифаларини ифодаловчи тезисларни тайёрланг.

2. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги моҳиятини акс эттирувчи кластерни яратинг.

Семинар машғулоти топширикларни бажариш юзасидан услубий кўрсатмалар:

1. Оила, маҳалла ва таълим муассасасининг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифаларини ифодаловчи тезисларни тайёрлашда талабалар гурухларда ишлайдилар. Бунда учта катта гурухни шакллантириш максадга мувофиқдир. Ўқитувчи ҳар бир гурухга алоҳида-алоҳида топшириқ беради. Топширикларнинг қўйидагича бўлиши мақсадга мувофиқдир:

T\P	Гурухлар	Топшириклар мавзуси
1.	I-гурух	Оиланинг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик

		ҳамкорлиги негизидаги вазифалари
2.	2-гурух	Маҳалланинг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифалари
3.	3-гурух	Мактабнинг ёшларни тарбиялаш борасидаги педагогик ҳамкорлиги негизидаги вазифалари

Топширикни бажариш чогида гурухларнинг эътиборига куйидаги матнлар такдим этилади:

I. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида оила томонидан бажариладиган вазифалар:

- оилада соғлом мухитни яратиш, миллий рух ва турмуш тарзини хисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўрнак бўлиши, фарзандларнинг ота-онасига, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлишини таъминлаш;
- оилада ҳуқукий тарбияни яхшилаш, оила аъзоларининг ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаб этишларини ва уларга риоя қилишларини таъминлаш;
- фарзандларга чуқур дунёвий билим асосларини бериш, маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб этишишларини таъминлаш;
- бозор муносабатларига мос бўлган касб-хунар ўргатиш, иқтисодий тушунчаларни фарзандлар онгига сингдириш;
- болаларнинг маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий мухитни яратиш;
- болаларни мустакил фикрлашга ўргатиш, истиқлол ғоялари ва миллий мағкурага садоқат руҳида тарбиялаш;
- болаларнинг бўш вақтларини педагогик нуктаи назардан келиб чикиб унумли ташкил қилиш, уларга қўшимча таълим бериш;
- фарзандларида мавжуд бўлган истеъдод куртакларини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш;
- ўз фарзандларининг мактаб, маҳалла, давлат ва жамият олдидаги бурчларини тўла адo этишлари учун оилада масъулиятли бўлиш;
- ота-оналар ўзларининг педагогик ва психологик билим савияларини доимо ошириб бориши;
- болаларда тежамкорлик ва ишбилармонлик сифатларини шакллантириш;

- оиласда миллий ва умуминсоний тарбиянинг барча йўналишларини уйгун ҳолда босқичма-босқич амалга оширишдаги масъуллигини таъминлаш;
- болаларда санитария-гигиеник, экологик кўникмаларни шакллантириш, диний ақидапарастлик, иччиликбозлиқ, гиёхвандликка карши иммунитетни ҳосил қилиш;
- соглигида ва аклий нуқсонлари бўлган фарзандларига ҳаёт талабларига мос равишда билим ва қасбу-кор ўргатиш.

II. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида маҳалла томонидан бажариладиган вазифалар:

- маҳалла фаоллари томонидан тарбия муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараённада амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокама қилишда катнашиш ва оқилона ечимларини топишда фаоллик кўрсатилиш;
- маҳалла ўз худудидаги ижтимоий ва иқтисодий ёрдамга муҳтоҷ оиласларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш ва фарзандларининг билим ҳамда тарбия олишларига бош-кош бўлиш;
- маънан носоғлом оиласларни маҳалла йигинларида муҳокама қилиш, уларга нисбатан жамоатчилик чораларини кўриш;
- маҳалла худудидаги ўкув-тарбия муассасаларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилишини қўллаб-қувватлаш;
- ота-оналар орқали болаларда ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, миллий гурур, ватанпарварлик, миллий одоб, байналмилаллик каби хислатларини тарбиялаш;
- ёшларнинг диний мазҳаблар ва секталар, ақидапарастликнинг моҳиятини тўғри англаб етишига ота-оналар орқали таъсир кўрсатиш, аждодларнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб бориш;
- маҳалла йигинларида миллий давлатчилик ва миллий мафкура гояларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда республикада эришилаётган ютуклар тарғиботини ташкил этувчи тадбирларни ўюштириш;
- Республика “Маънавият тарғибот” маркази, “Соғлом авлод учун”, “Маҳалла”, “Экосан”, “Нуроний”, “Камолот” жамғармалари, хотин-кизлар кўмиталари, турли жамиятлар, бирлашмалар ва ижодий ўюшмаларни ёш авлодни миллий истиқбол гоялари асосида тарбиялаш

ишига, муаммоли масалаларнинг ечимини топишга фаол жалб қилиш;

- маҳалла худудидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг имкониятларини ўқув-тарбия муассасалари моддий негизини мустаҳкамлашга йўналтириш;

- маҳалла худудида ўқув-тарбия муассасалари билан биргаликда турли қўрик-танловлар, спорт мусобақалари, анжуманлар, байрам ва беллашувлар ташкил қилиш;

- турли йўналишда иқтидорли ўқувчиларни мактаблар тавсиясига кўра ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-куватлаш;

- илфор педагогик ходимлар, тарбиячиларга маҳалла имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама ёрдам қўрсатиш;

- фарзандларига таълим ва тарбия беришда ижобий натижаларга эришаётган, намунали оиласалар ҳаёт тажрибасини оммалаштириб, маҳалла худудида “Оила сабоқлари” машғулотларини ташкил қилиш;

- маҳаллада истиқомат қилаётган ҳалқ усталари, санъаткорлар, зиёлилар ва барча ижодкорларнинг имкониятларидан фойдаланиб, билим, касб сирларини ўргатишга асосланган турли тўгарак ва “Устоз-шогирд” русумида фаолиятини йўлга кўйиш;

- маҳалла худудидаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳаллада истиқомат қилаётган ва моддий қийналган ёшлар учун иш жойлари квотасининг ажратилишига эришиш;

- ёшларда Ўзбекистонга, унинг табиатига муҳаббат, тарихига қизиқиши, маҳалла ободонлиги, аҳиллиги учун жавобгарлик рухини шакллантириш.

Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги негизида таълим муассасаси томонидан бажариладиган вазифалар:

- мактабда болага бирон-бир касб-корни эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратиш;

- ўқувчи-ёшларнинг спорт турлари билан шуғулланишларига ёрдам бериш, уларнинг бўш вактларини мазмунли ўтказишни ташкил қилиш;

- болаларга таълим беришни илфор педагогик технологиялар, замонавий ўқув-услубий дастурлар асосида ташкил этиш, ўқув-тарбия жараёнларини жаҳон андозаларига мос равишда таъминлаш;

- ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлари таҳлилидан, иқтисодий ва ижтимоий мухитдан келиб чиқиб, уларни турли соҳа

бўйича касб асосларига йўналтириш ва таълимда табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш;

- ёш оилалар билан ишлаш, тиббий тарбиявий, ҳукукий, маънавий-маърифий, ижтимоий тушунчалар бериш учун маҳсус тадбирларни амалга ошириш;
- ўз ҳудудидаги маҳалла жамоаларининг фаолиятини тарбиявий мақсад йўлида мувофиқлаштириш;
- тарбияси “огир”, қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, оилаларга педагогик ёрдам бериш;
- бола тарбияси яхши йўлга кўйилган оилаларни тегишли идоралар ҳамкорлигида ўрганиб, тажрибаларини оммалаштириш;
- ўқиш ва ишлашни хоҳламайдиган, безорилик йўлига кириб кетган ўсмирларни ҳисобга олиб, уларга тегишли ташкилотлар билан биргаликда зарур чоралар қуриб, ота-оналар йигинларида мухокама қилиш;
- тарбия субъектлари бўлмиш ҳукукий, тиббий, ижодий уюшмалар, ёшлар, табиатни муҳофаза қилиш ва “Экосан”, “Қизил ярим ой”, барча жамғарма ва жамоатчилик марказлари, оммавий аҳборот воситалари, инсон ҳукуклари бўйича миллий марказлар, касаба уюшмалари, нодавлат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллий бошқарув идораларининг бола тарбиясига бўлган масъулият ва жавобгарлигини мувофиқлаштириш;
- туар жойда ва маҳаллада олиб борилаётган барча тарбиявий, маънавий, маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирлари маркази – мактаб бўлишига эришиш;
- ўқувчи-ёшлар, ота-оналар, жамоатчилик билан ҳукукий тарбияни амалга ошириш, тарбия жараёнининг барча иштирокчилари орасида миллий мағкуруни тарғиб қилиш, ақидапарастлик ва миллий тараққиётимизга зарарли ғояларнинг кириб келишига қарши муросасиз курашишни ташкил этиш;
- таълим муассасалари низомлари асосида ўқувчиларнинг мактабда жорий қилинган тартибга амал қилишларини ва низомда белгиланган ўқувчилар либосида таълим ва тарбия жараёнига катнашишларини таъминлаш;
- маҳаллада, хотин-қизлар орасида замонавий билимларни тарғиб қилиш, ўсмир ёшларнинг дунёвий билимларга бўлган интилишларини

рагбатлантириш;

- мактаб негизида педагогик, хуқуқий, психологик, маънавий ва маърифий билимлар берувчи “Ота-оналар университетлари” фаолиятини ташкил қилиш.

2. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги моҳиятини акс эттирувчи кластерни яратишда академик гурӯҳ жамоа бўлиб ишлайди. Кластерлар “Кластер” график органайзери воситасида яратилади. Бунда ўқитувчи ҳар бир талабанинг фаол иштирок этишини назорат қилиб бориши зарур. Кластерларни шакллантириш жараёнида билдирилган ҳар бир гоя инобатга олинади. Яратилган кластернинг мазмунини муҳокама қилиш жараёнида эса бир-бирини такрорловчи гоя ва фикрлар таҳлил қилинади. Такрорий билдирилган гоялар аникланиб, такрорланишлар бартараф этилади.

**Семинар машғулоти мавзуси:
КАЙКОВУСНИНГ “ҚОБУСНОМА” АСАРИДА ФАРЗАНД
ТАРБИЯСИ**

Режа:

- 4.“Қобуснома” асарининг мазмун моҳияти.
5. “Қобуснома” асарида фарзанд тарбияси.
6. Фарзандни оиласи ҳаётга тайёрлаш.

Таяин тушунчалар: таълим, тарбия, шахс, оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасаси, ҳамкорлиги, оила, маҳалла.

Шарқ оламида, оиласида фарзанд тарбиясига бағишлиланган асарларимиздан бири бу — Кайковуснинг 1082—1083 мелодий, 475 ҳижрий йилларда яратилган «Қобуснома» асаридир. Кайковус бу асарни ўғли Гilonшоҳга батиш- . лайди. X—XI асрлар феодал жамиятида маданият, илмфан, санъат ва адабиёт анчагина ривожланган ва тараккий этган давр эди. Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Абул Ҳасан бинни Аҳмад Үнсурий каби шоир ва олимлар X—XI асрнинг иирик намояндлари эдилар. «Қобуснома» ҳам мазкур XI асрнинг кўзга ташланиб турган меваларидан ҳисобланади. «Қобуснома» рус ва гарб шарқшуносларининг, шарқ олимлари ва педагогларининг дикқатини жалб этди. Кайковуснинг бобоси Қобус ва унинг хонадони Сомонийлар династияси билан, ячин муносабатда бўлди, уларнинг шаън-шавкати,

юришларида иштирок этди. Герман Вамберининг айтишича, Вушмагир ўғли Шамсулмаолий Қобус... уйгур хонларидан бўлгап Иликхонинг кўшини устидан икки марта ғалаба қилди. Аммо бу бнлан Қобус Сомонийлар хонадонини тиклай олмади. Бу вактда Қобус Сабуктагининг ёрдами билан Табаристонни забт қиласдан ва шу ўлкада ҳукмдор бўлиб қолади. Журжонни эса пойтахтга айлантиради. Шамсулмаолий Қобус ғоят золим ҳукмдорлардан бўлиб, арзимаган айби учун одамларни жазолайверади. Унинг бу зулмини Муҳаммад Хованд Мирхонд «Равзатус сафо»нинг тўртинчи жилдида ҳаққоний баён қиласди. Қобуснинг бу истибодини Латиф Алибек Озар Исфаҳоний ўзининг Бомбайда «Оташкадаи Озар» номи билан чоп этилган «Тазкираи оташкада» асарида қўйидагича баён қиласди: «...Аъён лашкарро ба гуноҳи андак ба қатл расониди. Охирил амир умаро иттифоқ карда: уро аз салтанат- ҳалъ ба маҳбас фиристоданд, фарзаидаш Афанучехр бинни Қобусро бар тахти ҳукумат нишонида» Таржимаси: «„Лашкар аъёнларн оэгина гуноҳ қилишса, ўлимга юборарди. Ниҳоят амирлар иттифоқ қилишинб, уни салтанатдан олиб ташлаб, ҳибсга юбордилар ва Қобуснинг фарзанди Манучехрни ҳукумат тахтига ўтказдилар». Қобуснинг бундай феъл-атворини набираси Кайковус ҳам эътироф қиласди. Кайковус ўз асари —«Қобуснома»да бобоси Қобус ҳақида шундай дейди: Менинг бобом Шамсулмаолий бағоят қаттол киши эрди ва ҳеч кинининг гуноҳин афв қилмас эрди». Аммо шуни ҳам қайд килинб ўтиш керакки, Шамсулмаолий Қобус ўз замонасидағи феодал табакаси учун зарур бўлган ҳамма илмларни ўрганди. Айникса у адабиёт муҳнби ва шоир эди. Форс, араб тилида шеърлар ёзди. У араб, форс тилини ва унинг услубини мукам Герман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароункада тарихи. Ниҳоят, у ўз атрофига машхур илм, адабнёт, санъат аҳдларини тўплади ва Журжонни йирик адабий марказга айлантириди. Машхур ўзбек олими Абу Райхон Беруннин Райдан қайтиб келиб, Қобуснинг ҳузурида — Журжонда яшади ва Қобуснинг саройида катта ҳурматга сазовор бўлди. У бу ерда ўзининг бир ҳанча илмий асарларини яратди ва Хоразм тинчигандан сўнг ўз юртига кантди. Қобуснинг набираси Кайковус ҳам ўз замонасаннинг анча маълумотли зиёлиси эди. У ўз даврининг илмли кишиларидан бўлиб, музика ва табииёт илмига ғоят иштиёҳ билан ҳаради. Унинг кўп илмлардан хабардор бўлгани авторнинг «Қобуснома» асарида яҳқол

қўриниб туради. Кайковус «Қобуснома»ни яратишдан олдин ўз салафларининг асарлари билан танишди. Тоҳирийлар замонасида яратилган педагогик асарларни ўқиб чиқди. У ўз давридаги маданий шаҳарлар, мамлакатлар билан ҳам танишади, жумладан, Бухоро, Самарканд шаҳарларига, Хоразм ўлкасига боради ва у ердаги олимлар билан сұхбатлашади, уларнинг илмий-педагогик ишларини ўрганади. Хусусан, Носир Хисравнинг таълим-тарбияга оид фикрларини ифода этувчи «Саодатнома» ва «Рўшноинома» асарлари унинг диккатини ўзига жалб этди. Маълумки, ахлоқ синфий жамиятда синфий бўлади. Антагонистик жамиятда, бир томондан, маълум даврга қадар ҳоким синфнинг ахлоқи тараққий этади ва мустаҳкамланади, иккинчи томондан, эзилган синфнинг ахлоқи ҳам ривожланиб боради. Биринчиси ҳоким табақанинг манфаатини ҳимоя қиласа, иккинчиси нжитмоий зўравонликни, эзилган синф уснадаги жабр-зулмни коралайди ва ҳоким синфга қарши қурашни нфода этади. Қулчилик жамиятида кулдорлар билан қуллар ахлоқи, феодализм жамиятида феодаллар билан дехконлар ахлоқи, капитализм жамиятида буржуазия билан пролетариат ахлоқи доимо бир-бирига қарама-қарши бўлган. Ахлоқнинг бундай синфийлиги ҳақнда Ф. Энгельс ўзиннинг «Анти-Дюринг» асарида шундай деган эди: «...ҳозирга қадар ҳар қандай ахлоқ назарияси пировард натижада жамиятнинг мавжуд иқтисодий ахволиннинг маҳсули бўлиб келган, деймиз. Жамият эса ҳозирга қадар синфий қарама-қаршилнклар ичida ҳаб ракатланиб келганлигиндан, ахлоқ ҳам ҳамнша синфий ахлоқ бўлиб келган: бу ахлоқ ё ҳоким синфнинг ҳукмронлигини оқлар ва манфаатини ёклар эди ёки эзилган синф етарли равишда кучли бўлиб қолганда, унинг мазкур ҳукмронликка қарши қаҳр-ғазабини ифодалар ва мазлумларнинг келажак манфаатини ҳимоя қилиб чиқар эди». Урта Осиё ҳалклари, шу жумладан ўзбек ва тоҷик ҳалклари орасидаги қадимиј дўстлик бу ҳалкларнинг тараққётига замин ҳозирлади. Шу муносабат билан ўзбек ҳалки таржимонлари, шоир ва ёзувчилари форстојик тилидаги асарларни ўзбек тилига таржима килдилар ва ўзлари икки тилда (ўзбек ва форс-тоҷик тилида), баъзан уч тилда (ўзбек, форс-тоҷик, араб тилида) асарлар яратдилар. Кутб Хоразмий Низомий Ганжавийнинг, Сайфи Саройи Муслиҳиддин Саъдиннинг асарларини, Оғаҳний «Қобуснома», «Ахлоқи Муҳсиний», «Зубдатул ҳикоят» ва бошқа асарларни, Мулда Фазлуллоҳ Алмайи

машхур хинд масали — «Калила ва Димна» асарини ўзбек тилига таржнма қилдишлар ва бу билан ўзбек адабиётидаги педагогик фикрларни бойитдилар. Араблар истилоси даврида Шарқда, шу жумладан Урта Осиёда икки хил ўкув юрти мавжуд эди: бири ибтидоин (бошлангич) мактаб, иккинчиси мадраса. Ҳар иккала типдаги мактабда кўпроқ ислом динн ақндалари ўқентилар ва ёд олишга алоҳида эътибор берилар эди. IX—X асрларда маориғ ва маданият бирмунча тараққий этган, ҳалқ фарзандлари илм-маърифат олнтра интила бошлаган эди. Академик В. В. Бартольдинг маълумотига қараганда, Харгун қишлоғида (Самарқанд атрофида Абгор мавзеидаги қишлоқ) истикомат қилган бир камбағал дехкон 848 (233 ҳижрин) йилда икки ўғлини Самарқанд шаҳрига ўқиш учун юборган. Улар Самарқандда уч йил илм ўргандилар, уларнинг онаси болаларинн юнг йигириб таъминлаб турган. Уша даврда Самарқанд шаҳрининг ўзида 17 та мадраса бўлиб, унда даврнинг машхур олимлари дарс бердилар. Марв, Нишопур шаҳарларидағи мадрасалар ҳукумат қарамоғида бўлиб, мударрйслар маош билан таъмин этилган эди. XI аср бошларида ҳукумат мадрасалари ташкил қилинади, бу мадрасаларда дин олимларигина эмас, балки аник фанлар олимлари ҳам лекция ўқирдилар. Шу билан бирга мадрасаларни вакфлар ҳам таъмин этар эди. Бухоро ва Самарқанд мадрасаларнда илоҳиёт билан бирга аник фанлар (риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса, тибиёт ва бошқалар), гуманитар илмлар (мантиқ, илми аруз, илми кофия, илми маоний, илми баён, илми бадеъ ва бошқалар) ҳам ўқитилади. Шу муносабат билан Бухоро, Самарқанд, Хива мадрасаларига олимлар, маърифатиарварлар йирилдилар ва улар илм эгаларини тарбиялаб етишитирдилар. Бу даврда тасаввуф маслагининг энг реакцион формалари мактаб ва мадрасаларга кириб келди ва тарбия соҳасида тарки дунёчиликни, дунёдан воз кечиб узлатга чекиннинги тарғиб қилди. Шу муносабат билан тарбия соҳасида икки оқим вужудга келди. Бири диний фикрларнин тарғиб қилувчи, тарки дунёчиликка чақириувчи, факат илохий «илмлар»ни, догматик фикр ларни ақлнинг асоснй моҳияти деб тушунувчи, инсоннинг ҳар бир қилемшини тақдир билан боғловчи реакцион оқим бўлиб, Фаззолий, Яссавин, Сулаймон Бокирғонин, Хўжа Аҳрор кабилар бу оқимнинг иирик намояндлари эдилар. Булар мадрасаларда фалакиёт, тибиёт, ҳандаса, алжабр, жуғроғия каби аник фанларнинг ўқитилишига тамомила қарши

чикдилар ва бу фанларни мадрасалардан чиқарнб ташлаш учун курашдилар. Мазкур реакцион гурухлар мазлум омманн ҳар қандай жабр-жафоларга, адолатсзликларга чидашга, очлик-ялангочлукка қаноат киленгша ундандилар, улар меҳнаткаш халқнинг дикқатнни ҳоким табақага карши курашдан четга тортадилар. Абу Райҳон Беруний, табобат' ва математикада, шеърият ва фалсафада жаҳон бўйлаб шухрат қозонган Абу Али ибн Сино, Шарқ адабиётининг энг йирик намояндадаридан Низомий Ганжавий, Носир Хисрав, Муслиҳиддин Саъдий, Умар Хайём, Алишер Навонӣ каби олим ва шоирлар кишилик маданиятининг тараққиёти учун ўзларининг илмий, бадиий ижодлари билан катта ҳисса қўшдилар. Булар тиббиёт, фалакиёт, музика, адабиёт, жуғрофия, алжабр, ҳандаса каби илмлар билан ёш авлодни тарбиялашга ҳам катта ҳисса қўшдилар. Бу олимлар ақлни биринчн ўринга қўйдилар. Жумладан, машхур форс-тожик шоири Абу Абдуллоҳ Рудакий бундай дейди: Ақллилар айтур, ақл — подшодир, Ақл барчага бир — фармонраводир, Кишилар танининг ақл лашкари, Бутун шаҳват, орзу унинг чокари Абулқосим Фирдавсий Тусий эса ақлнинг бутун фазилатларига алоҳида эътибор бериб, бундай дейди: Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод, Ҳар икки оламда ақлли обод Ақл бир тирик жон, у билмас завол Ақл турмуш асли, буни ёдлаб ол. Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик, Ақлдан борлигу, йўклигу камлик. Киши иш киларкан беаклу идрок, Бўлур қилмишидан юрак бағри чок. Уларнинг бу фикри инсон шахсини тарбиялаш учун хизмат қилди, инсонпарварлик каби ^ояларни майдонга келтирди. Шунинг учун Рудакий, Фирдавсий, Носир Хисрав, Низомий Ганжавий каби 1доирларнинг асарларида ва, шунингдек, Кайковуснинг «Қобуснома» асарида тарбия, ахлок масалалари асосий ўрин олди. «Қобуснома» 44 бобдан иборат бўлиб, булардан тўрт боби диний ҳарактердадир, қолган 40 боби ҳаётий воқеаларни ифода этади. Кайковус ўзининг ҳаётий тажрибалари билан ўғли Гilonшоҳни тарбиялашни истайди ва бу панд-насиҳатларини ўғли учун энг қимматбаҳо мерос деб таъкидлайди. У ўз асарн «Қобуснома»да ўғли Гilonшоҳга мурожаат қиленб, умидим шуки, сен шу пандларн қабул қилгайсан. Бу билан мен оталик вазифасинн бажо келтирган бўлурман. Билгилки, халқнинг расми, одати шундан: ютурнб-елиб, қидириб-ахтариб дунёдан бирор нарса ҳосил килади ва бу топган нарсасинн ўзиннинг энг яхши кўрган кишисига қолдириб кетади.

Мен дунёда мана шу сўзларн ҳосил қилдим, сен эса менинг учун энг кимматбаҳолисан. Менга сафар вақти яқинлашди, дунёдан нима ҳосил қилган бўлсам, сенинг олдингга қўйдим, токи ўзингга бино қўнмагайсан ва ўзингга номуносиб ишларни қилмагайсан, деган пандларни айтади. «Қобуснома»нинг дастлабки тўрт боби днний масалаларга бағишиланган, чунки Кайковус диний ақиқаларга, илохий тушунчаларга ишонч билан қарайди у дин ва унинг ақидаларига танқидий муносабатда бўла олмайди. Худди шунингдек, «Қобуснома» автори куллар масаласига ҳам (23- боб) феодал Синф нуқтаи назридан қараб баҳо беради. Асарнинг бешинча боби «Ота-она ҳакхини билмак зикрида» деб аталади. Бу бобда автор ёшларни отаонани ҳурмат қилишга чақиради; Ота-она ўз фарзанди учун «ўлимга ҳам тайёр» туришйни таъкидлайди. Айни замонда ота-онанинг кўнглини ранжитмасликка, уларни ҳурмат қилишга ва ширин сўзлар билан муносабатда бўлишга унрайди. Кайковус ота-онага ҳурмат ҳиссига катта эътибор беради. У, бир томондан, боланинг ота-онани ҳурмат қилиншга, уларни ранжитмасликка чақирыса, иккинчи томондан, ота-онани болага яхши ва тўғри тарбия беришга унрайди. Айни замонда, автор ота-онани ҳурмат қилишни фарзанднинг аклли ва доно, ўқиган бўлиши билан боғлайди ва: «Ҳар бир фарзандки оқил ва доно бўлса, ота-она меҳр-муҳаббатин адo этмакдин бош тортмагай»— дейди у. Шу билан бирга, Кайковус отаонани ҳурмат қилиш масаласига баъзан днний эътиқод юзасидан караса, баъзан инсонпарварлик нуқтаи назридан қарайди. Шу боисдан ҳам: «Сен ота-онанинг ҳаккига дин нуқтаи назаридан риоя қилмасанг ҳам, акл юзидан, муруватт юзасидан риоя қил»— деб уқтиради. Кайковус аристократ табакасидан бўлгани сабабли ота-она ҳурматини мерос билан боғлайди, аммо мерос деб ота-онани ранжитгандарни қоралайди. Маълумки, Кайковус замонасида тоҷ-таҳт мёрос эди. Салтанатни эгаллаш мақсадида фарзандлар, шаҳзодалар ўз отаоналарига ҳурматсизлик қилганлар, ҳатто ўз ота-оналарини катл қилганлар. Бу воеаларга Кайковус алоҳида диккат қиласди. Шунинг учун у «Мерос олмоҳ ҳирси била ота-онанг ўлимни ҳаргиз тиламагил»— деб таъкидлайди. Шунингдек, бу бобда Кайковус ота-она ҳаккини билмак хусусида гоят муҳим бир фикрни баён қиласди, яънн у ўзбек ва тоҷик ҳалқининг «нима эксанг, шуни ўрасан» деган машхур бир мақолини ишлатади. Бу мақолнинг асли маъноси шундан иборатки, киши

одамларга яхшилик қилса, катталарга ҳурмат, кичикларга муруват қўрсатса, унинг бу яхшилиги бошқа кишидан қайтади ва аксинча, агар у одамларга ёмонлик, дилозорлик қилса, бу ҳам бошқалардан қайтади. Кайковус www.ziyouz.com мана шу принципга асосланиб, «Ота-она ҳаккни билмак зикрида» деган бобида ўғлига насиҳат қилиб, бундай дейди: «...ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишин тиласонг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлғил, нединким сен ота онанинг ҳақида нима иш қиласонг, фарзандинг ҳам сен ҳақингда шундай иш килур». Уз даврининг мутафаккирлари каби, Кайковус ҳам ақлга алоҳида эътибор беради, ақлнинг ҳар қандай давлатдан юкори туришини таъкидлайди. Шунинг учун фарзанднинг ақл эгаси бўлишини ҳамма нарсадан улуғ деб билади: «Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмокка харакат қил, чунки мол била бой бўлғондан ақл била бой бўлғон яхшироқдур. Ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғилки, ақл бир қимматбаҳо нарсаки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас ва сувда оқмас». Хусусан, олтинчи боб «Хунарнинг афзалиги ва қадри баланд, олий табиатли бўлмоклик ҳақида» диккатга сазовордир. Қайковус аристократ табақасининг вакилн, аммо у баъзи ижтимоий, ҳаётий масалаларда ўз синфининг инкор этади. Жамият тараккиётида у биринчи ўринга ўз синфининг ахлокини эмас, балки ўша даврда муҳим ўрин тутган хунар ва илмни қўяди. Матъумки, Кайковуснинг насл-насаби (унинг шажараси), бобоси Қобуснинг айтишича, Сомонийларга бориб тақалади. Аммо Кайковус яшаган даврда бу наслаб ўзининг шоншавкатини йўқотган, авторнинг ўзи эса кичик бир феодалга айланган эди. У подшолик, шаън-шавкатдан кўра хунар, билим эгаллашни, биёнмисиз, хунарсиз ҳар қандай юкори табақа, насл-насабли шахс ҳам ҳеч нарсага арзимаслигини баён қилиб, бундай дейди: «Агар киши ҳар канча олий наслаб ва асл бўлса-ю, аммо хунарн бўлмаса, у халойиқнинг иззат ва ҳурматидан ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биладур, насл-насаб била эмас. Отни сенга ота ва онанг қўймишлар, сен унга гарта бўлмагил ... бу от фақат бир нишондин бошқа нарса эмасдур... Аммо сен хунар била бир номга эга бўлғил». Бу фикрлар билан автор ўғлини қобилиятли шахс бўлишга, ишсиз, фаолиятсиз, ялқов одам бўлмасликка чакиради. Кайковус халққа яқин туришни, халқ манфаатини кўзлашни фарзандига уқтиради, чунки у ўзининг эски шаън-шавкатидан ажралгани учун халқ тақдирига суюниб

қолган эди. Шунинг учун у халқнинг озгина яхшилигини ҳам кўп кўриш лозимлигини ва қайси нарса халқ манфаатига якнн туришини ўрганиш лозимлигини уқтиради. У баданд мартабаға эга бўлишни насл-насаб билан боғламайди, балки ақл ва ҳунар билан боғлайди. Автор ақл ва ҳунар ўрганиб, баланд мартабага эришиш керақлиги ҳақидаги ўз фикрини исботлазш учун Сукрот ҳакимдан мисоллар келтиради: «Сукрот ҳаким айтурки: ҳунардан яхшироқ нарса йўқдур ва донишдан улуғроқ нарса йўқдир, шармдан яхшироқ зевар йўқдур ва бадхўйликдан ёмонроқ душман йўқдур» деб таъкидлайди муаллиф.

Назорат учун саволлар?

5.“Қобуснома” асарининг мазмун моҳияти нимадан иборат?

6. “Қобуснома” асарида фарзанд тарбиясининг қайси жиҳатлари ёритилиб берилади?

7. Фарзандни оиласвий ҳаётга тайёрлашнинг усувлари?

8.“Қобуснома” асарида ватанпарварлик фазилатини шакллантириш масалаларининг ёритилиши?

Семина машғулоти мавзуси: АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ “ТУРКИЙ ҒУЛИСТОН ЁҲУД АХЛОҚ АСАРИДАГИ ОИЛАВИЙ ТАРБИЯГА ОИД ФОЯЛАРИ

РЕЖА:

1. Абдулла авлонийнинг ҳаёти ва ижоди
2. “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” асарида хулқ, яхши хулқ, ёмон хулқ масалаларининг ёритилиши.
3. “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” асарида тарбия, тарбиянинг замони, бадан тарбияси, фикр тарбиясининг ёритилиши
4. “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” асарида ахлоқ тарбияси, яхши хулқлар масаласи

Таянч тушунчалар: Туркий гулистон, таълим, тарбия, ахлоқ, одобоила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган фаолияти, оила, маҳалла, ҳамкорлик. яхши, хулқ.

Мен бу асари ноҷизонимни биринчи мактабларимизнинг юкори синфларида таълим бермак ила баробар улуғ адабиёт мухиблари. ахлоқ

ҳаваскорларининг анзори олийларина тақдим қилдим деб сўз боши билан бошлайди Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлок” асарида.

Ҳар кун ўлурام шомғача мен ғамга гирифтор,
Ҳар шаб ёнарам оташа парвона каби зор.
Ҳеч кимса эмас бу мени аҳволима воқиф,
Мен хастаяму миллатим ўлмиш нега bemor.

АХЛОҚ

Инсонларни яхшиликға чакиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиласурган китобни ахлоқ дейилтур. Ахлоқ илмини ўкуб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби Ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, кимматини билмас. Ўз айбини билуб, икрор килуб тузатмакға саъй ва қўшиш қилган киши чин баҳодир ва паҳлавон кишидур. Расули акрам набийий муҳтарам афандимиз: «Мезон тарозусига қўйиладурган амалларнинг ичиди яхши хулқдан оғирроқи йўқдур. Мўмин банда яхши хулқи сабабли кечаси ухламасдан, кундузлари рўза тутуб ибодат қилган кишилар даражасига етар», – демишлар.

Сўйласанг сўйла яхши сўзлардан,
Йўқса жим турмокинг эрур яхши.
Ўйласанг яхши фикрлар ўйла,

ХУЛҚ

Инсон икки нарсадан мураккабдур. Бири жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, окни корадан айирур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур.

Жасаднинг сурати ҳаммага маълум бир нарсадурки, ҳар вакт кўзга кўриниб турадур. Аммо нафснинг сурати кўзга кўринмайдурган, ақл ила ўлчанадурган бир нарсадурки, буни хулқ деб аталур. Агар бир киши ёшлигида нафси бузулуб тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, «Аллоҳу акбар» бундай кишилардан яхшилик кутмак ердан туруб юлдузларга

қўл узатмак кабидур. Расули акрам набиййи мухтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз:

«Бир тоғнинг ўрнидан кўчиб кетганини эшитсангиз, ишонингиз, аммо бир одамнинг хулқи бошқа бўлди деб эшитсангиз ишонмангиз», — демишлар.

Хулқи ёмон юз, қўзлидин на суд
Юз, қўзли хулқни қилмас кашуд.

Хулқ маризига даво истасанг,
Марг давосин берилур кистасанг.

ЯХШИ ХУЛҚ, ЁМОН ХУЛҚ

Ахлок уламоси инсонларнинг хулқларини иккига бўлмишлар Агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликга тавсиф бўлуб, «яхши хулқ» агар тарбиятсиз ўсуб, ёмон ишлайдурган бўлуб кетса, ёмонликга тавсиф бўлуб «ёмон хулқ» деб аталур.

Жаноби Ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши или ёмонни, фойда или зарарни, оқ или корани айирадурган қилуб яратмишдур. Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга еткурмак тарбия или бўладур. «Куш уясинда кўрганин киладур». Инсон жавҳари қобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузук хулқлардан саклануб, гўзал хулқларга одатлануб катта бўлса, ҳар ким кошида мақбул, баҳтиёр бир инсон бўлуб чиқар. Агар тарбиятсиз, ахлоқи бузулуб ўssa, Аллоҳдан кўрқмайдурган, шариатга амал қилмайдурган, насиҳатни кулогига олмайдурган, ҳар хил бузук ишларни қиладурган, нодон, жоҳил бир расвойи олам бўлуб қолур.

Расули акрам набиййи мухтарам афандимиз: «Имони комил бўлган қишилар яхши хулқли бўлурлар, сизнинг энг яхшиларингиз хотунларига яхшилик қилганларингиздур», — демишлар.

Худонинг раҳмат-у файзи ҳама инсонга яксардур,
Ва лекин тарбият бирла етушмак шарти акбардур.

Тугуб ташлов-ла бўлмас бола, бўлгай бало сизга,
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.

ТАРБИЯ

Тарбия – «Педагогия», яъни бола тарбиясининг фани демакдур.

Илми ахлокнинг асоси тарбия ўлдуғиндан шул хусусда бир оз сўз сўйлаймиз. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмақ, яхши хулқларни ўргатмақ, ёмон хулклардан саклаб ўсдурмакдур. Тарбия килгувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилган каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруб, катта қилмоғи лозимдур. Зероки, «Ҳассину ахлоқикўм» амри шарифи узра хулқимизни тузатмакга амр ўлингандымиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур.

Ахлоқимизнинг биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур, баъзилар «тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсарлар, табиат ўзгармас», – демишлар.

Ёмон хў тузалмайди дармон ила,
Ипак ўлмас ип, ранги алвон ила.
Бокинг, бир дараҳт мевасидур ёмон,
Бўлур яхши пайванд, парво билан.
Билур ҳар киши аслини рангидан,
Ва ёким улангандаги зангидан».

Лекин бу сўз тўғри эмасдур. Чунки тарбиянинг ахлоқга, албатта, таъсири бўладур. Орамизда масал борки, «сут ила кирган, жон ила чикар», мана бу сўз тўғридур. Расули акрам набиийи муҳтарам саллоплоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Бешикдан то мозорга боргунча илм ўрган», – демишлар. Бу ҳадиси шарифнинг маъноси бизларга далиллур. Ҳукамолардан бири: – «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига бөглидур», – демиш. Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядур. Пайгамбаримиз: «Болаларнгизни етти ёшида намозга ўргатингиз. Агар ўн ёшида ўқимаса урингиз», – демишлар.

Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият,
Балки охирида эрур доруламони тарбият.
Тарбият ҳамроҳ этадур хур ила рузвонлара,
Гар десам бўлмас хато жаннат макони тарбият.

ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНИ

Эмди очик маълум бўлдики, тарбияни туғулган кундан бошламак, вужудимизи қувватланурмак, фикримизи нурландурмак, ахлоқимизи гўзалланурмак, зеҳнимизи равшанланурмак лозим экан. Тарбияни кимлар қилур? Қайда килинур? деган савол келадур. Бу саволга, «биринчи уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи, мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур», – деб жавоб берсак, бир киши деюрки, «қайси оналарни айтурсиз, билимсиз, боши пакмоқ, кўли тўқмоқ оналарми? Үзларида йўқ тарбияни қайдан олиб берурлар», дер . Мана, бу сўз кишининг юрагини эзар, бағрини ёндурап. Отасига нима дерсиз, десак , қайси ота? Тўйчи, улокчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари қиймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқитмак, тарбия қилмак лозимдур», – дер. Мана бу сўзни эшигтгач, умид қўллари қўлтуқға урилур.

Хайр, бўлмаса муаллимчи десак, «Қайси муаллим? Мақсади пул, маслаги шухрат, юкори мактабларда ўқумаган, «усули таълим» кўрмаган муаллимларни айтурсизми? Аввал ўзлари дорилмуаллимин»ларда ўқимаклари, сунгра дарс бермаклари лозимдур», – дер. Мана бу сўз инсонни ҳайрат дарёсиға гарк килур.

Мударрисларга на дерсиз десак, қайси мударрис? Матлаблари ош, мақсадлари чопон, дарслари беимтиҳон, ислоҳ яқинидан юрмаган мударрисларни айтурсизми? Булар ўз вазифаларини билуб, нафсларидан кечуб, замонга мувоғик равишда дарсларини ислоҳ қилуб, имтиҳон бирла ўқутмаклари лозимдур», – дер. Мана бу сўз ҳар кимни «Алислоҳ» демакга мажбур килур. Бўлмаса ҳукумат-чи? десак, «хайр, ҳукумат ҳамманинг отасидур. Ўз фуқаросининг болаларини тарбия қилмак лозим, шунинг учун бизнинг Русия ҳукумати ўғай бўлсак ҳам, ҳар ерда бизлар учун ҳам мактаблар очуб, болаларимизни текин ўқитур. Лекин ўзимиз иш билмаган, ялқов, уйда онамиз тарбияси, отадан пул

тарбияси, муаллимдан ахлоқ тарбияси, мударрисдан фунун тарбияси кўрмаганимиздан, ҳукумат мактабларидан ҳам ўз ҳиссаларимизни ололмаймиз», – дер. Мана бу сўз бизларни тарбиядан маҳрум, ҳукукнинг на эканин билмаганигимизни билдирур.

Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур. Расули акрам набийи мухтарам салоппоюҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Инсонларнинг карами динидадур, муурвати ақлиндадур, ҳасаби ахлоқиндадур», – демишлар.

Агар бир қушнинг ёш боласин олиб,
Бўлур тарбият бирла йўлга солиб.
Онасин олиб асрарон бирла ром,
Килмас киши саъй қилса мудом.

БАДАН ТАРБИЯСИ

Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларинда, ишларинда, ибодатларинда камчилик қилурлар. Майшатимизни роҳатда бўлмоғи жасадимизнинг соғлом бўлмоғига боғлидур. Биз сиҳатимизни сакламак ила амр ўлингандикмиз, шунинг учун вужудимизи хифзи-сиҳатга зид бўлган ёмон одатлар ила чуритмақдан сакланмаклигимиз лозимдур. Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила териси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сакланмаса, чопоннинг устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вакт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур. Шунинг учун ота-оналар болалари касал бўлган замон бепарволик қилмай, тезлик ила табиб ёки дўхтурга боқизмак керак.

Имом Шофеъи ҳазратлари: «Илм икки хилдур: бири бадан илми, иккинчи дин илми», – демишлар. Бунга қараганда энг аввал хифзи сиҳат қоидаларини билмак, саломатликга терс бўлган нарсалардан сакланмак ила бўладур.

Ичкулик, кўкнор, наша, афюн, тарёк, чилим, нос, попирус каби баданинг саломатликига зарарли, огулик, баъзиси ҳаром, баъзиси макрух, баъзиси исроф бўлган нарсалардан қочмак, сакланмак шариат, акл, хикмат юзасидан лозимдур. Расули акрам набийи мухтарам саллоллоҳу алайҳи вассаллам афандимиз: «Ҳар нарса кўп ичганда маст киладурган бўлса, ман сизни анинг озгинасидан ҳам наҳй қиласман», – демишлар.

Саломатликни сақлов лозим ишдур.
Гунахдин сакла жисминг ёз-у қишишур.
Касал бўлсанг, бўлур дунё қоронгу,
Маишат талх ўлуб ҳасрат чекишишур.

ФИКР ТАРБИЯСИ

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир килинуб келган, муаллимларнинг диққатларига сяялган, виждонларига юклangan муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, гайратли бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даража муҳтоҷдурки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлидур. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан ойилмайдурган, бирининг вужуди бириг бойланган жон ила тан кабидур.

Масалан: жой солинмаган яхши бир уйнинг ичидаги ўтирум мумкин ўлмадиги каби, ичига ҳар хил янги ашёлар тўлдуруб зийнатланган эски иморат ҳам ўлтурушга ярамайдур. Башарти ўлтурса, инсонлар: «Эски уйга янги золдивор», «кир кўйлакка жун жияк», «мис қозонга лой тувок» деб ҳажв, кулги қилурлар.

Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.
Фикрнинг ойинаси олурса занг,
Рухи равшан замир ўлур бенур.

АХЛОҚ ТАРБИЯСИ

Ахлок тарбияси: инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даражага бергувчи ахлок тарбиясидур. Биз аввалги дарсда тарбия ила дарс

орасида фарқ бор, дедук, чунки дарс олувчи-билиувчи, тарбия олувчи-амал қилувчи демакдур. Шунинг учун тарбия қилувчи муаллимларнинг ўзлари илмларига омил бўлуб шогирдларга ҳам берган дарсларини амал ила чақуштуруб ўргатмаклари лозимдур. Бу равиши таълим ила берилган дарс ва маълумот шогирдларнинг дилига тез таъсир қилуб, муллойи боамал бўлурлар.

Расули акрам набийи мухтарам саллоллоху алайҳи васаллам афандимиз: «Энг ёмон кишилар илмига амал қилмайдурган кишилар», – демишлар. Агар тарбия қилувчи муаллим ўзи олим бўлуб амалсиз бўлса, бунинг ҳам шогирдларнинг ахлоқига зўр таъсири бўладур. «Домланинг ўзи фалон жода фалон ишни қилди. Аммо бизларга қилманглар, ҳаромдур, деб ваъз этадур», деб фикр ва хаёлларига бўйла шак ва шубҳа тушуб қоладур.

БАЙТ

Минбар узра жилва айлаб ваъз этарлар қилма деб,
Ўзларин хилватда кўрсанг они килмоқда эмиш.

Ичма сув дерлар биза олтун-кумуш асбобда,
Билсамиз максудлари қўлтукга урмоқда эмиш.

ЯХШИ ХУЛҚЛАР

Яхши хулқ: бир кисми ўз нафсимизга, бир кисмини бир-биримизга қаршу ишлатмак учун керакли бўлган яхши хулклар: фатонат, диёнат, исломият, назофат, гайрат, риёзат, қаноат, шижаот, илм, сабр, ҳилм, интизом, миқёси нафс, виждан, ватанни сўймак, ҳакқоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон, иктисад, викор, ҳавф ва ражо, итоат, ҳақшунослик, хайриҳоҳлик, мунислик, садоқат, муҳаббат ва афвадур. Мана бу ёздиғимиз яхши хулклар акл ва шаръи шарифга мувоғик. Аллоҳ таоло ҳам бандалар кошида мақбул ва мұтабардур. Эмди бу яхши хулкларни қўлга олмак учун ота-она, муаллим устодларимиз ҳазратларининг ҳикматли насиҳатларини жон қулоги бирла тинглаб, доим хотирда тутмок, ахлоқи яхши кишилар бирла улфат бўлмак, ахлоқи бузук ёмон кишилардан кочмак лозимдур. Бизим шариати исломияда «ахлоқи ҳасана» – яхши хулклар ила хулқланмак, ҳар нарсага ибрат кўз ила бокуб, хулқини тузатмак вожибдур. Расули акрам набийи мухтарам саллоллоху алайҳи васаллам: «Исломиятда

бузуклик йўқдур, бузукликни устига олув ҳам йўқдур. Исломиятда энг мұтабар кишилар яхши хулқ эгаларидур», – демишлар.

БАЙТ

Яхши бирла юрса, ҳар ким мақсуди ҳосил бўлур,
Юрса нодонлар ила, бир кун бориб қотил бўлур.

Катталар қилган насиҳатни кичиклар олмаса,
Оқибат хулқи бузук бир беадаб жоҳил бўлур.

ФАТОНАТ

Фатонат ақл эгаси бўлув демакдир. Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидур. Рух ишловчи, ақл бошловчидур. Инсон ақли ила дин ва зътиқодини маҳкам қилур, шариат ҳукмларига бўюнсунар. Ақлсиз жинни кишилар буларга бўюн қўймас, шариатдан ташқари ишларни ҳам қилур. Жаноби Ҳақ инсонни ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Ҳайвонлар ўзларига бўлақлар тарафидан келадурган зулм ва жабрларни шоҳ, тиш, тумшук, тирноклари ила қайтарурлар. Лекин инсон жаноби Ҳақ тарафидан берилмиш ақл ва идроки соясида ўзига келадурган зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилуб, бўйнидан бойлаб, ипларининг учини кўлларига берган инсонларнинг аклидур.

Илм инсонларнинг мадори ҳаёти, раҳбари нажотидур. Илм ўрганмак, олим бўлмак учун мактабга кирмак, муаллимдан таълим олмак лозим. Ақлсиз кишилар на мактабга кирап ва на муаллимни билар. Расули акрам набийийи муҳтарам саллоллоҳу алайҳи вассаллам афандимиз: «Эй инсонлар! Ақлингизга тавозеъ қилингиз. Сиз жаноби Ҳақ буюрган ва қайтарган нарсаларни ақлингиз ила билурсиз», – демишлар. Ҳукамолардан бири: «Агар ақлингни кўли нафсингни жиловини ушласа, сани ёмон йўлларга кирмоқдан саклар. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арzon бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида канча кўпайса, шунча кимматбахо бўлур», – демиш.

Ақлдек зебо сифатни кўрди Ҳақ, инсонга эб,
Оқил инсонлар билан берди жаҳон-оламга зеб.

Ақл нури бирла тўлди дунёга илм-у хунар,
Ақлсиз инсон қачон билғусидур нафъ-у зарар?
Ақлсизлар билмагайлар дин надур, дунё надур?
Бўлмаса ақли билурми фарз ила суннат ғадур?

ДИЁНАТ

Диёнат аллоҳ хузурина яқин киласурган мұқаддас эътиқоддурки, оламда мундан суюкли нарса йўқдур Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойдани заардан, окни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, мундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга, ва на миллатга тариқча фойда йўқдур. Дин жаноби Ҳак тарафидан бандалари учун курилмиш тўғри йўлдурки, банда дунё ва охиратда бу йўл ила соҳили саломатга чикар. Дин уламолари диний китобларда Аллоҳ таолога ибодат қилишнинг йўл ва қоидаларини баён қилмишлар. Ибодат икки турли бўладур: Бири тан ибодати, иккинчиси рух ибодати. Тан ибодати таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж каби амаллардурки, буларнинг ҳар бирини ўз вақтида шариатга мувофиқ равишда миннат қилмасдан, риё қилмасдан дилни поклаб, ниятни холис қилуб, шавқ ва завқ ила адo қилмоқ лозимдур. Рух ибодати қалб ила адo қилинадурган ибодатдурки, эътиқодни маҳкам, дилни пок қилуб, Куръон, Ҳадис, фикҳ каби диний китоблар оқилганда жон қулоғи ила тинглаб асарланмакдур.

Б

ир киши тан ибодатини қилуб, рух ибодатини қилмаса, ё рух ибодатини қилиб, тан ибодатини қилмаса ўз вазифасини адo қилмаган бўладур. Ақл дин ила, дин амал ила, амал тақво ила камол топар. Дин инсонларнинг дилидан саховат, марҳамат, шафқат, улфат, мурувват эшикларини очуб, саодат ва саломат бўстонига олиб борур. Расули акрам набийий мухтарам саллоллоҳу алайхи васаллам афандимиз: «Аллоҳни кўз олдингда кўруб тургандек ибодат қил, зероки, сан они кўрмассанг ҳам, албатта, Ул сани кўрадур, нафсингни ўлган ҳисоб эт», – демишлар.

НАЗОФАТ

Назофат деб аъзоларимизни, кийимларимизни, асбобларимизни пок ва тоза тутмоқни айтилур. Поклик зехн ва идрокингни кенг ва ўткур килур. Халқ орасида эътибор ва шуҳратга сабаб бўлур. Поклик ила ҳар хил касаллардан қутулуб, жонимизнинг қадрини билган бўлурмиз. Пок бўлмак саломатимиз, саодатимиз учун энг керакли нарсадур. Пок бўлмаган киши Аллоҳ ҳам халқ қошида севимсиздур. Йиртиқ, эски кийимлар киймак айб эмас, янги кийимларни кир қилуб, ёгини чикаруб

юрмак зүр айб ва гунохдур. Чунки бу иш шариатга терс, тарбияти баданга зид, ажнабийлар күзига исломиятни чиркин килиб күрсатмоқ бўладур, ҳам бир йилга етадурган кийимлар олти ойга етмай, кирқиуб тамом бўладур. Бу исроф, мол қадрини билмасликдур. Ифлослик балосидан поклик давоси ила қутулмоқ керак. Баликнинг ҳаёти сув ила ўлдиги каби, инсоннинг саломатлиги ҳаво иладур. Агар тан пок бўлуб ювилиб турмаса, қулоқ кир бўлса, эшиитмагани каби бадан ҳам ўзига керак бўлган ҳавони ичига ололмас, ичидағи рутубат ҳам кирдан ўтуб чиқуб кетолмас, чунки бадан элак каби кўзликдур. Агар кўзи кир олса, ун туруб сув ҳам ўтмас, шунинг учун тамиз бўлмаган кишилар кўрқинч касалларга тезгина гирифтор бўлурлар. Шодликлари ғамда, олтундан қадрли умрлари кас алхоналарда ўтар. Мана шуларни риоя қилуб, шариатимиз бизга покликни фарз қилмишдур. Поклик мусулмонлигнинг илдизидур. Шунинг учун тани, кийими, жойномози пок бўлмаган кишининг ибодати ҳам дуруст бўлмайдур. Расули акрам набийи мұхтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз:

САЪЙ ВА ГАЙРАТ

Саъй ва гайрат деб устига юкланган ибодат ва хизматларни ҳаракат бирла адo қилмакни айтилур. Шариат ҳам ақл юзасидан ялқовлик қилуб, ишсиз, бекор юрмак дуруст эмасдур. Зероки, Кур ъони карим бизларни саъй қилмокға амр этмишдур. Дангасалик ҳар вақт инсонни хор, тама балосига гирифтор қилур. Бир ишга машғул бўлган кишилар вақтнинг ўтганини билмас, ялқов кишилар учун бир соат ўткармак қиёматдан қийиндур. Гайрат вужудимизга қуввати маъсүд ва баҳтиёр бўлишимизга сабабдур. Шунинг учун ҳар биримиз саъй қилуб, ўз кучимиз ила майшатимизга керак бўлган нарсаларни топуб, бошқаларга муҳтоj бўлмай роҳат-роҳат яшамоқ лозимдур. Сиҳатимиз, саодатимиз, сарватимиз, каноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, алҳосил, бутун ҳаётимиз ҳаракатимизга боғлидур. Ҳаракатлик кишилар тезгина мақсадларига етурлар. Ялқов кишилар ҳар нарсадан маҳрум, доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтоj бўлуб хорликда қолурлар.

Киши ёш вақтида илм ва маърифат, ҳунар ва санъатга бўйин қўймаса, тараффуд қилмаса, албатта, кора ишчи бўлуб колур. Шариатга терс, конунга зид бўлмаган хизматларни қилмак айб эмасдур. Агар бунга ҳам

бўйин қўймай бу қўмирчилик, бу темирчилик менга муносиб иш эмас деб, дангасалик қилуб, ишсиз юрса, зўр айб, ғайратсизликдур. «Гайратлиқдан имон кутилмас» деган масал бор. Бунга караганда дунё ва охиратимиз учун ғайратни қўлдан бермаслик лозимдур. Ғайрат имона, салобати виждана далолат этар. Ҳазрати Умар эшик олдида бекор ўтирган бир кишини кўруб: «Ғайратсиз кишилардан Худо безор, исломият ғайрат ила ривож топди, сандек ялқов кишилардан исломият ҳазар қилур», – демишлар.

Ҳак буюорди: «Лайса лилинсони илло мо саъй»,
Ғайрат ила ўтди оламдан Мұхаммад Мустафо.
Биз-да умматмиз, қиласалар шафоат сохиби рўзи жазо.

РИЁЗАТ

Риёзат деб савоб ишларни қилуб, гуноҳ ишлардан сакланмоқни айтилур. Риёзат адабнинг кони, рухнинг дармонидур. Инсонларни тўғри йўлга солуб, эгри йўлдан қайтаргувчи риёзатдур. Шул сабабли риёзат килгувчилар оқил ва фозил бўлур. Аллоҳ ҳам ҳалқ қошида мақбул ва мўтабардур. Ялқовлик, кўп ухламак, ёмон одамлар ила юрмак, вактни бекор ўткармак, айш-у ишрат қилмак, кўп ошамак, фойдасиз сўзлар сўзламак, самоварларда, кўчаларда азиз умрни буш откармак каби ишларнинг ҳаммаси риёзатга зид, умрнинг эгови, Худонинг ғазабидур. Аллоҳнинг буйруғи, Расулulloҳнинг суннатлари, шариат кил деган ишларни бирин-кетин ўз вактида килмак ибодат ҳам риёзатдур.

Риёзатни риоя қилган кишилар ҳеч вакт шариат йўлидан айрилмас, Аллоҳ буйругидан четга чикмас ва бу йўл ила охират азобидан қутулур, роҳат ва раҳмат саройига кирап, риёзатни риоя қилмаган кишилар Аллоҳ таолонинг ризосини тополмас, хор-зор бўлуб, охиратда аламлик азобга гирифтор бўлур.

Афлотун ҳаким: «Мен риёзатдаги лаззатни ҳеч нарсада кўрмадим, зероки, вужудимнинг саломати, рухимнинг саодатини риёзатда топдим. Шунинг учун риёзат айни саодатдур деярам, чунки фикрнинг, тилнинг ислохи баданинг риёзатига боғлидур», – демиш.

Ибн Сино ҳаким: «Тан риёзатидан күпроқ рух риёзати лозимдур. Мард киши ўзини риёзат ва адаб ила кўрсатсун, инсон ила ҳайвон орасидаги фарқ ёлгуз майшатда эмас, яхши ахлок касб қилмоқдадур», – демиши.

Риёзат мевасидур мисли бодом,
Юзи қаттиг ичидур ишта инъом.
Кишин максудина элтар риёзат,
Риёзатсиз иш ўлғай бесаранжом.
Агар сабр-у риёзат чексанг, эй жон,
Пишуб олдингга тушгай мевайи хом.

ШИЖОАТ

Шижаот деб ботир ва юракли бўлмакни айтилур. Шажиъ киши ҳеч нарсадан кўркмайдурган ботир ва юракли бўлур. Саъй ва гайратнинг зидди дангаса ва ялқовлик ўлдиги каби шижаотнинг зидди кўрқоклидур. Кўрқоқ савдогар фойда қилмас. Кўрқоқ киши ўзининг соясидан ҳуркар, ҳеч бир иш қилишга юраги бўлмас. Кўп кишилар ваҳима ва кўрқоклик орқасидан молларидан, жонларидан, ватанларидан айрилурлар. Шунинг учун ҳар ишда шижаотни қўлдан бермаслик лозимдур. Шижаот инсониятнинг соф ойинаси, иффат, гайрат, истиқомат каби яхши хулқларнинг нуронийсидур. Шижаотнинг ҳакиқати қалбнинг матонатиндан, рухнинг саломатиндан иборатдур. Ҳозирги замонда ботирлик – бойлиқда, қайси давлат ва миллатнинг давлати болса, шул устун бўлмакдадур. Чунки ҳукумат учун халқ, халқ учун ҳунар, ҳунар учун илм, илм учун ақча лозимдур.

Сарватли миллатлар миллияtlарини йўқотмас, роҳат ва саодатда яшар. Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айланудурдилар ва бу сояда бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар. Сехргар ва жодугарлик ила эмас, тижорат ва саноатгарлик ила чолишкон Ёврўпа, Африқо ва Осиёни ўзига асир ва мусаххар қилмакдадур.

Бу замонда фил ила жанг айламак эрлик эмас,
Эр ўшалдурким тутар илм-у ҳунарнинг ёқасин.
Бешлаб, ўнлаб сўм топишса, илм ила агёрлар,
Биз бўлуб ҳаммол, оладурмиз тийинлаб ҷоқасин.
Бошқалар санъат, тижорат-ла тараққий айласа,
Бизни эл тортар аёғдин ўлган отнинг тоқасин.

ҚАНОАТ

Қаноат деб жаноби Ҳақ тарафидан иңсон бүлган ахволга етишдигимиз неъмат ва молга шукр, бошимизга келган фәкәр, мусибат, фалокатларга чидаб, сабр қилмоқни айтилур. Қаноат ҳасад, тама, хирс, хорлик каби иллатларнинг давоси, нафсимизнинг гиносидур.

Қаноат бир ҳазинадурки, нақдинаси кундан-кун ортар. Бу ҳазинага эга бүлган кишилар умрларини шавқ ва роҳатда кечиурлар. Бунинг ила баробар қаноатсизликдан пайдо бўладурган ҳасад деган жоннинг энг зўр душманидан кутулурлар. Чин инсонлар кишининг молина, мулкина, саодатина, машнатина ҳасад қилас, қаноатдан айрилмас, умрини роҳатда ўткарур. Инсон ҳар бир ишга кучи етгунча чолишмоқ, жаноби Ҳақ тақдирдаги нарсасидан нимани берса, шунга қаноат қилмоқ лозимдур.

Зероки, инсон ўз машнатини, номусини сакламоқ учун фидойи жон даражасига боргунча саъй қилмоқга буюрилмишдур, лекин бу саъйнинг машруйи ҳар бир ишда қаноатни қўлдан бермасликтур. Оламда қаноат каби дилни поклайдурган нарса йўқдур. Жаноби Ҳақнинг амрига итоат қандай саодат эса, тақдирига қаноат зиёда баҳтиёрликдур.

Ҳазрати Али афандимиз: «Дунёда саъй-жадали ила машнат ўткарган қаноат эгаси ҳеч кимга муҳтож бўлмаган зўр бойлар каби роҳатда, саодатда яшар», – демишлар.

Афлотун ҳаким: «Инсоннинг саодати қаноатини қўлда тутмакда, сарват ва машнат тўғрисида жаноби Ҳақнинг тақдирига рози бўлмакдадур», – демишлар.

ИЛМ

Илм деб ўқимак, ёзмакни яхши билмак, ҳар бир керакли нарсаларни ўрганмакни айтилур. Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун гоят олий ва мукаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз ахволимизни, ҳаракотимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни килич каби ўткур қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюруб берур, тўғри йўлга раҳнамолик қилуб, дунё ва охиратда масъуд бўлишимизга сабаб бўлур. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур. Чунки илмсиз кишилар ота-

онасига, қариндош-уругига, ёр-дүстига, дин ва миллатига фойда еткurmак бир тарафда турсун ўз устига лозим бўлган ибодат ва тоатни ҳам лойиқича қила олмас. Илмнинг фойдаси у қадар кўпдурки, таъриф килгон бирла адо қилмак мумкин эмасдур. Бизларни жаҳолат коронғулигидан куткарур, маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуг ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳиби қилур, Аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни ортдурур, жаноби Ҳақнинг азамат ва қудратини билдирур. Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, машратимиз, ҳимматимиз, гайратимиз, дунё ва охиратимиз илма боғлидур.

Шунинг учун ўқимак, билмак замонларини кўлдан бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан кутулмакга жонимиз борича саъй қилмагимиз лозимдур.

АҚСОМИ ИЛМ

Илм диний ва фаний қисмлар ила иккига бўлинур.

Диний киши бўлмак учун улуми диния ўқумак ила баробар ҳисоб, ҳандаса, тарих, ҳикмат, кимё, тиб, зироат илмлари каби фаний илмларни ҳам билмак, чин олим бўлмак лозимдур. Чунки бу илмларнинг иккиси ҳам дунё ва охиратимиз, ҳаёт ва саодатимиз учун энг керакли нарсалардур.

Ўткан замондағи ислом уламолари ҳар бир илмга тиш-тирноқлари ила ёпишдилар¹, ўқидилар, ўқитдилар, улум ва фунун соясида исломият тараққий қилди, маданият тарқатди, китобхоналар, қироатхоналар, етимхоналар, камбағалхоналар, касалхоналар очилди. Ҳозирги мусулмонлар таассуб ва жаҳолатлари ила мактандулари каби, аввалги замон мусулмонлари илм ва маърифат, китоб ва асарлари ила мактандурлар эди. Алҳосил, ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ёшларининг илм ва маърифатига, хунар ва санъатига боғлидур. Расули акрам набийий муҳтарам саллоллоҳу алайҳи вассаллам афандимиз: «Илм ўқимак ҳар бир мўмин эр-у хотунга фарздор», – демишлар. Ажабо, Қуръонимиз, Пайғамбаримиз ўқингиз, деб амр қўлғон ҳолда, бизлар на учун ҳаракат қилмаймиз, кимиrlамаймиз. Бошқа миллатларнинг ўғуллари, қизлари

кеча демай, кундуз демай, ёз демай, киш демай илм йўлида жонларини фидо килуб, қувушуб, югурушуб, кўзларимизни қамашдириб турган бир замонда бизлар ҳамон² уйқудан, гафлатдан, жаҳолатдан бошимизни кўтармаймиз, ибрат олмаймиз. Пайғамбаримиз: «Олим бўл, илм талаб килувчи бўл, ёки илмни эшигувчи бўл, ҳеч бўлмаса шуларга муҳаббат килувчи бўл, бешинчиси бўлма, ҳалок бўлурсан», – демадиларму?

Топар илм ила одам оғли камол,
Етурмас камола жамол ила мол.
Керак ўртнур илм учун шамъдек,
Танумок Худони илмсиз маҳол.

САБР

Сабр деб бошимизга келган бало ва қазоларга чидамли бўлмакни айтилур. Ҳар бир ишда сабр ва совуққонлик ила ҳаракат қилмак лозимдур. Чунки бошимизга келадургон бало ва қазо, заҳмат ва машаққатларнинг барчаси жаноби Ҳакнинг иродаси ила ўлдиги учун буларга сабрсизлик қилган кишилар ажр ва савобдин курук қолурлар. Сабр инсонлар учун буюк бир фазилатдурки, жаноби ҳақ собирларни суяр. Куръони карим ичида кўп ерда сабрни, собирларни мадҳ қилмишдур. Шариат исломияда жаноби Ҳақ тарафидан келган бало ва қазога сабр килмок фарзи айндор.

Инсон ҳар бир ишни сабр ва матонат ила юрутса, мақсадига тинч ва роҳатда боруб етар. Ҳамиша саодатда яшар.

Секин борган киши мақсада етгай,
Шошиб бесабрлар каж йўлга кетгай.
Агар сабринг бўлса нафсингга йўлдош.
Сени тавғики раббонига элтгай.

Нафсини сабр ила ром қилган киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат килур. Нафсини ҳалокатдан, гуурдан сақлар. Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шаҳватни иффатга, газабни шижоатга, шиддатни ҳилмга, катталикни тавозуъга, ёмонликни яхшиликга айланурмакга куввати етар. Шул хусусда сўйланмиш бир ҳадиси шарифнинг маъноси «илм имонли кишиларнинг муҳиби, ҳилм ҳомийси, акл

далили, яхши амал сармояси, мулойимат волиди, афв ахавони, сабр ҳокими виждонидур», – дейилмиш. Араблар: «Ассабру мифтохул-фараҳ» – «сабр шодлиғнинг калидидур», – деюрлар.

ҲИЛМ

Ҳилм деб бўлар-бўлмас ишга аччиғланмайдурган, арслон юракли, юмшоқ табиатли бўлмоқни айтилур.

Ҳилм инсонларнинг табъидан хусумат, адоват, газаб, ҳиддат каби ёмон хулкларни йўқ киладурган ҳар кимча мақбул бир сифатдур.

Ҳилм илми ахлоқ юзасидан инсонга энг керакли нарсадур.

Нафснинг роҳати, қалбнинг матонати, фикрнинг саломати, виждоннинг ҳаловати ҳалим табиат бўлмоқ ила ҳосил бўлур. Чунки ҳалим кишилар ҳар қанча қувват ва кудрат соҳиби бўлса ҳам, ўзидан ожиз кишиларга шиддат ила муомала кильмас. Фикри саломат кишиларнинг қалби ҳалим, табъи карим ўлур. Зероки, вужудимиздан пайдо бўладирган афъол ва харакотимизнинг манбайи ҳавас ва орзудур. Бу ҳавас ва орзуга факат ҳилм ила голиб келурмиз ва бу васила ила тўғри йўлга кируб, яхши хулк соҳиби, дин ва миллат ҳодимларидан бўлурмиз. Дунёда чин инсон бўлмак учун ҳаваснинг қўлига нафснинг жиловини бермайдирган, бўлар-бўлмас нарсалардан аччиғланмайдурган, совукконли, юмшоқ табиатли, мулойим сўзли, ҳалим ва сабрли бўлмак лозимдур.

Зотига, ҳилмияти мавсуф қилса ҳар киши,
Икки оламда бўлур роҳат, ҳаловатда иши.

Сукрот ҳаким: «Шиддат ила муомала қилган кишиларга ман викор ва ҳалимлик ила муқобила қилурман, чунки ҳилм шиддатни, хусуматни паст қилур. Лекин кишини ожиз ва хорлик даражасига тушурадурган ҳалимликдан ман безор», – демиш.

Бу сўзга караганда саховатнинг ифроти исроф ўлдиги каби ўринсиз ерда ҳилм истеъмол қилмак инсоннинг викор ва эътиборини поймол қилур. Шунинг учун ҳилмият ҳудудидан – чегарасидан чиқмай, газаб, ҳиддат каби ерларда ҳилм истеъмол қилуб, нафснинг ҳароратини паст қилмолидур. Лекин тепса тебранмайдурган, туртса тинг этмайдиган бўлуб, гайрат, шижоат ўринларига ҳам мулойимлик ишлатув ҳалимлик ҳудудидан ошуб, бўшлиқ, анқовлик дунёсига чиқмакдур. Бундай ҳалимликдан кочмак, ҳазар қилмак керак.

Ҳалимликни килсанг агар ихтиёр,
Бұлур халқи олам санга дүст-у ёр.
Бұлур мевалик шохни боши паст,
Ҳалим ўлгуси оқили ҳушёр.

ИНТИЗОМ

Интизом деб қиладурған ибодаттаримизни, ишларимизни ҳар бирини үз вактида тартиби ила қымакни айтилур. Агар ер юзида интизом бұлмаса зди, инсонлар бир дақықа яшолмас здилар. Жаноби Ҳақ ер-у осмонларни, ой ва юлдузларни, инсон ва ҳайвонларни, құрт ва құшларни шундай бир низом ила тарбият беріб яратмишдурки, ақл билмакдан, қалам ёзмакдан, тил сүзламакдан ожиздур. Дунёға келган пайғамбарларнинг ҳар бирлари дин ва шариатларини тарбият ва низом ила юрутмишлар. Хусусан, ислом дини мұкаммал равища тартиб ва низомни риоя қилмишдур. Ва бу сояда озгина замонда ислом уруғлари бутун дунё юзига ёйлмишдур. Ислом давлатларининг барпоси низом ва интизом ила үлдіғи кади барбод ва инқиrozи ҳам тартиб ва низомсизлик ила бұлмишдур. «Хайр, үткан ишга саловат!». Алхосил, ҳар бир миллатнинг тараққий ва таолийси ишларини вактида низомдан чиқармай тартиби ила юрутмакға боғлидур. Шогирдлар мактаб ва мадрасалардағи замонға мұвоғиқ равища қурилмиш, низом ва тартибларни риоя қымаклари лоз имдур. Чунки тартиб ва низомни риоя қымаган кишиларнинг ишлари ҳамма вакт нотамом, үzlари паришон бўлурлар. Аммо ишларини тартиб узра юртган кишиларнинг ишлари ерида, үzlари тинч ва роҳатда умр үткарурлар. Ҳозирги замонда бизнинг Туркистан бойларининг ишлари тұхтаб, синувларининг биринчи сабаби ишларини ахлоқсиз, билимсиз, мұсриф, ялқов кишиларга топширувлари ила баробар үzlарининг замонға мұвоғиқ тартиб ва низомдан хабарсизліктарининг емушидур. Пайғамбаримиз: «Касбларнинг ортуғроқи хиёнатсиз, ёлғонсиз қылғон савдо ва тижорат ила банданинг үз құли бирлан ишлаган ишидур», – демишлилар.

МИҚЕСИ НАФС

Миқеси нафс деб қиладурған амалларимизни, ишларимизни шариат, инсоният конунига мұвоғиқ үлуб, үлмайдигини виждонимиз

ила ўлчаб кўрмакни айтилур. Нафс ўлчови ҳакикий бир ўлчовдурки, инсоннинг ўз нафсига лойик кўрмаган муомалани бошқалар ҳакида ижро этмоқга кўймас, фикр эгалари, инсоф соҳиблари ҳар вакт нафс ўлчовидан ташқари ҳаракат килмас.

Агарда бир сабаб ила шариат ҳукмидан, инсоният қонунидан чет кетса, бу қабоҳатини нафс ўлчови ила билуб, иккинчи мартаба қилмасга қасд ва ният қилуб, шариат низомидан, инсоният чизигидан чиқмасликга саъй ва гайрат килур.

Алҳосил, нафс ўлчови таърифдан ташқари инсонлар учун энг фойдали, ҳар кимча мақбул буюк бир фазилаттур.

Буюк Искандар: «Дунёда энг ҳақиқий, тўғри ўлчов нафс ўлчовидурки, бу мезонда зарра нуқсон йўқдур», – демиш.

Ибн Сино ҳаким: «Инсоннинг фазл-у камолининг ўлчови нафснинг ўлчови ила ўлчанур», – демиш.

Дунёда ҳар нарсанинг маҳсус ўлчови бўлар,
Банда аф ъолини виждони ила тортиб қўрар.
Бир ишига вазнда келса оғир ўз нафсига,
Ул ишинг қандоғ бўлакларга раво, лойик кўрар.

ВИЖДОН

Виждон деб руҳимизга, фикримизга таъсир қиласурган ҳиссиёт, яъни сезув – туймақдан иборат маънавий қувватни айтилур. Биз ҳар вакт афъол ва ҳаракотимизни яхши ва ёмонлигини, фойда ва зааралигини онжак виждонимиз ила билурмиз. Виждон инсоннинг акл ва фикрини ҳақиқий мезонидурки, бу тарозу ила ўз камчиликларини ўлчаб билмак ила баробар бошқаларнинг ҳам афъол ва ҳаракотини сезур. Агар ишлаган иши шариат, акл ва хикматга мувофик бўлса, муҳаббат қилур. Қабоҳат ва ёмон ишларни қилса, нафрат қилур. Биз жаноби Ҳақнинг амр ва наҳйини фикр ва руҳимизнинг маънавий қуввати ўлан виждонимиз ила айира билурмиз.

Виждон яхши хулқларнинг манбайи ўлдигиндан виждон соҳиблари ҳар бир ишни бегараз, холис ният ила ишлар.

Шул сабабли ҳар ким назарида мақбул ва суюкли бўлур.

Аммо виждонсиз кишиларнинг ишларида ният ва амалларида, дўст ва ошноликларида яширин бир гаразлари ўлдигиндан ҳар вақт ҳасрат ва надомат чекуб, виждон азобига гирифтор бўлурлар.

Ҳар бир инсоннинг ҳакиқий фоили виждонидур,
Меваси яхши амалдур, хосили виждонидур.

Инсон диний вазифаларининг улуввиятини виждони соясида тақдир кила билур. Чунки, виждони саломат кишилар имон ва эътиқодларини камолга еткурмак учун жаноби Ҳақнинг буйрукларини дин ва миллатға фойдали ишларни шод ва куррамлик ила ишлар.

Алҳосил, виждон ҳар кимнинг афъол ва ҳаракотини кўрсатадурган мусаффо бир ойинадурки, бу кўзгуга чин назар қилған киши ўз айб ва камчиликларини тузатмак ҳаракатида бўлуб, бошқаларнинг айб ва кусурларини ахтармокға вақти бўлмас. Бизим исломиятда виждон ахлоқининг ислоҳи учун саъй-ҳаракат қилмак лозим ўлдигиндан шул доирада ҳаракат қилғон кишилар икки жаҳонда азиз ва мукаррам бўлурлар. Арасту ҳаким: «Рухимизнинг маънавий қуввати ўлан виждонимиз, фикримизга қувват бергувчи бир воситайи идрокия дейилур. Яъни, хиссиётимизнинг рухимизга таъсир эттиргувчи бир робитайи илктириқийясидур», – демиш.

Ибн Сино ҳаким: «Виждон рух ва фикримизни туйғун қилмакга биринчи воситадур», – демиш.

Соф виждон каби ҳеч комила мезон ўлмаз,
Киши ўз айбини билмак каби урфон ўлмаз.
Шод-масрур ўлур инсоф ила виждонли киши,
Кимки виждонсиз эса, тўғри, чин инсон ўлмаз.

ВАТАННИ СУЙМАК

Ватан. Ҳар бир кишининг туғулуб ўскан шахар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортиқ суръ. Ҳатто бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳатроҳат яшамас, майшати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гў шасида ўз ватанининг муҳаббати туар.

Биз туркистонлилар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар арабистонларини, кумлик, иссиг чўлларини, эскимулар

шимол тарафларини, энг совук кор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда сурялар. Агар сүймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб хижрат килурлар эди.

Боболаримиз «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл», – демишлар.

Мен айблик эмас, эй ватаним, тоғларим,
Бевакт ташлаб кетдим, оё, боғларим.
Хижрон қилодур мени жудолиг,
Дўнди ғама рўз-у шаб-у чоғларим.

Ҳаммага маълумдурки, энг муқаддас диний еримиз ўлан Арабистонга боғларини, ҳовлиларини сотуб хижрат қилган ҳожиларимизнинг аксари яна ўз ватанларига қайтуб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб кетурган қувват ўз ватанларининг, тупрокларининг меҳр-у маҳаббатидур. Расули акрам набийий мухтарам саллоюлоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ҳуббул – ватани минал имони – ватани суймак имондандур», – демишлар.

Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,
Банга на ғам, колур авлодима уй-у ватаним.
Ғубора дўнса ғамим йўқ вужуд зери ваҳм,
Чароки ўз ватаним ҳокидур гўр-у кафаним.

ҲАҚКОНИЯТ

Ҳаққоният деб ишда тўғрилик, сўзда ростликни айтилур. Инсон бўстони саломатга, гулзори саодатга ҳаққоният йўли или чақар. Инсониятнинг илдизи ўлан раҳмдиллик, ҳақшунослик, одиллик каби энг яхши сифатларнинг онаси ҳаққониятдур. Жаноби Ҳақнинг шу номи муборакини муқаддас билган киши ҳеч вақт ҳаққониятдан айрилмас, чунки ҳаққоният нури қайси дилда жилвагар ўлса, жаноби Ҳақнинг тавфиқи раббонийси шу дилда нашъу намо килур. Акл эгалари, виждан соҳиблари ҳар вақт кўрган, қилган ва билгандарини, ҳақиқатни ва тўғрисини сўзлар. Ишда тўғрилик бироннинг нафсига, молига хиёнат килмов, сўзда тўғрилик ҳар вақт рост сўзламакликдур.

Ростлиг ҳақнинг ризосини топар.
Тұғри йүлда йўқ бўлурму ҳеч чопар?

Бизим шариати исломияда агар бир кишининг ҳақига бўхтон қилинуб, килмаган ишни қилди деб сўз сўйланса, билган киши ростини сўзлаб, шул кишини оқламак вожибдур. Расули акрам набийий мухатарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Аннажоту фиссииддики – нажот ростликдадур», – демишлар. Ҳазрати мавлоно Румий: «Исломият айни ҳаққониятдур . Ҳақни қабул қилувчилар ҳуқуки шаръияни сакламоқға буюрулмишдурлар. Чунки шариат ҳукмларининг энг асосий илдизи ҳаққониятдан иборатдур», – демишлар.

Назорат саволлари:

1. Абдулла авлонийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот беринг?
2. “Туркий гулистон ёхуд ахлок” асарида хулқ, яхши хулқ, ёмон хулқ масалаларининг ёритинг?
3. “Туркий гулистон ёхуд ахлок” асарида тарбия, тарбиянинг замони, бадан тарбияси, фикр тарбиясининг ёритинг?
4. “Туркий гулистон ёхуд ахлок” асарида ахлок тарбияси?
5. “Туркий гулистон ёхуд ахлок” асарида яхши хулклар масаласини ёритиб беринг?

СЕМИНАР МАШГУЛОТИ МАВЗУСИ: МУХАММАД ҚУРОНОВНИНГ “БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ” АСАРИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

РЕЖА:

1. Миллий тарбия мазмун моҳияти
2. “Болам баҳтли бўлсин десангиз” асарида тарбия физиологияси
3. Оиласда болани китобхонликга ўргатиш
4. “Болам баҳтли бўлсин десангиз” асарида интернетнинг фойда ва заарлари масаласи
5. “Болам баҳтли бўлсин десангиз” асарида тарбиянинг ишончли методикасининг ёритилиши

Таянч тушунчалар: Бола, таълим, тарбия, баҳт, аҳлоқ, одоб, оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасасининг оила билан олиб борадиган фаолияти, оила, маҳалла, ҳамкорлик, яхши, хулк.

Муаллиф Мухаммаджон Куронов; Сизга шу китобни танлаганингиз учун раҳмат! Сабаби - сиз болаларингиз тарбияси ҳақида кўпроқ ўйлар экансиз. Қизиқар экансиз. Замонасининг маърифатли одамлари шундай килишади. Шунинг учун уларнинг болалари ота-оналаридан кучли, билимли, доно ва баҳтли бўлиб боришаётир. Уларнинг ота-оналари-чи? Албатта баҳтиёрлар. Чунки улар давлатимиз яратиб берган шароитлардан унумли фойдаланиб, болаларининг —инсон капиталини ўз вақтида, мукаммал таъминлаб кўйишаётир. Бу китоб қандай ота-оналарга аталган? Бу китоб: - Болаларининг баҳтли бўлишини астойдил истовчи; - Болаларини баҳтли бўлишга ўргатишни истовчи; - Фарзанд тарбияси бўйича янги билимлар олишни истовчи; - Замонавий фикрловчи; - Огоҳ ва хүшёрга, Ватан равнақига даҳлдор; - Ўғил-қизлари замонасининг намунали, ватанпарвар, мард инсонлари бўлишини истовчи; - Кексайганида оқибатли фарзандлар ардоғида бўлишни истовчи; - Солиҳ фарзандлари туфайли икки дунё саодатига эришишни ният қилган ота-оналар учун ёзилди дейди муаллиф Мухаммаджон Куронов. Китобни ёзишда 9 талабга риоя қилинди. Дунёда ишқ-муҳаббат, детектив, сайру-саёҳат, озиқу овқат, сиёсату тижорат ҳақида китоблар кўп. Лекин инсон учун энг азиз неъмат – фарзанд, унинг тарбияси ҳақида маҳсус китоблар кам. Борлари ҳам ё қадим замонлардан, ё диний талқинда ёки хориждан сўзлайди. XXI асрнинг шиддатли ритми, мураккаб ва таҳликали замон, ҳозирги ҳаётимизга ҳамнафас з а м о н а в и й тарбиявий рисолалар жуда кам экан. Мамлакатимизнинг турли вилоят, туман ва шаҳарларида хизмат сафарларида юзлаб маърифий сухбатлар курдик. Ўшанда ота-оналар, педагоглар —Бизга 1) баёни содда, 2) тушунарли, 3) илмий, 4) замонавий, 5) ҳаммабоп, 6) ҳазми енгил, 7) бугуннинг тарбиявий саволлари жамланган, 8) амалий, 9) кўргазмали қўлланма бўлса эди, деган илтимосни кўп айтишиди. 2007 йил —Ўзбекистон нашриётида тарбиянинг замонавий муаммоларига бағишланган —Оталар китоби номли китобим чиккан эди. Кўпчилик ўқибди. Улар шу мавзуни давом эттиришимни кўп, астойдил таклиф килишди. Ниҳоят, олти йиллик

изланишлардан сўнг қўлингиздаги китоб дунёга келди. 7 Китоб нимани тушунтиради? Китоб асосан саволлар ва уларга жавоблар, мисол, ҳикоя, тушунтиришлар асосига курилди.

Уни кичик сарлавҳачалардан иборат қилдим. Гапларни калта қилдим. Вақти кам, иши кўп ота-оналар толиқмасинлар, деб. Китобда замонавий тушунчалар ҳам бор. Чунки... Китобда сизга ҳали нотаниш, лекин замон талабларини, қийин масалаларни тушунтирувчи янги тушунчалар ҳам бўлиши мумкин. Бу муаллифнинг эмас, замон, давр талаби. Чунки ота-она замон билан ҳамкадам бўлмаса, замондан орқада қолади. Факат ўзлари эмас, фарзандлари ҳам. Замондан орқада қолиб баҳтли бўлиш мумкинми? Йўқ. Чунки орқада колганлар – кечикканлар дейлади. Кечикканларга эса ўзларига яраша – қолганлари тегади. Шунинг учун ҳурматли китобхон ота-оналар интернет, консалтинг, мутахассислар билан боғланиб, таълим-тарбия борасидаги янгиликларни сўраб, суриштириб борсалар яхши бўлади. Китобнинг усули Китоб — маслаҳатчининг ота-онага педагогик тавсиялари услугубида. Нега десангиз, маслаҳатчи ўз номидан, худди сўзлашаётгандек ёзса, мулокат самимий, амалий чиқади. Маслаҳатчи билан ота-оналар орасидаги масофа яқинлашади. Бундай самимий мурожаат усули хорижлик педагог ҳамкасларимнинг ота оналар учун ёзган китобларида учрайди. Тарбия билимни талаб қилади. Аммо... Одамлар кўп нарсаларни бир бирларидан сўраб билиб олишади. Боласи шамолласа қандай компресс килишни, болалар кийим кечаклари сотиладиган магазинларни, репетиторларни, валюталар курсини бир-бирларидан сўрашади. Лекин негадир, — Менга фарзанд тарбиясини ўргатинг!, деган ота-она жуда кам. Борлари ҳам гап очилиб қолганда, эсига тушса, сўрайди. Лекин уйидан чиқиб, машинасига ўтириб, ёки телефондан, Интернетдан фарзанд тарбиясига доир маълумот қидирайпман, деган кишиларни мен ҳали кўрмадим. Сизчи? Тарбия – болани баҳтли бўлишга ўргатиш Фарзандга олтин, кумуш, кўчмас мулк, иморат, хусусий корхона, кимматбаҳо автомобиль, акцияларни бериш мумкин. Лекин баҳтни бериб, нотариусда унинг номига расмийлаштириб, хусусийлаштириб бўлмайди. Шунинг учун азалдан подшоҳлар, хонлар, императорлар, ҳозир эса мулкдорлар, миллионеру миллиардерлар, маърифатли, ақлли ота оналар болаларини ҳаётга, тўғри яшаб. Баҳтли бўлишга ўргатишашётир. Ҳозир, шу минутларда ҳам.

Эринмай, максадли, режали. Худди спортсменни курашга тайёрлагандек. Натижада уларнинг болалари қуии лигадан ўртага, ўрта лигадан юқори лигага, юқоридан олий лигага кўтарилиб боришаётир. Тарбияланмаётган, тайёрланмаётган болалар худди спорт билан 10 шуғулланмайдиган болаларга ўхшашади. Улар ҳаёт лигаларининг пиллапояларига чиқа олишмай, қуида колиб кетишади. Бола ўз ўзидан зўр одам бўлиб кетади-ми? Кимдир —Тарбия бу, ҳаммага маълум нарсаку. Вақти келса, худо хоҳласа, ўз ўзидан зўр одам бўлиб кетади, дер. Лекин мен шунча яшаб, бирор яхши ишнинг ўз-ўзидан бўлиб қолганини кўрмадим. Сиз кўрганмисиз? Бу гапни сиз айтмайсиз, ялқовлар, боласига бефарқлар, ҳаётда бирор нарсага эришмаган кишилар айтишади. Ўзлари қилишлари керак бўлган ишни худога ташлашади. Оддий бир мисол: тайёрланмаган йигит тест варақасини қандай тўлдирсинг? Ўрганмаган қиз инглиз тилида қандай сўзласин? Оқибат нималиги тушунтирилмаган, курсатилмаган, ўргатилмаганфарзанд қандай қилиб оқибатли бўлсин? Оқибатли бўлмаса, бола айборми? Ёки унга оқибатни ўргатмай, талаб қилаётган ота онами? Нима ўришни истасангиз, шуни экинг —Нима эксанг, шуни ўрасан!, дейди халқимиз. Бу мақолни —Нима ўришни истасанг, шуни эк!, деб айтиб кўрайлик. Ана шунда китобимизни нега “Болам баҳтли бўлсин, десангиз...”(ота онага ёрдам), деб атаганимиз сабаби очилади. Бу нима дегани? Ўқийверинг, ҳозир билиб оласиз. —Шерзод қандай йигит?, деган саволга маҳалладошларингиз қандай жавоб беришими истардингиз? Фараз қилинг: 2028 йил. Ўтган ҳафта ўғлингиз Шерзодга яхши бир хонадоннинг қизини сўраб, совчи юборгансиз. Бугун маҳаллангизга бир нотаниш киши келиб, —Шерзод деган йигитни биласизларми? Жиянимизга совчи қўйдирибди. Сўраганнинг айби йўқ, дейдилар. Маҳалласидан сўраб билайлик деб келувдик. Илтимос, бу умр савдоси. Алданиб қолмайлик, ростини айтинг, Шерзод қанақа йигит?!, деб одамлардан сўраб юрган эмиш. Шерзодни яхши биладиганлар нима дейишсин? Ўглингизнинг қайси сифатларини айтсин? Бўйи баланд(ёки паст) десинми? Зўр кийинади, (ё кийинмайди) десинми? Математика, чет тилини яхши билади,(ё билмайди) десинми? Чиройли(ё хунук) десинми? Машинаси зўр(ёки ярамайди) десинми? Йўқ. Бундай бўлмайди. Энди ўнг кўл бармокларингизни очинг. Маҳалладошларингиз Шерзод ҳақида нима дейишларини истайсиз? Санаймиз. Сиз айтинг,

мен бармоқларимни букаман. Бошладик, 1)Ичмайди, чекмайди, спорт билан шуғулланади. 2) Ўз касбининг профи(профессионали) 3) меҳнатсевар, тиришқоқ 4) ёлғон гапирмайди(ростгўй) 5) бирорвнинг ҳакини емайди, бирорга ҳакини едирмайди. 6) ота онаси, қариндош, маҳалласига меҳрибон, хушмуомала. Яна —Нима ўришни истасант, шуни экъ мақолимизга қайтамиз. Сиз ўғлингизда мана шу б фазилатни экиб, —ўришни истадингиз. Шерзод 8 ёшда. Демак, ҳали вақт бор. Энди мана шу фазилатларни экинг. Суғоринг, парвариш қилинг. Ахир —Нима эксанг, шуни ўрасан, дейдилар. Бўпти, хайр. —Бу фазилатларни қаердан олиш, қандай экиб, қандай парвариш қилиш керак?! дедингизми? Қўлингиздаги китоб ана шу саволга топилган жавоблардан иборат. Ўқинг. Амал қилинг. Фойдасини бир ойдан сўнг сеза бошлайсиз.

ЛИ ЯКОККА ЎГИТИ

—Одамлар мендан: —Сиз катта муваффакиятларга эришгансиз. Бунинг имконини қандай топдингиз?! деб сўрашади. Мен ота-онамнинг менга ўргатгандарини такрорлайман. Ўзингга мақсад кўй. Қўлингдан келадиган даражада билим ол, кейин, худо хайрингни берсин, нимадир кил! 18 —Нимадир ўз-ўзидан бўлади, деб кутма. Бу осон эмас, агар сен астойдил меҳнат қилсанг, озод жамиятда интилган нарсаларингнинг барчасига етишиш мумкинлигига ҳайрон қоласан. Ва албатта, худо сенга берган барча нарсалар учун шукур қилишни унутма. Америкаликларда шахсий кадр-киммат, ўз-ўзига хурмат ва мустақиллик туйгуси ўта ривожланган. Улар, энг аввало, ўзларини шахс сифатида ҳис қиласидилар, кейинчалик оила ёки ижтимоий гуруҳга мансуб деб ҳисоблайдилар. Болалар кичикилигидан мустақилликка, ўйлаш ва қарор қабул қилишга ўргатилади. XXI асрда мана шу сифатлар битта ибора – инсон капитали деб аталмоқда. Шўролар даврида болаларни замон талаб қилаётган билимлар билан куроллантириш, тарбиялашга пул ажратиш —фойда келтирмайдиган, кераксиз харажат!, деб келинган. Шунинг учун ҳам давлат раҳбари бўлиб иш бошлаган пайтида Президент Ислом Каримов ўзининг —Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида, номли асарида шўроларнинг таълим-тарбия тизимини —қолдик принципи! асосида ишлаганини кескин танқид қилган эди. Соҳибқирон - Амир Темур —Инсон капитали! (Human Capital) гоясининг асосчиси! —Темур тузукларида —Азми қатъий,

тадбиркор, хушёрги, мард ва шижаатли бир киши мингта тадбирсиз ва локайд кишидан афзаллар, деган хулоса ёзилган. Бу ҳикмат Соҳибқирон Амир Темурнинг бундан қарийиб 700 йил олдин, минглаб одамларни синаб кўриб, кейин айтган доно сиёсий, иктиносидий, ҳарбий, маънавий, педагогик хулосаси эди. Чунки билими, кўнишкаю малакаси, маънавияти паст одам ўзига ҳам, ҳалқига ҳам, ватанига ҳам зарар етказади ва аксинча. Ҳозир ҳам бу ғоя тирик. Ҳалқимизда юрган — У ерда фалончи бор. Хотиржам бўлаверинг, ёки —Фалончими? Бир чакага ҳам арзимайди. Дардисар-кул, деган гаплар бунинг исботидир. Демак, ҳар бир инсоннинг жамият биладиган, баҳолайдиган қадр-киммати бўлар экан. Бу қадр-киммат XXI асрда —инсон капитали, деб атальмоқда. Инсон капитали бу — одамларнинг билим, кўнишка ва малакаларидир. Одамлар унинг ёрдамида шахсий бойлик ва миллий бойликни яратадилар. —Инсон капиталининг баҳоси Инсон капитали ҳам ҳар бир активнинг бозор баҳоси сингари баҳоланади. У одамнинг меҳнатга яроқлилик даврида кўрсата оладиган хизматлари оқимининг баҳосига тенг бўлади. Демак, Инсон (иктиносидий маънода) болалик, ёшликларда ўрганганди билим, кўнишмаларини ишлатиб, ўзига ва мамлакатига кўрсатадиган хизматлари туркумининг баҳосига тенг. —Инсон капитали ибораси ҳозирги шакли америкалик иктиносидчи Нобель мукофоти лауреати Теодор Шульц томонидан 1950—1960-йилларда киритилди(Shultz, 1961). Демак, ҳурматли ота-она, сиз билан қилаётган сухбатимизни —Ўғилқизларимизда —Инсон капиталини қандай кўпайтириш мумкин?, деб атаса ҳам бўларкан. АҚШни нима бой қилған? АҚШда ялпи капитал шаклланишини ўрганганди олим Ж.Кендрик АҚШни бой қилган асосий омил — —инсон капитали эканлигини аниклаган. —Инсон капитали нима? Бу — оила ва давлатнинг болалар вояга етгунича уларнинг таълим-тарбиясига, касб эгаллашига, қайта тайёрланишига, малака оширишига, соғлигини саклашига сарфланган харажатлар йиғиндиси. Мана шу ишларга маблаг қанча кўп ишлатилса, жамиятда фаровонлик шунча ошади. Аксинча, қанча камайса, салбий инсон капитали мамлакатга хаос ва қашшоқлик келтиради. Салбий инсон капиталини коррупционерлар, жиноятчилар, наркоманлар, ичкиликбозлар, дангасалар, текинхўрлар, фирибгар ва ўгрилар ташкил қилади.

Венчур одамлар. Венчур одамлар

— Мутахассис, менежер ва бизнес—фаришталар. Улар — фавқулодда иқтидорли, юксак профессионал, талантли одамлар. Улар дунёда шу қобилиятлари ва меҳнатларига мос комфорт яшаш ва иш шароитда, энг юқори маош олиб ишлашади. Венчур мутахассислар, тадбиркорлар — дунёда танкис одамлар. Ҳозирги глобаллашув ва очик чегаралар шароитидаги бу — бизнес фаришталар кәерда кўп пул тўлашса, ўша ёққа учеб юришади. Агар уларда Ватан туйғуси мустаҳкам шакллантирилса, улар бор билим, куч ва гайратларини ўз Ватанига, оиласига, ота-онасига бағишилашади. Сизнинг фарзандингиз ана шундай дунёга машхур ва ватанпарвар венчур йигит-қизи бўлиб етишиши мумкин. Бу китоб ана шу мақсадингизга етишинингизда ёрдам беради. Ижобий ва салбий ўзининг ишлаб чиқариш омили сифатидаги самарадорлиги бўйича салбий(вайронкор) ва ижобий (бунёдкор) турларга бўлинади.. У ўзига сарфланган инвестициялардан ўз жамияти, мамлакати иқтисодиётига бирор фойда келтирмайди. Аксинча, жамият, шахс иқтисодий ва бошқа соҳаларига зарар келтиради. Таълим ва тарбияга киритиладиган ҳамма инвестициялар ҳам фойда беравермайди, ИКни оширавермайди. Салбий ИК маънавият ва маданияти тубан, ишбилармонлик, тадбиркорлик қўллаб-куватланмайдиган шароитда шаклланади. Шунингдек, фуқаролик жамияти шаклланмаган, инвестициялар илмий-педагогик асосланмай сарфланса ҳам шундай бўлади. Шунингдек, псевдотарбия, псевдотаълим, псевдобилим, псевдофан ва маданият амалда бўлган жойларда ҳам шундай бўлади. Тузалмас жиноятчи, ёлланма қотил — булар жамият ва оила учун киритилган, бироқ, самарали фойдаланилмагани учун зое кетган инвестициялар демакдир. Отанинг катта-катта қўзлари олдинга, баланддаги мэррага тикилган. Ишонч, қатъиятга тўла. Гудакнинг кўзлари ҳам ўша нуқтага тикилган. Отанинг ўнг томонида гулдор дўппи кийган(!) ўсмир бола турибди. Гудакнинг ҳам, ўсмирнинг ҳам нигохи оталари тикилган олдиндаги, баланд мэррада. Ўзингизга маълум, ибодатхона, сарой деворларига тўғри келган сурат чизилавермаган. Маслаҳатлашиб, кенгашиб чизилган. Уларда ўша давлатнинг ўз олдига кўйган эзгу ғоялари акс этган. Демак, бу сурат эрамизнинг I асирида аждодларимиз учун ёшлар тарбияси устувор масала бўлганини к ўрса тиб турибди. Ота болаларига: —Сизлар биздан кўра юқориrok

маррага, тезрок чиқишингиз керак!, деяётгандек. Мақолада Күшон империяси эрамизнинг I-III асрларида (демак, сурат чизилган даврдан бошлаб) гуллаб-яшнагани баён килинган. Демак, тарбия ёшларни Ватанни ана шундай гуллатиб-яшнатишига тайёрлаган.

Ижтимоийлашув бу – болангиз мактабга бораётби, дуч келадиган минглаб ўткинчи, таниш-нотаниш одамлар, вазиятлар, воқеалар дегани. Болангиз эртага мактабга кетаётганды, ёки қайтаётганида кимларга, қандай яхши-ёмон вазиятларга дуч келишини биласизми? Йўқ, албатта. Ҳаёт тарбиялади, деб болангизни таваккал ихтиёрига бериб қўясизми? Йўқ. Чунки бу - тарбия дегани эмас. Тарбия бу – 27 аниқ фазилатларни бола хулқида кўриш мақсадини кўзлаб, муайян вакт давомида, ишончли, билимли одамлар томонидан амалга ошадиган иш. Махсус тарбия бу – сугориладиган ерда, —ҳаёт тарбияси! бу – лалми ерда дехқончилик қилишга ўхшайди. Сугориладиган ерда дехқончиликнинг ҳосили 90% Сизга боғлиқ. Чунки ишни Сиз бошқарасиз. Лалми ердаги дехқончилик эса 90% об-ҳавога боғлиқ. Сизга 10%и боғлиқ. Сиз боласи тақдирини об-ҳавога ишониб қўядиган ота-онамисиз? —Вақтим йўқ! —Вақтим йўқ!, деб бу ишни ота-она қилмаса, уларнинг ўрнига кўча, ўткинчи одамлар, тасодиф-воқеалар тарбиялади. Бунинг натижаси қандай бўлиб чиқишини ҳеч ким билмайди. Сиз шундай таваккал кила оласизми? Ота-оналар фарзандларининг Президент айтгандек: кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишини астойдил истайдилар. Пайгамбаримиз Мұҳаммад (САВ) ота она фарзандига яхши хулқдан зиёд мерос қолдира олмайди, деган экан. Демак, болаларимизни яхшилаб боқсагу, тарбияламасак, на бу, на у дунёмиз обод бўлмас экан. Адид Абдуқаҳхор Иброҳимовдан икки ҳикоя. 1.Бой оиласининг ўқимаган болалари қисмати Бундан анча йиллар олдин икки бой-бадавлат ҳаммаҳалламиз куда-андада бўлишиди: бири ўн саккиз яшар ўғлини уйлантирди, иккинчиси ўн етти яшар қизини узатди. Катта тўю тамошолар бўлиб, бир неча кун давом этди. Бир неча йил давомида келин-куёвлар иззатда бўлишиди, гўё жаннатдагидек яшашди, ҳеч бир нарсадан камчилик йўқ. Келин институтга киритилиб қўйилди-ю, лекин ўқишига бормади – оғироёқ бўлиб қолган эди. Куёв ҳам университетдаги ўқишини ташлаб юборди. На касб орттириди, на хунарли бўлди. Бой отаю, бадавлат қайнотанинг даврида чет эл русумидаги кора енгил машинасини миниб, даврон суриб юраверди. Бу орада беш йилда тўрт

фарзандли – икки ўғил, икки қизлик бўлишди – келин бир йилда икки марта январда ва декабрда фарзанд кўрди. Гўдаклар она сутига тўймагани сабабли нимжон, касалванд; келиннинг хуснига ҳам путур етди, юзларига билинар-билинмас ажинлар тушди, ўттизга етмай — ўтини бўпкодли. Қаримсик бўлиб колаётган хотинидан куёвнинг кўнгли совиб, кимгадир илакишаётгани ҳақида кўча-жойда гап тарқалди... Вақти соати етгач, балогардон ота дунёдан ўтди, тоғдек суюнчик қайнота ҳам бандаликни бажо келтирди. Ётиб еганга тог ҳам чидамас деганларицек, оила моддий жиҳатдан қийналиб қолди, бунинг устига тўрттала фарзанд касалчил, еганичганга қараганда дори-дармонга кўп маблаг кетади. Келин аввалига ўзи аъло баҳолар билан битирган мактабига фаррош бўлиб ишга кирди. Лекин орадан кўп ўтмай, фаррошликининг ойлиги камлик килди шекилли, ўз аризасига биноан мактабдан бўшаб кетди. Дунёда раҳмдил одамлар ҳам бор. Дугонасининг аянчли ахволидан хабар топган асли шу маҳаллалик, кўшни маҳаллага келин бўлиб тушган, институту аспирантураларни битириб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, эндилиқда доцент лавозимида ишлаётган дугонаси уни уй хизматчиси, яъни оқсочликка ёллади. Бир пайтлар кимсан фалончи бойвучча келин эрталаб дугонасиникига уларга нонушта тайёрлагани шошилади, пешинда у ердан у-бу олиб, касалманд болаларидан хабар олиб кетади. Шомдан кейин елим халта 28 кўтариб уйига қайтади. Собиқ бойвачча куёв аввалига унча-бунча ишга бўйни ёр бермади. Кейинча рузборнинг ола ҳуржуни бўйнига тушгач, шахсий машинасида киракашлик килди. Бир марта ҳам таъмирланмаган машина тез орада шалоги чиқиб, минишга яроқсиз бўлиб қолди. Яқинда Эски шаҳардаги бензин қўйиш шахобчаларидан бирида машина бакларига ёнилғи қўйиб, харидорларга шаша дока матоларини таклиф қилаётганига кўзим тушди. 2.Тоғасига келин бўлган қиз ва аммасига куёв йигит қисмати. Бундан чорак аср аввал ўз даври учун жуда катта тўй бўлди. Катта магазиннинг директори Шофайзкул оқ маҳалласида яшовчи синглисингининг қизини келин килди, яъни қиз тоғасига келин бўлди, йигит аммасига куёв бўлди — — қўйинидан тўкилса — кўнжига қабилида иш тутилди. Ёш оила бешта фарзанд кўришди, тўрт қизу бир ўғил. Аввалига ака-сингил қудалар — яқин қариндошлараро никоҳдан соғлом фарзандлар тугилаверар экан, мана исботи деб ўз қилмишларини оклашади. Лекин орадан йиллар

үтгач, кон яқинлиги ўзининг салбий натижасини кўрсатди. Тўнгич қизда сук мўртлиги касаллиги авж олиб, юролмай тўшакка михланиб қолди. Иккинчи қизни қарши қуда бўлиб, аммасининг ўғлига узатишган эди, икки-уч йилдан бери фарзандлик бўлмагани учун ака-сингил ўртасида совуқчилик тушибди, деб эшийтдик. Учинчи фарзанд – ўғилни уйлантироқчи эдилару, лекин келин топилмаяпти, тушунган ота-оналар бу хонадонга қиз беришга чўчишияпти, сабаби – оиласдаги бешинчи фарзанд – кенжা қизнинг оёғи қийшайиб бораётган экан...

Зеро педагогик нуқтаи-назардан ҳар бир инсон – ўз ҳаёти давомида олган тарбиянинг маҳсулидир. Фарзандимизнинг, оиласизнинг, Ўзбекистонимизнинг, инсониятнинг келажагини ҳал қилувчи омилдир. Тарбиянинг макони ва замони Макон. Тарбиянинг макони бўлади. Ал-адаба китобларида ҳам китоб ёзилган макон —кўриниб туради. Бу табиий, чунки китобни ўқиган, тренингда иштирок этган ота-оналар реал макон – туман, шаҳар/туман, вилоятда яшайдилар. Ана шу маҳаллий хусусият акс этмаса, берилаётган тавсияларни қўллаш қийинлашади. Шундай бўлмаслиги учун тренингни XXI асрдаги, мустақил Ўзбекистондаги ҳаёт талабларидан келиб чиқиб ёзишга ҳаракат килдик. Ҳозирги замон – сокин йиллар эмас, балки глобаллашув, ҳаёт ўта тезлашган, таҳликали, мураккаб замон эканлигини сезасиз. Замон. XXI аср бизга илгари бобо-момоларимиз дуч келмаган тарбиявий вазифаларни, талабларни олдимизга қўймокда. Замон талабларини сезмай, нукул бобо момоларимиз билган нарсаларни такрорлаб яшайверсак, тарбиямиз замон талабларини кўрмай, сезмай қолади. Масалан, боламизга интернетдан фойдаланишни ўргатиш учун аввал ўзимиз билишимиз керак. Ўзимиз билмасак, Poliglot, Skype дастурларидан фойдаланишга боламизни қандай қизиқтирамиз? Янги замон, глобаллашув бобо момоларимиз билган удумларни ҳам, улар билмаган янги, замонавийтарбиявий билим ва технологияларни ҳам қўллашимизни талаб қилаётir. Эътибор – тарбияга пойдевор Баъзи ота-оналарнинг эътиборсизлиги туфайли баъзи фарзандларимиз улардан олган пулларини интернет клубларда соатлаб бефойда ўйинларга ишлатиб, ўзларига зарар сотиб олаётir. Эътиборли ва тарбиявий билимга эга ота-оналарнинг фарзандлари эса ана шунча вақтини сарфлаб, ўзбек тилини тушунадиган роботлар яратдилар; жаҳоннинг мана ман дегян компьютер технологиялари керпорацияларининг

(масалан Apple) илтимосларига кўра улардан буюртма олиб, дастурлар компьютер дастурларини яратишмоқда. Айни вактда жамоатчилик, маҳаллалар мутасаддилари томонидан —ота-оналарнинг бола тарбиясига эътиборсизликлари, уларнинг бўш вактларини ташкил қила билмасликлари, тарбия бўйича назарий ва амалий билим, малакаларининг пастлиги қўйинчаклик билан танқид қилинмоқда.

Амир Темур сурати Амир Темур ўз атрофига ана шу 5 фазилат соҳибларини тўплаб, уларга раҳбарлик қилиб ўзининг буюк мақсадларига эриши. Буюк, адолатли салтанат яратди. Шу сабабли ўз тажрибасидан келиб чиқиб, нафақат ўз фарзанду набираларини, балки буюк давлатининг ҳар бир фукаросини қатъиятли, тадбиркор, хушёргар, мард ва шиҷоатли кўришни истаган. Оталиқ ким эди? Миллий тарихимизга карасак, хукмдорларимиз ўз фарзандлари тарбиясини оталикларга, устоз-мураббийларга, замонасининг пешқадам, содик инсонларига юқлатишганини кўрамиз. Темурийлар тарбиясида ана шу фазилатларга устуворлик берилиб, бола характеристида қатъиятсизлик, тадбирсизлик, лоқайдлик, номардлик ва журъатсизлик каби иллатларнинг пайдо бўлишининг олди олиб борилган. Фарзандингиз 1000 кишидан афзал бўлишини истайсизми? Афзал кишиларни тарбиялаш - бир кишида 1000 кишининг имкониятини мужассам килишга қаратилган эди. Бунинг аҳамияти XXI асрда яна ҳам ошди. Уни темурий одам, ёки —Афзал кишиларни тарбиялашнинг универсал Концепцияси деса бўлади. Бу Концепциянинг моҳияти: **5 фазилатни эгаллаган 1 киши шу 5 фазилати йўқ 1000 кишидан афзал.** Булар: қатъият, тадбиркорлик, хушёргарлик, мардлик ва шиҷоатдир. Алоҳида сурат қилиб беринг Бунга соҳибқирон ва унинг баҳодирлари, бошқарувчилари мисол. —Афзал кишидан ҳозирги кино, комикслардаги довдир-полвонлик, елкасига ракета боғлаб учиш, трансформерлик ҳам, сехгарлик ҳам, Суперменлик ҳам талаб килинмайди. —Афзал киши – реал педагогик натижа. Унда ҳар бир йигит-қизда тарбияласа бўладиган 5 маънавий фазилат кутилади. Мана шу 5 фазилат оддий одамни ҳам гайратли, шиддатли —Суперменга айлантира 10Қадимда ҳокон, подшоҳ, хонларимиз ўз фарзандлари тарбиясини замонасининг энг маърифатли, обрўли кишиларига ишониб топширишган. Уларни —оталиқ, деб аташган. Оталиқка жуда эътибор ва имтиёзлар берилган. Раҳматли Комилжон Отаниёзов ижро этган

—Оталикнинг молин боқдим баҳорда..., деб бошланадиган халқ күшигини эсланг. 31 олади. Ана шундай одамлар Амир Темур атрофида бирлашиб, кеча-кундуз қилган шиддатли меҳнатлари билан адолат ва бунёдкорликнинг қандай бўлишини оламга кўрсатиб кетдилар. Масалага бошка форматдан караб кўрайлик: 1000:5=200 Демак, бир фазилат хосияти 200 бехислат одамга тенг деса ҳам бўларкан. Ҳа.

—Юксак маънавият - енгилмас куч! эканлиги кайси нуктаи назардан олиб қарасангиз ҳам тўғри чиқаверади. Шундай эмасми? Нима учун юксак маънавият – енгилмас куч?

Президент Ислом Каримовнинг —Юксак маънавият – енгилмас куч! китоби миллий маънавиятимиз тарихида унтилмас воқеа бўлди. Бунга унинг нафақат теран мазмуни, балки, номи ҳам сабабдир. Китоб номига икки сўз асос қилиб олинган.

Булар: маънавият ва куч. Уларга икки сифат - юксак ва енгилмас қўлланилган. Китоб номидаги сифатлар олиб ташланса, —маънавият =

куч!, деган формула ҳосил бўлади. Лекин муаллифни оддий маънавият, оддий куч қониктирмайди. Шу сабабли китоб номида ҳар иккала от(маънавият ва куч)нинг энг юқори мэрралари белгилаб берилган.

Яъни маънавиятнинг энг баланд мэрраси – “юксак”, кучнинг максимуми - “енгилмас”, деб белгиланган. Максадни имконият белгилайди. Имконият яратилмаса, баркамол авлодни тарбиялаш баъзи давлатлардаги каби кумга чизилган режа бўлиб қолаверади. Бизда эса аввало 32 ана шу имкониятлар мухайё қилинди. Албатта бунинг ўзи бўлмади. Аввало қонунлар шу буюк мақсадга йўналтирилди. —Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Янги қурилган мактаблар, лицей, коллеж, мусиқа мактаблари, таълим инфраструктураси ислоҳоти, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ўқув-методик таъминот деган оддий одамларга сезилмайдиган, лекин самараси бебаҳо юзлаб тадбирлар амалга оширилди. —lost generation.

Дунёда рўй берган, бераётган ҳар бир нотинчлик, низо, баҳтсиз воқеа, бузилган оила, синган тақдир тарихи —лентаисини орқага қайтарсак, тарбияга бориб тўхтайди. —Олдин пул, кейин маънавият! йўлини тутиш бўлиб чиқади. Уларнинг бу хатоси дунёда —бой берилган авлод —Lost generation иборасини пайдо килди. Тарбиядан вакт аяганлар кисмати

Бутун бошли оиласлар моддий бойликни қувиб кетишиди. Уйидаги фарзандлари тарбиясини эса бегоналарга бериб қўйишиди. Тарбиядан(!) вактларини тежадилар. 10 пуллик фойда топдилар ҳам. Бугун эса...

жонсарак бўлиб, болаларини қайта тарбиялашга 1000 пул сарфлашмокда. Лекин самара 10 пуллик бўлаётир. Чунки вақт бой берилган. Мана сизга —олдин моддий ҳаёт, кейин маънавиятїнинг аянчли моддий, маънавий оқибати. —Бой берилган авлоди муаммосининг педагогик диагнози. —Одноклассники —Бой берилган авлодини кўрган айрим сиёсий-молиявий гурухларнинг иштаҳаси очилиб кетди. Улар ёшлар қалбининг —параболик антенналарини ўзларига қаратиб олишди. —Одноклассники, XXI аср рақобат асри Болангизни рақобатларга тўла ҳаёт кутмоқда. Рақобатда енгиш учун фарзандингиз ҳар томонлама баркамол, яъни комил бўлиши керак. Яъни фарзандингиз XXI аср талаб қилаётган фазилатларнинг маъносини чукур англаб; уларни эгаллаб ва уларга амал қилиб яшаши керак. Фарзандингизни ҳар куни кўриб, кузатаётган устозлари нима дейишаяпти? Мана ман деган мамлакатларнинг спортчиларини енгиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришаётир. Чунки уч босқичдан иборат узлуксиз спорт мусобақалари тизими ишлаб турибди. Уларнинг бўйлари ҳам, вазнлари ҳам, ирода, кучлари ҳам бизникидан ортиқ. Бу – уларнинг биздан кўра кучли бўлаётгани эмас-ми?! Фарзандларимиз биздан кўра билимли! Чунки улар мураккаб технологияларни бошқармоқдалар. Бир неча тилларда бийрон сўзлашишмокда. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги тенгдошлари билан бемалол, тенг гаплашайтилар. Ўзбек тилини тушунувчи роботлар яратмоқдалар. Биз буларни орзу ҳам қилолмасдик. (Чунки одам бирор нарсани орзу қилиши учун аввало ўша нарсани ҳаётда кўриши керак-да). Яқинда бўлиб ўтган Менделеев номли халқаро олимпиадада болаларимиз бўйинларига тақиған 2та олтин, 5та кумуш ва 8та бронза медаллар бунинг тасдиги эмасми? Қачон шундай бўлган?! Фарзандларимиз биздан кўра доно бўлишаётир! Улар огоҳ, хушёр, сезгир. Чунки буюк боболари меросидан баҳраманд. Уларнинг ўғитларини дастурул амал қилиб олмоқдалар. Улар ҳозирни эмас, эртани, истикболни ўйлаб, ўзлари, мустакил режалар тузиб ўқиб, ишлашаётир. Ўзи ёш-у, Давлат мукофотлари совриндорлари бўлишаётир. Қаранг, бу донолик эмасми? Фарзандларимиз биздан кўра баҳтли бўлишаётир. Чунки жаҳоннинг камдан кам мамлакатида бўладиган 12 йиллик бепул таълимни 7 тилда олишяпти. Шунинг учун ҳақли равишда Ўзбекистон - оламга комил инсон ғоясини берган буюк цивилизация марказларидан бири, дея

оламиз. Ҳа. Комил инсон гояси биз учун бугун күтарилған гоя эмас. Бу ҳақиқат миллий тарбиямизнинг туб негизларидан келаётір. Ривожланған давлатлар болаларига қандай фазилатлар сингдирилаётір? Энг ривожланған давлатлари юксалиш араfasыда тарбия масаласини биринчі үринге күйишган. Улар үз ёшларини эртанги куннинг юксак талабларига пухта тайёрлаб кириб боришган. Чunksи бу ракобатли дунёда эртанинг талаблари янгича, мураккаброқ, қийинроқ бұлған. Жанубий Корея Жанубий Кореяда юксалиш араfasыда —табииy ресурслар чекланған, ижодға эса өзегара йүкі деган шиор күтарилған экан. Бу — юксак интеллект комил инсон фазилатларининг гултожига айлантиришни англаратар зди. Шунга амал қилиб, кам бўлишмади. Тарбияга амалий, прагматик ёндашган давлатлар тезда назарий коидалардан бугунги ва эртанги кун учун —фойдал чиқариб олди. Тарбиянинг кўзга кўринмайдиган назарий тушунчаларини кўринадиган нарсаларга — образларга, бихевиор технологияларга айлантиришди. Ҳал 35 қилувчи кучни ошириб, бошқалардан ўтиб кетишиди. Ўша синалган фазилатлар янгилари билан бойитилиб, шакллантирилмоқда. АҚШ «Америка — 2000: таълимни ривожлантириш стратегияси(1991)» дастурида етук шахсга хос фазилатлар сифатида ростгўйлик, мақсадда событқадамлик, тўғрилик(рўй-ростлик), пухталик ва шахсий масъулиятга устуворлик берилди. Шунингдек, ёш америкаликларда жасурлик, фидойилик, баркарорлик, қатъийлик, тиришқоқлик, ҳамдардлик, бағрикенглик сингари 60 та асосий фазилат шакллантирилмоқда. Буюк Британия Таълим бўйича Миллий комиссия (1993) мактабга: ёшларда ҳақиқатпарварлик, бошқаларга ҳурмат, жамият олдида бурчга содиклик, одамларга ғамхурлик, маданий меросга ҳурматни шакллантириш, демократик эркин жамият фуқаролари бўлиш, бағрикенглик фазилатларини сингдириш, ахлоқан ва маънан кучли шахслар килиб етишириш вазифаларини юклади. Франция таълим вазирлиги курсатмаларида (1985) масъулиятли, гурурли, ўзгаларни ҳурмат қилувчи, бошқалар билан ҳамкорликка тайёр, ирқчиликка қарши турувчи, мультикультурализмни қабул қилувчи, ўзининг Францияга муҳаббатини Озодлик, Тенглик, Қардошлик гоялари билан уйғун ривожлантирган демократик жамият кишиси фазилатларига эга шахсни тарбиялаш кўзда тутилған. Япония —Таълим тўғрисидағи Қонунида мактабга тинчлик ва инсонийлик

идеалларига амал қилувчи миллатни шакллантириш миссияси юклатылған. Яғни: шахс сифатларини тұлғы ривожлантириш; тинчликпарвар давлат ва жамият қурувчиларини тарбиялаш, ҳақиқатпарварлық ва адолатлилік; шахсий әрқинлик; меңнатсеварлық; масъулиятлилік; мустақил фикрлилік; үзгалар билан ҳамкорлық, мустақил фикрга әгаділік; анъанавийлік билан замонавийлікни англаш; ҳалқаро ҳамкорлықка тайёрлік; кундалик турмуш малакаларига әгаділік; рұхан ва жисмонан күчлилік; үзини баҳтли ва бошқалар билан үйғун кила олиш фазилатлари шакллантирилмоқда.

—**Идеал японнинг фазилатлари деб номланган хужжатда япон ёшларыда 16 та фазилатни шакллантириш белгилаб берилған.** 16 фазилат 4та гурухга бүлинади. Булар: 1) шахсий сифатлар: әрқинлик, үзига хосликни ривожлантириш, мустақил бүлиш, үз ҳохишларини идора қила олиш, пиетет(әхтиром)туйғусига әгаділік; 2) оила бошлиғига хос сифатлар: үз уйини меҳр-мухабbat, ҳаловат ва тарбия масканига айлантира олиш; 3) ижтимоий сифатлар: үз ишига садоқат, жамият фаровонлигига хисса қушиш, ижодкорлық, миллій(ижтимоий) қадриятларни қилемеш; 4) фуқаролик 36 сифатлари: ватанга содик бүлиш, давлат рамзларини қадрлаш, ижтимоий фаоллік, энг яхши миллій фазилатлар сохиби бүлишни ўргатади. Рим клуби Клуб атъолари бугунги авлодлар тарбиясида инсониятни безовта қилаётганды: экологик инқизор, бедаво касалларлар, диний-этник конфликтлар, урушлар, фавқулодда вазиятларнинг олдини олишни тавсия этмоқдабулар: интеллектуал ривожланғанлық, замон талабларига мөс тайёрлік, юксак маънавият, ахлоқий соғломлік, жисмоний чиниққанлық, мустақиллик идеалларига чексиз садоқат, Ватани ва ҳалқига содик, миллій үзлигимизга ёт гоя, қараашларга мурасасизликни мужассам этиш тақозо этилмоқда. Мана шу фазилатларнинг бирортаси кам бўлса, нима бўлади? Бу фазилатларнинг бирортаси суст бўлса, үйғунлик бузилади. Масалан, ахлоқи пок, жисмонан кучли бўлсаю, интеллектуал ривожланмаган бўлса; ёки интеллектуал, жисмонан кучли бўлсаю, мустақиллик идеалларига содик бўлмаса, бундай шахсни Комил инсон деб бўладими? Асло. Биз комил инсонларни —хозир ва шу ерда, маънавий тарбиявий ишларни илмий асосга куриб етишириш кудратига ва тизимига әгамиз.

Эгоцентризм

XXI аср бошини янги мафкуравий таҳдидлар ва илмий-технологик асосга курилган тарғиботлар кураши даври, деб ҳам аташ мумкин. Эгоцентризм худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, факат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошка ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуктаи назаридан бу иллат жаҳолат ва ақидапарастликдан асло қолишмайди. Ҳозирги кунда Farb дунёсида эркинликни никоб қилиб олган айрим кимсалар нафақат бизнинг миллий анъаналаримизни, балки барча ҳалқлар учун қадрли бўлган инсонийлик ақидаларига тўғри келмайдиган турил бузғунчиликларни оммавий ахборот воситалари орқали очиқдан-очик кенг тарғиб этаётганини кўриб турибмиз, -дейди.

Гиёхвандлик

Гиёхвандлик биринчи сигаретанинг биринчи тортимидан бошланади. Сигаретдан аста-секин ичкиликбозлиқ ундан сўнг эса ахлоқий бузуклик оқибатида наша чекишга ўтилади. Нашага кучли тобелик юзага келади. Аста секин одам хуморини наша билан кондиролмай қолади. Гиёхванд моддани томирига уради. 4 Гиёхвандлик таҳди迪 четдан туриб, онгли равиша ўзига ёшларни тортишга харакат қилмоқда. Чунки ёшлар кизиқувчан, хаёт неъматларини тотиб кўришга интигувчан, аммо оқибатларини ўйлашга киришмаган бўлишади. Гиёхвандликнинг шакллари:

1. Кашандалик. Даствор сигаретга ўргатиш ва унинг воситасида гиёхванд модда чекишга кўнитириш.
2. Ичкиликбозлиқ. Даствор спиртли ичимликларга, кейин эса унинг воситасида гиёхванд модданинг суюлтирилган кўринишига ўргатиш.
3. Таксомания. Кашандалик ва ичкиликбозлиқ босқичидаги ўсмиirlарни суюлтирилган шаклдаги заҳарли (бензин, керосин, дихлофос, бўёклар ва ҳ.к.) ва гиёхванд моддаларни ҳидлаш воситасида сархуш бўлишга ўргатиш.
4. Наркомания. Гиёхвандлик таҳдидининг энг олий кўриниши, бу иллат маҳсус даволаш йўли билангина бартараф килиниши мумкин. Аммо бу одамдан жуда катта куч ва иродани талаб киласи. Гиёхвандликка қарши курашиш ҳар бир ота онанинг маънавий бурчи бўлиши керак. Гиёхвандликни болангизга кимлар, нега ўргатишади? Айрим жиноятчи шахслар олдиндан режа тузиб, ўзига тўқ оиласларнинг пулларини

шилиш учун уларнинг мафкуравий иммунитети паст бўлган болаларини танлаб олади. Аста секин, алдовлар билан боласини гиёхвандлик балосига торта бошлайди. Бунинг оқибатида: 1. Тарбияга эътиборсиз ота онанинг боласини гиёхвандлар эгаллашади. 2. Оила баҳтсиз бўлади. 3. Жамиятда жиноятчилик кўпаяди. 4. Миллатнинг генофонди бузилади. 5. Давлатнинг иқтисодий қудратига катта зарар етади. 5. Улар болангизни кандай аврашади? 1. —Мана бу(наркотик модда)ни бир татиб кўр. Қўркма. Ҳеч нарса бўлмайди. Ёқмаса, хоҳлаган вактда ташлайсан!, – деб ишонтиришади. 2. Болангизни—Агар мана буни бир татиб кўрсанг, шунаقا маза киласанки...., – деб аврашади. 3. Болангизни қасдан гиёхвандликка ўргатиш учун турли ўйин-кулги, майшатли давраларга ўзининг хисобидан таклиф этади. Бошида. Болангизни ўз тузогига туширгунча. Оқибат: 1. Гиёхванд модда бола организмини заҳарлайди. Тана ва бош мия фаолиятини бузиб, қайта тикланмайдиган ўзгаришларни юзага келтиради. 2. Боланинг ақли заифлашади, хотираси саёзлашиб, билим ва маълумотлар қабул килиш қобилияти пасаяди. 3. Боланинг ҳаётга кизиқиши сусаяди. Бирон касб эгаллаш лаёкати йўколади. 4. Рухий-маънавий ва жисмоний емирилади. 5. Иродасиз, ўзини бошқара олмай, наркотик сотувчиларга тобе бўлиб колади. 6. Ахлоқ, меҳнатсеварлик, дахлдорлик ва ижтимоий фаолиятдан, одамгарчилликдан чиқиб қолади. 7. Бор будини сотиб, қашшоқ бўлган одамни ўғирлик, талончилик, босқинчилик каби жиноятларга бошлайди. 8. Гиёхванд одамдан ақли заиф, майиб ва мажрух болалар тугилади.

Оилада гиёхвандликка қарши маънавий-мафкуравий курашнинг турли шакл ва воситалари:

1. Гиёхвандликнинг аянчли оқибатлари ҳақида ҳар бир оила аъзосини, қўшниларни огоҳлантириш. 2. Гиёхвандликка қарши буклет, видео-роликларни кўриб, болаларга кўрсатиб, тушунтириб бориш. 3. Гиёхвандларнинг пушаймонли сўzlари ёзилган видеофильмларни оила аъзолари билан бирга кўриш, мухокама килиш. 4. Ўсмирларни мактабдан ташкари таълим муассасалари, тўғарак, спорт клубларига кенг жалб килиш. 6. Ҳар бир фарзанднинг бўш вактини тўғри ташкил килиш. Токи ёшларимизнинг бўш вакти душманларнинг иш вактига айланиб қолмасин. 3. Одам савдоси Ўзбекистон Республикасининг —Одам савдосига қараш тўғрисидағи Қонунда —одам савдоси тушунчаси —сллаш!, ташиш!, топшириш!, —қабул килиш! килмишлари

ҳолида берилган. Максади: жиноятчининг бошқа шахслар орқали пул ёки бошқа моддий бойликларга эга бўлиш. Усуллари: а) Одамлардан фойдаланиш максадида уларни жисмоний куч ишлатиш, руҳий таъсир кўрсатиш, алдаш, фирибгарлик қилиш йўли билан ўғирлаш; б) ўғирланган ёхуд алданган одамларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш; в) Шахснинг моддий кийин ахволга тушиб қолганидан фойдаланган ҳолда уни моддий манфаатдор қилиш йўли билан ўзига оғдириб олиш; г) Одам савдосига қулай шарт-шароит яратиш максадида ҳокимият ваколатини сунистеъмол қилиш; д) Одам савдосини амалга ошириш учун фоҳишалардан фойдаланиш; е) Болалар ва аёллардан одам савдосида фойдаланиш учун уларнинг яқинларини (ота-онаси, ҳомий ёки васийлари, эри ёхуд хотини ёки бошқа яқин қариндошларини пул эвазига оғдириб олиш; ж) Инсон органлари ёки тўқималарини ажратиб олиш; з) Инсонни эркиз ёки қуллик ҳолатига туширадиган хатти-харакатларни содир қилиш тушунилади. Мазкур жиноятнинг яна бир хавфли жиҳати шундаки, ҳозирги даврда бутун дунёда, жумладан Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Малайзия, Баҳрайн, Таиланд, Хитой, Истроил, ҳатто, океан ортидаги давлатларда ҳам одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий уюшмалар ёки жиноий гурухларнинг жиноий фаолиятини амалга ошириш учун қулай йўллар мавжуд. Жиноий уюшма ва жиноий гурухлар ўз олдига алдаш йўли билан ёлланган, кейинчалик сотиб юборилган ва сотиб олинган инсонларни шаҳвоний хизматлар кўрсатишда, оғир ишлаб чиқаришларда, қишлоқ хўжалигига текинга ишлатишга мажбур қилишни максад қилиб қўяди..

Оммавий маданият

Оммавий маданият – поп-маданият – мазкур жамиятда аҳолининг кенг қатламлари орасида ёйилиб, устувор бўлган маданият. У ўз ичига майший ҳаёт, қизиқишлир (спорт, поп-мусиқа), оммавий ахборот воситалари кабиларни олади. Оммавий маданият моҳиятига кўра аҳоли аксарият қисмининг ҳаётини ташкил этган воқеа-ҳодисалар, интилишлар ва эҳтиёжлар билан тўлиб тошган. Оммавий маданият ўз номи билан омма, яъни кўпчилик эҳтиёжига мўлжалланган бўлиб, бу шакл ва мазмун стандартлашганлиги, шунингдек тижорат нуктаи назаридан муваффакиятга қаратилганликни тақозо этади. —Оммавий маданият¹ XIX аср охири – XX аср бошида шаклланди. Маънавий,

маданий товарларни ишлаб чиқариш индустряси пайдо бўлди. Бироқ, ахолининг функционал билимларида – кўтарилиш, маънавиятида эса - пасайиш кузатила бошлади. —Оммавий маданият аёлдаги оналик баҳтини, инсонликни мадҳ этмайди. Унинг журнал, —кўпик опералар, прайм-тайм телекўрсатувларида аёлларнинг ишкий романлари, секс, ёш жувоннинг мустақиллиги(ёлғизлиги) мадҳ этилади. Нима килиш мумкин? Барча динлар, миллий маданиятлар ўсмири кизларга —Ўзингни бокира тут. Асрал, деб келди. Оммавий маданият эса —Контрацептивдан фойдалан. Партнерингни ҳадеб алмаштираверма. Хўпми!, деб насиҳат килмоқда. Бугун у ўз насиҳатини ўзбекларнинг кизларига айтиш учун келаётир. Мана шу сатрларни ўқиётиб, беихтиёр ХУ асрда яшаб, ижод қилган нотик ва олим Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ҳаёв ва андиша ҳақидаги фикрларини эслайсиз. Ана шунда ҳаёв ва андишалар қиз-аёлларни безовчи нафис туйгулар эмас, балки муҳим мағкуравий, ижтимоий-сиёсий, маданий омиллар эканлигини эслаймиз: —Ҳаёв ва андиша дунёда тартиб саклашнинг муҳим шартларидан бири хисобланади. Ҳаёв йўқолса ҳеч кимда виждан қолмайди, (у ҳолда) дунёда тартиб бузилади, кишилар бир-бирларига бефарқ қарайдиган бўладилар! (Ахлоқи Муҳсиний).

Маънавий тарбия ҳақида

Маънавий тарбия ҳақида Ўзбекистонда маънавият таълимотининг атоқли намояндаси профессор Н. Комилов бу ҳақда шундай ёзган эди: —Маънавий тарбия деганда инсон иродаси, маънавий олами, тафаккури ва дунёқарашининг замон талаблари даражасида шаклланишини тушунамиз. **Маънавий тарбия** кенг кўламли чукур маъноли тушунчадир. Бунда адабиёт, санъат турлари, тарихий анъаналар, қадимий мумтоз фалсафа, ҳалқ ижоди, авлодлар тажрибаси, яхши удумлар, адабиётларнинг биргаликда иштироки назарда тутилади. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, жамиятимиз тараққий этиб борган сари маънавий тарбияни издан чиқаришга уринишлар бўлмоқда. Бу ҳолатлар, бизнинг фикримизча, куйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда: Ёт гояларни тарғиб килиш. Космополитизм, нигилизм, экстремизм, терроризм ва шафқатсиз индивидуализм каби ҳалқимизга ёт гоялар турили воситалар билан тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Мисол учун, космополитизм гоясини олайлик. Унга кўра, дунё ҳалклари миллат ёки этник таркибга эга бўлымасдан, умумий бир руҳда яшаши лозим эмиш.

Инсоннинг —умумий рухъда яшashi яхши. Бирок, миллатни, демакки ўзликни унутишга даъват гоят манфур ниятдир. Чунки миллат бу – инсоннинг насл-насабини, ўзлигини ва маъавний дунёсини пок сакловчи бирликдир. Миллат сифатида яшаш маданиятли бўлишга олиб келади ва унинг умуминсоний қадриятлар ривожига салбий таъсири йўк. Аксинча, миллат сифатида яшайдиган халқ ўзини ва ўзганинг қадрига етади. Бундан фарқли ўлароқ, космополитизм гояси кишини ўзлигидан айириб, наслнасабсиз бир кишига айлантириб кўяди. 6. Ёшлар дунёкарашини бузишга интилиш. Афсуски, баъзида Farb оламининг ёшларимиз дунёкарашини бузишга қаратилган хатти-харакатини сезиб қолмоқдамиз. ўз Ватанини ёмон кўрсатиш, ўтмишга нисбатан беписандлик руҳини ташкил қилиш, давлат ва жамиятга нисбатан ишонсизлик уйғотиш – ёшлар дунёкарашини бузишга қаратилган гоялардир. Бунинг акси ўлароқ, Farb ҳаётি худди жаннатдек кўкларга кўтариб макталмоқда. Биз Farb турмуш тарзи, ахлоқини кўр-кўона кабул қилолмаймиз. Бу бизнинг асрий анъаналаримизга ёт. Шу каби ҳаддан ташкири индивидуализмга берилиш, худбинлик, ўзимбўларчилик, манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмай, босибянчиб кетиш каби истак-хошишлар ҳалқимиз табиатига тўғри келмайди. Farbdagi айрим — ўта либераллар (чунончи, Сорос жамғармаси атрофида уюшганлар) миллий урф-одат, анъаналар демократияга зид келади, шунинг учун улардан иложи борича воз кечиши керак, деган қарашни тарғиб этмоқдалар. Уларнинг назарида демократия бу - ҳамманинг Америка ёки Европа турмуш тарзи, анъаналарини қабул қилишидир. Бунинг учун Шарқ мамлакатлари ўз миллий киёфаси, маънавий-ахлокий қадриятларидан кечиши даркор. Яъни, ёпласига американлаштириш, христианлаштириш йўлидан бориш. Масалан, дейлик, фарзандлар вояга етгач, ота-она насиҳатларига кулоқ солиши, улар билан маслаҳатлашиши шарт эмас, ҳатто оиласда ҳам ҳар ким ўзи учун яшайди, эр хотин ишларига, хотин эрининг ишларига аралашмайди. Зоро, Farb оламидан келаётган бундай вайронкор гоялардан нафакат алоҳида одамлар шикастланади, балки бутун миллатлар емирилади ва одамларимиз шундай гояни олиб келиб сингдиргандар учун тайёр қуролга, —тараққий этган кулга айланади. Афсуски, шунга берилувчилар ҳам орамизда йўқ эмас. Кўр кўона

таклид Эркинлик - ўзбошимчалик, худбинлик эмас. Ўз йўлини ўзи белгилаб олиш демакдир.

Назорат саволлари?

- 1.Миллий тарбия мазмун моҳияти
- 2.“Болам баҳтли бўлсин десангиз” асарида тарбия физиологияси
- 3.Оиласа болани китобхонликга ўргатиш
- 4.“Болам баҳтли бўлсин десангиз” асарида интернетнинг фойда ва зарарлари масаласи
- 5.“Болам баҳтли бўлсин десангиз” асарида тарбиянинг ишончли методикасининг ёритилиши

СЕМИНАР МАШГУЛОТ МАВЗУСИ: ОБИДДИН МАХМУДОВНИНГ “ФАРЗАНДНОМА” АСАРИДА ШАХС ТАРБИЯСИ РЕЖА:

4. Фарзанднинг маънавий ахлоқий тарбияси.
5. Фарзанднинг ота она олдидаги бурчлари.
6. Фарзанднинг ватан олдидаги вазифалари.

Таянч тушунчалар: таълим, тарбия, шахс, оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасаси, ҳамкорлиги, оила, маҳалла, фарзанд.

Инсон(фарзанд) табиатидаги етти фазилат ва етти ноқислик хусусида

Кобил фарзанд ота-она хуррамлигининг сарчашмаси, барча хурсандчиликлар сабабчиси, мамлакат маъмурлигининг зарурий омили. Аксинча, нокобил фарзанд одамийлик мулкининг ҳаробаси, ота-она умрининг зулмати, жамият тараққиётининг туга- ногидир. Бас, шундай экан, ҳар бир ота-она учун Фарзанд тарбияси йўлида ранж чекмок, ҳаётини ушбу юмушга сафарбар этмоқ, дунё ишларининг шарафлиси, залворли вазифаларнинг сарбаланди хисобланади. Зоро, окил ва кобил, маънан ва жисмонан баркамол фарзанд туфайли ота-она кўнгли нурафшон, олам чарогон бўлиб, юрг юксалади, жамият равнак, одамзоц

кадр топади. Шу маънода, ота-боболарим, устозларимдан эшитган панду насиҳатлар, яхши инсонлардан олган ибрату сабоклар, хаёт кечмишларидан орттирган тажрибам, ўқиганлардан уқканларимни жаъм қилган холда, хайрли ниятлар билан азиз дилбандим сенинг калбингга юзландим. Марҳамат, тингла, му- шохада эт, сабок чиқар...

ЕТТИ ФАЗИЛАТ

АДАБ

«Илмнинг каттаси -
адаб» Ўзбек халқ мақоли

Адаб фазилатларнинг зевари, хулк-авторнинг мулойимлик пардаси, чиройли тарбиянинг намунаси, инсонийлик мулкининг ноёб хазинаси. У туфайли одамзод кадри, акл-тафаккур, маънавият-маърифат улуғланган. Адаб камолотга етказувчи хислатлар сараси, илмни амал билан зийнатловчи восита, эгасини ҳам маърифатли, ҳам кудратли этувчи мұжизакор күч. Умуман, кишининг адаблилик ва илмлилик даражаси, унинг тугилиб ўстган жойига бўлган меҳру мухаббати, инсониятга тегадиган нафи ҳамда гўзал ахлокка оғишмай амал этиши билан белгиланади.

БИЛИМ

«Илм ибодатдан

афзал»

Хадис

Билим таълим-тарбиянинг боши, бошка маҳлукотлардан фарқловчи омил, саодатли яшаш асоси. Баҳтли, у одамийликни улуғловчи кадрият! У - сирлар уммонидаги илмлар нибуфари! У дунё мохиятидан вокиф этувчи бебаҳо хазина! у зулматли оламни нурағышонликка олиб чикувчи ягона зиё чашмаси! У - калби «тош», кўзи «кур», кулоги «кар» жохил сифат жонзотни дили меҳрға тўла, нигоҳи мохиятни кўра оладиган, маърифат булогидан баҳраманд фозил мавжудотга айлантирувчи ишончли восита! ўксалтиради; Илм олишда камида беш хислат мавжуд: инсонни фазилатли қиласди; Хурматини

ганимни хайрихоҳга айлантиради; қалбига ҳаловат багишлайди; тафаккур этишга муяссар айлайди.

Умуман, билим одамзоднинг муносиб яшашида событ йўлчибондир.

ҚАНОАТ

«Сабр - умр
хазинаси».

Ўзбек халқ
маколи

Каноат харом билан белгилайдиган виждан қозиси. Халолнинг чегарасини белгилайди. У - сабрсизликка - дори, ношуқрликка шошқалокликка ракиб, такдирдан нолишга бўлган шукроналик белгиси. У - осуда яаш пойдевори, бирорвга тобе бўлмаслик сири, халол меҳнат килиб, хотиржам яаш шарти. У - охир-оқибат, умрни мазмунли яшаб ўтишга йўналтирувчи хаётий қўлланма. Каноат туфайли диллар чарогон, қўнгиллар хушнуд, одамзод ўз умридан рози ва ҳамиша шукронада.

ШАРМ-ХАЁ

«Кимки хаё либосини кийган булса,
одамлар унинг айбини кўришидан озод буладашар»

Ўзбек халқ маколи

Шарм-хаё - эътиқод чаманининг бўстони, ор-номус булогининг зилол суви, ибо хиёбонининг шохбекати, ахлоку одобнинг ойинаси. У туфайли ёмон хулклар жиловланади, ёвуузлик чекинади, жамиятдан хаёсизлик, харом-хариш ишлар йироклашади, одамзод маърифат чуккиси сари юксалади... У - имонга ҳамдам, эътиқодга ҳамнафас, хушхулклика ҳамроҳдир.

Кимки шарму хаёни ўзига касб этибди, Билки, уз ахлок бобида камолга этибди.

ХУШХУЛҚЛИК

«Хуси хулқи билан
чиroyли»

Ўзбек халқ маколи

Хушхулклик - эгасига саҳоватни барпо этувчи, азизлик келтирувчи, шараф ва иззат тұнини кийдирувчи, хусну одобнинг узвий бўлаги хисобланади. Камтарлик ва хушфеъллик унинг икки каноти, гўзал ахлок ва қўли очиклик икки куввати, сами- мият ва хокисорлик икки суюнчи, жисмонан чини киш ва маънан баркамоллик икки хаётий хамроҳи хисобланади.

Қиссадан хисса: Хушхулклик инсонда одамийлик фазилатларини зиёда қиласди.

ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ БЎЛИШ ВА ТИРИШҚОҚЛИК

«Ҳар ким ўз баданининг табиби булиши керак”

Ўзбек халқ маколи

Жисмонан кучли ва тиришқоқ инсонларда СОҒЛИҚ кадрини бошқалардан кўра эртарок ва теранрок англаш хусусияти кучли ривожланган. Чунки улар баданни чиниқтириш руҳиятнинг маънан ўсишига, баркамол булишига хизмат қилишини яхши билишади. Зотан, жисмонан бақувват булиш «Соф танда соглом акл мақолининг амалдаги исботидир. У максад сари интилишда иродани тоблайдиган шид- даткор куч. У кексайганда ёшлиқ чоғидагидектетик булиш ва шижаот туйгуларини ҳис этиш омили.

Тиришқоқлик, жасур ва гайратли булиш эса, барча орзу- ҳавасларга - кувват, умидворликка канот. мазмунли ва баракали яшашга рагбат хисобланади. Ушбу фазилат - ботиндаги яширин имкониятларни руёбга чикишига замин яратади, хаётнинг турли ажойибот интилувчан ва гаройиботларидан тегишли хulosалар чикаришига сабаб бўлади. Мухими, шижаотли, инсонларда умр, вактдан унумли фойдаланишга иштиёқ кучли. Бу тоифадагилар нафакат бошқалар орзу килган ниятларни руёбга чикарадилар, балки реал турмушда хар кандай киши бунинг улдасидан чика олишига ўзгаларни ишонтира хам биладилар.

МАСЪУЛЛИК

Одамларнинг ботири кела жасакдаги ишлардан кўрқ майди. Камолот ҳосил қилишдан четланган одамларнинг энг кўрқогидир.

Абу Али ибн Сино

Масъуллик онгли фаолиятнинг зарурий шарти саналади. Худди офтоб кунни ёритганидек, масъуллик туйгуси хам инсон номини безайди, мартабасини юксалтиради. Башарият учун гоятда таҳликали бўлган мушкул вазиятларда масъулиятни ўз зиммасига олган кишигина хакикий юртпарвар, элпарвар хисобланади. Бу тоифанинг довюраклиги ва жасоратидан бутун жамият фаҳр хиссини туди, ибрат олади, унинг ортидан эргашади. У ўз эзгу амаллари оркали кишиларни саодат манзилига элтувчи событ йулбошли хамдир.

Инсон бир умр мӯъжиза кутиб яшайди, лекин асл мӯжиза унинг ўзида яшириниб етганини доим хам англайвермайди.

ЕТТИ НОКИСЛИК

ГАЗАБ

«Ўринсиз газаб ўзингга азоб»

Ўзбек халқ мақоли

Ғазаб бу - инсон рухиятидаги заарли ва ёмон ил- киши асабининг тез-тез таранглашувига бошқаларга нисбатан совуккон муносабатда булиша ҳар бир масалада қизиконликка; тафаккурга нисбатан рағбатнинг сусайишига; меҳр-оқибатдан узоклашума: конни қиздириб, баданга зарар келтиришга олиб келади.

Ғазаб ўсмир ёшлар)да асосан, ўз-ўзидан коник - Ўзининг маслиқ, камчилигини яшириши натижасида агрессия(нафрлатланишдии келтириб чикаради. Айнан шу ич-ичидан коникмаслик оқибатида рухий босим ошади ва бу нафррат билан қоришиб кетган газабни пайдо этади.

Умуман, газаб инсонни сўнгти пушаймонликка, умр яқунида эса, зорликка элтади...

ҚҰРҚУВ

«Кұрқувга мубтало бұлған киши факат қочишидан најкот излайди». Махмуд аз-Замахшарий

Куркув сабр ва иродани сусятиради; журъат- сизлик ва карорида катый бүлмаслилка сабаб булади: сирни сактай олмаслик, ваядага вафо килмаслик касалига мубтало килади; умидсизлик ва эсанкираш холатини кучайтиради.

Куркув - кишининг ўз-ўзига ишонмаслиги, нарсалар мохиятини англамаслиги, мустахкам эътиқоднинг мавжуд эмаслигидан ҳам далолат беради. Шу боисдан куркокнинг улфати мунофик, маслаҳатгүйи имонсиз кишилар булади. Киссадан Ҳисса: Охир-окибат тақдиридан нолишга олиб келади.

ТОШБАҒИРЛИК

*Мехр құрсат кирай десанг дилларга,
Мехрсизлик ўзингни ҳам қақшатар
Чустий*

Тошбағирлик мехрни шафкатсизликка; каноатни сабрсизликка; тавозени манманликка; ишончни хиёнатга айланишига сабаб бұлади.

Тошбағирлиқда икки иллат мавжуд: эгасини муруваттап йүлидан иироклаштиради ва кибр сүқмогига якинлаштиради; икки хавф мавжуд: «мен» лик касалига гирифтөр килади ва Мавлюсини унуттиради; икки кусур мавжуд: топганининг баракаси бүлмайды ва Ўзига татимайды; икки камчилик мавжуд: дүстларидан узоклашади ва орзу-армонларида кемтиклик кенгаяди.

Энг ёмона, тошбағир инсонлар гунох ишдан куркмай куядилар. Кибр ва манманлик доимий хамрохига айланиб, улар учун хаёт билан ўлимнинг фарки булмай колади.

ЁЛГОНЧИЛИК ВА ЛАФЗСИЗЛИК

«Ёлғончидан шон қолмас, номидан нишон қолмас»

Ўзбек халқ мақоллари

Ёлғончилик бор жойда: ишонч, вафо, садокат. меҳр заррача кадрга эга бүлмайды; субутсизлик уруги купаяди; хиёнат нихоли барқ уради; мукаддас Туйгулар чилпарчин бүлади. Энг ачинарлиси, ушбулар окибатида бир инсон умри зое яшаб ўтилади!?

Лафзизлик - жаҳолатнинг боши, зулмкорликнинг аввали, барча пасткашларнинг ибтидоси. У - эътиқод гулига ёпишган чирмовук (зарпекач), ишонч Вафо- садокат уйига таклифсиз кирган мемон, умуман, инсоният фаолиятида кора до кабидир.

Лафзизликнинг ёркин кўринишларидан бири, бу олинган карзни узмаслик ёки омонатга хиёнат. Зотан, қарзни вактида узмаслик, унга ёрдам қўлини чўзган кишининг ишончини окламаслиги, омонатга хиёнатни билдиради. Минг афсуски, карз олиб, уни узмасликка харакат килишдек жирканч иллат кўпчилик ўртасида тобора оммалашаётган хунук одатлардан биридир.

НОШУКРИК

Кишининг ўз тақдиридан нолиши -энг катта ношукрликдир.

Ношукрлик - бани одамнинг шоду хуррамлик боғига бало тошини ёндиради. Ношукрлик боис, дилларни хикмат, сабр-каноат, умид ва ғайрат, эзгу мақсадга интилиш туйгулари тарк этади. У халолии харомга айлантириб, вақтни бехудага сарфлашга, умрни максадсиз яшаб ўтилишига асос солади.

Ношукрликнинг хавфли жихатларидан бири, у инсондаги олижаноблик, саҳоватпешалик, каноат- корлик фазилатларининг равнак топишига йўл кўй- майди, инсонийлик тараққиётига ғов бўлади.

ЯЛҚОВЛИК

«Бахт ялқовга бегона»

Ўзбек халқ мақоли

Ялқовлик - меҳнатсеварликнинг азалий кушандаси, ғайрату интилишнинг хавфли ғаними, чиниккан баданнинг доимий кулфати, ҳаром бойликнинг якин улфати эрур. У - ёмон иллатларнинг ёмони саналиб, ялков киши- дан баҳт-омад кочади, гам-офат якинлашиш хавфи кучли бўлади. Хаёлига бўлмағур фикрлар ўрнашиб, бошкалар хисобига яшаш туйғуси шаклланиб, кучайиб бораверади. Пировардидা, бундай тоифа кун сайин тубанлашиб, одамийлик мохиятидан мосуво бўлиб, жамиятда боки мандалар сонининг кўпайишига сабаб бўлади.

БАХИЛЛИК

Ўғилгинам, томимагил баҳил нонидан,

Узоқ бўл, баҳилнинг дастурхонидан.

Фаридаиддин Аттор

“Бахилнинг боғи кўкармас», деганларидек, аввало, бу иллат эгасининг дили хотиржам, нияти хайрли бўлмас. **Бахил** ўз молмулкининг лаззатини туймайди, балки, унинг коровули хисобланади. Бахилнинг нияти кин, хасад, гийбат билан тўлиб тошган. Унда пасткашлиқ, нокаслик, дилозорлик иллатлари кун сайин ривож топиб, кучайиб бораверади. Бахиллик кишини ўз-ўзидан бегоналаштириб, охир-окибат ёлгизликка маҳкум этади.

Мушоҳада сабоги: Худбинлик нафснинг баҳиллиги, баҳиллик - тошбагирликнинг белгиси. Тошбагирлик - кибрнинг аломати, кибр бузуклигидандир. Бузук ният сустлигидан далолат беради. эса, НИЯТНИНГ эътиқоднинг сустлигидандир. Ушбу айтилганлардан асосий сабок, назаримизда куйидагича:

Одамзод кўп киррали онгли мавжудот. У гофиљ, ялқов жонзот ва шу билан бирга, теран тафаккур соҳиби хамдир. Фофиљлик - киши фитратида табиий мавжуд бўлган холат. У инсоннинг тафаккури туфайли олам гултожисига муносиблиги билан «хом сут эмган» одамзод нокислиги ўртасидаги фарқ хисобланади. Ростда, бир карасанг, унинг юксак калб эгаси, хушхулкли, каноатли, олижаноб зот йук, бу оламда. Бир карасанг, уннутувчан, ношуқр, ялков маҳлукот йук, бу дунёда.

Одамзод канчалик узининг яратувчанлик каби ноёб фазилатига эга эканидан фаҳр ва гурури туймасин, у шунчалик ўзига хос гофилигини табиий нуксон сифатида тан олиши хам лозим. Бирок, инсонга маънавий-маърифий жихатдан тараккий этишдек ноёб хислат это этилган. Унда ана шу нодир неъмат туфайли одамийлик фазилатларини янада юксалтириш имконияти мавжуд. Хамма гап ушбу имкониятдан унумли фойдалана олишда, яратувчанлигидадир.

Сада дарахти тагидаги сўрида элу юрт эъзозида булган улуг аллома зот билан халқ орасида хурмат ва иззат топган, кўпни кўрган,

пиру бадавлат оксокол сухбатлашиб ўтиришган эди. Уларнинг хузурига бир ўсмир келди, кўлини кўксига кўйиб, одоб билан салом берди. Саломга алик олинди ва унга ўтиришга изн берилди. Ўсмир бул табаррук зотлардан унга комиллик йўллари, муносиб яшаш-нинг сиру асрорларини ўргатишни илтимос килди. Уларнинг мулоқоти етти кун давом этди. Ҳар кунги сухбатнинг мавзуси ўзгача йуналиш ва мазмунга эга булиб, ўсмир қалбини ёритар, унинг яшашга бўлган иштиёкини орттираш эди. Сухбат тарзи гоҳо ибратли хикоят ва насиҳатлардан, гоҳо ўзаро савол-жавоблардан иборат бўлар эди.

Шундай килиб, куйида аллома зот Доно устоз, оксокол - Окил ота, ўсмир Кобил фарзанд ўртасидаги ўзаро мулоқот ҳавола этилади....

БИРИНЧИ КУН: Дунёда энг ширин нарса...

Доно сухбатни ажойиб бир ҳикоятдан бошлади.

Ҳикоят: Маҳаллада бир юз йигирма ёшга кирган нуроний оксокол бор эди. Бир куни одамлар ул та-баррук зотдан узоқ умр кўришининг сирини сўрашди. Аввало, ота-онам, устозларим ва яхши инсонлар дуолари ижобати, қолаверса, ҳаётимда қылган яхши ишларим натижаси ва, албатта, соглигимга эътибор бериб, жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланганим хамда келажакка каттик умид болграб яшаганим ту-файлидир, деб жавоб берди муйсафи Ундан яна сурашди: Дунеда ширин нарса нима? У жавоб берди: Дунёда жон ширин. Ўз жонинг ўзингга ширин. Чунки, у халоват истаган пайтда ки-шининг кўзига ҳеч нарса кўринмайди... Шунингдек, инсон факат узига энг азиз бўлган зот учун ўз жонидан воз кечади.

Муйсафиддан яна сўрашди: Инсондан нима колади? Жавоб берди: Кўнгил қолади, болаларим, кўнгил қолади. Одамлар бу оламга бирин-кетин келишади ва ошини ошаб, умрини яшаб бўлганидан кейин, худ ди аввалгидек навбатма-навбат кайтмас дунёга равона бўлишади. Кишиларда айнан шу кўнгил туфайли хали хаёт бўлганлари вафот этганинг ёркин таассуротлар билан ёдга олишади, уларнинг ҳаётидаги ажойиб хо тиralардан сўйлашади, эзгу ишларини зурриётларию, бошкаларга ибрат килиб кўрсатишади... Муйсафиддан яна сўрашди: Инсонда нималар мукаммал эмас?

Жавоб берди: Унинг феъл-атвори, азму қарори, кўнгил хотиржамлиги, хаётнинг баҳтли кунларию си новларига бўлган муносабати, ўй-хаёллари ва хоказо. Бунинг боиси недур?

Бунинг сабаби шуки, фақат одамзодгина онги- ни юксалтириш кобилиятига эга. Киши умри даво- мида илм, тарбия олиб, хаётнинг «паст-баландини кўриб боргани сайин, унинг тафаккури такомилла шиб, калби гўзаллашиб, ўзи эса одамийлик фазилат ларига эга бўлиб бораверади. Ушбулар алал-окибат, инсонда дунёкарашининг ўзгаришига, калбидаги хис туйгуларининг турли даражада юксалишига замин яратади хамда юкорида қайд этилган ҳолатларга уз таъсирини ўтказиб боради.

Муйсафидни яна саволга тутишди: Қалб нидоси билан ички эхтирослар ўртасида қандай тафовут мавжуд? Жавоб берди: Биринчиси кишини мушоҳада этишга чорлайди, иккинчиси шошқалоқликка...

Бунинг боиси недур? - Бунинг сабаби шуки, эртанги кунга бўлган умид туйгуси кишида ҳаётни завқ-шавқ билан яшашга чор- лайди, эътиқоднинг мустахкамлиги уни событқадам эта- ди, эзгу мақсад йўлидаги метин ироди эса хаёт синов ларига бардошли бўлишга ундан, ўзига бўлган ишончни янада мустахкамлайди. Шунингдек, хайрли ишларининг самарасини кўриш истаги хам ушбу синовли йўлларни босиб ўтишда инсонга ўзига хос куч мадад баҳш этади.

Окил: етти юмушнинг зиённи

Окил Кобилга насиҳат қилиб деди: Жигарбандим! Етти юмуш билан асло машгул бўлмагинки, окибатда сенга улардан зиён етади. Булар: бирорвлар дилини ранжитмок, хар ишда шошқалоқлик килмоқ, майшатга муккасидан кетмок, кули эгри бўлмоқ, ёлғон гувоҳлик бермок, омонатга хиёнат килмоқ, умр, вактни бехуда ишларга сарфламоқ.

Дилбандим! Фарзанд тарбияси ловлаш кабидир. Бунда, Окил ота моҳир чавандоз. тарбияга мухтоҷ навниҳол тизгинни бошқариш, демак, асов отни жи асов от. Тарбия эса, манзилга етиш, яъни муносаб фарзандни вояга етказиш айнан жиловбардор - окил отанинг тутган тутумига бевосита боғлик. Чунки жиловланган отгина эгасини кўзланган максадга элтади. Тизгин моҳирона бошқарилгандигина

манзилга эсон-омон етилганидек, дилбанди тарбияси билан астайдил шуғулланиш туфайлигина мақсад гулини термокка муваффак ай- лайди. Шу билан бирга, асов вактида тизгинланмаса, яъни тарбия билан ёшлиқдан ва мунтазам шуғулланил- маса, кейинчалик уни жиловлаш - фарзандга гўзал тарбия бериш мушкул юмушга айланади. Ачи- нарлиси, жиловланмаган от охир-ошибат эгасини ха лок этгани каби, ноқобил фарзанд дастидан ота эл- юрт олдида шармисор бўлади. Мухими, от жилови gox-гохида эркин кўйилганидек, киблагоҳ хам ўз жигарбандинга нисбатан ҳам ота, хам дуст, хам сирдош, хам йўл кўрсатувчи бўлмоғи лозим.

Боланинг «болалиги» - айб ишни атайдан эмас, балки тажрибасизлиги оқибатида килади. Бундай вазиятда отанинг «тадбиркорлиги» - босиклик билан дилбандининг кайфиятини ўрганади, сўнг камчилигини эътироф этиш оркали тугри йўл кўрсатади. Бундай гузал тарздаги ота танбеҳи фарзанд тарбиясида хар кандай тарсаки, шапалокдан самарали эканига шубха йук.

**СЕМИНАР МАШФУЛОТИ МАВЗУСИ: ШАЙХ МУХАММАД
СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФНИНГ “ИЖТИМОИЙ ОДОБЛАР”
АСАРИ АСОСИДА ЁШЛАРДА “ИЖТИМОИЙ ОДОБЛАРНИ”
ШАКЛЛАНТИРИШ**

РЕЖА:

6. Ижтимоий одоблар асарида одобнинг таърифи
7. Ижтимоий одоблар шиори .
8. “Ижтимоий одоблар” асарида ёшлар одоби
9. Кийинишнинг умумий одоблари
10. “Ижтимоий одоблар” асарида таълим бериш ва муаллим одоблари

Таянч тушунчалар: таълим, тарбия, шахс, оила, маҳалла, таълим муассасаси, таълим муассасаси, ҳамкорлиги, оила, маҳалла, ижтимоий, одоб.

ОДОБНИНГ ТАЪРИФИ.

“Тилимизда одоб” тарзида талаффуз килинишга одатланиб колинган арабча «адаб» сўзи аслида яхшиликка чақиришни анг латади,

у «мадаба» ўзагидан олинган. Маъдаба эса одамларни яхшиликка, маънавий зиёфатга чақиришни англатади. Одоб хам одамлар доимо даъват килинадиган маънавий «маъдаба», яъни зиёфат бўлгани учун шу номни олган. Демак, одоб яхшилик де макдир. «Фалон киши одобли экан» дейилгани ўша одамнинг яхшилиги кўп экан, деганидир. «Кийиниш одоби» деганда яхшилиги кийиниш тушунилади. «Суҳбат одоби» деганда сухбат ни энг яхши савияда олиб бориш кўзда тутилади. «Ижтимоий одоблар» ижтимоий муомалаларни энг яхши тарзда олиб бориш деганидир. Абу Мухаммад «Китобул Воий» асарида: «Одоб одамлар- ни макталган нарсаларга чакиргани учун одоб деб номланган», дейди. Абу Зайд раҳматуллохи алайхи: «Одоб фазилатлардан бирига элтувчи яхши уринишга ишлатиладиган ном», деган. Одобнинг куйидагича таърифлари ҳам келган: «Мактовга сазовор сўз ва амални ишлатиш, килиш одобдир»; «Карамли ахлокларни ушлаш одобдир»; «Ўзингдан каттани улуғлаб, ўзинг- дан кичикка меҳр қурсатишинг одобдир». Шу ва шунга ўхшаш таърифлар тўпланганида, Исломда кўзланган «одоб» маъноси юзага келади. Мухаммад Зехний айтади: «Фазилат наслу наслаб билан эмас, балки одоб билан топилади». «Хар бир киши касб-корни мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулк-одоб, фазилатларга эга булмоғи керак», дейди Абу Наср Форобий. Ҳозирги кунда гарб маданияти таъсирида «одобни маданият дейиш ҳам жорий бўлган. Мисол учун, «овқатланиш одо- би» дейиш ўрнига «овқатланиш маданияти» дейилади. Баъзида ижтимоий одоблар деган маънони ифода этиш учун французча «этикет» сузи ҳам ишлатилади.

ОДОБНИНГ АҲАМИЯТИ

Одоб масаласи Исломда ўта мухим ўрин тутади. Чунки Ал- лоҳ таолога курбат ҳосил килишда одобнинг ўрни жуда мухим. Беодоблик барча нарсани, жумладан, амални ҳам, калбни ҳам, тилни ҳам, бошқа барча уринишларни ҳам бузади. Одобсиз одам бирор нарсага эришиши, жамиятда яхши ўрин топиши мумкин эмас. Одобсиз киши ҳатто бошқалар билан алоқаси, муносабат- ларини ҳам яхшилай олмайди. Шунинг учун тасаввуф ахлининг коидаларидан бирида: «Одоб бўлмагунича, Ҳак ва ҳалк билан сайри сулук булмас», дейилган. Шунинг учун ҳам машойихлар: «Ким нимага эришса, факат одоб билан эришади. Ким нима билан кулласа, факат бео- доблик билан кулайди», деганлар. Яхши одоб аслида нафснинг камолотга етгани, унинг инти-

зомлилиги, жиловлангани ва яхшиликда эканининг аломатидир. Аксинча, беодоблик нафснинг ҳали покланмагани, жиловланма- гани ва интизомда эмаслиги аломатидир.

Одоб иккига: назарий ва амалий жихатга бўлинади. Одоб олдин назарий жихатдан ўрганилади ва кейин унга амал килинади. Фикр юритиб кўрадиган бўлсак, одобнинг доираси шу даражада кенгки, оддий нарсаларга нисбатан бўлган одобдан бошлаб, то барча нарсаларнинг Роббига нисбатан бўладиган одобгача бор. Исломда одобнинг яхшиликка чакириш маъноси инсонга bogланган барча нарсаларда намоён бўлади, яъни мусулмон ин-соннинг ўзи билан bogлик барча нарсага одоб билан яхшилик юзасидан муомала қилиши йўлга қўйилган. Бу муомалалар жамоат жонсиз нарсалардан бошланади. Кейин наботот олами-га, сўнгра хайвонот оламига ўтади, сўнгра эса инсоният олами, фаришталар олами ва хоказо оламларни камраб олади. Ислом-даги одоблар мусулмон инсоннинг ўз Набийси ва Роббига кўр-сатадиган одоби ила тож кияди, камолга етади. Мана шундай кент доирадаги шарафли одобларга амал ки-лиш аввало кишининг ўзи учун фойдалидир. Мисол учун, чой ичадиган пиёламизни олиб кўрайлик. Киши одобли бўлса, ўша пиёлани авайлаб ишлатади, тоза тутади.

ИЖТИМОЙИ ОДОБЛАР ШИОРИ

Аввал хам таъкидлаб ўтилганидек, мусулмон инсон хаёти-нинг барча соҳаларида динининг кўрсатмаларига амал килиб яшайди. Жумладан, ижтимоий одобларни хаётга татбиқ қилиш-да хам. Мазкур одобларни тартиб билан ва батафсил ўрганишга киришишдан олдин Исломда уларни йўлга қўйишдаги асос ва шиорлар билан кискача танишиб олсак, яхши бўлади. Гузал дин ва гўзаллик дини бўлган Ислом инсоннинг ҳамма нарсаси, жумладан, ижтимоий алоқалари хам гўзал бўлиши-ни йўлга куйган. Бунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васал-ламнинг куйидаги хадиси шарифлари шиор бўлган. Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят килинади: «Набий соллаллоҳу алайхи васаллам: Муслим ва Термизий ривоят килган. Ҳа, аввало мусулмон инсоннинг ўзи гўзал бўлиши керак, ке-йин сузи гўзал бўлиши керак, ташки кўринишию, ички курини-ши, ботинию, зохирни гўзал бўлиши керак. Ўзини тутиши, муо-маласи, куйингки, ҳар бир нарсаси гўзал

бўлиши керак. Шун- дагина у Ўзи гўзал бўлган, гўзалликни севган Аллоҳ таолога курбат ҳосил қилган бўлади.

Омир ибн Саъд ибн Абу Ваккосдан, у эса отасидан ривоят килинади: «Набий соллаллоҳу алайхи васаллам дедилар: Албатта, Аллоҳ ёкимлидир, ёкимлиликни севади, по- кизадир, покизаликни севади, қарамлидир, қарамлиликни севади, ўта сахийдир, ўта сахийликни севади».

Термизий, Баззор ва Абу Яъло ривоят қилган. Одамларнинг бир- бирлари билан бўладиган ижтимоий алоказаларида ушбу хадиси шарифда зикр килинган, Аллоҳ таолонинг Ўзида бўлган ва бунинг бандаларида ҳам бўлишини севадиган сифатлар инсоният учун жуда ҳам аҳамиятидир. Ушбу сифатлар- ни узида мужассам қилган кишилар инсонлар жамиятидаги энг яхшилар бўлишади. Бунинг юзага чикиши учун эса Ислом жорий қилган ижтимоий одоблар йўлга қўйилиши лозим. Мусулмон инсон ҳар бир нарсада энг кўзга қўримли шахсга айланиши лозим. У шундагина ўзининг бу дунёдаги хидоятчиси ва охиратдаги шафоатчиси Мухаммад соллаллоҳу алайхи васал-ламнинг куйидаги кўрсатмаларига амал килиб яшаган бўлади.

КИЙИНИШ ОДОБЛАРИ

Ислом Аллоҳ таолонинг мукаммал, барча замон ва маконларга салохиятли дини уларок, инсон ҳаётининг барча соҳаларини кам раб олган. Шу билан бирга, кийиниш ҳам инсон ҳаётининг му- Хим соҳаси экани ҳаммамизга яхши маълум. Ислом бошка ҳамма соҳаларда ўз кўрсатмаларини берса-ю, кийиниш борасини тарк этса, унинг мукаммаллигига путур етган бўлар эди. Шунинг учун ҳам Исломда бу масала ҳам бошкалари катори, етарли даражада муолажа қилинган. Бу эса мусулмонлар учун катта баҳтдир. Чунки улар ҳаётнинг бошка соҳаларида бўлгани каби ки- йиниш масаласида ҳам тайёр таълимотларга амал қилиб, икки дунё саодатига эришиш учун яна бир илохий ёрдам ола биладилар. Баъзилар кийиниш масаласига бунчалик катта эътибор бериш- нинг боиси нима, ахир бу арзимаган нарса-ку, дейишлари мум- кин. Аввало, кийиниш арзимаган нарса эмас. Колаверса, Исломда инсон ҳаётининг арзимайдиган томонлари йўк, балки динимизда инсон ҳаётининг барча соҳалари баравар эътиборга

сазовордир. Инсоннинг кийиниши унинг ички-маънавий дунёсининг сирт- да акс этишидир, дейишимиз мумкин. Қайси инсонда уят, хаё, орномус каби тушунчалар бўлса, ўша инсон ўз обрусини саклайди- ган, бошкаларнинг нафратини кўзитмайдиган холатда кийинади.

Бунинг устига, кийим-бosh инсоннинг доимий хамрохи бул- гани учун, унга таъсир килиши турган гап. Мисол келтирадиган бўлсак, аскарларга ўзига хос кийим кийдириш ҳамма ҳалкларда кадимдан одат булиб келган. Бу аввало, аскарларга ўз вазифасини адо этишда кулайлик туғдирса, иккинчидан, маҳсус кийим улар- га таъсир килиб, аскарлик руҳини тутиб туришда, кучайтиришда иш беради. Ҳатто оддий одам аскар кийимини кийиб олса, аскар- ларга ўхшаб шахдам юришга интилиб қолиши ҳам шундан. Мана шу ва шунга ўхшаш бошқа қўпгина мулоҳазаларга кура, Исломда кийим-бошга алоҳида эътибор берилган. Диккат билан карайдиган бўлсак, Ислом динининг батафсил ҳукмлари баён этилган барча китобларимизда алоҳида «Либос китоби» бор. Айникса, хадис, тасаввуф ва фикҳ китобларимизда бунга алоҳида эътибор берилган.

Исломдан ман, майший маданият бўйича инсон номига доғ булиб тушади ган бир холатда эди. Ҳеч ким бу соҳа бўйича ҳалол-харом ки савоб-гуноҳ деган нарсани билмас эди. Шахсий ва умумий далик хакида-ку, гапирмасак ҳам бўлади. Мана шундай бир пайтда Ислом хаётнинг бошқа соҳалари ка уй тутиш, сониятни жоҳилият зулматларидан Ислом нурига олиб чиқди. Жоҳилият даврида бошкалар хузурида авратни кўрсатиб юриш инсон эҳтиромига ва жамоатчилик одобига зид бўлган ишлардан бири эди. Бу иш ўта ахлоксизлик бўлиб, жамият аъзо лари ичидаги фасод тарқалишига сабаб бўларди. Исломнинг инсонни мукаррам қилиш бўйича кўрган чорала ри ичидаги либос масаласи ҳам бор. Бу масалада инсоннинг кийи ниш маданиятига риоя килиши ўзи учун обрў ва мартабалиги, гўзаллик ва зийнатлиги, жамиятнинг бошқа аъзоларини эса хур матлаш экани тушунтирилди.

Эй Одам болалари! Батаҳқиқ, сизларга авратингизни тўсадиган либос ва зийнат либосини туширдик. Такво либо си - ана ўша яхшидир. Ана ўшалар Аллоҳнинг оят(белги)- ларидандир. Шоядки, эслатма олсалар» (26-оят).

Инсонни хайвондан ажратиб туратидан аломатлардан бири хам либосдир. Одамнинг аврати айини беркитиб туриши учун Аллоҳ таоло унга либос ато килган. Либоснинг зарурияти киши авратини ўзгалардан пинҳон тутишидадир. Лекин Аллоҳ инсон-нинг авратдан бошка аъзоларини ҳам тўсиш эктиёжи борлигини инобатга олиб, либосни зийнат тарзида нозил килди. Шу боис либосни ўз ўрнида, яъни шариатга мувофик кийган инсонгина зийнатли хисобланади. Аммо энг асосий либос, асл либос такво либосидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло оятда:

ТАЪЛИМ БЕРИШ ВА МУАЛЛИМ ОДОБЛАРИ

“Таълим” бир нарсанинг ҳақиқатини батафсил ва яхшилаб билдириш маъносини англатади. «Таълим бериш», «дарс бе риш» ва «ўргатиш» сўзларининг маънолари бир-бирига якин бўлиб, маълумотларни муаллимдан мутаъаллимга (таълим олувчига) накл килишни билдиради. Таълим шархлаш, очик-лаш, яқинлаштириш, хужожатлаш, далил келтириш, тарбия бе-риш ва насихат килиш каби ишлардан иборатдир.

Таълим бериш билан таълим олиш бир-бирига чамбарчас богликдир. Бирисиз иккинчиси бўлмайди. Шунинг учун хам та-лаба бўлиб илм олишга канчалик таргиги килинган ва бу ишга савоб-марtabалар ваъда килинган бўлса, олим бўлиб таълим беришга хам шунчалар таргиги килинган ва бу ишга ҳам савоб-марtabалар ваъда килинган. Илм талаб килиш фарз бўлгани каби, таълим бериш ҳам фарз қилинган. Мумин-мусулмонлар таълим ишларига доимо катта эътибор бериб келишган. Шунинг учун ҳам Исломга амал килинган давр-ларда мусулмон оламида илм кенг микёсда таркалган, дунё аха-миятига молик улуғ алломалар етишиб чиккан. Мусулмонларча-лик куп олим етиширган миллатни тарих хали-ҳануз билмайди. Бу холатни яхшилаб ўрганган ғарблик шарқшунослардан бири инсоф билан: «Мусулмонлар барча-барчалари мадрасага катнай-диган бутун бошли бир миллат бўлган», деб ёзган. Ҳа, мусулмонлар бешикдан то кабргача илм излашган. Ҳар бир эркагу аёлга илм талаб килиш фарзлиги учун ўз ихтиёрлари билан, иймон ва ихлос ила, мисли кўрилмаган шавқу завқ билан таълим ишларига шўнғишишган.

Киши кандай килиб ўзидан кейин манфаат берадиган илм колдира олади? Бу иш, аввало, бошқаларга илм ўргатиш билан амалга ошади.

Модомики, шогирдлар, шогирдларнинг шогирд-лари ўша илмни ишлатмоқдами, кишиларга манфаати етмоқдами, устозга савоби ёзилиб тураверади. Иккинчиси китоб ёзиб колдириш билан бўлади. Куръон, хадис ва диний илмлар бўйича, мусулмонларга фойда келтирадиган бошка илмлар бўйича иймон ва ихлос билан китоб ёзиб колдирган кишига, агар китобидан мусулмонлар фойдаланиб туришса, ўлганидан кейин ҳам унга савоб етиб тураверади.

Учинчиси илм йўлида хизмат килиш билан бўлади. Мисол учун, имконияти бор одам толиби илмларга, устозларга илм йўлида ёрдам бериб, илм даргохи куради, ўз маблагидан китоб чоп эттиради, кутубхона килади ва хоказо. Мана шунга ўхшаш иш-лар илм йўлида хизмат килиш хисобланади. Бу ишларни килган одамлар вафот этиб кетса ҳам, савоблари узилмай бориб туради. Мумин-мусулмонлар таълим ишларига доимо катта эътибор бериб келишган. Шунинг учун ҳам маълум даврларда мусулмон оламида илм кенг микёсда тарқалган, дунё аҳамиятига молик улуғ алломалар етишиб чиқкан.

Муаллим одоблари куйидагилар:

Муаллимларнинг шарафли вазифаларини адо этиш жараёни да амал килишлари лозим бўлган одоблари ҳам мавжуд. Уламо-лар кадимдан бу мавзуга алоҳида эътибор билан караб, унинг баёнини килгандар. Қуйидаги сатрларда мазкур одоблардан ай-римларини келтиришга ҳаракат киламиз:

Илмни лозим тутиш, унга муҳаббат қилиш, унга бутун вужуди билан берилиш ва илмини зиёда қилиш учун доимо ҳаракатда бўлиш. Аллоҳ таоло Тоҳо сурасида марҳамат килади: Зотан, ҳакикий олимнинг гапи ишига тескари бўлмайди. Бу гап диний олимларга алоҳида таъкидлидир. Чунки улар

ИНТЕРНЕТ ОДОБЛАРИ

«Интернет» сузи ажнабий тилдаги кискартирилган жумла бу-либ, тилимизда «халкаро маълумотлар тўри» деган маънони анг латади. Аммо бу ном ихтиёр килинганидан кейин интернетнинг тинмай ривожланиши оқибатида у факат маълумотлар такдим ва кабул қилиш билан чекланиб колмай, бундан ҳам катта хажмда-ги ишларни олиб боришга хизмат киладиган бўлиб кетди. Хаёт-нинг барча сўхаларида

интернет ёрдамида осонлик, арzonлик ва тезлик фойдалари кўзланадиган булди.

Тасаввур килиш учун биргина мисол келтиришнинг узи ки- фоя килади, деб ўйлайман. Ҳаво йўли билан сафарга чикмокчи бўлган инсон оддийгина чипта олиш учун чиптахонага бориши, навбатда туриб, чипта олиши, агар чипта у истаган кунга топил- маса, ортига кайтиб кетишига тўгри келади. Худди шу иш интернет оркали амалга оширилса, жуда кўп фойда кўрилади, яъни уйда ўтириб, чипта сотиб олинади. Вакти келгандা, аэропортда учишдан олдин автоматдан электрон чиптасини олади. Бу иш авалгисига солиштириб кўрилса, вазият аён бўлади. Чиптахонага бориб, овора бўлинмайди. Навбатга турилмайди. Устигастак, арzonга тушади. Чунки чиптахона биноси, чиптачи, бинони иситиш, совутиш, ёритиш учун кетадиган, йулкира ва шунга ўхшаш Ҳаражатлар тежаб олинади. Бунга ўхшаш фойдалар жуда кўп бўлиб, биз келтирганимиз оддий бир мисол эди. Шунинг учун ҳозирда ҳамма халклар ин- тернетни ривожлантириш борасида кўлидан келган барча чо- раларни кўрмокда. Бу ишга тўғанок бўлувчи омиллардан халос булиш йўлларини ахтармокда. Интернетдан фойдаланувчилар кун сайин кўпайиб бормокда. Ҳамма ушбу осонлик ва кулай- ликдан баҳраманд бўлишга ошикмоқда. Аммо шу билан бирга, интернетга боғлик муаммолар хам кўпайиб ва жиддийлашиб бормокда. Барча соҳалардаги интернетнинг фойдалари муқобилида заарлари хам кўпайиб бормокда. Интернетда фойдали маълумотлар билан бир каторда заар бузук маълумотлар хам тарқалмоқда. Акийдага путур етказу фохишабозлик ва беҳаёликни таргиб килувчи, ахлоқизлиkn таркатувчи ва шунга ўхшаш инсон зотига ор келтирувчи ишлар- и таргиб киладиган сайтлар кўпайиб бормоқда. Баъзи одамлар интернет оркали бир-бирига тухмат қилмоқда, ҳакоратлаб, су- кишмоқда, бир-бирини шарманда қилмоқда ва хоказо. Айнан интернет оркали нафақат ахлокий бузукликлар, балки сиёсий, интимоий, молиявий, илмий ва бошка кўпгина соҳаларда жиноятлар содир этилмоқда. Кўпол килиб айтганимизда, интернет мазкур кабоҳатларни амалга оширишни осонлаштирумокда. "Айтиб ўтилган ушбу гаплардан кўриниб турибдики, интернет хам икки тарафлама хам яхшиликка, хам ёмонликка хизмат ки- лиши мумкин нарсага айланди. Бизнинг вазифамиз уни яхшилик- на хизмат килдириб, ёмонликка бошламаслиги чораларини ку- риш, унинг заарларидан четланишга

харакат килишдир. Бунинг учун эса динимизнинг умумий таълимотлари асосида интернетдан фойдаланиш одобларини йўлга қўйишимиз керак булади. Албатта, интернет нисбатан якинда пайдо бўлган восита бўлгани учун олдинлари мусулмон уламолар бу масалани хаёл-ларига келтиришлари ҳам мумкин эмасди. Ҳозирга келиб эса интернет ва унга боғлиқ масалалар замонамизнинг мусулмон уламолари олдига тегишли муаммоларни кўндаланг килмокда. Бу масалалар қанчалик тез хал килинса, шунчалик яхши бўлиши ойдин булиб турибди. Куйидаги саҳифаларда эътиборингизга такдим этилаётган маълумотлар мазкур соҳадаги изланишларда камтарона бир уриниш бўлишидан умид киламиз.

Интернетдан фойдаланиш одоблари

Куйида халкаро замонавий алока ва ахборот воситаси бул-ми интернетдан фойдаланишнинг баъзи умумий одоблари ха кида кискача сўз юритамиз:

- Интернетдан фойдаланмокчи бўлган одам ниятни яхши килган бўлиши керак. Албатта, мусулмон инсон ҳар бир нарсада бўлгани каби, интернетдан фойдаланишда ҳам факат яхшиликни, шариатда рухсат берилган нарсаларга мувофик иш килишни ният килиши лозимдир. Ана шундагина бу ишидан фойда топади, кўзлаган максадига эришади.

Абдулкодир Раховий ривоят килган.

- Интернетда кўриладиган, ўқиладиган ва эштиладиг нарсаларнинг барчаси шариат рухсат берган нарсалар булиши шарт. Зотан, мусулмон инсоннинг ҳамма ерда, барча замонларда ва барча вазиятларда киладиган гап-сўзларию, иш ва фаолияти шариатга мувофик бўлиши талаб этилади. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, сайтга кирадиган баз лар хаётда ўзларига раво кўрмайдиган нарсаларни сайтда bem lol эп кўришади. Улар ўзларича, «бу иш хаётдаги савияда эмас-ку», деган хаёлга боришлари мумкин. Аслида эса бу ношаръий ишларни сайтда ўзига раво кўрганларнинг ахлокий савиясида нуксон бор. Ҳаётда одамлар уни кўриб-билиб тургани учун, ўзга-лар гапирмасин дея ўзини ёмонликдан тийган бўлади. Сайтда эс одамлар кўрмайди ҳам, билмайди ҳам. Бунинг устига, сайтда ис-мини ҳам ўзгартириб, тамоман бирор киши танимайдиган бўлиб олади. Демак, унинг шариат талабларига амал килиши хўжакўр-синга, тўғрироқ айтганда, мунофиликка асосланган булади.

Шунинг учун ҳам сайтга кирган ҳар бир инсон ўзининг му- сулмонлик бурчини унутмаслиги керак. Одамлар кўрмаса ҳам, Аллоҳ таоло кўриб турганини эсдан чикармаслик лозим. Одам- лар билмаса ҳам, Аллоҳ таоло билиб турганини мунтазам хис этиб туриш зарур.

Хеч кимга билдириласдан, дилда туғиб қўйилган нарсаларни ҳам Аллоҳ таоло жуда яхши билади. Шундай бўлганидан кейин бошка нарсаларни билишида асло шак-шубҳа йўқдир. Одамлар бундан огох булсинлар. Демак, фахш ва беодобликни тарғиб ки лучи, бефойда машгулотларга, вактии бехуда ўтказадиган нарсаларга ихтисослашган сайтларга кирмаслик талаб этилади . Сайт эгаларининг маънавий-маърифий ҳуқуклариға тўла риоя килиш чин мусулмонлик бурчидир.

Бунга пул тўлаб кириш лозим бўлган сайтларга ҳак тўламас- дан, ўгринча кириш, кўчириб олишга рухсат берилмаган нарсалар- ни кўчириб олиш, кўчириб олинганда манба кўрсатилиши лозим бўлганида, кўрсатмаслик каби ишлар киради. Бу каби ишларнинг барчаси гунохдир. Чунки бу бировнинг маърифий-маънавий мул- ки талон-тарож килишдан иборатдир. Бошкача килиб айтганда, маърифий-маънавий ўгрилик ва карокчиликдир. Бундай ишлар ҳаром эканига уламолар бир овоздан фатволар чикаришган. • Ишхона ёки бошка бирор шахснинг интернетидан рух- сатсиз фойдаланиш мумкин эмас. Баъзи кишилар ишхонанинг интернетидан ўз шахсий ман- фаатлари учун фойдаланишни ўзларига эп кўришади. Бунда икки тарафлама мулоҳаза килинадиган иш содир бўлади. Бир тарафдан - ишхонанинг интернетга тўлайдиган маблаги шах- сий манфаат учун сарфланади. Иккинчи тарафдан - ишхона- нинг ишини бажариш ўрнига иш вактида ўз манфаатини кўзлаб, масъулиятдан кочиш юз беради. Бошка одамнинг интернетидан фойдаланиш борасида ҳам шунга ўхшаш гапни айтиш мумкин. Шунинг учун улардан факат ҳак эгасининг рухсати билан ва зарурат юзасидангина фойдаланиш мумкин. Дам олиш танаф- фусида керакли маълумотни олиш, электрон почтани текшириб куриш кабиларга рухсат берилади. Болаларнинг интернет ва компьютердан фойдаланиши- ни окилона ва эътибор билан йўлга қўйиш керак. Аввало, бола ота-онаси ва катталарнинг рухсатисиз интернет ва компьютердан фойдаланмасин. Болаларни бундай пайтларда каровсиз колдирмаслик.

назардан кочирмаслик лозим. Улар фой- даланадиган жиҳозлар хамманинг кўз ўнгидаги турадиган булсин. Йукса, кузни шамгалат килиб, исталмаган, бузук ёки бефойда

Интернетдаги алока одоблари

Интернетда чат, форум, фейсбук, твиттер каби ўзаро алока олиб боришига хизмат килувчи воситалар оркали кишилар бир- бирлари билан ёзишма, сўзлашма, суратли мулоқотлар олиб бо риш имкониятларига эга бўлишган. Улар ушбу имкониятларни ишга солиб, кўпгина хожатларини рўёбга чикариш, маълумот алмашиш, билмаганини сўраб ўрганиш, янги дуст ва шериклар орттириш каби кўпгина манфаатларга эга бўлишмоқда.

Аммо шу билан бирга, бошка соҳаларда бўлгани каби, бу соҳада ҳам ўзига яраша муаммолар, мушкулотлар ва кўнгилсиз воеалар пайдо бўлмоқда.

Масалан, бегоналарнинг бир-бирлари билан ушбу восита лар оркали олиб борган алокалари натижаси ўларок, никоҳга ваъда бериш, бировга тухмат килиш, кимнидир зинода айблаш сукиш каби ишлар келиб чикмоқда. Шунингдек, эр-хотинлар- нинг ушбу воситалар оркали олиб борган алокалари натижаси ўларок талок, бир-бирини зинода айблаш, насабни инкор килиш каби ўта аҳамиятли хукмлар ҳам событ бўлмоқда.

Ушбу воситалар оркали бир неча тарафларнинг олиб борган мулоқотларидан сўнг бир-бирини оммавий равишда кофир, фо- сик, фожир дея хукм чикариш, фаҳш ишларга чакириш, сехр ва фолбинликка чорлаш, пора ваъда килиш, видео оркали аврат ларни намойиш қилиш, шахсий, диний, ижтимоий ҳолатларни масхара килиш каби ўта жиддий ҳолатлар ҳам пайдо бўлмоқда

Интернетдаги ушбу тармоклар оркали вактни зое килувчи кўнгилхушликларга оид нарсалар, овозли ва суратли ёзувлар таркатилмоқда. Турли ўйинлар ва мусобакалар, таргибот- ташгадбирлари жорий қилинмоқда. Шунингдек, интернетда гушу гармоклар оркали илмий ва молиявий муомалалар ҳам да олиб борилмоқда. Афсуски, мазкур алокаларнинг барчасида шариатга хилоф

конунбузарлик хисобланган ишлар тўлиб-тошиб ётибди. Тури ахлокий, моддий, маънавий жиноятлар содир этилмокда. Буларнинг ҳаммасини тартибга солиш, кишиларни тугри и солиб, нотугрисидан кайтариш лозим бўлмокда. Бу бора- хукуматлар, ҳалкаро ташкилотлар ва бошқалар етарли ишлар бориshmokda. Шу билан бирга, мусулмонларга бу борадаги и одобларни ҳам баён килиб бориш заруратга айланди. Кунда интернетдаги алока одобларига доир айрим фикр мулоаларни зътиборингизга хавола этмокчимиз.

Назорат учун саволлар

1. Ижтимоий одоблар асарида одобнинг таърифи?
2. Ижтимоий одоблар шиори деб нимага айтилади?
3. “Ижтимоий одоблар” асарида ёшлар одобиниёритинг?
4. Кийинишининг умумий одоблари нималардан иборат?
5. “Ижтимоий одоблар” асарида таълим бериш ва муаллим одоблари хақида батафсил ёритиб беринг?

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. “Оила педагогикаси” фанининг вазифалари қайси бандда тұғри күрсатылған?

- А) ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш;
- Б) болалар тарбиясига оид умуминсоний қадриятларни ёшларга етказиш;
- С) оилавий муаммоларни бартараф эта олиш күникмаларини шакллантириш;
- Д) * барча жавоблар тұғри.

2. “Оила жамияттнинг асосий бүгіннідір, ҳамда жамият ва давлат мухофазасыда бўлиш ҳуқуқига эга”. Ушбу жумлалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечанчи моддасыда күрсатылған?

- А) *63- моддасыда;
- Б) 42- моддасыда;
- С) 14- моддасыда;
- Д) 5- моддасыда.

3. “Оила кодекси”нинг 238-моддасы нима деб номланади?

- А) Никохдан ажратиш;
- Б) Фарзандликка олиш;
- С) *Чет эл оила ҳуқуки нормаларининг мазмунини аниқлаш;
- Д) Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини бекор қилиш.

4. Бахт нима

- А) соглик, фаровонлик, бойлик;
- Б)*қониқишининг юксак даражаси;
- С) ўз-ўзини юкори баҳолаш;
- Д) севиш ва севилиш.

5. Мулоқот жараёнининг асосий таркибий қисмлари...

- А) *сүзлаш, тинглаш ва тушуниш;
- Б) гапириб бериш, тинглаш;
- С) тушуниш, имо-ишора қилиш;
- Д) сүзлаш ва тинглаш.

6. Оила ва оиласа болалар тарбияси хақида мутафаккирлардан кимлар фикр юритганлар?

- А) Кайковус, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний;
- Б) Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий;
- С) Мұхаммад Содик Қошғарий, Жалолиддин Давоний;
- Д) *барча жавоблар тұғри.

7. “Оила кодекси” нечанчи йил қабул қилинганды?

- А) 1992 йил 8 декабрь;
- Б) 1996 йил 10 май;
- С) *1998 йил 30 апрель;
- Д) 2001 йил 30 январь.

8. « Кимки қисқа сүзда дейди күп маъно, Равонлик бобида ул киши аъло». Ушбу сўзлар кимнинг қаламига мансуб?

- А) *Абулқосим Фирдавсий;
- Б) Саъдий Шерозий;
- С) Ҳусрав Деклавий;
- Д) Абдуқодир Бедил.

9. Мамлакатимизда 1998 йилга қандай ном берилганды?

- А) “Соғлом авлод йили”;
- Б) “Инсон манфаатлари йили”;
- С) * “Оила йили”;
- Д) “Мехр-мурувват йили”.

10. “Энг биринчи галда насл-насабни тоза сақламоқ, қадр-кимматнн билмоқ инсон тарбиясинининг гултожидир” - Ушбу жумлалар кайси муаллифнинг қандай асарида көлтирилганды?

- А) А.Навоийнинг “Хамса” асарида;
- Б) *Кайковуснинг “Қобуснома” асарида;
- С) А.Фитратнинг “Оила” асарида;
- Д) А.Қодирийнинг “Үтган кунлар” асарида.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси” неча боб ва неча моддадан иборат?

- А) *30 боб ва 238 моддадан;
- Б) 45 боб ва 312 моддадан;

- С) 22 боб ва 187 моддадан;
Д) 36 боб ва 300 моддадан.

12. “Эндогамик никоҳ” нима?

- А) якка никоҳ;
Б) гурухий никоҳ;
С) *бошқа қабилаларга мансуб қиз ёки йигит билан никоҳ;
Д) никоҳланмаган ҳолда бирга яшаш.

**13. “Оила-бу табиатнинг шоҳ асарларидан биридир” бу фикр
кайси файласуф томонидан билдирилган?**

- А) Беруний;
Б) Афлотун;
С) *Сатаяна;
Д) Сукрот.

14. Ўзбекистонда 1999 йил қандай йил деб эълон қилинди?

- А) *“Оналар ва болалар йили”;
Б) “Инсон манфаатлари йили”;
С) “Оила йили”;
Д) “Меҳр-мурувват йили”.

15. “Оналик ҳуқуқи” асарн кимнинг қаламига мансуб?

- А) *Вахофен;
Б) Беруний;
С) Ибн Сино;
Д) Фаробий;

**16. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида
никоҳ ёши қизлар учун неча ёш қилиб белгиланган?**

- А) *қизлар учун 17 ёш;
Б) қизлар учун 16 ёш;
С) қизлар учун 19 ёш;
Д) қизлар учун 18 ёш.

17. “Алимент” сўзи қандай маънони англатади?

- А) *озик-овқат, нафақа;
Б) стипендия;

С) моддий ёрдам;

Д) рагбат.

18. Ғарбда оила тарихини ўрганишга қандай асар турткى бўлган?

А) *Вахоффенинг “Оналик хукуки” асари;

Б) Навоийнинг «Махбуул кулуб» асари;

С) Вахоффенинг “Оналик мактаби” асари;

Д) Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари;

19. Б.Умаров ўзининг илмий тадқиқотида оилавий низоларни қандай турларга ажратади?

А) ёлғизлик, яқин кишисининг ўлими;

Б) муваффакиятсиз севги билан боғлиқ бўлган низолар;

С) ота-она ёки оиланинг бошқа аъзолари томонидан болаларни жисмоний ва маънавий хўрлаш;

Д) *барча жавоблар тўғри.

20. Нодонлардек юзлаб сўзни қилма қатор,

Донолардек бир сўз дегил, лек маънодор.

Ушбу сўзлар кимнинг қаламига мансуб?

А) Абулқосим Фирдавсий;

Б) *Саъдий Шерозий;

С) Хусрав Дехлавий;

Д) Абдуқодир Бедил.

21. Руҳшунос олим F. Шоумаров ўзининг “Муҳаббат ва оила” китобида оиланинг тинч-тотув яшашида ўзаро қовушишини неча турга бўлиб ўрганади?

А) 2 турга;

Б) 5 турга;

С) *3 турга;

Д) 4 турга.

22. “Оилада отанинг ширин сўзли, юмшоқ кўнгил, табиатан мулойим бўлиши бола тарбиясини бузади, оилада бош тарбиячи ота хисобланади” – юқоридаги фикр Абу Али ибн Синонинг қайси асаридан олинган?

- А) "Донишнома" асаридан;
- Б) *“Тадбири ал-манозил” асаридан;
- С) “Наводир ул-вакое” асаридан;
- Д) “Ишорат” асаридан.

23. 2000 йилга Ўзбекистонда қандай ном берилди?

- А) “Оналар ва болалар йили”;
- Б) “Инсон манфаатлари йили”;
- С) * “Соғлом авлод йили”;
- Д) “Мехр-мурувват йили”.

24. Вахофен “Оналик ҳукуки” асарини қачон ёзган?

- А) 1821;
- Б) *1861;
- С) 1681;
- Д) 1530.

25. “Ўзбекистон Республикаси оилани мустаҳкамлаш бўйича Концепцияси” қачон қабул қилинган?

- А) 2020 йил;
- Б) 2016 йил;
- С) 2019 йил;
- Д) *2018 йил;

26. Таркибига кўра оиласалар қандай турларга бўлинади?

- А) бир бўғинли, икки бўғинли, кўп бўғинли;
- Б) нотинч, баҳтли, социал;
- С) бир болали, икки болали, кўп болали;
- Д) зиёли, ишчи, хизматкор.

27. Қайси қаторда никоҳ тузиш шартлари нотўғри кўрсатилган?

- А) никоҳ ёши эркаклар учун 18, аёллар учун 17 ёш бўлиши лозим;
- Б) *никоҳ тузишда аёллар эркаклар фамилиясига ўтиши лозим;
- С) эркак ва аёллар ўртасидаги тенглик;
- Д) никоҳ ўзаро хоҳиш асосида тузилиши лозим.

28. “Адо этилган бурчдан улуғворликдан кўра зўрроқ улуғворлик йўқ, ундан зўрроқ қувонч ҳам йўқ”. Ушбу фикр кимга тегишили?

- А) И. Гёте;
- Б) Ибн Сино;
- С) *Э. Режан;
- Д) А.Блок.

29. Ота-онанинг фарзанди олдидаги бурчи нималардан иборат?

- А) яхши исм қўйиш;
- Б) тўғри тарбия бериб, уйли, жойли қилиш;
- С) вояга етгач уйлантириш ёки турмушга бериш;
- Д) *барча жавоблар тўғри.

30. Никоҳ тузишга монеълик қилмайдиган ҳолатни белгиланг!

- А) лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;
- Б) *аёл ёшининг эркак ёшидан катта бўлиши;
- С) лоақал биттаси руҳият бузилиши сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида;
- Д) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида.

31. Зардуштийлик динидаги оила қуришининг қандай мотивлари мавжуд бўлган?

- А) ота ёки ҳомий, ҳоҳиш-иродаси туфайли;
- Б) севги-муҳаббат туфайли;
- С) фарзарзандлари бўлиши ҳоҳиши туфайли;
- Д) *барча жавоблар тўғри.

32. Ўзекистон Республикаси 220-моддасининг номланиши?

- А) Никоҳга кираётганда фамилия танлаш;
- Б) Эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда никоҳдан ажралишни қайд этиш;
- С) *Никоҳдан ажралгандан кейин эр-хотиннинг фамилияси;
- Д) Туғилишни қайд этиш билан бир вақтда оталикни белгилаш.

33. Ҳадисларда уч кишининг дуоси Аллоҳ олдида ижобат бўлади дейиллади. Улар кимлар?

- А) ота-она, ота-она, мусоғир;
- Б) қариялар, ота-она, мазлум;

- С) мазлум, мусофири, кария;
Д) *ота-она, мусофири ва мазлум.

34. “Болаларни катта маъсулият билан ва пухта ўйлаб тарбия килиш ота-онанинг бурчи”. Бу фикр кимга тегишили?

- А) Аристотель;
Б) Платон;
С) Аҳмад Дониш;
Д) Ал-Бухорий.

35. Тўлиқлилигига кўра оиласалар кайси бандда тўғри кўрсатилган?

- А) фарзандли ва фарзандсиз;
Б) ишчилар, хизматчилар, зиёлилар;
С) кўп бўгинли ва кам бўгинли;
Д) *тўлик, нотулиқ ва қайта тузилган.

36. Ибн Сиё бола тарбиясини нимадан бошлиш лозим деб таъкидлайди?

- А) *исм танлашдан;
Б) ёзишни ўргатишдан;
С) ўкишини ўргатишдан;
Д) ахлоқ ўргатишдан.

37. Исломий тарбияда ўғил ва қизлар тарбиясининг ўзига хос хусусияти неча ёшдан шаклланади?

- А) 6 ёшдан;
Б) *7 ёшдан;
С) 10 ёшдан;
Д) 12 ёшдан.

38. Ибтидоий жамоа тузуми даврида “Совға айирбошлиш”нинг юзага келишига сабаб нима бўлган?

- А) аёл ва эркак ўртасидаги муносабатларни билдириш сабабли;
Б) *шахсий мулкнинг пайдо булиши сабабли;
С) бошқа қабилалардан ажralиб туриши сабабли;
Д) севгани сабабли.

39. Қайси мутафаккир инсоннинг ахлоқий тушунчаларини инсоннинг табиати билан баҳолаган?

- А) Абу Али Ибн Сино;
- Б) Юсуф Хос Хожиб;
- С) Абу Наср Фаробий;
- Д) *Абу Райхон Беруний.

40. Никоҳ тузиш учун эркаклар учун 18 ёш аёллар учун 17 ёш белгиланган, бироқ турли сабаблар бўлганда ҳоким никоҳ ёшинни кўпи билан неча йилга камайтириши мумкин?

- А) 2 йилга;
- Б) *1 йилга;
- С) 0,5 йилга;
- Д) 1,5 йилга.

41. “Оила ҳакида гапирав эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишларига бевосита таъсир қўрсатадиган тарбия ўчоги эканлигини тан олиш даркор”.
Ушбу сўзлар кимга тааллукли

- А) М. Махмудов;
- Б) *И.А Каримов;
- С) F.Б. Шоумаров;
- Д) А.Орипов.

42. Бир оиласидаги ўзаро қон-қариндошлар турмуш қуришлари мумкинми?

- А) ёшлари етганда мумкин;
- Б) ўзаро рози бўлганда;
- С) *умуман мумкин эмас;
- Д) севги-муҳаббат бўлганда.

43. Муҳаммад Содик Қошғарийнинг фикрича, уйланишда қизлар йигитлардан тўрт нарсада устун бўлиши керак, улар қайси бандда тўғри қўрсатилган?

- А) омадда, бойликда, дид ва фаросатда;
- Б) *коматда, хуснда, хулқда, иффатда;
- С) бўйда, дид-фаросатда, одобу-иффатда, омадда;

Д) хулқда, чиройда, бойликда, фаросатда;

44. Юсуф Ҳос Ҳожиб, оиланинг шаклланиши ва мустаҳкамланишида ниманинг ролига алоҳида эътибор беради?

- А) хурмат;
- Б) *мехр-муҳаббат;
- С) тинчлик;
- Д) садоқат.

45. Муҳаммад Содик Қошғарий фикрича, турмушга чиқаётганда қизлар йигитлардан тўрт нарсада паст бўлишлари керак, улар қайси бандда тўгри кўрсатиласан?

- А) *умрда, қоматда, молда ва насабда;
- Б) дидда, фаросатда, амалда, қоматда;
- С) молда, насабда, омадда, чиройда;
- Д) фаросатда, бойликда, чиройда, омадда.

46. F.Шоумаров оиласида эр-хотиннинг ўзаро қовушишларини шартли равишда неча қисмга бўлади?

- А) иктисодий, мантикий, биологик қовушиш;
- Б) *биологик, психологияк, социал қовушиш;
- С) ижтимоий, психологик, иктисодий қовушиш;
- Д) мантикий, биологик, социал қовушиш.

47. Ибн Сино бола тарбиясида кимнинг ролини алоҳида таъкидлайди?

- А) отанинг;
- Б) *онанинг;
- С) давлатнинг;
- Д) маҳалланинг.

48. Оила кодекси нечта бўлим, боб ва моддадан иборат?

- А) 8 бўлим, 30 боб, 823 моддадан иборат;
- Б) 6 бўлим, 26 боб, 628 моддадан иборат;
- С) * 8 бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборат;
- Д) 7 бўлим, 28 боб, 168 моддадан иборат.

49. Ўзининг ижтимоий мазмунига кўра оила, одатда ўзаро алоқадаги учта ижтимоий гуруҳдан иборат бўлиб, улар нималардан иборат?

А) оиласининг асоси сифатида никоҳ;

Б) никоҳнинг натижаси сифатида эр-хотин муносабатлари;

С) эр-хотин муносабатларининг оқибати сифатида фарзандлардан ташкил топади;

Д) *барча жавоблар тўғри.

50. “Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш тўғрисида Низом” неча бўлимдан иборат

А) *2 бўлимдан иборат;

Б) 1 бўлимдан иборат;

С) 4 бўлимдан иборат;

Д) 3 бўлимдан иборат.

51. “Болали оиласини ижтимоий қўллаб-куvvatлаш тўғриси”даги қарор қачон яратилган?

А) 1996 йил 1 январь;

Б) *1997 йил 1 январь;

С) 1997 йил 31 декабрь;

Д) 1996 йил 31 декабрь.

52. БМТ томонидан қайси кун халқаро оила куни сифатида эълон қилинган?

А) *15 май;

Б) 10 февраль;

С) 5 август;

Д) 10 декабрь.

53. “Никоҳ томонларининг ихтиёрий розилиги ва тенг хуқуқлилигига асосланади” деб ёзилган фикр қайси китобда белгиланган?

А) Ўзбекистон Республикасининг “Оила” кодексида;

Б) **“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”да;

С) “Оила хуқуки” дарслигига;

Д) “1001 саволга 1001 жавоб” китобида;

54. Никохга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартырган эр (хотин) никоҳдан ажратилғандан кейин ҳам шу фамилиясида қолишга ҳақлыми?

- А) йўқ, ҳақли эмас;
- Б) эр-хотиннинг хоҳишиға қаралади;
- С) суд чиқарған қарорга асосланади;
- Д) *никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин.

55. «Оила» тушунчаси қандай маънони англатади?

- А) *аёлманд, ниёзманд;
- Б) нафосат, дид-фаросат;
- С) дилнавоз, хотиржамлик;
- Д) иноқлик, фаросатлик.

56. Никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳни хақиқий деб топиш мумкини?

- А) ҳар қандай шароитда ҳам бекор килинади;
- Б) *судгача эр ёки хотин никоҳ ёшига етган бўлса ҳақиқий деб топилади;
- С) йўқ, бу никоҳ ҳақиқий эмас;
- Д) ҳар қандай шароитда ҳам никоҳ ҳақиқий хисобланади.

57. “Оила педагогикаси” асарининг муаллифи ким?

- А) О.Хасанбоева;
- Б) М.Иномова;
- С) О.Мусурмонова;
- Д) *А.Мунавваров.

58. “Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” концепцияси қачон ишлаб чиқилган?

- А) 1997 йилда;
- Б) *1993 йилда;
- С) 1992 йилда;
- Д) 1998 йилда.

59. Оилани тарихий категория сифатида тўрт хил муносабатларга асосланган бирлик сифатида ўрганамиз. Улар қайси бандда тўғри акс этган?

- А) *табиий-биологик, иктисодий, хуқуқий, маънавий;
- Б) табиий, мағкуравий, маданий, маънавий;
- С) маданий, диний, маърифий, мағкуравий;
- Д) биологик, иктисодий, диний, маданий.

60. Ўзбекистон Республикасининг “Оила ҳуқуқи” дарслигининг муаллифи ким?

- А) педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Йўлдошев;
- Б) *юридик фанлар доктори, профессор Ф.Отахўжаев;
- С) педагогика фанлари доктори, профессор Р.Жўраев;
- Д) юридик фанлар номзоди Д.Хидиров;

61. «Бола ҳуқуклари тўғрисидаги конвенция»нинг қабул қилиниши қайси бандда тўғри кўрсатилган?

- А) *1989 йил 10 ноябрь;
- Б) 1999 йил 10 ноябрь;
- С) 1998 йил 22 ноябрь;
- Д) 1997йил 15 ноябрь.

62. Алимент ундиришнинг қандай тартиблари белгиланган?

- А) алимент тўғрисидаги келишув тузиш;
- Б) алиментни ихтиёрий тўлаш;
- С) алиментни суд тартибида ундириш;
- Д) *барча жавоблар тўғри

63. “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб кувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг чиққан вақти қайси бандда тўғри кўрсатилган?

- А) 2002 йил 25 май;
- Б) 2005 йил 25 май;
- С) *2004 йил 25 май;
- Д) 2003 йил 25 май.

64. БМТ томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуклари умумжаҳон декларатсијаси” нинг қабул қилинган вақти қайси бандда тўғри кўрсатилган?

- А) *1948 йил 10 декабрь;
- Б) 1958 йил 12 декабрь;

- С) 1955 йил 12 декабрь;
Д) 1978 йил 10 декабрь.

65. “Оила педагогикаси” фанининг вазифалари кайси бандда тұғри күрсатылған?

- А) ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш;
Б) болалар тарбиясига оид умуминсоний қадриятларни ёшларга етказиши;
С) оилавий анъаналарга биноан болаларнинг туғишилари билан боғлиқ бўлган маросимлар ва урф-одатларни ёшларга етказиши;
Д) *барча жавоблар тұғри.

66. Оила ва оиласада болалар тарбияси ҳақида қуйидаги мутафаккирлардан қайслари фикр юритгандар?

- А) Ибн Сино, Беруний;
Б) А.Навоий, Фаробий;
С) Мұхаммад Содик Қошгарий, Давоний;
Д) *барча жавоблар тұғри.

67. Замонавий шароитта болалар тарбияда нималарга мұхтож?

- А) хордик чиқаришга, бойликка, улдабуронликка;
Б) меңнаткашликка, эркинликка, ақлий омилкорликка;
С) ақлий омилкорликка, амалий ҳисоб-китобга, улдабуронликка;
Д) *барча жавоблар тұғри.

68. Қуйидагилардан қайслари замонавий оиласада ривожланишининг ўзига хосликлари бўла олади: 1) моддий таъминланганлик; 2) кўп болалик; 3) туғишини олдини олиш; 4) шахар ва қишлоқ оиласарининг ижтимоий ҳаёт тарзи; 5) аёлларнинг катта мавқега эгалиги; 6)ота-оналарнинг доимий ишда бўлишлари

- А) 1, 2, 4, 6;
Б) *1, 3, 4, 6;
С) 1, 3, 5, 6;
Д) 1, 2, 5, 6.

69. Ким ўзаро муносабатлар характеристига кўра оилани идеал, ўрта, салбий турларга бўлади?

- А) *Ю.Азаров;

- Б) М.Буянов;
- С) А.Мунавваров;
- Д) Фитрат.

70. Мактабнинг оила билан олиб борадиган ишларини қандай шакллари мавжуд?

- А) оммавий, гурхий;
- Б) индивидуал, замонавий;
- С) *индивидуал, жамоавий;
- Д) тўғри жавоб йўк.

71. “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” асарининг муаллифи ким?

- А) И.Подласый;
- Б) А.Мунавваров;
- С) Ю.Азаров;
- Д) *Фитрат.

72. Замонавий оилаларда мuloқotнинг қандай усуслари аникланган?

- А) матриархат, патриархат, эгоизм;
- Б) тоталитар, авторитар, можоритар;
- С) демократик, авторитар, диктатура;
- Д) *авторитар, либерал, демократик.

73. И.Подласый шахслараро муносабат характерига кўра оилаларни қандай турларга ажратади?

- А) идеал, социал, тарқоқ, ўрта, салбий, юқори даражали;
- Б) *болаларни хурмат қилувчи, раҳмдил, моддийликка йўналган, адоватли, антисоциал;
- С) идеал, раҳмдил, моддийликка йўналган, тарқоқ, социал, адоватли;
- Д) кўп бўгинли, кам болали, ўрта, салбий, болаларни хурмат қилувчи.

74. Мактабнинг оила билан олиб борадиган ишларининг индивидуал шаклларига нималар киради?

- А) ота-оналар семинарияси, очик эшиклар куни, педагогик топширик;
- Б) синф ота-оналар мажлиси, ота-оналар университетлари, оиласа ташриф буюриш;

С) *педагогик топширик оиласы ташриф буюриш, педагогик маслахатлар;

Д) барча жавоблар түгри.

75. Қуйидаги қайси фикрни маъқул деб хисоблайсиз?

А) ота-она ота-онанинг авторитетини туширмаслиги керак;

Б) ота-оналарнинг тарбияловчи имкониятларига ишониш керак;

С) *ота-оналарга топширик бермаслик керак;

Д) барча жавоблар түгри.

76. Қуйидагилардан қайси фикрни түғри деб хисоблайсиз?

А) оиласы болалар билан муносабат дўстона бўлса, бунда асосий метод-

жазолаш;

Б) *қанча ота-она бўлса, шунча метод тури бор;

С) ота-оналарнинг шахси методларда акс этмайди;

Д) түгри жавоб йўқ.

77. Ота-оналарнинг шахсий тажрибаси болани тарбиялашнинг методини танлаб олиш шарти бўла оладими?

А) *ха;

Б) йўқ;

С) баъзан;

Д) хеч қачон.

78. Қуйидагилардан қайслари замонавий оила тарбиясининг тамойиллари бўла олади 1) меросийлик; 2) қаттиққўллик; 3) креативлик; 4) инсонийлик; 5) итоатда тутиш; 6) фуқаролик; 7) ретроспектив.

А) 1, 2, 4, 5, 7;

Б) 1, 2, 3, 6, 7;

С) *1, 3, 4, 6, 7;

Д) 1, 3, 5, 6, 7;

79. Қуйидагилардан қайслари оиласы тарбиявий вазифаларни ҳал қилишининг воситалари бўла олади: 1) ўйин; 2) жазо; 3) сўз; 4) ишонтириш; 5) меҳнат; 6) анъаналар; 7) рағбат; 8) радио; 9) адабиёт.

А) 1, 2, 4, 5, 6, 9;

Б) 2, 3, 4, 7, 8, 9;

С) 1, 3, 5, 6, 8, 9;

Д) *1, 3, 4, 6, 8, 9;

**80. М.Буянов социологларнинг тадқиқотларига таяниб оиласи
кандай турларга бўлади?**

А) *ўзаро мос (уйғун), тарқок (носоз), ажрашиб кетган, тўлиқсиз;

Б) идеал, раҳмдил, моддийликка йўналган, тарқок, асоциал, адоватли;

С) кўп бўгинли, кам болали, ўрта, салбий, болаларни хурмат килувчи;

Д) идеал, асоциал, тарқок, ўрта, салбий, юкори даражали.

**81. Қишлоқ оиласлари шахар оиласларидан нимаси билан фарқ
қиласди?**

А) ота-оналарнинг маълумоти ўрталиги;

Б) *кишлоқ жойларида хар бир бола ҳамкишлогининг қаттиқ
назоратида бўлади;

С) болалар сони кам бўлади;

Д) ажралишлар сонининг кўплиги.

**82. Қоидага мувофиқ оиласда болаларга оиласвий маблагнинг неча
фоизи сарф қилинади?**

А) 30 фоиздан 40 фоизгача;

Б) 20 фоиздан 60 фоизгача;

С) *25 фоиздан 50 фоизгача;

Д) 40 фоизан 90 фоизгача.

**83. Кўйидағилардан қайси бири тугилишнинг камайиши сабаби
бўла олмайди?**

А) ота-оналарнинг ишда бандлиги;

Б) бола тарбиялашда моддий таъминотнинг ўсиши;

С) ота-оналарнинг “ўзи учун яшамок” сингари эгоистик қарашлари;

Д) *ёшларнинг эрта турмуш кураётгандиги.

**84. Неча фоизгача ажралишлар турмуш қурганлигининг биринчи
йилида уларнинг оиласвий ҳаётга тайёр эмасликлари натижасида
келиб чиқмоқда?**

А) 70 фоизгача;

Б) *90 фоизгача;

С) 60 фоизгача;

Д) 50 фоизгача.

85. Болалар сонига боғлиқликда замонавий оиласлар қандай турларга бўлинади?

- А) ўзаро мос (уйғун), тарқоқ (носоз), ажрашиб кетган, тўлиқсиз;
- Б) идеал, раҳмдил, моддийликка йўналган, тарқоқ, социал, адоваратли;
- С) кўп бўғинли, кам болали, ўрта, салбий, болаларни хурмат қилувчи;
- Д) *кўп болали, кам болали, бир болали, боласиз.

86. Агар оиласда факат ота-она бўлса, бундай оила қандай аталади?

- А) тўлик;
- Б) *тўлиқсиз;
- С) социал;
- Д) идеал.

87. Кўйидаги кайси фикрларни тўғри деб хисоблайсиз?

- А) оила бола учун у яшаётган ҳаётнинг модели (андозаси)ни яратади;
- Б) ота-оналарнинг ўз боласига таъсири кўрсатиши уларнинг жисмоний камолоти ва ахлоқий покизалигини таъминлаши керак;
- С) кўпинча бола туғилган ва катта бўлган оиласвий шарт-шароитлар ва ҳолатлар уларнинг бутун ҳаётларига ўз таъсирини үтказади ва ҳатто тақдирини белгилаб қўяди;
- Д) *барча жавоблар тўғри.

88. Оила тарбияси самарадор бўлиши учун ота-оналар қандай тайёргарликка эга бўлиши лозим?

- А) ота-оналар кўпроқ пул топишлари лозим;
- Б) *ота-оналарнинг ўзида ўз фарзандлари билан ўзаро фойдали ва доимий бир бутун йўналганликни шакллантириш лозим;
- С) оиласда катталарнинг мавжуд бўлиши;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

89. Оила тарбиясининг мақсади нималарда акс этади?

- А) умуминсоний қадриятларни ва ростгўйлик, адолатлилик, олийжаноблилик, меҳнатга ва одамларга муҳаббатни шакллантириш;
- Б) интеллектуал ва ижодий қобилияtlарини, билиш ва дастлабки меҳнат тажрибаларини ривожлантириш;

С) ахлоқийлик ва эстетикликни ривожлантириш;

Д) *барча жавоблар тұғри.

90. Ұзаро муносабатлар харakterига күра оилалар қандай турларга бүлинади?

А) *идеал, үрта, салбий (негатив) ёки жанжалли-серзарда;

Б) ұзаро мос (үйғун), тарқоқ (носоз), ажрашиб кетган, тұликсиз;

С) идеал, раҳмдил, моддийликка йұналған, тарқоқ, асоциал, адоваратли;

Д) күп бүгінли, кам болали, үрта, салбий, болаларни хурмат қилувчи.

91. Қуидагилардан қайси бири оиласда бола тарбиясида қарама-каршиликларни келтириб чиқаради?

А) ота-оналарнинг ишда бүлиши;

Б) ота-оналарнинг ўқимишлилігі;

С) *кatta авлод ва ёш ота-оналарнинг бола тарбиялашдаги түрли методлари;

Д) тұғри жавоб йўқ.

92. Тұғилишнинг камайиши қандай педагогик муаммони келтириб чиқаради?

А) ёшларни оиласвий ҳаётта тезрок тайёрлаш;

Б) қыздарни мустақил ҳаётта тайёрлаш;

С) *кам болали оиласарда тарбиянинг методларини ишлаб чиқишини ва үрганиш;

Д) тұғри жавоб йўқ;

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРНИНГ ЛУҒАВИЙ МАЗМУНИ

Адаптация - инсоннинг ижтимоий мұхит билан фаол үзаро муносабатда бўлиш ва унинг потенциалини шахсий ривожланиш учун ишлатиш қобилияти.

Амалий ишлар методи – ўзлаштирилган билимларни амалиётда кўллаш кўнинмаларини шакллантирувчи усул.

Анамнез - ота-она ёки болани тарбияловчи бошқа шахслардан шифокор, педагог ёки психолог томонидан бола ҳакида маълумот олиш. Анамнез тўпланаётганда боланинг ирсийлиги, бошдан кечирган касалликлари, нутқ, ўйин фаолияти ривожланиш хусусиятлари тўғрисида маълумотлар аникланади.

Аномалия - жисмоний ёки руҳий ривожланишнинг умумий нормаларидан оғиши.

Анормал болалар - нормал руҳий ва жисмоний ривожланишда бузилишлар бўлган болалар. Уларни енгиб ўтиш учун маҳсус методлар талаб қилинади.

Ахлоқ (лотинча «моралис» - хулқ-атвор маъносини билдиради) - ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс ҳатти-ҳаракатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлари йигиндиси.

Ахлоқий онг – шахсга ахлоқий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги назарий билимларни бериш асосида ҳосил қилинувчи онг шакли.

Ахлоқий тарбия – муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, үзаро муносабат, мулокот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларини ўқувчилар онгига сингдириш асосида уларда ахлоқий онг, ахлоқий фаолият кўнинмалари ва ахлоқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг мухим таркибий қисми.

Ақлий тарбия - шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккури ва дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг мухим таркибий қисми.

Байнаминалик («интер» – орасида, ўртасида, аро, «натио» – халқ) – ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ-хуқуқлари, эрки, урф-одатлари,

анъаналари, турмуш тарзи, тили ҳамда виждон эркинлигини хурмат килиш, уларнинг манфаатларига зиён етказмасликни ифода этувчи шахсга хос маънавий-ахлокий фазилат.

Билим – шахснинг онгига тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлик ҳакидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

Билим олии – борликни идрок этиш, ўрганиш, машқ килиш ва муайян тажриба асосида хулқ-автор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни.

Билиш - объектив борликнинг инсон онгига акс этиш шакли; илмий билимларни ўзлаштириш жараёни.

Болалар жиснояччилиги - салбий ижтимоий ҳуқукий ҳодиса бўлиб, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган барча гайри ҳуқукий хатти-ҳаракатлар мажмуаси хисобланади.

Боланинг ижтимоийлашуви - унинг ижтимоий ҳаётга қўшилиши бўлиб, шу жамиятда хос билимлар, қадриятлар, норма-коидалар, хулқ-автор намуналарини ўзлаштиришдан иборат. (М.Галагузова)

Боланинг ижтимоий адаптацияси - боланинг ижтимоий мухит шароитларига фаол кўниши, боланинг ижтимоий мухит билан ўзаро муносабатлари тури.

Боланинг ижтимоий дезадаптацияси - унинг ижтимоий мухит шароитларига муваффақиятли кўнишишига тўскенилик қилувчи ижтимоий аҳамиятга эга хислатларнинг йўкотилиши.

Болаликни ижтимоий ҳимоялаш - қонунчилик ва бола ҳуқуклари тўғрисидаги халқаро конвенцияда мустаҳкамланган вояга етмаганлар ҳуқукларининг кафолатини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар. Бу болаларнинг оптимал биологик ва ижтимоий ривожланишини, ижтимоий иктисодий шароитларга кўнишишини таъминлаб берувчи ҳуқукий, иқтисодий, тиббий ва психологик-педагогик чоралар комплексидир.

Болаларга ижтимоий ёрдам қўрсатиш - ижтимоий ҳимоянинг шаклларидан бири бўлиб, кам таъминланган оиласлар фарзандларининг ҳаётий эҳтиёжларини кондиришга қаратилган ижтимоий чора-тадбирлар мажмуаси- ижтимоий педагог болаларга турли ёрдам

кўрсатади. Бироқ уларнинг ичидаги устувор ёрдам болаликни ижтимоий педагогик қўллаб-кувватлаш хисобланади.

Болаликка олиш - болаликка олувланиши ва болаликка олинувчи ўртасида ота-она ва фарзандлар ўртасида мавжуд ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатувчи юридик акт.

Васийлик - муомалага лаёкатсиз шахсларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Ватанпарварлик (лотинча «патриотес» – ватандош, «патрис» – ватан, юрт) - шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғуурланиши, бугуни тўғрисида қайгуриши ҳамда унинг порлоқ истиқболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат.

Вербал – билим (маълумот, ахборот)ларни сўз ёрдамида (оғзаки) етказиб бериш, ифода этиш.

Гносеология (юнон тилидан гносис – билим, онг, ўрганиш) – билиш, илмий билимларнинг шаклланиши, хусусиятлари, конуниятлари, услублари, илмий тафаккур шакллари, шунингдек, инсонга хос бўлган борлиқни англаш қобилияти ҳақидаги назария, таълимит.

Девиант ҳулқ аввор - ижтимоий ёки ахлоқий нормаларга мос келмайдиган ҳулқ-аввор.

Делинквентлик (инг. “геноҳкорлик”) - ўрнатилган нормаларни бузувчи ва ҳуқуқбузарликка олиб келувчи ҳулқ-аввор.

Динамик стериотип - бош мия фаолиятининг физиологик шакли бўлиб, инсон хатти-ҳаракатининг шартли рефлектор тартибида намоён бўлади. Уларга инсоннинг одатлари, оддий меҳнат қўникмалари киради.

Дунёқараши - табиат, жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик карашлар ва эътиқодлар тизими.

Етим болалар - 18 ёшгача бўлган бир ёки ота-онасининг иккиси ҳам вафот этган болалар.

Етимлик - жамиятда ота-онасидан жудо бўлган болаларнинг борлиги билан изоҳланадиган ижтимоий ҳодиса.

Жазолаш - тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо бериш усули.

Жамоа (лотинча «коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, йигилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ каби маъноларни англатади) - бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган гурух.

Жинсий тарбия - ўзида шахсни жинсий жиҳатдан чиниктириш, уларни тозалик ва озодаликка ўргатиш, ўз соглиги учун ғамхўрлик килиш ва масъулиятли бўлишни таъминлашга қаратилган педагогик фаолият мазмуни.

Жисмоний тарбия - ўқувчиларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми.

Жиноят - делинквент хулк-атвор тури бўлиб, шахсга, конун билан кўрикланадиган объекtlарга тажовуз килувчи ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат.

Жиноий хулк-атвор - жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етганда жиноий иш кўзғатишига асос бўлувчи гайри ҳуқуқий ҳаракатлар.

Ижтимоийлашув - инсоннинг бутун ҳаёти мобайнида ўз-ўзини ўзгартириш ва ривожлантаришнинг бошқариладиган ва мақсадга йўналтирилган жараёни.

Инсонийлик - болани шахс сифатида кадрлайдиган, унинг гурури ва эркинлигини химоялаш билан ҳарактерланадиган, инсон манфаатини ижтимоий институтларни баҳолашнинг асосий меъёри деб ҳисоблайдиган карашлар тизими.

Инфанилизм - организмнинг руҳий ривожланишидаги тўхтаб қолиш бўлиб, болалик давридаги ривожланиш босқичи жиҳатларини саклаб қолиш билан ҳарактерланади.

Инкиroz - шахс ривожланишининг дискрет вазиятида унинг мақсадга қаратилган ҳаётий фаолиятининг тўхтаб колиши. Сурункали инкиroz ижтимоий дезадаптatsия, ўз жонига қасд килиш, асаб-руҳий ва психологик касалликларга олиб келиши мумкин.

Ишонтириши - мантик, исбот-далилга асосланган ақлий эмоционал таъсир. Унинг моҳияти инсон онгига таъсир килишга қаратилган, демак ишонтиришнинг муваффақияли бўлиши онг конунларига мос келишига боғлиқ. Ишонтирувчи сўзлар тушунарли бўлиши керак. Ишонтириш индивидуал тажрибага қаратилиши лозим.

Ички ишонч - ахборотни танқидсиз қабул қилиш ва унга мувофик кайфият, хулк-авторни ўзлаштиришга қаратилган таъсир. Ишонтиришнинг самарадорлиги ишонтирувчи шахснинг кучи ва бошқа шахснинг ишонувчанлиги, шунингдек улар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ.

Иқтидорлилик - боланинг ўз ёши нормалариға нисбатан ақлий ривожланишда анча илгарилаб кетиши.

Категория - фаннинг моҳиятини очиб берувчи энг муҳим, асосий тушунча.

Катамнез - даволаш якунлангандан сўнг касал ҳакида олинадиган маълумотлар. Махсус кузатув остида бўлган болаларнинг меҳнат ҳаёти, таълими тўғрисида даврий маълумот тўплаш.

Коммуникативлик - шахсларо мулокот маданиятига эга бўлиш, болани тинглаш ва эшитиш қобилияти, муомалага кириша олиш ва алоқа ўрнатиш, ахборот тўплаш, турли ижтимоий муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантириш, боланинг вербал ва новербал хулк-авторини кузатиши.

Компенсация - бузилган функциялар ўрнини тўлдириш, ривожлантириш.

Конкремтик - умумий фикрлардан воз кечиш ва саволларга аниқ жавоб бериш қобилияти.

Компенсация (юонча «компенсатио» – ўрнини тўлдириш, тенглаштириш) - олий нерв фаолиятининг захира имкониятларига таянган ҳолда организмнинг бузилган ёки ривожланмаган функцияларининг ўрнини тўлдириш ёки қайта куриш.

Коррекция (юонча «коррестио» - тузатиш) - педагогик услуб ва тадбирлардан иборат махсус тизими ёрдамида аномал болаларнинг психик ва жисмоний ривожланишидаги камчиликларини қисман ёки тўлик тузатиш.

Коррекцион (маҳсус) педагогика (дефектология - юонча «дефестус» – нуксон, камчилик, «логос» – фан, таълимот) – ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва ўқитиш методларига асосланган, саломатлик имкониятлари чекланган боланинг индивидуаллиги ҳамда шахсни ривожлантириш жараёнини бошқариш моҳияти, конуниятларини ўрганувчи фан.

Коррекцион тарбия - жамиятдаги ҳаётга күникиш учун шароитлар яратиш, баъзи тоифа одамларни ривожланиш нуксонларини енгигб ўтиш ёки бартараф этиш.

Коррекцион-тарбиявий ишлар - шахснинг аномал ривожланиши хусусиятларига кўра умумий педагогик таъсир кўрсатиш чоратадбирлари тизими.

Маданият («султура» сўзидан олинган бўлиб, парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради) – ижтимоий тараккиёт давомида инсонларнинг фаолияти туфайли кўлга киритилиб, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат килувчи моддий ва маънавий бойликлар тизими.

Маданиятилик - бола тарбияси ва ижтимоийлашуви жараёни шу жамият ва миллатнинг маънавий ва моддий маданияти асосида курилиши лозим.

Мазмун (таълим (билим олиш) мазмуни) – таълим жараёнида шахс томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган илмий билим, амалий қўникма, малака, фикрлаш ҳамда фаолият усуслари тизими.

Мафкура (арабча «мафкура» - нақтаи назар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, хукукий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, шунингдек, маънавий-ахлоқий юксалиш, маърифий-тарбиявий ишларнинг ривожини таъминловчи, уларнинг мақсад ва йўналишларини аниқлашда етакчи ўрин тутувчи гоялар тизими.

Машқ ва ўргатиши (фаолиятда машқлантириши) методлари - муайян машқ ёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ меъёрлари ва хулк-автор қоидаларини бажаришга одатлантириш усуслари.

Маълумот – таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил килинган қўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёкарап мажмуи.

Маънавият (арабча «маънавият» - *маънолар мажмиуи*) – моҳиятига кўра ижтимоий тараккиётга ижобий таъсир ўтказувчи фалсафий, хукукий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввур, тушунча ва гоялар мажмуи.

Маърифат – шахс онгига илмий билим, ахлоқ қоидалари ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи хукукий меъёрларни

сингдириш, таълим-тарбияни такомиллаштириш, миллий мерос ва умуминсоний қадриятларни ўрганиш, уларни тарғиб этиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

Метод - юононча таржимаси «тадқиқот, усул, мақсадга эришиш ўйли» каби маъноларни англатади.

Методика (фан сифатида) - хусусий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.

Мехнат тарбияси - шахсга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англатиш, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўнікма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

“Мен” концепцияси - инсоннинг ўзи ҳакидаги тасаввурлари тизими.

Микросоциум - ўз таркибига оила, қўшничилик, тенгдошлар гурухлари, турли ижтимоий, давлат, диний, хусусий ва тарбиявий ташкилотлари мавжуд, муайян худудда фаолият юритувчи жамият.

Мунозара (тарбия методи сифатида) - тарбияланувчиларга ҳиссий-огзаки таъсир кўрсатиш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули.

Назоратсизлик - болаларни, уларнинг хулқ-авторини, бўш вақтларини қандай ўтказишларини назорат қиласлиқ, уларнинг тарбияси ҳакида қайғурмаслик.

Нафосат диди - шахснинг буюм ёки ҳодисага нисбатан муносабат билдириш тури, объектив нафосат ўлчови.

Нафосат маданияти - гўзалликни ҳис этиш, ундан завқланиш, мавжуд гўзалликларни асраш ва бойитиш ўйлида ўзлаштирилган билим ҳамда амалга ошириладиган нафосат фаолиятини ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи.

Нафосат онги - гўзаллик, гўзалликни ҳис этиш, унинг моҳиятини англаш, нафосат ҳис-туйғуси, нафосат диди каби тушунчаларнинг онгда акс этиши.

Нафосат тарбияси (эстетик тарбия- лотинча «естезио» гўзалликни ҳис киласман) - ўқувчиларни воқелик, табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари ва турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш ва тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда

гүзалликка муҳаббат уйготиш, улар томонидан гүзалликни яратиш кобилиятларини тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий кисми.

Оила – кишиларнинг никоҳ ёки кон-қариндошлик ришталари, умумий турмуш тарзи, ахлокий масъулият ҳамда ўзаро ёрдамга асосланувчи кичик гурухи.

Оилавий муносабатлар – ота-оналар (ёки боланинг камолоти учун масъул бўлган шахслар) ҳамда фарзандлар ўртасида турли йўналишларда ташкил этилувчи муносабатлар.

Оила тарбияси – ота-оналар (ёки бола камолоти учун масъул шахслар) томонидан ташкил этилувчи ҳамда фарзандларни ҳар томонлама етук, соғлом этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён.

Педагогик ташхис - ўкувчи ва ўкувчилар жамоаси шахсиятини таълим-тарбия жараёнига индивидуал ва дифференциал ёндошувни таъминлаш учун ўрганиш.

Педагогик илмий-тадқиқот методлари – шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни бериш тамойиллари, объектив ва субъектив омилларини аникловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алока ва қонуниятларини маҳсус текшириш ва билиш усуслари.

Педагогик қаровсизлик - шахс ривожланишига барча омиллар мажмуасининг дезинтегратсия таъсири оқибати. Улар авваламбор тўлаконли индивидуал-психологик ривожланишни таъминловчи етакчи фаолият турларини қониқарсиз ўзлаштиришда намоён бўлади.

Педагогик талааб - турли ҳаракатларни бажариш, муайян фаолият жараёнида иштирок этишда ўкувчи амал қилиши зарур бўлган ижтимоий хулқ-автор меъёрларини ифодаловчи вазифа; тарбиянинг энг муҳим усули.

Профессионал ижтимоий педагогик фаолият - болалар ва ўсмирларни ўраб турувчи микрожамиятда ижтимоий тарбияси бўйича босқичма-босқич иш олиб бориш бўлиб, болаларнинг муваффакиятли адаптatsияси, индивидуаллашуви ва интегратсиясига каратилган. Унинг обьекти бола ҳисобланиб, предмети-болаларнинг ижтимоий тарбияси жараёнидир.

Рагбатлантириш - тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнгилини кўтариш ва уни қўллаб-кувватлаш усули.

Раҳмидиллик - кимгадир ёрдам беришга тайёр бўлиш ёки кимнидир хамдардлик, инсонпарварлик туфайли кечириш.

Реабилитатсия - bemornинг психофизик имкониятлари доирасида нормал меҳнат ва ҳаётга қайтиши. Бу авваламбор тиббиёт ёрдамидан инсоннинг жисмоний нуқсонларини бартараф этиш, иккинчидан маҳсус ўкув методларини қўллаш, учинчидан профессионал тайёргарлик асосида эришилади.

Референт гурӯҳ - инсон учун ўлчов бирлиги ҳисобланган тавсиялар, маълумотлар.

Рефлексия - инсоннинг ички руҳий фаолияти бўлиб, ўз хатти - ҳаракатлари, хислатлари, ҳолатларини англаб олишга қаратилган; инсоннинг ўз маънавий дунёсини англаб олиши.

Ривожланиш - шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган микдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

Ижтимоий адаптация (юонча адапто - мослашиш) – аномал болалар индивидуал ёки гурӯхли хулкларининг ижтимоий қадриятлар ва хулқ-автор қоидалари тизимиға мос келиши.

Ижтимоийлашув – ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши асосида шахснинг ҳаёт ва ишлаб чиқариш жараёнига мослашуви.

Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар - ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатлар, эътиқод ҳамда дунёкарашни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйгуси ва иродасига таъсир қўрсатиш усуллари.

Ижтимоий педагогика – ижтимоий муносабатлар жараёнида педагогик ғояларнинг тутган ўрни ва роли, шахсни касбий ва ижтимоий фаолиятга йўналтириш муаммоларини ўрганади.

Ижтимоий реабилитация (юонча реҳабилитас – лаёқати, қобилиятини тиклаш) – аномал боланинг психофизиологик имкониятларига таянган ҳолда унинг ижтимоий муносабатлар жараёнида иштирок этиши учун зарур шароит яратиш, ижтимоий фаолият ва меҳнатга жалб этиш.

Изоҳлаш (тарбия методи сифатида) – тарбияланувчига ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули.

Илмий дуёқараши - узлуксиз, изчил равишда мавжуд фанлар асосларини пухта ўзлаштириб бориш, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиш натижасида барқарорлашган дунёқарааш шакли.

Илмий тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли саналиб, ижтимоий воқеа-ҳодисалар, жараёнларга нисбатан илмий ёндашув.

Илмий қарааш (юончча «идеа» - гоя, тасаввур, тушунчалар йигиндиси) - муайян ҳодиса, жараённинг моҳиятини ёритувчи, илмий жиҳатдан асосланган фикр, гоя.

Индивид (лотинча “индивидуум” бўлинмас, ягона, алоҳида деган маъноларни англатади) – хатти-ҳаракатларини шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил эта оловччи биологик мавжудот.

Индивидуаллик - шахснинг ўзига хос хусусиятлари.

Институт - билимларнинг битта соҳаси доирасида аник ўналишлар бўйича олий ва қоидага кўра олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширувчи, юридик макомга эга таълим муассасаси.

Иқтисодий тарбия - ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўгри ташкил этиш ва ҳоказолар)ни ташкил этиш кўнкума ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик жараён.

Иқтисодий таълим - ўқувчиларга хўжалик юритиш тизими (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўгри ташкил этиш ва ҳоказолар) тўғрисидаги назарий билимларни беришга ўналтирилган педагогик жараён.

Ёш хусусиятлари - муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар.

Социум - инсоннинг ижтимоий атроф-мухити, ҳамжамияти.

Субмаданият - муайян инсонлар гурухининг хаёт тарзига таъсир килувчи ижтимоий психологик белгилар (норма, қадрият, стерiotип, дид) мажмуаси.

Сұхбат – савол ва жавоб шақлидаги диалогик таълим методи.

Тамойил (юонча «принсиуум») – бирор-бир назариянинг асоси, негизи, асосий бошлангич қоидаси; бошқарувчи ғоя, фаолиятнинг асосий қоидаси; умумлаштирилган талаб.

Тарбия – муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

Тарбия жараёни - ота-она ва ўкувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ҳамкорлик жараёни.

Тарбия мазмуни - шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳияти.

Тарбия методи (юонча «методос» – йўл) – тарбия мақсадига эришиш йўли; тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир этиш усуллари.

Тарбия назарияси – педагогиканинг мухим таркибий қисми; тарбиявий жараён мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари ҳамда уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

Ташхис –дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилаш.

Тафаккур (ижтимоий воқеа-ходисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли).

Таянч шахс - инсоннинг асосий ҳәётий интилишларини белгилаб берувчи табиий қолипдир. Таянч интилишлар ҳаммада бир хил бўлади, бироқ уларнинг намоён бўлиши генетик ва ташқи омилларга боғлиқ бўлади.

Тиббий-ижтимоий ёрдам - таълим-тарбия жараёнида соғликни тиклаш ёки мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар.

Тизим (мустакил тушунча сифатида) - ўзаро боғланган кўплаб элементлар (таркибий қисмлар) ўртасидаги мустаҳкам бирлик ва ўзаро яхлитлик.

Шахслараро муносабатлар - оммавий ижтимоийпсихологик ҳодисалар бўлиб, бир гурухда бўлган ва биргаликдаги фаолият ҳамда мулокот жараёнида бир-бирига таъсир кўрсатувчи шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлади.

Шахслараро муомала - инсонлар орасида алокалар ўрнатишнинг мураккаб жараёни. Педагогик жамоада шахслараро муомаланинг кўйидаги хусусиятлари тўғриланишига муҳтож: бъязи педагогларнинг сабрсизлиги, иродасизлиги, касбдошларини тинлай олмаслик, ўз макомини оқлаш. ижтимоий педагогик тренинглар, бошлангич педагог мактаблари орқали сабр-матонат, тинглаш маданияти каби хислатларни шакллантирса бўлади.

Шахснинг ҳаёт тарзи - мақсадга мувофик шаклланган қизикишлар, фаолият турлари ва ҳаёт йўллари тизими.

Шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши - бу инсоннинг ўз ҳаётий фаолиятининг субъектига айланишидир. Субъектлик-инсоннинг ҳаётдаги фаол, мустақил ҳолати ва мақоми. У инсон туғилишиданок унга хос бўлиб, унинг илк психологик намоён булиши боланинг жонланиши хисобланади. Ёш ўтган сари у ўз шаклларини ўзгартиради-инсонда ахлоқий, эстетик, ижтимоий ва психологик қўзғатувчи сабаблар пайдо бўлади. Инсон ўз-ўзини англаш, муомала ва фаолият субъектига айланади. Бу фаоллик ҳам шаклан ҳам мазмунан ўзгаради. Инсон қанчалик ёши ўча у шунчалик кўпроқ ўз-ўзини ривожлантириш субъекти бўлади.

Хайрия - алоҳида шахслар ёки ташкилотлар томонидан кам таъминланган оиласлар, муҳтожларга кўрсатиладиган ёрдам.

Ҳомийлик - вояга етмаганларнинг (бошқа тоифа инсонларнинг ҳам) шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя килиш шакли, яъни ҳомийликда васийликка караганда анча кенг тоифадаги болалар ҳуқуқлари ҳимоя килиниши мумкин.

Хукуқбузарлик - бирор-бир ҳукукни бузувчи ҳар кандай хатти-харакат. Ҳукуқбузарликлар ижтимоий хавфли ҳаракат ва жиноятларга бўлинади.

Усул - муайян ўқув материалини ўзлаштиришда қўлланилаётган асосий таълим методи билан бирга иккинчи бир таълим методининг айрим элементларидан фойдаланиш.

Фаолият - шахс томонидан табиий ва ижтимоий мақсадга мувофик ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши.

Фуқаро – фуқаролиги ҳукукий жиҳатдан эътироф этилган ҳамда муайян жамият (давлат) аъзоси бўлган шахс.

Фуқаролик – хуқукий ва ахлоқий меъёрларга онгли риоя этиш, маълум хуқуклардан фойдаланиш ҳамда бурчларни бажаришга масъуллик билан ёндошув, меҳнат жараёни ва жамоадаги фаоллик, маънавий етуклик асосида муайян давлатга мансублик.

Фуқаролик тарбияси – фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англатиш орқали ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни ҳалқ, Ватан, жамият учун фидоий фуқаролар этиб тарбиялашдан иборат.

Шахс - психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва ҳатти-харакатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян ҳулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамият аъзоси.

Шахсни ижтимоийлаштириши - уни жамият томонидан тан олинган ҳулқ-атвор меъёрлари, билим ҳамда қадриятлар тизимини ўзлаштиришдан иборат ижтимоий ҳаётга жалб этиш жараёни.

Шкалалаш – аниқ жараёнларни ракамлар тизими ёрдамида моделлаштириш.

Эмоционал заарланиши - бевосита эмоционал ҳолатларни узатиш орқали таъсир кўрсатиш (қўл, юз ҳатти-харакатлари, интонатсия).

Эмпатия - дунёга бошқалар назари билан қараш, уни бошқалар каби тушуниш, бошқаларнинг ҳатти-харакатларини уларнинг нуткай назарига кўра қабул қилиш ва шу билан бирга ўзининг тушунчасини билдиришга қодирлик.

Экологик маданият - ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

Экологик онг - табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси.

Экологик маданият - ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

Экологик тарбия - ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, уларнинг мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган педагогик жараён.

Экологик таълим - ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараён.

Экологик фаолият - экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-мухит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хатти-харакатлар мажмуй.

Эстетик тарбия - ўкувчиларни табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзаллигини идрок этиш, тўгри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳәётига гўзаллик олиб кириш қобилиятини тарбиялаш жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

Эътиқод - дунёкараш негизида акс этувчи ижтимоий- фалсафий, ҳуқукий, маънавий-ахлокий, эстетик иқтисодий, ҳамда экологик билимларнинг такомиллашган кўриниши; муайян ғояга чексиз ишонч.

Ўзаро муносабатлар - жамоада ижтимоий психологик иқлимин шакллантириш асоси.

Ўз-ўзини актуаллаштириши - инсоннинг ўз шахсий имкониятларини тўлиқ аниқлашга ва ривожлантиришга қаратилган доимий интилиш.

Ўз-ўзини англаш - инсон онгининг энг олий иродаси бўлиб, ўзи ҳақидағи тасаввурлар, хулқ-автори, фаолияти, эҳтиёжларини англашдан намоён бўлади.

Ўз-ўзини тарбиялаш - инсоннинг ўзида ижобий хислатларни шакллантириш ва салбий хислатларни бартараф этишга қаратилган, ташкиллаштирилган фаолияти.

Қадрияллар - ҳаракат усули, методикаси ва унинг индивидуал етимга айланиши учун шарт-шароит яратиш.

Курилма (установка) - муайян хулқ-автор, тасаввурни бошдан кечиришга тайёр бўлиш. Курилмалар фаолиятнинг баркарор кечишини белгилаб беришади. Агар шахсий курилмалар касбий фаолиятнинг характеристини белгилаб берса ижтимоий курилмалар мутахассиснинг мижоз билан ўзаро муносабати усулларига ойдинлик киритади.

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари - ўкувчиларнинг ўзини ўзи идора килишлари, турли ўкувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеларини ошириш максадида қўлланилувчи усуллар.

Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш - ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-харакати, хулқ-авторини таҳлил қилиш, мавжуд

сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этишга қаратилған фаолият усули.

Ўз-ўзини қайта тарбиялаш – шахснинг ўзидағи салбий одатлар, характеридаги заарлы сифатларни йўқотиш, уларни бартараф этишга қаратилған ички фаолияти жараёни.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси - ёшларни ватан ҳимояси ҳамда ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулодда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилған педагогик жараён.

Ҳикоя – ота-оналар томонидан далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, тасвирий воситалар ёрдамида образли тасвирилаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилиниши.

Хуқуқий маданият – шахс томонидан хуқуқий билимларнинг ўзлаштирилиши ҳамда хуқуқий фаолиятни ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи.

Хуқуқий онг - муайян жамиятнинг моддий ҳаёт тарзи билан белгиланадиган тасаввур, идрок, тафаккур ва эътиқодлар тизими бўлиб, ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида мураккаб тузилишга эга.

Хуқуқий тарбия - шахс томонидан ўзлаштирилған назарий-хуқуқий билимлар негизида хуқуқий фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, унда ижобий хуқуқий сифатларни қарор топтириш ва хуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилған педагогик жараён.

Хуқуқий таълим - ўқувчиларга хуқуқий меъёrlар, қонунлар ҳамда ижтимоий-хуқуқий муносабатлар моҳияти тўғрисидаги тизимланган билимларни бериш, уларда хуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, хуқуқий онгни шакллантириш жараёни.

Хуқуқий фаолият - хуқуқий меъёrlар, қонунлар талабларига нисбатан онгли ёндашиш, уларга катъий ва оғишмай амал қилиш, қонунларни ҳурмат қилиш, уларни шахс эркини ҳимоя қилиш кафолати сифатида эътироф этиш, хуқуқий муносабатлар жараёнидаги фаол иштирокни ташкил этишга йўналтирилған амалий хатти-ҳаракатлар мажмуси.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2022. – 21-22-бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 6-сон. 70-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон.
5. “Ёш оиласарни моддий ва маънавий қўллаб-куватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ПФ-3878 19 май 2007 й.
6. “Ўзбекистон Республикаси оиласи мустаҳкамлаш бўйича концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 қабул килинган Қарори.
7. Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори 1-иловаси. // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мағфура – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 14 -бет.
10. Каримов И.А. Оила фаровонлиги - миллият фаровонлиги / Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи. Халқ сўзи, 1997 йил 5-декабрь.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 52-бет.
12. Миллий истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 66-бет.
13. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлок. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 160 б.

14. Азаров Ю.П. Семейная педагогика. СПб.: Питер. 2011. — 400 с.: ил. — (Мастера психологии).
15. Азаров Ю.П. «Семейная педагогика. Воспитание ребенка в любви, свободе и творчестве. - М.: "Эксмо", 2015. - 496 с.
16. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тұплами. 20 жылдик (1987-2003)
17. Арабов И. А. Семья и этнокультурные традиции воспитания семьянина. Монография. - Карагачевск: КЧГПУ, 2016. – 104 с.
18. Арипова Г.Ш., Оиласда толерантлик тафаккурини шакллантириш. Пед.фан.ном.дисс. Т.: 2011
19. Артикова М.Б., Умумтағым мактаби ва оила ҳамкорлыги асосида ўқувчиларда тәдбиркорлық күнікмаларини ривожлантириш. Пед.фан.док.дисс. Т.: 2019.
20. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил. Ҳадис. 4 китоб. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ (Ишонарлы тұплам) 1-к. /Арабчадан З.Исмоил тарж.- Т.: Қомуслар Бөш таҳрияти, 1991. - 560 б.
- 21.
22. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – 21-бет.
23. Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. – Тошкент: “Адолат”, 2001.
24. Большая психологическая энциклопедия. Самое полное современное издание. – Москва: Эксмо, 2007. – С. 287.
25. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). К.2. /Нашрга тайёр. ва мастьуль муҳар. М.М.Хайруллаев. - Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1996. - 120 б.
26. Иммануил Кант Педагогика тұгрисида. Немис тилидан М. Ақбаров таржимаси. –Тошкент. “Нисо Полиграф”, 2013. – 232б.
27. Ибн Сино, Абу Али. Тиб қонунлари. 1-китоб. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1959. – 293-бет.
28. Иномова М. Оиласда болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 258 б.
29. Иномова М. Оиласда болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятларнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари док. дисс. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 1998. – 258 б.
30. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тавсирі / Тарж.ва тағсир муал. Шайх А.Мансур. Таҳр.хайъати: У.Алимов ва б. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” НМБ, 2012. – 254-бет.

31. Каримова О., Гоффоров З. Давлат ва ҳуқук асослари / Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 463-бет.
32. Каримова О. Ҳукукшунослик / Академик литеий ва касб-хунар коллажлари учун дарслик. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси Баш таҳририяти, 2007. – 106-бет.
33. Каримова В. Оила психологияси. – Тошкент. Ўқитувчи, 2007. - 316 б
34. Каримова О. Ҳукуки асослари – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2003. 154 б.
35. Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси – Тошкент: Фан, 2006. 142 б.
36. Қаххорова М., А.Мусурмонова, М.Нурматова Маҳалла ва оиласда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш. –Т.: Фан нашриёти, 2021й.
- 37.
38. Квинтилиан. О воспитании оратора. Часть 1. – Москва: Санкт-Петербург – С. 118.
39. Махмудов Т. “Авесто” хақида. – Тошкент: “Шарқ”, 2001.
40. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
41. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллый гуур / Ўқув кўлл. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999. – 200 б.
42. Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
43. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси Концепцияси. – Тошкент: РТМ, 1993.
44. О.Хасанбоева ва б. Оила педагогикаси. – Тошкент: “Алоқаши”, 2007. – 384 бет.
45. Оила психологияси / Акад.литсей ва касб-хунар коллажлари ўқувчилари учун ўқув кўлланма. Г.Б.Шоумаров ва б. Г.Б.Шоумаровнинг таҳрири остида. – Тошкент: “Шарқ”, 2008. – 296 бет.
46. Педагогика тарихи / К.Хошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Хасанов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
47. Подласый И.П. Педагогика. – М.: Гуманист.изд.центр ВЛАДОС, 2003. – 256 с.
48. Педагогический энциклопедический словарь – Москва: Владос, 2002. – С.257.
49. Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. 1-кисм / Олий таълим муассасалари учун дарслик. М.Х.Тоҳтаходжаевнинг умумий

тахрири остида. М.Х.Тохтаходжаева ва б. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2007. – 285-бет.

50. Педагогика назарияси / Олий таълим муассасалари учун дарслик. Муаллифлар: М.Х.Тохтаходжаева ва б. Проф. М.Х.Тохтаходжаеванинг умум.таҳр.остида. – Тошкент: “Молия-иқтисод”, 2010. – 302-бет.

51. Педагогик маҳорат: схема ва расмларда / Методик қўлл. Н.Эркабоева, М.Усмонбоева, М.Иргашова, Н.Хўжаназарова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 57-бет.

52. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет.қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 98-бет.

53. Сластёнина В.А. Общая педагогика. – М.: Владос, 2003. Ч.1.

54. Саломатлик. Оммабоп медицина энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбек энциклопедияси Бош редакцияси. – 1985. – 41-бет.

55. Сафаров О. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 248 б.

56. Сафаров О. Махмудов М. Оила маънавияти. – Тошкент: “Маънавият” 2009. – 248-бет.

57. Тарбия / ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия. Тузувчи: М.Н.Аминов. Масъул мухар. А.Мажидов. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – 141-бет.

58. Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. I-қисм / Олий таълим муассасалари учун дарслик. М.Х.Тўхтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. М.Х.Тўхтаходжаева ва б. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 302-бет.

59. Тросян В. История образования и педагогической мысли. – Москва: Педагогика, 2006.

60. Тўраева О. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. 154 б.

61. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблар. –Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 1998. – 53-бет.

62. Холиков А. Педагогик маҳорат. – Тошкент: ИҚТИСОД МОЛИЯ, 2011. 425 б.

63. Хўжаниёзов Т. Оила тарихи ва хукуқ. – Тошкент: Адолат нашриёти, 2006. – 255 бет.

64. Эгамбердиева Н.М. Ижтимоий педагогика. Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 бет.

65. Ўзбек тилининг изоҳли луҳати. Е – М / 5 жилдли. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳир хайъати: Э.Бегматов ва б. – Тошкент:

- “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 636-бет.
66. Ўзбек тилининг изохли луғати. Н – Тартибли / 1жилди. Учинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 680 бет.
67. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Мирий – Пархиш / 6-том. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – 469-бет.
68. Ўзбекистан Миллий энциклопедияси. Шарқ – Қизилкум / 10-жилд. Таҳрир ҳайъати А.Азизхўжаев ва б.к. – Тошкент: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – 269-бет.
69. Қодирий, А. Ўткан кунлар / XX аср ўзбек роман туркуми. Таҳрир ҳайъати И. Шоғуломов ва б.к. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1995.
70. Қуронов М. Оталар китоби (Ёш оталар учун тарбия тўғрисида биринчи китоб). – Т.: “Озбекистон”, 2006. – 806.
71. Қуронов М. Миллий тарбия. – Тошкент: Маънавият, 2007. – 240 б.
72. Қуронов М. Болам баҳтли бўлсин, десангиз...: ота-оналар учун. – Т.: “Маънавият”, 2013. – 320.
73. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тавсир / Тарж.ва тафсир муал. Шайх А.Мансур. Таҳр.ҳайъати: У.Алимов ва б.к. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” НМБ, 2012. – 404-бет.
74. Фофуров И. Ўзбекистон киёфаси: мозийга назар, муҳокама, мушоҳада. Давра сухбати / Миллий тикланиш газетаси, 1996 йил, 6 март.
75. Ҳасанбоева О. ва бошқалар. Оилада баркамол авлод тарбияси. – Т.: “Фан ва технология”, 2010. – 361 бет.
76. Ҳошимов К., Очил С. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2010. – 421 б.
77. Catarsi Ye. Pedagogy of the family. - Italiy.: 1 libri di Yemil, 2012.
78. James H., Bray Mark Stanton. The Wiley-Blakwell Handbook of Family Psychology. –USA, Springer, 2012.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
И ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ – ЎҚУВ ФАНИ СИФАТИДА.....	5
БОБ.	
Оила педагогикаси ўқув фанининг мақсад, вазифалари ва предмети	-
Чет элларда оила педагогикаси фанининг ривожланиш тарихи	33
Ўзбекистонда “Оила педагогикаси” фанининг ривожланиш тарихи	54
Оиланинг ҳуқуқий асослари. Ота-оналар ва фарзандларнинг бурч, мажбуриятлари	73
Оила турлари	89
Оиланинг вазифалари	100
Замонавий оилаларнинг ўзига хос хусусиятлари	118
ИИ ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИННИГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ 130	
БОБ. ...	
Оила тарбиясининг мазмун-моҳияти	-
Оила тарбиясининг шакл, метод ва воситалари	143
Оилада болаларни миллий ифтихор ва миллий гуурр руҳида тарбиялаш	156
Оилада болалар билан мулокотни йўлга қўйишнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари	177
Бола тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги	204
ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАР	441
ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР	459
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ	474

**АЗИЗА МУХСИЕВА
УМИДА АБИРОВА**

ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ

ДАРСЛИК


Muharrir: I. Tursunova
Badiiy muharrir: B. Haydarov
Kompyuter sahifalovchi: N. Fayziyeva
Korrektor: Sh. Hikmatova

Nashr. lits. AI № 276 15.06.2015.
Bosishga ruxsat etildi. 28.06.2023.
Bichimi 60x84 1/16 Offset qog'ozি.
Times New Roman garniturasи.
Shartli bosma tabog'i 30,25. Nashr hisob tabog'i 21,3.
Adadi 100 nusxada. Buyurtma № 09-10.

“LESSON PRESS” MChJ nashriyoti.
100071. Toshkent, Komolon ko'chasi 13.

«ZUXRA BARAKA BIZNES» MChJ bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent shahri Bunyodkor shoh ko'chasi 27 A-uy.

ISBN 978-9910-747-27-4



9 789910 747274